

63.3/2931

599

84




ОЛИМЖОН БҮРИЕВ



CH0000014444

АМИР ТЕМУР



Төлсүр үз юртини күй севар эди,
Юрт деб, псон бершии мукарар эди.
Базар тоғларидан то дәрәйт Чин,
Төлсүрға төбөгдүр-бу Турондалин!

Робул
R. S.

63.3 (643)
6 99

И

ОЛИМЖОН БЎРИЕВ

АМИР ТЕМУР

Шеърый роман




ALISHER NAVOIY NOMIDAGI
TeshDO'TAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

65

ТОШКЕНТ
ЧУЛПОН НАШРИЕТИ

ТОШКЕНТ
ЧУЛПОН НАШРИЕТИ



Мелур ўз юртини кўп севар эди,
Юрт деб, нсон бериши муқаррар эди.
Базар тоғларидан то дарёйи Чин,
Мелурга тобегдур-бу Турондамин!

Робул

ОЛИМЖОН БЎРИЕВ

АМИР ТЕМУР

Шеърый роман



ТОШКЕНТ
ЧУЛПОН НАШРИЕТИ

Уз 1
Б 95

Ушбу асар Амир Темур таваллудининг 660 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси ҳузуридаги илмий-бадший кенгаш қарорига биноан нашр этилди.

Тақризчилар: Академик Азиз Қаюмов,
профессор Нажмиддин Комилов.

Масъул муҳаррир Нурали Қобул

Бўриев, Олимжон.

Амир Темур: Шеърий роман (Масъул муҳаррир Н. Қобул). Т.: Чўлпон, 1996.—416 б.

Форс мумтоз адабиёти дурдоналари ҳисобланмиш Абдурахмон Жомийнинг «Юсуф ва Зулайхо», «Лайли ва Мажнун», «Саломон ва Абсол», Насафийнинг «Баҳориёт»—«Ким зўр?», Низомийнинг ҳикоятлари асосида «Баққол ва тулки», «Чор китоб» асарлари таржимони, «Аттойр», «Илтифот», «Замахшарийнома» китоблари муаллифи Олимжон Бўриевнинг «Амир Темур» шеърий романи Темур ва темурийзодалар ҳаётини ёритишга бағишланган. Муаллиф темурийлар давлати иқтисоди, фан ва маданият ривожига улкан ҳисса қўшган давлат арбоблари, улуғ алломалар, фалакшунослар, шонру муаррихлар фаолиятига ҳам кенг эътибор берган.

Асарни ўқир экансиз, Темур таъсири рамзий давом этганлиги ва унинг ақтидори шарофатидан Қозизода Румий, Улуғбек, Жомий, Навоий, Мирканд, Хондамир, Беҳзодлар етишиб камол топганлигини сезасиз.

Уз 1

Б 4803620202—41 - Қўш. 96
360(04)—96

© Чўлпон нашриёти 1996 йил.

ISBN 5—8250—0527—7

Жаҳонга машҳур саркарда Амир Темур ҳақида кўплаб тарихий асарлар ва бадиалар битилган. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг замондоши, Абдурахмон Жомийнинг шогирди ва жияни Абдуллоҳ Хотифийни ҳисобга олмаганда ҳеч бир хамсанавис шоир ўз бешлигида «Искандарнома» ўрнида «Темурнома» деган дoston ёзмаган. Бу ас ҳозиргача Амир Темур ҳақида ёзилган маснавий жанридаги ягона дoston эди.

Олимжон Бўриевнинг «Амир Темур» шеърӣ романи маснавийда ёзилган бўлиб, катта меҳнат эвазига амалга оширилгани сезилиб турибди. Асар маърифӣй ва тарбиявий аҳамиятга эга. Шоир ўз фикрини мантиқан ҳикоятлар орқали тўлдириб боради. Ҳикоят ва ривоятлардаги гоёлар Темур образини очишга қаратилган бўлиб, шоир ўз ижобӣй қаҳрамонини тимсол даражасигача кўтаришга ҳаракат қилган.

Академик Азиз ҚАЮМОВ.

Айтиш керакки, Амир
Темур ҳақида қадимдан
тарихий асарлар ёзилган
бўлса-да, аммо унинг
ишларини яхлит ифодаловчи
достон яратилган эмас. Шу
боис Олимжон Бўриев
асарини бемалол
«Темурнома» дейиш
мумкин. Асар равон ўқилади.

Аммо, ҳамма гап шундаки
у ўқувчига нима янгилик
беради, мавжуд тарихий
асарлардан нимаси
билан фарқланади?

Бу саволга жавоб бериб
шуни қайд этмоқчимиз:

О. Бўриев асари, гарчи
тарихий воқеаларни бир
бошдан такрорласа-да,
аммо унда бадий-поэтик
кўтаринки руҳ бор.

Шоирнинг муносабати,
ҳис-ҳаяжони бор.

Иккинчидан, киритилган
ҳикоятлар ва ривоятлар,
асарнинг бадийлигини
қувватлантирган дейиш
мумкин.

Профессор: }
Нажмиддин КОМИДОВ.

АМИР ТЕМУР



ИБТИДО

Бисмиллоҳир-раҳмонир-раҳим,
Бер кушойиш, эй улуғ ҳақим.
Қадим ўтган улуғ подшоҳлар
Ҳам ғофилу доно огоҳлар.
Қуфру боён кўрмаган Кавн,
Бир подшоҳни мисли Фиръавн.
Етмагандай унга подшолик,
Даъво қилган ҳатто худолик.
Хасис, мулкдор мисоли Қорун,
Мулкдор шоҳни кўрмаган очун.
Фуқаролар яшаган сайид,
Минг йил давр сурганда Жамшид,
Забт айлаган жаҳонни Шохдор,
Ҳамон номи забонларда бор.
Набиймиди ё шоҳ Искандар,
Иўқ у ҳақда бир аниқ хабар.
Бу оламда қилишиб ур-сур,
Дорр бирла Хитойи Фағфур.
Рум қайсари, саҳро тулкиси,
Тинглаганнинг келар кулгиси —
Кетса Чингиз ҳақида калом,
Баъзи нодон ҳам беэҳтиром.
Ул дажжолни аждодга менгзаб,
Кўргузса гар шоирона табъ.
Нодонлиги аломатидир,
Ҳам миллатга ҳақоратидир.
Оллоҳ нури яшнаб заминга.
Адашганлар киришди динга.
Одамларга берди рўшнолиқ,
Файз-барака юбориб холиқ.
Бошланганда ўсиш, жараён,
Ўтказганда ҳукмини «Қуръон».
Жангдан тўхтаб Эрону, Турон,
Бўлганида бари мусулмон.
Илму фанда кийиб олтин тож,

Дониш ила бахш этиб ривож,
 Туғилишди фахри дунёлар,
 Ал-Беруний, Ибн Синолар.
 Ат-Термизий, Имом Бухорий,
 Замахшарий фикҳда орий,
 Ҳамда юзлаб аҳли донишлар,
 Жаҳоншумул қилишди ишлар.
 Гоҳ синаш-чун пок-парвардигор,
 Юрт бошига юборди ғубор.
 Улат, вабо тимсоли бўлиб,
 Эзгуликнинг ғассоли бўлиб,
 Одам қонин ичгувчи тўнғиз,
 Увлаб келди саҳродан Чингиз.
 Рухул-қудус Ҳазрати Жомий,
 Бордир бир байт, шундоғ каломи:
 «Чингизки буд гурги ин дашт,
 В-аз гургияш жаҳон тixи гашт» —
 Бўри эди бу даштда Чингиз,
 Еб битирди жаҳонни, эссиз.
 Минг асрлар яшнаган диёр,
 Хору хасдек топталди илк бор.
 Қўплар топди ўзига қабр,
 Лек «Қуръон»да калом бор сабр.

МОЗИЙГА ТАҚЛИДАН ҚАЛАМ СУРМАК ВА СЎЗ ИНЖУЛАРИНИ ҚОҒОЗГА ТУШУРМАК

Олимжонга бериб тавфиқ доим,
 Ҳидоят йўлига бошла худойим.
 Дилимни айла кони муъжизотинг,
 Тилимни айла маддоҳи сифотинг,
 Тубан ишларга асло урмайин қўл,
 Менга ёруғ жаҳонда раҳнамо бўл.
 Нурунг бирла чароғон эт дилимни,
 Узинг некликка ўргатгил тилимни.
 Қароликдан дилимни тоза этгил,
 Тубанликдан баландовоза этгил.
 Севиклим меҳри доим эрди жонда,
 Муборакюзли этгайсан жаҳонда.
 Ёзардим ғийбату мен майда шеърлар,
 Уқиб они куларди турфа эрлар.
 Гоҳи овлаб нигоролар дилини,
 Яқин айлаб висолу маҳфилини,
 Менга шўху дилоро ноз айлаб,

Фалак ишқин дилимга боз жойлаб.
 Гўзал қизлар сузиб кўз, ханда айлаб,
 Мени ҳирсу ҳавасга банда айлаб.
 Гоҳи носвой, гоҳи чоғирни отиб,
 Умр ўтди гоҳи ғафлатда қотиб.
 Йўлиққан чоғи гоҳ устоз Азизий,
 Мени ундар эди, ёзсамки чизий.
 Мукаммал бўлсаю дoston бўлса,
 Уқиган кимсага шоён бўлса.
 Сочиб мушк таърифи Хўтанга етса,
 Бу иш овозаси оламга кетса.
 Мени ёзғонларим машҳур қилса,
 Маъоний гулшанин маъмур қилса.
 Юракларга севинч ҳиссини сочса,
 Калит янглиғ муаммоларни очса.
 Хаёлга толдинму қилдим тафаккур,
 Экан маслаҳати мақбул ташаккур.
 Утиб ёшлик, келибон навқиронлик,
 Қарирсан, бермагай дунё омонлик.
 Ато бирла ано эркан ғанимат,
 Аларнинг борлиғи ҳам бир саодат.
 Ешим ўттиздан ошиб кетди онам,
 Бу оламда мени ёлғиз-яғонам.
 У йилким зилзила Арманда бўлди,
 Не Арман мен ғариб фарзанда бўлди.
 Бир олам чекди Арман мотамини,
 Менга ҳам қўшди онамнинг ғамини.
 Энди бир мингу тўққиз юзу саксон,—
 Саккиз, кўнглим ғаму қайғуда яксон.
 Онамнинг сўгида учганда тойир,
 Сўғун уч байт битдим мисли шоир:
 «Ҳар юлдуз чароғи сўнса самодан,
 Бир одам кўз юмар ёруғ дунёдан...
 Фалак деб аталган бу вайрондан
 Не қолур айрилсак агар онадан?..
 Сўндинг қиблагоҳим мисли Аттоир,
 Мен сендан оламда қолган битта нур»...
 Меҳрибон волидам Бекмурод қизи,
 Сўниб бу оламдан ёруғ юлдузи.
 Қолганди тўққизта меросхўр фарзанд,
 Дуойи жониға бўлишди пайванд.
 Бузруквор падарим Бўри Бобоҳон,
 Онам риҳлатидан кейин бедармон,
 Икки йил дунёнинг оғусин тотди,
 Уни ҳам бу фалак бақога отди.

Доимо жойлари жаннатда бўлсин,
Илоҳим ёр бўлсин, иззатда бўлсин.
Инсон нима ўзи?— Бир сиқим тупроқ,
Тириклар, шу ҳақда ўйлайлик кўпроқ.
Тақдир ёзуғини ўзгартмас ҳеч ким,
Баримиз бир куни бўламиз етим.
Шу боис солмасдан даҳшат, қасирға,
Шукрона айтайлик доим тақдирга.
Бўлар-бўлмас ишга сарфланиб қоғоз,
Зарур нашрларга етди инқироз.

* * *

Эзгу ният билан гўзал бир дoston
Езиш дилимдаги ушалмас армон.
Юртни қонга бўяб чингиззодалар,
Туронда кезаркан ваҳший подалар
Ҳақнинг лутфи бирла чарақлади нур,
Туғилди қасосдан музаффар Темур.
У ҳақда ёзилган юзлаб китоблар,
Шарқу Фарб оламда минглаб хитоблар.
Бири золим деса, бири дер одил,
Ҳар неда ўхшашлик бўлар икки хил.
Бировга тарсаки туширган одам,
Золимлик қилдим деб ўйламас ҳеч ҳам.
Тарсаки еган-чи, ҳар икки дунё
Унутмас чекдим деб бир умр жафо.
Темурхон туфайли неча улуслар,
Ҳинд ила Овруро ҳаттоки руслар.
Чингиз зарбасидан омонда қолган,
Темур паноҳ бўлган давронда қолган.
Ва лекин Темурнинг шону шуҳрати,
Даҳолиғ илмию ҳарбий қудрати
Нечундир солинмай шеъру дostonга,
Ҳайкал қўйилмаган соҳибқиронга.
Ёзган «Хамса» навис азиз устозлар,
Искандар ҳақида бўяб қоғозлар,
Балки Фирдавсийга қамтилаб хома,
Ёзилса арзирди туркий «Шоҳнома».

ХУДОНИНГ ЯККА-ЁЛГИЗЛИГИ ВА ДАРГОҲИНИНГ ЧЕКСИЗЛИГИ ҲАҚИДА

Яккаю ягона пок парвардигор,
Доим бўл ҳар ишда менга мададкор.
Сенинг номинг бирла борлиқнинг номи,
Фалакнинг жунбуши, ернинг ороми.
Барча мавжудотни яратдинг эгам,
Измингга мустаҳиқ эрур ҳар одам.
Жаҳон подшоҳлари сени дегай шоҳ,
Қимки шак келтирса, у эрур гумроҳ.
Фалак барпо этиб юлдуз яратдинг,
Тафаккур бирла ҳикмат-сўз яратдинг.
Бериб инжу каби нозик тахайюл,
Қаро ердин чиқординг гоҳи оқ гул.
Ғаму шодлигу бердинг ваҳму даҳшат,
Туну кун ою офтоб очди талъат.
Баланду пастни ул асровчи шоҳдур,
Унинг борлигига борлиқ гувоҳдур.
Вужуди ҳар неки мавжуд қоҳир,
Нишони барча кўргувчига зоҳир.
Этибон қудрати юлдузни бунёд,
Табиат санъатидан бўлди обод.
Зако аҳлини кўзи қорасидур,
Ғарибу бенаво ғамхорасидур.
Худо ёлғиз дея этсанг тавалло,
Бўлур сенга мададкор доим олло.
Бўлолмас ҳеч шоҳаншоҳ ундан ортиқ,
Қули бўл, унга ўзни айла тортиқ.
Жаҳонда ҳар ненинг бордир қиёси,
Ақлга сигмагай лек интиҳоси.
Уни излаб чиқибон арзи афлок,
Ваҳмни чок этар наълини идрок.
Фаросат ухлабон уйғонди ҳушёр,
Ки билмас эрди рости чапни зинҳор.
Эрур осон киши гар олса дониш,
Уни ҳайратга солгай лек ҳар иш.
Уфурган чоғи бўлди нақши пайдо,
Сўғун ул пардадан бўлди ҳувайдо.
Муборак ҳукми кеч бўлгайми ё зуд,
Ушал бўлгай не деб ҳукм этса маъбуд.
Мудом дунё сирини изла одам,
Баридур сенда, сен унда мужассам.
Чу гул садпора қил бу боғда ўзни,
Тутиб бўлмас салим овлоқда ўзни.

Сен эрдинг хоку хок янглиг кетарсан,
 Худо руҳ бермаса, эй хок, нетарсан?
 Яна берди ақл идроку тил ҳам,
 Инонсин деб ўзига пок дил ҳам.
 Туғилган чоғи инсон шамчироғи,
 Аига фарз ўлмасидан ҳақ вароғи.
 Бари бокира фарзанди банидир,
 Гадоми ул ва ё ибни ғанидир.
 Етибон вояга фарзанди инсон,
 Бўлар кофир ва ёки ул мусулмон.
 Агарда қисмати икромии бўлгай,
 Муҳит бирла падар исломи бўлгай.
 Бўлар ул навжавон муслими оллоҳ,
 Яратган йўлида хизматда ҳар гоҳ.
 Атоси бўлса кофир ё мусулмон,
 Юрар фарзанд анинг измида ҳар он.
 Яратган кимга не қисмат яратмиш,
 Яралганга тугал хизмат яратмиш.
 Қиёси ақл эрур ҳар жойда даркор,
 Далили бирла ошкор этса қаҳқор.
 Хаёлотингга олдин бермагин роҳ,
 Ки тоғ келгайми олдиндан ва ё чоҳ,
 Сўра доим — худо бўлгай мададкор,
 Ўзингни ҳар тешикка урма юз бор.
 Қидирсанг ҳар чироғдан рўшнолиғ,
 Худо ёлғизлигига бер гувоҳлиғ.
 Гоҳида нақшимиз сувдан яратгай,
 Гоҳи тупроғдан гулранг таратгай.
 Ақл бердики, то фаҳм айлағаймиз,
 Басират берди то ваҳм айлағаймиз.
 Юборди нўҳ фалакка офаринга,
 Муҳандис тарҳини рўйи заминга.
 Жигардан сувни жонга озиқ этди,
 Бериб ақлу фаросат ҳозик этди.
 Яратди олти ён соҳиб тафаккур,
 Заминга берди сўнгра тўрт унсур.
 Яратди барча махлуқотни қодир,
 Киши билмаски қандай бўлди содир.
 Шу янглиғ барчасин этди саранжом,
 Ақл лолдурки қандай этди итмом.
 Қидирма мулк бирла подшолиқ,
 Ки беҳдир шоҳликдин порсолиқ.
 Яралса ҳар неки топгай таназзул,
 Йўғу бор этгувчи қодир эрур ул.
 Этар авфу гуноҳу ҳам саховат,

Йўлида айласанг тинмай ибодат.
 Берибон кимга молу кимга ихлос,
 Унинг бу қилмиши ўзигадур хос.
 Бирига берди то қолгайдир ортиб,
 Хасис этди бирин то олса тортиб.
 На бергувчи хабар бергай беришдан,
 На олгувчи эрур воқиф бу ишдан.
 На ўт билгайки у ёққувчи унсур,
 На сув билгайки у оққувчи унсур.
 Кишига муштарак бўлмас худованд,
 Эрур ҳаммол каби эл ҳукмига банд.
 Йўли ҳаммолларида борми журъат,
 Унинг қасрида ёлғон дегали ҳад?
 Қиёслар қолмагай пинҳона бир из,
 Насими келтирар бор бўлса не ис.
 Таажжуб қудратингдан, ё худоё,
 Бу янглиғ айладинг оламни барпо!
 Бериб нону насиба ҳар кишига,
 Вале жим боқасан қилган ишига.
 Қиёмат соати етса харобе,
 Бўлар ҳар кимсадан унда ҳисобе.
 Умр ўтгай, не кечгай зори ҳолим,
 Сўрар авфи гуноҳин сендан, Олим.

ҲАҚ ТАОЛОДАН ИМОН СУРАМОҚ ВА ТАВФИҚ САОДАТИНИ КАЛОМ ГУЛДАСТАСИГА УРАМОҚ

Заминда бўлса не ризқу насибим,
 Бари сендан етар менга ҳабибим.
 Дилимни аввало сен пок этдинг,
 Илоҳий ишқ ила ғамнок этдинг.
 Не сўрдим мулку давлат ҳақ йўлида,
 Тутиб ўзимни паст мутлақ йўлида.
 Фақирлиғдин илм-эъжод сўрдим,
 Шу йўлда озгина имдод кўрдим.
 Забони форсий бирла туркий эрди,
 Бу йўлда ички туғён туртки эрди.
 Улуғ Жомий илик устозим ўлди,
 Ҳам устоз, ҳам пири мумтозим ўлди.
 «Нури мунзал» ҳикоётига оид,
 Фасоҳат бирла ёзган ҳам улуғ дид,
 «Зулайхою Юсуфнинг қиссасини»,
 Қўшиб юз бора ҳикмат қиссасини.
 Ани таржима айлаб турк тилига,

Солиб нур ўқиғонларнинг дилига.
 Ҳам андин баҳрае олдимки денгиз,
 На денгиз дур ила шаҳворки тенгсиз.
 Йўлимда ечилиб бор мушкулотим,
 Хайр ишдан бўлиб хуррам ҳаётим,
 Емонликдан оғиб яхши томонга,
 Берилмай ишрату нафси жаҳонга,
 Гоҳида Мавлавийга килк урдим,
 Ҳазал дарёси гоҳ Ҳофизни кўрдим,
 Гоҳи Саъдий етаклаб «Бўстон»га,
 Гоҳи тортди Низомий қаҳқашонга.
 Алардан ҳайратим ошиб тамоми,
 Иноят янградиким, эй Низомий!
 Само сайёҳлариким айлагил шарҳ,
 Нечун ер гирдида доим урар чарҳ.
 Бу меҳробгоҳ аро кимдир худоси,
 Бу чарҳ урмоғидан не муддаоси?
 Не ишташгай бу хил маҳмил сурибон,
 Не излашгай бу хил манзил юрибон?
 Нечук юргувчи бу тургувчи улдир,
 Буни деди қимирла, они жим тур?!
 Қийишиб тўнларин гул мисли зебо,
 Ибодатга камар боғлашди гўё.
 Мени ҳайратга келтирди у юз бор,
 Бу бутхона аро боғлайми зуннор?
 Дилимга келди бир сўз, бўлма золим,
 Бу ўткинчи жаҳонда англа, Олим!
 Санамларга бу янглиғ бўлма шайдо,
 Уларнинг бўлмагай меҳри ҳувайдо.
 Бари оворадурлар мисли паргор,
 Яратганга этиб ўзни талабгор.
 Бирор бутхонани ёпмакка қодир,
 Эсангда нега сен ёпмайсан охир.
Сев, Иброҳим йўлида шиква отғил,
 Вале бутхонадан бутни йўқотғил.
 Эурсан бутпараст бутга тикилсанг,
 Етарсан ҳаққа гар чилпарча қилсанг.
 Замину кўкда ҳар не бўлса содир,
 Илоҳим ганжининг тилсими охир.
 Ёпиқ тилсимни чекиб ранж топарсан,
 Очолсанг остидан юз ганж топарсан.
 Фалак нақшига боқма ул хаёлдир,
 Бу мушкилни ечиш амри маҳолдир.
 Менинг осмон сирига раҳбарим йўқ,
 Бу сирдан ўзга билган гавҳарим йўқ.

Агар билсанг сирин айлаб тафаккур,
Қилар эрсанг бу оламни тасаввур.
Йигирса қандай ўз чархини кампир,
Фалак ҳам айланур шундоқ, йўқ сир.
Худованд лойимизни қоргани он,
Васиқатнома ёзди бахш этиб жон.
Сенингким неча хайр-эҳсонларинг бор,
Заифларга бўлурсан, эй худо ёр.
Шу уммед бирла ҳар хил наҳс босиб,
Эрурмиз ҳимматингга номуносиб.
Йўқ эрса қайдаги туфроғ эрурмиз,
Сенинг кўчангдаги бир доғ эрурмиз.
На биздан келгуси шойиста хизмат,
Қилармиз эҳтиром шоҳини иззат.
Ва лекин бандамиз, хилватнишинимиз,
Етолмай сенга билгилки ҳазинмиз.
Агарки бизни ҳам қилсанг гуноҳкор,
Дегай амрингни ким нотўғри жаббор?
Дариг деб қолмайин ул лаҳза дилчок,
Мени лутфингга қонеъ айла, эй пок!
Ҳидоят айладингми менга зоҳир,
Аввал бердингми қайтиб олма охир.
Гуноҳим кечки ҳаддан ортиғ этдим,
Хижолатни ўзимга тортиғ этдим.
Мени у йўлга солки эътиқодим,
Нажот йўлида юрсин минган отим.
Сенга азм айладим қилмакка хизмат,
Адашсам тўғри йўлни менга кўрсат.
Чунон тутгилки, йўғу борлиғда,
Ўзинг бўл ҳамдамим ғамхорлиғда.
Дили мастимни сен ҳушёр этгил,
Ғофил уйқудаман, бедор этгил.
Чунон ухлатки келса вақти хобим,
Тўкилса гар гулим, қолсин гулобим.
Тилим келтиргани чоғи шаҳодат,
Ишим оқибати кулгай саодат.
Димоғи дардмандимга даво бер,
Давойи хоки пойи Мустафо бер!

РАСУЛУЛЛОҲ МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР ВАСФИДА СОЧИЛГАН КАЛОМДАН ГАВҲАР

Муҳаммад сўнги ҳақ пайғамбаридур,
Жаҳоннинг шоҳи, олам сарваридур.

Бани инсон вужуди хок эрди,
Сано, таҳсинки, қалби пок эрди,
Бағишлаб кўргучи кўзларга ул нур,
Бериб борлиққа зийнат бирла шуур.
Муҳаббат кўйи, майдони вафони,
Сипоҳсолору шоҳу анбиёни.
Ямоқ, кийган неча кампиру чолни,
Шафоатхоҳ неча афтодаҳолни.
Етимларга бериб эпкин шамоли,
Бўлиб ундан сағирлар дур мисоли.
Эрур маънода одамзод ноdir,
Жаҳонда йўқ унингдек бир жавоҳир.
Шариат қонунида тўрт ҳад бор,
Бинойи чордевори абад бор.
Бериб пайғамбарига мўъжизот ул,
Паноҳида эрур кимки ҳаёт ул.
Жаҳонда янги дин бунёд этгай,
Ки андин ўзгасин барбод этгай.
Меҳрда меҳрибон, тундлиғда чун шер,
Тили гоҳи калиту гоҳи шамшер.
Аёздек бир вазирки номи кетган,
Бўлиб толеъи ёр Маҳмудга етган.
Тутиб илгига оллоҳ тиғи нусрат,
Темирдан нақшу тошдан берди қудрат.
Кароматдан хижил айлаб тубанни,
Итобга олди динга кирмагани.
Сув узра гул каби мўнислари шод,
Ичиб сув мисли сарви олам озод.
Солиб сарви самони кўк ҳолга,
Сочибон салласи анбар шамолга.
Миниб шоҳона отга шаҳриёри,
Турар чор навбатида чорёри.
Гуноҳкорман хатолар ўлди содир,
Набиulloҳ нетай, не қилгум охир?
Қилурман илтижо, эй равзаи пок,
Қачон етгай сенинг васлингга бу хок.
Гуноҳим гарчи тоғдек уллиқондир,
Сенинг дарёйи авфинг бегарондир.
Шафоат эт, сўрайман илтижокор,
Бўлиб ҳар ишда ёвар ҳам мадаккор.

ШЕЪРИЯТ ГУЛЗОРИДАН ТУРФА ГУЛЛАР УЗМАҚ, СОҲИБҚИРОН АМИР ТЕМУР ҲАҚИДА ГУЛДАСТА ТУЗМАҚ

Фалакка соябон султон керакдир,
На ожиз соядек мўлтон керакдир.
Нағора қоқишиб қушлар навосоз,
Саҳар чоғи таралди беш хил овоз.
Сўғун ўткинчи тахтга чиқди Жамшед,
Шоҳаншоҳликда эрди номи хуршед.
Сўнг андин келди етти шоҳи фағфур,
Ёзишди янги сўзлар бирла машхур.
Темурхон бўлди оламда жаҳонгир,
Қўлида Зулфуқордек эрди шамшир.
Келу тарихга бир наззора айла,
Сўғун қоғоз юзини қора айла.
Қозон султон эди тахт узра ҳоким,
Мингу уч юзу ўттиз олти токим.
Баҳор ҳангомида гуллар букиб бел,
Эсиб Кеш шаҳридан анвойи бир ел.
Хабар келтирди офтоби жаҳон деб,
Туғилди бир ўғилким паҳлавон деб.
Тароғай бахти кулган зот атоси,
Тагина мушфиқа тукқан аноси.
Ўзи исломи фарзанд турки жўжа,
Бўлиб оламга улғайганда хўжа.
Саодат буржидан ёғду таратди,
Ўзига етти иқлимни қаратди.
Туғилмасдан бурун доно падар чун,
Ҳумоюнбахт туш кўрди ётиб тун.
Келиб осмонида офтоб чарақлаб,
Узоқ вақт отани турди дараклаб.
Улуғлар қошида қовуштириб қўл,
Тилашди унга неклик бирла оқ йўл.
Дуоғўйи азизу анбиёлар,
Мақоми жангу илму ошнолар.
Самодан нур сочиб сайёралар ҳам,
Қуёш ой бирла юлдузлар бўлиб жам.
Унинг қошида сокин турғай эрди,
У юрса изми бирла юрғай эрди.
Тароғай кўз очиб қилди тахайюл,
Туманхон таъбиридан яшнади ул.
Баҳодир Қожули фарзанди хурди,
Келиб андин дадонинг буди бурди.
Бўлиб пайдо саккиз чўх ситора,

Берур энг кенжаси улкан шарора.
 У бўлгай бир дарахти мевадорким,
 Юрар йўли дегилки лолазорким.
 Қадам қўйғонида тупроғ зар ўлгай,
 Юриш жангу жадалда раҳбар ўлгай.
 Анга тенг келмагай ҳеч сарвару шоҳ,
 Мададкори ҳамиша ҳақтаёоло.
 Гўдаклиғдин қаригонича юрғай,
 Мудом ағёларин йўлдан супурғай.
 Севар пирлар уни, шайх авлиёлар,
 Йўли тупроғи бўлгай подшолар.
 Қаерда кўрса бир арбоби динни,
 Улар ҳурмат-ла қошида заминни.
 Бирор фозил ва ё донони кўрғай,
 Уни ҳурмат ила ҳолини сўрғай.
 Қарини сийлагай ёшга буюрғай,
 Сўзини бўлса ким, шердай қутурғай.
 Илм бобида Афлотунга шогирд,
 Саховатда улуғ Жайхунга шогирд.
 У ҳеч дўстларга қилмасди хиёнат,
 Хиёнатпешада бўлмас диёнат.
 Гуноҳини кечиб хоинни бир бор,
 Олар бошин хиёнат қилса такрор.
 Ёниб оташда, сувда чўкмас эрди,
 Биров қонини ноҳақ тўкмас эрди.
 Фалакдан кўрди кўп жабру жафолар,
 Ғанимлиқ қилди унга бевафолар.
 Қаерда бўлса бир доною кордон,
 Йўлида ғов бўлар жоҳилу нодон.
 Темур ўсган муҳит кўп соф эрди,
 Ҳисор тоғи чу кўҳи Қоф эрди.
 Оёқда тургани чоғи жаҳонгир,
 Кезарди оҳу янглиғ тоғу ҳам қир.
 Меҳрдан қўймагай эрди замина,
 Оёғи чиққанича то Тагина.
 Ёши учга етиб кирганда ақли,
 Эди ўн ёшли чоғли қадди нахли.
 Чиқиб тўрт ёшда абжаддан саводи,
 Битиклар лавҳи янглиғ эрди ёди.
 Мудом такрор этиб Оллоҳу акбар,
 Уқиб «нур» илмидан бўлди муяссар.
 Ҳадиси анбиёю илми маъруф,
 Эди анга дегилким «куф» ила «суф».
 Дақойиқда эди нозик мижоз ул,
 Фиқҳда қил тасаввур кийди тож ул.

Адаб илмида табъи назм эрди,
 Хаёлида на ишрат-базм эрди.
 Агар ўқиса бир бор ул китобни,
 Тутарди хотирида ҳар хитобни.
 Ёши ўн тўртга етгач бўлди комил,
 Сиёсат корига сўнг бўлди шомил.
 Қўрарди гоҳ мўғуллар аскарини,
 Эзарди ерли халқ ёшу қарини.
Қелиб бошига фикри кинахоҳлик,
 Тугилди орзуйи подшоҳлик.
 Қалам тутган қўлига олди шамшир,
 Эди чапдасту ҳам ўнгида моҳир.
 Уриб найза била юз газ масофа,
 Эмас бу айтганим лофу газофа.
 Югурик отга ул сакраб минарди,
 Тўсинни урса мушт бирла, синарди.
 Курашда бўлса қанча тенгу ҳамқур,
 Баридан ул чиқарди ғолибу зўр.
 Агарда отса шиддат бирла ханжар,
 Ун-ўн беш газдан ул ағёрга санчар.
 Қулатгай эрди нарра шерни мушти,
 Атайлаб ҳар куни юз бор уришди.
 Вале машқ, ўзгаю ўзга бўлур жанг,
 Киши кўнглига йўл топмоқ эмас нанг.
 У сийлаб тенгу тўшини саросар,
 Ўзини тутгай эрди чун баробар.
 На нўён ўғлиман деб ноз этарди,
 На юксакка чу қуш парвоз этарди.
 Шу боис дўстлари кўпу фаровон,
 Мудом атрофида бир қалбу бир жон.
 Қаён юрса улар гирдида боргай,
 Қаён қўл урса, чангини чиқоргай.
 Кишилар бирлашиб чиқмай нифоқе,
 Бари бир йўлда бўлса иттифоқе.
 На тожу тахт, улар дунёни олгай.
 Жаҳон ҳукми улар илкида қолгай.
 Йигитлар сони аввал юзта эрди,
 Бу ҳад зарби сўгин тўққизта эрди.
 Тароғай кўнгли тоғ янглиғ ўсарди,
 Уғул даҳшат, балоларни тўсарди.
 Амир Барлос Ҳоҷжиким ағоси,
 Эди Кеш ўлкасин фармон равоси.
 Чу юрт ободу эл озод эрди,
 Бари давронга юз аҳсант дерди.
 Ривоят айлагайдир бир муаррих,

Назмда бўлди шундоқ ушбу таърих:
 «Чу ул Туғлуқ Темурнинг келди қаҳри,
 Сочилди юрт бошига марги захри.
 Йиғиб атрофига у бир лак аскар,
 Самарқанд сори йўл босди диловар.
 Ҳавоким муътадил, ҳам иссиғ ўлғай,
 Мўғул лашкарлари кўп сассиғ ўлғай.
 Дегайларким улар асло чўмилмас,
 Ҳаромзода ғусул, таҳротни билмас.
 Бадан кирини бир йил еса бўлғай,
 Алар бадбўйли тўнғиздай туюлғай.
 Раҳмсиз қаҳри чўх қоплон янглиғ,
 Оқар дарё йўлидан қон ранглиғ.
 Камон отғонда эпчил бача ёғий,
 Бўлар найдек тешик инсон томоғи.
 Қилич чопмакда моҳир яксар эрди,
 Қиличи тегса ҳар бир бошни ерди.
 Узун арқонли бўш эрди каманди,
 Тутарди қирқ қадамдан ёвни банди.
 Мушук янглиғ эдилар тезу чаққон,
 Ғанимдан қўрқмагай монанди сиртлон.
 Темур Туғлуқ эса бир катта аждар,
 Илонзордек эди гирдида лашкар».
 Аввал бел боғлади Барлос Ҳожи,
 Қурашмоқлик учун бошида тожи.
 Йиғиб Кеш ўлкасидан кўп қўшунни,
 Ғанимдан бўлди у тўкмоқчи хунни.
 Юҳога қарши де қўзғалди одам,
 Вале сонун саноғу зарбада кам.
 Келиб Жайхун бўйига толди ғамга,
 Пушаймон айланиб аччиқ аламга,
 Дедики, чорасизлик чора бўлди,
 Менинг бахтим бу йўлда қора бўлди.
 Савашсам, ёв бийик бошимни олғай,
 Чекинсам, юрт ғаним пойида қолғай.
 Чиқибман жанггаю қилмай тафаккур.
 Аросатда қолибман, хайра, маъзур.
 Темурким ҳар йўсинда комил эрди,
 Илм, идрок йўлида омил эрди.
 Амир Барлосга деди ортга қайтинг,
 На кекхоҳлик ҳақида шиква айтинг.
 Ғанимга қарши ўқ совға-саломим,
 Менга қалқон эрур айтган каломим.
 Темур Туғлуқ билаң учрашди Темур,
 Кўзидан куч, юзидан ёғилиб нур.

Тутибон ўзни ул Хоқонга тобе,
 Ки йўқса айлагай юртни харобе,
 Бериб кўп ҳадя совғаю салом ул,
 Дебон ёқимли ҳикматли калом ул.
 Темур билгай эди ўзни тутишни,
 Сиёсат бирла ағёрни ютишни.
 Темур Туғлуқки нелар қилди даъво,
 Барига деди Темур ҳукми олло.
 Дегайсан қанча солиқ, қанчалар бож,
 Бари бўлгай бажо эй соҳиби тож.
 Агарчи истагинг бўлмайди қонёв,
 Биров ёким бўлар йўлингга монёв.
 Ушал дам лашкарингни мисли дарё,
 Олиб бор, раҳм қилма бизга асло.
 Раият этмаган чоғи итоат,
 Ярашгай қилмасанг гар раҳму шафқат.
 Бу йўлда сўнса ҳам иқбол қуёшим,
 Бу йўлда кетса ҳам гар мени бошим,
 Кафил мен, муҳлат айла бори бир йил,
 Не қилсанг ҳукми оллоҳ сўнг ўзинг бил.
 Темур Туғлиқ бу сўзлардан бўлиб лол,
 Дилида тик алифи бўлди чун дол.
 Темур сеҳри дилига ботди чун тир,
 Бу янглиғ кўрмаганди у асотир.
 Изига қайтди мисли тигли дарё,
 Тўлиб ханжар, қилич ўқларга саҳро.
 Яна ўз юртига бўлди равона,
 Сўгинги чингизийи Хусравоға.
 Темур қайтиб келиб юртига такрор,
 Қўшин йиғди, анга бўлсин худо ёр!

**АМИР ХОЖИ БАРЛОС ВА ИДИКУНИ
 САБЗАВОРНИНГ ХУРОША ҚИШЛОҒИДА
 ТУТГАНЛАРИ ВА ТУҒЛУҚ ТЕМУРХОНГА
 ҚАРШИ ҚУЗБОЛГАНИ УЧУН ҚАТЛ
 ЭТГАНЛАРИ**

Жафокордир азалдан чархи гардон,
 Этар одамни доим хору сарсон.
 Бирини айлаганда бахтиёр ул,
 Бирини айлагайдир хору зор ул.
 Бири бахти кулиб омадга етгай,
 Бири ғамдан бақо мулкига кетгай.

Одамзод одамга беролмагай жон,
Гарчи жонин олар инсонни инсон.
Кўзига бу олам кўринса гўзал,
Ўлмоқни истамас киши ҳеч маҳал.
Ва лекин очкўзлик туфайли одам,
Чекар икки дунё уқубату ғам.
Танида жўш уриб барлослик қони,
Узилди Барлоснинг танидан жони.
Гуноҳи не эди бичилди кафан,
Бўлди шаҳидларча бошдан жудо тан.
Сўнгра биродари Идику Нуён,
У бирла ёнма-ён этилди қурбон.
Бадмеҳр фалакнинг азобидан дод,
Бўлди иккиси ҳам шаҳид номурод.
Амир Темур бўлди бу ҳолдан дилхун,
Йиғди қасос учун тинимсиз қўшун.
Бир куни қадами етса Сабзавор,
Хоки туроб бўлар пойида ағёр.
Хўроша аҳлидан бўлса ким сотқин,
Шубҳасиз барини этгай ерпарчин.
Сўнг Туғлуқ Темурхон саҳройи аждар,
Томоғига ботар дудама ханжар.
Шернинг чангалида тулкилик қилар.
Саҳройи ҳар неки қилғулик қилар,
Унга ҳам бу дунё қилмади вафо,
Ёғоч отга миниб кетди ғамзудо.
Ўрнида хонхўжа Илёси қолди,
Қозон кетган билан қароси қолди.
Шамширини солди Темурхон ишга,
Ёвларни юртидан ҳайдаб суришга.
Ҳали чиқмасидан қиличи қиндан,
Имдодхоҳ кўпайди узоқ яқиндан.
Амир Баён Сулдуз билан Ҳусайин,
Довлашувни бўлди ўзаро тайин.
Ҳусайн лашкар тортиб чиқди Кобулдан,
Бош кетса ҳам, обрў кетмасин қўлдан.
Ҳусайин элчиси етгани маҳал,
Темур бошлаб чиқди лашкарин жадал.
Ҳисор қалъасида учрашди улар,
Кетди Ҳусайндан ғаму қайғулар.
Темур шарпасини эшитиб Сулдуз,
Тоғли Бадахшонга томон бурди юз.
Темур манглайини олса нишонга,
Тегарди зарбаси лекин даҳонга.
Кўтармоқчи бўлса от эгаридан,

Сездирмай урарди қоқ қаншаридан.
 Чўзмоқчи бўлса гар ёв қулоғини,
 Бўғиб олар эди нақ томоғини.
 Ҳар доим Темурдан қўрқарди душман,
 Унинг мардлигига берар эди тан.
 У ҳақда ёзилган номалар бисёр,
 Бирини дўст ёзган, бирини ағёр.
 Узи битиб кетган «тузуқлар» ҳам бор,
 Деким олмос кўзли узуклар ҳам бор.
 Низомиддин Али, ҳазрати Шомий,
 Муаррихлар аро тенгсиз, киромий.
 Гоҳ Али Яздийдан эзгу «... нома» лар,
 Тарихни қон билан битган хомалар.
 Ижобий қаҳрамон Темур кўрагон,
 Амирул-муслимдек дунё сўраган.
 Ибн Арабшоҳда жаҳонгир салбий,
 Шунга мойил бўлган муаррих қалби.
 Бордир ҳар нарсанинг икки томони
 Ҳамда сифатлашнинг яхши-ёмони.

ДОСТОННИ ЁЗИШДАГИ ИЛК МУШОҲИДА, АМИР ТЕМУР УЛУҒЛАР НИГОҲИДА

Доям туғилганда мен йиғи билан,
 Киндигимни кесмиш ишқ тиғи билан,
 Саодат ёр бўлиб, келиб оламга,
 Муносиб бир фарзанд бўлдим Одамга.
 Дилимга ёғилиб нури ҳидоят,
 «Алҳам»дур илк бор мен ёдлаган оят.
 Севгидан бошланган менинг қисматим,
 Сўнг етди жаҳонгир бўлишга ҳаддим.
 Биринчи аждодим сиғинган ўтга,
 Шукур сиғинмаган ҳеч бири бутга.
 Кўкдан нозил бўлиб тўрт улуғ китоб,
 Ҳақ номидан қилган Расуллар хитоб.
 «Забур»ни қироат қилганда Довуд,
 Эриган қиличу қалқону совут.
 Қушлар боши'узра келиб чарх урган,
 Овози сеҳридан кетолмай турган.
 Ростини айтганда соҳиби тадбир,
 Қўлида мум бўлган ҳар қандай темир.
 Бузрук падаримга хуш келиб ул зот,
 Илги бахш этар деб темирга ҳаёт,
 Қалбида туғилиб ундан хуш орзу,
 Номимни қўйгандир Темурхон деб у.

Хон бұлсин мустақкам темир мисоли,
 Деган падаримнинг нияти холи,
 Хон бұлдим ва лекин бошладим нолдан,
 Мен бунн сўрадим олий иқболдан.
 Ҳақ зикрин ёд этиб дилда доимо,
 Мададкорим бўлди ҳар ишда Мусо.
 Ҳассасин ташласа, бўлгандай аждар,
 Ғанимни қақшатди мен урган ханжар.
 Кўзимга суртмадим гарчи «Таврот»ни,
 Енгдим лек мен бисёр насроний зотни.
 Ҳазрат Исо олиб келганда «Инжил»,
 Изидан бормаган бирор соҳибдил.
 Йилларни қолдириб, йиллар ўтдилар,
 Қабилла элату тиллар ўтдилар.
 Эътиқод қилмаган юзлаб хоқонлар,
 Ўтдилар гадойи шуҳрату шонлар.
 Мусонинг илгида мавҳ бўлди Фиръавн,
 Шундоқ қисматини ёзган экан Қавн.
 Жаҳонни забт этиб улуғ Искандар,
 Ҳеч кимнинг кўксига урмаган ханжар.
 Илоҳий куч бўлган асли у даҳо,
 Инсон қудратини кўрсатган зако.
 Хусраву Доролар оддий чўпчаклар,
 Ваҳший элат бўлган массагет, саклар.
 Мелодий тақвимга кириб ўзгарди,
 Ҳижрий сана билан қилганда юриш,
 Оламнинг сарвари Муҳаммад Расул,
 Жаҳонга подшоҳу яратганга қул.
 Даҳрга келтирди ҳақ томондан нур,
 Бўлгай ул абадий боқий ва манзур.
 Қилич бирла эмас, даъват-ла келди,
 Энг улуғ юртларга навбат-ла келди.
 Рад этди Эрону, хуш кўрди Турон,
 Тан олди Исломни сўнг рўйи жаҳон.
 Зулфиқор шамширин ўйнатиб Али,
 Қофирлар бошини узган маҳали.
 Унга тенг келолмай бирорта ботир,
 Ер тишлаб иймонсиз минглаб баҳодир.
 Кетди абадият чоҳи дўзахга,
 Ҳам мангу олову ҳам мангу яхга.
 Ислом тарихига югуртириб кўз,
 Топмадим севгидан улуғроқ бир сўз.
 Ҳақ севгиси тушиб элим дилига,
 Гарчи тушунмасдан араб тилига,
 Деди такрор айлаб ёлғиз оллоҳим,

Кечир бўлса агар зарра гуноҳим.
 Муҳаммад Расули — Ҳақ пайғамбари,
 Худонинг энг сўнги элчи сарвари.
 Ҳақ берди баракот Туронзаминга,
 Доим худо ёрдир ким кирса динга.
 Ва лекин тарихда синовлар бисёр,
 Комил инсон учун каж ғовлар бисёр,
 Темурдан илгари ўтган ҳар улуғ,
 Шу юртнинг номини сақлади қутлуғ,
 Илму фан бобида Ибн Синолар,
 Беруний мисоли улуғ даҳолар.
 Имом Бухорию машҳур Термизий,
 Ҳар тасвирда бордир Нақшбанд изи.
 Тарихга чуқурроқ кўз тиккан сари,
 Тирилиб келади Аз-Замахшарий.
 Ва лекин қиличу гурзи гаронда
 Темурга тенг ботир йўқдир жаҳонда.
 У ҳақда битилган минглаб китоблар,
 Тарихий, бадний, лирик хитоблар.
 Ҳам ўзи яратган машҳур «тузуклар»,
 Ҳар нега қодирдир ахир буюклар.
 Бўлмаса шоирда истеъдод, қалам,
 Унга йўл бермагай бу сирли олам.
 Ўлдим-куйдим дея қоралаб қоғоз,
 Ном олар охири у қофиябоз.
 Ҳақ ўзи кечирсин ҳар бир бандани,
 Лабдан аритмасин севинч-хандани.
 Аввало Жомийнинг шогирди, жияни,
 Абдуллоҳ Ҳотифий қидириб маъни,
 Ёзган «бешлиги»да синаган хома,
 Охирги достони бор «Темурнома»,
 Мен ғариб этай деб уни таржима,
 Бу ишдан охири чиқмай бир нима,
 Мутаржим эмасу бўлиб муаллиф,
 Охир бу дostonни айладим таълиф.
 Рости гап Ҳотифий асарин топмай,
 Топсам ҳам табдилга ҳеч дилим чопмай.
 Эр киши ҳар доим бўлар бир сўзлик,
 Энг ёмон одатдир ақидадузлик.
 Баъзилар бу йўлда бўлишди машҳур,
 Вале ишларида йўқдир файзу нур.
 Эҳтимол қоғозга урмасдим қалам,
 Илҳомчим бўлмаса агар бир одам.
 Кўп улуғ ишларни айлаган устоз,
 Кўргузди мен учун амалий ниёз.

Номин пинҳон тутиб ибтидосида,
Айтарман иншоолло интиҳосида.
Урганиб тарихий китобларни сўнг,
Бошладим ёзишни қатъий ҳамда чўнг.
Фикру ғоядузлик саналмагай бу,
Бор ҳар бир шоирнинг дилида орзу.
Улуғ устозларни кўрдим киромий,
«Хусрав ва Ширин» да айтар Низомий.
Бор экан турфа хил эртак-ривоят,
Бахш этиб ижодий қудрат, сироят,
Яратган жаҳд ила беш гўзал достон,
Ҳамон қарсак чалар эшитса жаҳон.
Андин андозани олгандир навий,
Яратиб беш достон Амир Хусравий.
Устоди аввалим Ҳазрати Жомий,
Мен учун мактабдир ҳар бир каломи.
Янгича ёндашиб, қилиб тафаккур,
Айлаган еттита дostonни манзур.
Туркий тил қудратин айлаб намоён,
Ҳазрати Навоий зулли қўшлисон.
Шу йўлда беш достон битган муносиб,
Улуғ устозларнинг изини босиб.
Шу орзу менга ҳам бермасдан уйқу,
Дилимга ҳукмрон бир эзгу туйғу.
Ёшликда борида куч ила мадор,
Қолдирай ўзимдан бирорта ёдгор.
Бир пайтлар кўп эди йўлимда ғаним,
Ҳеч мақбул бўлмасди куйиб ёзганим.
Мунаққид ниқобли кўп эди доно,
Бир айбинг топарди кўрган ҳамоно.
«Изчиллик етмайди, ё дер эди ғўр»,
Ёзганинг бўлса ҳам қойилмақом зўр.
Шукурки истиқлол довули туриб,
Кетди нопокларни буткул супуриб.
Ўзим ҳам энди ёш ҳаваскормасман,
Тобландим, юз нопок ғанимга басман.
Килкимда турланиб ҳикмат маънолар,
Шеърларим дилимдан оққан дарёлар.
Мен тақлид қилмадим ҳеч маҳал ғарбга,
Эътиқод йўлида тайёрман ҳарбга.
Менда ҳам хато бор, эмганман хом сут,
Лекин ният эзгу, шукӯр юрак бут.
Мурод мақтанишмас ёки камситиш,
Улуғлар йўлида мақсад иш тутиш.
Шеър туйғуси ўлса шоирлар носир,

Шоир бўлолмас лек ҳар ақли қосир.
 Ким гўзал бўлмаса бермагай ноз зеб,
 Узр, атаманглар қофиябоз деб.
 Шеърда бўлмаса гар вазну қофия,
 На тулпор ҳаттоки эмасдир бия.
 Турғунлик йиллари талай шоирлар
 Услуб илинжида «кашфчи пирлар».
 Ёзишди «верлибер», қофиясиз «оқ»,
 Узга ғояларга бўлиб ўйинчоқ.
 Булар ҳам тарихнинг балки оқ доғи,
 Йўқ бундай доғларнинг сону саноғи.
 Бўлса ҳар шоирда туғма истейдод,
 Элга манзур бўлар у қилган ижод.
 Декабрь ойининг йиғирма учи,
 Жума кун итди шоирнинг кучи.
 Тонгги соат тўртда уйқуни бузиб,
 Бошлади дostonни на режа тузиб.
 Йилнинг тўқсон тўртин тугаб хушфароғ,
 Донм ёниб турсин хонамда чароғ.
 Аввало тинч бўлсин юрту Ватаним,
 Соғу омон бўлсин ҳар бир севганим.
 Йўқдир бу асарда нжобий, салбий,
 Ёзди не буюрса шоирнинг қалби.
 Улуғ қаҳрамоним жаҳонгир Темур,
 Ғояси йўлимни ёритди чун нур.
 Уч ёшга тўлмасдан ўғлим Аслзод,
 Эҳтимол тугар бу гўзал мўъжизот.
 Бир дoston ёзмоқни истардим жуда,
 Улуғлар ҳақида юрмай беҳуда.
 Даҳолар бермагай гарчи эътибор,
 Не қайғу азобда ёнар ижодкор.
 Шоир ёзмас асло ул-қизин учун,
 На эл, балки ёзар у ўзин учун.
 Бўларми-бўлмагай кимгадир мақбул,
 Узийчун ёзган деб айласин қабул.
 Орада ётгайдир улкан масофа,
 Табиий ёндашмоқ лофу газофа.
 Сўзни ҳақ яратган барчага тенгдир,
 Ким бўлса қалби кенг йўли ҳам кенгдир.
 Улуғлар ҳақида ёзганда асар,
 Ким бўлса бу бахтга агар муяссар.
 Шубҳасиз кўрилар юзлаб китоблар,
 Бўлмас ёзувчига таъна хитоблар.
 Кучи етганича ҳар кимса ёзар,
 Сўзи ё хашакдир ёки дуру зар.

Собит эътиқоддан этмасдан жудо,
 Не ёзсам мадад бер, ўзинг, эй худо!
 Тарихда кўп эрур турфа ақида,
 Буюк Амир Темур ҳазрат ҳақида.
 Ибн Арабшоҳнинг хомаси жоду,
 Бир оз маломат-ла ёндошади у.
 Оллоҳга шукрки тақдир қазоси,
 Замона гардиши унинг ризоси.
 Ҳазрат Одам Ато давридан буён
 Фақат эзгуликка интилар инсон.
 Инсон ёзуғида не бўлса азал,
 Қочиб қутулолмас ундан ҳеч маҳал.
 Одамни синаш-чун пок-парвардигор
 Гоҳ этар муҳтарам, гоҳи қилар хор.
 Истаса, чиқаргай арзу фалакка,
 Истаса, ургайдир етти қат такка.
 Гоҳи одамзодни айласа хурсанд;
 Гоҳи уқубатга айлагай у банд.
 Гоҳ берар одамга қийноғу азоб,
 Гоҳ берар давлату гоҳ этар хароб.
 Гоҳида кечиргай кенгдир даргоҳи,
 Қиёмат кунининг эрур подшоҳи.
 «Нури мунзал» билан юрт бўлиб обод,
 Яшарди халойиқ эътиқод-ла шод.
 Балою офатдай ёғилиб хуруж,
 Келди Шарқ тарафдан яжужу маъжуж.
 «Чингиз бу оламда эди бир бўри,
 Дастидан қуриди одамлар шўри».
 Айлади сахрони қони билан фарқ,
 Илк бор қизил қонга ғусул қилди Шарқ.
 Булғаниб Туроннинг наслу насаби,
 Юз йилча чўзилди бу ҳол асабий.
 Қумурсқа мисоли эзилганда халқ,
 Доимо бир нидо келар эди: Қалқ!
 Келса ҳам гар ўлим вабоси билан,
 Ҳар бир дард берилар давоси билан.
 Хазон янглиғ бўлиб яшнаган Турон,
 Оламга келди бир қасоскор инсон.
 Ҳижрий саккизинчи қутлуғ асрда,
 Туғилди Темурхон махфий қасрда.
 Дунёни айлагай у алғов-далғов,
 Шер бўлса илгида тулки бўлар ёв.
 На ўю фикрини билар бир одам,
 На сезар шодлигин, на чекканин ғам.
 Туғилмай шамоли етганда ур-сур,

Темирдай мустаҳкам, номи ҳам Темур.
Аввал пайдо бўлди унинг қисмати,
Покликда пок эрур унинг исмати.
Эди ҳам одилу саховатпеша,
Элнинг дуосини олиб ҳамиша.
Яратган эгамга қилиб эътиқод,
Оллоҳни таниди туғилган заҳот.
Саййид Муҳаммадга келтириб имон,
Ҳақ ва пайғамбар деб чиқарди забон.
Азалдан маълумки дунё саришта,
Бўлгани кунданоқ битта фаришта
Оғзига олгандир «лавҳул-маҳфуз»ни,
Башарнинг қисмати ёзилган сўзни.
Тош бўл деб амр этди яратган оллоҳ,
Айланди шул замон тошга у дилхоҳ.
Ҳажарулавсаддур ул тошнинг номӣ,
Қаъба деворида мангу мақоми.
Бўлганда охират қиёмат-қойим,
Қайта тирилтириб уни худойим.
Қисмат ёзуғини оғзидан олар,
Ё жаннат, ё мангу дўзахга солар.
Банданинг қилмиши гуноҳми савоб,
Бўлар амалига яраша жавоб.
Шу боис кимники суйса гар худо,
Бўлар ёшлигидан у ақли расо.
Худо Муҳаммадни айлаб пайғамбар,
Доим юришларда қилди музаффар.
Шу янглиғ қисматдан Амир Темур ҳам,
Саналгай тарихда азиз-мукаррам.
Тарих битиклари эмас дур, мунчоқ,
Тарихдан лозимдир олмоқлик сабоқ.
Шарқу Ғарб титради, титради жаҳон,
Темурхон ҳайқириб туғилган замон.
Бевафо дунёга бермайин кўнгил,
Топди дунё билан у донмий тил.
Аввал пок заминга бағишлаб шукуҳ,
Нур билан чўмилиди бамисоли руҳ.
Сўнгра золимларга билдирмасдан сир,
Барига едирди бирма-бир шамшир.
Ким қандай этмасин ёзганда талқин,
Ҳар ким улуғлагай ўз она ҳалқин.
Улуғ одамларда кўп бўлар хато,
Эзгу ишларини камситмас илло.
Темур бунёд этган буюк мамлакат,
Иншоолло бугун кўтаргайдир қад.

ТЕМУРХОН НАСЛУ НАСАБИ ҲАҚИДА ИБН АРАБШОҲДАН ҚОЛГАН АҚИДА

Амир Темур ҳазрат ибн Тарағай,
Анинг шажараси ибн Абағай.
Турилган қишлоғи Хўжайи Илғор,
Кешнинг жонибида худо бўлсин ёр.
Оламга келганда маъсум чақалоқ,
Кўкда пайдо бўлган темирваш қалпоқ.
Хушбўйлик таратиб айлабон парвоз,
Кўкка сингиб кетмиш топиб инқироз.
Сочлиб атрофга ундан чўғ-учқун,
Жаҳонни ҳарорат қопламиш бутун.
Яна айтурларки у туғилган он,
Худо қудрати-ла ёришган жаҳон.
Бу ҳолни фолбину аҳли башорат,
Турфа талқин этмиш, ҳатто ҳақорат:
Демишлар бўлғай ул йўлтўсар ўғри,
Ҳар не таъбирлари чиқди нотўғри.
Бирови деганмиш шўрта бўлади,
Яъни сармиршаби ўрда бўлади.
Бирови деганмиш бўлади жаллод,
Бирови деганмиш каллакесар, дод!
Фолбин, азойимхон кўринг азалдан,
Ёлғон сўзлагандир амал-тақалдан.
Зероки, донишманд Ибн Арабшоҳ,
Қасам ичиб туриб бар ҳақи илоҳ,
Езмади агарчи қилиб шикоят,
Хаёл мевасидир ҳар бир ҳикоят.
Ёшликдан улғайиб бўлгунча машҳур,
Буюк орзу билан яшади Темур.
Ҳусни таважжуҳи ёқиб Оллоҳга,
Эришди салтанат, юрт тахту жоҳга.
«Миш-миш»дан иборат асли бу дунё,
Ғанимлар Темурни камситиб гоҳо,
Дедилар яшаган фалокат босиб,
Отаси экан бир камбағал косиб.
Узи эса кескин ўспирин бўлган,
Болаликда довқур ҳам шўрин бўлган.
Улғайиб ночорлик жонига тегиб,
Бормаган бировга бўйнини эгиб.
Ота оч, она оч, укалари оч,
Емак топиш учун қидириб илож,
Жўнабди саҳрога этгали шикор,
Йўлида бир жонлиқ бўлибди дучор.

Сурувдан ажралган оқсоқ қўй экан,
 Очлик ва қисматга Темур бериб тан,
 У қўйга ва леккин бермай эътибор,
 Йўлда кетаверди манглайда ғубор.
 Темурни ўғри деб айлабон гумон,
 Унга ҳужум қилди барзанги чўпон.
 Чўпон зарбасига Темур бериб чап,
 Оёқ қўйди тушди ағдарилиб зап.
 Чўпон таёқ билан яна бир урди,
 Темур шукуҳини зимдан тушурди.
 Оғриқу таҳқирдан кириб туғёнга,
 Йўлбарсдек ташланди Темур чўпонга.
 Бераҳим чўпон ҳам уни янчишга,
 Уринди бир-икки ханжар санчишга.
 Тошиб Темурбекнинг кучу ғайрати,
 Унга сезилмасди тан жароҳати.
 Курашди ёш шердек олишиб, сўғиб,
 Чўпонни ўлдирди охири бўғиб.
 Оқсоқ қўйи қолиб чўпонни сабил,
 Темурга тиг уриб этганди бисмил.
 Оқиб баданидан чашмадек қони,
 Ҳушидан кетди у тугаб дармони.
 Ул чўпон Мўғулшоҳ қароли эди,
 Мўғулшоҳ даврнинг қаттоли эди.
 Қўйининг изидан йўқолгач чўпон,
 Тўлди Мўғулшоҳнинг кўзларига қон.
 Буюрди сипоҳин тўплаб доруға,
 Бари йўл олишди саҳро сориға.
 Чинқириб оламини бузиб чун тўнғиз,
 Даҳшат солиб борар авлоди Чингиз.
 Уларга йўлиқди аввал оқсоқ қўй,
 Гўё дардларига бўлиб чоражўй.
 Мўғулшоҳ совлиқни кўриб бесоҳиб,
 Ҳайратдан довдираб қолди чун роҳиб.
 Нарироқ борсалар иккита жасад,
 Ётар бир-бирига ёвуқ белаҳад.
 Чўпон кетган эди нарги дунёга,
 Излаб мақомини дорулбақога.
 Ёнида ётарди ўспирин беҳуш,
 Кўрарди у жуда ғалати бир туш:
 Майдонда курашар бир тўп паҳлавон,
 Бари ёш, аслзод, бари навқирон,
 Худо қудратини қаранги Темур,
 Курашда баридан чиқар эди зўр.
 Сўнг улар тўпланиб ўйнашди чавгон,

Курашнинг ғолиби Темур паҳлавон.
Ушбу ўйинда ҳам чиқарди ғолиб,
Рақиб коптогини ўзғириб олиб.
Охири тортишди бирма-бир камон.
Темур отмаганди ёйни ҳеч қачон.
У отган ўқ тегиб юлдуз кўзига,
Яна қайтиб тушди унинг ўзига.
Тушида ким урса агар нишонга,
У бўлар арзанда еру осмонда.
Темур билмас эди уни не кутар,
Шу лаҳза Мўғулшоҳ ҳуш дори тутар.
Аксириб кўзини очиб ёш йигит,
Кўриб сарбозларни бўлди таъби хит.
Баногоҳ туркийча алфозни бузиб,
Мўғулшоҳ сўради лутф кўргузиб.
«Не бўлди сўзлаб бер, паҳлавон жигит,
Қопдими пойингдан сездирмай бу ит».
Бир тепиб, тўнғиздай қўпган чўпонни,
Кўриб раҳми келди ердаги қонни.
Ўйлади Мўғулшоҳ бу ўспирини ёш
Бўлар ботирларнинг ботирига бош.
Оғриқдан дафъатан дили беҳузур,
Ҳушдан кетган эди дармонсиз Темур.
Дилига солдими эзгу ҳис илоҳ,
Бирга олиб кетди уни Мўғулшоҳ.
Машҳур самарқандлик табиби Комил,
Темур оёғини кўриб кетди зил.
Ярадор шер янглиғ Темур паҳлавон,
Бўлди кўзларини очганда ҳайрон.
Бошида ўтирар бир зоҳидсиймо,
Ҳолинг қандай дея айлади имо:
Тишининг оқини кўрсатди Темур;
Матонати бўлди табибга манзур.
Кунба-кун соғайиб навқирон Темур.
Танига куч тўлди, кўзларига нур.
Кейинроқ бўлгунча жанги Сийистон,
Ва ундан кейин ҳам Темур ҳеч қачон!
Устига ёғилиб балки юз минг ўқ,
Бирорта жойи ҳам лат егани йўқ.
Темурга қилмади таъна маломат,
Қувонди кўрганда уни саломат.
Мўғулшоҳ она турк, отаси мўғул,
Эди икки қондан туғилган ўғул.
Мардлиги тутганда эди Ҳотамтой,
Ғазаби қўзиса, чун қаҳри худой.

Чингиз бекларидан эди отаси.
Сахрода кўп эди қую подаси.
Паштармон дердилар унинг отини,
Бор эди ҳар жойда битта хотини.
Ва лекин бўлмасин қанча давлатманд,
Мўғулшоҳдан ўзга йўқ эди фарзанд,
Кўзини юмдириб бу олам ножўр,
Ундан қолгани-чун ёлғиз меросхўр,
Мол-мулки бўлмасдан оламда талон,
Бор эди фарзанди соҳиби даврон.
Мўғулшоҳга тегиб давлату амал,
Отасин тахтига чиққани маҳал,
Она меҳри келиб гоҳи зиёда,
Мўғулга сезарди нафрат дунёда.
Гоҳида отага ён босиб ўғул,
Бўлиб табиатан қип-қизил мўғул,
Ватану элнимас, ўйлаб қоринни,
Унутар нафс деб дунёю динни.
Ва лекин келтириб Темурга ихлос,
Ўзига айлади у навқари хос.
Машқу курашларда ўзиб навқирон,
Йўқ эди Темурга тенг бир паҳлавон.
Минг чоғли Мўғулшоҳ лашқарин бир-бир
Енгса ҳам, қилмасди зўрман деб фахр.
Қайтиб карамасди беришса савфо,
Унга ёқмас эди ур-суру ғавфо.
Гоҳи от чопарди ёлғиз майдонда,
Гоҳи ўқ узарди Шоший камонда.
Гоҳи урганида тўсинга шамшир,
Қулаб тушар эди этмайин кимир.
Пинҳонлиғ кунжида алиф бирла лом,
Мунтазам оларди у таълими том.
Қонида бор эди икки хуш хислат,
Илмга ташналик, шоҳликка рағбат.
Қалби фориг эди макру риёдан,
У мадад сўради бир авлиёдан.
Сукутга кетдию авлиё узоқ,
Зикр билан тутди қалбига қулоқ.
Оллоҳ рози бўлса соҳиби тадбир,
Дуоси нишонга бориб теккан тийр.
Темур авлиёдан хуш дуо олди,
Дуо олган замон ўзгариб қолди.
Энди Мўғулшоҳга бўлмай мулозим,
Дилида деди: «Шоҳ бўлмоғим лозим»,
Шу ондан дилини очмай бировга,

Пинхон жанг бошлади минг йиллик ёвга.
 Узига қидирди ҳамфикр, сирдош,
 Вале дилдагини айламади фош.
 Худо не истаса бергай бандага,
 Лек насиб бўлмагай ҳар арзандага.
 Дуойи илтижо охир қилиб кор,
 Унинг ҳар ишида худо бўлди ёр.
 Ягона истаги-аҳли мусулмон
 Бўлиши лозимдир оламга хоқон.
 Гўзаллик, илм ва тафаккур кўрки,
 Худо ёрлақан элатнинг турки,
 Лозимдир бўлмоғи танҳо ҳукмрон,
 Вале ўзгаларга солмасдан қирон.
 Кешу Сабзавору кейин Самарқанд,
 Фикри ер юзини этмоқ эди банд.
 Фирдавсий лоф урган гурзию гарон,
 Рустаму Золи зар замини Эрон,
 Туронга қилганда неча бор юриш,
 Подшоҳ Афросиёб беролмай туриш.
 «Гави пилтан»лардан калтак егандир,
 Ҳар доим тақдирдан афсус дегандир.
 Нима ул Чингизи қисмати кулги,
 Саҳрода изғиган мисоли тулки.
 Ва сотқин савдогар Маҳмуд Ялавоч,
 Сотган юртини ҳам, кўзи эди оч.
 Тахтга номуносиб, давр гумроҳи,
 Буздиллар султони, Хоразмшоҳи,
 Чингизхон келмасдан юртига ёвуқ,
 Қочгандир тулкидан қочгандай товуқ.
 Песу махов бўлиб юртдан бадарға,
 Улгандир хору зор мисоли қарға.
 Бахт қуши қўнса гар нодон бошига,
 Пашша тушар элнинг еган ошига.
 Бу йўлда ибратли эранлиғ шоҳлар,
 Қочмаган ўлмасдан ташлаб жанггоҳлар.
 Дилида бўлса ҳам алғов-далғовлар,
 Темур андишасин сезмаган ёвлар.
 Аввал Мўғулшоҳга бўлиб ўн боши,
 Бўлган ўн курашчи дўсту сирдоши.
 Темур ўзи йиғиб ёнига сарбоз,
 Хизмат-ла хўжасин этган сарфароз.
 Кейин қирқ, кейин юз, кейин бўлган минг,
 Биров деёлмаган сўнг Темурга «ғинг».
 Хусусан Темурга етти бўз йигит
 Дўст бўлган вофодор мисли содиқ ит.

Хуфя, жосусликда фикрати олмос,
Темурга биринчи ёлланган Аббос.
Ҳар ишдан вақтида қилгувчи огоҳ,
Иккинчи навқари бўлган Жаҳоншоҳ.
Доим саломига олгувчи алик,
Учинчи дўст бўлган унга Шоҳ Малик.
Илиму фикҳда зеҳндор тағин,
Тўртинчи шахс бўлган мулла Сайфиддин.
Бўлиб бешинчиси Сулаймон сардор,
Темурга ҳар ишда бўлган мадакдор.
Олтинчи Идику Темури мерган,
Жону жаҳонини Темурга берган.
Еттинчи чапақай баҳодир Жоку,
Улгунча Темурга содиқ бўлган у.
Еттови тенг бўлган илму амалда,
Темурни қўллаган жангу жадалда,
Эҳтимол уларга кетгандир дуо,
Ҳеч бири жангларда қилмаган қазо.
Темур атрофини ҳар ёндан ўраб,
Боришган қайга у борса юрт сўраб.
Шаклу шамойилда бир хил бўлишган,
Не топсалар, бирга аҳил бўлишган.
Темур ҳар берганда ғанимга шикан,
Олган ўлжасини шуларга берган.
Дийдаси тўқ бўлган Темурнинг мудом,
Навқарликда олган амир деган ном.
У деган керакмас менга зебу зар,
Бас фақат жангларда бўлсам музаффар.
Ислом байроғини кўтариб баланд,
Дину миллатимни этсам аржуманд.
Соз менга ҳар қандай кайфу сафодан,
Ягона тилагим ёруғ дунёдан,
Кетганда энг улуғ ном билан кетмоқ,
Шу боис энг улуғ мақсадга етмоқ.
Мен учун бирдан-бир қисмат деган йўл,
Бўлсин элим тинчу ризқу рўзи мўл.
Ҳар давру замонда бўлса улуғ шоҳ,
Заминда билингки сояйи оллоҳ.
Билмас ким бўлишин ёш норасида,
Топгай ўзлигини эл орасида.
Севиб ўспиринлик йиллари Темур,
Ҳеч кимга ишқини этмаган зуҳур.
Оллоҳга аёндир пинҳона сирлар,
Унинг пешволари авлиё пирлар,
Мадакдор бўлиш-чун ичирган қасам,

Адолат йўлида ташла деб қадам.
Этгунча дунёнинг ярмини ишғол,
Ҳақиқат йўлида кураш безавол.
Муродга етарсан бир кун шубҳасиз,
Подшоҳлар ёлвориб сенга чўкар тиз.
Кўтариб байроғин дини исломни,
Сур андин кейин сен айши мудомни.
Қизларга хушторлик, ишқу муҳаббат,
Шоҳларга хос ишмас, кори ҳамоқат.
Ё подшоҳ бўлгил сен ёки хотинбоз,
Суюлма жотинлар қилганида ноз.
Худонинг сояси бўлсанг пок бўлгил,
Хоинлик қилсанг гар, зери хок бўлгил.
Тутгайсан Сарвари олам йўлини,
Деб пирлар беришган унга қўлини.
Дониш, маърифатда тенги йўқ Темур,
Бўлса ҳам соҳиби макру тафаккур.
Сўзининг устидан чиққан ҳар доим,
Унга бу хислатни берган худойим.
Шу боис кундан-кун ошиб қудрати,
Жаҳонни олишга етиб журъати.
Шаҳвоний ҳисларга бўлмаган банда,
Кечиб эътиқоддан мисли шарманда.

МЎҒУЛШОҲ КАНИЗАГИНИНГ ТЕМУРГА ОШИҚ БЎЛГАНИ ВА СОҲИБИНИНГ РАШКУ ҒАЗАБИДАН ОТ ДУМИГА БОГЛАНИБ СУДРАЛИБ УЛГАНИ

Мўғулшоҳ майпараст хуморий бўлиб,
Қасрида бир неча нигори бўлиб,
Ҳар кеча қиларди у базми шароб,
Мастликдан бўларди гоҳ ҳоли хароб.
Авжга чиққанида нолайи чанги,
Бор эди бир гўзал турки қашанги.
Ишратхоҳ шўх эди, жонгир дилоро,
Доимо базмига берарди оро.
Бўшашиб қолганда ҳар гал Мўғулшоҳ,
Темурга кўзини сузарди Гулмоҳ.
Гарчи жўш урса ҳам ёш буқа қони,
Йўл бермас иффати, аҳду паймони.
Ва лекин бир кеча беқарор санам,
Темур хонасига кирди мисли шамъ.
Ёндирмоқчи бўлиб яқинлашган он,

Темур ҳалқумига етди гўё жон.
 Нақадар шириндир хилватий висол,
 Пекин дуо берган у авлиё чол.
 Гўё олатини олгандай узиб,
 Темурни тўшакдан қўйди турғузиб.
 Темур ташқарига ўзини урди,
 Бу ҳолдан гулбадан ўзга ўй сурди.
 Ҳа демай келгайдир чигалин ёзиб,
 Ва лекин Гулмоҳнинг уйқуси босиб,
 Темур тўшагида кўзи илинди,
 Тушда ўйлагани устига минди.
 Темур бу даргоҳдан этагин йиғиб,
 Кетди қайтмас бўлиб мангуга чиқиб.
 Мўғулшоҳ ярим тун бўлганда бедор,
 Қараса ёнида йўқ нозли нигор.
 Дарҳол хуфяларни ташлади ишга,
 Ханжари йўқотган қинни топишга,
 Темур тўшагидан топишди ажаб,
 Мўғулшоҳ қалбига ўт солди ғазаб.
 Топсайди кўрсатар эди нонкўрга,
 Темурни тириклай тиқарди гўрга.
 Унинг қийноғидан енгилпо санам,
 Деди жаҳаннамда куйсинки танам.
 Темур деб бордиму Темурсиз қолдим,
 Тандири ўт эдим кўмирсиз қолдим.
 Бор экан Темурда инсоф, диёнат,
 Қилмади тўшакда сенга хиёнат.
 Сен унинг ортидан гар борсанг қоғлаб,
 Мени элт отингнинг думига боғлаб.
 Бу сўз Мўғулшоҳга ханжардай ботди,
 Уни от думига дарҳол боғлатди.
 Темурни авф этиб кечди қонидан,
 Жононни лек қилди жудо жонидан.
 Тилка-пора бўлди судралиб Гулмоҳ,
 Уят ва қайғуда қолди Мўғулшоҳ.
 Уткир ханжар кесар урса юз дариг,
 Сигмагай бир қинга асло икки тиг.
 Нозик ғилофига ҳар лаҳза бир-бир,
 Кириб-чиқиб турса турли хил шамшир,
 Ё тигга заволдир ва ёки қинга,
 Бу тўғри келмагай ҳеч дилу динга.
 Мўғулшоҳ эди бир ошуфтайи гул,
 Охир тутди уни дарди таносул.
 Оламдан жувонмарг кетди офият,
 Темурга мол-мулкин айлаб васият.

Темурни қидириб кетди қирқ йигит,
Қирқи ҳам Темурга ҳамтақдир йигит.
Топишди Хўжайи Илғор ғоридан,
Фориғ адовату ғам ғуборидан.
Мўғулшоҳ ўлимин эшитиб Темур,
Бўлди раҳми келиб дили беҳузур.
Келиб тақсимлади мулку молини.
Бериб қирқ йигитга қирқ аёлини.
Доим қисматига инсон кўнади,
Беҳуш келган эди ҳушёр жўнади.
Қирқ ёшга кириб мен адашдим минг бор,
Бўлгил қирқ бирида худо ўзинг ёр.
Зарра истеъдодинг бағишлаб қанот,
Бошлайман энди мен янгича ҳаёт.
Ўзни синаб кўрдим мен турли ишда,
Балоғат мулкига етдим ёзишда.
Ёздим уч йўсинда ушбу дostonни,
Мадҳ айлаб жаҳонгир Соҳибқиронни.
Идрок айламакка ўйим етмади,
Ёзиш шавқи лекин дилдан кетмади.
Охири дилимдан чиқди бир нидо,
Фақат мақтовларга лойиқдир худо.
Андин сўнг пайғамбар унинг расули,
Гарчи банда янглиғ оллоҳнинг қули.
Шоҳми ё гадоми беайбу нуқсон,
Бу ёруғ оламда бўлмагай инсон.
Беному нишон гар йўқолса ҳар наҳс,
Қитобларда яшаб қолар улуғ шахс.
Худони билмаган бандани билмас,
На йиғи ҳаттоки хандани билмас.
Бордир бу оламда кўп афтодаҳол,
Ҳатто ўзлигини қилолмас ишғол.
Гоҳ эрлар юришар айлаб шикоят,
Қоринни тўйдирса унга кифоят.
Нетасан бермаса яратган худо,
Илоҳо лутфидан этмасин жудо.
Мозий тарихига айлаб наззора,
Оқни оқ дегайман, қорани қора.
Гарчи чўнтагимда бугун йўқ ҳемир,
Бошла хазинангга, эй улуғ Темур.

БОСҚИНЧИЛАРНИНГ ЭЛУ ЮРТГА СОЛГАН ДАҲШАТИ ВА АМИР ТЕМУРНИНГ МИСЛСИЗ ШИЖОАТИ

Оллоҳга бўлсинким мингдан-минг шукур,
Бизларга бахш этди ҳаёт ва ҳузур.
Дунёда ҳар неки вужудга келар,
Денгизда сузару шамолда елар.
Бу олам азалдан турфаю ҳодис,
Бари иродаси истаги боис.
Бировни айлағай азиз, муҳтарам,
Бировнинг бошига ёғдирадир ғам.
Синов майдонидир бу меҳнатсаро,
Биров масъуд унда, биров бахтқаро.
У эрур бахшанда ҳамда меҳрибон,
Икки оламда ҳам ягона султон.
Кимни бу дунёда этса агар хор,
Абадий дунёда удир бахтиёр.
Ёки эзгулик-ла ким бўлса азиз,
Ҳар икки дунёда у зот, шубҳасиз.—
Бўлар яратганнинг меҳрига зойил,
Омонатин олгач ҳазрат Азройил.
Қиссапардоз шундоқ айлағай баён,
У ёруғ оламга келгани замон,
Даҳр денгизида ғалаён турди,
Фалак юзларига қора ранг сурди.
Солди ғанимларга таҳлика, даҳшат,
Туғилди бир улуғ соҳибсалтанат.
Жаҳон шоҳларини айлаб беҳузур,
Сўнг юриш бошлади жаҳонгир Темур.
Унинг ҳаёт шамъи ёқилган маҳал,
Башорат: Илгида беҳисоб ажал.
Унга қарши борса қўймағай омон,
Унинг изми билан айланар жаҳон.
Худога бўлсинки минглаб офарин,
Ҳар бир нур каломи фасоҳатли, чин.
Сўнгги пайғамбарки Расули акрам,
Оллоҳ каломини этиб жамулжам.
Берди одамларга исломдан хабар,
Унга амал қилган то рўзи маҳшар.
Ким агар тавҳидга келтирса имон,
Бировга ноҳақдан етказмас зиён.
«Қуръон»да битилган абадул-абад,
Умнатга шафеъдур улуғ Муҳаммад.
Улким бу жаҳоннинг сарвари бўлди,

Илоҳий ҳикматлар дур, зари бўлди.
 Андин сўнг бўлмагай оламда подшоҳ,
 У янглиғ оллоҳга мақбулу дилхоҳ.
 Ва лекин кўп ўтди улуғ ботирлар,
 Тарихни титратган чўнг баҳодирлар.
 Ёшликда куч йиғиб, мисли арслон,
 Тулкидек мавҳ ўлди қариган замон.
 Кўриб телба бўлди ақлли киши,
 Тентакнинг баъзида ўнгланди иши.
 Темур ёндирганда мисоли қуёш,
 Шарқу Фарб пойида ночор эгди бош.
 Темурга ён босди тўрт кунлик дунё,
 Бўлса ҳам гарчи у даҳри бебақо.
 Йўлини тўсолмай ҳеч қандай тўғон,
 Истаган манзилга етди беармон.
 Дунёни ўзига айлади қарам,
 Файзидан яшнади юрт бўлди хуррам.
 Ватан тупроғидан куч олиб ҳар зум,
 Сўнг манфур зотларга айлади хужум.
 Қиличдан ўтказиб қонларин тўкди,
 Рақиблар енгилиб унга тиз чўкди.
 У зафар дарёсин ғаввоси каби
 Чикди уммонлардан эзгу матлаби.
 Менинг кўрганларим арзимас ҳисса,
 Вале эшитганман жуда кўп қисса.
 Ибрату ҳикматнинг эрур онаси,
 Сўзлайин келганда гапнинг хонаси.
 Ортиқча таърифу тавсиф ноҳақдир,
 Росту эзгуликни ёқтирар тақдир.
 Оллоҳдан ёлвориб сўрайман мадад,
 Мен фақат ростини сўзлайман минбаъд.
 Албатта гапирсам росту бехато,
 Оллоҳим айлагай эзгулик ато.
 Бер менга тавфиқу айла ҳидоят,
 Қўлинг мададингга муҳтождир ғоят!

ТЕМУРНИНГ НАСЛУ НАСАБИ ВА УНИНГ ЭЗГУ МАТЛАБИ

Майсаю кўкатлар ёйганда чатр,
 Ялпиз, кийикўтлар таратиб атир,
 Оҳулар нофасин тоғларда ташлаб,
 Айиқлар битлаган танини қашлаб,
 Мудроқ уйқусидан, бўлганда бедор,

Оламни яшнатиб гўзал навбаҳор,
 Келиб ою қуёш ўзаро яқин,
 Икки бахт юлдузи таратди чақин.
 Наҳс юлдуз самодан бўлиб бадарға,
 Оққушга айланди тун мисли қарға.
 Уша тун самода улкан ситора,
 Муаллақ айланиб сочди шарора.
 Ҳақнинг қудратидан билмай ё билиб,
 Сўнг портлаб ҳар томси кетди сочилиб.
 Жўнгина бўлмасдан ер юзидан йўқ,
 Сочилмай жаҳонга ундан учқун, чўғ.
 Дунёга таралиб унинг шуъласи,
 Янграб жаҳонгирнинг илк ашуласи.
 Бор эди ўзгача ғалати нисбат,
 Темурни мангуга сийлади қисмат...
 Етди узатганда юлдузга қўли,
 Демак порлоқ эди ҳаётда йўли.
 Шундай деб фолбину ҳар азойимхон,
 У ҳақда тўқиди турфа хил достон.
 Бирови дедики: «Бош соқчи бўлгай»,
 Бирови дедики: «Қароқчи бўлгай».
 Ўзгаси дедики: «Йўқ, тўғри бўлгай»,
 Бошқаси дедики: «Йўқ, ўғри бўлгай».
 Ўзга бири деди: «Бўлади шўрта —
 Яъни миршаббоши, сардори ўрда».
 Ўзгаси дедики: «Бўлиб йўлтўсар,
 Бу ёруғ дунёда кезар дарбадар».
 Бири дер: «Шубҳасиз жаллод бўлади,
 Илгида бу жаҳон барбод бўлади».
 Бири дер: «Бўлади йўли ёруғ, зўр».
 Бири дер: «Ваҳ-ваҳки бўлади қонхўр».
 Бири дер: «Ғанимни аямай эзар»,
 Бири дер: «Бўлади шўх, каллакесар».
 Бири дер: «Ҳақ унга кўргузган ниёз,
 Бўлар лашкарбоши, учқур чавандоз».
 Бири дер: «Қисмати экан нурафшон,
 Шубҳасиз бўлади улуғ қаҳрамон».
 Бири дер: «Жонларга тегди бу мўғул,
 Эҳтимол халоскор бизга бу ўғул».
 Бири дер: «Бу эзгу қадами қутлуғ,
 Мардлик тимсолидек кўтаргайдир туғ».
 Вояга етгунча то Амир Темур,
 Бўлди турфа ҳикмат, ғийбатлар зуҳур.
 Боз Темур ҳақида сўз қилиб баён,
 Баъзилар тўқишган асоссиз бўҳтон.

Ғаламуснинг асли не дини бўлмай,
Тунарга бойқушдек не ини бўлмай.
Азалдан ҳар кимки зоти паст эрур,
Динсизу ғофилу бутпараст эрур.
Бир жойда тополмас таскину қарор,
Ҳар томон санқигай улар телбавор.
Қаерда эшитса ростми ё ёлғон,
Қўшиб-чатиб қилар ўшани дoston.
Келтирай бирини гар номуносиб:
«Отаси эканмиш бир фақир косиб».
Темур асилзода ўспирин бўлган,
Турмуши шоҳона ҳам ширин бўлган.
Эзгулик йўлида эл учун мудом,
Евуз душманлардан олган интиқом.
Босқинчи мулкдору аҳли мўғулга,
Элим айланмасин деган у қулга.
Ҳар даври замонда бўлар бир ботир,
Элин эзгуликка бошлашга қодир.
Темурнинг падари гар барлос эрур,
Насабда демак у бениёз эрур.
Ҳайҳотки бор экан турфа ривоят,
Вожибдир уларни этмоқ ҳикоят.
Темурни этмоқлик учун беобрўй,
Ғанимлар тўқишган турли гуфтуғўй.
Оғиздан-оғизга кўчиб юрса ҳам,
Ҳақиқат қуёши наздида чун шамъ.
Умри қисқа эди таратмасди нур,
Тарихни билгувчи соҳибтафаккур,
Ҳикматлар қолдирмиш эзгу қаламдан,
Илтифот сўраб ул шоҳи оламдан.
Бўлиб дуо бирла шоҳи жаҳонгир,
Андин ғанимларин янчганмиш бир-бир.
Фикри ожизимча ҳақ этса ато,
Севимли бандаси ғолиб, бехато,
Оламда етгайдир ўз матлабига,
Ташнақалб етгандай сувнинг лабига,
Гарчи қилишмасин минг хилда баён,
Темур табиатан эди мард ўғлон.
Дерди дўстларига: «Огоҳ бўламан,
Бир куни албатта подшоҳ бўламан.
Дунё шоҳларини мағлуб этурман,
Ўзимни жаҳонга марғуб этурман.
Келса гар шоҳларга ўлим, фалокат,
Мен алар бошига солгум ҳалокат».
Дўстлари бўлишиб у бирла ҳамаҳд,

Мақсадга етишга айлашарди жаҳд.
 Темур билан кимки бўлса ҳаммаслак,
 Уларни муродга етказди фалак.
 Валекин бу сирлар ўзига аён,
 Истаса гадо шоҳ, гадодир султон.
 «Ол қулим» деса гар илоҳий қудрат,
 Енгар шерни пашша топибон журъат.
 Истаги йўлида Темур тиришди,
 Мақсадга етгунча ишга киришди.
 Унга мадад берди қазою қадар,
 Муроди йўлида юрди бехатар.
 Шон-шуҳрат йироғу орзуси ширин,
 Чиқди мангу йўлга довқур ўспирин.
 Бор эди Кешда бир улуг авлиё,
 Унга солган эди соясин худо.
 Кимга гар айласа у соҳиббилак,
 Ушалгай сўраган одамда тилак.
 Эди Шамсуддин ал-Фохурий у зот,
 Замон аҳли қўйиб унга эътиқод.
 Уша замонада яшаган ҳар кас,
 Уни пирим дея билар эди бас.
 Темурким орзуси бир жаҳон эди,
 Элга табиатан меҳрибон эди.
 Кезиб хаёлида амиру шоҳлик,
 Тўнини сотиб у истаб дилхоҳлик.
 Пулига бир эчки олиб ўшал он,
 Бўлди улуг Шайхнинг олдига равон,
 Шайхнинг ҳузурига келиб бошуур,
 Руҳан тайёрлади ўзини Темур.
 Эчки арқонини бўйнига боғлаб,
 Кирди Шайх олдига уни сўроқлаб.
 Қўлида бор эди толдан ҳассаси,
 Эчкидек кўримсиз эди жуссаси.
 Шайхнинг пок нигоҳи Темурга тушди,
 Темур уни кўриб эти увушди.
 Эчки мўраб қўйди мен ҳам бор дея,
 Темур бўлгил менга мададкор дея.
 Пойига бош уриб Шайх илган ўпди,
 Шайх ўйлаб дилида ҳидоят қўпди.
 Боқиб жамоага шайхи муҳтарам,
 Шу янглиғ янгради тилидан карам:
 «Бу одам хор қилиб иззат, орини,
 Бизга хайр қилмиш бойлик-борини.
 Оллоҳнинг наздида истак бароти,
 Билингки мисоли пашша қаноти,

Ҳаттоки арзимас пойи кўнғиздан,,
Шунга мадад сўраб келибди биздан.
Биз унга албатта берамиз мадад,
Унинг хоҳишини қилмагаймиз рад.
Сиз ҳам дуо айланг унга жамоат,
Берган дуойингиз топгай ижобат».
Шайх дуо айлади баҳукми тақдир,
Мўлжалга санчилди «омин» деган тир.
Машҳур Солибойнинг қиссаси янглиғ,
Эрур бу афсона гўзал ва ранглиғ.

ҲИКОЯТ

Бор экан қадимда бир фақир киши,
Асло ўнглабмабди бечора иши.
Қолмай рўзғорида ейишга ҳеч бир,
Борибди маслаҳат бергил деб, эй пир.
Пир дебди дуонинг бўлгай мажолли,
Нонни эъзозласанг, муридим Соли.
Кунлар қуёш нонин узатиб ўтар,
Соли рўзғорини тузатиб ўтар.
Нонни эъзозлагач, ўтмай уч-тўрт ой,
Соли қашшоқ бўпти, қаранг, Солибой.
Шу тахлит бир йилча яшабди Соли,
Ҳаддидан ошибди пул, мулку моли.
У мулку молини эпполмай гаранг,
Урибди яна Пир этагига чанг.
Мададкор бўл, Пирим, кўпайиб молим,
Аларни жамлашга етмас мажоллим.
Кўрсат бир йўлини яна ихчамроқ,
Молу мулким бўлсин озгина камроқ.
Шайх дебди иложи топилар, бўтам,
Билсанг, бу дунёнинг асли бири кам,
Суворий кетавер нонингни тишлаб,
Баҳорда келарсан иншоолло қишлаб.
Солибой от миниб нон кавшаган чоқ,
Ногаҳон заминга тушди бир ушоқ.
Ҳар қанча қидириб топа олмади,
Гарчи қидиришдан излаб толмади.
Охири топмагач нон ушоғини,
Тош териб кўтарди у ҳар ёғини.
Номаълум, кимсанинг қабрига ўхшаб,
Тошдан бино бўлди бир мақбара заб,
Қиш ўтиб келганда яна навбаҳор,

Дегилки мол-мулки ошибор юз бор,
Яна Шайх олдига келди Солибой,
Пирим, имдод беринг ҳолим эрур вой.
Камайтиш йўлида издасам чора,
Ортди молу мулким қариб юз бора.
Шайхга аён бўлиб унинг қилмиши,
Дедики барчаси оллоҳнинг иши.
Ким нонни эъзозлаб сиғинса ҳаққа,
Етар ул толейи мангу мутлаққа.

**ТЕМУР ШАЙХ ҲУЗУРИДАН ЧИҚИБ ТОЛЕЪ
ЧУҚҚИСИГА ТИРИШГАНИ ВА БАХТУ САОДАТ
ЕР БУЛИБ БИРИН-КЕТИН ЮКСАК
МАРТАБАЛАРГА ЭРИШГАНИ.**

Шайхнинг ҳузуридан чиқдию Темур
Тўхтовсиз юксалиб ўсди бир умр.
Бериб ҳарорати тугён аланга,
Меҳри ортиб борди она ватанга.
Эли ва юртини севса ким агар,
Етар муродига у зот муқаррар.
Темур тўрт томонни қиблага менгзаб,
Кетди боши оққан томонга қараб.
Хулқу атворида бўлган саркашлик,
Ногаҳон дилига чўктирди ғашлик.
Дилида орзулар денгизи тошиб,
Йўлидан ростакам кетди адашиб.
Очлик ва ташналик ўлдираёзди,
Унинг паймонасин тўлдираёзди.
Шу ҳолда бир ҳафта босганида йўл,
Дардига бир дармон дучор қилди чўл.
Амир галасига дуч келди ногоҳ,
Бўлди отбоқарга охири ҳамроҳ.
Озгина у муздай қимиздан ичиб,
Деди билганини забони қичиб.
Сўнг отлар ҳақида ҳеч мўъжизотсиз,
Айтди билганини зотдорми, зотсиз.
Узоқдан кўрибон галанинг отин,
Айтарди наслию уларнинг зотин.
Темур табиатан отшунос эди,
Минг йиллик сайисдек зотшунос эди.
Сезгирлик санъати сайисга ёқиб,
Деди юр мен билан отларни боқиб.
Амирнинг хизматин айласанг, укам,

Қорнинг тўқ, устинг бут, бўлмагайсан кам.
Тақдирга тадбир йўқ, Темурбек рози,
Бошланди ҳаётнинг ўзгача нози.
Шўхлиги тутганда Темур паҳлавон,
Эгарсиз отларни минарди ҳар он.
Елига ёпишиб яйдоқ саҳрода,
Шамолдай учарди чўлу қиёда.
Гоҳ отсиз саҳрода йиқилиб қолиб,
Гоҳ Темур отлардан келарди ғолиб.
Унинг оловлигу шўхлигин кўриб,
Сайис хўжасига айтди лоф уриб.
Амир Темурбекка бериб эътибор,
Ҳайдаб отларини борганда илк бор,
Сўзлашиб ҳар ёндан бошлабон гурунг,
Темур сукут сақлаб турди мисли гунг.
Амирким Ҳусайн баҳодир эди,
Истаса ҳар ишга у қодир эди.
Темурни ҳар ёна кўрди текшириб,
Не унда найранг бор, не унда фириб.
Шоҳиди бўлиб бор хуш хислатини,
Кўрди баҳодирлик фазилатини.
Унга ҳадя айлаб инъому эҳсон,
Қайтариб юборди отбоқар томон.
Ва лекин кўнглида туғилди бир ҳис,
Бўйи етиб қолган сингли Улжой қиз.
Бахтиёр бўларди бу баҳру барда,
Темурдек йигитга тегса агарда.
Кўриб иттифоқо Темурни Улжой,
Ишқи туғёнида деган эди вой.
Бу гапни янгалар ёйиб ҳар ёнга,
Кўп ўтмай қўшдилар гулни райҳонга.
Элнинг назарида ошиб обрўйи,
Жаҳонни эгаллаш Темурнинг ўйи.
Пайт келиб жаҳонгир Темур дов солар,
Дунёнинг ярмини эгаллаб олар.
Бургутдек самони кўзлаб назари,
Темур интиларди доим илгари.
Тенгдошлари аро кўп машҳур эди,
Ботир, олижаноб ҳамда зўр эди.
Қадимий тарихдан шу нарса аён,
Юртга ўлат олиб келган Чингизхон.
Темур босқинчилар бошини узиб,
Элу улусига меҳр кўргузиб,
Қозонхон қизига уйланган замон,
Ҳам лақаб берилди унга «кўрагон».

Мўғулча ушбу сўз «хатан» ундови,
 Мазмуни туркийда хоннинг куёви.
 Бу унга яратди катта имконлар,
 Уни даврасига қўшишди хонлар.
 Бўлиб ҳукмдорнинг тўртта вазири,
 Тўрт улусга масъул эди ҳар бири.
 Гарчи форс, арабда қабила бисёр,
 Турклар ҳам кўпликда ўшалар қатор.
 Тўртта қабилага мансуб тўрт вазир,
 Юритар эди иш кўргузиб тадбир.
 Биринчи қабила номидир Орлот,
 Уларнинг уруғи ҳалиям ҳаёт.
 Иккинчи қабила Жалойир эди,
 Учинчиси Қовчин кўл моҳир эди.
 Тўртинчи қабила чун Барлос эди,
 Уша қабилага Темур хос эди.
 Бу ҳақда нақл этган Ҳазрати Жомий;
 Бир тўртлик келтиргум уни тамомий:
 «Палончига эрурсан қандайн хеш,
 Дебон мендан сўрар девона дарвеш.
 Дедим тожикмену ул турки барлос,
 Жудо бўлмас эту тирноққа биз хос».
 Темур барлосларнинг ўғлони каби,
 Эди фаросатли, ҳам нозик табъи.
 Тенгқур вазирларнинг бир тўп ўғлони,
 Ёшлигида эди Темурнинг жони.
 Темурки хушхулқу мулойим эди,
 Ҳар ишда фикрли ҳам қойим эди.
 У билан шу боис суҳбатлашган зот,
 Бўларди асиру дўсти умрибод.
 Қим биров кўнглини оғритмай агар,
 Бўлса гар ҳар ишда доно, музаффар.
 Унинг атрофида ёғилиб одам,
 Бўлади қалъадек пойдор, мустаҳкам,
 «Темурхон қалъадек эдиким пойдор,
 Қулатиб бўлмасди уни ҳеч, зинҳор».
 Ҳазрати Жомийдан ушбу гўзал байт,
 Темур қудратига ишора бир пайт.
 Хуллас айшу ишрат қилишиб бир кун,
 Сирлар пардасига тушганда учқун.
 Пинҳон розларини айтиб ошкор-ур,
 Охир ўз сирини сўзлади Темур.
 Менинг бувим эрур бир улуғ фолбин,
 Бир кеча уйқуда олганида тин.
 Ғалати туш кўриб уйғонган экан,

Юз бор ўйлаб сувга таъбирин деган,
Тушнинг таъбиридан шу нарса аён,
Унинг авлодидан чиқиб бир шоён,
Фарзанди ва ёки фарзанди фарзанд,
Жаҳонни айлагай ўз ҳукмига банд.
Даҳр подшоҳлари айлагай таъзим,
У бўлар шоҳаншоҳ, жаҳонгир, азим.
Йўлида дош бермас на қалъа, шаҳар,
Барини айлагай у зеру забар.
Турону Эронни чўктиради тиз,
Ҳинду араб очар оғуш мисли қиз.
Бўлиб қаламрави рубъи маскунда,
Ягона шоҳ бўлгай ёруғ очунда.
Келди ушбу фурсат айлайин баён,
Мен ўшал шоҳаншоҳ, ҳам соҳибқирон.
Сизлар менга беринг яқиндан имдод,
Мен билан аҳдлашинг бирга умрбод.
Ҳам мангу бирликка айланг қасамёд,
Ҳар икки оламда бўлажаксиз шод.
Мен билан бўласиз абадул-абад,
Қасамин бузишга топмагайсиз ҳад.
Ким бўлса содиқу доимо бирга,
Шукрона айтажак у зот тақдирга.
Ким агар онтига қилса хиёнат,
У зотда бўлмагай имон, диёнат.
Йўқ менинг ҳеч кимдан яширин сирим,
Хоиннинг бошини олгай шамширим».
Даъватидан бўлиб дўстлари рози,
Бир бўлди қасаму арзу ниёзи.
Бўлсак ҳам қайғуда ё шоду хурсанд,
Бирга бўламиз деб ичишди савганд.
Ҳар жойда бу ҳақда таратиб овоз,
Чиқарди барчаси юракдан бир роз.
Шу ҳақда гаплашиб улар ҳар жойда,
Эътибор топишиб не-не саройда,
Шаҳру қишлоқларга тарқалиб бу гап,
Эл уйғониб бўлди Темурга тарап.
Ҳар олди-қочдидан кетганда калом,
Темурга тақалиб бўларди тамом.
Темурнинг бўлмасдан ҳали лашкари,
Ундан чўчиб не-не юртлар сарвари,
Темурни тортмоқчи бўлди тобутга,
Ва лекин ўзлари тортилди бутга.
Темурни қўллади Шайхнинг дуоси,
Йўлида очилди зафар-дунёси.

Буни сезиб қолиб Амир Хусайин,
 Темурга суйқасд қилди атайин.
 Ва лекин асраса пок-парвардигор,
 Ев Искандар бўлсин-этолмагай кор.
 Темурни бўлмасдан довқур жаҳонгир,
 Топтаб ўлдирмоқчи бўлишди ахир.
 Ва лекин сирлари бўлишиб ошкор,
 Охири ўзлари бўлди шармисор.
 Бу ҳақда Темурга етказиб хабар,
 Темурни қилишди хавфдан бехатар.
 Қирқ йил қирон келсин тўфон маҳали,
 Улади кимнингки етса ажали.
 Шайхи Шамсуддиндан сўрабон мадад,
 Темур голиб бўлди абадул-абад.
 Фаришта омин деб, Шайх этган дуо,
 Манзилга етказгай уни бехато.
 Темур айлар эди доим эътироф:
 «Ушбу айтганларим эмас зарра лоф.
 Ҳар неки манглайда ёзуқ эзгу бахт,
 Ҳар неки киритдим қўлга тожу тахт.
 Салтанат, бойлигу шуҳрату шонлар,
 Эрону Турону олий маконлар,
 Шамсиддин пиримнинг дуоси бирлан,
 Ҳамда яратганнинг ризоси бирлан,
 Шу янглиг кетганда мендан ҳаракат,
 Мададкорим бўлди Саййид Барака.
 Ҳам Шайхи Зайниддин таянчим бўлди,
 Салтанат беагаи, ҳам ганжим бўлди.
 Улар мададида бўлдим шоҳаншоҳ,
 Барига етказди минг шукри оллоҳ.
 Бир бор бу ғарибдан юз ўғирди бахт,
 Сийистон ўқлари яралади сахт.
 Қўлдан мадор кетиб, пойим бўлиб ланг,
 Дунё кўзларимга кўринганди танг,
 Бир марта чап берди кажрафтор фалак,
 Сўнг мангу айладим ғанимни ҳалак.
 Хокига қорганман Сийистонни мен,
 Бошига солганман зимистонни мен.
 Кесдим ғанимларим бошини бир-бир,
 Нетай қисматимда шу экан, тақдир».
 Дамашқда яшовчи Абу Абдуллоҳ,
 Доим раҳматини ёғдирсин оллоҳ.
 Темурбек ҳақида тортмай сира тап,
 Эҳтимол адашиб айтмиш янглиш гап.
 Шаъбон етти юздан эди етмиш бир,

Хусайн Темурга енгилди охир.
 Улим шарпасини сезгани заҳот,
 Кураш майдонини ташлаб сурди ст.
 Хаёлида тўплаб ҳисобсиз қўшун,
 Темурни этмоқчи эди у нигун.
 Илк бор Хусайнни қочириб Темур,
 Туйди юрагидан ҳаловат-ҳузур.
 Шодлигу ғам эрур доим қўшалоқ,
 Нортуя бўлгунча ҳар бир бўталоқ.
 Сарбон қамчисини неча бор тотар,
 Ҳақсизлик ҳар доим нафрат уйғотар.
 Гарчи ғолибона қилди тахайюл,
 Лек бир ҳис Темурни айлади мажҳул.
 Аламини қилди қайтадан янги,
 Хотирига тушиб Сийистон жанги.
 Темур юриш қилиб зимдан кечқурун,
 Гуёки қалъага суққанмиш бурун.
 Қўрғонни ололмай шоҳи туркигўй,
 Илк бор бўлган эмиш унда беобрўй.
 Шабохун айлабон аҳли Сийистон,
 Унинг лашкарига солганмиш қирон.
 Талафот етказиб навқар сонига,
 Ҳамда қасд айлашиб Темур жонига,
 Солишиб ғанимлар таҳдиду қутқу,
 Ҳирот султонига асир тушмиш у.
 Қўриб Малик Хусайн султони Ҳирот,
 Темурни қийнаган деганича дод.
 Сўнг уни буюрган қатл этишга,
 Лек ўғли зид чиққан экан бу ишга.
 Малик Ғиёсиддин фикри бетайин,
 Бор экан фарзанди Малик Хусайн.
 Отадан сўради Темур гуноҳин,
 Отаси эшитиб фарзанди оҳин,
 Уғлига дедики: «Сенга, эй фарзанд,
 Бир кун бу туркбачча етказар газанд.
 Сабаби эмасдир фикратинг соғлом,
 Евга ён босасан фарзанди ноком.
 Бир куни бошингга сочажаксан хок,
 У сени шубҳасиз айлағай ҳалок.
 На сени, юртингни айлағай хароб,
 Англайсан бўлганда оҳ хоки туроб.
 Бошингга етади бу чиғатойлик,
 Шоҳликдан топганинг бўлар гадойлик».
 Уғли отасига қилди эътироз;
 «Ғаним бўлмас кимки айласанг эъзоз,

Мажруҳу ярадор ҳам калтак еган,
Азобу қийноқдан ўламан деган.
Улаётган одамни сўйиш не лозим,
Бўлар ўлмай қолса менга мулозим».
Уғил сазасини қайтармай падар,
Деди: «Керак бўлса ол, садқайи сар».
Уғлига Темурни айлади тортиқ,
Уғли хурсанд бўлди ҳаддидан ортиқ.
Темурга тайинлаб ҳакими ҳозиқ,
Узи мададкордир ҳар дардга розиқ.
Темур кўп ўтмасдан кириб дармонга,
Қилди мулозимлик Ғиёс Султонга.
Кимдаки бор бўлса журъату дониш,
Барчага ёқади у бажарган иш.
Султон Ғиёс бўлиб ишидан хурсанд,
Меҳри ошиб бўлди юракдан пайванд.
Султоннинг ноиби шоҳи Сийистон,
Бир маҳал ногаҳон кўтарди исён.
Султон дили ранжиб бу хил ур-сурдан,
Сўради борми деб юрак Темурдан.
Темур рози бўлиб бошлади юруш,
Сийистон ноиби бермади туриш.
Султоннинг озгина аскар билан,
Рақибни енгди ул ханжари билан.
Бор молу мулкани киритиб қўлга,
Катта ўлжа билан тушди у йўлга.
Исён оятини айтиб дафъатан,
Йўл олди сен тараф эй азиз Ватан.
Итоат айлаган навкару сарбоз,
Изидан эргашди турнақатор — ғоз.
Темурхон жўнади Сабзавор томон,
Изидан шоҳона ўлжаю карвон.

ЕВ ҚУВЛАГАНДА АМИР ТЕМУР УЗИНИ ХОТИРЖАМ ТУТГАНИ ВА ИЗИДАН ЭРГАШГАН ЛАШКАРИ БИЛАН ЖАЙХУНДАН ТАЛОФОТСИЗ УТГАНИ

Темур овозаси ҳар тараф кетди,
Ев қувгач, чекиниб Жайхунга етди.
Дарё тошқин эди, мавжлар мисли тоғ,
Бу ёндан кўринмас нариги қирғоқ.
Имиллаб туришга фурсатлари йўқ,
Таъқиб қилиб келар қилич, найза, ўқ.

Шиддат-ла ўтмаса дарёдан кечиб,
 Ҳаёт либослари олингай ечиб.
 Темур навкарларга айлади фармон,
 Тайсаллаб турмасдан барчангиз шу он,
 Дарёга ташлагиз отингиз билан,
 Қўлингиздан чиқиб кетмасин юган.
 Маҳкам тутиб боринг нари қирғоққа,
 Йўқса асир тушиб жабру қийноққа,
 Мубтало бўласиз хору зор тутқун,
 Бошингиз кесилиб, оқажакдир хун.
 Қимки ваъдаҳогга бормаса агар,
 У сувда фарқ бўлиб ўлган муқаррар.
 Шундан сўнг ҳайқириб Темур лашкари,
 Дарёга ташлади ўзини бари.
 Бири олдин кетди, бирови кейин,
 Бир-бирин ҳолини сира билмайин.
 Пишқирган тўлқинлар ҳар томон суриб.
 Домига тортарди гўё қутуриб.
 Баногоҳ дарёдан қўзғалса наҳанг,
 Бўларди лашкару Темур ҳоли танг.
 Мабодо дуч келса, даҳшатли аждар,
 Раҳм этмай барини бирма-бир ютар.
 Ё кетса қоқилиб бирорта тулпор,
 Эгаси бўларди ажалга дучор.
 Тоғ каби тўлқинлар қайнарди уммон,
 Ва лекин барчаси ўтди соғ-омон.
 Бамисли фиръавндан қочганда Мусо,
 Йўл-очиб бергандай денгиздан худо.
 Фиръавннинг лашкари бўлган эди фарқ,
 Ушбу ҳодисани ҳамон эслар Шарқ.
 Худо қудрати-ла кўрмасдан зарар,
 Бир-бир ваъдагоҳга йиғилди лашкар.
 Қаршига етгунча Темур дов солиб,
 Келди ҳар қадамда ўлжалар олиб.
 Бехуда кетмасди улар берган зарб,
 Ўлжаю талонга ўргатади ҳарб.
 Темур ташланарди биринчи галда,
 Ҳар қандай тўқнашув жангу жадалда.
 Темур жасоратин кўриб сарбозлар,
 Изидан от қўяр эди жонбозлар.
 Қаршини забт этмоқ Темур хаёли,
 Солди ҳийласини ишга баҳоли.
 Босиб ўтганида Қарши чўлини,
 Ўйлади қалъага кириш йўлини,
 Агарда қалъани олишса босиб,

Темурга паноҳгоҳ эди муносиб.
 Шаҳарнинг ҳокими Муссалим эди,
 Тадбиркор жанговар, ҳам ҳалим эди.
 Билса гар Темуру қуролдошларин,
 Аёвсиз кесарди бир-бир бошларин.
 Темур не қилишин биларди аён,
 Бостириб киролмас солиб қатағон.
 Ёнида озгина навкари ила,
 Тенг келмас қалъанинг сарвари ила.
 Шу боис айлади узоқ тахайюл,
 Охир иложини ўйлаб топди ул.
 Бор эди қалъага сув ўтгич тарнов,
 Шу орқали ўтса бўларди дарров.
 Узоқ туриб қолса сувда кўмилиб,
 Шубҳасиз ўларди бари бўғилиб.
 Отларин қолдириб хилватда бари,
 Бир жойга тўпланди Темур навкари.
 Оққуш этганида оламдан парвоз,
 Қора қарға ёйди қанотини боз.
 Темур ёв кўзини айлаб шамғалат,
 Кирди қалъа ичра айлабон журъат.
 Босдилар қўққисдан солиб шабохун,
 Ишғол айладилар қалъани бутун.
 Эгаллаб уларнинг асбоб-анжомин,
 Ҳаёт тонгларининг етказиб шомин.
 Талофот кўп кўрди бою ақобир,
 Барининг бўйнидан силади шамшир.
 Шаҳар аҳли бўлиб бу ҳолдан огоҳ,
 Бари ҳимояга отланди ногоҳ.
 Амир Муссалимга беришди хабар,
 Бошлаб келди Темур устига лашкар,
 Чунон даҳшат билан босди Муссалим,
 Руҳан Темурхонни айлади таслим.
 Темур навкарлари бўлишиб дилтанг,
 Дейишди ўйламай биз бошлабмиз жанг.
 Бизларни қуршади тамом фалокат,
 Домига тортади охир ҳалокат.
 Изингдан келдигу қурбон бўламиз,
 Тиг тортиб келганмиз, тигдан ўламиз.
 Темур деди йўқдир сизларда гуноҳ,
 Бунчалар чекмангиз ахир доду оҳ.
 Эр киши синалгай имтиҳонларда,
 Агар ғолиб чиқса қатағонларда.
 Сўнг уни енголмас ҳар қандайин куч,
 Сизнинг айтганингиз эр сўзимас, пуч!

Ҳийла-найранг бирла бир тану бир жон,
Шиддат-ла отилинг дарвоза томон.
Ҳар биринг жанг билан ўзингни кўрсат,
Душманни янчавер ўтмасдан фурсат.
Ҳеч кимса беролмас йўлимизда дош,
Таваккал ё кетар, ё оламиз бош.
Темур навкарлари иш кўриб жадал,
Унинг айтганига қилишди амал.
Овози борича бари ҳайқириб,
Ҳалқадан чиқишди душманни қириб.
Юзма-юз курашда бамисоли шер,
Дуч келган ғанимни тишлатишди ер.
Ағёрлар устига ёғилиб чун ўқ,
Барини айлашди йўлларидан йўқ.
Шайланиб лочиндек гўё парвоза,
Очилди охири ёпиқ дарвоза.
Қанча кўп бўлмасин қалъада лашкар,
Улар беролмади Темурга зарар.
Чунки парвардигор Темур томонда,
Уларни сақлади ҳифзу омонда.
Қимгаки бахш этса эгам саодат,
Унга етказолмас ҳеч кимса офат.
Темуру навқари чиқиб соғ-омон,
Яна азалгидек суришди даврон.
Улар овозаси ҳар томон кетди,
Навкарлари сони уч юзга етди.
Назарга илмасдан Темурни султон,
Ташлади арзимас қўшин у томон.
Улар қўшинини этиб тору мор,
Қалъасин забт этди Темур баякбор.
Барини жамлади ўша қўрғонга,
Не тушган бўлса гар Соҳибқиронга.
Душманни кичик деб қилмагил хаёл,
Гоҳ шерни мавҳ этар фириб-ла шоқол
Филнинг қулоғига ё кирса сичқон,
Шубҳасиз охири айлагай гумдон.
Шатранждан ибрат ол, доим бўл огоҳ,
Охир сипоҳидан енгилади шоҳ.

БАДАҲШОН ТЕМУРНИНГ ИЗМИГА УТГАНИ ВА У АМИР ҲУСАЙИНГА ҚАРШИ ИШ ТУТГАНИ

Бўлсин минглаб ҳамду сано яратганга,
Хокдан гулу лола, райҳон таратганга.

Амир Темур доврүк солиб ҳар томонга,
 Мактубини юборди сўнг Бадахшонга.
 Ака-ука ул заминда эди ҳоким,
 Амир Ҳусайн мавҳ этгунча уни токим.
 Эмин-эркин ўлка эди Бадахшон ҳам,
 Ҳеч хоқонга эмас эди мутеъ, қарам.
 Амир Ҳусайн Бадахшонга қирон солди,
 Икки ҳоким болаларин гаров олди.
 Гўзал ёру фарзандлари бўлгач асир,
 Не буюрса бажаришди олатасир.
 Подшоҳми у, гадоми у, ёки бева,
 Бу оламда фарзанддан йўқ ширин мева.
 Эртасини аён билмас ҳеч бир инсон,
 Уйламасдан қилган ишнинг сўнгги пушмон.
 Амир Темур мактубини олиб икков,
 Таклифини рад этмасдан кўнди дарров.
 Шарқ томондан бош кўтариб яна мўғул,
 Амир Ҳусайн кишварига узатди қўл.
 Таҳликага қолмай Ҳусайн лашкар йиғди,
 Мўғулларга қарши дарҳол йўлга чиқди.
 Тез Жайхундан кечиб ўтиб, чалагаранг,
 Мўғулларнинг лашкари-ла айлади жанг.
 Жайхун янглиғ бу орада оқиб қонлар,
 Кўп талофат кўрди охир урушқонлар.
 Гоҳ мўғуллар баланд келиб тўкишди қон,
 Гоҳ Ҳусайн ўликларга тўлди майдон.
 Жангу жадал биров ғолиб, биров мағлуб,
 Иқбол бу гал мўғулларга боқди кулиб.
 Амир Ҳусайн мағлубона ортга қайтди,
 Сəғу тирик қолганига шукур айтди.
 Мўғуллар ҳам ҳолдан тойиб, кетиб дармон,
 Темурбекдан етди шу пайт хати фармон.
 Мўғулларнинг қўмондони Қамариддин,
 Тасарруфга кириб билди ўзни яқин.
 Керак бўлса берамиз деб куч ва мадад,
 Темурбекни мўғуллар ҳам билишди садд.
 Мағлуб бўлган Амир Ҳусайн ерларини,
 Асир тушган оҳулару шерларини,
 Темурбекка тегишли деб бўлиб қуда,
 Келишишди ҳар соҳада яқин жуда.
 Бериб унга ҳукмдорлик жиловини,
 Кетди миниб мўғуллар ўз бедовини.
 Ортиб яна Темурбекнинг шон-шавкати,
 Олий фармон бўлди ҳар бир ёзган хати.
 Ҳусайн эса ишга солиб бор имконин,

Олмоқ бўлди бир амаллаб Темур жонин.
Унга қарши сон-саноқсиз лашкар тортди,
Шарқда бўлса олди, Ғарбда эди орти.
Қўшинлари чайқаларди денгиз янглиғ,
Васе олам кўплигидан топиб танглиғ.
Отлиқлари камон таққан калта шамшир,
Ёв бошини узмоқликда эди абжир.
Пиёдаси бошга кийиб темир байза,
Қўлларида эди узун ўткир найза.
Етиб келиб жойлашдилар Қағалғарга,
Дашту саҳро текислигу ҳатто жарга.
Икки баланд тоғ ичида асосий куч,
Уни мағлуб этмоқ эди хаёли пуч.
Темур эса қўшуни оз келса яқин,
Мағлубликнинг чақмоғидан чақнар чақин.
Гир айланиб босар бўлса роҳи дароз,
Қандай олсам ўлжамни деб ўйлар шаҳбоз.

ҲИКОЯТ

Учаркан самода қорни оч бургут,
Ёзиб кўкда қанот излар эди қут.
Кўринмас заминда на оҳу жайрон,
Гўё жониворсиз бўш эди ўрмон.
Шу он ноҳос тушди кўзига тўнғиз,
Баланддан пастликда мисоли қўнғиз.
Бургут шиддат билан пастга энкайди,
Уни кўриб қочди тўнғизи дайди.
Бургут орқасидан солганда чангал,
Дарахтга ёпишди тўнғиз шу маҳал.
Қоқиб қанотини бургут зўр берди,
Тўнғиз ҳам дарахтни қучоқлаб эрди,
Бирини оч қорин ундар юксакка,
Бирини жон ширин михлаган такка.
Ташлаб кетай деса бургут чангали,
Ечилмас ўлжага ботган маҳали.
Бургут бор кучи-ла кўкка интилиб,
Учди лек оёғи қолди узилиб.
Икки чангали йўқ бургут бургутмас,
Кўкка кўтарилиб қулаб тушди бас.
Тўнғиз елкасида бургут оёғи,
Унинг ҳам ўчди сўнг ҳаёт чироғи.
Ғанимни енгишни истаса ҳар мард,
Авалло эҳтиёт, макру ҳийла шарт.

Азалдан гап бордир қилсанг эҳтиёт,
Сен учун давомли бўлар бу ҳаёт.
Беҳуда ўтирма сен фоллар очиб,
Қисмат ёзуғидан бўлмагай қочиб.

ТЕМУР ТАФАККУРГА ТОЛГАНИ ВА ҲИЙЛА БИРЛА ҒАНИМГА ҚУТҚУ СОЛГАНИ

Кенг ва узун эди дарбанднинг йўли,
Иккита тоғ эди ўнги ва сўли.
Бор эди ўртада битта дарвоза,
У ҳақда ҳар ёнга кетган овоза.
Дарвоза мустаҳкам ёпилгани чоқ,
Уни очолмасди ҳеч кимса мутлоқ.
Яна атрофида силсила тоғлар,
Урмонзору яйдоқ, қайнар булоқлар.
Боши кўкка етиб баланд муҳташам,
Оёғи заминда бўлганди маҳкам.
Хусайн лашкарлари Самарқанд тараф,
Дарбандни тўсишиб турдилар қараб.
Дарбандга Темурбек киргани замон,
Ишга тушар эди пистирма, қопқон.
Ағёр ниятини Темурбек билди,
Ва лекин ўзи ҳам бир макр қилди.
Ўзга тарафида Дарбанднинг Темур
Турарди ғанимни титратиб мағрур.
Кеч кириб кўзларга кўринмай қора,
Қора тун зулмати ошиб тобора,
Темур махфий йўлдан бошлаб лашкарин,
Тунда кесиб ўтди дарбанд камарин.
Ҳар битта сарбозга бўлсин деб аён,
Темур режасини айлади баён:
«Отларни етаклаб борамиз секин,
Бу йўлни билмагай қушлар ҳам лекин.
Ёвнинг орқасига ўтиб оламиз,
Тўсатдан сездирмай қирон соламиз.
Уйқуда ётганда шабохун солиб,
Ҳисобсиз лашкардан келамиз ғолиб».
Темур ва лашкари айлаб таваккал,
Юрди ўнқир-чўнқир йўллардан жадал,
Бу олам азалдан эрур жафокор,
Қанча кенг бўлмасин охир келар тор.
Душманнинг ортига ўтишган маҳал,
Кўёш нурларидан таратди зарҳал.

Темур лашкарлари даҳшатда қотди,
Евга етмасидан чунки тонг отди.
Барчаси бошидан ўтди бир фикр,
Мен ҳам тахмин ила айлагум зикр:
«Ғаним қармоғига илиндик лаққа,
Муносиб кўргилик биздек аҳмаққа.
Ўзимизни этдик ўзимиз ҳалок,
Солди бошимизга бу ғамни афлок».
Темур лашкарлари ўйини сезиб,
Ташлагиси келди барини эзиб.
Ва лекин даҳо-да босди ўзини,
Мухтасар айлади айтар сўзини.
Евга яқин бориб тушинглар отдан,
Ҳордиқ чиқарингиз гўё қанотдан.
Ев бу пайт отларга эгарин уриб,
Жўнашга шай эди ўрнидан туриб.
Темур одамлари отларин қўйиб,
Ухлашди анча дам бемалол тўйиб.
Агар бахт-саодат кўргузса жамол,
Сенга етказолмас ҳеч кимса завол.
Омадла овлагил анқо қушини,
Бермагил ғанимга кўнгилхушини.
Жавзо юлдузи деб нидо чиқоргил,
У сенинг бахтингдир изидан боргил.
Чарчасанг ором ол кетиб уйқуга,
Берилма ҳеч маҳал ғаму қутқуга.
Душман қўшинлари кўрганда алҳол,
Бирор қисмимиз деб айлади хаёл.
Темур навкарлари дамини олиб,
Ғаним орқасидан кейин от солиб,
Тўсатдан санчдилар найзаю ханжар,
Бошланди ғанимга қазою қадар.
Кўп бошларни узди Темур шамшири,
Охир ғолиб келди жанггоҳнинг пири.
Ҳусайн норози эди тақдирдан,
Балхга жуфтагини ростлади бирдан.
Тамоман ажралиб мулку молидан,
Қолди маломатга бу аҳволидан.
Темур ғозийларча бошлади юриш,
Ғанимлар йўлида бермади туриш.
Эмасди бу оддий талону ғорат,
Улуғ пирлар этган каби башорат.
Таназул юз тутган ҳар бир кишварни,
Ундаги порахўр ҳар бир сарварни,
Оларкан ўзининг тасарруфига,

Етказди Мисрни ўз Юсуфига,
 Тарихдан аёнки бурун кўп аср,
 Очликка мустаҳиқ бўлганда Миср.
 Унинг шоҳи кўриб ногаҳоний туш,
 Таъбир топган эди Юсуф унга хуш.
 Тушида гўёки етгита ҳўкиз
 Етти кўк бошоққа солганди оғиз.
 Улар семизликда гўшту мой эди,
 Еттовлон сўқим ҳам хушчирой эди.
 Етиб изларидан етти озғин мол,
 Етти семизини еб-битди дарҳол.
 Шоҳаншоҳ бу ҳолдан даҳшатга тушиб,
 Уйғонди уйқудан эти увишиб.
 Сўради ҳар дили уйғоқдан таъбир,
 Лекин ечилмади бу мушкулот — сир.
 Шунда мушкулени айлади осон,
 Тушнинг таъбирини билгувчи инсон.
 Пайғамбар Еқубнинг фарзанди Юсуф,
 Зиндонда ётарди хор бетакаллуф.
 Анбиёлик нури юзидан балқиб,
 Жамолин кўрганлар кетарди қалқиб.
 У деди, бу ҳолдан бўлмангиз ҳайрон,
 Етти йил келади тўкин, фаровон.
 Ёмғир кўп ёғади ер бўлади нам,
 Яратган бахш этар барака, карам.
 Етти йил не эксанг, оласан ҳосил,
 Етти йил сичқондан чўчимагай фил.
 Тўкин-сочинликда яшаб одамзот,
 Етти йил фаровон кечирар ҳаёт.
 Ундан сўнг келади яна етти йил,
 Заминдан унмагай ўту гнёҳ, бил.
 Заминга ёғмайди бир томчи ёмғир,
 Шундан қаҳатчилик бошланар охир.
 Нон дея одамлар узишади жон,
 Гадолар тупроғу гадодир султон.
 Шу боис етти йил экайлик экин,
 Келса очарчилик етти йил кейин,
 Одамлар очликдан ўлмаси учун,
 Берилар ҳукумат ҳисобидан ун.
 Бу ишга лозимдир доно мубошир,
 Мендан яхшисини топмассан ахир.
 Шоҳ уни Мисрга мубошир қилди,
 Бериб ихтиёрин кўзи юмилди.
 Юсуфнинг тадбиру илми туфайли,
 Бошланди ўлкада тўкинлик сайли.

Ҳар юртнинг подшоҳи бўлса тадбиркор,
 Унинг раияти асло бўлмас хор.
 Қиссадан ҳисса шу Темурбек ғолиб,
 Қай юртга борса гар ногора чолиб.
 Аввало ўйлади оч раиятни,
 Аяб ўтирмади ҳар бадниятни.
 Темурга итоат қилгани қилди,
 Саркаш, ғайрларнинг боши кесилди.
 Самарқанд ҳокими эди Ардашер,
 Қонига ботмасин дея қутлуғ ер,
 Менга қанот бўл деб юборганда хат,
 Темурга «хўп» дея қилди итоат.
 Ҳам мавжуд мулкнинг ярмини берди,
 Не деса, сўзига у лаббай дерди.
 Амир Ҳусайнга қарши курашда,
 Темурга ён босди доим савашда.
 Амир Ҳусайн Балхга қочгани билан,
 Пинҳона ўз захрин сочгани билан,
 Бор эди ортида сонсиз лашкари,
 Бадар кетмагани хавфу хатари.
 Шу боис Ардашер қовуштириб қўл,
 Темур ҳузурига олганида йўл,
 Унга кўргузилиб меҳр эҳтиром,
 Айлади Темурбек совғаю инъом,
 Денгиз дарёлардан йиққанидек сув,
 Ҳусайн чор-атрофга солибон ғулув,
 Лашкар тўплайвериби кирди туғёнга,
 Денгизи айланди охир уммонга.
 Тошқиндек дунёни босгач саросар,
 Темурни чўчитди бу хавфу хатар.
 Ғазабдан шербачча мисоли ёнди,
 Ҳоким Ардашерга жуда ишонди.
 Уни ўз ўрнига айлабон тайин,
 Ўзи йўл бошлади зидди Ҳусайн.
 Бадахшон йўлига бурди отини,
 Кўрсатиб шайхларнинг мўъжизотини.
 Темурнинг қўшини мисоли ирмоқ,
 Юравериби бўлди дарёдек бир чоқ.
 Кейин у пишқириб мисоли денгиз,
 Эди довлашувда музаффар, тенгсиз.
 Темурнинг шарпаси етганда токим,
 Чикди тухфа билан иккита ҳоким.
 Ҳадя, зару зевар, гавҳари билан,
 Қўшилди ҳисобсиз лашкари билан.
 Темурга қўшилиб икки биродар,

Улар Бадахшондан чиқди баробар.
Амир Ҳусайни этгали нигун,
Балх сари силжиди денгиздек қўшун.
Улар ҳайбатидан чўчиб Ҳусайн,
Қалъага беркинди титраб шамдайн.
Темурнинг лашкари айлагач, қамал.
Босди Ҳусайни сояи ажал.
Бадахшоннинг икки ҳокими ёвда,
Улар болалари эди гаровда.
Аёвсиз қалъадан чиқариб дадил,
Болаларни этди Ҳусайн қатл.
Гуноҳсиз болалар бераҳму шафқат,
Уч учун ошкоро сўйилди фақат.
Номардлиги қилиб ўзига зарар,
Бўлди тез орада у зеру забар.
Кулиб ҳар галгидек бахту истиқбол,
Темур Балх шаҳрини айлади ишғол.
Қатлга сазовор бўлса ҳам Ҳусайн,
Темур тиф урмади унга атайин.
Боиси Ҳусайн сўрагач шафқат,
Темур ҳар галгидек қилди марҳамат.
Темурбек ҳар доим сўзида турар,
Олам аҳли андин измида юрар.
Ҳусайн тақдирин ҳал айлади хон,
Хавфлидир деди у гар қолса омон.
Амир Ҳусайннинг ортганда ваҳми,
Унга Темурбекнинг келсада раҳми,
Сўраб Кайқубоднинг хунини хондан,
Хусравшоҳ қўзғалди ўзга томондан.
Укасин қатл этган эди беасос,
Акаси олгайдир ғанимдан қасос.
Ҳажга отланганда Ҳусайн мағлуб,
Қазо ели етди паймона тўлиб.
Кайқубод хуни деб йўлда Хусравшоҳ,
Унинг қалласини олди баногоҳ.
Ака ука учун олиб қасос — хун,
Амир Ҳусайни айлади нигун.
Амирул-умаро бўлиб сўнг Темур,
Амир Ҳусайндан тегди садаф-дур.
Олди никоҳига тўрт хотинини,
Ҳамда хазинадан зар-олтинини.
Машҳур Бибиҳоним алардан бири,
Бўлди сўнг Темурнинг дўсту дастгири.
Чингиз эвараси марҳум Қозонхон
Қизин олиб бўлди Темур «кўрагон».

Темур Самарқандга етиб келиб шахт,
 Уни эълон қилди ўзига пойтахт.
 Темурбекдан олиб ёрлиғу имдод,
 Балхга ҳоким бўлди Музаффар Мурод.
 Хуросонда сўниб уруш олови,
 Юришди жаҳонгир Темурнинг ови.
 Буюк Амир эди омадли сайёд,
 Қадам босган ери бўларди обод.
 Чингизхон зотидан бўлган ҳамоқат,
 Тахтга чиқар эди хон бўлиб фақат.
 Суюрғотмиш бўлиб бу пайт ҳукмдор,
 Лек Темур измида эди шоҳсувор.
 Гарчи саналарди насабда олий,
 Номига хон эди қудрат-баҳоли!
 Уларни четлатиб ўтолмас биров,
 Бу ишга қодирдир на дусту на ёв.
 Агар бирор киши бўлса ҳам қодир,
 Шубҳасиз бўларди Темур баҳодир.
 Ва лекин қирқай деб таъна забонин,
 Утқазди расмият «кўриқчи» хонин.
 Гарчи хон бўлса-да бу гап эмас сир,
 Темурга бўйсунар беақлу тадбир.
 «Улуғ Амир» эди Темур лақаби,
 Баридан юқори эди матлаби.
 Қўғирчоқ ролини бажарарди хон,
 Темур изни билан берарди фармон.
 Адлу сиёсатда машҳур жаҳонга,
 Ҳеч ким тенглашолмас Соҳибқиронга.

ТЕМУР МАДАДИДА ТЎХТАМИШХОН ТАХТГА УТИРГАНИ ВА ХОИНОНА КУЧ ТУПЛАБ ҲОМИЙСИГА ҚАРШИ ҚУТУРГАНИ

Жаҳонни титратиб Темур даҳшати,
 Ошиб Тўхтамишнинг ғаму ҳасрати,
 Мадад сўраб келди Амир Темурдан,
 Кўнгул зулматини ёритиб нурдан.
 Амир Ҳусайнни айлаб тору мор,
 Темур давлатини этди устувор.
 Чиқмай мададхоҳнинг орзулари пуч,
 Берди суянгани мадад ила куч.
 Солди ғанимига қутқу зарбани,
 Унга инъом этди Олтин Ҳрдани.
 Тахтини эгаллаб ул номуносиб,
 Сўнг келди Темурнинг юртига босиб.

Темурбек юришда бўлган маҳали,
Ениб хоинона дилда машъали,
Сездирмай мулкига қилди тажовуз,
Берган ваъдасини унутди ёвуз.
Кесилар гоҳ мадад бергувчи илик,
Қайтмас яхшиликка доим яхшилик.
Мададга қўл чўзсанг, ёқангдан олса,
Йиқилса, кўтарсанг, пойингдан чалса.
Номард Тўхтамишхон кўтарганда тиг,
Тушди Темурбекнинг дилига оғриқ:
«Бериб фарзандимдек мадад, тарбият,
Наҳотки шу бўлса меҳр, ҳамият».
Тўхтамиш лашкари ҳайқирган денгиз,
Сону саноғи йўқ жанговар, тенгсиз.
Бари мўғулзода, чавандоз, хунрез,
Қашқирдек олғиру оҳу каби тез.
Қилич чопа олгай ҳар икки қўлда,
Ўзини илондай ҳис этар чўлда.
Сифноқ ва Утрордан улар лашкари.
Босиб келаверди Темурхон сари.
Темур Самарқанддан чиқди диловар,
Ягона истаги қозонмоқ зафар.
Гарчи навкарлари кўп синалмаган,
Барлосу орлоту жўқчи, қатаған.
Шерга шер келгандек жангда баробар,
Темур ҳам тўплади зиёда лашкар.
Уларнинг кўпи ёш, навқирон эди,
Элчилу чапақай паҳлавон эди.
Юзма-юз солишиш жангида улар
Ботир Тўхтамишга эрмак туюлар.
Хўжанд дарёсининг бўйида илк зарб —
Берилиб, бошлади икки лашкар ҳарб.
У Сайхун ҳозирги Сирдарё эрур,
Тилсиз гувоҳ янглиғ бериё эрур.
Ноғора товуши янграб самога,
Тушди икки лашкар жангу низога.
Бурғудан тўхтади Сайхуннинг суви,
Чиқди тулпорларнинг янгроқ қий-чуви.
Тўхтамиш бошида тулки тумоғи,
Шод эди нисбатан кам дея ёғий.
Темур ўзга ёндан келар от солиб,
Дуч келган ғанимнинг бошини олиб.
Пиёдалар қатор отишар камон,
Узоқдан ғанимга етказар зиён,
Ниҳоят қизиди жангнинг бозори,

Минглаб шаҳид бору йўқдир мозори.
 Тўхтамиш қўшуни яна тортиб саф —
 Келарди, тўлганди унга тўрт тараф.
 Ваҳший мўғулона овози янграб,
 Темур лашкарлари қолди гангираб.
 Тегирмон тошида янчилгандек ун,
 Темур аскарлари бўлишди нигун.
 Иўлда ирмоқларни ютгандек дарё,
 Тўхтамиш силжиди қон бўлди саҳро.
 Темур таҳликага тушиб илк бора,
 Деди: «Мен енгилдим қисматим қора,
 Е, Саййид афандим, мадад бер, худо,
 Бўлмай улуғ ному насабдан жудо.
 Жангда подшоҳлардан чиққали ғолиб,
 Ислом байроғини келганман олиб».
 Темурни юпатди Саййид Барака,
 Айлади ўзга бир сеҳру ҳарака.
 Отдан тушиб олди бир сиқим тупроқ,
 Яна отга миниб шивирлаб шу чоқ,
 Бир дуо ўқиди аён ўзига,
 Сўнг сочди у хокни душман юзига.
 Бақириб айтди ул «ёғий қочди» деб,
 Шу лаҳзада олди уруш ўзга зеб.
 Темур ҳам мисоли ҳазрати Аббос,
 «Ёв қочди» лашкарим, ғанимларни бос!
 Темур лашкарлари куч олиб қайта,
 «Ёғий қочди» деган шиорни айта,
 Қуюндай от солди ғанимга қарши,
 Уларни қўллади фалакнинг арши.
 Тўхтамиш лашкари қочди бурилиб,
 Бир қисми жанггоҳда кетди қирилиб
 Бир қисми қочаётган чоғида ўлди,
 Ғаним жасадига кенг саҳро тўлди,
 Қолганин айлашиб таъқиб бирма-бир,
 Қичиган гарданга солишди шамшир.
 Аскарбошилару гўзал канизлар,
 Асирга олинди мастура қизлар.
 Ҳисобсиз чорваю яна мулку мол,
 Утди ғолибларнинг қўлига дарҳол.
 Тартибга солинди Туркистон, Хўжанд,
 Кейин Темур қайтди яна Самарқанд.
 Темур назарида Са^аи^ил Барака
 Илоҳий неъматдек кирди орага.
 Агар у бўлмаса қисмати аён,
 Душманнинг зарбидан бўларди яксон,

Қўлга киритилган жойларга ҳоким
Айлади, шу дея изми оллоҳим.
Саййид тўғрисида турли ривоят,
Ўзгача айлагай ҳар ким ҳикоят.
Биров дер, мағриблик Мисрда яшаб,
Зулукла қон қуйган табиби машраб.
Биров дер Мадина тарафдан у зот,
Азизлар хокидан келган мўъжизот.
Биров дер мунаввар Макка аҳлидан,
Лолдир инсоният сеҳру ақлидан.
Самарқандга келиб саййидлик қилган,
Шу йўлда шуҳрату шони ёйилган.
Ислом байроғини кўтаргач Темур,
Эҳтимол оллоҳдан унга тушган нур,
Саййид Барака бир севимли банда,
Темурга мададкор пири арзанда.
Улуғлар изидан борса ким доим,
Шубҳасиз қўллагай уни илоҳим.
Темурким бошига бахт қуши қўнди,
Тўхтамишнинг шуҳрат қуёши сўнди.
Шундоғ ғолиб чиқиб соҳибмаҳорат,
Ғаним ўлкасини қилмади ғорат.
Босқинчидан бўлиб Туркистон халос,
Элу юртга Темур кўргузди ниёз.

ҲАР БИР МАМЛАКАТ ОСОЙИШТАЛИГИ ҲУҚМФАРМОЛАР ИРОДАСИГА БОҒЛИҚЛИГИ ҲАҚИДА

Кўриб адолатли ҳукмини ғоят,
Эл шаксиз айлади унга итоат.
Ишида бўлмаган қусур чалкашлик,
Ҳақсизликдан тушган дилига ғашлик.
У ҳақда гарчи кўп каромату баҳс,
У Соҳибқирондир, на юлдузи Наҳс.
Муборак саналган даврида аёл,
Тажовузни биров қилмаган хаёл,
Бирорта навқари гар қилса зино,
Уни қайда бўлса энг баланд бино
Уша баландликдан пастга ташлатган,
Хато қилса Темур доим берган тай.
Элни алдамаган, элни ўйлаган,
Эл ҳам у не деса, шуни куйлаган.
Тўғри мамлакатда чиқса ихтилоф,
Темур айбдорларни қийратган белоф.

Темур қонунлари бўлган устувор,
 Худди бугунгидек худо бўлсин ёр.
 Баъзида шоирни обқочар хаёл,
 Инсон ўз давридан излагай иқбол,
 Ҳар даври замонда энг улуғ сарвар,
 Юртини асрагай тинч ва бехатар.
 Ватанда осойиш гар таянч бўлур,
 Унинг келажаги буюк ганж бўлур.
 Темурдан бурунги кўплаб ҳукмдор,
 Қолдирмаган бирор арзирли ёдгор.
 Жаҳонни титратган улуғ Искандар,
 Бировнинг кўксига урмаган ханжар.
 Равшанак қизиким эрди дилоро,
 Ҳлаётиб унга бахш этган Доро.
 Дунёнинг ярмини забт этиб Чингиз,
 Тарихда қолдирган фақат қонли из.
 Улуғ Амир Темур айтсам келди гал,
 Бутун Шарқда қўйди ўзига ҳайкал.
 Шу боис эл уни кўтариб бошга,
 Менгзар адолатли сахий қуёшга.

АРДАШЕР ХОИНЛИК ИҲУЛИНИ ТУТГАНИ ВА ТЕМУР УНИ ҚАТЛ ЭТГАНИ

Темур Тўхтамишга қатағон солиб,
 Қийиқкўз ғанимдан келганда ғолиб,
 Чиқди Ардашер-ла орада хилоф,
 Темур гарчи унга кийгизди зарбоф.
 Ва лекин азалдан кимки ношукур,
 Гўрда тузалгандай ҳар бели букур,
 Темур хоинлардан олгайдир қасос,
 Дастидан ҳеч бири бўлолмас халос.
 Ардашер қўшнилиб ўзга гуруҳга,
 Доғ туширди Темур топган шукуҳга.
 Темур билан бирга қилиб ҳаракат,
 Уйлади мендан деб сайъу баракат.
 Ҳамда рақиблари уни гиж-гижлаб,
 Темурдан сен зўр деб тарқатишди гап.
 Темурким оллоҳим ёр бўлган сарбоз,
 Солди Ардашерга буткул инқироз.
 Тутди чигирткани тутгандай уни,
 Уша лаҳза битди ғанимнинг куни.
 Гарчи бундан аввал икки-уч бора,
 Ардашер куч тўплаб нияти қора,
 Темурдан сўраб сўнг инсоф, диёнат,

Қилмасман деганди бошқа хиёнат.
Темур охирги бор қилганди огоҳ:
«Хоинлик айласанг бар ҳаққи оллоҳ,
Минбаъд гуноҳингдан ўтмам, Ардашер,
Аён билки, сени ютар қора ер».

ТЕМУРНИНГ ДОВРУҒИ ҚАТОРИДА ХАСАДГУҲ ҒАНИМЛАРИ ОРТГАНИ, ТЕМУР УЛАРНИНГ ҚИЛҒИЛИГИГА ЯРАША ҚАСОС ТИҒИНИ ТОРТГАНИ

Самарқандда эди бузиқлар кўп,
Улар яшар эди ҳар жойда тўп-тўп.
Бирови найрангбоз, бирови шуттор,
Найзабоз, полвону қароқчи таррор.
Табибу муштумзўр ҳамда киссавур,
Қилмишлари эди доимо ур-сур.
Бугунги таъбир-ла айтсак бешукуҳ,
Кўп эди уюшган жиноий гуруҳ.
Темур лашкарининг тусига кириб,
Улар аҳолини юрарди қириб.
Гоҳи фуқарони айлашиб талон,
Элга етказарди жабр ила зиён.
Улар раиятни қилиб овора,
Темурни кўргузиб халқига қора,
Ҳатто қилишарди зўрлигу зинно,
Лекин беришмасди тутқич мутлақо.
Темур хуфияларни ташлади ишга,
Уларни бир таҳлил қилиб чиқишга.
Билиб бузуқилар тўдабошини,
Махфий едиртирди бир кун ошини,
Барини чақириб берди зиёфат,
Ёғди бузуқилар бошига офат.
Темурхон бирма-бир узатиб қадаҳ,
Қийғизди турфа хил хилъат бофараҳ.
Аввалдан Темурхон этганди фармон,
Олдидан чиқса гар ким қора чопон,
Уларнинг нияти қорадир билнинг,
Тўнини олингу терисин шилинг.
Темурда бўлса ҳам куч ва салтанат,
Бузуқи гуруҳлар аҳли шайтанат.
Темурга солишиб турар эди хавф,
Шу боис уларни Темур этди даф.
Дўзахга жадалроқ жўнатмоқ учун,
Тутди ҳар бирига шароби гулгун.

Темурдан миннатдор чиққанда агёр,
 Кўп ўтмай уйқуга кетди баякбор.
 Бир эмас, тўққиз бор айлаб хиёнат,
 Пуқ эди уларда инсоф диёнат.
 Темур барчасини бошини олди,
 Кейин бу ҳақда у элга жар солди.
 Халойиққа бўлсин шу нарса ошкор,
 Темур бузуқларни этди тору мор.
 Хавфлидир ички ёв, қилар юз найранг,
 Пуқотиб бўлмагай ошкор қилиб жанг.
 Шоҳ номини сотиб, қийратган элни,
 Бошларига ёғиб кулфати селни,
 Темурнинг номидан элни таларди,
 Ҳар бири айрича ўлпон оларди.
 Шоҳ амри вожиб деб эрларни хўрлаб,
 Аҳли аёлларин кетарди зўрлаб.
 Андин одамларда шубҳа туғилиб,
 Юрарди кулфату ғамдан бўғилиб.
 Бўлмасин қай давру замоннаю юрт,
 Ҳар бир жамиятда бўлар манфур қурт.
 Экин майдонидан ваҳший ўт мисол,
 Темур ғанимларин айлади поймол.
 Унинг овозаси ҳар томон кетди,
 Қоинлик қилганнинг ажали етди.
 Фалак камонидан отилса гар ўқ,
 Ажали етса ким ўша бўлар йўқ.
 Темур душманлари бўлгач ерпарчин,
 Давлат ривожланди, шаклланди дин.
 Қурила бошлади мадраса, масжид,
 Эътибор қозонди эшону саййид.
 Пуқолгач бузғунчи зиёнкор зотлар,
 Қурилди мадраса, масжид, равоглар.
 Этиб улуғларнинг руҳин яна шод,
 Турон мамлакати боз бўлди обод.
 Темурнинг қадами етмаса ҳам гар,
 Номи хутбаларга қўшиб ўқилар.
 Шоҳлар унга қарши қилмай жанг-жадал,
 Итоат этишни билишган афзал.
 Бўлмаса Темурнинг мададкор пири,
 Қайга ҳам етарди ёлғиз шамшири.

ҲИКОЯТ

Бор эди қадимда бир улуғ подшоҳ,
 Садоқат бобида сояйи оллоҳ.

Ундан етмас эди бировга заҳмат,
Раият ҳамиша айтарди раҳмат.
Ҳар жума кунлари хору гадоға,
Берарди ким сўраб келса садоға.
Бор эди подшоҳнинг эҳсонлари муфт,
Хайрия олгувчи кирар эди жуфт.
Биринчи гадо гар сўрса ўн танга,
Берарди бир бор кўп хомуш турганга.
Бу сирни билганлар турар эди жим,
Кўпроқ олиш учун олтин ёки сийм.
Баногоҳ киришди икки фирибгар,
Бири ғаламусу бири фосиқ, ғар.
Боқиб бир-бирига турарди хомуш,
Бир ёнда олтину бир ёнда кумуш.
Подшоҳ сукунатнинг сабабин сезди,
У ҳам сир бермади, сукут-ла эзди.
Қўшмачи, фосиқ, ғар кетар эди сушт,
Тезроқ сўраса деб, гапдуз ғаламус.
Қўшмачи, фосиқ, ғар сўрмагач эҳсон,
Келди ғаламуснинг ҳалқумига жон.
Фосиқ бузуқини этмакка мажруҳ,
Қисман ўзига ҳам жабр қилди у,
Бир найранг қилдики бу кўҳна дунё
Ҳали кўрмаганди бунақа риё.
Унинг тилагини эшитгани дам,
Оғзи ланг очилиб қолди подшоҳ ҳам.
Биринчи сўраган одамга тортиқ,
Бўлар шеригига икки бор ортиқ.
Ғаламус дедик, тилагим, иллоҳ,
Ўйинг бир кўзимни саховатли шоҳ.
Шоҳ унинг хоҳишин бажаргани дам,
Фосиқ, ғар қочишга жуфтлади қадам.
Ва лекин эшикда турган мулозим.
Уқтирди сарафроз бўлмоғинг лозим.
Чекма қисматингга ҳеч маҳал афсус,
Шеригинг бўлса гар бахил, ғаламус,
Кўзинг ўйилмасдан йиғлагил тўйиб,
Деб икки кўзини олишди ўйиб.
Ким сўқир бўлишни истамаса гар,
Бўлмасин оламда фосиқ, бузуқ, ғар.
Шарманда бўлмайин деса ҳар одам,
Асло ғаламусга бўлмасин ҳамдам.

АЖАМ МАМЛАКАТЛАРИНИНГ УЧГА БУЛИНИШИ ТАРИХИ ВА УНГА СОЧИЛГАН КЕКУ АДОВАТНИНГ УРУФИ

Қадимдан гуллаган ўлка эди Шарқ,
Ширин хаёлларга инсон эди ғарқ.
Жамшиднинг жомидир саодат рамзи,
Абадий эмас лек ҳеч кимнинг базми.
Жамшиддан сўнг чиқиб тахтга Фаридун,
Бошланган низолар, тўкилган кўп хун.
Бор эди подшоҳнинг уч жигарбанди,
Эражу Салм, Тур-учта фарзанди.
Униб-ўссинлар деб орзуга тўлиб,
Берди уч ўғлига юртини бўлиб.
Турон тўнғич ўғил Турга берилди,
Ота ҳимматидан зимдан ксрилди.
Ўртанча фарзанди Салмга Румни,
Бердим деб ўқиди ота ҳукмини.
Кенжатой Эражи Эронни олди,
Икки катта ака ҳасадда қолди.
Шу бонс ишлатиб ҳийлаю найранг,
Улар Эраж ҳолин айладилар танг.
Бу фоший дунёдан силкитиб этак,
Эражга қисматдир жувонмарг кетмак.
Шоҳ Фаридун қолди қайғуга чўкиб,
Жайхуну Сайхунни кўзидан тўкиб.
Эражда бор эди бир гўзал каниз,
Бамисли сиз севган хаёлий ҳур қиз.
Агарчи толейи бўлса ҳамки каж,
У гулдан баҳравар бўлганди Эраж.
Йилу ой ўтганда гўзал келинчак,
Оламга бахш этди баҳорий чечак.
Хун олиш азалдан на макру сеҳр,
Туғилди Эраждан ёдгор Манучеҳр.
Улғайиб отаси хунини олди,
Салм билан Турнинг давлати қолди.
Шоҳларку бир-бирин бошпини олар,
Раият аларнинг касрига қолар.
Сўнг Золу Рустаму тажаиғ Қайковус,
Эрондан Туронга қилган тажовуз.
Туронни бўлгунча то хоки тўроб,
Ҳимоя айлаган шоҳ Афросиёб.
Улуғ Амир Темур тарихни билгай,
Ўтган подшоҳлардан хулоса қилгай.
Шу бонс бўлса ҳам меросхўр фарзанд,

Юртни бўлиб бериб этмаган парканд.
 Аксинча йиққан у битта иликка,
 Йўлбарсдай қўрқмасдан босган у тикка.
 Таърифи оламга кетган нозанин,
 Оҳукўз, дилоро, гўзал, моҳжабин.
 Бибихоним бўлган ёнида доим,
 Тош қотган дилини этган мулойим.
 Бўлган у ғампарвар дўсту сирдоши,
 Меҳрибон мураббий, ҳарам қуёши.
 Илгидаи тирқираб қочганида ёв,
 Темур донм бўлган у оҳуга ов.
 Сиймин сайдгоҳида сайди юрган,
 Дунёда гаштини сургунча сурган.
 Амир Темур топиб бахту саодат,
 Эзгу сиёсатни айлаган одат.
 Мақол бор: «Келмаса агар Кўҳи Қоф,
 Девлар ўзи бориб айлагай тавоф».

ТЕМУР ХОРАЗМ ЕРЛАРИНИ ЎЗ ТАСАРРУФИГА КИРИТИШГА АҲД ҚИЛГАНИ ВА БУ ЙЎЛДА БИРИНЧИ БОР ЖАҲД ҚИЛГАНИ

Мўғуллар макрининг иложин топиб,
 Сулҳ билан уларнинг оғзини ёпиб,
 Янги юришларга айлади азм,
 Темурни чорлади Журжон — Хоразм.
 Сафар хизматимас гарчи у маҳал,
 Босқинчилик ҳисси таҳлика, ажал,
 Кириб келар эди ҳангоми юриш,
 Темур манглайига ёзилган уруш.
 Ўзгача талқиннинг йўқдир ҳожати,
 Шу эрур яратган ҳақ ҳақиқати.
 Шоҳларни ўзига айламак қарам,
 Қимки бош тортса, берарди барҳам
 Ташлаб қўяй деса, қўшни Хоразм,
 Мўғулга бўларди майдони базм.
 Тарихдан аёнку Муҳаммадподшоҳ,
 Чингиз соясидан қўрқиб баногоҳ,
 Қочгандир онаси Турконни ташлаб,
 Қўтир бўлиб ўлган ярасни қашлаб.
 Агар бирлашмаса бир қўлга Турон,
 Темур билар эди юрт бўлар вайрон.
 Шу боис қайга у айласа сафар,
 Эзгу ният ила бўлди музаффар.

Хоразм воҳаси эди кенг ўлка,
Уни олса агар Темурхон қўлга,
Давлати қудрати ошиб икки бор,
Абадий Туронда бўларди пойдор.
Бўлиб Хорамзда эзгу фазилат,
Ривож топган эди мусиқа, санъат.
Хушнаво гўзалу сунбуллар унда,
Олиму шоиру булбуллар унда.
Бешикда гўдаги агар чекса оҳ,
Овози янграрди бамисли «дугоҳ».
Ҳар бир давраларда куйчи ҳофизлар
Куйлашиб, рақс этар ширбадан қизлар.
Бахшню шоирлар завқи жаҳонлик,
Доим айлар эди улар шеърхонлик.
Лекин Самарқанду Бухорога хос,
Камроқ жарангларди оҳанги ниёз.
Шайх Аз-Замахшарий юртида ҳатто,
Йўқ эди исломий бирор саждагоҳ!
Дажжол Чингизхоннинг касрига қолиб,
Дину диёнат ҳам кетмиш йўқолиб.
Айшу ишрат бирла ичилса чоғир,
Ҳалокатга элтар инсонни охир.
Гарчи руҳга таскин мусиқаю соз,
Оллоҳнинг зикрига солгай инқироз.
Меёрида бўлса ҳар не оламда,
Ушанда татигаё бани одамга.
Инсон азиз эрур дини исломда,
Унинг ўрни бордир ҳар бир мақомда.
Сайёра масжидда доимо Темур,
Сўраган оллоҳдан ҳам этган шукур.
Ёнида муршиду пирлари бўлган,
Ўзига яраша сирлари бўлган.
Улар фақат аён қодир оллоҳга,
Адашиб ботмайлик яна гуноҳга.
Босқинчилик бўлмай юришдан мурод,
Темур кўп юртларни айлаган обод.
Жаҳонни титратиб турганида шер,
Итоат этмаса ҳар қандайин эр.
Ғазабин қўзиса, қилса ҳақорат,
Кўрсатса ўзича турфа жасорат,
Йўлида нозланиб мисоли тулки,
Шерни гар айласа масхара, кулги.
Шер уни тутганча бўлар овора,
Кейин нетар? Этар тилкаю пора.
Денгиздек мавжланиб Темур қўшуни,

Битганди Хоразм шоҳининг куни.
 Темур Кат шаҳрини айлади ишғол,
 Журжон кетмасин деб қўлдан безавол.
 Сулҳни таклиф қилди Хусайн Сўфи,
 Темурга кийдирди тўн ила дўппи.
 Бор эди Темурда уч-тўрт қўмондон,
 Бярови Кайхусрав ҳскими Хатлон.
 Истамай Темурнинг доврўғин жуда,
 Хусайн Сўфига бўлгали қуда,
 Сулҳ эмас, урушга ундади уни,
 Жуда кўп тўкилди лашкарлар хуни.
 Кетиб Кайхусравдан дину диёнат,
 Лекин қилолмади хоин хиёнат.
 Хусайн Сўфига агар босса ён,
 Темур этар эди ер билан яксон.
 Қолиб Кайхусравдан доғда Хусайн,
 Темур ҳийласи деб билди атайин.
 Жуфтакни ростлади ўгириб орқа,
 Ундан қолди қалъа боғу томорқа.
 Темур керагича жамлади ўлпон,
 Хоразмни унча қилмади талон.
 Ҳам таъқиб қилмади Хусайн Сўфини,
 Бошига чамбарак қўйиб дўппини,
 Машқ тугаб қайтишди Самарқанд тараф,
 Ўлжаю асирлар, лашкарлар саф-саф.
 Темур биричи бор қилганда азм,
 Тутқич бермаганди унга Хоразм.
 Шу боис куч тўплаб иккинчи марта,
 Сафар тадорикни кўрди у шарта.
 Журъат камарини мустаҳкам боғлаб,
 Борди ғанимларнинг дилини доғлаб.
 Сулув келинчакдек уни Хоразм
 Чорларди гўёки этгали базм.
 Хусайн Сўфи эди ҳамоно ғойиб,
 Бўлди кечинмалар жуда ғаройиб.
 Журжон қалъасини айлабон қамал,
 Қоқди ноғораю бурғуни бу гал.
 Қирса гар Темурхон қалъага дадил,
 Беҳуда бирозни этмасди қатл.
 Кирди Журжон эли андин титроққа,
 Уйнаб тожирларнинг кўзи чун соққа.
 Молу мулки бўлиб шубҳасиз талон,
 Қолмасди қаршилик кўрсатган омон.
 Шартномага оид ҳукми худоллик,
 Хоразм алдади юбормай солиқ.

Қочса ҳам Ҳусайн Сўфи аломат,
 Ноҳақ Темурбекни этиб маломат,
 Иккинчи пойидан ажрамай туриб,
 Йўқолсин деганмиш катта лоф уриб.
 Темурки ноўрин эшитса таҳқир,
 Бўларди мисоли занжирдаги шер.
 Сўнг узиб занжирни қўймас эди соғ,
 Йўқса босилмасди асабу титроқ.
 Хоразм томонга айлабон ружуъ,
 Келтирди Темурни шу боис, қутқу.
 Ҳали ёриб кирмай қалъага сарвар,
 Кўнглига йўл топди битта савдогар.
 У эди Ватану элига содиқ,
 Бўлса ҳар нарсаи жонидан ортиқ.
 Темурнинг олдига келтириб тўқди,
 Ҳамда таъзим билан унга тиз чўқди.
 Икки юз хачирга юклабон кумуш,
 Қирқ туя олтину зари софи хуш.
 Юзлабон гулжамол канизи дилжўй,
 Ҳам шунча навниҳол ғуломи хушрўй,
 Ҳинду озарию румолиғ эрди,
 Оқу қора тан ҳурлиқолиғ эрди.
 Бу совға салому канизу ғулом,
 Темурхон дилини оҳир этди ром.
 Ҳам кириб Хоразм унинг измига,
 Қайтди шу шарт билан яна изига.
 Ҳар доим фалакнинг ўқи чақмоғлиғ,
 Гоҳида доно ҳам қилар аҳмоғлиғ.
 Ҳасан Суриж деган доно савдогар,
 Иззату шарафга бўлди муяссар.
 Хоразм шоҳичи мисли чамбарак —
 Бу фалак остида бермасди дарак.
 Бевафо гўзалдек қолди Хоразм,
 Темур Самарқандга айлади азм.

ҲИРОТ СУЛТОНИ ҒИЁСИДДИНГА ТЕМУР МАКТУБИ ВА ШУБҲАЛИ РИВОЯТЛАРНИНГ МАРҒУБИ

Ҳар кимса ёмонлик қилса мабодо,
 Ўзига қайтарар албатта худо.
 Малик Ғиёсиддин чекиб кўп ниёз,
 Темурни ўлимдан этганди халос.
 Ўшанда отаси деганди бесар,
 Бир кун бу чиғатой бошингга етар.

Фаришта омин деб, келиб ўша кун,
Тортди Малик Фиёс ҳасрат билан ун
Темурнинг мактуби текканда қўлга,
Малик Фиёс солиб ўзини гўлга,
Эслатди ўзининг яхшилигини,
Темурининг бевафо шумқилигини.
Қирмаса орага гар Малик Фиёс,
Жувонмарг бўларди ўшанда барлос.
Отаси тортмоқчи эди чормихга,
Ҳаттоки муносиб кўрмасдан тирга.
Кейин Амир Темур қилиб хиёнат,
Қочганди мисоли бир бедиёнат.
Бугун эса сўраб ундан мулку мол,
Турфа хил ўлжаю гулом, гулжамол.
Бериб киргил демиш итоатимга,
Йўқса қолажаксан ҳарб-форатимга.
Унга йўллаганмиш хати омонлик,
Қўлидан келади йўқса ёмонлик.
Чунонам ачитиб ёздики Фиёс,
Жавоби Темурни ўртади ноҳос:
«Бир пайтлар эдинг-ку эшигимда қул,
Охир алдаб қочдинг мени сен буткул.
Едингдан чиқдимки қилган эҳсоним.
Мажруҳ чоғларингда берган дармоним.
Улар ҳолатингда мажруҳ, чалажон,
Чормихга тортмоқчи бўлганда султон,
Ғамга ботганингда айт мотамсаро,
Қим эди жонингга киргувчи оро?!
Одамдек бўлмасанг яхшиликка ёр,
Ҳеч бўлмаса бўлгил итдек вафодор!»
Туриб ғазаб билан бир наъра урди,
Темур қўшун тортиб Ҳиротга юрди.
Оҳ, Афғон тупроғи, мулки Сийистон,
Бир пайтлари сенда Рустам паҳлавон
Тушиб Исфандиёр макр чоҳигэ,
Сўнг кетган абадий роҳатгоҳига.
Темур аввал ўтди Жайхунни кесиб,
Фиёсиддин кирди қалъага сезиб.
Уйлади душманга бераман деб дош,
Вале фалак отган ногаҳоний тош,
Унинг хаёл қасрин айлади барбод,
Пушаймон бўлдию фойда бермас дод.
Юборди ўзинча чор-атрофга хат,
Хукмига тупланди ночор раият.
Иўлида қурилса кичкина тўғон,

Азим дарёларни тўсолган қачон?
Қоғоз қаср каби дош беролмас ёв,
Ғаними бўлса гар пишқирган олов.
Филга қарши чиқиб бир тўда шақол,
Ҳарб қилса ўзига бўлади завол.
Ё хўроз тожини чўқиб макиён,
Қачон етказибдир унга бир зиён.
Темур ҳарбу зарбда эди шиддаткор,
Ҳам кучи кўп эди, ҳамда ҳийлакор.
Тўпланган раият омонлик дея,
Барчаси ўз бошин кетишди ея.
Қалъада ўлимни кутмасдан Ғиёс,
Темурдан сўради омонлик, ниёз:
«Чиқиб таслим бўлгум, эй ғолиб сарвар,
Бир қошиқ қонимдан кечолсанг агар».
Темур рози бўлди бу илтимосга,
«Қонингни тўкмайман», — деди Ғиёсга.
Қимнинг бахти агар эмас фархунда,
Тадбири бошига келтирар кунда.
Қалъа соҳибда бўлиб бир ботир:
«Темурнинг қатлига деди мен қодир,
Оламдан кетсам ҳам беному нишон,
Чўлоқни ўлдириб ўлгум беармон».
Султон Ғиёс бўлди бунга норози,
Барчаси оллоҳнинг ҳукму ниёзи.
Темурни ўлдирса ўша паҳлавон,
Ҳиротда қолмасди бирор тирик жон.
Тангри берган бўлса не янглиғ тақдир,
Қутулиб бўлмагай ундан барибир.
Қисматдан қочмоқчи бўлсанг, эй инсон,
Билгилки чопасан ёзуғинг томон.
Битса бу оламдан насиба — ошинг,
Ўзи бориб турар кундага бошинг.
Билди Султон Ғиёс бўлган эди кеч,
Афсус надоматлар фойда бермас ҳеч.
Эгилган камондан отилган пайкон,
Ўрнига келмагай қайтиб ҳеч қачон.
Темур ғалабанинг гаштини суриб,
Ҳиротнинг бор- йўғин кетди супуриб.
Илгига ўтганди зеро Хуросон,
Ва лекин дилида кўп эди армон.
Дунёни эгаллаш орзуси буткул
Ўзига этганди уни тамом қул.
Хуросон тарафга тортганда лашкар,
Хавоф ўлкасига етди музаффар.

Унда азиз қилган тайгри-таолло,
 Олиму фозилу доно авлиё.
 Суф деса, сўзидан ёрилган тошлар,
 Куф деса, тутилган кўкда қуёшлар.
 Эзгулик бобида кони муъжизот,
 Ҳар бир мушкулотда топиб кашфиёт.
 Истаса, дарёлар тескари оққан,
 Самога юлдузлар михини қоққан.
 Дуойи неклари топмай таназзул,
 Ҳидоят йўлида бўлгандир қабул.
 Оллоҳга хуш ёққан севимли банда,
 Бу фоний дунёда унга арзанда.
 На фолчи эди у, на азойимхон,
 Оллоҳнинг йўлида фидо бир инсон.
 Исми Абу Бакир Шайхи Зайниддин,
 Дуосини олиб, ким бўлса яқин,
 Дилида қолмасдан армон тугуни,
 Муроди ушалар эди тез уни.
 Темур гарчи Турон сарвари эди,
 Лекин Шайхул-ислом навқари эди.
 У Шайх тарафига шошиб чун қуёш,
 Бориб оёғига дарҳол урди бош.
 Ўрнидан туришга улгурмасдан пир,
 Унинг қаршисига тиз чўкди Темур.
 Елкасига қўйиб Шайх икки илгин,
 Меҳр-ла силади пичирлаб кейин.
 Темурнинг тикланиб елка буқури,
 Таралди оллоҳга ҳамди шуқури.
 Кейинроқ Темурхон айлаб эътироф,
 Деганди: «Бу сўзим ростдир, эмас лоф!»
 Елкамга Шайх икки қўлин қўйган чоғ,
 Гўёки устимга ағдарилди тоғ.
 Ёки ағдарилиб устимга осмон,
 Тасаввур қилингки, айларди талқон».

Кейин ҳазрат билан кўргузиб ҳурмат,
 Наздида чўккалаб у қурди суҳбат.
 Шайх эди сукутда, у айлаб карам,
 Деди: «Эй Саййидим, Шайхи муҳтарам,
 Нега шоҳларингиз беқаҳру ғазаб,
 Элга зулум қилмай кўргузиб адаб,
 Инсоф-адолат-ла суришга даврон,
 Шайхул-ислом янглиғ бермайсиз фармон».

Шайх деди: «Уларга айладик амр,
 Лекин бошларида ҳавойи хамр.
 Эзгу сўзимизга тутишмай қулоқ,

Қилганлари бўлди жабр ила қийноқ
 Кофирдан адолат келса ҳар маҳал,
 Художўй золимдан юрт учун афзал.
 Оллоҳнинг қулидир ҳар бир мусулмон,
 Шайхми ул, гадоми ва ёки султон.
 Инсоф-адолатнинг пешвоси янглиғ,
 Доим қўлингизда бўлсин ўткир тиғ.
 Сизни бир даража баланд оширдик,
 Уларнинг ҳукмини сизга топширдик».

Шайхнинг фатвосидан титрабои дир-дир
 «Худо ҳаққи, — деди ҳазрати Темур. —
 Энди мен жаҳонга подшоҳ бўламан,
 Ҳамда сарлашқари оллоҳ бўламан.
 Каъба соҳибининг номига қасам,
 Мурад — мақсадимга етгум хотиржам».

Эзгуликка ташна ҳар инсон қалби,
 Шундай шарҳ этса-да қиссачи салбий.
 «Етти кеча-кундуз айлаб ибодат,
 Оллоҳдан сўради фатҳи саодат.
 Ким эса ботиру солиҳ, илмли,
 Ҳар икки дунёда бўлғай сеvimли.
 Ғам билан ва лекин қоришиқ шодлик,
 Темур Сийстонда қилди бедодлик.
 Ешлигида олган жароҳат учун,
 Сийстонда этди ғанимни нигун.
 Ҳарбда ишга солиб кучу қуролин,
 Саркаш душманларин берди заволин.
 Қонига қоришиб мунгли Сийстон,
 Қолмади бирорта хунхўрдан нишон.
 Қочиб кетганлари бўлиб бадарға,
 Юртига қайтишди мисоли қарға.
 Темур бу оламдан юмганида кўз»,
 Агарда рост бўлса бу ривоят сўз,
 Темур қасос олган рақибдан андоқ,
 Келтирдим ривоят бўлса гар қандоқ.
 Бу ҳақда ким қандай юритмасин баҳс
 Ривоят кўп лекин, Темур улуғ шахс
 Ҳар буюк ҳақида битиклар кафил,
 Ривоятлар қолар доим икки хил.
 Авлодлар кўтарса юксак фалакка,
 Ағёрлар тиқишар етти қат такка.
 Бир қалбни забт этиш қанчалик оғир,
 Осон иш эмасдир бўлмоқ жаҳонгир.
 Ҳеч қачон изидан қайтмагай карвон,
 Ит ҳуриб қароқчи қилса ҳам талон.

ШАЙХ ДУОСИ ТЕМУРНИ МУЗАФФАР ТУТИШИ САБЗАВОР ЕРЛАРИ ТАСАРРУФИНИНГ УНГА УТИШИ

Темур Сабзаворга юзланган маҳал,
Юрт ҳокими этди муаммони ҳал.
Темур олти ёшга тўлган маҳали,
Ҳасани Жўрийнинг етмай ажали,
Жангдан ҳорган чоғи уйқу элтиб хуш,
Курганди хаёли ёришиб бир туш:
«Пайт келиб жаҳонни забт этгай Темур,
Тугагай ҳақсизлик, беҳуда ур-сур.
Темурга тиз чўкиб, қилиб итоат,
Ҳасани Жўрий ҳам топди саодат».
Ғаним жангда унинг бошини олди,
Лекин васияти ўғлида қолди:
«Темур насибаси Соҳибқиронлик,
Асло саркашларга бермас омонлик.
Сенга етмасидан қасос ханжари,
Измига бош эгиб бўлгин навқари».
Унинг васиятини фарзанди қобил,
Бажарди Темурга чиқмай муқобил.
Орадан кўп йиллар ўтиб бегумон,
Бу тушнинг таъбири бўлди намоён.
Кўп қатори чўкиб Темурбекка тиз,
Иш тутди отаси айтгандай Ҳафиз.
Сидқу ихлос билан Ҳафизи Жўрий,
Деди: «Темур эрур жаҳоннинг зўри!»
Олиб хазинадан мулку молини,
Ҳам ҳарам боғининг навниҳолини,
Қанизу хизматкор, бир гуруҳ навқар,
Бахш этиб, Темурга боғлади камар.
Темур ҳадясини айлади қабул,
Ҳоким бўлиб қолди ўз жойида ул.

РИВОЯТ

Темур ёшлигида кезганда сарсон,
Бориб ҳар равогга бўлганда меҳмон,
Ким унга кўрсатса иззат, эҳтиром,
Сўрар эди ундан насабу мақом.
Ҳамда кучли эди унда ҳофиза,
Шу бойс ҳеч кимни қилмасди изза.
Бир бор ким кўнглини овласа токим,

Дер эди: «Жаҳонга бўлурман ҳоким.
 Таърифим эшитсанг, олдимга тез бор,
 Фалон белги билан кирмоғинг даркор».
 Бўлиб овозаси тилларда дoston,
 Келди ҳар тарафдан сўраб қадрдон.
 Темур ҳар бирига қилиб оқибат,
 Танига яраша кийдириб хилъат.
 Оларди ёмондан яхшини териб,
 Ўзига муносиб мартаба бериб.
 Қадимдан ҳозирги даврга қадар,
 Адолат соҳиби бўлган ҳар сарвар.
 Элу юрт ҳақида сўзлаб сўзини,
 Рости гап унутган баъзан ўзини.
 Темур унутмаган ўзни ҳеч қачон,
 Ким қилса мурувват, саховат, эҳсон,
 Унга алоҳида бериб эътибор,
 Лутфу марҳаматин айлаган ошкор.
 Етмаса ўзининг қадрига султон,
 Биров ҳурмат қилмас уни бегумон.
 Бировнинг лутфига шоҳ эмас муҳтож,
 Остида тахт гарчи боши узра тож.
 Жаҳонгир шоҳ учун эди сиёсат,
 Ким унга кўргузса меҳр ила рағбат.
 Оллоҳнинг зикрию Темур ҳақида,
 Бор эди ўша пайт кўплаб ақида.
 Энг улуғ шоирлар ёзиб қасида,
 Темурни мақташган эл орасида.
 Темур ҳар бирига айлаган инъом,
 Шеър дostonлардан топган эзгу ном.
 Шоирлар шоҳларга бағишласа шеър,
 Зимдан эл дилида уйғонади меҳр.
 Атай баъзи шоҳни ҳар сотқин вазир,
 Васф этиш йўлидан тўсган муқтадир.
 Боиси ҳукмдор бўлса муҳтарам,
 Илдизи бўлади унинг мустаҳкам,
 Тахтига кўз тиккан мунофиқ гумроҳ,
 Ҳеч қачон бўлолмас шоҳ ўрнига шоҳ.
 Битса ҳам суҳандон тарошлаб хома,
 Бўлмас бундан ортиқ гўзал ҳангома.
 Темурни эъзозлаб доим халойиқ,
 У эди ягона шоҳликка лойиқ.

САБЗАВОРДА ТЕМУР БИР АВЛИЁДАН МАСЛАҲАТ СЎРГАНИ ВА УНИНГ КЎРСАТМАСИ БИЛАН ҚАРОМАТ КЎРГАНИ

Сабзавор шаҳрида бир азиз киши,
Асло дунё билан йўқ эди иши.
Ихлосманд муриди кўп эди бироқ,
Толсан қуёшдек эди ярқироқ.
Биларди ҳикмату дунёнинг сирин,
Ва лекин тутарди дилда яширин.
Саййид Шариф эди исми бароти,
Эл аро муборак саналиб оти,
Башорати доим чиқарди тўғри,
Ундан чўчир эди қароқчи, ўғри.
Дедилар таралгай юзларидан нур,
Саховати билан оламга машҳур.
Сабзавор шаҳрига боргани замон,
Темур авлиёни айлади меҳмон.
Дедики: «Ягона эй пири мутлақ,
Келдим дийдорингга мен бўлиб илҳақ.
Ҳидоят нурини сочиб шуълавор,
Буюклик сеҳридан этгил хабардор».
Сайидни менгзашиб бахт қуёшига,
Дуру зар сочишди унинг бошига.
Соҳибқирон очиб ҳазратга оғуш,
Иззат-икром билан ҳол сўрашди хуш.
Зиёфат устида Саййид Муҳаммад,
Айтган сўзи бўлди шукур ва раҳмат.
Қанчалар донишманд бўлмасин бу зот,
Темурга қилмади зарра илтифот.
Бўлиб Амир Темур тоқатлари тоқ,
Охири дейди: «Эй, Саййиди Офоқ!
Сен менга бир сирни айлагин баён,
Қандай йўл тутсам гар бутун Хуросон,
Бош тортмай киради итоатимга,
Боғлиқми ё тоат ибодатимга?
Босиб бир томонни айласам ишғол,
Иккинчи тарафда бошланар завол.
Куч билан енгишга етади кучим,
Барини қиришга лек етмас ўчим.
Қон тўкиб бўлгунча ҳар юртга соҳиб,
Дуо-ла олганим соз мисли роҳиб.
Шу боис кўрсатгил роҳи шариат,
Қўллаб-қувватласин аҳли тариқат.
Дунёни олишим шубҳасиз аён,

Ва лекин дейман-да, кам тўкилсин қон». Саййид унга деди: «Мавлоно Амир, Йўқ бу хил ишларда менда ҳеч тадбир. Худонинг қулиман, Расул уммати, Шукурки ёр эрур ҳақ фазилати. Ожизу фақир муҳтож кишиман, Ишим йўқ жаҳонгир шоҳлар иши-ман. Ҳам етмас сиёсат ишига ақлим, Йўқ менинг шоҳларга насиҳат-нақлим. Гарчи санагайлар мени кўп азиз, Вале азизликка даъвом йўқ ҳаргиз. Мен кимман шоҳларга бериб маслаҳат, Улар булоғидан нўш этса шарбат. Оламда келтирар бу иш фалокат, Мен учун йўқ бундан ортиқ ҳалокат. Ким икки уқёнус бириккан жойда, Сузмоқчи бўлса гар ундан не фойда. Қай томон сузмасин масаласи ҳал, Охири домига тортажак ажал. Ва ёки шохлашса иккита қўчқор, Орада турса ким мисоли девор. Ҳар икки томондан урилганда зарб, Шубҳасиз ўлдирар бу антиқа ҳарб. Гапирса ким агар ажнабий тилда, Адашар ҳар сўзда ушбу қабилда. Ҳам бўлар лутфида ортиқча хато, Билгилки хатони хуш кўрмас худо». Темур унга деди: «Соҳибсаодат, Камтарлик инсонга энг гўзал одат. Лекин менга аён бор фазилатинг, Бўлмаса пирим гар эзгу хислатинг. Ғойибдан уйғониб днлимда шуур, Сен томон тортмасди мени мисли нур. Сўрмасдим мен сендан пири тариқат, Бойлардан гадолар сўргандай ҳожат. Мен ўзим билмайман лек дилим сезгир, Синоат калити сиздадир, тақсир». Саййид ўйга толиб деди: «Эй Амир, Майлига ошкоро бўлсин сенга сир. Айтган сўзларимга осибон қулоқ, Йўлу йўриғимга киролсанг у чоқ, Сенга билганимни айтарман бу дам, Амир Темур деди: «Пири мукаррам. Ўзимни гар ўту чўққа ураман. Фақат сен кўрсатган йўлдан юраман,

Юрай деб сен билан ҳамдам, ҳамтақдир,
Келдим-ку қошингга тиз чўкиб ахир».
Темурга дедики Саййид Муҳаммад:
«Бўлмагай олдингда ҳеч бир тўғон, садд,
Дунёни айларсан бирма-бир ишғол.
Ҳар ишда оллоҳни хотирингга ол,
Фалакнинг қутбю йўллар маркази,
Тақалар бир жойга бориб ҳаммаси.
Муайяд ат-Тусий Хожайи Али,
Замона пирӣ ҳам устозу валий.
Кўнглини овласанг, бўлса у дастгир,
Сенга мадад қўлин чўзса агар пир,
Муродинг ҳосилдир пичоғинг мойда,
Агар акси бўлса, беролмас фойда,
Сенга бу оламда ҳеч бир каромат,
У зотга эргашгай ҳар бир жамоат.
У агар айласа бир бор ишорат,
Измингга халойиқ айлар итоат.
Устоз пир, замона муршиди билар,
Не қилса одамлар қилганин қилар.
Бир зоти тақалар ҳазрат Алига,
Ҳеч ким тенглашолмас, бил, у Валийга.
Истаса, шоҳларни гадо айлагай,
Истаса, гадони подшо айлагай.
Истаса, осмонда бўлади жойинг,
Истаса, осмондан келади пойинг.
Унга кўргузиб сен иззат-эҳтиром,
Изла даргоҳидан ўзинг ҳам мақом.
Шоҳона лутфга муносибдир ул,
Агар илтифотинг айласа қабул,
Бошингга кўтаргил, кўрсин халойиқ,
Улуғлар улуғи ҳурматга лойиқ.
Сен унга кўрсатсанг қанчалар карам,
Эл ичра бўласан шунча муҳтарам.
Уни пирим деган минглаб раият,
Изингдан эргашар бўлиб хуш ният.
Комилни эъзозлар ҳар доим комил,
Мақсадга етишда ягона омил».
Темур ҳузуридан Саййид чиқиб бот,
Мактуб битди олиб қоғозу давот.
Хўжа Али учун бу эди муҳим,
Дедики: «Эй пирим, шону шуқуҳим.
Темурдан борса гар Сиз томон чопар,
Яхши кутиб олинг у иқболтопар.
Молу мулкингизга етмагай зиён,

Бўлинг, истасангиз, унга меҳрибон.
Ислом байроғини кўтариб баланд,
Доим азизларни этар аржуманд.
Совға билан боргай ва ёки қуруқ,
Сиз ҳам илтифот-ла кўргузинг йўруқ».
Хўжа Али олиб мактубни дарҳол,
Темурнинг ҳақида очди эзгу фол.
Бўлса шаҳарларда нечалаб жомеъ,
Хутба ўқитилиб намоз ҳангоми.
Темурнинг номини мукаррар этди,
Зимдан жаҳонгирни музаффар этди.
Номи-ла зарб қилиб тангаю тилло,
Темурга ҳомийлик айлади илло.
Дарҳол бу ишларни қилиб саранжом,
Темур чопарини кутгани ҳангом.
Тезда етиб келди хабарчи маҳбуб,
Бор эди қўлида Темурдан мактуб.
Энг гўзал сўзлардан тузишиб калом,
Азизни улуғлаб айлаб эҳтиром.
Ҳар бир сўз қоғозда инжудэй порлаб,
Темур муҳаббат-ла меҳмонга чорлаб.
Бўлсин қадамингга минглаб ҳасанот,
Марҳабо эй Шайхн илоҳийқонат».
Мактубни ўқибон Шайх йўлга тушди,
Саодат номаси чун қўлга тушди.
Шайх келар чоғида Темур атайлаб,
Чиқди лашкарини янгидан шайлаб.
Улуғ подшоҳлардек истиқболнга,
Юриб нойил бўлди Шайх висолига.
Шунчалар айлади инъому савфо,
Қўпдигидан қўпди оламда ғавфо.
Шайх қошида қилиб таъзим-тавозе,
Лутфу марҳамат-ла айлади рози.
Ислом оламига тарқаб бу хабар,
Темурга ўзгарди нуқтайн назар.
Пойига бош уриб аҳли Хуросон,
Измига бош эгди гадою султон.
Қолмади бирорта қалъа ё шаҳар,
Темурни билмаса ўзинга сарвар.
Шайхнинг хосияти Мозандарондан,
Сарахсу Рай ҳатто гўзал Гиллондан,
Қилди тождорларни Темурга волий,
Бу эди биринчи иқболи олий.

Мулкининг доврўғи етиб Ироққа,
 Айниқса Шоҳ Шужоъ қолди фироққа.
 Темурни кутарди қонли урушлар,
 Ажам Ироқига қараб юришлар.
 Дили орзуларга денгиздек тўлгач,
 Хуросон ерлари ўзидан бўлгач,
 Итоатга кириб яқину йироқ,
 Тушди ғанимларнинг дилига титроқ.
 Темур Шоҳ Шужоъга юборди мактуб,
 Ироқу Шерознинг хонига марғуб.
 Дедики: «Билсангиз етти иқлимда,
 Шоҳларнинг жилови эрур илкимда.
 Измимга айласанг сўзсиз итоат,
 Кўрсатсанг чин дилдаи лутфу иноят.
 Иззат-ла кутсангу сийлаб кузатсанг,
 Шоҳона божларни билиб узатсанг.
 Иқболинг қуёшни кетмагай сўниб,
 Амримга бўйсунсанг қисматга кўниб.
 Золим подшоҳларни этгали тор-мор,
 Киришсам ҳар доим худо бўлди ёр.
 Ким менинг йўлимга чиқса гар қарши,
 Ундаи ғолиб тутгай мени бахт арши.
 Ким менинг зиддимга бошласа гар ҳарб,
 Игначи бўлса ул мен Темурий зарб.
 Игначи урганда оҳиста юз бор,
 Темирчи бир урар лекин шиддаткор.
 Сен кўрдинг, эшитдинг шоҳи жангийман,
 На ғаним айтгандек ожиз, лангийман.
 Измимга бош эгсанг, қилмайсан хато,
 Йўқса ёғилади бошингга жафо.
 Лашкар тартиб борсам, хаёлинг сароб,
 Улат, очарчилик, юрт бўлар хароб.
 Юз мингдан ортиқроқ лашкарим ҳар кун,
 Еса гар биласан кетар қанча ун.
 Улжага ҳар бири олса бир санам,
 Чечовлаб фуқаронг қолар бемахрам.
 Шунчадан шаҳрингни зару зеварн,
 Тешилиб ҳам бикр дуру гавҳари.
 Ироқнинг ўрнида бир сиқим тупроқ,
 Қолгани яхшими?—Ўзинг ўйлаб бож».

Шоҳ Шужоъда бошқа қолмади илож,
 Юборди Темурга совға-салом, бож.
 Дўстлик-чун топди ул энг мақбул йўлни,

Темурнинг ўғлига узатди гулни.
 Соҳибқирон билан бўлиб у қуда,
 Кейин яшайверди тинчу осуда.
 Гарчи ғаламуслар бордир ҳар жойда,
 Ҳар юрт, ҳар кулбада, ҳатто саройда.
 Гоҳо воситачи етказар фасод,
 Пардозчи гоҳ айлар ҳусни барбод.
 Гоҳ шодлик ўрнини келиб олар ғам,
 Азалдан тескари қурилган олам.
 Ҳар ишда танласанг бирорта даллол,
 Ундан эҳтиёт бўл, эй марди ҳалол.
 Табиатан бўлар инсонда найранг,
 Ишонсанг, охири ҳолинг этар танг.
 Оллоҳ сенга берса неъматлар сархил,
 Уни кўролмагай ичи кир, бахил.
 Бировга суянмай иш тутса зоҳир,
 Оламда ўшадир тенгсиз баҳодир.
 Утмасин орадан қанча майда гап,
 Улуғ шахслар эди ҳар икки тараф.
 Шоҳ Шужоё оламдан этгунча вафот,
 Темур-ла кечирди дўстона ҳаёт.
 Тўхтовсиз қатнади совғали карвон,
 Урушу низосиз ҳар икки томон.
 Доимо тинчлигу тижорат бўлсин,
 Юрт гуллаб яшқасин, на ғорат бўлсин.
 Уйлаб эл бахтини улуғ тadbиркор,
 Темурдек ишида худо бўлсин ёр.
 Шоҳ Шужоё олиму донишманд эди,
 Илму урфон ила доим банд эди.
 Ҳатто «ал-Қашшоф»ни айларди таҳлил,
 «Қуръон» тафсирларин энг улуғи бил.
 Унинг муаллифи аз-Замахшарий,
 Хоразм элининг фахри, гавҳари.
 Гарчи туркий эди Темурга тараф,
 Қилкидан жон топди лисони араб.
 Ҳам олди Жорруллоҳ лақабни ул зот.
 Ун йилча Қаббада кечириб ҳаёт.
 Туркийлар на тапҳо шамшёр, илмда —
 Жаҳонгир бўлишган етти иқлимда.
 Шоҳ Шужоё қисмати аянчроқ бўлган,
 Очофатлик билан қийналиб ўлган.
 Муҳаммад Музаффар унинг отаси,
 Худонинг тақводор оддий бандаси.
 На шоҳу на амир бир инсон бўлган,
 Эдилу тўғри сўз, паҳлавон бўлган.

Язд ва Абракуҳда ҳаёт маскани,
 Чор-атроф измига бўйсуниб ани,
 Бечоралар ундан тиларди паноҳ,
 Ҳамда чўчир эди золимлар ҳатто.
 Арабнинг Ҳафожа қабиласидан,
 Эл қолиб кулфатда зарб-ҳийласидан.
 Чиқиб бир Жамол Лук деган ҳароми,
 Бою камбағални талаб тамоми.
 У парво қилмасди кўпми, кам одам,
 Талаб кетар эди барин муттаҳам.
 Уқ бўлиб ёғса ҳам самодан юлдуз,
 У парво қилмасди, дили эди муз.
 На қўрқув даҳшатни золим биларди,
 Қаршилиқ кўрсатсанг тернинг шиларди.
 Бўлиб атрофида бир тўда авбош,
 Фасоддан ҳар томон ёғдирарди тош.
 Этиб боғу роғу экинни поймол,
 Дастидан қирилиб кетди молу ҳол.
 Шоҳ Шужоъ отаси пойлади уни,
 Юзма-юз дуч келди унга бир куни.
 Оғзаки жанг қилди аввал у билан,
 Курашиб йиқитди сўнг ружуъ билан.
 Дарҳол Жамол Лукни бошини олиб,
 Юборди Султонга тўрвага солиб.
 Унга эҳтирому ҳурмат-ла Султон;
 Бир қанча ерларни айлади эҳсон.
 Бор эди отанинг тўртта фарзанди,
 Ҳар бири дилининг эли пайванди:
 Музаффар, Мансуру Маҳмуд, Шоҳ Шужо,
 Ҳар бири назарда эди бир подшо.
 Уларга суяниб Ироқ султони,
 Бир куни танидан узилди жони.
 Султоннинг манглайи бўлгани-чун шўр
 Ёўқ эди ўрнида фарзанд-меросхўр.
 Шоҳ Шужоъ отаси тахтига чиқди,
 Тўртовлон ўғлини гирдига йиғди.
 Муҳаммад Музаффар ҳаёт чоғида,
 Куйди шоҳ Музаффар ўғли доғида.
 Уғли Шоҳ Мансурни Халифа айлаб,
 Кетди ўз тахтига қисмат-да жойлаб.
 Уртада чиқиб бир фасоду низо,
 Отасидан қолиб чиқди Шоҳ Шужоъ.
 Падари бузрукка кўп жафо этди,
 Уйиб икки кўзин нобини этди.
 Эй, танграм, истасанг, гадо шоҳ бўлур.

Истасанг, шоҳ мажруҳ, нобино бўлур.
 Худодан Шоҳ Шужоъ сўрарди ҳар дам,
 Темурга рўбарў қилма деб ҳеч ҳам.
 Шоҳ Шужоъ ажали етганин билиб,
 Берди салтанатин тенг тақсим қилиб.
 Фарзанди жигарбанд азиздир токим,
 Зайнал-Обид бўлди Шерозга ҳоқим.
 Кермонни укаси Аҳмад Султонга,
 «Иқто» қилиб берди олий фармонга.
 Яздни биродари ўғли Яҳёга,
 Бахш этиб топширди уни худога.
 Иккинчи биродар фарзанди Мансур,
 У ҳам бўлди олий насабга мансур.
 Бошқалардан билмай уни кам-ортиқ,
 Исфаҳонни унга айлади тортиқ.
 Темурга суяниб бу васиятда,
 Кўзларини юмди эзгу ниятда.
 Улим либосини кийгач Шоҳ Шужоъ,
 Орада бошланди жанжалу низо.
 Зайнал-Обиддинга қарши Шоҳ Мансур,
 Бошлади аёвсиз босқину ур-сур.
 Ғолиб келиб олди кўзини ўйиб,
 Қасос шаробига гўёки тўйиб.
 Отаси бобосини этганидай хор,
 Уни амакисн айлади абгор.
 Бу қиссанинг ипи чувалиб кетиб,
 Охири борди у Темурга етиб.
 Темур нафратланиб ранжиди ул чоқ,
 Ичидаги қолди ичида бироқ.
 Худонинг хоҳиши неки жойлагай,
 Қулай фурсатини доно пойлагай.

ТЕМУР ЯНА АЗМИ ХОРАЗМ ҚИЛГАНИ ВА ЖАНГДАН СУЛҲНИ АВЛО БИЛГАНИ

Темур Хуросонни айлагач ишғол,
 Уни юксалтириб самовий иқбол,
 Қудратли қўшунга озроқ дам берди,
 Лашкарки беҳисоб бир олам эрди.
 Астробод сари қулочин ёзиб,
 Келди Хоразмнинг устига босиб.
 Хоразм султони йўқ эди ҳамон,
 Бесоҳиб уй янглиғ эгасиз Жўржон.
 Ҳасан пешвоз чиқди Темурга яна,

Совға-салом билан айлаб таңтана,
Хусайн Сўфи ҳамон бўлган-чун ғойиб,
Темур тайинламоқ бўлди бир нойиб.
Савдогар дедик: «Эй улуғ Амир,
Биз сенинг қулингиз ахир барибир.
Хусайн Сўфими ё ўзга пошшо,
Измингдан чиқмагай билки мутлақо.
Нойиб қўйиб кетсанг, қайтганда Султон,
Бир низо чиқади сўзимга ишон.
Агарда шу зайил қўпса можаро,
Менинг ҳам бошимга ёғилар бало.
Чиқиб орангизда кеку ихтилоф,
Қўплаб қон тўкилар соҳиби инсоф.
Шоҳ чиқса хумордан тўкилганда қон,
Гуноҳдир қирилса аҳли мусулмон.
Фасодни хуш кўрмас биласан эгам,
Илоҳо бундан ҳам бўлгил мукаррам.
Хусайн Сўфи бўлмас мангуга ғойиб,
Қайтса бўлар сенга муносиб нойиб.
Барча эл измингга камар боғласин,
Сенинг номинг бирла юрт сўроғласин.
Фикринг, фикри олий, фармонинг фармон,
Измингга кирмаса, сўнг янч беармон.
Ҳасан сўзи бўлиб Темурга маъқул,
Дарҳол таклифини айлади қабул.
Кетди йўлга тушиб дили таскинда,
Самарқанд сайқали рўйи заминга.
Темурга марҳамат кўрсатган Ҳасан,
Бой эди ва лекин ўлди бекафан.
Бор эди тожирнинг бир ношуд ўғли,
Ишратга берилган юраги чўғли.
Аямай олтинду дуру зарини,
Босди Хусайн Сўфи қучган парини.
Ул гўзал канизга бўлиб ҳамоғуш,
Лабига лаб қўйиб, кўкрагига тўш.
Жуҳудлар айтгандек бўлиб «Роино»,
Юз берди охири фаҳш ила зино,
Бу хабар тарқалиб аввал саройга,
Сўнг етди миш-миши заминдан ойга.
Қочиб кетган Султон бу гапни тинглаб,
Рашкдан етиб келди тўйдек гижинглаб.
Ҳасан хом хаёл-ла ғафлатда қолди,
Таскину тасалли ақлини олди.
Уйлади Султонга қилдим яхшилнк,
Бўлмагай оламда бундай хуш қилиқ.

Икки бор қайтардим талончи ёвни,
Ул ёвким, ҳар бири шердек асовни.
Бостириб кирганда шаҳри Журжонга,
Шафқат қилишмасди бирор инсонга.
Не эрур Султоннинг битта канизи,
Ун бешта хотину ўн гўзал қизи.
Ёғий оғушига тушиб булғониб,
Узга чашмалардан ичарди қониб.
Сақладим мен унинг номусу орин,
Уғлим ўйнаса-да битта нигорин.
Ҳусайн Сўфи эса англамай буни,
Қатл этди зинокор ўғли-ла уни.
Мол-мулкини этиб талону торож,
Ташланди уларга аждаҳодек оч.
Гап борки Темурнинг ўғли Жаҳонгир,
Жангу жадалларда эди кўп моҳир.
Жаҳонгир гўзал ва аслзод эди,
Бахт, шараф, қисматдан доим шод эди.
Юзидан таралиб салоҳият, нур,
Унга катта умид боғларди Темур.
Бўлиб Шириндан ҳам ширинроқ гўзал,
Лайло, Узролардан ҳусни мукаммал.
Хоннинг қизларидан ҳусни зиёда,
Султон гулзоридан эди Хонзода.
Насаби юқори бу оқбадан қиз,
Бўлди Жаҳонгирга қўшилган юлдуз.
Андин Жаҳонгирга чун моҳи Рахшон,
Пайдо бўлган эди Муҳаммад Султон.
Юзидан товланиб истиқбол нури,
Лол этиб барчани ақлу шуурни.
Эзгу ёқимтойлик эди одати,
Эрди юксакнишон бахт саодати.
Минг йилда туғилар бир олийнасаб,
Темур ё Муҳаммад Султонга ўхшаб.
Барча набираю фарзанддан зийрак,
Эди шул набира доно ва тийрак.
Кўп эди от изин гарчи босар той,
Баридан ёш тойчоқ эди хушчирой.
Муҳаммад Султон деб муносиби маҳд,
Темур тайин қилди уни валиаҳд.
Вале қисмат унга қилмай тараҳҳум,
Темурнинг измига кирганида Рум,
Узоқ яшамади бу баҳру барда,
Эламдан кўз юмди ёш Оқшаҳарда.
Темурнинг бир ғами минг қайғу бўлиб,

Илк бор йиғлаганди ҳасратга тўлиб.
 Одамни қарнтар ғам билан қайғу,
 Учар кўзларидан қуш деган уйқу.
 Ҳасаннинг бошига тушганда кулфат,
 Эшитиб, кек бўлди Темурга улфат.
 Ғазабдан қутурган шердек қутурди,
 Оти жиловини Хоразм бурди.
 Ғунажин кўз сузса, буқада не айб,
 Ўзингга аёндир ҳукми соҳибғайб.
 Буқаталаб бўлса маҳраминг каниз,
 Иккисин ясоққа қўшиб ўтирғиз.
 Ўзинг қочиб кетсанг бамисоли ҳез,
 Отасининг айби недир, эй хунрез?!
 Темурнинг бошида хаёллар ғужғон,
 Охир етиб келди у шаҳри Журжон,
 Ажали етганин Ҳусайин билди,
 Қўлидан келгунча қаршилиқ қилди.
 Темурнинг қаҳрига учраган душман,
 Зудми ё кеч кияр барибир кафан.
 Ҳусайн Сўфи бўлди жанг чоғи ҳалок,
 Аҳли Журжон эди гуноҳлардан пок.
 Темурнинг ғзаби аста босилиб,
 Олди ғанимларнинг терисин шилиб.
 Лекин солдирмади юртга қатағон,
 Қилмади босқину зўрлигу талон.
 Ҳусайн Сўфи этиб Ҳасанни қатл,
 Мол-мулкин олганди қилмайин адл.
 Темур қайтартирди меросхўрларга,
 Ибрат бўлсин дея золим — зўрларга.
 Лек олди Султоннинг хазнасин қоқлаб,
 Шоҳона чиқимга етар деб оқлаб.
 Нойиб тайин қилиб қайтди Ватанга,
 Оддий раиятдан олмай бир танга.
 Жаҳон подшоҳлиги кўргузгач жамол,
 Темур тўпламади бошқа мулку мол.
 Бормай ўлпончилар ноғора қоқиб,
 Божу хирож ўзи келарди оқиб.

МОЗАНДАРОН БЕШАСИННИНГ ПАЛАНГИ ШЕРБИЛАКЛИ АМИРГА ҚАРШИ ЖАНГИ

Темур Хуросонга отланган замон,
 Мозандарон томон юборди фармон —
 Мактуби ҳидоят Шоҳ Вале сари,

Итоатга чорлаб замон сарвари.
 Шунингдек у ёзган мактубни олиб,
 Келди икки амир бошини солиб.
 Бирови Искандар Аршиванд эди,
 Боз бири ал-Қуммий аржуманд эди.
 Шоҳ Вали Темурни менсимай ҳисоб,
 Қўрслик билан унга қайтарди жавоб.
 Ҳамда мактуб битиб у шоҳ Шужоъга,
 Деди: «Қўмаклашгил ушбу низога.
 Менга кўмак берсанг, оласан ёрдам,
 Берамиз бирлашиб Темурга барҳам.
 Агар ёлғиз — танҳо қилар бўлсак жанг,
 Шубҳасиз бизлардан ғолиб чиқар ланг».
 Ҳамда Султон Аҳмад Шайхга деб марғуб,
 Юборди шу янглиғ мазмунда мактуб.
 Қўшнингни уйга ўт кетса агар,
 Сенинг ҳовлингга ҳам етгай муқаррар.
 Шоҳ Шужоъ бермади зарра эътибор,
 Султон Аҳмад эса кўргузиб кибор:
 «Шернинг қаршисида мушуги ланги,
 Пушаймонлик бўлар мен билан жанги».
 Шоҳ Вали ололмай улардан мадад,
 Темурга қарши ул турди мисли садд.
 Чуқурроқ қилганда ўйлаб тафаккур,
 Шоҳ Вали Темурдан сўрарди узр.
 Узига ишонса ким ҳаддан ортиқ,
 Ва лекин оллоҳим этмаса тортиқ,
 Келмагай иликка ғалаба, нусрат,
 Пирларга таяниб Темур ҳар фурсат,
 Оллоҳга айларди зору илтижо,
 Бўларди дуоси доим мустажо.
 Бекор гап лоф уриб девмиз демоқлик,
 Кейин мағлуб бўлиб пушмон емоқлик.
 Шоирлар гоҳида сўзлар ошириб,
 Афсун-ла одамлар ақлин шошириб.
 Туя келбатида гарчи қуш бўлинг,
 Аждаҳосифатли бадбуруш бўлинг.
 Шайхлар турар экан Темур томонда,
 Уни енголмайсиз икки жаҳонда.
 Саркашлиги учун етиб ажали,
 Жангга тайёрланди кейин Шоҳ Вали.
 Арабий тулпорлар кўтариб тўзон,
 Уқлар шувиллади, қарс деди қалқон.
 Уч бурчак шаклида Темур лашкари,
 Шоҳ Вали қўшини тўзғиди бари.

Темурнинг жангини кўргани заҳот,
 Шоҳ Вали ортига ўғирилди бот.
 Кучинг етмаса гар қочиш айб эмас,
 Улсанг жангда мағлуб биров ҳайф демас.
 Қаёққа қочишни билмай Шоҳ Вали,
 Рай томон от сурди деб таваккали.
 Кимгаки ҳар замон паймона тўлар,
 Қаёққа қочмасин барибир ўлар.
 Рай ҳокими эди Муҳаммад Чавқар,
 Бор эди шижоат, обрўю навқар.
 Юртида мустақил ҳукмрон эди,
 Ўзига яраша беғу хон эди.
 Ва лекин Темурга қилиб хушомад,
 Мағлуб Шоҳ Валидан кетганда омад.
 Темурга юборди калласин олиб,
 Ўзини итоат йўлига солиб.

ТЕМУРГА ҚАРШИ АБУ БАКР ЗИМДАН ТАЖОВУЗ ҚИЛГАНИ ИШЛАТИБ МАКР

Дилкаш ва хушҳаво Мозандаронда,
 Тоғлар ён бағрида, айни Шосбонда.
 Бор эди бир ботир, ишида макр,
 Уни дер эдилар шоҳ Абу Бакр.
 Тоғлар орасидан чиқса баногоҳ,
 Унга тенг келолмас ҳеч қандай суллоҳ.
 Зиреҳи тоғлару харсанг тош эди,
 Минг чоғли тоғликка ўзи бош эди.
 Тоғларнинг жангини олиб ҳадисин,
 Сувдаги балиғдек сезарди ўзин.
 Топмаса-да катта жангларда зафар,
 Тоғу ўнгирларда эди музаффар.
 Ҳам унинг шериги Сайд Али Курдий,
 Енгилмай тоғма-тоғ жанг қилиб юрди.
 Учинчиси эди Уммат Туркмоний,
 Тоғларнинг жангсевар ваҳший қоплоний.
 Темурга улардан етиб талофот,
 Думларин тутқазмас эдилар ҳайҳот.
 Бир гал ишга солиб ҳийла-макрни,
 Атрофин ўрашди Абу Бакрни.
 Бор эди бир ёнда фақат улкан жар,
 Пастлиги эҳтимол минг газча, сақар.
 Саккиз қулоч эди нариги қоя,
 Сакраб ўтиш эди хаёлий ғоя.

Тоғ серкаси янглиғ лек Абу Бакр,
 Бир сакраб нарёққа ўтди бемакр.
 Кейин Темур уни қилмасдан таъқиб,
 Дедики: «Яшасин, муносиб рақиб».
 Курдларнинг амири Сайд Али Курдий,
 У ҳам Темурбекка қарши от сурди,
 Шер доим шер билан ўрмон талашар,
 Мушугу сиртлонга бўлмас баробар.
 Ҳам вақти йўқ эди мушугу сичқон,
 Уйнашни ёқтирмас эди Темурхон.
 Ва лекин тасодиф Уммат Туркмоний,
 Бир хоин навқари кетиб пинҳоний,
 Айлади сотилиб рақибин огоҳ,
 Бостириб устига борди Мироншоҳ.
 Улар ўзларини ўнгламай туриб,
 Учта сардори-ла ташлади қириб.
 Энг оғир кўргулик душман даҳшати,
 Ундай ҳам оғирдир дўст хиёлати.
 Исфаҳон ханжари кирганда тилга,
 Дўст тигидай қаттиқ ботмагай дилга.
 Етса яқинингга сендан жароҳат,
 Ғайрига қилурсан қандай каромат?
 Дўстми, бегонами, ким бўлса хоин,
 Уни йўлдан урган шайтони лаъин.

ТЕМУРНИНГ АЖАМ ИРОҚИГА ЮРИШИ ВА ШОҲ МАНСУРНИНГ УНГА ҚАРШИ ТУРИШИ

Шоҳ Шужоё оламдан кетганда бебахт,
 Ўғлига қолганди ундан тожу тахт.
 Зайнал-Обиддинга етмай офият,
 Бўл пушту паноҳи дея васият
 Айлаган эди у Темурга ўғлини,
 Улар чоғи тутиб ўзига яқин.
 Шоҳ Шужоё укаси лекин Шоҳ Мансур,
 Оғалиқдан билиб шоҳликни мансур,
 Тахт учун оғасин кўзини чўқир,
 Зайнал-Обиддинни айлабон сўқир.
 Соҳиб бўлган эди Ироқ тахтига,
 Лек тақдир тупурди унинг бахтига.
 Хоинлик қилдинг деб Мансурга Темур,
 Қўшин тортиб келди, бошланди ур-сур.
 Яқинлардан сўраб шоҳ Мансур мадад,
 Юборди ҳар тараф подшоҳона хат.

Темурнинг кимлигин билган чор-атроф,
Худодан сўради тавфиқу инсоф.
Шоҳ Мансурга бўлмай ҳеч бири ҳамдам,
Итоатда бўлди Темурга қарам.
Шаҳар атрофида қуриб истеҳком,
Икки минг суворий йиғди батамом.
Ўзи ҳам шай бўлди жангга шуқуҳан.
Жангга тайёрлади халқини руҳан,
Халойиқ дедик, аё Шоҳ Мансур,
Бостириб келганда жаҳонгир Темур,
Икки минг қўшиннинг мисоли ирмоқ,
Темур майдонига бўлади кирмоқ.
Қудратли дарёга дуч келиб шунда,
Мавҳ бўлиб кетади таги қўшунда.
Сен қочсанг от билан жонинг омонат,
Биз қолсак асирда чекиб машаққат.
Темур сарбозлари ташлар бурдалаб,
Сени қидиргаймиз «қайси гўрда-лаб?»
Чўқморин кўрсатиб деди — Шоҳ Мансур
«Бу алиф менингни қўлимда турур.
Қим қочса Темурдан жанг ҳангомида,
Бу бўлгай энасин қоқ андомида!»
Мени ташлаб қочса қўшуним агар,
Ўлгунча савашгум ўзим музаффар.
Олгайман ғанимнинг терисин шилиб,
Ўлгайман ё ўзим шаҳид йиқилиб.
Агар ғолиб чиқсам, орзу муродга
Етарман элимни эъзозлаб додга.
Агар ҳалок этса жангда оллоҳим,
Йўқдир ўлганимдан кейин гуноҳим.
Бу гапни эшитиб барча ранят,
Гирдига йиғилди қилиб хуш ният.
Ҳар ён одамларин қўйди тақсимлаб,
Мавжуд қалъаларнинг атрофин чимлаб.
Йўлларда қазилиб чуқуру хандақ,
Ев ўта олмагай келганда мутлақ.
Шоҳ Мансур дедик, бу душман ёвуз,
Бир жойда турмайин қотиб мисли муз.
Ғанимга ҳар ёндан соламан қутқу,
Тиғу ханжар билан айлайман ружуъ.
Кутмагай, босаман орқа, ўнгурдан,
Учимни оламан шундай Темурдан.
Кундуз таъқиб айлаб, тунлар кузатиб,
Ажал шаробидан қўйгум узатиб.
Ғафлатда уйқуга чўмса лашкари,

Ботар ҳар бирига қасос ханжари.
 Гоҳ пайза санчамиз, гоҳ чолиб шамшир,
 Саломат куймаймиз ғанимни ҳеч бир.
 Гоҳ бузиб кетамиз оромгоҳини,
 Гоҳ олиб кетамиз молу жоҳини.
 Гоҳи пистирмадан оламиз нишон,
 Ғанимни битталаб айлаймиз гумдон:
 Сиз эй ватанпарвар, бир гуруҳ шоввоз,
 Сахро йўлбарсию самсда шоҳбоз,
 Фафлатда қолмасдан кечаю кундуз,
 Ҳимоя бир бўлса, ҳужум айланг юз.
 Ҳимоя айлабон юртни мустаҳкам,
 Қалъага йўлатманг ёвларни ҳеч ҳам.
 Сизни қуршаб олса қилмангиз парво,
 Заминда мен борман, осмонда худо.
 Қалъа атрофини қилишса қамал,
 Ташдан мен келтиргум уларга ажал.
 Шундай пухта ўйлаб туздию режа,
 Шоҳ Мансур қалъадан чиқди бир кеча.
 Йўлида дуч келиб лекин бир кампир,
 У эди жодугар устайи тазвир.
 Оғзидан чиқмади бир сўз саломат,
 Андоқ Шоҳ Мансурни этди маломат.
 Унга илгин чўзиб, ёқадан олиб,
 Шундоғ жаврадики у фиғон солиб:
 «Қаранглар, уятсиз бу шоҳи замон,
 Хону монимизни айлади вайрон.
 Уруш ўлпони деб, йиғиб молу зар,
 Энди жуфтагини ростлар баччағар.
 Ғаним чангалига бизларни ташлаб,
 Қочиб кетаётир дилимиз ғашлаб.
 Худо ҳаром қилиб унга қуролин,
 Қочоқ қайга борса чексин заволни.
 Юртни ташлаб қочса ҳар қандай подшоҳ,
 Ундан баҳт юзини ўгиргай оллоҳ».
 Шоҳ Мансурга қилиб бу сўзлар алам,
 Отини орқага бурди ўша дам.
 Оташин сўзидан сочилиб учқун,
 Кампир Шоҳ Мансурни ўртади бутун.
 Фикр ғарамлари куйиб оловда,
 Минг бор нафрат сизди дилида ёвга.
 Кампир унинг иззат нафсига тегди,
 Мағрур тик қаддини бир қадар эгди,
 Кайтмайман жангдан деб қилди қасамёд,
 Кўнгли таскин топиб, руҳи бўлди шод.

Ботирларин шайлаб отланди жангга,
Жонини тиксин деб ҳар ким Ватанга.
Тўқнаш келганида иккита лашкар,
Бирдан қон дарёси оқди алҳазар.
Муҳаммад фарзанди Зайниддин деган,
Бор эди бир амир гўжала еган.
Тўсатдан от қўйди Темурга томон,
Изидан навқари эргашди шу он.
Сарбозларнинг кўпи у билан кетди,
Шоҳ Мансурга катта талофат етди.
Қолсада мингтача аскар Шоҳ Мансур,
Жанг қилди лочиндек, енгилмас мағрур.
Ичидан кетса ҳам пушаймон-ла зил,
Зоҳиран тутарди ўзини дадил.
Оққушнинг ўрнини олиб қора зоғ,
Кеч кириб зулумот ёйилгани чоғ,
Ҳар лашкар қайтиб ўз қароргоҳига,
Уйлади не қилгай саҳаргоҳида.
Шоҳ Мансур ярим тун ўрнидан турди,
Девзод тулпорига эгарин урди.
Боғлади думига бир мис қозонни,
Ҳатто васвасага солиб шайтонни.
Темур тарафига от сурди тажанг,
Оламни бузди у тарангу таранг.
Душман лашкарлари шошиб, адашиб,
Тунда бир-бирига кетди савашиб.†
Шоҳ Мансур бир четдан кузатиб турар,
Қим чиқса бир четга унга тиг урар.
Ушбу васвасадан гувоҳдир афлок,
Гўё ўн минг одам бўлганмиш ҳалок.
Кундуз байроғини кўтаргани дам,
Ўзаро қиришиш топганмиш барҳам.
Шоҳ Мансур қараса тонг отиб кундуз,
Мингта аскардан қолганмиш беш юз.
Қўрқмасдан душманга шердек ташланиб,
Темур чодирига борганмиш яниб.
Хос навқарлар гўё ғафлатда қолиб,
Темурдан Шоҳ Мансур бўлгудай ғолиб.
Ёриб кирган эмиш гўё ҳарамга,
Ва лекин дуч келиб битта маҳрамга,
Балким адашдим деб айлабон гумон,
Ўзини урибди у бошқа томон.
Гарчи ривоятлар қизиқ, ғаройиб,
Шоҳ Мансур қисмати жуда ажойиб.
Лашқари қирилиб, қайғуга ботиб,

Ажал даҳшатидан беркиниб ётиб,
Навард айламакка қолмай мадори,
Қулаб набардгоҳда ўлик қатори.
Охири иккита навқари қолган,
Улар ҳам жанггоҳда изсиз йўқолган.
Таваккал деганин калласи кетган,
Фахриддин дегани тўқсонга етган.
Шоҳ Мансурни эса бир чигатойлик,
Бошини шарт кесган берса ҳам бойлик.
Темурга келтириб кўрсатган маҳал,
Бўлди қилмишига яраша ўсал.
Темур фармон берди минбаъд ҳеч навқар,
Асир тушган шоҳга санчмасин ханжар.
Ўзгадир қирғину жангнинг йўриғи,
Эшакдан фарқлидир отнинг тўриғи.
Таги паст навқарни бир қамчи урди,
Садоқати учун инъом буюрди.
Шоҳларни шоҳ янглиғ эъзозлаб Темур,
Қатл айламасди бўлмаса куфур.
Сўз бирла кирмаса итоатига,
Қилич-ла киритиб ўз тоатига,
Бир марта кечарди улар гуноҳин,
Такрор бўлса, кейин эшитмай оҳин,
Жазоси бўларди ҳибс ё ўлим,
Темурдан норози бўлмасди ҳеч ким.
Мақол бор: «Кўз чиқар тегса гар тариқ»,
Адашган ё котиб ёки муаррих.
Оқиллар кўрсатмас оқни қора деб,
Ёинки қорага оқ деб бермас зеб,
Ички ишонч ила дилдаги иймон,
Доимо йўлбошинг бўлсин, эй инсон.
Турфа талқин айлар аҳли тафаккур,
Ерданмас, самодан тарадгайдир нур.

ҲИКОЯТ

Забт этди форс ила Ажам Ироқин,
Яратган эшитди Темур фироқин.
Шоҳ Шужоъ хешларин кўнглини овлаб,
Хат ёзди шоҳларга меҳрини товлаб.
Тортмади бировга беҳуда ханжар,
Адлидан Шерозни этди мунаввар.
Замона устози ғазалхон шоир,
Сўз билан шоҳларни енгмоққа қодир.

Баногоҳ дуч келиб Ҳофиз Шероз,
Темур лутф бирла кўргузиб эъзоз,
Бир савол айлади: «Муҳтарам устоз,
Бордир сўзларингда фасоҳат, тироз.
Ва лекин бир гўзал туркий дилбарга,
Ваҳ-ваҳки, дилоро лаби шакарга,
Бир бора дилингни этса гар хурсанд,
Бермишсан Бухоро бирла Самарқанд.
Унинг юзидаги қора холига,
Балки лабидаги ўпич-болига.
Узингнинг Шерозинг олдингда туриб,
Берсанг қўш шаҳримни яна лоф уриб.
Бухоро макони Исломи диндур,
Самарқанд сайқали рўйи заминдур.
Гина айтар бўлсам ўпкамни босиб,
Шу гап санданмуди ахир муносиб.
Темурнинг ҳазилми, чинмиди сўзи,
Фақат билар эди оллоҳнинг ўзи.
Ножўя бир жавоб айласа шоир,
Темур уни ҳар не этмакка қодир.
Хожаки зийраку эди хушмақом,
«Қуръон» қироати бериб Ҳофиз ном,
Шоирлиги эди иккинчи ҳунар,
Бахт қуши кимнингки бошига қўнар,
Яратган айлағай уни хужаста,
«Қуръон» қироатин бошлади аста.
Уқиди у гўзал хуш овоз билан,
Оллоҳга илтижо ҳам ниёз билан,
Мазмуни тақрибан эди шу тахлит,
Лек Темур тушунди барчасин яхлит.
Синов майдонидир бу меҳнатсаро,
Унга кўнгул қўйса ким бахтиқаро.
Улкан шаҳарлару олий қасрлар
Парчаланиб кетар ўтгач асрлар.
Оллоҳ раҳматига у бўлар нойил,
Бўлса эзгуликдан унда шамойил.
Ҳар кимса бўлолмас марди жаҳонгир,
Ё қалам илгида ё тутиб шамшир.
Шеърларим пойинга гавҳардек сочқи,
Авфи гуноҳ учун караминг очки,
Қўлим очиқлиги битта хол учун,
Туркона гўзалга бир висол учун.
Бердим Самарқанду Бухоро савфо,
Бошимга келса ҳам андин минг гавфо.
Тарихда қоламан шу гап билан мен,

Сахий шоир деган шараф билан мен.
 Айлаб ҳимматимни зиёда чандон,
 Бир қаро холига қилдим армуғон.
 Темур ғазаб қилса бераҳм эди,
 Вале дақойиқда тезфаҳм эди.
 Шоирга кийдириб бош-оёқ сарпо,
 Шарафига базм айлади барпо.
 Оҳу кўз Эроний малика қизлар,
 Улуғ Темурбекка мисли канизлар,
 Ширбадан ҳолатда кўргузиб ҳунар,
 Тун висол майидан айлаб баҳравар.
 Оҳуга қўшилиб гўё арслон,
 Булди гулу лола мисоли комрон.
 Ҳазалхонлик қилиб Ҳофизии Шероз,
 Гўзаллар айлади ноз устига ноз.

ТЕМУРНИНГ ИСФАҲОНГА ЮРИШИ ВА ФОСИҚЛАР КАСОФАТИДАН УЗГАЛАРНИНГ ЖАБР КҮРИШИ

Амир Темур тортиб борганда лашкар,
 Исфаҳон эди бир дилоро шаҳар.
 Иқлими сўлим ва мўътадил эди,
 Мевалари сархил, хилма-хил эди,
 Бўстонда бўлгандек қумрию булбул,
 Донишманд фозилга тўлган эди ул.
 Кўп эди инчунин аҳли уламо,
 Саййид эшонлару пок аҳли зако.
 Илму маърифатда топиб қамолот,
 Эришган чўққиси эди ижтиҳод.
 Улар ичра бўлиб бир «Дин пешвоси»
 Имомиддин эди исми зебоси.
 Эл доим сидқ ила измида юрар,
 Ёт деса, ётарди, тур деса, турар.
 Темур даҳшатидан айлаб ҳикоят,
 Бир кун қилишганда унга шикоят,
 Имомиддин деди эканман тирик,
 Темур биз томонга тортмайди черик.
 Ажалим етиб гар айласам вафот,
 Унда ўзи билгай мўъжиби давот.
 Исфаҳон аҳли гар бўлса иттифоқ,
 Темур кўргузса ҳам унга иштиёқ,
 Кўп бўлса шоҳона солиғин олар,
 У ўз тасбеҳига битта дур солар.

Муслимга қиличин тортиб мусулмон,
Ҳеч маҳал беҳуда оқизмагай қон.
Орага тушмаса агар шайтанат,
Элга тиг тортмагай соҳибсалтанат.
Темурдан динсизлар чўчиса арзир,
Ислон шамширидир у тортган шамшир.
Қўп ўтмай доно пир кўзини юмди,
Сукунат қаърига бу олам чўмди.
Йўқдир бу оламнинг мангу сарбози,
Худо ундан бўлсин ҳамиша рози.
Бўлса раиятда агар битта ғам,
Минг ғаму ташвишда подшоҳи олам.
Шайхнинг вафотидан ўтмай кўп асно,
Исфаҳонда бўлди Темурбек пайдо.
Шайхнинг ўғитига қилишиб амал,
Темур Исфаҳонни қилмасдан қамал,
Кўтариб чиқишиб совға-саломлар,
Айтишиб марҳабо эзгу каломлар.
Темур дили эриб қўрғошин мисол,
Тиғи тили бўлди забонидек лол.
Итоатда кўриб Исфаҳонни ул,
Таъбида очилди ифор исли гул.
Қўйиб етти мингта ўлпончи навкар,
Ўзи ўз юртига қайтди музаффар.
Бу дунёки гўзал, дилоро ёруғ,
Унда бир зот йўқдир нафсдан фориг.
Етти мингта сарбоз, етмиш элатдан,
Йўқ, эди уларнинг фарқи ўлатдан.
Қаер табиати бўлса хушҳаво,
Шубҳасиз қизлари бўлади зебо.
Аёллари жоду ишвага мойил,
Ҳам шунга яраша шаклу шамойил.
Эгарда дайдиған ҳар бир бўйдоқ шер,
Оҳукўз кўрганда турмас бўлмай эр.
Аввал ўлпон йиғиб, тўплаб мулку мол,
Сўнг ҳордиқ чиқариб очишганда фол,
Ҳар уйда биттадан қуролли сарбоз,
Қизу аёллари ишвали серноз.
Ҳездек эркаклари рашки зиёда,
Ҳирс келса, қочади ақл дунёда.
Шайтон имлаганда узатиб чоғир,
Унинг қули бўлар ҳар ақли қосир.
Солиқ йиғувчилар қилмай тахайюл,
Кўнгилхушлик ила бўлишди машғул.
Гап борки, баъзи бир эрларни боғлаб,

Алар хотинларин ётмиш қучоқлаб.
 Бўлиб бу ҳодисот бир неча такрор,
 Шаҳар ҳокимига боришиб ночор,
 Бўлган воқеани қилишди баён,
 Олишди хуфёна ҳам амри фармон.
 Ярим тун ноғора чалинган маҳал,
 Золимлар бошига ёғилгай ажал.
 Ухламай барчангиз кузатиб туринг,
 Ноғора чалинган ханжар-ла уринг.
 Заррин нурларини таратиб қуёш,
 Мағрибнинг чоҳига урганида бош,
 Оққушни вақтинча айлаб бадарға,
 Келиб қўнди унинг ўрнига қарға.
 Шайтон йўлдан урган бир гуруҳ фосиқ,
 Ётарди ғафлатда кўкраги очиқ.
 Темурнинг номига туширишиб доғ,
 Олишиб фаҳш, ишрат қўйнида фароғ.
 Билишмас эдики тун бўлганч яим,
 Абдий уйқуга кетишларин жим.
 «Ал-қасос-минал-ҳақ» — бўлдию шиор,
 Мазмун: «Ҳақ топар жойига қарор».
 Исён оҳангида янграб ноғора,
 Титратди сукунат қаърин бирбора.
 Аввалдан келишган ҳар исфаҳонлик,
 Қасос деб, қўлини айлади қонлик.
 Қолмасдан бирорта ўлпончи навкар,
 Барининг кўксига санчилди ханжар.
 Қорақуш оламдан этганда парвоз,
 Оққуш ошёнин олди сарафроз.
 Гўёки қарғанинг пати тўкилиб,
 Зулумот кечанинг чоки сўкилиб,
 Қолмади ҳеч кимдан яширин бу сир,
 Темурга етганч бу фитнайи шабгир.
 Унинг ғазабини қўзиди шайтон,
 Жойидан қўзғалди шердек ўшал он.
 Қасос қиличини суғуриб қиндан,
 Қирмоқчи бўлди у ғанимни чиндан.
 Унга бу хабарни етказган амир,
 Бўлган воқеани айтмай бирма-бир,
 Зўрлигу зиною жабру талонни,
 Номуси булганган пок Исфаҳонни,
 Керагидан ортиқ ҳар битта сарбоз,
 Дину диёнатга солиб инқироз,
 Қилиб Нўҳ қавми-ла кофирлар ишин,
 Биров маҳрамига зўрлаб киришин,

Темурбек билганда тортмасди лашкар,
Қайраб Исфаҳоннинг қаҳрига ханжар.
Чигатойлик эди хабаркаш амир,
Унинг йигитлари беақлу тадбир,
Чингизона тутиб ўлжада ўзин,
Уйиб раиятни жабр ила кўзин,
Жета авлодига тақалар эди.
Темурга қайноға аталар эди.
Темур ҳақиқатни агарчи билар,
Бундай нопокларнинг терисин шилар.
Бир ёндан кек учун этгали нигун,
Бир ёндан қўрқарди у ўзи учун.
Темур шеъру йўлбарс, ярадор қоплон,
Исфаҳон жўнади кўзларида қон...

ҲИКОЯТ

Китобхон кечирсин мен ушбу бобда,
Қолмай деб ортиқча «гуноҳ савобда».
Тарихда не битса беғараз котиб,
Менда ҳам озгина ҳайрат уйғотиб.
Чингизхон қатлини этурман тасвир,
Зеро ҳеч кимсадан эмасдир бу сир.
Етиб Бухорога келганда Чингиз,
Деди: «Эркак зотин барин қирингиз.
Қиличнинг дамидан қочмасин биров,
Қаттами-кичикми бари жирканч ёв!»
Чингиз сарбозлари кирди айқириб,
Йўлида учраган жонга тиг уриб.
Оғироёқ хотин ташламай исқот,
Қорнида фарзанди ўларди ҳайҳот.
Масъум чақалоқлар дод деб улгурмай,
Рухлари фалакка бўлар эди шай.
Шайху доноларнинг кесилиб боши,
Сўнди илму урфон ақл қуёши.
Гўзал санамларни улгурмай зўрлаб,
Ёришди анордай кўксини хўрлаб.
Номуси топталган мастура қизлар,
Сочидан судралиб чун фар канизлар.
Чингиз қаҳрин билиб Бухоро эли,
Бошланди муҳофиз, ҳимоя сели.
Икки ёв бир-бирин аямай эзар,
Бири ханжар санчса, бири бош кесар.
Бўлмасин ҳар доим фарми, қасамхўр,

Куч кимда кўп бўлса, ўша келар зўр.
 Чингизга айлашиб насиҳат пирлар,
 Диёнат йўлида тузиб тадбирлар,
 Қайтара олишмай қаҳру ғазабдан,
 Етим-есирларни ушбу сабабдан.
 Инсофга келсин деб тўплаб майдонга,
 Намоён қилишди сўнг Чингизхонга.
 Улар ким?— сўради ғазабнок хоҳон,
 Дедилар: «Бир гуруҳ нораства нолон.
 Амрингга биноан еттидан етмиш,
 Баҳорни кўрганнинг боши кесилмиш.
 Бу уч-тўрт ёшдаги етим-есирлар,
 Ота-онаси йўқ мунгли асирлар.
 Тўхтанинг қирғинини айлаб тараҳҳум,
 Бухоро топталди, ҳам бўлди маҳкум.
 Чингиз гўдакзорга отини бурди,
 Лашкари ҳам унинг изидан юрди.
 Саҳрода лолалар унганда ғужғон,
 Қандай бўлса сурув ўтганда пайҳон,
 Қолмаган мисоли гўзал лолазор,
 Тупроққа қоришиб кетди болазор.
 Сўнг олиб ҳисобсиз молу дунёни,
 Ташлаб бўш кўзадек хор Бухорони,
 Чингиз отга миниб, чўнг, хусравона,
 Яна ўз йўлида бўлди равона.
 Икки юз ўлкага дарёдир султон,
 Хоҳласа суғорар, йўқса ҳеч қачон.
 Чингизхон ғазабни бир оз босилиб,
 Асаб томирлари кетди ёзилиб.
 Қилган қирғинидан бўлиб шодумон,
 Улди қонга тўймай охир Чингизхон.

МУҒУЛЛАРДАН ХИЁНАТ ЕТГАНИ ВА ТЕМУР УЛАРНИ ТАЪҚИБ ЭТГАНИ

Тарқалиб турли хил ривоятга гап,
 «Шафтоли дегайлар, демасдан «шап-шап».
 Бир гуруҳ муғуллар хиёнат этди,
 Хазнани ўмариб юртига кетди.
 Темур салтанати бўлибон бино,
 Ҳеч ким қилмагани зўрлигу зино.
 Хиёнати бўлиб Темурга ошкор,
 Лекин ўтган эди орадан баҳор.
 «Барибир айлайман барчангизни қул,

Мени алдаб кетган талончи мўғул.
Билсам хоинлигинг ўша маҳалда,
Аямай эзардим солмай пайсалга». Тўй ўтгач хинони қўйма тирноққа,
Чидасанг бўлгани васлу фироққа.
Йўқ эди режада мўғулга қарши —
Жанг, лекин амр этди тафаккур арши.
Жато хонлигини этгали яксон,
Тўсатдан отланди жангга Темурхон.
Бир тараф Мўғул ва Хитой ерлари,
Ул тараф жўнади Темур шерлари.
Амир Сайфиддин ва Муҳаммад Султон,
Жаҳонгирнинг ўғли, кенжа паҳлавон.
Темур набираси муносиб таянч,
Валиаҳд аталмиш ўшал тоза ганж.
Ёғийга бақамти бориб баралла,
У атрофда қурди бир неча қалъа.
Жангу форат учун қурилган қўрғон,
Бўларди уларга пинҳона макон.
Мўғул шоҳларига солиб таҳлика,
Насиби бўлди боз битта малика.
Кичик малика деб атарди уни,
Темур номин тутмай гўзал, гулрўни,
Истаган жойида бўларди пайдо,
Темур лашкар билан мисоли дарё,
Темурнинг қўшини эди бир денгиз,
У эди денгизда маллоҳдек тенгсиз.
Бир шўнғиб чиқса гар Темур уммонга,
Етарди истаган шаҳру қўрғонга.
Темур ташрифидан мўғуллар чўчиб,
Измига киришди ранглари ўчиб.
На мўғул, ҳаттоки титрарди Хитой,
Темур ул томонга қўяр бўлса пой.
Шу боис истагу измига ўтиб,
Бору йўғин улар қўлига тутиб,
Темурга ўзларин тутишиб қарам,
Темурни билишиб азиз, мукаррам,
Тан олди синганин авлоди Чингиз,
Амрига бўйсунди бари чўкиб тиз.
Шарқдаги энг буюк ҳукмрон Темур
Мамлакати эрди ободу маъмур.
Сайхунга қаратиб бир гўзал шаҳар,
Қуришни буюрди Темур музаффар.
Етиб вақт-соати шаҳар ҳам битди,
Темурга ҳудайчи хабар киритди.

Бор эди яна бир қўша хушхабар,
Ўғиллик бўлганди Темур бу сафар.
Одатига кўра Темур ниши панж,
Бир ҳошия бирла ўйнарди шатранж.
Рақибби «шоҳига» ташлабон у «рух»,
Шундан хаёлига сўз келди «Шоҳрух».
Битган шаҳар билан туғилган ўғул
Сўнг Шоҳрух номи-ла аталди буткул.

АМИР ТЕМУРНИНГ ХУРОСОНГА ҚАЙТИШИ ВА АЖАМ ИРОҚИ ЮРТЛАРИНИ ФАТҲ ЭТИШИ

Темур ўз юртини кўздан кечириб,
Бир мунча ишлари тартибга кириб,
Туркистон ерларин айлади ишғол,
Туронда ҳукмрон бўлиб бемисол.
Подшоҳлик муҳрига кириб тўрт томон,
Берди одилона йўриғу фармон.
Худога мингбора шукрона айтди,
Сўнг яна Хуросон мулкига қайтди.
Султону амиру ишбоши вазир,
Йўлига чиқишиб бўлди мунтазир.
Майдонни тўлдириб отлиқ-пиёда
Эди ададлари ҳаддан зиёда.
Унинг хизматини ғанимат билиб,
Турарди барчаси етти букилиб.
Улар тоғу адир, қиру саҳрони,
Қишлоғу шаҳару қасру бинони,
Қалъаю қўрғону мулку молини,
Хоҳиш иродаю ўз аъмолини,
Барини Темурга айлашди инъом,
Ўзларини билиб хизматкор ғулом.
Унга мақбулини айлашиб бажо,
Манъ қилса тийишди ўзни мутлақо.
Измига киришди бари бел бойлаб,
Ҳар бири ҳукмига итоат айлаб.
Темурга этишиб ихлосу ниёз,
Илтифоти бирла бўлиб сарфароз.
Зотдор отларига амирлар миниб,
Боришар изидан мутеъ қимтиниб.
Аввалким итоат қилмаган шоҳлар,
Ўзича тенги йўқ давлатпаноҳлар,
Исёну ғурурнинг юксак қояси,
Худонинг ердаги барча сояси.

Кечиб манманлигу кибру ғурурдан,
 Шафоат сўради бари Темурдан.
 Искандар Жаллобий Мозандарондан,
 Аршиванд Форискўҳ ўзга томондан,
 Иброҳим ал-Қуммий соҳибжасорат,
 Улким кўп юртларни айларди ғорат.
 Султон Абу Исҳоқ Сиржон тарафдан
 Темурга бош эгди эзгу шарафдан.
 Ажам Ироқидан ўн етти подшоҳ,
 Темур ҳузурида жам бўлди дилхоҳ.
 Султон ибни султон ҳам биродарлар,
 Йиғилди хулласки аҳли сарварлар.
 Бари ўз юртида ҳукмрон эрди,
 Ва лекин Темурни катта хон дерди.
 Қўйчивон кўпайса, ўлганидек қўй,
 Шоҳлар ҳам кўпайса, бўлар кинажўй.
 Улар иттифоқо жам бўлиб бир кун,
 Этмоқчи бўлишди Темурни нигун.
 Зимдан Шоҳ Яҳёга солиб маслаҳат,
 Дейишди: «Келди-ку энг яхши фурсат.
 Машварат чоғида қолганда ёлғиз,
 Сездирмай суқсак гар бир-бир жуволдиз,
 Чиқиб орамиздан бирор диловар,
 Сўнг санчар чўлоқнинг кўксига ханжар.
 Шундоқ қутулмасак бу қайғу ғамдан,
 Ҳасратда жетамиз ёруғ оламдан».
 Ҳар кимда бордир бир ички тарози,
 Бирови кўнса гар, бири норози.
 Ҳар кимса жонидан чўчиган маҳал,
 Қилар масалани ўз нафига ҳал.
 Бирови дедики: «Тийингиз ўзни,
 Темурга айтаман йўқса бу сўзни».
 Бўлиб оғзибўшлар бирдан эҳтиёт,
 Охири ҳеч бири топмади нажот.
 Лекин биринчи гал айлаб тараҳҳум,
 Темур кўргузмади уларга зуғум.
 Исёнкор подшоҳлар иккинчи бора
 Темурнинг қатлига излашди чора.
 Қилишиб суиқасд беришиб заҳар,
 Хиёнат этишди шоҳлар алҳазар.
 Тарқаб ҳар тарафга миш-мишу фасод,
 Макру найранглардан Темур деди дод.
 Нозик ғилофга бир кирганда шамшир,
 Бўлар тўққиз ойдан кейин ошкор сир.

Ишрат майидан ким татиса бир оз,
 Умр бўйи ундан бўлолмас халос.
 Қасос иштиёқи ўртаса кимни,
 У охир ўқигай қатъий ҳукмни.
 Исёнда яшаган қилмагай тоат,
 Юз бурар улардан бахту саодат.
 Темур хуфялари ишга тушган дам,
 Ғанимлар бошига тушарди мотам.
 Фитна хаёлида ғанимлар сархуш,
 Ғалаба кўкида Темур учган қуш.
 Кийиб арғувоний шоҳона либос,
 Темур чорлаб берди зиёфати хос.
 Келди ўн еттита хонин ҳукмрон,
 Бари зиёфатдан бўлди комрон.
 Ҳар бири ичида ўзгача ўйлар,
 Гарчи садоқатдан тиллари сўйлар.
 Темурни илишмай ўз назарига,
 Қулашди барчаси қасос жарига.
 Баён қилишича сухансоз огоҳ:
 «Темур ғанимлари бўлган кўп бадхоҳ.
 Искандар Жаллобий бир машваратда
 Темур саволига ошкор суратда,
 Деганмиш ўчганда ҳаёт чиррагинг.
 Қолмагай бирорта уруф аймоғинг.
 Аввало мен этгум барини яксон,
 Қолмагай наслинган оламда нишон.
 Бўлмаса уларни тутиб Аршиванд,
 Қатл этар ё мангу қилгай заржирбанд.
 Ундан ҳам қочса гар ўнглиниб иши,
 Арслон Иброҳимнинг қозикдек тиши
 Ботар жигарларинг тўшига бир-бир,
 Қочиб қутулолмас ҳеч бири охир».
 Темур саволидан келиб ғазаби,
 Бу гапни айтган у бўлиб асабий.
 Эшитганлар деди ҳаддингдан ошдинг,
 Ҳаял ўтмай энди кетади бошинг.
 На сен, Иброҳиму Аршиванд учов,
 Темурга бўлдингиз бир умрга ёв.
 Искандар дедики: «Не бўлса насиб,
 Кўради у шоҳми ё гадо, ғариб.
 Яратган кўнглимга солса не калом,
 Барини Темурга айтдим батамом».
 Унга етказмасдан зиёну жабр,
 Темур қаҳрин ютиб айлади сабр.
 Икки ҳамроҳи-ла сўнг тутиб олиб,

Ұлдиргай учовин қийноққа солиб.
 Ва лекин сезишиб келишин хатар,
 Қочди Иброҳиму сезгир Искандар.
 Темур Аршивандни тутди улгуриб,
 Танидан жонини олди суғуриб.
 Барчага бўлсин деб мактабу ибрат,
 Севикли ёри-ла сўнг қилди ишрат.
 Ҳарамӣ гулларини искаб бемисол,
 Қилди бир умрга шарманда ўсол.
 «Момақалдироқ»нинг татиб даҳшатин,
 Солди гулдуракка унинг авратин.
 Сўнг «Нўҳ» ва «Сабо»да охирги оят,
 Мисоли зўрлади уни ниҳоят»,—
 Ушбу ҳикоятни айлаган таълиф,
 Эҳтимол этгандир нотўғри таъриф.
 Темур олмаса гар улар бошини,
 Оқизиб Темурнинг кўздан ёшини
 У шуттор, ғазабнок шерлар гуруҳи,
 Юксалиб шуҳрату шону шукуҳи,
 Темурга доимо чиқарди қарши,
 Тожу тахтни доим фалакнинг арши,
 Голибу паҳлавон зўрларга бергай,
 На мутеъ мағлайи шўрларга бергай.
 Қадимги шоҳлардек иш тутиб Темур,
 Қўйди ўз авлодин ҳар юртда мағрур.
 Нойибу шоҳзода, хонзода қилиб,
 Хоқон ибни хоқон озода қилиб
 Шохларнинг қатлидан ягона ҳикмат,
 Оддий раиятга бор эди ҳиммат.
 Улар лашкар бошлаб чиқсайди агар,
 Бўларди халойиқ, юрт зеру забар.
 Ғаним подшоҳларни қатл этган Темур,
 Осуда яшасин эл деб бир умр».
 Баъзан урнинг келар ғанимга ханжар,
 Гарчи бўлмасанг-да суворий, навкар.
 Сохта мадҳиядан аччиқ ҳақиқат
 Баъзида бўлади жолиби диққат.
 Кўп улуғ ишларни қилган жаҳонгир,
 Эҳтимол хатолар этгандир содир.
 Яна Темурхонга қарши бир исён,
 Қўтарган Гўдарзшоҳ — қалъайи Сиржон.
 Махдумим Шоҳ Мансур ҳали тирик деб,
 Измида ҳисобсиз лашкар — черик деб,
 Эларо тарқалиб узунқулоқ гап,
 Темурни айлаган зимдан бешараф.

Бу ҳолат чўзилиб неча ою йил,
 Темур қамал қилган уни муттасил.
 Қалъага Шероз, Язд, Кермон лашкари,
 Ун йил ҳисор этиб курашган бари.
 Масъума бегуноҳ қиз янглиғ қалъа,
 Эшигин жазманга очмас баралла.
 Ё куёв нелигин билмасдан эсиз,
 Эди гапга кирмас, ўжар қари қиз.
 Кермониинг ҳокими эди Идику,
 Темурга энг яқин султон эди у.
 Абул-Фатҳ Шоҳ эди Сиржонда нойиб,
 Қўндирди охири Гўдарзни койиб.
 Шоҳ Мансур вафоти бўлганда аён,
 Гўдарз жон сақлашга қидирди имкон.
 Абул-Фатҳ сулҳ учун тез-тез йўллаб хат,
 Дер эди Темурбек айлағай шафқат.
 Ноилож ишониб охири Гўдарз,
 Душманни дўст дея айлади фараз.
 У ганим пойига отганда ўзин,
 Абул-Фатҳ оқлолмай аҳд ила сўзин,
 Ҳам ўзи ҳам Гўдарз гафлатда қолди,
 Идику Гўдарзнинг бошини олди.
 Ўзи галабага бўлмагач восил,
 Идику номардлик айлади шу хил.
 Қай бир мамлакатда эшитиб Темур,
 Ғазоби келдию қилмади зуҳур.
 Фурсат ўтган эди бўлмас ўзгартиб,
 Қазою қадарда бўлса не тартиб.

ОЛТИ ЕШЛИ СУЛАЙМОНХОННИНГ АСРЛАРГА ЕТГАН ЧИНҚИРИГИ ВА ҚОРА ҲАБАШНИНГ УНИНГ ЮРАГИГА САНЧГАН ЖАБР ТИҒИ

Кермонда Идику ишбоши эди,
 Гўё адолатнинг қуёши эди.
 Шоҳ Шужоё оғаси Султон Аҳмаднинг
 Бор эди бир ўғли худо раҳматнинг.
 Исми Сулаймонхон, ғоят ҳусндор,
 Фазлу одобида худо унга ёр.
 Лафзи равон эди, боқиши теран,
 Қамолот тимсоли эди ёш эран.
 Унга талпинарди одамлар дили,
 Барчани ром этиб унинг маҳфили.
 Ҳар бир ҳаракати дилга жо бўлиб,

Дейликки моҳпора, моҳлиқо бўлиб.
Айлаб халойиқни у ўзига ром,
Тойди гўдакликдан эзгу эҳтиром.
Сувнинг либосида ёқимли насим,
Ҳаво ҳаририда нур эди балким.
У олти баҳорни кўрганда гулгун,
Хосу авом эди сеҳрига мафтун.
Бундан оқмаса да кўзидан ашки,
Лекин Идикунп келарди рашки.
Таърифни эшитиб қилганда разм,
Уни йўқотнишга айларди азм.
Марваридни айлаб отадан жудо,
Шунча хўрлагани етмасми, худо.
Унинг диёрини айлабон хароб,
Орзуларини этиб мисоли сароб.
Қилмай онасига раҳму тараҳҳум,
Айлаб уни иззу жоҳидан маҳрум.
Қолгач сўнгги таянч, жигарпораси,
Этиб бу фалакнинг хор-овораси,
Идику қидира бошлади жаллод,
Гўдакни ўлдирса бўлар эди шод.
Ҳаттоки Чингизхон дажжолни сариф,
Гўдакка бу янглиғ санчдирмаган тиф.
Идику кўпларга солди маслаҳат,
Гўдакнинг қатлига ким ҳам топар ҳад.
Худодан қўрққанлар бу ишни қилмас,
Шу зайил бир муддат қотил топилмас.
Бу ҳолдан одамлар ташвишда эди,
Лекин сгзилари миш-мишда эди.
Ниҳоят топилди бир қора ҳабаш,
Турқини кўрса ким бўларди дилғаш.
Иблисга қул эди, девларга малай,
Ёвуз ишларга у доим эди шай.
Этиб бу оламга бор кароҳати,
Жабру жафо эди таскин, роҳати.
Заққум дарахтидан бир мева эди,
Қатлу қабоҳатдан бир шева эди:
Оллоҳнинг Расули бир пайт Муҳаммад,
Шундай разиллардан чекканди заҳмат.
Ва лекин Расулга худо бўлиб ёр,
Етказа олмаган ҳеч бири озор.
Ҳўкиз бўкириши унинг товуши,
Алвасти башара турқи нохуши.
Дўзахга тушса гар айлагай ҳаром,
Жаҳаннам жирканар ундан батамом.

Тангри кўргузмасдан меҳру иноят,
 Дилига жойлаган уни жиноят.
 Идику охири ишни дўндириб,
 Гўдакнинг қатлига уни кўндириб,
 Тутқазди қўлига дўдама ханжар,
 Тарих бундай наҳслик кўрмаган ҳазар.
 Кўзи ялғинлашиб Шоҳ Сулаймонхон,
 Энага тизинда хаста, бедармон
 Ётарди, бир маҳал кириб у разил,
 Ташланиб ханжарин санчдики шу хил.
 Юрагини тешиб чиқди биқиндан,
 Жони суғурилди тиг янглиғ қиндан.
 Бечора энага кўтариб фарёд,
 Оламини титратди айлаб фиғон, дод.
 Қўзғалиб ҳар тараф шовқину сурон,
 Унинг моқамига тўпланди Кермон.
 Она қайғусига бўлишиб шерик,
 Ғам-алам мавж уриб тортганда черик.
 Идику оламда бебахт, бефароғ,
 Темурга туширди иккинчи бир доғ.
 Унинг ғанимлари қилиб тафаккур,
 Шубҳасиз дейишди бу кори Темур.
 Айтамин, кейинроқ фурсати етар,
 Охир Темурни ҳам у алдаб кетар.

ҲИКОЯТ

Қора Юсуф билан Султони Аҳмад,
 Бағдодни тарк этди кўп чекиб заҳмат.
 Румга қочаётиб беҳисоб карвон,
 Олиб қайтар эди ўлжаю ўлпон.
 Карвонбоши эди икки қароқчи,
 Атрофида бир тўп муҳофиз соқчи.
 Тутқунлар ичида мазлум асира,
 Қизалоғи тиним бермасди сира.
 Этиб гуноҳсизлик пардасин поймол,
 Сийнадан қизини ажратган алҳол.
 Жазира иссиқдан томоқларда жон,
 Қизчаси оҳ уриб солди тўпалон.
 Овута олмасдан онайи зори,
 Хит бўлиб тугади сабру қарори.
 Улар билан бирга фисқу фасоддан
 Яралган нажаси одамизоддан,
 Азоб-уқубатдан кўрувчи роҳат,

Шодланар дилларни айлаб жароҳат.
Бузуғу қўполлик ниёзи эди,
Шайтонмас, шайтоннинг устози эди.
Тангрини тан олмас, ярамас банда,
Охир дўзахида бўлгай шарманда.
Бағдодлик бир жирканч туякаш эди,
Қилмиши бузуқлик, зино, фаҳш эди.
Қизчасин онадан олиб овутди,
Ўзини меҳрибон, болажон тутди.
Онанинг дилига келмай бадгумоғ,
Ўйлади ғамимга шерик мусулмон.
Туячи бир муддат қолиб орқароқ,
Келганда йўқ эди қўлда чақалоқ.
Қўли чақалоқдан бўлса-да холи,
Шод эди муроди ҳосил мисоли.
Қизчаси ҳолини сўрса она зор,
Туякаш деднки: Нима ишим бор.
Сенинг қизчанг билан эй, аҳмоқ хотин,
Она-чи кўтариб оҳу фарёдин,
Туядан ўзини ташлаб шу маҳал,
Бориб олиб келди қизчасин жадал.
Бир муддат ўтмасдан туячи маккор,
Онасидан олди қизчасин такрор.
— Зиён етказмайман, чекмагил қайғу —
Деб, қилди аввалги қилган ишин у!
Қизчаннинг онаси ўзини ташлаб,
Чекиб афсус-ҳасрат, кўзини ёшлаб,
Мурғак чақалоғин келтирган маҳал,
Кўрди юзларида сояйи ажал.
Туясига миниб қизин қучоқлаб,
Борарди ўкинчда дилини доғлаб.
Учинчи бор машъум, бағдодлик араб
Сўз очди асира хотинга қараб:
— Толиқдинг, бошингда яна булча ғам,
Қизингни бер, бўлай ғамингга ҳамдам.
Қасамёд айлади етмагай зиён,
Бораман кўтариб сен-ла ёнма-ён.
Учинчи бор олиб онадан қизни,
Сўлитди бир бора сўлган ялпизни.
Яна жамоадан орқада қолиб,
Фаҳшу қотилликни бўйнига олиб,
Ясаниб, зеб-зийнат таққанда хотин,
Не қилса жуҳудлар аҳли шайотин.
Бузуқ бағдодлик ҳам шу ишни қилди,
Қизча либосини устидан шилди.

Бу ишни на одам, ҳаттоки ҳайвон
 Икки дунёда ҳам қилмас ҳеч қачон.
 Бу ҳол онасига бўлганда маълум,
 Зор қақшаб бечора ёш тўкиб юм-юм,
 Яна гўдагига талпингани дам,
 Туякаш дедики бўлгил хотиржам.
 Ташвишидан сени айладим халос,
 Туяга қайтиб мин ҳам ўзингни бос.
 Она шўрлик титраб, йиғлади зор-зор,
 Қайғую аламга бўлди гирифтор.
 Жуда гўзал эди, ҳам танноз аёл,
 Оламда кам эди бундай гул жамол.
 Жигари доғида сарғайди, сўлди,
 Анқарага етмай сил бўлиб ўлди.

БАҒДОД ҲУКМДОРИ СУЛТОН АҲМАДНИНГ ТЕМУРГА ҚАРШИ ТОРТГАН ЛАШКАРИ ВА ТЕМУРНИНГ АРАБ ИРОҚИ ҲИСОБСИЗ ҚУШУНЛАРИ УСТИДАН ҚОЗОНГАН ЗАФАРИ

Ажам ерларини айлабон холис,
 Темур фармонлари кетди кўп олис.
 Измига бош эгиб шоҳу султонлар,
 Жавобсиз қолмади амру фармонлар,
 Араб Ироқига етгач номалар,
 Шарҳ этгай ўзгача буни хомалар.
 Бағдод ҳукмдори Султони Аҳмад,
 Темур фармонини буткул этди рад.
 Ғазабдан ўзида топдию мажол,
 У қўшун тўплашга киришди дарҳол,
 Ҳисобсиз лашкари тўпланиб охир,
 Саркардалиқ қилди Сунатой амир,
 У эди довюрақ, шерн шижоат,
 Жангларда кўрсатган эди жасорат.
 Қўшун дарёсини бошлаб борди у,
 Чолдириб ногора, қўшнаю бурғу.
 Тинглаб бу хабарни жангсевар Темур,
 Тўлди юрагига фараҳ ва сурур.
 Ироқ шоҳлигига бошланиб бу ҳарб,
 Темур бера олгай сўнг қақшатқич зарб.
 У ҳам қўшун тортди, қўшунки тенгсиз,
 Минглаб дарёларни ютгувчи денгиз.
 Самода жуфтлашиб икки муштарий,
 Ўрнидан қўзғалди Темур лашкари.

Султония деган бир гўзал шаҳар,
 Ёнида учрашди иккита лашкар.
 Келиб икки ёндан икки муҳориб,
 Бошлашди жанг ерни қонига қориб.
 Зарб билан урилган чоғида шамшир,
 Узар ёв бошини аямай ҳеч бир.
 Санчилган чоғида найза кўкракка,
 Тўхтарди ғанимнинг юраги таққа.
 Совутсиз биқинни тешганда пайкон,
 Йироқдан ўз ишин бажарар камон,
 Уруш бошланганда ҳар икки тараф,
 Ташланди иккита дарёдек саф-саф.
 Кичик балиқларни ютгандай наҳанг,
 Улкан лашкар қилди кичигини танг.
 Тасаввур айлангки жанги аждаҳо,
 Сунатой қўшунин ютди мутлақо.
 Омонат жонига етказмай зиён,
 Бўлди ёлғиз амир юртига қуён.
 Қўриб Султон Аҳмад, келиб ғазабий,
 Қийшаб жазолади уни асабий.
 Сўнг унинг бошига паранжи қилди,
 Бағдод кўчасида шарманда қилди.
 Тугатиб Султонга қарши инодин,
 Темур ўз юртига бурди сўнг отин.

ТЕМУРНИНГ ДОВРУҒИ ОЛАМГА КЕТИШИ ВА ГЎЗАЛ ҚАСРЛАР БУНЁД ЭТИШИ.

Темур овозаси оламга кетди,
 Довруғи ҳар манзил, маъвога етди.
 Пойтахт Самарқандга оби-тобида,
 Қурдирди бир неча гўзал обида.
 Қай юртни забт этса номига бир-бир,
 Қурдирди боғ, кўча ва ёки қаср.
 Андин қасабалар тикланди мумтоз,
 Бағдоду Мисру Дамашқу Шероз.
 Темурнинг измида эди бир жаҳон,
 Ироқу Эрону қадимий Турон.
 Бор эди ҳар юртда қўшун-лашқари,
 Нонби ё ўғул ёки жигари.
 Ёки эътимодли бир яқин киши,
 Найрангдан иборат фалакнинг иши.
 Темур мамлакати борар кенгайиб,
 Мухолифлар бўлди торожу майиб.

Унга халоскордек боқарди дунё,
 Эди у жаҳонда ёлғиз раҳнамо.
 Кимни васвасага солса гар шайтон,
 Темурга қарши ул кўтариб исён.
 Кўрмасди ва лекин бу ишидан наф,
 Ўз тиғи ўзини айлар эди даф.
 Темур қасос учун қайралган ханжар,
 Қаҳрига дуч келган кимсани янчар.
 Унг томон бурилиб урарди чапга;
 Ё бирдан соларди икки тарафга.
 Бурунни мўлжаллаб кўзидан урар,
 Мағрибга йўл олса Машриққа юрар.
 Ғанимлар ташрифин кутмасдан бурун,
 Айларди Шабохун чиқармасдан ун.
 Бурғу ноғораси гоҳ солиб титроқ,
 Илкига кирарди гоҳ Шому Ироқ.
 Наю ноғораси янгротиб овоз,
 Унинг ташрифидан лол эди Ҳижоз.
 Шамшири дамидан ҳалқумида жон,
 Шафоат тиларди ундан Исфаҳон.
 Гоҳ денгиз чайқалиб, гоҳ тўзирди қум,
 Гоҳ Шероз, гоҳида чангалида Рум.
 Дунёдорлик бериб қалбига ҳузур,
 Тиниб-тинчимасди ҳеч маҳал Темур.
 Доимо бир усул айлаб ихтиро,
 Босарди дунёни соҳиби дунё.
 Ўзга шоҳлар қўрқса жангу жадалдан,
 Темур қўрқмас эди ҳатто ажалдан.
 «Имон берсин» дерди, оллоҳим ғани,
 Мурад манзилига етказгай мани.
 Темур рамзларини билгувчи посбон,
 Асло хуфяларга бермасди зиён.
 Темур босар бўлса қайси бир юртни,
 Айтайлик Ироқми, Хитоми, Курдни,
 Оддий аскарлари билмасди асло,
 Қайси юрт бошига бўлишин бало.
 Темур гап тарқатди боргайман Жандга,
 Сўнгра Турк ерига андин Хўжандга.
 Лашкари денгизи борар тўлғониб,
 Темур сўзларига ағёр инониб.
 Лекин юрар эди Темур ўзга ён,
 Бориб етгандан сўнг бўларди аён.
 Учар юлдузлардек кўргузиб суръат,
 Парвозда бургутдек айларди шиддат.
 Кутиб ўтирмасди бир жойда эъзоз,

Эди от чопишда моҳир чавандоз.
Ҳеч ким ўйламаган чоғда мутлақо,
Бўлди Лур ерида тўсатдан пайдо.
Лур ерлари бўлиб ободу маъмур,
Малик Аббос эди ҳукмдор амир.
Баружорд аталиб қалъанинг номи,
Темур қамал этди уни тамоми.
Ҳамадон ерига Лур эди туташ,
Араб Ироқию Озарга ўхшаш.
Ҳоким тасодифан қолиб қамалда,
Қаршилиқ қилолмай зарра амалда,
Темурдан сўради лутфу марҳамат,
Тиз чўкиб айлади унга итоат.
Темур ўлдирмади гарчи кафанлаб,
Самарқанд юборди уни кишанлаб.
Малик Аббос чекиб бир муддат азоб,
Ҳибсдан чиқди сўнг юраги кабоб.
Қасамёд қилдириб уни Темурхон,
Юборди яна ўз қасрига томон.
Олиб эвазига талай хачир, от,
Нойиб тайинлади уни умрбод.
Давлат мунчоғига тақиб бир дурни,
Ўзига қаратиб олгач у Лурни,
Ҳамадон тарафга бошлади сайр,
Темур етиб борди мисоли тайр.
Темур лашкарининг етганда сели,
Уйқуда ётарди Ҳамадон эли.
Қўзини очганда барча мубтало,
Турарди дов солиб лашкари бало.
Мужтабо исмли бир шариф мумтоз,
Темур қаршисига чиқди у пешвоз.
Ҳамадон аҳлига айла деб шафқат,
Темурдан сўради лутфу марҳамат.
Ғолиб чиққанида Темурхон ҳар дам,
Мағлуб кимсаларга айларди карам.
Мол-дунё беришиб сўраб омонлик,
Қилмаймиз дейишди асло ёмонлик.
Беришди беҳисоб инъому савго,
Қулинигимиз дейишиб айлашди ғавго.
Темур лашкарлари кириб Ҳамадон,
Дафъатан қилмоқчи бўлганда талон,
Мужтабо Темурга айлаб илтижо,
Деди не кўргулик, эй қалби дарё,
Ҳамадонни босса саноқсиз лашкар,
Балою офатдек бу хавфу хатар.

Қани ваъда этган сулҳу омонлик,
Бундан ортиқ бўлмас зулму ёмонлик.
Темур қушунига айлади фармон,
Шаҳарни ҳеч кимса қилмасин талон.
Қушун тортиб кетди ўзга томонга,
Араб Ирсоқию Озарбайжонга.
Лур ва Ҳамадонни этганда ишғол,
Султон Аҳмад буткул қолган эди лол.
Бурунги ҳукмдор ибни Шайх Увайс,
Темурнинг зиддига гап тарқатди: «Наҳс,
Қаерга етмасин унинг оёғи,
Ушал он булғанар у юрт тупроғи.
Раият бўлса бир итоатли қўй,
Бўридек ёвуздир турки фитнажўй.
Йиртиб заифалар пардасин хўрлар,
Маҳрини бермасдан қизларни зўрлар.
Олдин алдаб олар ҳадя — омонлик,
Сўнг босқин айлағай қадами қонлик.
Наврас гўдакларга қилмай тараҳҳум,
Аларнинг хунидан яратган қулзум.
Сочидан қизларни осиб дарахтга,
Сўнг чиқиб ўтирар дажжолдек тахтга».
Шайх Увайснинг ўғли Аҳмади Султон
Тарқатиб шу янглиғ гапу сўз — бўҳтон!
Темурбекка қарши қайради элни,
Йиғди ҳийла бирла лашқари селни.
Ва лекин Темурнинг лашқари денгиз,
Оламда ягона куч эди тенгсиз.
Унинг тўлқинимас, етиб шамоли,
Хароб бўлди Султон Аҳмаднинг ҳоли.
Йўлида учраса не дову дарахт,
Барини қўпориб кетар эди шахт.
Денгизга ем бўлмай қутурган дарё,
Орқага оқишни билди сўнг авло.
Тушса ҳам отидан, эгардан тушмай,
Ҳажвий шеър юборди сўзи қовушмай:
«Урушда бўлса ҳам гарчи қўлим шол,
Оёғим чўлоқмас, қочгум бемалол.
Тулпорнинг изидан ҳар чўлоқ эшак,
Шубҳасиз етолмас чопса ҳам бешак».
Ажали етганда таканинг охир,
Қассобга шох ташлар бу эмасдир сир.
Абадий ўйнашга айлабон у аҳд,
Хазина тўплади этиб жидду жаҳд.
Ўғли Султон Тоҳир жўнади бирга,

Алинжо деган бир қалъа — қасрга.
Узи Шом юртига бўлди равона,
Хаёлда тузиб минг макру фасона,
Темур кириб келди Табриз, Ироққа,
Солиб раиятни даҳшат, фиरोққа.
Лекин тиғ тортмади, қилмади поймол,
Фаним Султон Аҳмад айтгани мисол.
Ҳатто раиятга бирорта навкар
Бермади тариқча зиёну зарар.
Ҳаёт мос келмагай латифаларга,
На биров қўл чўзди заифаларга.
Кўзлардан пинҳона бокира қизлар,
Каттаю кичигу хору азизлар,
Яна бурунгидек яшарди беғам,
Бўлмади бировнинг тола сочи кам.
Аксинча уларни гиж-гижлаб Султон,
Олди керагидан ортиқча ўлпон.
Сўнг кириб Темурбек шаҳри Бағдодга,
Дуч келди хўрлигу жабру фасодга.
Олиб раиятнинг еяр нонини,
Бермаса нечовнинг олиб жонини.
Султон Аҳмад қилиб зўрлигу зуғум,
Бу ердан кетмиш сўнг ул қадами шум.
Ёнмай майда гапдан Темур олови,
Шу боис доимо юришиб сви,
Қилса ҳам мазаху таъна, ҳақорат,
Этмади Султоннинг юртини ғорат.
Ҳатто Алинжога бормади босиб,
Изидан қувмади деб номуносиб.
Алинжо қалъаси волийси Алтун,
Эди ҳарбу зарбда қудратли, дуркун.
Енида бор эди тўрт юзта ботир,
Таърифи оламда тенгсиз асотир.
Темур лашкарлари атрофин ўраб,
Ётарди туну кун ғолиблик сўраб.
Атрофга чўкканда зулмат қоплаб тун,
Чиқарди қалъадан сездирмай Алтун.
Темур сарбозлари ғафлатда қолиб,
Қайтарди уларнинг бошини олиб.
Бу ҳолат бир неча бўлганда такрор,
Темурнинг ғашини келтирди ағёр.
Қирқ минг жангчи билан тўрт ботир эмир,
Юборди мададга соҳибни тадбир.
Уларга саркарда Темурхон Қутлуғ,
Кўтариб шоҳона байроқ ила туғ,

Қалъа атрофини айлаб иҳота,
 Ташлади қўшунин мисоли пода.
 Улар қалъа гирдин ўрашиб бутун,
 Иўқ эди бу маҳал ичида Алтун.
 Чиққанди қалъадан ғоратга ташга,
 Сездирмай ғанимни янчиб ташлаша;
 Ортга қайтаётиб кўрди чанг-тўзон,
 Ўшнинг маҳияти бўлганда аён.
 Тангридан сўради лутфу ишоят,
 Ҳанча кўп булмасни аҳли жишоят.
 Озчилик дусси бўлса мустажо,
 Ушани зафарга ёр қилар худо.
 Иўлимизда бўлар ғанимлар нигун,
 Ё шаҳид бўламиз деб айтди Алтун.
 Андин сўнг ёв узра суриб кетди от,
 Бошланди урҳо-ур, жанги ғазавот.
 Бирдан шошиб қолди Темурхон Қутлуғ
 Тушиб қўлларидан байроқ ила туғ.
 Минглаб азаматни қора ер ютди,
 Тирик қолганини акашак тутди.
 Алтунлар интилди қалъаси сари,
 Мадад бериб турди тинмай ичкари.
 Лашкари ҳар тараф қочишиб тарқоқ,
 Темур Қутлуғ бўлди бу жангда ҳалок.
 Алтун талофотсиз қалъага қайтди,
 Худога мингбора шукрона айтди.
 Бу олам бекатдир гарчи етарсан,
 Бир пас нафас ростлаб кейин кетарсан.
 Эгунча бирозни талону ғорат,
 Ҳақиқат йўлда кўрсат жасорат.
 Етар бир шамширға битта яхши қин,
 Тақозо эгса ҳам кўпроғини дин.
 Кўрпангга қараб сўнг оёғинг узат,
 Қурбинг етганича дастурхон тузат.
 Бойлар худойиси айланар тўйга,
 Ҳеч ким раҳмат айтмас одил ростгўйга.
 Ҳар даври замонда бўлар риёкор,
 Покиза дилларга етказар озор.
 Темурга етганда бу нохуш хабар,
 Дили бирдан бўлди ағдару тўнтав.
 Узи равон бўлди Алинжо томон,
 Қўйди атрофига ҳисобсиз посбон.
 Посбонлар беркитиб қалъа тарновин,
 Излашди деворнинг ёқиш қаловин.
 Алинжо қалъаси эди кўп баланд,

Ҳеч кимдан етмасди унга бир газанд.
 Ал-Уқоб юлдузи мисоли юксак,
 Гуё боши узра турарди фалак.
 Тиккага келганда нурафшон қуёш,
 Куббаси устида бўларди зарпош.
 Дарвозаси узра туриб Сурайё,
 Қандилдек чарақлаб сочарди зиё.
 Учолмас устидан хаёлот қуши,
 Амримаҳол эди ўқнинг етиши.
 Алтун юксак тоғлар фарзанди эди,
 Алинжо қалъасин дилбанди эди.
 Тунлари қўрқмасдан чиқиб ташқари,
 Босарди ғанимни унинг навқари.
 Кўринмас одамдек айлаб ҳаракат,
 Темурга етказди кўплаб ҳалокат.
 Темурбек ҳар қанча кўрди ўйланиб,
 Бу қалъа қизига бўлмас уйланиб.
 Қўшунин қолдириб ўзи жўнади,
 «Бир кун мағлубликка қалъа кўнади» —
 Дилидан ўтдию шу таскинли гап,
 Кетди ўз йўлида саодат талаб.
 Орадан ўтганда нақ ўн икки йил,
 Қалъа дарвозаси очилди сабил.
 Алтуннинг бўлиб бир фосиқ оғаси,
 Ул эди на бузуқ, бузуқ сараси.
 Бўлмагач дилида инсоф, диёнат,
 Тоҳир онаси-ла қилди хиёнат.
 Ҳарамда иккисин тутиб яланғоч,
 Тошбўрон айлашиб, ўлдиришди оч.
 Султон Аҳмад ўғли шоҳзода Тоҳир
 Бу машъум хабарни туюлмади сир.
 Шоҳ хотин ялпайиб қилганда ишрат,
 Канизлар босилгай билинг қатма-қат.
 Онаси ўчини олгали тигиз,
 Қўлида топтаяди кўп иффағли қиз.
 Қалъа аёлларин тинимсиз зўрлаб,
 Йиртиб пардасини, зулм этиб, хўрлаб.
 Бу ишга ҳар кимки киришар тез-тез
 Асаб ишдан чиқиб бўлиб қолар ҳез.
 Қалъадан ташқари чиққанда Алтун,
 Фаҳшдан қатл этилиб иккита тутқун.
 Қайтганда Алтунга қази деб лаҳад,
 Олдига ташланди иккита жасад.
 Бу ҳолат Алтунга солиб таҳлика,
 Бири иш эди, бири малика.

Кейин дарвозани очишмай унга,
 Душмандай боқишди ботир Алтунга.
 Гарчи айласа ҳам Алтун қасамёд,
 Султон кўрсатмади унга илтифот:
 «Бир куни бузилса ногоҳ асабинг,
 Ичдан қайраб келса қаҳру ғазабинг,
 Уканг-чун барчадан олажаксан хун,
 Бизга бегонасан, кет энди, Алтун».
 Йўқ эди Алтунда боргувчи макон,
 Унга қибла каби эди тўрт томон.
 Қаерга боришин билмай бечора,
 Қисмат йўлларида бўлди овора.
 Арқон узилганда уламоқ мумкин,
 Ва лекин барибир қолади тугун.
 Маранд шаҳри томон жўнади Алтун,
 Уни бошлаб борди ички бир учқун.
 Мол-мулку ўғлини қўйиб бир жойга,
 Дарвеш либосида борди саройга.
 Маранд ҳокимига кириб бир навкар,
 Алтун келди дея берганда хабар,
 Ҳоким эшитгандан бу мудҳиш сўзни,
 Даҳшатда қочишга чоғлади ўзни.
 Лек унга айтишгач ёлғиз деб Алтун,
 Ўзини бошқача тутди у бутун.
 Алтунни чақириб сўроққа тутди,
 Қўрқуву даҳшатни бирдан унутди.
 Билгач кулмаганин омад қуёшин,
 Кесиб юбортирди Темурга бошин.
 Алтун бошин кўриб ўртанди Темур,
 Ғамдан кипригида ялтиради нур.
 Темур кўзларидан чиқар эди с...
 Кесилиб келса гар ботирлардан бош.
 Сўнг одам юбориб Алтун қотилин,
 Қатл этиб, тополди у фақат таскин.
 Қўрқоқлар ботиркуш бўлар ҳар жойда,
 Минглаб қўрқоқлардан юртга не фойда.
 Алинжо сўнг бўлди Темурга мағлуб,
 У фасод уясин Темуршоҳ марғуб,
 Қўшничилик айлаб берди Ширвонга,
 Яъни тасарруфи Иброҳимхонга.
 Оти жиловини Бағдодга бурди,
 Андин Диёрбакр, Арзинжон юрди.

ТЕМУР ХУНДОРИ СУЛТОН АҲМАД ҲАҚИДА РОВИЙЛАРДАН ҚОЛГАН АҚИДА

Шайх Увайс фарзанди Султони Аҳмад,
Шоҳликда эшитмай ҳеч кимдан раҳмат,
Ҳатто заифаси ўйнаш тутибдур,
Дину диёнатни ул унутибдур.
Бўлмагай тақдирга чиқиб тескари,
Бостириб келганда Темур лашкари,
Сичқоннинг уяси бўлиб минг танга,
Ҳиёнат айлади юрту ватанга.
Падари Шайх Увайс одил шоҳ эди,
Жасур, шижоатли давлатхоҳ эди.
Доим худо эди унга мададкор,
Ҳар ишда толеъи бўлар эди ёр.
Сўзларнинг гавҳари тилида эрди,
Зикру шукри худо дилида эрди,
Озроқ қаттиққўлу саҳий меҳрибон,
Ундан рози эди замону даврон.
Сурати мисоли сийрати гўзал,
Бир инсон эди у тўкис, мукаммал.
Юртга ўн тўққиз йил подшоҳлик қилди,
Раият ҳолидан огоҳлик қилди.
Улуғ уламолар топиб эҳтиром,
Унга таҳсин айтди Зангу Руму Шом.
Юртига йўл топмай талончи, каззоб,
Фосиқлик кўйида чекарди азоб.
Улкасида доим ҳукрмон ҳурлик,
Йуқ эди талону зиною зўрлик.
Адолат шамширин тутганда ҳар шоҳ,
Юртидан йўқолар фосиқу гумроҳ.
Тушида бир куни англади сарвар,
Унга етганини қазойи қадар.
Дарҳол подшоҳликдан бериб истеъфо,
Авфи гуноҳ сўраб қилди илтижо.
Тахтни тўнғич ўғли Ҳусанга бериб,
Фарзандлар ичра энг суйганга бериб,
Муттасил айлади тоат-ибодат,
Рўза тутиб кутди ҳақдан саодат.
Бериб закоти мол, айлаб садоға,
Ўзини солди ул роҳи худоға.
Ажали етмаса ҳеч кимни асло,
Бу фоний дунёдан жўнатмас олло.
Шайх Увайс ўттиз йил чекиб риёзат,
Табризда кўзини юмди ниҳоят.

Уғли Жалол Хусан эшитиб хабар,
Фазлу эҳсон қилди чекиб ғам-кадар.
У ота йўлидан юрибон доим,
Расму русумини айлади қоим.
Оламда ва лекин кўп бебиёнат,
Охири қилишди унга хиёнат.
Султон Аҳмад кенжа фарзанди падар,
Унга қарши тортиб ҳисобсиз лашкар,
Макру ҳийла бирла хоини бебок,
Туғишган акасин айлади ҳалок.
Ироқ ерларига бўлгач ҳукмрон,
Оқди сув ўрнида далаларда қон.
Раиятга айлаб жафою қутқу,
Ошкор жиноятлар қилар эди у.
Учраса йўлида бирор гўзал қиз,
Ўзига мажбуран айларди каниз.
Иффат гунчасини топтаган маҳал,
Мазлумани ташлаб кетарди ҳар гал.
Ва ёки қаршилик кўрсатса агар,
Зўрлаб сийнасига санчарди ханжар.
Однинг умматидек гоҳо тушиб мук,
Қасали бор эди бачаёна «кўк».
Бағдод аҳли қилиб номусу нафрат,
Нажот сўраб ёзди Темурбекка хат.
Аҳмад ақлу ҳушин йиғмасдан бурун,
Темур тортиб келди устига қўшун.
Ҳезалак, зулмкор Султон лашкари
Тўзғиди довулда хазон сингари.
Чекинди араблар даҳшатни сезиб,
Бироқ ажамликлар ташлади эзиб.
Қолган-қутганини тортишиб камон,
Этди шаҳар аҳли бир ёнда гумдон.
Ортиқ урушишга дили бермай дов,
Қочиш чорасини кўрди у дарров.
Ботирдек кўрсатиб ўзин авомга,
Бурди от бошини паноҳ деб Шомга.
Уни таъқиб қилиб бир гуруҳ барлос,
Қочишга бермасди сира имтиёз.
Гоҳ тўхтаб улар-ла қилар эди жанг,
Яна қочар эди ҳоли бўлгач танг.
Икки тарафдан ҳам кўп одам ўлиб,
Охир Султон Аҳмад кетди қутулиб.
У етиб борганда Ҳилла шаҳрига,
Дажла дарёсида эна маҳрига,
Тушгандай кўприкни ташлади бузиб,

/ Изидан таъқибнинг риштасин узиб.
 Темур сарбозлари ўлимдан қўрқмас,
 Узларин дарёга ташладилар бас.
 Ва лекин жайрондек югурик Султон,
 Ғанимин қолдириб кетди бенишон.
 Кетганди уч кунлик роҳи йироққа,
 Қарбало даштидан ўтиб Ироққа.
 Султон Аҳмад бориб ташлади ўзин,
 Ажал ўйсин ундай фосиқнинг кўзин.
 Ортиқча таъқибга бермасидан зўр,
 Азми Диёрбакр айлади Темур.
 Кириб келиб унга шоҳи дилнавоз,
 Золим ҳокимлардан айлади халос.
 Темур шарафига бериб зиёфат,
 Боёну тожирлар кўрмади офат.
 Тақрийит қалъаси бўйсунмади лек,
 Ташлади шиддатли қўшун Темурбек.
 Қалъанинг ҳокими Ҳасан Бултурмор,
 Охири кафанга ўралиб ночор,
 Қонинг тўкмайман деб Темур бергач сўз,
 Чиқди итоату измига ферўз.
 Темур ўз лафзида туради доим,
 Сўзласам гар ёлғон, кечир, худойим.
 Қалъаки жанг бошлаб, таслим бўлса сўнг,
 Одатда тўларди ўлпонларки чўнг.
 Жангда ўлса агар нечоғли навкар,
 Уларнинг ўрнига Темур музаффар.
 Мағлублик шаробин ичган кишвардан,
 Танлаб олар эди мавжуд лашкардан.
 Шу боис лашкари сафи камайиб,
 Қолмасди ё бўлиб мажруҳу майиб.
 Турку Озарбайжон — Кавказ томонлар,
 Измига ўтганди шаҳру қўрғонлар.
 Темур Мордин сари кейин сурди от,
 Гўёки қуш каби боғлади қанот.
 Тақрийитдан ўн беш кун йўлдир Мордунга,
 Лекин етиб келди Темур беш кунда.
 Мордуннинг султони ҳар ишда моҳир,
 Унга пешвоз чиқди шоҳ Малик Зоҳир.
 Совғаю салом-ла айлаб илтижо,
 Темурнинг қошида бўлди у пайдо.
 Доим яхши гапнинг гадоси Темур,
 Мудом эзгуликнинг шайдоси Темур.
 Доруға айлади Малик Зоҳирни,
 Измига бериб ганж, бор жавоҳирни.

Чунки Малик Зоҳир эди пок, порсо,
 Уни қизиқтирмас эди бу дунё.
 Элу юрти учун яшарди ёниб,
 Уткинчи дунёда ҳаққа ишониб.
 Сосоний шоҳларнинг йирик олмосин,
 Искандар, Доронинг гуҳари хосин,
 Хазнада асрарди шоҳ Малик Зоҳир,
 Буни билмас эди Темур баҳодир.
 Узига бош нойиб айлагач Темур,
 Малик Зоҳир этиб меҳрини зуҳур,
 Қадимий дурларни айлади савғо,
 Бундан қўпди етти оламда ғавғо.
 Темурбек етти кун бериб зиёфат,
 Кетди юрт бошидан балою офат.
 Арман, Озарбайжон, ҳаттоки Ироқ,
 Қўрмай Малик Зоҳир адлидан фироқ,
 Бўлиб кундан-кунга ўлкалар обод,
 Донолар иззатда, машойиҳлар шод.
 Этиб бир мевани бирига пайванд,
 Боғбону гулкорлар ўз ишига банд.
 Ханжарлар тўкмасдан саҳроларда қон,
 Деҳқонлар далада ўстиришар доп.
 Тўлиб салтанатга файзу баракат,
 Бошланиб бир хилда эркин ҳаракат.
 Темур бу оламдан ўтганга қадар,
 Қайтиб бу юртларга келмади қадар.

ШАЙХ ИБРОҲИМНИНГ ИЛТИФОТИ ЕҚҚАНИ ВА ТЕМУР ДАШТИ ҚИПЧОҚ САРИ НОҒОРА ҚОҚҚАНИ

Шайх Иброҳим эди Ширвон султони,
 Гўзал ва дилрабо эди макони.
 Насаби тақалиб Анушравонга,
 Кисродек таърифи қетиб жаҳонга,
 Эди жоҳилият, зулмдан йироқ,
 Вале хавф остида қолганди бироқ.
 Босиб келаётир Темур лашқари,
 Тиғидан қутулмас на деву пари.
 Гошиш лозим эди чораю илож,
 Келмай эл бошига ўлату хирож,
 Жамъи арконидан кўра нозик дид,
 Бор эди қозиси Абдулло Язид.
 Унга Шайх Иброҳим солди маслаҳат,

Қочсинми, урушсин, ё қурсинми садд —
 Тоғлар каби юксак қалъаю қўрғон,
 Жонини сақлаш-чун ичида омон.
 Қочиш ва тоғларда қўрғонлар қуриш,
 Меним-ча ягона услуби уруш.
 Темур-ла юзма-юз ким айласа жанг,
 Олдиндан аёндир холи бўлар танг.
 Шайх Иброҳим хаёл фолини очди,
 Қочиш, қўрғон қуриш фикридан қочди.
 Дедик: «Мен қочсам жонимни олиб,
 Раиятим қўйдек эгасиз қолиб,
 Уларга оралаб галайи бўри,
 Барининг шубҳасиз қуригай шўри.
 Қўрқмасман ёғса ҳам бошга маломат,
 Не жавоб бергайман рўзи қиёмат.
 «Неки бор измингда, асрагил уни,
 Қўлингдан чиқмасин четга тугунни», —
 Деб қилган падарим менга васият,
 Дилимда ҳукмрон шу эзгу ният.
 Ҷортим ёвга пайҳон бўлишдан бурун.
 Ўзимнинг қисматим бўлгайдир нигун.
 Биламан Темурга етмагай кучим.
 Ҳам унда йўқ менинг қасосу ўчим.
 Илон яхши сўз-ла чиқар инидан,
 Ханжар ёмон сўз-ла чиқар қиндан.
 Не бўлса қисматда кўринмас ғойиб,
 Ўзи танлаб қўяр бирорта нойиб.
 Ўзимни тиклагай, — лозим деб билса;
 Унинг ихтиёри ҳар неки қилса».
 Абдулла Язидким донншманд қози,
 Унинг бу ишидан бўлди норози.
 Дедик: «Яхшироқ ўйлаб кўр, бўтам,
 Сенсиз бошимизга ёғилади ғам».
 Шайх Иброҳим берди шоҳона фармон,
 Тўпланди егулик, озиқ-овқат, дон.
 Кейин лашкарига бериб озодлик,
 Дедик: «Бошлансин юртда ободлик.
 Шаҳар биноларини айлангиз таъмир,
 Қўрғанда бузгиси келмасин Амир.
 Сув ё қуруқликда бўлганда хуррам,
 Одамлар кийиниб юришсин кўркам.
 Ўзаро айлангиз ширин мулоқот,
 Шу эрур осуда қонуни ҳаёт».
 Темур номи билан ўқитиб хутба,
 Берилди унга энг юқори рутба.

Унинг белгисию туғи-ла беҳарб,
 Динору дирҳамлар кейин қилди зарб.
 Темурга етганда бу хушхабарлар,
 Ҳасаддан доғ бўлди неча сарварлар.
 Андин сўнг қўлласин доим илоҳим,
 Ширин кайфият-ла Шайхи Иброҳим.
 Темурга юзланди қадами дадил,
 Хоҳ берсин иноят, хоҳ этсин қатл.
 Динору дирҳаму совға-саломлар,
 Оҳу кўз канизу нозли ғуломлар.
 Етти нор туяда соф олтини хуш,
 Еттита хачирда зари соф, кумуш.
 Еттилаб хулласки дуру анбарлар,
 Фаранги атиру Мисрий шакарлар.
 Тушгудай кафтига фалакнинг ойи,
 Еттита туяда Хитойи шойи.
 Еттита етмишдан туяли қарвон,
 Келтирди ейишга озиқ-овқат, дон.
 Ва лекин қуллари санокда олти,
 Бу ишдан Темурбек ҳайратда қолди.
 Баридан еттовлон қилганинг маъқул,
 Наҳот тополмадинг яна битта қул.
 Шу маҳал тиз чўкиб Шайхи Иброҳим,
 Темурга дедики: улуғ подшоҳим,
 Сенга қул бўлишлик менга эҳтиром,
 Ўзимман ҳазратим еттинчи ғулом.
 Эшитиб бу сўзни Темурбек кулди,
 Илк бора ғунчайи табъи очилди.
 Итоат этганлар то ҳоло ҳайҳот,
 Унга кўргузмади бу хил илтифот.
 Шу боис ўғлим деб, эъзозлаб Темур,
 Уни қанотига олди бир умр.
 Ширвонга нойибу шоҳаншоҳ қилди,
 Унга султонликни муносиб билди.
 Ҳам яқин атрофда кўргузиб юз жаҳд,
 Уни улуғлади мисли валнаҳд.
 Ким наслу насабда бўлса юқори,
 Ҳар ишда келади унинг барори.
 Темур олиб унинг совға-саломин,
 Унга ҳам берди сўнг лутфу инъомин.
 Шайх Иброҳим қайтди обрўйи ортиб,
 Дашти Қипчоқ сари кўп қўшин тортиб.
 Пири муршидиким Саййид Барака,
 Мадад берганида айлаб ҳаракат,
 Бир сиқим тупроқ-ла қайтариб ёвни,

Ғанимга кўргузган дўзах оловни.
Барака Дашти ҳам аталиб ул Дашт,
Темур ул томонга қилди сайри гашт.
Унинг аҳолиси бўлмай мусулмон,
Бир қисми насроний бутга чўқингон.
Иймонсиз доимо аҳдидан қайтган,
Фалокат етса гар худо деб айтган.
Дашт эди бепоён туби йўқ макон,
Бир ёни Хоразм, Утрор, Туркистон.
Мўғул, Хито ҳатто Жатога қадар,
Бир ёни Сибиру бир ён баҳру бар,
Унда Тўхтамишхон ҳукмрон эди,
Сўнгги чиғатойи Чингизхон эди.
Денгизда балиқдан кўпроқ лашкари,
Саҳродаги қумдан кўп дуру зари.
Ҳисобда олти юз канизаги бор,
Кўпини кўрмаган шоҳи хушрафтор.
Гоҳида тортарди молихулёдан,
Армони йўқ эди ушбу дунёдан.
Бир бор чангалидан йиғлаб чиққан қиз,
Уни унутмаскан умрида ҳаргиз.
Чалдириб ишратнинг куйин бўлдириб,
Шароб ичар экан коса тўлдириб.
Эшитиб таърифин Рус шоҳи қизи,
Келиб бўлган экан ёри — канизи.
Ғазаб-ла суғуриб қинидан ханжар,
Ҳар ботир ғанимнинг кўксига санчар.
Темурга етказиб таҳлика ташвиш,
Тиш қайраб турарди маккор Тўхтамиш.
Темур юришига иккинчи сабаб,
Идику Темурга дўсту ҳамматлаб.
Бўлиб Тўхтамишнинг ҳузурида у,
Охири бошига ёғилди қайғу.
Озгина қолганди уни Тўхтамиш,
Жонин олиб, қариб қилганди «шиш-пиш».
Идику ит каби айлаб садоқат,
Улимга чап бериб қочди оқибат.
Ишрат палосини бир кунни ёзиб,
Тўхтамиш қизларни бағрига босиб,
Буюрди Идику соқийлик қилди,
Қон томган кўзидан фикрини билди.
Тўхтамиш дедик: «Келади бир кун,
Сендек фарзандидан ажралар очун.
Фивғони таралиб арзи афлокка,
Ким сени қўяркин эъзозлаб хокка?»

Билдики Идику қафасда жони,
 Уни бұшатмоқчи Тұхтамиш — хони.
 Сирии бой бермади ўзни йўқотиб,
 Аксинча юмшатди уни гап отиб:
 «Садоқатли қулга қайси ҳукмрон
 Қайси замонада етказган зиён?
 Ё эккан кўчатин суғуради ким?»
 Тұхтамиш бир нафас бўлганида жим,
 Ҳожатга чиққандай қилиб Идику,
 Отхона томонга секин борди у.
 Олиб Тұхтамишнинг девзод отини,
 — Чу! — деди, ёзди ул қуш қанотини.
 Бир лаҳза кечикса пайсалга солиб,
 Тұхтамиш айтгандай бошини олиб,
 Эҳтимол умрида бир бор қилиб адл,
 Маккор Идикуни айлар эди қатл.
 Бу хаёл хуш келиб Тұхтамишга кўп,
 Уйлади эртага синади у чўп.
 Ҳар неки бўлмаса яратган рози,
 Ул ҳукми подшоҳми ва ёки қози,
 Амалга ошмайди икки дунёда.
 Идику изидан бийдай саҳрода
 Ҳеч кимса уриниб этмади таъқиб,
 Идику эди кўп қасоскор рақиб.
 Темурнинг қошига келиб ер ўпди,
 Дилидаги тўзон тилидан қўпди.
 Берди керак бўлса қанча ахборот,
 Дерди: «Отланайлик кечиктирмай бот,
 Сен олис юртларда чекиб машаққат,
 Хавф-хатар остида курашдинг фақат.
 Дашту биёбонлар тўшини эзиб,
 Тоғу ўрмонларнинг бағрини кесиб.
 Сафар китобини тиловат айлаб,
 Йўл босдинг эзгулик учун атайлаб.
 Кўплар сендан қўрқиб бўлишди таслим,
 Кўплар қарши бўлди, кўплар турди жим.
 Сен ярим дунёга бўлсангда соҳиб,
 Шундоқ кўз ўнгингда турган ажойиб,
 Дашти Қипчоқ сари қилмайсан юриш,
 Кўп фойда келтирар сенга бу уруш.
 Қилмагил бунчалар сустлигу ланжлик,
 От қўйгил бўласан зиёда ганжлик.
 Йўлингда учраса бирорта монеъ,
 Мен уни йўқотгум, бўлгил сен қонеъ.
 Бу ишда кафилман, тез ўрингдан тур,

Барака даштига виқор билан юр.
Эслагил бўлмаса Саййид Барака,
Тўхтамиш айлабон низо, ҳарака,
Бошингни оларди аллақачонлар».
Темур томирида гупурди қонлар,
Мудҳиш ҳодисани айтгач Идику,
Темур дили чалди қасосдан бурғу.
Тоторга қарашли Дашти биёбон,
Туркий уруғларга лиқ эди шоён.
Сарҳадлардан босиб ўтолмасди ёв,
Бор эди ҳар уйда емиш ва олов.
Ҳаддан зиёд эди чорва турли хил,
Яшарди элатлар тўқ, ҳамда аҳил.
Суви тоза эди ҳаволари соф,
Ғанимдан кўрмасди бу юрт ихтилоф.
Сарбозлари эди довюрак, мерган,
Ғанимга юзма-юз тўшини керган.
Чўқмор уриш билан чопишда шамшир,
Енгиб бўлмас эди уларни ҳеч бир.
Идику ўлжа деб шоширган билан,
Темур иштиёқин оширган билан,
Темур савлат учун тортмасди лашкар,
Ҳарбий илмлардан эди бохабар.
Шу боис лашкарин тайёрлаб ҳарбга,
Озроқ макру ҳийла қўшди у зарбга.
Тўхтамишда бўлиб бир хоин амир,
Азалдан Темур-ла тили эди бир.
Қўшин бошлиқларин бирининг атай,
У амир қардошин гўёки билмай,
Арзимас нарса деб жонини олди,
Бу эса қўшунга ихтилоф солди.
Тўхтамиш лашкари тортганида саф,
Хундор душманини қилар бўлди даф.
Тўхтамишга деди: «Бергил ижозат,
Ўлдирай ул амир эрур касофат!»
Тўхтамиш дедик: «Эй лашкарбоши,
Тепамда тутилиб иқбол қуёши,
Темурбек қўшуни келмоқда босиб,
Наҳотки шу талаб сендан муносиб.
Тўхтагил тугасин уруш баякбор,
Кейин нима қилсанг, сенда ихтиёр».
Темурга юзма-юз келиб Тўхтамиш,
Бўлди у кутгандан расво юз бор иш.
Қўшундан ажралиб ул лашкарбоши,
Кетганда эргашди барча сафдоши.

Тўхтамиш бу ҳолдан даҳшатга тушиб,
 Енгилди кўп ўтмай жангда ўришиб.
 Темур келганида гурзию гарон,
 Найза дарёсию ёмғури камон
 Енгилди Тўхтамиш устига андоқ,
 Дўлу ёмғир ёғса баҳорда қандоқ.
 Жангчиким ҳар бири эди шерсавлат,
 Бўларди ҳар бири соҳиби давлат.
 Ғоратгар йўлбарсу шиддатли қоплон,
 Бир ёндан шақолу тулкию қуён
 Келарди ҳисобсиз Даштни тўлдириб,
 Ҳар бири ўзича ногора уриб.
 Зарб билан тўқнашди иккита лашкар,
 Еру осмон деди кўриб алҳазар.
 Урилиб ўзаро иккита уммон,
 Орада бир дарё жорий бўлди қон.
 Чиқиб икки лашкар дилидан садо,
 Ларзага келди сўнг замину само.
 Тўхтамиш бўлмасин қанча жангари,
 Иккига бўлингач унинг лашкари,
 Темур солаверди тинмай уштулум,
 Тўхтамиш кўзига кўринди ўлим.
 Темур манглайида ягона ёзуғ,
 Ғалаба рамзидир у кўтарган туғ.
 Уч кун давом этиб бу жангу жадал,
 Тортиб юз мингларни домига ажал,
 Тўхтамиш ғанимга орқасин буриб,
 Қочди мағлубона жуфтакни уриб.
 Даштни ишғол этиб Темур батамом,
 Идику ҳам топди юқори мақом.

ИДИКУ МУРОДИГА ЕТГАНИ ВА ТЕМУРНИ АЛДАБ КЕТГАНИ

Даштнинг сўл тарафи ҳосилдор яйдоқ,
 Аҳли Идикуга уруғу аймоқ.
 Темур босқин қилиб тортмасдан лашкар,
 Идику юбориб бир махфий чопар,
 Уларни босқиндан этганди огоҳ,
 Кўчиб ўзга тараф топишса паноҳ.
 Ҳамда бир манзилда туришса муқим,
 Душман айлағай деб қўққисдан ҳужум.
 Идику сўзига қилишиб амал,
 Унинг жамоаси солмасдан пайсал.

Олиб бору будин тушишди йўлга,
 Бориб бежавотир бир яйдоқ чўлга.
 Идикуни кутиб тикишди чодир,
 Яшашди осуда, тинч, бежавотир.
 Бўлиб Идикунинг ишончи комил,
 Темурга юзланиб деди: «Эй, одил,
 Кўпдан-кўп мулозим дўстларим бўлиб,
 Бу дашту саҳрода кетмасин ўлиб.
 Улар эрур менинг мадор таянчим,
 Бу ёруғ оламда суянган ганжим.
 Уларсиз йўқ менда ҳузур-ҳаловат,
 Кўрмасам агарда соғу саломат.
 Бу фоний дунёда татимай яшаш,
 Доимо бўлади ғамдан кўнглим ғаш.
 Тўхтамиш бошига тушиб инқироз,
 Уруғимдан олар шубҳасиз қасос.
 Илдизи қирқилган дарахт дарахтми,
 Якка-ёлғиз қолиш оламда бахтми?!
 Улар ғаним билан яшаб ёнма-ён,
 Шубҳасиз қалбимни айлашар вайрон.
 Қаромат соҳиби тўрт энли ёзиб,
 Берсанг гар устига муҳригини босиб.
 Бирор элатингдан улар олиб жой,
 Яшаса ғанимдан демай оҳу вой!
 Бирорта амирга айласанг ҳукм,
 Кечиктирмай бажо айласа шу зум.
 Сенинг илтифотинг ҳар недан улуғ,
 Фармони олий бер, эй соҳиби туғ!»
 Сукунатга чўкиб, айлаб тафаккур,
 Идикуга деди ҳазрати Темур:
 «Кўнглинг нотинч бўлса ўпкангни босиб,
 Ўзинг бор бу ишга, ўзинг муносиб.
 Нечун бегонага топширай буни,
 Қўлингда бўлса гар бу иш тугуни».
 Идику дедики: «Унда бир амир,
 Менга қўшиб юбор соҳиби тадбир,
 Менинг қилмишимдан борганда олис,
 У келиб сўзлагай нияти холис».
 Темурга бу таклиф тушиб кўп манзур,
 Деди: «Бориб келгил нур устига нур!
 Идику жўнади мурод йўлида,
 Темурнинг фармони унинг қўлида.
 Ўзига яраша навқари билан,
 Дилда ниҳон ҳисоб дафтари билан.
 Идику Темурдан узоқлашган дам,

Бир фикр ўртади уни кўп мубҳам.
 Бекор Идикуни кетказганини,
 Уруғ-аймоғига етказганини.
 Изидан бир чопар юбориб шу пайт,
 Идикуга деди: «Бир иш чиқди. Қайт».
 Ва лекин Идику на ортга қайтди,
 Ожирги сўзини чопарга айтди:
 «Амир икковингиз ортга қайтингиз,
 Истаган жавобни бориб айтингиз.
 Агар қайтиб борсам теримни шилар,
 Орада ўтганни яратган билар.
 Худодан қўрқаман, баҳридан ўтдим,
 Мен энди охираат йўлини тутдим».
 Қаршилиқ кўрсатмай чопар ва амир,
 Ноилож орқага қайтишди охир.
 Идику шўнғиди кенг биёбонга,
 Улар қайтиб келиб Темур томонга,
 Бўлган воқеани айлагач баён,
 Темур индамади, ичи бўлди қон.
 Йўлда давом этди Самарқанд тараф,
 Изидан кўнгилли лашкари саф-саф.
 Ҳеч ким Идикудек кетмаган алдаб,
 Дили вайрон бўлди бу ҳолатдан заб.
 Сўнг уни кўришга қилмай иштиёқ,
 Эсидан чиқарди, унутди мутлоқ.
 Идику саҳрода қирғийдай учди,
 Келиб қардошларин соғ-омон қучди.
 Сўради Тўхтамиш ҳол-аҳволини,
 Билди жангдан сўнги аянч ҳолини.
 Дуч келса ҳар жойда иккита така,
 Мойилдир ўзаро шох ташламакка.
 Идику йиғса гар қавму қардошин,
 Тўхтамиш чорлади ҳар бир сафдошин.
 Тез-тез бўлиб туриб бу орада жанг,
 Бечора даштийлар ҳоли бўлди танг.
 Бир қисми Шимолу Жанубга кетди,
 Татарни яратган саргардон этди.
 Бир қисми юзланиб Рум ила Русга,
 Айланди татарлар бари маҳбусга.
 Русга қўшилгани бутпараст бўлди,
 Румлиги мусулмон — ҳақпайваст бўлди.
 Идику амирга хони Тўхтамиш
 Ун беш бор тўқнашди, чиқмади бир иш.
 Охир Тўхтамишни Идику пойлаб,
 Изидан кузатди бир неча ойлаб.

Ногаҳон бир жойда устидан чиқиб,
 Кетди Тўхтамишни тупроққа тиқиб.
 Дашти Қипчоқ аро танҳо ҳукмрон,
 Бўлиб Идику сўнг айлади фармон.
 Тўхтамишнинг ўғли Кариму Жалол,
 Юртдан чиқиб кетди кўргузмай жамол.
 Идику тайинлаб Қублугни ҳоким,
 Номи-ла юритди ишларни токим.
 Кейин Шодибегу, Пўлоду Тархон,
 Идику измида бўлди ҳукмрон.
 Лекин шайтон кириб Тархон дилига,
 Идикуни қўйди у сабилига.
 Мен бўлсам бу юртда шоҳи салтанат,
 Не учун ўзгага қилгум итоат.
 Донишманд эрур чин, Идику арзир,
 Бўлсин ҳукмронмас, мен учун вазир.
 Натижада чиқиб орада низо,
 Бўлди ҳар икковдан худо норизо.
 Улар бир-бирини этганда қирғин,
 Жалол ойи бўлди юлдузга яқин.
 Рус тарафдан чиқиб шери Тўхтамиш,
 Иккита қашқирга қарши қайриб тиш,
 Тархонни аямай қонини тўкди,
 Идику чекиниб дарёга чўкди.
 Мурдасин соҳилга қўйишди олиб,
 Ундан йигирмата нор ўғил қолиб.
 Ҳар бири соҳиби битта вилоят,
 Эзгу роҳ дилида «Қуръон»у оят.
 Урушда гарчи хор бўлса-да ҳалок,
 У эди донишманд бир одами пок.
 Сахий, табассумли улуғвор эди,
 Фозиллик боғида бир чинор эди.
 Лутфида бор бўлиб нозик ишорат,
 Унга тан берарди аҳли бакорат.
 Беш маҳал намозни қилмасди канда,
 Худо ҳар муслимни этсин арзанда.
 Рамазон ойида рўза тутарди,
 Лайлатулжадрни тунлар кутарди.
 Эринмай ўқирди тарабеҳ-намоз,
 Худога айларди илтижо-ниёз.
 Даштда йигирма йил у даврон сурди,
 Элни обод қилди масжидлар қурди.
 Гарчи бу оламдан кетсада маҳрум,
 Яратган айласин унга тараҳхум.

ТЕМУР ШОМ ЖОНИБИГА ҚУШУН ТОРТГАНИ ВА УНИНГ МУХОЛИФЛАРИ СОНИ ОРТГАНИ

Тўхтамишни этгач ер билан яксон,
Темур шуҳратига тақди бир маржон.
Қиш ўтиб кирганда баҳори хуррам,
Дафъатан ёшарди бу кўҳна олам.
Ситоралар берди толеъдан хабар,
Шом тарафга тортди Темурхон лашкар.
Йўлида турарди Руҳа шаҳари.
Ҳали етиб келмай унинг лашкари,
Истиқболга чиқди чун суворий-так,
Шаҳарнинг ҳокими Усмони Шакшак
Темур қадамига дея ҳасанот,
Заминга тўшади кимхобу банот.
Шаҳарни топширди бежангу жадал,
Сўраб осудалик элга мубаддал.
Жавобан Темуршоҳ узмай бир япроқ,
Ҳурматига ҳурмат қайтарди кўпроқ.
Сўнг нома жўнатиб Аббос Аҳмадга,
Кир деди ҳокимни тез итоатга.
Сивос, Қайсаристон, Тўқот султони,
Қози Бурҳониддин Аҳмади соний.
Темур мактубини қараса очиб,
Мазмунан шу хилда заҳрини сочиб.
Хутба ўқит демиш тез Маҳмудхонга,
Яъни Суюрғотмиш ибни Хоқонга.
Пулни ҳам зарб айла унинг номига,
То нойил бўлурсан эҳтиромига.
Қози Бурҳониддин Аббоси Аҳмад,
Ичида деди эй онангга «раҳмат».
Унинг мактубига бермасдан жавоб,
Олди элчилари бошини шу тоб.
Бир-икки навкарни қолдириб омон,
Шаҳарда сазойи қилди ҳар томон.
Кесилган бошларни бўйнига осиб,
Темур навкарлари кўп номуносиб,
Хўрланиб айланди шаҳарда тушкун,
Инсоф адолатни унутиб бутун,
Уларни юборди икки томонга,
Барқуқу Боязид ибн Усмонга.
Ҳам маълум айлади ўзича марғуб:
«Не янглиғ олганин — Темурдан мактуб.
Лекин қилмаганин унга итоат,
Дилида ҳис этиб ғайрат шижоат.

Барқуқ, Боязидга таянганини,
 Ҳимоя айлашда ўз ватанини.
 Йўқса Темур киму кимдир бир қози,
 Бордир ҳар нарсада тошу тарози.
 Қанча лашкарларни айлаб у яксон,
 Қўлида жон берди неча шоҳ, султон.
 Қанча маликларни айлади ҳалок,
 Бўлди маликалар дастидан нопок.
 Неча хонзодани ғалвирак айлаб,
 Номуси ситрини бетиргак айлаб,
 Иффат ғунчаларин гиреҳин очиб,
 Бемаҳал гулларнинг исини сочиб,
 Тоғларни қўпориб талқон айлади,
 Денгизни симириб гумдон айлади.
 Ҳар не қилганимдан ҳақ бўлсин рози,
 Мен унинг наздида кимман?— Бир қози».

БОЯЗИД ҚОЗИ БУРҲОНИДДИН АБУЛ-АББОС ИБН АҲМАДНИНГ ҚУЛТИҒИГА СУВ ПУРКАГАНИ ВА ТЕМУРГА ҚАРШИ БАҲОДИРОНА ЖАНГГА УНДАГАНИ

Боязид Қозидан олиб хушнома,
 Жавобан хат битди нусратли хома.
 Дедики: «Темурга зинҳору зинҳор
 Ғалаба бўлмагай биз турганда ёр.
 Енгса бизларни ҳам агар шу чўлоқ,
 Ундан кўра минг бор афзалдир ўлмоқ.
 Темур хужум қилса қараб ўтирманг,
 Андоқ зарба беринг ҳоли бўлсин танг.
 Йиғинг мужоҳиду ғазотчиларни,
 Дин, ислом йўлида нажотчиларни.
 Ислом байроғини қўлига олиб,
 Кам лашкар кўпидан келгайдир ғолиб.
 Мен ҳам қараб турмай қиламан хужум,
 Лашкарим беҳисоб саҳрода чун қум.
 Бизнинг шарпамизни эшитган замон,
 Темур ортга қараб қочар бегумон».
 Қози қўлтиғига сув пуркаб гўё,
 Боязид жавоби эди пурриё.
 Барқуқ ҳам шу хилда юборди жавоб,
 Қози ҳар иккисин айлади тавоб.
 Ва жангу жадалга кўриб тайёрлик,
 Темурни кутарди қилиб айёрлик.

Қози қилмишини эшитиб Темур,
 Ғазабдан юраги бўлди беҳузур.
 Лекин отилмади мисоли қоплон,
 Таҳлика борлигин фаҳм этди аён.
 Бир ёндан Барқуқу Султон Боязид,
 Ҳужум бошлашини билди таъби хит.
 Ортига чекиниб фурсат пойлади,
 На хундор ғанимни хокка жойлади.
 Шомлик амирларнинг малиги Танам,
 Арзинжонга қараб йўл босди шахдам.
 Ва лекин беҳуда ногора қоқиб,
 Жангсиз, дарё янглиғ ортига оқиб.
 Ҳеч кимни учратмай ортига қайтди,
 Бўлган воқеани Қозига айтди.
 Йўлда сарбозлари қилишиб шикор,
 Вале учрамабди бирорта ағёр.
 Қози Бурҳониддин айлади гумон:
 «Темур қўрқиб бўлган ортига қуён».
 Билмаски Темури саодатпеша,
 Хаёлида эди ўзга андеша.
 Ногаҳон оламдан ўтиб Ферузшоҳ,
 Урнида йўқ эди бир пушту паноҳ.
 Худо тахтни унга кўрсада мақбул,
 Лекин бермаганди бирорта ўғул.
 Пастки табақалар кўтариб исён,
 Ҳар бири ўзича бўлмоқчи султон.
 Шу боис фурсатни илгидан бермай,
 Ҳинд сори чолдириб ногораю най,
 Темур Ҳиндистонга бўлди равона,
 Бу қисса гўзалдир ҳам хусравона.

ТЕМУРНИНГ ҲИНДИСТОНГА ЮРИШИ ВА ФИЛЛАРГА ҚАРШИ ҒОЛИБОНА УРУШИ

Чайқалиб ётарди гўзал Ҳиндистон,
 Низо, жанжаллардан оқиб қизил қон.
 Бировлар азизу биров хор бўлди,
 Биров ғамгинларга ғамгусор бўлди.
 Ҳиндистон бағоят улкан юрт эди,
 Бамисли қуртлаган олмурут эди.
 Ҳеч сарвар тишлашга этмасди журъат,
 Филларни ташласа, филлари даҳшат.
 Шатранжда филларни енггувчи Темур,
 Деди лашкарига изимдан тез юр.

Ҳинд халқи қирилиб кетмасдан бурун,
 Тартиб ўрнатай деб тортди у қўшун.
 Маҳмуд Ғазнавийдек на жангда ҳорди,
 У янги усули жанг ила борди.
 Ҳиндий зодагонлар Малли Бабуни,
 Вазир тайинлашиб одил деб уни,
 Йўлига турфа хил пойандоз ёзиб,
 Сўнг тахтни билишиб унга муносиб.
 Тартибга тушгандек бўлдию ишлар,
 Ва лекин туғилди янги ташвишлар.
 Сўнг унинг укаси ҳоким Сарангхон
 Унга қарши бирдан кўтарди исён.
 У Мўлтон шаҳрининг бўлиб волийси,
 Утарди элига ҳукми олийси.
 Бир-биридан ҳиндий гуруҳлар ўзиб,
 Охир ҳар томонга кетишди тўзиб.
 Душманлар ўзаро топишса барҳам,
 Дўстларнинг хотири доим бўлар жам.
 Маллу етиб келиб Мўлтонга жадал,
 Сарангхон шаҳрини айлади қамал.
 Мўлтон сарбозлари беҳисоб эди,
 Сарангхон жанг учун тезхитоб эди.
 Жумладан бор эди саккиз юз фили,
 Ҳар бири мингталаб ғаним қотили.
 Ҳинддаги ҳар битта мустақил амир,
 Ўзича кўрарди чораю тадбир.
 Бўлиб ҳар бирида қўшун, қуроли, фил,
 Ҳар бири курашар эди мустақил.
 Шаҳарни забт этиб олгунча Маллу,
 Ини билан тўрт ой жанг айлади у.
 Маллу Ҳиндистонга бўлиб шаҳриёр,
 Ҳукумат ишлари топганда қарор,
 Темурнинг у томон юрганин билиб,
 Қўшун тўплайверди жидду жаҳд қилиб.
 Кўп сонли лашкару қуроли яроғ,
 Йиғдики нисбатда эди мисли тоғ.
 Ҳар тарафдан сўраб мададу ёрдам,
 Аямади зару зеварин ҳеч ҳам.
 Тўплади жанговар филу учқур от,
 Чор-атрофга сиғмай қўшуни ҳайҳот.
 Ўйлади эгамни даргоҳи кўп кенг,
 Ҳеч ким келолмагай энди менга тенг.
 Қўшуни Темурдан ўн бора ортиқ,
 Ўн бор чўқмор филу ҳам зиёда тиғ.
 Темурнинг улови от ила туя,

Жангда қидиражак ул сичқон уя.
Кейин пистирмалар қўйдириб буткул,
Филлар узра қўйди кажавалар ул.
Борар жангчи филлар олдинда янчиб,
Ортдан суворийлар келар тиф санчиб.
Қажава устидан тортишиб камон,
Мерганлар ғанимни олишар нишон.
Пухта ўйласа-да Маллу режасин,
Энди эштайлик Темур қиссасин.
Қушдан ҳам тез айлаб Темурбек парвоз,
Бир ёндан Қобул то Дарайи Дарвоз,
Беҳисоб жанг кўрган лашкари билан,
Жаҳонгирлик нури назари билан,
Босиб келаверди Ҳиндистон томон.
Қаршилиқ қилмади йўлда бирор жон,
Ҳиндлар лашкарига Темур келиб дуч,
Ошкора жанг қилиб солмади хуруж.
Филларнинг бўйнида зангу қўнғироқ,
Даҳшати оламга соларди титроқ.
Филлар хартумига осишиб шамшир,
Дуч келган ғанимни қирсин деб бир-бир.
Филларнинг изидан йўлбарсу шерлар,
Қоплондек келбатли курашчи эрлар.
Хулласки бор эди лашкарки дарё,
Темурга қарши бир даҳшату бало.
Темур ҳар мушкулга бўлганда дучор,
Довдираб қолмасди шошилиб зинҳор.
Шу янглиғ топди бир ҳийлаю тадбир,
Ҳиндлар фаҳм этолмай бўлишди асир.
Темур тафаккури излаб имконлар,
Яратди беҳисоб темиртиконлар.
Учбурчак шаклида темир мисли тиф,
Филларнинг пойига ботарди чун мих.
Темирдан мингларча тиконлар ясаб,
Сездирмай қора тун чўкканда ажаб,
Ташлаб тиконларни филлар йўлига,
Пистирма қўйишди ўнгу сўлига.
Қоронғу кечада кўрмади биров,
Тонгда таъзирини егай энди ёв.
Кейин навкарларни айлабон огоҳ,
Дедики: «Ўтманглар хавфлидир бу роҳ».
Қоплону шер янглиғ туришди ҳушёр,
Ғанимга ташланмак учун шиддаткор.
Зулматнинг қарғаси инига кирди,
Сайёралар шоҳи кўкдан уфурди.

Юлдузлар чироғи ўчиб мисли шам, \
 Қуёш нурларига чулғанди олам.
 Ҳиндилар бир ёндан чалишиб бурғу,
 Солиб келаверди ёв сари қутқу.
 Темур ҳам ўзича чалиб ноғора,
 Йироқдан кўрсатди душманга қора.
 Филларнинг галаси қилганда ҳужум,
 Темур лашкарлари чекинди шу зум.
 Маллу аскарлари бўлишди хушҳол,
 Қўрқиб қочди дея айлашди хаёл.
 Темурнинг ортидан кўтариб сурон,
 Изидан келишди солиб қатағон,
 Ҳар филки устундек эди оёғи,
 Душманни янчмакка жангнинг маёғи.
 Ёвлар айланганда қўрқоқ қуёнга,
 Жангий филлар кириб шўру туғёнга,
 Ортидан суворий жангий отлиқлар,
 Изидан пиёда илгида тифлар,
 Бостириб келарди мисоли уммон,
 Ҳиндилар ғафлатда тиконзор томон.
 Филлар оёғига тикан санчилиб,
 Товонини темир тифлари тилиб,
 Ғазабдан ўкириб жанговар филлар,
 Жазавага тушди қулаб маҳмиллар.
 Қочишди орқасин кўрсатиб ёвга,
 Баронғор - жавонғор олди қуршовга.
 Марказдан куч оқиб икки томонга,
 Айланиб борарди гуё уммонга.
 Маллу лашкарлари топиб шиканжа,
 Филларни қайтармоқ йўлида анча,
 Уриниб ва лекин топмади илож,
 Филлар «тиконзор»дан қилишиб ур-қоч.
 Ортидан келгувчи отлиқ, пиёда,
 Эзилди филларга ҳаддан зиёда.
 Улиқлар уйилиб мисоли тоғлар,
 Оқди ҳар тарафга қонли ирмоқлар.
 Темур сарбозлари панадан чиқиб,
 Қолганин ўлдирди ханжар, тиф суқиб.
 Маллу аскарлари бесамар, бешон,
 Биринчи жангдаёқ бўлишди қурбон.
 Наврас Халил Султон бобо дилбанди,
 Эди бош қўмондон, ғаним газанди.
 Темурбек изни-ла илк бор мустақил,
 Тузиб тадбир жангга отланди дадил.
 Ҳиндистон фатҳида ботирлик қилди,

Зарбидан ғанимлар тутдай тўкилди.
Ва лекин жанг чоғи курашиб шервор,
Ғанимнинг ўқидан бўлди ярадор.
Суғурилган чоғи сонидан пайкон,
Тўхтамай тизилиб оқар эди қон.
Газак олмасин деб яра сурохи,
Темирни қизитиб махсус жарроҳи,
Яраси кўзига тортганида мил,
Жони оғриси-да чидади Халил.
Ҳали кирмаганди у ўн саккизга,
На кўнглин очганди бирорта қизга.
Темурдек тенги йўқ паҳлавон эди,
Айтганимдан ортиқ юз чандон эди.
Жасур набирасин мажруҳ қилиб тиф,
Илк бор Темур сизди дилида оғриқ.
Қолган-қутган ёвни этгали яксон,
Ғазаб-ла отланди сўнг Соҳибқирон.
Қилмасин ғанимлар қанча урҳо-ур,
Очиқ ҳарбда Темур барибир Темур.
Андоқ ҳиндиларни олди қистовга,
«Сичқон ини бўлди минг танга» ёвга.
Сарбозлар қирилиб, бўлиб тору мор,
Қочди султонлари Маллу сўнг ночор.
Самарқандда бўлса қандай мустаҳкам,
Шундай кучли эди Темур Ҳиндда ҳам,
Мамлакат ишларин тартибга солиб,
Маҳорожалардан келиб у ғолиб,
Филларни боғлатди, тўхтади уруш,
Дехлийи азимга кирди у дилхуш.
Бу гўзал шаҳарни қилдирмай ғорат,
Билдики маркази аҳли тижорат.
Турфа жавоҳиру мушк ила анбар,
Банан, апелсинлар хуш ҳид таратар.
Темур бутун Ҳиндни айлади ишғол,
Қилиб ўз ҳукмига яккаш иттисол.
Ҳар ўлкада у ўз нойибин қўйди,
Дўстни сийлаб, ғаним кўзини ўйди.
Ҳинду шаҳарларин этиб истило,
Кўргузди сиёсат, адл ила жило.
Гўёки қутурган бепоён денгиз,
Измига кирдию секин чўкди тиз.
Қатта кетмас эди ҳеч қачон Темур,
Душманни душман дер эди бир умр.
Аббос Аҳмад билан Аз-Зоҳир Барқуқ,
Элчисин қатл этиб, урганида дўқ,

Темур, нима қилсин ҳар ожиз банда,
Қуюшқондан чиқиб бўлса шарманда.
Элчига ўлим йўқ сўзига амал —
Қилмаса у зотни ютгайдир ажал.
Жанг қилмай ортига чекинди, сабаб,
Қатта қурбонликни айларди талаб —
Бу жангки, қўзғолиб барча мусулмон,
Ғазот деб оқарди дарё янглиғ қон.
Темурки пирлардан олиб шафоат,
Қонсиз ғалабани ўйларди фақат.
Қирилса гар жангда ярим лашқари,
У қандай бўлолгай олам сарвари.
Эчкисин етаклаб боргандан сўғун,
Уни енголмади ҳеч қандай қўшун.
Ҳиндда кўп худолик бор эди мавжуд,
Ўзаро низолар қўпиб худба-худ.
Қирилиб гоҳида аҳли мусулмон,
Ганг дарёси каби оқар эди қон.
Маҳмуд Ғазнавийким ғозийи ислом,
Бир бор Ҳиндистонни айлаб қатли ом.
Қирита олмаган ислом динига,
Чиққан қилич кирган қайтиб қинига.
Ва лекин толейи баланд ҳар одам
Исломга даъват-ла кирган ўша дам.
Ҳиндистон ишқ мулки, битмас хазина,
Темур забт айлагач зина-базина,
Кўп асрлар топиб сулҳу осойиш,
Бошига тушмади кулфату ташвиш.
Темур Қандаҳору Лоҳурга ўтиб,
Ислом байроғини юқори тутиб,
Йил эди бир мингу тўрт юз эҳтимол,
Хуросонда қайта кўргузди жамол.
Султон Аҳмад қочиб Шому Мисрга,
Паноҳ излаб юрди гўё асирда.
Темур Ҳиндистонга отланган замон,
Яна қайтган эди Бағдодга султон.
Унинг ҳомийлари Барқуқ ва Қози,
Ўчиб бу оламдан мангу овози,
Бу фоний дунёга силкиганча қўл,
Бақо мулки сари олишдилар йўл.
Темурга етганда бу мунгли хабар,
Сезмади на қувонч, на дилда кадар.

ТЕМУРНИНГ ИККИНЧИ БОР ШОМ ВА СИВОСГА ЮРИШИ ВА ҒАНИМЛАРИ БИЛАН ҒОЛИБОНА УРУШИ

Ва лекин дилини айлар эди ғаш,
Бир совуқ хабарким чун турқи ҳабаш.
Ширвонда учинчи ўғли Мироншоҳ,
Берилиб ишратга йўл тутиб гумроҳ.
Таъналар айлаб ул ота бадбахтни,
Деганмиш: «Бўларди берса гар тахтни,
Бирорта ўғлини айлаб валиаҳд,
Кексайган бошига нечук жидду жаҳд?!»
Бир жойга етганда одамнинг ёши,
Жисми заиф бўлар, айланар боши.
Пайғамбар ёшига етганда одам,
Не лозим айламоқ даъвойи олам?
Бирорта масжидда қилиб ибодат,
Сўрса охиратда ҳақдан саодат.
Ҳатто бўлганда ҳам бераҳим Шаддод,
Ғанимлар мулкани айлабон барбод,
Ажал пашшаси бир урган чоғи ниш,
Инсоннинг одати доим кўз юмиш.
Фиръавндек эришиб рубъи маскунга,
Бойликдан дарс берсанг ҳатто Қорунга.
Қалфоний шоҳидек каллангда сароб,
Қуддусни ўт ёқиб айласанг хароб.
Қайсарни қул қилсанг, Хусравни тор-мор,
Тубъа, Ан-Нажаш ҳам бўлса сенга ёр.
Фағфур эшигингда бўлса отбоқар,
Бу сенга баридан балки хушёқар.
Сен ахир Нўҳ эмас, пайғамбармассан,
На Луқмон, на Довуд, оддий бир шахссан..
Пирларнинг дуоси бўлмаса падар,
Бу оламда эди топганинг кадар.
Йўлингдан қайт дея қилгум илтижо,
Гуноҳингни ўзи кечирсин худо!»
Пайғамбар ёшига етганда Темур,
Тахтни тарк этмоқчи бўлди бир умр.
Бирдан тўхтолмагай қудратли дарё,
Қандай ҳаракатдан тўхтасин дунё.
Истеъфога чиқар ночор, ожизлар,
Не жувон, Темурни кўрганда қизлар
Уни йигит дея айлашиб хаёл,
Дилида туярди илинжи висол.
Мироншоҳ гирдида беш-олти машшоқ..

Улуфага яшаб, йўқ эса қашшоқ.
 Бор эди уч-тўртга аҳли шуаро,
 Оғзи полвону йўқ амалда вақо.
 Ҳам дўст либосида бузғунчи шуттор,
 Сўнгроқ Темур этди барини абгор.
 Ва лекин тегмади шоир Қатронга,
 Ҳазрат Нойи билан куйчи Имронга.
 Андоқ Мироншоҳга қилди насиҳат,
 На ўғит, умрлиғ дарси сиёсат.
 Ўзга шоҳлар каби сочиб кадарин,
 Темур хўрламади ўзин жигарин.
 Элга у одамдан не нафу фойда,
 Чиқишолмай ўғлин қатл этган жойда,
 Юрт ундан бўлади қандай баҳраманд.
 Отасин ўлдириб шоҳ бўлса фарзанд,
 На фарзанд, Темурга дўсту биродар,
 Биринчи бор озор еткарса агар.
 Ичига ютарди, қайтармай жавоб,
 Муслимлик белгиси эрур бу савоб.
 Икки бора Темур юзига оёқ
 Қўйгани кечира олмасди мутлоқ.
 Мироншоҳ айлабон тавба-тазарру,
 Қирди эзгуликнинг йўлига сўнг у,
 Яширмай Темурхон дилдаги ҳисни,
 Забт этди гуржилар шаҳри Тифлисни.
 Сўнг оти жиловин Бағдодга бурди,
 Гўё йўлга тушди ноғора урди.
 Уни ҳажв қилган Аҳмади Султон
 Қочди Қора Юсуф манзили томон.
 Улар биргалашиб айлашиб ҳужум,
 Қарғаю Бойўғли борди сўйи Рум.
 Қари бургут эса Темур Тарағай,
 Туркман жонибига қараб чалди най.
 Тугёнли қиличин қинига солди,
 Ёзда Ферузада яйраб дам олди.
 Султон Бурҳониддин бундан сал аввал,
 Бошига тушгандек сояйи ажал,
 Сивос ерларига айлади сафар,
 Хуш ҳаво жой эди бу гўзал шаҳар.
 Султон мулозими деди: «Қил сабр,
 Ёғий кўп, етмасин ҳазратим жабр.
 Аввал етсин бизга лашкар дарёси,
 Сўнгра Қорайлукнинг етгай жазоси».
 Ва лекин ўзини босолмай Султон,
 Етиб Қорайлукка ҳужум қилган он.

Қорайлук ўгирилиб солди қасирға,
Ва Қози Аббосни олди асирға.
Кўриб Султонини асирда лашкар,
Қочди ҳар томонга тўзғиб мисли пар.
Қорайлук ўзича қилиб тафаккур,
Бўшатмоқчи бўлди Султонни бир қур.
Яна олдингидек унга бел боғлаб,
Хизматин қилмоқчи эди ардоқлаб.
Лекин пайдо бўлиб бирдан Шайх Нажиб,
Ташлагиси келди Султонни ғажиб.
Дедики: «Тўқотнинг ҳокими ахир,
Бу зотга енгилиб тушганди асир.
Унга ваъда бериб бераҳим Султон,
Кейин хоинона этганди гумдон.
Озод қилсанг, билгил, бир кун, Қорайлук,
Сенинг ҳам бошингга етади бу хук».
Шайх Нажиб сўзини эшитган фурсат,
Қорайлук дилида уйғонди нафрат:
«Сўради нетай деб, Шайхи Нажибдан,
Гарангсиб қолиб у ҳоли ажибдан».
Шайх Нажиб сездики Қорайлук Усмон,
Сўзига киргайдир энди бегумон.
Дедики: «Султонни банддан бўшатсанг,
Эртага билгилки ҳолинг бўлар танг.
Бугун кўрсатарсан унга тараҳхум,
Эртага у сенга айлағай зуғум.
Бугун ҳарамини босмасанг агар,
Булғаб заифангни, у сени осар.
Темур элчиларин этгандай ҳалок,
Сени ҳам айлағай кўкрагингни чок.
Бу одам доғули, жоҳил, калтафаҳм,
Эртага ҳеч кимга қилмағай раҳм».
Аҳду паймонини бузиб Қорайлук,
Султонга қарши иш юритди хунук.
Бермасдан қўйди у совғаю салом,
Унга кўргузмади ҳурмат, эҳтиром.
На берди хизматкор, на қилди хизмат,
Доим нонкўрлардан шу келган ҳиммат.
Аслида Қорайлук лақабли Усмон,
Румлик тоторлардан эди паҳлавон.
Итоатла Султон измига кириб,
Кейин айниб кетди «қовун тушириб».
Яхшилик айласанг нокасга агар,
Ёмонлик қайтиши ундан муқаррар.
Қорайлук ўрнашиб элати билан,

Узича яшади келбати билан.
 Султонга арзимас бўлгани учун,
 Бормади устига тортдириб қўшун.
 Қорайлук қашқирдек изғиб ҳар томон,
 Гоҳ Амос, гоҳ Сивос, гоҳи Арзинжон,
 Йўлида изғиди ўлжа ахтариб,
 Куч тўплаб хавфли ёв бўлди ул ғариб.
 Бир куни ҳисобсиз чун сели хўтук,
 Сивосда кўринди Усмон Қорайлук.
 Анда нафасини ростларди Султон,
 Эштиб бўғзига келди ширин жон.
 Шернинг уясига кирдими тулки,
 Икковидан бири бўлади кулги.
 Султон Бурҳониддин кечикмай фурсат,
 Қорайлук устига ёғдириб шиддат,
 Бир гуруҳ сарбоз-ла кетди илгари,
 Ортидан келарди катта лашқари.
 Қўлингга тушганда заҳарли илон,
 Бошин янч етказмай сенга бир зиён.
 Одамийлик қилиб солсанг пайсалга,
 Узинг йўл очасан, билки, ажалга.
 Кейин чекмай десанг афсус, надомат,
 Ишни қил, ҳар доим келмайди омад.
 Қорайлук берилиб Шайх таъсирига,
 Илтифот қилмади сўнг асирига.
 Қилсанг душманингни агарда қатл,
 Одатий иш эрур на зулму адл.
 Худо бандасига этсин тараҳҳум,
 Султон Аббос бўлди ҳаётдан маҳрум.
 Гарчи ул донишманд, фозил зот эди,
 Элу юрти учун бир нажот эди.
 Йўқ эди муносиб бир меросхўри,
 Манглайга ёзилиб фалакнинг шўри.
 Давлату савлати ғанимга қолди,
 Шуқуҳи сингари номи йўқолди.
 Қароқчи ҳеч қачон бўлолмас султон,
 Халқ бирдан кўтарди шўришу исён.
 Қорайлук Усмонга қилмай итоат,
 Бошланди фитнаю найранг ниҳоят.
 Халқни ўз ҳукмига этмакка тобе,
 Қорайлук айлади юртни харобе.
 Зулму зўрлик билан сўзига кирмай,
 Қаршилиқ кўрсатиб халойиқ атай,
 Ҳамда татарлардан сўради ёрдам,
 Мадад кучи етиб келди пайиҳам.

Ва лекин уларни Қорайлук Усмон,
Қийналмай барини айлади гумдон.
Иккинчи бор бу ҳол бўлганда такрор,
Мўру малах каби ёғилди тотор.
Ҳамда қўллаб турди ичдан аҳоли,
Охири танг бўлди Қорайлук ҳоли.
Чекиниб ортига лашкари бесаф,
Юкиниб борди сўнг Темурга тараф.
Темур лашкари-ла айнаи шу онда,
Мавжланиб турарди Озарбайжонда.
Қорайлук Темурнинг қўлини ўпиб,
Дилида риёнинг бўрони қўпиб,
Темурга ўзини айлаб мутеъ, қул,
Сивосга юришга гиж-гижлади ул.
Темурнинг дилида ухлаган қасос,
Унинг даъватидан уйғонди нохос.
Сивос аҳли эса кенгашиб бу он,
Танларди ўзича ҳукрмон султон.
Мисрга борсинми эгишиб бўйин,
Чанглатиб ё ибн Қарамон кўйин.
Ва ёки ғазогир Ибн Усмонга —
Боязид Султонким машҳур жаҳонга!
Ожизона фикр юритиб бари,
Талпиниб Боязид йилдирим сари,
Чопар юборишиб бўлиб мунтазир,
Дейишди эрурмиз амрингга ҳозир.
Қанча дилоромга кўнгил бойладик,
Алар ичида лек сени сайладик.
Уша лаҳзадаёқ етиб Боязид,
Топди Сивосликлар қалбига калид,
Уғли Сулаймонни волий айлади,
У юртда ҳукмини олий айлади.
Улуғ амирлардан беш нафарини,
Оқилу тадбиркор донишварини
Изофа айлади шоҳ Сулаймонга,
Беш юлдуз жамулжам моҳи рахшонга:
Ёқуб, Ҳамза ила Али, Мустафо,
Даводор бешовлон бўлишди ҳамроҳ.
Аёнлар қалбини айлабон мойил,
Ишларни дўндириб этдию қойил,
Арзинжон тарафга кейин бурди юз,
Шаҳарни забт этиб айлади жузь-жузь.
Олиб Таҳартоннинг мол-дунёсини,
Кўргузди хўрлигу юз жафосини.
Ҳарамин эгаллаб тўшини керди,

Сайису хизматкор қулларга берди —
Ҳарам боғидаги ғунча қизларни,
Ҳуснда ягона ҳур канизларни.
Улжасини олиб қайтгани маҳал,
Истанбул қалъасин айлади қамал.
Гарчи тиг тортишни қўмсамай Темур,
Яшашни истарди осуда ва ҳур.
Қорайлук ёнига келиб Таҳартон,
Аянч қисматида йиғлаган замон.
Уруш даҳосининг қони гупурди,
Томири завқ билан юракка урди.
Ҳали черик тортиб Боязид Усмон,
Мен юрган йўлларда тўкмоқдами қон.
Сенинг ҳарамингни олғони учун,
Анга сайисларни солғони учун,
Умр вафо қилса гар бўлсанг тирик,
Ёнимда борурсан тортаман черик.
Йилдирим бўлсин гар замин ё ойда,
Мендан қутулмас бу меҳнатсаройда.
Бировлар ҳарамин тилга олган кўр,
Ўзининг ҳарамин кўрар манглай шўр.
Қандоқ ўзгаларни айлабон иззат,
Ўз кўзи олдида қилишин хизмат.
Деганмиш: «Темурнинг қуригай шўри,
Бўлар маликаси қулимга чўри».
Нафрату ундовдан қўзиб иштиёқ,
Темур қўшун тортиб отланди шу чоқ.
Аввал Арзинжонга бостириб кирди,
Қаршилиқ кўрсатган ғанимни қирди.
Кейин ружуъ қилиб борди Мордунга,
Малик-Зоҳир исён билдирди унга.
Банддан озодликка чиқариб Темур,
У-чи ваъдасини унутди нонкўр.
Воқеот йилидир бир мингу тўрт юз,
Қолмай Миср ва Шом юртида нуфуз,
Лашкарлари тарқаб ҳар тараф кетган,
Бошларига ажал сояси етган.
Ранят ҳақида ғам чекмай кулар,
Охири уларни ютди қайғулар.
Фалокат келишин билмай ғафлатда,
Ҳар бири ҳар жойда қолди даҳшатда.
Душман фирибидан кимки беҳабар,
Тасаввур айлаки жомида заҳар.
Ўғри муродига етар бекутқу,
Доим қоровулни босганда уйқу.

Темурга айламай зимдан итоат,
Аксинча юритган фитна адоват.
Бир гуруҳ амирлар сарвари Танам,
Савр ойларида бари жамулжам
Шомда қатл этилди, тугади қирғин,
Шому Миср олди нафасин эркин.
Шерман деб дов солиб увлаган шоқол,
Шернинг чангалида топади завол.
Қўлига киргандан кейин Мисру Шом,
Барча ишларини айлаб саранжом,
Йўл олди Темурхон Сивос томонга,
Жангари лашкари кириб жавлонга.
Ундан воқиф бўлиб Сулаймон ҳоким,
Отасидан мадад сўради токим.
Бу маҳалда эса Боязид Султон,
Эди Истамбулни олишга сарсон.
Ҳамда йироқ эди масофа беҳад,
Шу боис ўғлига беролмай мадад,
Рости гап мададга ўзи зор эди,
Истанбул қалъаси тошдевор эди.
Яна атрофини ўраган денгиз,
Ҳимояда эди хўжаси тенгсиз.
Тушмай таҳликага амир Судаймон,
Йиғди матонатли кўплаб паҳлавон.
Қалъанинг ҳифзига белини боғлаб,
Турди амирларин зафарга чоғлаб.
Аниқ ўлчов билан тақсимлаб навкар,
Қўйди девор бўйлаб бир-бир бехатар.
Темур хуфялари қалъага кириб,
Чиқишди бор гапни унга билдириб.
Сўнг чалиб лашкари ноғора, бурғу,
Солиб келаверди қалъага қутқу.
Темурнинг даҳшати бўлгач намоён,
Сулаймон эди бир тушунган султон.
Улимдан қочишни билдию афзал,
Бу ишни айлади солмасдан пайсал.
Шаҳарда қолдириб одамларин лек,
Дедики: «Темур-ла курашинг шердек.
Ҳаял ўтмай туриб тортиб кўп қўшун,
Қўққисдан мен келиб айлайман нигун».
Қилиб Сулаймонга сўзсиз итоат,
Қолди лашкарлари қалъада, фақат
Жон ширин туюлиб қочди Сулаймон,
Мушукни кўрганда қочгандай сичқон.
Темур тўлиб-тошган уммон сингари,

Келди чор-атрофга сирмай лашкари.
 Август ойи эди муътадил ҳаво,
 Дардмандга оллоҳим бағишла даво.
 Темурхон дедик: «Уч ҳафта ўтмай,
 Сивосда янграгай фатҳимиздан най».
 Келди икки лашкар жангда рӯбару,
 Тинди ноғораю садойи бурғу.
 Қўрқоқлар қалтираб, ботирлар кулди,
 Ғалаба нашъаси ширин туюлди.
 Сулаймон навкари савашда ҳеч ҳам
 Темур лашкаридан эмас эди кам.
 Гарчи Сулаймон шоҳ қочгани билан,
 Мағлублик фолини очгани билан
 Бешта матонатли паҳлавон амир
 Кўргузди қаршилиқ жангда бирма-бир.
 Темур тарафининг дарёси денгиз,—
 Мисоли пишқириб дов солди тенгсиз.
 Сулаймон амирдан қолган ирмоқлар,
 Урнида қолди бўш қонли қирғоқлар.
 Ғаним мағлублигин ҳис этганида,
 Тиз чўқар ҳаттоки ўз ватанида.
 Уч минг сарбоз тушиб урушда асир,
 Олинди олинмас мустаҳкам қаср.
 Ҳавоси соф эди ҳамда беғубор,
 Темур раиятга бермади озор.
 Уч ҳафта ўтмасдан ўн етти кунда,
 Сивосни илгида тутди тутқунда.
 Сивос қўшни эди уч улуғ бумга,
 Шому Озарбайжон билан ҳам Румга.
 Темурхон Сивосни этиб бирёқлик,
 Шом сари кўтарди адолатдан тиф.
 Лашкари саҳрода мўру малахдай,
 Чолиб борар эди ноғораю най.
 Баҳорда не янглиғ сел келса дарё,
 Шу янглиғ лашкари эди руҳафзо.
 Уқлари ҳар тараф ёйилган замон,
 Оламни қопларди найзазор пайкон.
 Қўшунда бор эди Турон эрлари,
 Фирдавсий мадҳ этган Эрон шерлари.
 Туркистон йўлбарси, Қипчоқ лочини,
 Бадахшон қоплони, Хитой дурқуни,
 Жето йиртқичию Хўжанд илони,
 Андилик аждаҳо, мўғул чаёни,
 Журжон зиёнкори, Ҳисорий сарбоз,
 Жибол бургутию исфаҳонлик боз.

Ҳинднинг филларию Лур қўчқорлари,
 Ғурнинг ҳўкизлари, жанг шунқорлари.
 Қўшунга хизматкор туркману араб,
 Борарди Темурхон қўлига қараб.
 Мудом саховату ҳиммати олий,
 Ҳар бир довьюракни этгувчи волий.
 Темурнинг изидан баланду пастлар,
 Мажусий, насроний ҳам бутпараствлар.
 Эргашиб охири мусулмон бўлиб,
 Дину эрк йўлида қаҳрамон бўлиб.
 Мушрикларга қарши етказиб зарар,
 Улар жанг-жадалда топишди зафар.
 Ва лекин ўзича баъзи араблар,
 Кибору юксакруҳ юқоритабълар
 Темурнинг измига қилмай итоат,
 Йиғишди лашкарки, лашкари беҳад,
 Уларга бош бўлиб Сайёди Судан,
 Чиқди Шом нойиби шишиб қутқудан.
 Лашкари кўп эди руҳан муҳофиз,
 Чўкмади Темурга урушмасдан тиз.
 Улар кўп ўтмасдан етиб Ҳалабга,
 Тайёрлик кўрдилар Темур-ла ҳарбга.
 Темур йўл-йўлакай кўргузиб жамол,
 Гўзал Баҳаснани айлади ишғол.
 Баҳасна қалъаси кўриб талафот,
 Уч ҳафта ичида сўради нажот.
 Мухолиф енгилиб бўлганда таслим,
 Темур айламасди ҳеч маҳал зуғум.
 Парвардигор солиб дилига раҳм,
 Темур етказмади ҳеч кимга заҳм.
 Сўнгра Малатия томон от сурди,
 Бир зарбда забт этиб измига бурди.
 Кейин айлаб борди тўхтамай ҳужум,
 Унга таслим бўлди ҳам қалъайи Рум.
 Сўнг Темур лашкари айлабон шитоб,
 Бир зарбла олинди гўзал Айнитоб.
 Нойиби Аракас кейин фол очди,
 Енгилишин билиб Ҳалабга қочди.
 Темур орқасидан қилмади таъқиб,
 Унга завқ бағишлар қочганда рақиб.
 Темур Айнитобда дамани олиб,
 Ую фикратини тартибга солиб,
 Юборди Ҳалабга томон бир мактуб,
 Амир Темур номи саналиб марғуб.
 Хутба ўқитилсин аввалу охир,

Айлаб раиятнинг меҳрини зоҳир.
 Кейин асирдаги жияни Атилмуш,
 Темурнинг измига юборилса хуш.
 Билиб қўйсин деди минбаъд халойиқ,
 Ҳукмрон бўлмакка Темурбек лойиқ.
 Ушбу адоватни айлабон далил,
 Йўқса қўшун тортиб боргайдир дадил.
 Измига кирмаса қилиб итоат,
 Кейин сўрамасин омонлик, шафқат.
 Сайди Судан бермай мактубга жавоб,
 Бир ҳунар қилдики эди носавоб.
 Қасос денгизининг шамоли эсди,
 Темур элчисининг бошини кесди.
 Халойиқ олдида ошқору аён,
 Бундай тутмас ўзин ақлли султон.
 Ҳам жангга киришга чалиб ноғора,
 Қизишиб ҳаддидан ошди тобора.
 Шомдаги нойиблар машварат қилиб,
 Олди бир-бирининг фикрини билиб.
 Бирови дедик қалъада туриб,
 Отайлик душманни узоқдан кўриб.
 Бирови дедик қурайлик қўрғон,
 Шаҳар атрофида беҳисоб-бесон,
 Қўяйлик қоровул ҳисобсиз қўшун,
 Келганда ғанимни этайлик нигун.
 Бирови дедик қамалда қолиш,
 Душманнинг чангида енгилиб нолиш.
 Узгаси дедик босмасдан қурум,
 Ошқора қилайлик ёв сари ҳужум.
 Лашкар денгизини тортиб борайлик,
 Ким бўпти Темуру ношуд Қорайлук.
 Дедик, бўлманглар бунча косакий,
 Темурни билгувчи Шайхи Хосакий.
 Лозимдир қазимак ҳисобсиз хандақ,
 Сўнг барча лашкар-ла чекиниб андақ.
 Кузатмоқ лозимдир ўзга томондан,
 Мухолиф кучлари келса бир ёндан.
 Пистирма, хандақда топади завол,
 Бир қисми ўзича бўлади поймол.
 Устига бир ёндан қўққис от солиб,
 Кейин келиш мумкин душмандан ғолиб.
 Асосий фикрни қилмай гапталош,
 Ҳалабнинг нойиби айтди Темурдош:
 «Турли хил гап-сўздан йўқдир бир фойда,
 Кучли ғолиб келар доим ҳар жойда.

Темур сўрасада таҳдид ила бож,
 Ҳалокат жариди турар беилож.
 Бир туртки етса гар қулагай жарга,
 Ҳожати йўқ асло катта лашкарга.
 Бирлашиб қуршовга олиб урсак тиғ,
 Темур дош беролмас ҳужумга ортиқ.
 Қулагай мисоли улкан аждаҳо,
 Йўқса тенг келолмас унга ҳеч даҳо.
 Худо агар бизга бўлса мадакдор,
 Шубҳасиз бу жангда этамиз тор-мор».

Аслида Темурдош риёкор эди,
 На фикри бир ишда барқарор эди.
 Буқага кўз сузган ғунажинмисол,
 Бошида кезарди унинг минг хаёл.
 Гоҳида мисоли заифаи гар,
 Ғанимга ўзини дўст янглиғ тутар.
 Қўрқоқлиги солиб бошга қайғуни,
 Гоҳ яқин айлади Темурга уни.
 Шомликлар қуришиб қўрғон, истехком,
 Муҳофаза этди бир ёнда давом.
 Бир ёндан Темурга қилиб ҳавоза,
 Очилиб қўйилди учта дарвоза.
 Темур етти кунда етиб Ҳалабга,
 Тизди лашкарини бир хилда сафга.
 Улардан ажратиб икки минг сарбоз,
 Ташлади ғанимга сол деб инқироз.
 Уч юз Шом йўлбарси чиқиб муқобил,
 Шерлар қаршисида тортмай ўлди тил.
 Темур аскарлари чопишиб шамшир,
 Уларнинг бошини олди бирма-бир.
 Уриб баъзилари найза бирла тиғ,
 Қоплади майдонни фарёд, ҳайқириғ.
 Шомликлар ўзича қўйишиб танба,
 Найранг ишлатдилар ўша пайшанба.
 Эртаси жумада Темурхон беш минг,
 Лашкарга амр этди: «Ғанимни қиринг».

Шомликлар чиқишди гуруҳ ва гуруҳ,
 Темур лашкаридан кетгандай шукуҳ.
 Уч бурчак шаклида ортга чекинди,
 Баъзиси ёв аро атай бекинди.
 Ўзини кўрсатгач бор асосий куч,
 Бўлди Шомликларнинг ёнғоқлари пуч.
 Аларга урилиб Темур тўқмоғи,
 Ҳар тараф сочилди мағзу пўчоғи.
 Тушиб икки лашкар жангга бошма-бош,

Курашди тўхтамай ботгунча қуёш.
 Оққушнинг патлари аста сарғайиб,
 Қора боз зарбидан бўлгандек майиб,
 Сўнг йўқлик қаърига бирдан йўқолди.
 Оламга қаролик пардасин солди.
 Ҳар Темур жангчиси битта аланга,
 Чекинди қўшилиб хундор душманга.
 Қорақуш патини ёзиб сарафроз,
 Оққуш келмай туриб айлади парвоз.
 Юлдузлар шодаси кетди тўкилиб,
 Қора тун пардаси бирдан сўкилиб,
 Заррин нурларини улашиб офтоб,
 Ғалаба тонги деб айлади хитоб.
 Зафар хушбўйини ҳис этган замон,
 Амирларга берди Темурбек фармон:
 «Бугун пешингача қучингиз зафар,
 Йўқса ўзим чиқиб курашгум магар.
 Пайғамбар ёшида қилич, ёй осиб,
 Қон тўкиш наҳотки менга муносиб.
 Ғаним қўли баланд келса бошқа гап,
 Шубҳасиз чиқардим ҳеч тортмасдан тап».
 Темурбек амридан руҳланиб лашкар,
 Деди: «Ё ғалаба, ё қазо қадар».
 Темур тонгда туриб айлаган дуо,
 Эҳтимол эгамга бўлган мустажо.
 Чиқди икки ёндан жангари эрлар,
 Шомлик йўлбарслару теурий шерлар.
 Уриб бир-бирига икки зўр қўшун,
 Фурот дарёсидек жўшиб оқди хун.
 Дарёда кўринса балиғу тошлар,
 Бу жўйи хун аро сузарди бошлар.
 Темур сарбозлари мисоли наҳанг,
 Майда балиқлар-ла айлар эди жанг.
 Гоҳида отилиб теурий чўртан,
 Шомлиғ лаққаларга бичарди кафан.
 Гоҳ келиб шомлиғни омади баланд,
 Берарди теурий сарбозга газанд.
 Шому Рум Мисрда бўлса уч қўшун,
 Темур ҳарбийлари ўн бора афзун.
 Пиёда, суворий, туяда, филда,
 Хуллас курашарди улар юз хилда.
 Руму Шом Мисрийлар қолди гангираб,
 Келгач теурийлар турфа тиғ тираб.
 Шомликлар хулласи қолди қамалда,
 Қуёш тикка чиққан пешин маҳалда.

Ҳайлон қишлоғида тўкилди кўп қон,
 Шомликлар тўзғишиб қочди ҳар томон.
 Тирик қолганлари етиб Дамашққа,
 Тўлди армон билан кўзлари ашкка.
 Жавоб беролмасдан жангий талабга,
 Нойиблар беркиниб олди Ҳалабга.
 Ҳалаб қалъасини забт этиб Темур,
 Олди хазинадан ганжу зару дур.
 Лекин раиятга бермади озор,
 Нечун бекафанга ғорат, тору мор.
 Очларга ош берди ғалаба сайли,
 Гадолар шод бўлди Темур туфайли.
 Қалъада нойиблар ғамгин эгиб бош,
 Аларга омонлик сўраб Темурдош.
 Совға-салом билан чиқди қалъадан,
 Темурга бош эгиб, ҳам беришиб тан.
 Сайди Судан билан Шайх Хосакий ҳам,
 Бирга ичишганди аҳдлашиб қасам.
 Алтунбуғ Усмоний ҳам Умар Таҳҳон,
 Ҳибсга олинди улар тўртовлон.
 Темурга қарши ким кўтарса ханжар,
 Қасос тоши унинг бошини янчар.
 Тақозо қилмаса башарти даврон,
 Беҳуда қон тўкмас эди Темурхон.
 Не хил ғаниму дўст қоралар қоғоз,
 Ҳеч ким этолмаган борини баёз.
 Ғаним ғараз билан ёғдирган бўҳтон,
 Дўст ҳаддан ошириб бўлган хушбаён.
 Мен эса сақладим икки аролиғ,
 Бадбинлар насиби бахти қаролиғ.
 Ғойибдан ҳис қилиб дилда не туйсам,
 Барини қоғозга туширдим бекам.
 Темурда бор экан қудратли лашкар,
 Пиёда, суворий ҳамда хуфягар.
 Ҳар бир мамлакатни этганда ишғол,
 Темур талаб қилмай аввал мулку мол.
 У юрт доноларин жамлаб ҳар заҳот,
 Утказар экан бир илмий мулоқот.
 Йиғдириб қошида очдириб китоб,
 Саволлар ёғдириб оларкан жавоб.
 Донолар доноси топиб эътибор,
 Энг катта совринга бўлиб сазовор,
 Кейин ўзгаларга берилиб савфо,
 Уламолар аро қўпаркан ғавфо.
 Темур ҳар соҳада эди ботадбир,

Кам эди унингдек донишманд амир.
 Қилиб донолар-ла мулоқот доим,
 Зиёда этганди уни худойим.
 Шу боис қошида ҳар чала мулла,
 Нуфуз тополмасди айтиб ашула.
 Бир неча олимни бир кун этиб жам,
 Савол-жавоб қилди Темур мукаррам.
 Шайхи Абдулжаббор тилмочлик қилар,
 У турфа ажнабий тилларни билар.
 Шундоғ савол этди Темур Кўрагон:
 «Кеча бўлиб ўтди қирғину сурон.
 Улди икки ёндан бу жангда сарбоз,
 Аларнинг қай бири айтинг-чи мумтоз?
 Бўлсангиз илмда орифу саййид,
 Марҳум сарбозларнинг қай бири шаҳид?»
 Саволга бермаса гар тўғри жавоб,
 Шарманда бўлар ҳар этгувчи хитоб.
 Темурга ёқмаган сўзни гапурмак,
 Бамисли ўзига-ўзи тиғ урмак.
 Темурга ёқай деб айласа риё,
 Бундай саййидларни кечирмас худо.
 Жавоби бўлса гар ҳақ каломидан,
 «Қуръони карим»у ҳақнинг номидан.
 На Темур ҳаттоки бўлсин Искандар,
 Бировнинг кўксига санчмагай ханжар..
 Қозилар қозиси Шайхи Ансорий,
 Йўқ эди қўрқувдан дилда ғубори.
 Дедики: «Ҳазратим мен берсам жавоб..
 Бўлсин эшитган ҳам айтганга савоб.
 Ҳамду саловотлар Расулуллоҳга,
 У зот сазовордир меҳри оллоҳга.
 Бир араб берганда шу ҳақда савол..
 Ҳақиқат кўкидан кўриниб ҳилол.
 Худонинг элчиси деди шу янглиғ,
 Агарда ғанимга кўтарганда тиғ,
 Тангрининг каломи баридан улуғ,
 Деб оллоҳ йўлида курашса қутлуғ..
 Уша шаҳид бўлиб берганида жон,
 Макони бўлади равзайи ризвон».
 Ундан бу жавобни эшитиб Темур,
 Одил, ростлигидан айлади ҳузур.
 «Жуда яхши» — дея табассум сочди.
 Самимий суҳбатнинг эшигин очди.
 Дедики: «Зоҳиран ярим одамман,
 Жаҳон хоқонидан вале на камман..»

Курашиб Арабу Ажамни олдим,
 Ҳиндистон филларин мен йўлга солдим.
 Ва яна бир неча юрту вилоят,
 Ўзига санагай соҳибиноят.
 Шукроналар этиб оллоҳга ортиғ,
 Ҳеч кимга беҳуда санчмаганман тиг.
 Парвардигор тавфиқ бердию қаранг,
 Зафар эшикларин очди менга ланг.
 Юртларни ўзимга этганда қарам,
 Ҳеч қачон солмадим эл бошига ғам.
 Қаерда кўп бўлса доно уламо,
 Етмагай у ерга кулфату бало».

Темур сўзларини тинглаб бир қози,
 Деди: «Жаҳон аҳли сиздан кўп рози.
 Пайғамбар ишини эттириб давом,
 Утди халифалар, қолди эзгу ном.
 Сизнинг қўлингизда ислом байроғи,
 Юртингиз мисоли жаннатнинг боғи.
 Сизни ёқтирмаган толиби шайтон,
 Сиз билан доим бир аҳли мусулмон».

«Арҳам-турҳам» деган яратган эгам,
 Раҳм қилсанг, раҳм кўрасан сен ҳам.
 Темурга суҳбатдош бўлган донишманд,
 Доимо саналар эди аржуманд.
 Темур ҳам азизлар дуосин олиб,
 Бу фоний дунёда яшарди ролиб.

СУЛТОН МАЛИК НОСИР УРУШ ОЧГАНИ ВА ТЕМУРДАН ЕНГИЛИБ ҚОЧГАНИ

Темур мактубини олиб Ан-Носир,
 Элчисин қатл этди чун ақли қосир.
 Темурга қарши у захрини сочди,
 Сабаб баҳонасиз у уруш очди.
 Сабаби ёқмасдан Темур номаси,
 Йиртилди Султоннинг сабр жомаси.
 Қанчалик ёзмасин Темур мулойим,
 Зўр одам барибир зўрдир ҳар доим.
 Мактубда бор эди шунга ишора,
 Қирмаса измига ким бахти қора.
 Насибаси бўлар найза ёки тиг.
 Азалдан ҳақиқат каломи аччиғ.
 Ўзини санаса ҳар ким мусулмон,
 Измига кирару тўқдирмагай қон.

Шайхул-Ислом бўлгач Темурга тараф,
Унга қаршилиқдан, эй ғаним, не наф?
Худо кучга қўшиб берганда иқбол,
Шубҳасиз ғанимлар топади завол.
Юсуф пайғамбардан меросдир Миср,
Ҳазрати Темурга бу эмасдир сир.
Шу боис у жойда бўлмаса хуш жанг,
Пайғамбар хокини хун этмасин ранг.
Аввалги сафарда гарчи уриб дуқ,
Кетди бу оламдан номурод Барқуқ.
Темур оқизмай деб иккинчи Нилни,
Ширин қилган эди айтгувчи тилни.
Фиръавн касрига қолган мисрлик,
Доимо иш тутар хуфёна, сирлик.
Темур мактубига кутарди жавоб,
Ва лекин Ан-Носир бажойи савоб.
Муддатни солмасдан сира пайсалга,
Ташлади лашкарин доми ажалга.
Таваққуф қилмасдан жадал Шом сариғ
Келарди ҳисобсиз унинг лашкари.
Арабий тулпорда мавжи қоратан,
Бир ёни сариғу бир ён оқ бадан.
Найзаю қиличу гурзию гарон,
Шашдару каманду ҳам тийру камон.
Уларнинг асосий қуроли эди,
Гўёки ғанимнинг заволи эди.
Бу хабар тарқалиб чор-атрофга бот,
Қочиб кетганлар ҳам чиқариб қанот.
Темур калтагини еган ҳар сарбоз,
Кўрсатмоқчи бўлиб ўзини хўроз,
Миср лашкарига келиб қўшилди,
Дарёни ирмоқ-ла зиёда қилди.
Қим бўлса оқилу агар донишманд,
Султон келишидан бўлмади хурсанд,
Аксинча «Сичқоннинг ини минг танга»,
Бош олиб кетишди ўзга ватанга.
Қимга ён босса гар фалакнинг арши,
Ақлли одамлар чиқмагай қарши.
Бугунча Темурнинг байроғи баланд,
Демак шунга рози экан худованд.
Худонинг номи-ла тортибон лашкар,
Дунёни айлади у ағдар-тўнтар.
Меҳри мушрикларни мусулмон қилди,
Қаҳри майдонларни қизил қон қилди.
Бўлди ул дунёга соҳиб, жаҳондор,

Беҳуда ҳеч кимга бермади озор.
 Хусусан ким бўлса азиз-аржуманд,
 Мавҳ этиб қилмади ҳаргиз занжирбанд.
 Улди Сайди Судан етиб ажали,
 Темурдан марҳамат кўрган маҳали.
 Бошимни олар деб, қўрқиб Темурдош,
 Қочди ломаконга қараб олиб бош.
 Икки бор қилса ким агар хиёнат,
 Уни кечирмагай аҳли диёнат.
 Тутганда бошини кесмасанг гап бор:
 «Олгайдир бошингни аямай ағёр».
 Шу боис манглайга не келтирса кун,
 Шукр айла, беҳуда бўлма бағри хун,
 Эртага не бўлар худога аён,
 Қочиб қутулолмас қисматдан инсон.
 Темур бўлди бир оз захира талаб,
 Бажарди шартини аъёни Ҳалаб.
 Мусо Ибн Ҳожи Тоғайни унда,
 Вакил тайинлади жўнаган кунда.
 Рабби-ул-охирнинг ўн тўққизида,
 Темур тўлқинланиб ўз денгизида,
 Шом сари йўл олиб, етди Ҳамога,
 Таърифи етгандек арзу самога.
 Ошиқмай борарди қилмоқ учун жанг,
 Ғанимдан қўрққандай кўргузиб найранг.
 Қилар бир тарихчи шундоғ ҳикоят:
 «Ҳамога қирқ йил сўнг мен бориб ғоят,
 Нурий жомеъсининг меҳроби томон,
 Мармар тош битигин ўқидим аён.
 Баногоҳ кўнглимга тушди равшанлиғ,
 Форсийда мазмуни эди шу янглиғ:
 Ушбу сатрларни ёзишдан мурод,
 Биз келдик золимдан бергали нажот.
 Худо кўп юртларни айлади насиб,
 Барини бирма-бир ўтганмиз босиб.
 Мадад деб хат келгач бордик Ироққа,
 Раият қолганда жабру фироққа.
 Ҳиндистон, Эрону ҳатто Бағдодни,
 Эгаллаб олдик ҳар шаҳри ободни.
 Миср султониға бўлиб ҳамсоя,
 Юбордик совғалар кўп бениҳоя.
 У бўлса элчининг бошини олиб,
 Қайтариб жўнатди халтага солиб.
 Бир тўп хиёнаткор, фосиқ беимон,
 Кўзимга чўн солиб, ўртади ёмон.

Бизнинг одамларни зимдан тутволиб,
 Султон Барқуқ эса зиндонга солиб,
 Ортдан эшикларин тамбалади жипс,
 Беайбу бегуноҳ айлади ҳибс.
 Мисрга кўргузиб бизлар эҳтиром,
 Уларга юбориб совғаю салом,
 Дўстона олмагач улардан алик,
 Ҳам яна устига Ан-Носир Малик.
 Бизга қарши тортди беҳисоб лашкар,
 Ноилж бизлар ҳам бўлдик сафарбар».

Сўнг Темур денгизи шамолдек елди,
 Кўп ўтмай муборак Хомусга келди.
 Дамашқ билан Ҳалаб туташган жойда,
 Бор шундоқ бир шаҳар меҳнатсаройда.
 Отдан тушиб Темур олиб таҳорат,
 Саййидлар мазорин қилди зиёрат.
 Холид ибн Валид буюк сарлашкар,
 Хоки одамларга ҳурмат уйғотар.
 Расулуллоҳ уни Сайфуллоҳ деган,
 «Оллоҳнинг қиличи» — амир, шоҳ деган.
 Эди ул саҳоба Ислом амири,
 Пайғамбар айтгандек Оллоҳ шамшири.
 Худо ундан бўлсин доимо рози,
 Етиб бандасига арзу ниёзи.
 Ҳар доим яхшига бўлсанг ҳамсоя,
 Доимо бошингга тушади соя.
 Ёки қўшнинг бўлса ҳалим, тақводор,
 Жоҳил, беймондан афзалдир минг бор.
 Унинг шарофати доимо етгай,
 На сени жоҳилдек шарманда этгай.
 Хомус аҳли чиқиб Темурга пешвоз,
 Ўзлари ҳам кўрди ҳурмату эъзоз.
 Уларнинг бошлиғи Умар ар-Ръзос,
 Темурбекка қўйди зиёда ихлос.
 Шаҳар ишларида ишбоши бўлди,
 Темурнинг ишонган сирдоши бўлди.
 Юрт қозиси эди ибн ал-Ҳаддод,
 Зиён етмай бўлди фуқаролар шод.
 Уларга бериб кўп совғаю салом,
 Темур юришини эттирди давом.
 Темур чек қўйганди ғорату кекка,
 Жадал етиб келди у Баалбекка.
 Тўхтамай йўл босиб Темур музаффар.
 Қучоғини очди етганда шаҳар.
 Бу мрамар шаҳарда дам олиб бирпас,

Темурнинг ёдига тушди Банорас.
 Лек хаёл суришга фурсат эди оз,
 Бир ёндан солгудай Султон инқироз.
 Тортиб келар эди ғазаб-ла қўшун,
 Ғанимни этгали тегирмондек ун.
 Темур ҳам Қуббати Сайёр томондан,
 Дамашққа от суриб борди бир ёндан.
 Тўқнашиб иккита лашкар шу жойда,
 Етди тулпорларнинг кишнаши ойга.
 Қўшун билан тўлиб тамоми борлиқ,
 Қилди Дамашқ ери уларга торлик.
 Босди бир-бирини қонсираб шерлар,
 Жасадлар қонига бўялди ерлар.
 Миср Султонида яёв, суворий,
 Тулпору туяда сарбоз қатори.
 Темур ҳам шу янглиғ вале сал дадил,
 Бор эди ортиқча унда яна фил.
 Ҳам уруш ҳадисин олган сарбозлар,
 Султонда ғоз бўлса, унда шаҳбозлар.
 Осмонни тўлдириб учар пайконлар,
 Нишонга тегса гар заволи жонлар.
 Камон ўқи бир пас ёғилган замон,
 Заминдан қон оқса бўлмангиз ҳайрон.
 Найзалар урилар келиб қалқонга,
 Мажруҳлар фиғони чиқар осмонга.
 Япроқлар хазони учгандай ҳир-ҳир,
 Ҳавони қиймалаб қиличу шамшир,
 Гоҳо каллаларни ажратар тандан,
 Гоҳ узар чўзилган қўлни бадандан.
 Бирови кўксига тиг санчса агар,
 Бировнинг қўлидан тушади ханжар.
 Бирови уганда гурзийи гарон,
 Бири ҳимояда тутади қалқон.
 Қоришиб иккита даҳшатли қўшун,
 Анордек эзилди, оқди сели хун.
 Ҳар бири урушни солмай пайсалга,
 Рўбарў бўларди қўрқмай ажалга.
 Жанг чоғи кўп бўлса кимда маҳорат,
 Улмай ўша қолар соғу саломат.
 Темур ташаббусни бергандай қўлдан,
 Чекинди ортига у келган йўлдан.
 Султон лашкарлари босиб илгари,
 Пистирмада қолди уларнинг бари.
 Бошлари олиниб бир тўп зиреҳпўш,
 Бўлди қузғунларга емак учун гўшт.

Султоннинг суянган ботири Шозил,
 Ушбу жангда ўлди курашиб дадил.
 Лашкарини сафга тизганда Султон,
 Уруш тугаганди шом бўлиб хуфтон.
 Темурбекда эди кутаринки руҳ,
 Аямай рақибин эзди бошукуҳ.
 Қиссачи айтгандек жангдаги ҳар шер,
 Ўзини майдонда ҳис этарди эр.
 Мехр кўргузганда дилдан кетар дард,
 Юрак ўйноқ этар айласа навард.
 Заминга тираса пойин мисли тоғ,
 Кулса чехралари мисоли чароғ.
 Жамулжам бўлишиб кечаю кундуз,
 Деким самодаги бир тўда юлдуз.
 Чайқалиб юришса мисоли денгиз,
 Ҳарбу зарбда эди ҳар бири тенгсиз.
 Урса чангалини ўлжага бургут,
 Насибаси эди ҳар бирининг бут.
 «Бос» — дея сарлашкар айласа ҳукм,
 Таваққуф қилмасдан этарди ҳужум.
 Овига ташланиб мисоли сиртлон,
 Дамига тортарди аждаҳосимон.
 Наъра тортишганда момақалди роқ,
 Мўлжалга яқиндан тез урар бироқ.
 Бу жангу жадалга кирган ҳар йигит,
 Эди хўжасига содиқ мисли ит.
 Кўринишда этиб ҳурдек макру рев,
 Жангда тўзон айлар бамисоли дев.
 Темур ўрмонзорни боргандай кесиб,
 Охир музаффарлик шамоли эсиб,
 Қочди орқасини ўгириб Султон,
 Ўйнашиб бўридан қочгандай қуён.
 Тайм водийсида топиб омонлик,
 Ҳеч кимдан кўрмади зарра ёмонлик.
 Фақат нобуд бўлди улкан лашкари,
 Не қилсин, шу экан қисмат дафтари.
 Андин сўнг бир неча шайху аёёнлар,
 Икки аросатда қолган боёнлар.
 Жам бўлиб юзланиб Ибн Халдунга,
 Темурга васийлик қил дея унга,
 Инон-ихтиёрин бериб қўлига,
 Бош эгиб чиқишди Темур йўлига.
 Ибн Халдун эди бир машҳур аёён,
 Ҳар ишда билагон, устоди замон.
 Бош эгиб келишдан шу эди мурод,

Йўқ эди ўзга бир паноҳу нажот.
 Темур ҳузурига боришди улар,
 Ҳамон тарк этмасди ваҳм, қайғулар.
 Қилмаган бўлсангда гарчи хиёнат,
 Бу дунё аслида эрур омонат.
 Голиб келган шоҳга ёқмасанг агар,
 Сўрамай каллангни тандан ажратар.
 Барчаси турарди ранглари ўчиб,
 Темур даҳшатидан қалтираб чўчиб.
 Улар ҳолатини англабон шу зум,
 Темурхон лутф ила қилди табассум.
 Ҳамда ўтиришга берди ижозат,
 Бошланди шоҳона базму зиёфат.
 Баъзилар суҳбатга бўлгандай машғул,
 Нукул таомлардан айлар танаввул.
 Темур гоҳ қарарди Ибни Халдунга,
 Халдун эса зимдан боқарди унга.
 Темур нигоҳига Халдун келиб дуч,
 Бошини эгарди тополмасдан куч.
 Охири мавриди келдию бирдан,
 Шукроналар айтиб Халдун тақдирдан,
 Дедики: «Кўп улуғ шоҳларни кўрдим,
 Уларнинг шарҳига мен қалам урдим.
 Барига эдим мен мулозим, котиб,
 Келдим илм-урфонга ҳавас уйғотиб.
 Мени ҳисоблашиб доно мушовир,
 Амал қилишарди фикримга доир.
 Мағрибу Машриққа додруғим кетиб,
 Турар бир нарсага бор ақлим етиб,
 Сен ўшал шоҳларнинг шоҳаншоҳисан,
 Элу раиятнинг пушт-паноҳисан.
 Едим ўзгалардан очликда тоам,
 Қорнимни тўйдириб юрдим батамом.
 Сенинг таомингни едим бофараҳ,
 Не янглиғ шарафдир мен учун ваҳ-ваҳ.
 Улсам ҳам дунёдан йўқдир армоним,
 Лутфингга эришдим шоҳу хоқоним.
 Улуғ бахт бўлмагай ҳар кимга насиб,
 Шукурки шу бахтга етдим мен ғариб».
 Халдун сўзларидан завқланиб Темур,
 Айлади унга ҳам меҳрини зуҳур.
 Сўнгра барчасига кийгизиб сарпо,
 Базми шоҳонага ўқилди дуо.
 Аъёну боёнлар сўнг эртаси кун,
 Уларнинг пешвоси донишманд Халдун

Султонга тегишли молу дунёни,
Жонлиғу жонсизу зару тиллони,
Фиръавндан ёдгорлик зебу зеварни,
Ганжу ганжинаю дуру гавҳарни,
Темур оёғига келтириб тўкиб,
Шафоат сўрашди бари тиз чўкиб.
Темур аъёнларга кўргузиб ҳурмат,
Юборди ҳар тараф омонлик деб хат.
Сарбозлар қилишмай ғорату талон,
Ҳеч ким раиятга бермади зиён.

ТЕМУРНИНГ МУҲАММАД ПАЙҒАМБАР ЖУФТИ ҲАЛОЛИ УММИ ҲАБИБА МАҚБАРАСИНИ ҚУРДИРГАНИ

Боб ус-Сағирдаги гўристон аро,
Бир қабр бор эди ночор ғамсаро.
Ташландиқ ҳолида ётар эди хор,
Умми Ҳабибадан эди у мозор.
Муҳаммад пайғамбар жуфти ҳалоли,
Ёр бўлсин эгамнинг унга висоли.
Мозори бошида Темур тик туриб,
Битгунча иккита қубба қурдириб,
Азизлар хокини зиёрат этди,
Хайрли ишлари битганда кетди.
Ҳарипўшлар бундай лутфу саҳодан,
Бир қабо тикдилар ипак-тиллодан.
Йўқ эди бирорта чокию дарзи,
Ул эди инсоннинг инсонга қарзи.
Темурнинг ишидай дилоро гўзал,
Бўлмаган оламда ҳеч иш мукаммал.

ОЛОВУДДИНИНГ СОВҒА-САЛОМИ ВА ЭҲТИРОМИДАН ТЕМУРНИНГ ЭРИБ КЕТГАНИ ВА АСИРЛИҚДАН АЛ-УСМОНИЙ ИЛА АТ-ТАҲҲОННИ ОЗОД ЭТГАНИ

Бор эди Сафедда битта савдогар,
У туфайли гуллаб яшнарди шаҳар.
Султондан кўриб ул эзгу эҳтиром,
Ҳожиб деб олганди хуш эзгу мақом.
Шаҳарнинг нойиби Алтунбуғ Усмон
Ҳалабда асирга тушганда: буён.

Сафедда йўқ эди ҳукми қуёшлиқ,
 Оловуддин эди ягона бошлиқ.
 Молу мулки эди ҳаддан зиёда,
 Армони йўқ эди ушбу дунёда.
 Темур Шомга келиб қоққач ноғора,
 Кўпларни бу уруш этди овора.
 Хазинасин ташлаб бировлар қочди,
 Биров таслим бўлди, биров фол очди.
 Бировлар ўзича қуриб истехком,
 Қарши курашмоқни этишди давом.
 Оловуддин эса ўйлади узоқ,
 Тафаккури қўйди дилига тузоқ:
 «Темурга қарши жанг эрур бефойда,
 Қўшунинг етарли бўлмаган жойда.
 Шаҳар дарвозасин ичдан беркитиб,
 Утирсанг ғанимни бепарво кутиб.
 Бостириб келгандан кейин бегумон,
 Уларни қайтариш бўлмайди осон.
 Душман ҳужум қилмай қўпмасдан ғавғо,
 Юборсанг эъозлаб турли хил савғо.
 Кўнглига йўл топиб бундай мулоқот,
 Дўстлик работини тиклагайдир бот.
 Эзгулик йўлида шоҳми гадоға
 Берилса чин дилдан агар садоға,
 Савоби берганни айлар зиёда,
 Эътибор топар у боқий дунёда.
 Сендаги хазина сийму зар танга,
 Энг яхши қалқондир шаҳру ватанга.
 Урушдан силласи қуриган Темур,
 Совға-салом берар юрагига нур».
 Шундоғ деб, бўлиб ўз дардига табиб,
 Темурга кўриниб мушфиқу ҳабиб.
 Кўнглини ўзига этгали мойил,
 Юборди тухфалар унга хилма-хил.
 Темур совғаларин айлабон қабул,
 Ҳожиб мартабасин зиёд қилди ул.
 Оловуддин яна қилиб илтифот,
 Совғалар юборди ўн карра зиёд.
 Темур ҳам қайтариб инъому эҳсон,
 Қўшимча айлади шундай бир фармон:
 «Ҳожиб Оловуддин мулкига минбаъд,
 Тажовуз айлашга кимки топса ҳад,
 Сипоҳий сарбозми ё бегу амир,
 Шафқат қилинмасин уларга ҳеч бир.
 Ясоққа ўтказинг шарманда бўлсин,

Ҳожиб-Оловуддин арзанда бўлсин»:
Кимки бирор нарса айласа тортиқ,
Худодан қайтажак ўн бора ортиқ.
Бир кун керак бўлди озуқаи хос,
Улуғ Амир учун озроқ оқ пиёз.
На Сафед, ҳаттоки Бағдоду Шомда,
Оқ пиёз йўқ эди ўша Ҳангомда.
Оловуддин эса сирни бермай бой,
Топтириб оқ пиёз ўша он уч той,
Темурга жўнатди ўтмасдан ҳаял,
Этиб масалани ўз вақтида ҳал.
Шундоғ йўл тутсайди агар аҳли Шом,
Темур тортмас эди тиғи интиқом.
Доим Оловуддин иззатда бўлди,
Темурбек бахш этган рифъатда бўлди.
Вақт етиб Дамашқдан Темур кетар чоқ,
Келди Оловуддин дилида титроқ.
Ҳам совға-саломни бор эди бисёр,
Ҳам этди арзини Темурга изҳор:
«Эй шоҳи жаҳоним этсангиз қабул,
Бир арзу ниёз-ла келгандир бу қул.
Бордир қўлингизда иккита асир,
Турар лутфингизга бўлиб мунтазир.
Ибн Таҳҳон билан нойиб Усманий,
Эрур густохликдан банди зиндоний.
Арзимас рақибдир бу икки маҳкум,
Сиз дунё шоҳисиз, буларчи мазлум.
Қамтарин қўлингиз қилур илтимос,
Иккисини этинг кишандан ҳалос».
Темур Оловуддин ихлосин кўриб,
Ҳам ўз хўжасига ниёзин кўриб,
Дилида айтса ҳам минглаб офарин,
Тилга чиқармади зарра сўз зарин.
Кимки бу оламда қилса яхшилик,
Унга ҳам бўлишар доим хушқилиқ.
Емонлик қилмаган бўлсанг сен агар,
Қўрқмагил ҳеч кимса етказмас зарар.
Кимки эҳсон қилса, келгай мукофот,
Худо етказмагай унга ҳеч офот.
Ким бўлса холиқу халқига мушфиқ,
Юрагига ноҳақ санчилмагай тиғ.
У бўлар арзанда эл аро машҳур,
Йўлини ёритгай илоҳий шуур.
Темур бандиларни чорлаб ёнига,
Оро кирганий-чун Ҳожиб жонига,

Банддан ҳар иккисин айлади озод,
Сийлаб тутқунларнинг дилин этди шод.
Бериб Усморийга икки учқур от,
Таҳҳонга бир тулпор учар, қушқанот,
Кузатиб қўйишди бежавфу хатар,
Керакли жойгача бир гуруҳ навкар.
Усморий Сафедга от бошин бурди,
Таҳҳон Ғаззасига қараб от сурди.
Темурдек музаффар айла худойим,
Ҳамда адолатли бағри кенг доим.

МИСР СУЛТОНИ ШАРМАНДАЛАРЧА ҚОЧГАНИ ВА БЕМАЪНИ МАКТУБИ БИЛАН ТЕМУР ДИЛИДА НАФРАТ ЭШИГИНИ ОЧГАНИ

Ан-Носир талашиб ҳарб чоғи майдон,
Темур зарбасига учраган замон,
Қочди шер наздида тулкилик қилиб,
Ўзини шарманда кулгилик қилиб.
Қуёнюрак билан ул оғзи ботир,
Дилида бўлса ҳам ўкинч, хавотир,
Бир мактуб йўллади фитна оташи,
Ўқиган кимсанинг келгайдир ғаши.
Маъно ва мазмуни эди шу янглиғ,
Ҳар сўзи ботарди дилга мисли тиг:
«Бизларни қочди деб ўйлама зинҳор,
Сенга биз бермадик унча эътибор.
Шу боис бемалол қилаётиб жанг,
Писанд айламабмиз сени Темурланг.
Ҳамда қулларимиз курашса агар,
Билмаслар сен янглиғ бўлишин сарвар.
Сўнг ўсиб ҳар жангда пояма-поя,
Бир кун давлат қуши солибон соя,
Ё амир, ё вазир, ё бўлишар шоҳ,
Хужаста айласа сен каби оллоҳ.
Яна чекинишга иккинчи сабаб,
Ҳар кимда бўлади икки-уч матлаб.
Инсонга қай бири кўринса хўпроқ,
Ушанинг изидан тушади кўпроқ.
Бизда ҳам бор эди икки муаммо,
Сенмас, ўзга эди хавфлиси аммо.
Шу боис зарурат изини тутиб,
Кетганмиз, агарда ўтирсанг кутиб.
Келамиз устингга шер каби босиб,

Узингни санасанг шунга муносиб.
 Йўқ эса ўлжаю ўлпонингни ол,
 Фурсат ғаниматдир жуфтэк ростлаб қол.
 Тасодифни йўйма ғолибликка ҳеч,
 Тезроқ қоч, бўлмаса кейин бўлар кеч!
 Устингга бостириб борсам бегумон,
 Лашкаринг бўлади ер билан яксон.
 Ҳийла найрангинг ҳам иш бермас у чоқ,
 Қочолмай тиз чўкиб йиғлайсан чўлоқ.
 Қатл этмай, аслингга қайтарсам маъқул,
 Қул эдинг, бўласан эшигимда қул».
 Бўлсайди Султонда агар ақлу ҳуш,
 Мактуб юбормасди бу қадар нохуш.
 Темур ғазабига бўлмасдан дучор,
 Латиф сўзлар билан фикрини изҳор —
 Айлабон Темурга юборса мактуб,
 Бўларди юз бора маломатдан хуб.
 Темурнинг ғазоби ҳаддидан ошиб,
 Борди жанг денгизи Дамашққа тошиб.
 Басра ҳам бўлганда пойида хароб,
 Кечирим сўрашди чекиб изтироб.
 Юбориб совғаю салом, хизматкор,
 Туяқуш, Жирафа ҳар несики бор.
 Ва лекин қолипдан кучган эди ғиш.
 Аҳмоқнинг аҳволи доим бўлар зиш.
 Гўёки шўх танноз кераксиз жойда
 Висол бахш этдию кўрмади фойда.

ҲИКОЯТ

Муаррих айтурки: «Чопари Султон,
 Экан Байсақ деган саҳройи нодон.
 У шундоқ айлағай қизиқ ҳикоят:
 «Темурнинг олдиға кирдим ниҳоят.
 Мактубни топширдим, ўқиб чиқди ул,
 Улдим деб айладим қўрқиб тахайюл.
 Сўнг деди — Темурхон: «Сўзла тўғри, ҳақ,
 Исминг нима сени?» — Мен дедим: «Байсақ».
 «Бу сўзнинг маъноси не?» — сўрди Темур.
 «Билмайман» — дедим мен эгилиб бир қур.
 — Номинг маъносини билмасанг агар,
 Қандай бўлиб келдинг мен томон чопар.
 Элчига ўлим йўқ бермаслар озор,
 Бу қонун ҳар жойда доим устувор.

Ҳукмронлар аро авлоси менман,
Жамъи султонларнинг мавлоси менман.
 Элчи бўлмасайдинг берардим фармон,
 Шилиб тиқардилар терингга сомон.
 Аслида сенинг ҳам йўқдир гуноҳинг,
 Аҳмоқнинг каттаси нодон подшоҳинг.
Қочиб дуқ ургунча йўқса муттаҳам,
 Бош эгиб сурарди амният, қарам.
Моли эгасига ўхшамаса гар,
 Нақл бор арқонга бўғилиб ўлар.
 Келмасин қай юртдан чопару сафир,
 Юрту подшоҳининг рамзидир ахир.
 Агар подшоҳ бўлса доною одил,
Унинг элчиси ҳам бўлади оқил.
 Мавлоси айласа қандоқ тафаккур,
 Хат билан саломин етказар манзур».

Темур деди менга сўнг: Қалъангга бор,
 Борсам шаҳар эди буткул тору мор.
 Иморатлар вайрон, хўрланган ҳарам,
 Раият азобда ғам устига ғам.
 Очилмай ғунчалар бўлганди хазон,
 Қизил гуллар эди сўлиб заъфарон.
 Мурдалар бадбўйи таралиб андоқ,
 Нафас олганингда бўғилар томоқ.
 Афсус, надомат-ла изимга қайтдим,
 Барча кўрганимни Темурга айтдим.
 Темур менга қилди шу янглиғ хитоб:
 «Келтирган хатингга бермасман жавоб.
 Султонинг мен учун арзимас одам,
 Муносиб эмасдир лутфга ҳеч ҳам.
 Менинг қоплонларим, лекин бориб айт,
 Изидан етади истаса ҳар пайт.
 Мен-ла ўйнамасин у мушук-сичқон,
 Тутиб «ясайманки» бўлар пушаймон.
 Бўлса гар юраги чиқсин майдонга,
 Бўлмаса қочсин бир йироқ томонга».

Темурхон сўнг менга айлади рухсат,
 Мисрнинг йўлига тушдим шу фурсат.
 Тирик қайтганимга айтдим минг шукур,
 Қим нима демасин мард экан Темур!»

ТЕМУР МИСРУ ШОМДАН ҚАЙТИБ БАҒДОДНИ ОЛГАНИ ВА ҚОРАБОҚҚА ЙЎЛ СОЛГАНИ

Темур юзланганда Бағдодга томон,
Изидан келарди ҳисобсиз қарвон.
Наҳбу форат ила солмай ғавғолар,
Бу эди шоҳона инъом, савғолар.
Қўп эди турли хил газлама, мато,
Гавҳару ёқуту кумушу тилло.
Саҳрода туялар бамисоли тоғ,
Акс-садо берарди зангу қўнғироқ.
Ҳисобсиз мол-дунё, канизу навкар,
Устаю меъмору ганжкору заргар.
Борарди фараҳли Самарқанд сари,
Жам бўлиб гўёки дев ила пари.
Темур от жиловин Бағдодга бурди,
Қарвон Туронзамин томон йўл юрди.
Бир қисм лашкар-ла қоқишиб довул,
Оллоҳдод қарвонга бўлди қоровул.
Темур лашкарлари чалиб бурғу най,
Адолат жангига турар эди шай.
Сабабки, Шайх Увайс фарзанди Аҳмад,
Темурга қарши куч тўплабон беҳад.
Қора Юсуф билан урушга тайёр,
Эди ҳар иккиси бераҳм, айёр.
Халойиқ бошига солиб кўп кулфат,
Бағдодни булғади бу икки улфат.
Зоҳиран шаҳдбозу зимдан ўғлонбоз,
Од қавми ишида иккиси устоз.
Қўйиб жуҳудлардек ўзига бино,
«Унзурно» ўрнида дерди «Роино».
Бағдод аҳли чекиб дастларидан дод,
Халоскор Темурдан сўрашди имдод.
Эл жонига тегиб икки ҳезалак,
Темур боғлаттирди уларга челак.
Қўш туман лашкарин туздириб ясол,
Ғанимлар устига юборди дарҳол.
Амирзода Рустам эди қўмондон,
Жалол-ал-Ислому Шайх Нуриддинхон,
Эди ўнгу сўлда мададкор қанот,
Ғанимнинг устига солганда ғазот.
Фаррухни қолдириб ўрнига нойиб,
Бўлди иккиси ҳам кўзлардан ғойиб.
Бир бор Соҳибқирон ҳарбини кўрган,
Агарчи шер бўлсин ёвуз қутурган.

Журъат қилолмасди иккинчи жангга,
 Сичқоннинг уяси бўлиб минг танга.
 Ботиб Султон Аҳмад қуёши Фарбга,
 Темур лашкарлари киришди ҳарбга.
 Фаррух ихтиёрий бўлмасдан таслим,
 Ташлади рақибни йўлларига чим.
 Бағдодни еб ётган ҳисобсиз лашкар,
 Биринчи зарбада бўлди музаффар.
 Учта амир билан қўш туман қўшун
 Орқага чекинди бўлмасдан нигун.
 Ошиб Темурхоннинг қаҳру ғазоби,
 «Қайтма, бос ўлсанг ҳам» — деди асабий.
 Темурнинг амридан ҳар ботир навкар
 Рухланиб ташланди мисли ғазанфар.
 «Агар қумалоқдан қўнғиз бўлса шод,
 Бағдод лимусини асло қилмас ёд».
 Ғанимга ташланиб ҳар бир шери жанг,
 Уруш денгизида мисоли наҳанг,
 Камон тортганлари мўлжаллаб солди,
 Қилич чопганлари ёв бошин олди.
 Чиқарди фалакка оҳу ҳайқириг,
 Шаҳидлар кўксига қадалганда тиғ,
 Қадаҳлаб тукилиб замин узра хун,
 Охири бўлди ул мисоли Жайхун.
 Фаррухнинг найзаси охири синди,
 Ғаним қочди, уруш денгизи тинди.
 Зафар қозонганда ҳар доим лашкар,
 Ўлжанинг кетидан қувса, ярашар.
 Ва лекин Темурхон бермади фармон,
 Қўшунга Бағдодни этгали талон.
 Шоҳона ғазнадан улушин олди,
 Раият босқиндан омонда қолди.
 Тинчлик шаҳри эди ҳар доим Бағдод,
 Тинчлик шаҳри бўлиб қолар умрбод:
 Араб Халфалари бундан даъватга
 Одам юборишган ҳар бир давлатга.
 Жумладан муқаддас замини Турон
 Ўтироз қилмасдан бўлган мусулмон.
 Етмагач Ислон деб арабнинг тиғи,
 Юртимга мен нечун қилайин йиғи.
 Ҳукмфармо бўлиб ҳар Шайхул-Ислон,
 Бағдодда яшаган топиб эҳтиром.
 Утган азизларнинг ҳақу ҳурмати,
 Етмади уларга Темур заҳмати.
 Улуғлар хокини айлаб зиёрат,

Темурбек қилмагач талону ғорат,
 Бағдод аҳолиси бўлди пушаймон,
 Темур ҳақидаким эди бадгумон.
 Темур кимлигини кўрганлар билди,
 Кўрмаганлар эзгу дуолар қилди.
 Жамлаб лашкаринн Темур хушфароғ,
 Ортга қайтиб юрди сўйи Қорабоғ.
 Қорабоғда этиб қишлашга азм,
 Чор-атрофга шундан ташлади разм. .
 Румнинг ерларига у назар солиб,
 Бургутдай қояда хаёлга толиб,
 Тузмасдан аввал у бир қатъий режа,
 Тафаккур айлади уни бир неча.
 Зериккан чоғида ўйнарди шатранж,
 Ютарди, ютқазса тутқазарди ганж.
 Ҳар куни сўйдириб битта ёш бузоқ,
 Катта дошқозонда қайнатиб узоқ,
 Гўшти ҳалим бўлиб пишганда ҳил-ҳил,
 Шоҳона даврада йиғилиб аҳил,
 Сўнг бузоқ гўштидан айлаб тановул,
 Шайхлар суҳбатини хуш кўрарди ул.
 Қўйиб тоғорада ҳар бирига эт,
 Ултириб донолар билан бетма-бет,
 Гоҳ ўтган-кетгандан ёздириб тарих,
 Гоҳ таҳрир айларди мисли муаррих.
 Бўлса гар ортиқча мақтов, сифоти,
 Қайта ёздирарди ўша заҳоти:
 «Қилган ишим етса ҳар аҳли имон,
 Унутмас иншоолло мени бегумон.
 Мен ёлғон мақтовга муҳтож эмасман,
 Ҳеч кимга бу ҳақда ёз ҳам демасман.
 Ҳамду саноларга муносиб оллоҳ,
 Унинг измидадир ҳар амиру шоҳ.
 Дину ислом учун ёндим, савашдим,
 Баъзан хато қилдим, баъзан адашдим.
 Шайхлар дуосини олганим ҳамон,
 Оллоҳнинг йўлига тиккандирман жон.
 Қимни парвардигор қулим деса гар,
 Уша бу оламда бўлар музаффар.
 Дилимда имону тилимда «Қуръон»,
 Гуноҳи азимдир сохта шуҳрат-шон.
 Мадҳу сано эмас, битинг ҳақиқат,
 Ушанда ғаниму аҳли ҳамоқат.
 Ғараздан номимни қилолмас қора,
 Қидирсин минг далил бурҳону чора».

ТЕМУРНИНГ БОЯЗИДДАН ҚОРА ЮСУФ ВА СУЛТОН АҲМАДНИ ҲАҚУРИГА ЮБОРИШИНИ СЌРАГАНИ

Жаҳонга дов солиб турса-да Темур,
Бир инсон эдики адолатли, ҳур.
Қора Юсуф билан Султони Аҳмад
Етказиб Темурга аламу заҳмат,
Жангоҳдан қочишиб, қоришиб қумга,
Етишиб хушҳаво дилором Румга,
Боязид Султондан сўрашиб паноҳ,
Бўлиб ўзларича ҳаммаслак, ҳамроҳ,
Унинг ишончини қозонишган он,
Яшашди осуда, беҳавф, беэён.
Темур Боязидни айлаб эҳтиром,
У ҳақда айтарди доим хушқалом.
Қора Юсуф бўлиб Темурга тобе,
Сўнг ундан юз буриб хонахаробе,
Қўққис карвонига айлабон ҳужум,
Қўлидан келгунча ўтказиб зуғум.
Тасодиф ўшанда шабохун чоғи,
Мироншоҳ қизининг ёш қизалоғи,
Унинг чанғалига тушади асир,
Ҳозирча кўпларга ноаён бу сир.
Шу боис Темурбек айлабон таъқиб,
Доим билган уни ўзига рақиб.
Қора Юсуф тутқич бермасдан сира,
Қочиб юрган айлаб кўнглини хира.
Темур вафотидан кейин у баттол,
Темур эварасин айлаган аёл.
Ҳамда Мироншоҳнинг бошига етган,
Ўзи ҳам оламдан сўнг бошсиз кетган.
Битикларда мудраб ётгайдир тарих,
Менга ҳақиқатни айтди муаррих.
Гарчи битган эди ёзган асарим,
Қўшдим бўлмасин деб то кўнгли ярим.
Янги тўнни йиртиб солгандай ямоқ,
Ва лекин бу ҳолдан кўнглим бўлди чоғ.
Ҳал қилса бўлгучи эди муаммо,
Улар мурасага келолмай аммо,
Хато содир бўлди Ибн Усмондан,
Юзини ўғирди Соҳибқирондан.
Темурда йўқ эди ғаразли ният,
Боязид чиқарди ўзи зиддият.
Жаҳонгир Султонни билиб беқийс.

Элчилар юборди айлаб илтимос.
 Султон Аҳмад билан Қора Юсуфни,
 Румда юрган икки бетакаллуфни
 Топширса тутдириб Соҳибқиронга,
 Айланса ҳаммаслак дўст-қадрдонга.
 Ва лекин айламай Боязид писанд,
 Деб: «Оқсоқ Темурдан етар не газанд.
 Мен унинг шартини бажармасам гар,
 Етказа олмагай ҳеч қандай зарар.
 Мендан паноҳ истаб келмиш икки зот,
 У эса бошларин сўрар беуёт».
 Ҳам жавоб бермасдан элчига дангал,
 Саройда этганмиш уни кўп маҳтал.
 Гўёки қилганмиш элчини унут,
 Деганмиш «Аҳмоқнинг жавоби сукут».
 Қулоқдан-қулоққа етиб бу калом,
 Миш-мишга тўлибди аввал Руму Шом.
 Етиб жаҳонгирнинг сўнг қулоғига,
 Бир доғ қўшилибдир кўнгил доғига.
 Мақтуб юбориб боз ўша мазмунда,
 Ва лекин сал таҳдид айлабон унда,
 Кутибди умид-ла дўстона жавоб,
 Иккинчи бор қилиб Султонга хитоб.

ТЕМУРНИНГ РУМ СУЛТОНИ БОЯЗИДГА ИККИНЧИ БОР МАКТУБ ЮБОРИШИ ВА ИТОАТИГА КИРМАГАЧ, КАТТА ҚУШИН БИЛАН УСТИГА БОСТИРИБ БОРИШИ

Темур ўтмасидан олдин ҳужумга,
 Боз мактуб юборди Султони Румга.
 Рўю рост айтдики: «Султон Боязид,
 Сен дунё кўргансан ҳамда нозик дид.
 Жаҳонни титратиб Фиръавну Ҳомон,
 Бўлди оқибатда ер билан яксон.
 Шу боис зўрман деб асло керилма,
 Шону шуҳратларга кўп ҳам берилма.
 Эшитдинг чап бериб Султони Аҳмад,
 Қочди етмасин деб Темурдан заҳмат.
 Қора Юсуф бўлиб унга ҳаммаслак,
 Иккови бир хилда кўрсатишди таг.
 Қаерга бормасин икки касофат,
 Доим шум қадами келтирар офат.
 Борса икки бойқуш бамисоли бум,

Қаноти остига олса шоҳи Рум.
 Уларга бермагил паноҳ, омонлик,
 Ёмоннинг жазоси, айла ёмонлик!
 Ё ўлдир ва ёки айлагил қувғун,
 Улимга маҳқумдир ул икки қузғун.
 Бермасанг сўзимга агар эътибор,
 Ўзингни саңасанг дўст эмас ағёр,
 Бир гал менга қарши қилгандинг юруш,
 Мен ҳам сенга қарши бошлайман уруш.
 Донолар тадбирла келишган жойда,
 Баҳсу низолардан ахир не фойда?
 Башарти жанг бўлса тўкилади қон,
 Кейин бу ишингдан бўлиб пушаймон,
 Этсанг ҳам йиқилиб тавба-тазарру,
 Гуноҳинг кечмайман айтар сўзим шу».

Мактуб ёзилганди ошкора шундоқ,
 Боязид эди бир ўжар шошқалоқ.
 Гарчи шижоатли, одил шоҳ эди,
 Измида кўп юрту тахту жоҳ эди.
 Йўқ эди заррача тоқату сабри,
 Доим қазиларди ғаними қабри.
 Ботир жасоратли ҳамда серғайрат,
 Нутқидан сомёни қопларди ҳайрат.

Этиб мартабаю шуҳрату шонга,
 Номи танилганди жумла жаҳонга.
 Қарамон ерларин айлади ишғол,
 Подшоҳин қатл этиб етказди завол,
 Ҳам икки ўғлини олди асирга,
 Зиндоний айлади солиб қасирга.
 Монташо, Сарохун ерларин босди,
 Кейин Кермиянга чангалин ёзди.
 У ернинг ҳокими Яқуб Алишоҳ
 Темур эшигидан излади паноҳ.
 Балқон тоғларини айлабон талқон,
 Қилиб насронийлар юртини вайрон,
 Арзинжон шаҳрига сўнг солиб қутқу,
 Ҳамда ўз мулкига қўшиб олди у.
 Темур мактубидан бўлгач у воқиф,
 Бирдан жаҳли чиқиб кетди тутоқиб.
 Ўзини қўйишга топа олмай жой,
 Торлик қилар эди унга кенг сарой.
 Гоҳ баланд овозда, шивирлаб гоҳи,
 Наша чеккан каби Румнинг суллоҳи
 Дер эди: «Бу қандай уйдирма, иғво,
 Мени кўрқитмоқчи бўлдимми у ё?

Ё Ажам шоҳига айлаб баробар,
 Менга кўрсатмоқчи бўлдим ҳунар?
 Ё мени санади Дашт тотори ул,
 Ўзини ҳисоблаб хўп юқори ул.
 Ёки пароканда Ҳинд лашкари деб,
 Ўзига берибди сал ортиқча зеб.
 Дедими ё мени тўдайи Ироқ,
 Бир зарбдан ҳар томон қочгай тумтароқ.
 Ўйлаган ё мени журъатсиз авом,
 Мисоли урдугоҳ сарлашкари Шом.
 Ё менад ўзини кўрдими устун,
 Қўрқитар, устингга тортгум деб қўшун.
 Билмаски, биларман сир-асрорини,
 Ажамнинг ўн етти шаҳриёрини,
 Макру ҳийла билан айлаган қатл,
 Қилмиши зулмдир, наинки адл.
 Шайхларни ҳарб чоғи орага солиб,
 Макри-ла душмандан у келган ғолиб,
 Тўхтамишхон эса омадсиз султон,
 Лашкари хиёнат айлаган замон.
 Чекинди ноилож қолганда-суннат,
 Бу эмас маломат ёки руунат.
 Менинг лашкарларим бари жангидир,
 Остида тулпори айғир ҳангидир.
 Курашса Темурланг мулку жоҳ учун,
 Мен фақат курашгум ҳақ — оллоҳ учун.
 Шу боис измимда бўлган ҳар навкар,
 Курашгай жанг чоғи мисли шери нар.
 Мен ғорат қилмайман, юришим ғазот,
 Доим муслимларга бераман нажот.
 Қонундир мен учун ҳукми шариат,
 Мен учун йўқ ўзга роҳи тариқат.
 Ҳам тангри йўлида қиламан жиҳод,
 Мен билан урушган бўлади барбод.
 Шу боис биламан келасан шошиб,
 Бало-қазо каби тоғлардан ошиб.
 Келмасанг, хотининг бўлсин уч талоқ,
 Обрў-иззатини билмаган чўлоқ.
 Агар сен бостириб келганинг маҳал,
 Қочсам гар мардона қилмай жанг-жадал,
 Менинг хотинларим уч талоқ бўлсин,
 Майли улар билан кайфинг чоқ бўлсин».
 Мактуби жавоби эди шу зайл,
 Темур ўқиб чиқди кўргузиб майл,
 — Деди: «Ибн Усмон мажнуъ ва аҳмоқ»,

Кимса хотин сўзин тилга олган чоқ.
 Уят ҳисобланиб, бўлиб асабий,
 Темурнинг келарди қаҳру ғазаби.
 Хотин-қиз исмини этмай талаффуз,
 Бор эди орият, эҳтиром, нуфуз.
 Бирови хотини қиз турса агар,
 «Зийнат соҳиби» ё «мастура» атар,
 Қиз, аёл, онага кўргузиб ҳурмат,
 Ҳеч ким суюлишга қилмасди журъат.
 Ё улар ҳақида бирор номанзур
 Сўз айтишга изн бермасди Темур.
 Боязид сўзидан гупуриб қони,
 Ғазаб оташидан ҳалқумда жони,
 Темурбек ғарқ бўлиб қаҳру туғёнга,
 Қарши юриш қилди Ибн Усмонга.
 Қудратли лашкарин тизганда сафга,
 Сизмай кўплигидан олти тарафга.
 Юборди Муҳаммад Султонга мактуб,
 Бу жангда ёнимда тургил деб марғуб.
 Ҳам Амир Сайфиддин хати ҳукмда,
 Бирга лозим эди келиши Румга.
 Сўнг Темур чалдириб ноғораю най,
 Интилди илгари садағанг кетай,
 Шамолу денгиздай лашкари елиб,
 Камоҳ қалъасига тўхтади келиб.
 Қараса бир гўзал мустаҳкам қўрғон,
 Унга кириш йўли эмасди осон.
 Художўй кишининг имони янглиғ,
 Мустаҳкам эрди у тортган билан тиг,
 Уни забт этишга йўқ эди илож,
 Бировга тўланмас эди ўлпон, бож.
 Хаёл ўқи уни кесиб ўтолмас,
 Тафаккур киришга йўл топа олмас.
 Эди асосчиси қудрат мемори,
 Табиат кўтарган чўнг пойдевори,
 Турарди асрлар мағрур, устувор,
 Чор-атрофи бўлиб метин тошдевор.
 На эди, самони ўпгувчи баланд,
 На эди пастқамки етса гар газанд.
 Бўлиб мўътадил бир мустаҳкам қалъа,
 Минори қуббали мисоли салла.
 Тўсиб бир ёнини Фрот дарёси,
 Бир ён тоғ, водию ўлат саҳроси.
 Водийдан боришга имкон топилмас,
 Биров унга борар йўлларни билмас.

Темур ҳеч кимсага этмасдан зуғум,
 Ҳийла бирла қилди қалъага ҳужум.
 Тўсин, ходаларни водийга ташлаб,
 Чикмоқчи бўлишди зина тарошлаб.
 Шунингдек буюрди барча лашкари
 Халталаб тош териб келишди бари.
 Ёғочу ходани қалъанинг аҳли
 Ёндира бошлади чиқибон жаҳли.
 Улар ўту борут ташлаган маҳал,
 Тўкди Темур тараф тош ила шағал.
 Водий тошлар билан чун тўлиб тошди
 Қалъа деворидан навкарлар ошди.
 Қалъа аҳли кўриб мағлубиятни,
 Нисбатан қилишиб эзгу ниятни,
 Очиб дарвозани, сўраб омонлик:
 «Қалъага кирингу қилманг ёмонлик».
 Бир мингу тўрт юзу иккинчи йилда,
 Май-июн ойида аён шу хилда
 Темурбек забт этиб гўзал қалъани,
 Унда нишонлади зўр ғалабани.
 Ҳамда Шамсуддинни тайинлаб нойиб,
 Бўлди эртаси кун шаҳардан ғойиб.
 Қалъани олишда Муҳаммад Султон
 Этиб келиб бўлди мушкули осон.
 Атай қараб турди Темур кабира,
 Тадбирлар кўргузиб жасур набира.
 Бобоси мушкилин тезда қилиб ҳал,
 Қалъага лашкарин киритди жадал,
 Камох қалъасини қилмасдан талон,
 Шоҳона хазнадан олишди ўлпон.
 Сўнг Темур котибни чорлаб шиддаткор
 Дилида не бўлса айлади изҳор:
 «Қиличим дамидан жангда оқиб қон,
 Ғанимларни этдим ер билан яксон.
 Ибн Усмои эса хаёли сароб,
 Берди аҳмоқларча хатимга жавоб.
 Мен унга айтмадим бир нохуш калом
 Измимга кирмасдан учи нотамом
 Менинг ғанимимга кўрсатиб карам,
 Қочиб борганида икки муттаҳам,
 Аҳмад Жалойир ва Юсуф Туркмоний,
 Бўлди унинг азиз дўсту меҳмони.
 Иккита фосиққа ён босиб Султон,
 Қилди кимлигини мен учун аён.
 Боязид амиру иккиси вазир.

Унинг фармонига доим мунтазир.
 Бузуқ вазирларга ён босган подшоҳ,
 Шубҳасиз бўлади тубан ва гумроҳ.
 Касалга соғ одам турганда яқин,
 Фойда бермас, лекин оғриши мумкин.
 Боязид ён босиб икки маразма,
 Пиўйиб эҳтиромни кеку ғаразга,
 Ҳақорат номасин юбориб яна,
 Устимдан қилгандай гуё тантана,
 Олтин ҳарфлар билан ўз исмини ёзиб,
 Бизни таҳқир этиб кўп номуносиб.
 Унутиб номусин, билмай заволин,
 Оғзига олибдир жуфти ҳалолин.
 «Келмасанг бостириб, хотининг талоқ,
 Ё қочсам, меники бўлсин деб аҳмоқ».
 Темур бу сўзларни ёздириб шу зум,
 Кейин Рум юртига айлади ҳужум.

БОЯЗИД ТЕМУРГА ҚАРШИ ЯСОЛ ТУЗГАНИ ВА УНИ ЕНГИШ УЧУН ЖИДДУ ЖАҲД КЎРГУЗГАНИ

Темурнинг нияти бўлдию аён,
 Жанг билан этмоқчи эди у яксон.
 Фурсатни илгидан кетказмай зарра,
 Тортди Боязид ҳам жанговар наъра.
 Чиқмаса Темурга вақтида пешвоз,
 Биларди кечикса етар инқироз.
 Бу пайт Истанбулда Боязид Усмон,
 Муҳолиф кучларни этарди яксон.
 Мурод гулшанига қолганди яқин,
 Темурнинг ташвиши мисоли чақин.
 Боязид ишининг белига тепди,
 Емаган ошига маргимуш сепди.
 Бўлса ҳам ҳукмида ҳисобсиз қўшун,
 Атрофни кўмакка чорлади бутун.
 Агарчи кўп эди қирғий, бургут,
 Доим чангалида егувчи қути.
 Фил каби пиёда, шердек суворий,
 Қоплондек чаққону само шунқори.
 Улар ёғдирганда тийри камон, тиг,
 Жанггоҳда қўпарди даҳшат, қийқириғ.
 Боязид чорлади жангчи шерларин,
 Кермия, Қарамон ботир эрларин.
 Монташо, Сархундан келди отлиқлар,

Эрди қўлларида жанговар тиглар,
 Адирна ва Бурса юбориб навкар,
 Тилади Боязид Султонга зафар.
 Мушкул Темур билан айламоқлик ҳарб,
 Унга бериш учун бир қақшатқич зарб.
 Қўшун керак эди улкан, бешумор,
 Келди ёрдамига мўғулу тотор.
 Тўлди Рум юртига мўру малахдай,
 Турфа хил қўшунлар урушишга шай.
 Боязидга бўлиб нойиблар ҳомий,
 Мадад берар эди унга тамоми.
 Бор эди бирида ўн мингта туя,
 Падаркуш бераҳм мисли Шеруя.
 Ҳам шунча у зотнинг бўлиб тулпори,
 Ҳам шунча бияю молин шумори.
 Қўю эчкисига тўлиб дашт-саҳро,
 Сўйиб еган билан бўлмасди адо.
 Ҳисобсиз егулик, гуручу буғдой,
 Сархил мевалару ширавору мой,
 Келарди қўшунни этиб таъминот,
 Боязид ҳар маҳал ёзганда қанот.
 Бу гал ҳам Бозид чалди жанги най,
 Барчаси йиғилиб келди деб: «Лаббай».
 Боязид хаёли эди кўп йироқ,
 Қиличи қинидаи чиққанда бироқ...

ТЕМУРНИНГ БИР ГЎЗАЛ ИШ ҚИЛГАНИ ВА ТОТОРЛАР ЎЗ ИХТИЕРИ БИЛАН ЖАНГ ЧОҒИ БОЯЗИДДАН КЕЧИБ УНГА ҚЎШИЛГАНИ

Темурбек бир мунча этиб тахайюл,
 Қалава учини охир топди ул.
 Ғанимни ғафлатда қолдирмоқ учун,
 Ташлади арқонни жудаям узун.
 Баъзан таваккалчи битиргунча иш,
 Доно фикр қилар қўйиб тишга-тиш.
 Боязид лашкари мисоли қулзум,
 Чоғланар Темурга этгали ҳужум.
 Темур қўрқмаса-да рақиб зарбидан,
 Ажрата биларди ҳарбни ҳарбидан.
 Мухолиф кучларга тарқаса иғво,
 Ўзаро чиқиб бир жанжалу низо,
 Ичдан емирилиб қудратли лашкар,
 Кетар бир зарб билан тўзғиб мисли пар.

Аланга олдию фикр чақмоғи,
 Ювилгандай бўлди дилдаги доғи.
 Унга содиқ, ёвни этгувчи таъқиб,
 Душманнинг ичида топилди рақиб.
 Номи Фозил эди, соҳибтафаккур,
 Қалом маъносидан терсларди дур.
 Темур шоирона бошлабон мактуб,
 Билиб у амирни ўзига маҳбуб:
 «Эрур мартабангиз менинг мартабам,
 Сиз билан бир эрур худою Каъбам.
 Ҳаттоки бир эрур наслу насабим,
 Қамситса сизни ким келар ғазабим.
 Томиримиз туташ, еримиз туташ,
 Авлоду аждод ҳам бир «худди худаш».
 Бизлар бир дарёнинг икки соҳили,
 Бизлар бир миллатнинг ягона тили:
 Ёки бир дарахтнинг икки шохимиз,
 Шодлик бир, таралгай бирга оҳимиз.
 Бизнинг аждодимиз қадим замонда
 Ўсиб-улғайгандир бир хонадонда.
 Тупроқдан яралиб одами хоки,
 Қамолот тоқига етгунча токи,
 Бизни ажратолмас на шоҳ, на гадо,
 Тилу дил бир қилиб яратган худо.
 Агарда мен бўлсам бир улкан дарахт,
 Менинг шохларимсиз — келтиргувчи бахт.
 Дарахтнинг бўлмаса мева, япроғи,
 Аниқ ўтин бўлиб бир кун ёнмоғи.
 Ўзгалар мен учун бўлишса курак,
 Сизлар менга азиз мисоли юрак.
 Ўзгалар ва ёки дейилса дигар,
 Сизлар менинг учун эурсиз жигар.
 Ўзгалар курашиб бўлса шоҳи хос,
 Сизга шоҳлик ота-бободан мерос.
 Турон ерларида бўлиб ҳукмрон,
 Улар қўп асрлар суришган даврон.
 Тенг кела олмагай бирорта подшоҳ,
 Улуғ аждодларга гувоҳдир оллоҳ!
 Бериб баъзилари тақдирига тан,
 Келиб бу ерларни айлаган ватан.
 Аркони сиёсат бўлишиб улар,
 Жангу жадалларда чалиб бурғулар.
 Сўнгги подшоҳингиз бўлиб Эртана,
 Румликлар устидан қилган тантана.
 Бу юртда энг буюк шоҳи сарафроз,

Сизнинг қулингизга қул бўлган колос.
Худога шукурки эмассиз ожиз,
Душманга ҳеч қачон чўкмагайсиз тиз.
Шерга ўтказибди ҳукмини този,
Қандай хўрланишга бўлдингиз рози?
Сизга сеҳру жоду этишиб талай,
Алдаб ўзларига қилибди малай.
Наслу насабингиз гарчи улуғвор,
Нечун пасткашларча бўлмоқдасиз хор.
Сизлар хору зормас тагли тахтлисиз,
Бировга қул эмас, озод бахтлисиз.
Сизнинг бобонгиздир Али Салжуқий,
Измида бўлгандир Румнинг ҳуқуқи.
Усмоний туркларни қулликдан озод
Айлаган ўша зот, сизларнинг аждод.
Ақлим бовар қилмас, энг номақбули,
Наҳот қулингизнинг бўлдингиз қули?
Орангизда бўлиб жангу кашоқаш,
Қачон қовушибди сув билан оташ?
Сиз учун билсангиз ачийди жоним,
Ҳам мадад бермакка бордир имконим.
Даштдан Рум ерларин кўрсангиз афзал,
Буни ҳам айлангиз ғолибона ҳал.
Қул эмас, бу юртга бўлингиз ҳоким,
Бўлсин отамерос мулкингиз токим.
Қалъаю кўрғону ҳар бир саройда,
Ҳукмингиз ўтказинг истаган жойда,
Боязид орадан қуласа сабил,
Бўлар муродимиз бир хилда ҳосил.
Қачонки бу ўлка меники бўлгай,
Шаъну шавкатимга бу ерлар тўлгай.
Мен ерни бергайман ўз эгасига,
Элтгайман адлни чегарасига.
Уй қурган одамдан бўлади уйи,
Юртда бошланади ғалаба тўйи.
Заминга деҳқону боғларга боғбон,
Сарбозга камону сурувга чўпон.
Сизларга берилар ҳукмфармолик,
Солди бу гапларни дилимга холиқ.
Бир шарт бор, гувоҳдир фалакнинг арши,
Сизлар урушмайсиз бизларга қарши.
Ақсинча бошлангач ур-сур, тўпалон,
Сездирмай ўтасиз фақат биз томон.
Сурат ва сийратда бизга монандсиз,
Азалу оқибат бизга пайвандсиз.

Ҳозирча зоҳиран билдирмасдан сир,
Бўлинг улар билан, шу яхши тадбир».
Темур хитобининг айғир тулпори,
Татар биясининг бўлиб хуштори,
Сеҳрли жазман сўз тўхтамай чопди,
Нигори қалбини қийналмай топди.
Висол талабида етганда хитоб,
Маъшуқи хўп дея қайтарди жавоб.
Кўнглини бир туйғу ёритди нурдек,
Зафар хушбўйини туйди Темурбек.

БОЯЗИД АДАШИБ САҲРОГА ЧИҚИБ КЕТГАНИ ВА ТЕМУР УНДАН ОЛДИН АНҚАРАГА ЕТГАНИ

Темур келишидан чўчиб Боязид,
Чиқди қуролланиб дарҳол унга зид.
Румнинг заминида етилиб ҳосил,
Мева, зироатлар пишганди ҳар хил,
Тўлишиб кўкраги гўзалдай анор,
Ёрилса хуштори чекарди озор.
Бир ёнда етилиб олмаю узум,
Дарахтлар шоҳида гужуму гужум.
Бир ёнда товланиб олтиндек буғдой,
Бир томон қаҳрабо, бир томонда чой.
Файзу баракадан келтириб нишон,
Бандасига эди оллоҳдан эҳсон.
Юртимга Темурдан етмасин зарар,
Деб тортиб Боязид ҳисобсиз лашкар,
Жўнади жаҳд ила Сивосга томон,
Темурни шунда деб айлади гумон.
Улар тоғу тошу саҳролар ошиб,
Боришган чоғида Сивосга шошиб,
У ерда Темурнинг кўринмай гарди,
Боязид қўшунин ортга қайтарди.

ҲИКОЯТ

Адолат соҳиби бўлган бир султон,
Сайру саёҳатга чиқиб дашт томон,
Чиқарган чоғида яйловда ҳордиқ,
Унинг қўшунидан бир-икки отлиқ,
Қўниб яқиндаги битта қишлоққа,
Берухсат киришиб битта чорбоққа,

Экиннини этиб отлари пайҳон,
Узлари солишиб мевага қирон,
Султони наздига қайтишган маҳал,
Издан келибди битта камбағал.
Дебди: «Сарбозларинг, мени, эй Султон,
Кириб чорбоғимни айлашди пайҳон.
Отларин бемалол ўтлашга қўйиб,
Узлари мевадан ейишди тўйиб.
Уларга қарши мен айтолмай бир гап,
Келдим ҳузурингга адолатталаб».
Султон навкарлардан айлади сўроқ,
Кўрқиб учалови йўқ деди мутлоқ.
Чорбоғ эгасига сўнг деди Султон,
«Бирининг қорнини ёрамиз шу он.
Ичидан чиқса гар еган меваси,
Ҳолига йиғлагай унинг беваси.
Бўйнига олиб ё сенга бўлар қул,
Шу ерда ёки у хок бўлар буткул».
Бу сўзни эшитиб учала сарбоз,
Тиз чўкиб дедик: «Шоҳи сарафроз,
Тўкиб қонимизни этмагил қурбон,
Чорбоғни ростдан ҳам биз қилдик пайҳон.
Шавкату шонингга биз доғ туширдик,
Берухсат бировнинг боғига кирдик.
Чорбоғ соҳибига қилиб хизматкор,
Бер бизни не қилса унда ихтиёр».
Чорбоғ эгасидан сўраб кўп узр,
Адолатли султон айлаб тафаккур,
Оти билан бериб учта сарбозни,
Кўргузди инсоний адлу ниёзни.

ТЕМУР БОЯЗИДНИ ЎЗ ЕРИДА КУТГАНИ ВА МОҲИРОНА ЖАНГУ ЖАДАЛДА ЮТГАНИ

Доимо кимники қўлласа оллоқ,
Фақат у бўлажак саодатли шоҳ,
Бургутназар Темур кирганда Румга,
Боязид беланиб саҳрода қумга,
Улар ҳолатида кезиб саргардон,
Қайтиб келар эди ошиб биёбон.
Ҳисобсиз лашқари ҳолидан тойиб,
Асли қисмат ўзи шундай ажойиб.
Темур соя-салқин боғларни кезиб,
Рум ери кўксини отлари эзиб,

Охири Анқара йўлини тутди,
 Унда Боязидни дам олиб кутди.
 Қачонки қўшунлар тўқнашган замон,
 Найзаю қиличга тўлди тўрт томон.
 Чиқиб икки лашкар қалбидан фарёд,
 Юки оғир бўлиб замин деди дод.
 Боязид лашкари бўлса бир дарё,
 Унинг бир ирмоғи, ярими ҳатто,
 Татарлар ажралиб Темурга ўтди,
 Кўриб Боязидни тутқаноқ тутди.
 Боязид ёнида ўғли Сулаймон,
 Бир ён лашкарига эди қўмондон.
 Татарлар «ўйинин» кўргани заҳот,
 Билдики отаси эди бенажот.
 Орқага чекинди манглайин қашлаб,
 Падар бузрукини ҳарбгоҳда ташлаб.
 От сурди ноилож у Бурса сари,
 Изидан эргашди барча навкари.
 Боязид ташвиши бўлиб зиёда,
 Қолди атрофида фақат пиёда.
 Ҳамда яқинлари айлаб садоқат,
 Боязид бечора бўлиб бетоқат.
 Ортга қочай деса, тушади талоқ,
 Сўкди сўнг ўзини: «Эй оғзи шалоқ,
 Қилмасдан аввало бунча катталиқ,
 Темур саломига олсайдинг алиқ.
 Оқиб тушмас эди иккинчи кўзинг,
 Чўлоқдан мингбора аччиқроқ сўзинг.
 У баланд келганда тушсанг эди паст,
 Сўнг макру ҳийла-ла етказиб шикаст,
 Қафасга тушириб чўлоқ тулкини,
 Ё бўлиб минг танга сичқоннинг ини
 Қочарди, бўлардинг сен ундан ғолиб,
 Энди ул мақтанар бошингни олиб».
 Бошга тушганини доим кўрар кўз,
 Бефойда бу ҳақда ортиқча гап-сўз.
 Ҳазрат Имом Малик мазҳабига хос
 Боязид кечмади маслагидан воз.
 Сўзида туриб у курашди жадал,
 Атрофини ўраб келарди ажал.
 Курашиб, охири қуршовда қолди,
 Қисмат мағлубият ғамини солди —
 Балки ҳаётида биринчи бора,
 Ҳамда охиргиси эди начора.
 Фарангни измига киритган ботир,

У ҳақда тўқилиб минглаб асотир
 Буюк Усманийлар топиб таназзул,
 Буюклар буюги уни этди қул.
 Беш мингча лашкари кетди қирилиб.
 Ўлганлар ҳеч маҳал келмас тирилиб.
 Бўлгунча оламда қиёмат қойим,
 Ўзинг ҳар бандангни қўлла, худойим.
 Бошлари кесилиб қулади шерлар,
 Ҳар икки тарафдан ўлди кўп эрлар.
 Қўрқоқлар қочишди ё четда турди,
 Темур ғалабанинг нашъасин сурди.
 Бир мингу тўрт юзу иккинчи йилда,
 Зулҳижжа ойида сақлангиз дилда,
 Чоршанба, кун эди йигирма етти,
 Темур ҳарбдан толиб уйқуга кетди.
 Кўзини очганда қисматдан хурсанд,
 Кўрди Боязидни асир банду банд.
 Темурнинг кўзидан чиқиб кетди ёш,
 Деди: «Не кунларга қолдинг, эй қардош?»
 Дилида уйғониб меҳру тараҳхум,
 Бандини ечмоқни буюрди шу зум.
 Маҳмуд Султон сизни этмиш беҳузур,
 Фафлат уйқусида қолибман узр.
 Сўнгра ўнг ёнидан унга жой берди,
 Доим ёнбошида чодирин эрди.
 Ҳеч кимга сақламай Темур хусумат,
 Кўргузиб инсоний расму русумат.
 Анқара шаҳридан бир мил яқинда,
 Ҳурмат-эҳтиром-ла сақлади зинда.
 Жангтоҳдан чекиниб Амир Сулаймон,
 Мавжуд хазинани борица имкон
 Хотин-халажию ҳарами билан,
 Бўлса ҳар нарсаси кўп-ками билан,
 Мармар денгизидан айлаб эҳтиёт,
 Адирна тарафга ўтказди у бот.

ҲИКОЯТ

Бор экан қадимда икки улуғ шоҳ,
 Суюб иккисини яратган оллоҳ.
 Бахту насибадан айламабди кам,
 Яшабди бахтиёр ҳамда хотиржам.
 Бир экан икковнинг омад тақдири,
 Дунёнинг ярмини олибди бири.

Ул бири ярмини илкида тутиб,
Яшабди қисматдан эзгулик кутиб.
Орага тушибди ногаҳон шайтон,
Қасдлашиб қолибди иккита султон.
Имоми Аъзамнинг мазҳабида чун,
Тортибди қасос деб бирови қўшун.
Имоми Маликнинг мазҳабига хос,
Иккинчи Султонни босибди ваввос.
Биринчи султоннинг мулкига кириб,
Кетмиш раиятни битталаб қириб.
Вилоят нойибин қийнашиб, хўрлаб,
Ҳарами гулларин топташиб зўрлаб,
Орада юз бериб зўрлигу зино,
«Унзурно» ўрнида дея «роино»,
Муслимга муслимлар қилиб хиёнат,
Қилмагай бу ишни аҳли диёнат.
Ранжиб хат юбориб биринчи Султон,
Дебдики: «Ҳолингни қилгайман ёмон.
Не учун мулкимга бостириб кирдинг,
Беайбу бегуноҳ элимни қирдинг.
Боссанг шум қадамнинг юртимга такрор,
Этарман ер билан яксон тору мор,
Қочмасанг орқангни ўгириб агар,
Жой излаб ўзингга беҳавфу хатар.
Муслимсан агарчи мазҳабинг бошқа,
Билиб қўй бир ўлим бордир бир бошга».
Иккинчи султонга етганда бу хат,
Унга хуш ёқмабди аччиқ ҳақиқат.
Дебдики: «Хоҳласам, бораман босиб,
Ҳар бир фуқаронгни дор тикиб, осиб.
Ҳарам гулларингни искайман тўйиб,
Оппоқ сийнасига бошимни қўйиб.
Тойчоғим югуриб тор майдонида,
Зурёдим қолажак бачадонида.
Қочмасанг гар боғлаб орқанга челак,
Кўрасан қўлимга тушсанг, ҳезалак.
Улмасдан юрасан қафасда тирик,
Ҳар тараф мен тортган чоғимда черик.
Ўзга шоҳлар учун ибрат бўласан,
Қафасдан чиқолмай охир ўласан.
Гар шундай қилмасам, хотиним талоқ,
Хатингни жавоби шу оғзи шалоқ».
Биринчи Султонга етгач бу жавоб,
Вужуди куйдию тополмади об.
Бир улуг Шайхдан у қилиб илтижо,

Олди жанг этгали ҳақ учун дуо.
У Шайхнинг дуоси тегди нишонга,
Саховат денгизи кирди туғёнга.
Тўқнашиб иккита подшоҳи жаҳон,
Бўлди урдугоҳда ур-сур тўпалон.
Сигмай чор-атрофга кўп эди лашкар,
Харобазор бўлди бир неча шаҳар.
Шайх дуоси охир ишини қилди,
Иккинчи шоҳаншоҳ мағлуб йиқилди.
Уни асир олиб биринчи Султон,
Қатта бир қафасга солди безиён.
Ғалаба шаънига бериб зиёфат,
Мағлуб шоҳ қасрида айлади роҳат.
Амр этди иккинчи Султон ҳам ночор,
Ғалаба базмида ўтирди ҳушёр.
Алёрлар айтилиб, айланиб жомлар,
Косагуллик қилиб шўх гуландомлар,
Ғунчадай ифбатли бокира қизлар,
Офати жон эди барно канизлар,
Уларга боқарди ваҳший кўзлар оч,
Бири ярим урён, бири яланғоч.
Ғангираб лол қолиб асирдаги шоҳ,
Ғарами гулларин таниди ногоҳ.
Ғарёду фиғони бермади фойда,
Не бўлса бўлгани бўлди саройда.
Шу боис, эй инсон, кетмагил катта,
Не қилсанг ўзингга қайтар албатта.

ИСФАНДИЁР ТЕМУР ҲУЗУРИГА ЙУЛ ОЛГАНИ ВА ҚУЛЛУҚ ҚИЛИБ ЎЗ МАВҚЕИНИ САҚЛАБ ҚОЛГАНИ

Амир Исфадиёр ибни Боязид,
Румда бир шоҳ эди, одил, юксак дид.
Салтанати бўлиб отадан мерос,
Сиёсат юргизиб подшоҳларга хос,
Усмоний шоҳларга нафрат уйғотиб,
Боязид қуёши ногаҳон ботиб,
Қарахт одам бирдан бўлгандай ҳушёр,
Тафаккур айлади шоҳ Исфадиёр.
Измида бепоён водий ила тоғ,
Ям-яшил денгизу соҳил хушфароғ.
Бўлиб оролида бир тепа гўзал,
У ўхшаб хипчабел қуймичига сал.

Урѐн қиз мисоли эди ҳусндор,
 Қўрган кўз ҳар доим бўларди хуштор.
 Синоп деб аталиб бу гўзал шаҳар,
 Исфандиёр унда ҳар шому саҳар,
 Монанд гўзалларин бағрига босиб,
 Шоҳона яшарди, шоҳга муносиб.
 Бор эрди яна кўп қалъаси мавзун,
 Ҳам денгиз шаҳари хушҳаво Самсун.
 Ўзгалар қилмиши донога ибрат,
 Темурдан келмасдан ҳали унга хат.
 Савфо-салом олиб, бўлиб кўнгуллик,
 Ҳузурига бориб айлади қулл ик.
 Уни қаршилади севиниб Темур,
 Илтифоти учун айтди ташаккур.
 Бўлиб мартабаси яна барқағор,
 Қолди ўз ўрнида шоҳ Исфандиёр,
 Олди ҳам ўзига нойиб деб рутба,
 Темурнинг номига ўқитиб хутба.
 Темур фармонига айлади амил,
 Номига зарб этди кумушу зарҳал.
 Қил деган ишини, қилди ўша чоқ,
 Қилма деб айтса гар, қилмади мутлоқ.
 Темур дуосини олиб муттасит,
 У яна яшади шоҳона қирқ йил.
 Бир мингу тўрт юзу қирқдир вафоти,
 Темурга боғлиқдир тарихда эти.
 Арбоби сиёсат бўлса гар тўғри,
 Юртини таламас талончи, ўғри.
 Кенгайиб боради доим сарҳади,
 Етиб ўзгаларга кўмак мадади.
 Мангулик мулкига кетса батамом,
 Ундан бу оламда қолар яхши ном.

ТЕМУРНИНГ МОНТАШОДА ҚИШЛАГАНИ ВА ИЗМИР ҚАЛЪАСИНИ ОЛГАНИ ҲАМДА ЖАҲОННИНГ ЯРМИ УНИНГ ИЛКИДА ҚОЛГАНИ

Асотирлар кўпдир ушбу очунда,
 Уларнинг зўрлари рубъи маскунда.
 Амир Темур билан Боязид Усмон
 Бу дунё тор келиб талашди майдон.
 Соҳибқирон чиқди жангда музаффар,
 Измига бўйсунди ярим баҳру бар.

Енгиб Боязидни Монташода ул,
 Қишламоқни кўрди ўзига маъқул.
 Шоҳлардан шоҳларга мерос жавоҳир,
 Темурнинг илгига ўтди эмас сир.
 Уйлаб у қўшуну юрт тақдирини,
 Олди ўлжаларнинг бешдан бирини.
 Ҳар томон сочилиб ҳисобсиз лашкар,
 Монташо уларга тўлди саросар.
 Қиш ҳаддан ташқари совуқ, қаҳратон,
 Бир-икки навкардан ҳар бир хонадон,
 Боқниши шарт эди уйда жой бериб,
 Яна овқат қилиб нону чой бериб.
 Темурбек сайру ғашт айлаган замон,
 Бўлди бир нарсадан у жуда ҳайрон.
 Негадир эркаклар кўринмай ҳайҳот,
 Хотинлар ҳар доим суғоришар от.
 Сўнг чорлаб уларнинг барча эрларин,
 Яъни «Майдон ғариб хона шерларин».
 Сўради: «Айтинг-чи қани раият,
 Менда йўқ ҳеч қандай ғаразли ният.
 Тўғрими хотиннинг от суғориши,
 Аслида бу юмуш кимларнинг иши».
 Эркаклар дедик: «Гапингиз тўғри,
 Хазина ёнида ётганда ўғри,
 Ким унга ишониб лутф кўргузар,
 Эгаси кетдими қулфини бузар.
 Ётса уйимизда бўйдоқ навкарлар,
 Ҳанграшиб мисоли ҳанги нархарлар.
 Отларни суғориш касб бўлса бизга,
 Уларчи уйдаги аёлу қизга,
 Ким берар кафиллик номус харжига,
 Қўл чўзса садафдай иффат фаржига.
 Бу шундай бир ишки фақат мусулмон
 Тушунгай, бизларни кечиргил, хоқон».
 Темур ўз умрида биринчи бора
 Бўлди эл наздида хижил ошкора.
 Бўлса ҳам аёвсиз совуқ қаҳратон,
 Барча лашкарига айлади фармон:
 «Минбаъд раиятнинг уйида ётманг,
 Аҳлу аёлига ҳеч қаттиқ ботманг.
 Совуқда лашкарнинг ортиб ноласи,
 Турарди бўйсунмас Измир қалъаси.
 Темур навкарларин ташлади унга,
 Қалъани забт этди ўнинчи кунда.
 Жумодул охирда бир минг тўрт юз уч,

Қалъа таслим бўлди тополмасдан куч.
Мустаҳкам бу қалъа очилганда хуш,
Ичи тўла эди олтину кумуш.
Темур ганжинани айлаб тасарруф,
Шу жойда урушни тўхтатди маъруф.
Қолмади йўлида чунки бирор ёв,
Борини куйдирди мисоли олов.

ТЕМУРНИНГ ХИТОЙ МУЛКИГА ЮРИШ РАҒБАТИ ВА БУ ЙЎЛДАГИ САЪИУ ҲАРАКАТИ

Бир жойда тўхтамас соҳибтафаккур,
Фикрат олмосидан доим тешар дур.
Мўғул ва Жатонинг ерига яқин,
Турарди Ашпара қалъаси тағин,
Атай жанггоҳ учун қурилган қўрғон,
Уни бино қилиб Муҳаммад Султон,
Амир Арғуншоҳни қолдириб ҳоким,
Кейин қайтган эди Самарқанд, токим
Валиаҳд мисоли юритишга иш,
Айтгандик туғилиб яна бир ташвиш,
Келишиб Сайфиддин амирла бирга,
Охири тан бериб қисмат тақдирга,
Гўзал Оқшаҳарда ўлди валиаҳд,
Насиби бўлмади Темур айтган маҳд.
Хуросонда эса Сайфиддин амир,
Юмди бу оламдан кўзини ахир.
Темурни жувонмарг валиаҳд ғами —
Уртади, йиғлади келиб алами.
Темур лашкарлари қора кийишиб,
Ҳазил-ҳузуллардан тилни тийишиб,
Мотам билан бўлиб бутун элат банд,
Қорага бурканди тамом Самарқанд.
Ўзи қурган гўзал мадрасада пок,
Охири бўлди у насибайи хок.
Бошига тушса ҳам кулфатлар бисёр,
Темурни синдира олмади зинҳор.
Хитога юришин билиб мўғуллар,
Титрашди келмасдан мисоли қуллар.
Юртларини ташлаб қочишга тайёр,
Турарди мўғуллар бари ғамгусор.
Ғалаба қадаҳи майини сунди,
Бу гапни эшитиб Темур суюнди.
Оллоҳдод бош бўлган қудратли карвон.

Етди Самарқандга бежавф, безиён.
 Лекин ҳар кимсада бўлгандек рақиб,
 Уни ҳам ғайирлар айлади таъқиб.
 Темурга дейишди: «Ул беდიёнат
 Подшоҳлик мулкига этиб хиёнат
 Олди хазинадан ҳисобсиз тилло,
 Ҳаром қўли билан демай бисмилло».
 Ҳасаддан айтса-да ғаним, иғвогар,
 Ҳисобсиз олганди у гавҳару зар,
 Улар айтганидан балки зиёда,
 Ҳеч ким ўмармаган ундоқ дунёда.
 Темурбек изидан юбориб фармон,
 «Бор,— деди кечикмай Ашпара томон.
 Ҳокимликни олиб зуд Арғуншоҳдан,
 Ғанимга гўр қазиб тургил жанггоҳдан.
 Самарқанд шаҳрига қайтди Арғуншоҳ,
 Темурга етгунча раҳмати оллоҳ.
 Ашпарада қолди муқим Оллоҳдод,
 Бандалар кўнглини худо этсин шод.

ТЕМУР АМРИ БИЛАН ЧИН-МОЧИН САРЗАМИНИ ХАРИТАСИНИ ОЛЛОҲДОД ЧИЗИБ ЮБОРГАНИ

Темур Рум ерида тикканда чодир,
 Ҳис этди дунёни олмакка қодир.
 Йўқ эди рости гап бугунги кунда,
 Унга тенг бир подшоҳ рубъи маскунда.
 Тарқаган мўғулу бағайри Хитой,
 Шарқу Ғарб қолмади бирорта сарой,
 Ё Темур қадами етмаган бўлсин,
 Темурга ё қуллуқ этмаган бўлсин.
 Шу боис орзую ўйлари марғуб,
 Юбориб Оллоҳдод нойибга мактуб:
 «У ер муҳитини қилғил деб баён,
 Сиру синоатин айла деб аён,
 Қаерда қалъаю қайда қўрғон бор,
 Қаер биёбону қаер ўрмонзор?
 Қаерда тоғу тош, қаерда ғорлар,
 Қаерда денгизу дарё, анҳорлар?
 Не хил элат билан не уруғ-аймоқ,
 Сокин аҳолими ёки урушқоқ.
 Барини зикр этиб бўлмай сўзамол,
 Юборгил мухтасар гўзал, шарҳи ҳол.
 Ҳамда қиёфасин чизиб ўхшатиб,

Барини юборгил айлабон хатиб.
 Бу ишдан ҳеч кимса топмасин хабар,
 Келтирсин ишончли бир махфий чопар».

Оллоҳдод фармонга қилиб итоат,
 Шундоғ иш тутдики баҳусни ҳайрат.
 Барини қоғозга тушириб бир-бир,
 Этдирди ҳар неки борини тасвир.
 Елимлаб бир неча тоза қоғозни,
 Чақириб мусаввир доно устозни,
 Харита чиздириб ҳамда шарҳ айлаб,
 Этгач меёрига ўраб авайлаб,
 Темурга юборди кечиктирмай бот,
 Иш кўзини билган доно Оллоҳдод.
 Темур айтгандан ҳам бўлиб зиёда,
 Йўқ эди бу янглиғ тимсол дунёда.
 Балки бу чизилган илк харитадир,
 Таърихи ё ундан сал наридадир.
 Боқиб харитага, айлаб тасаввур,
 Аён кўра олди барини Темур.
 Юзида табассум жангнинг даҳоси,
 Тешиб мантиқ дурин фикри олмоси.
 Мушоҳида этди барчаси тўкис,
 У хуштор, дунё-чи эди гўзал қиз.
 Хитой ўша қизга бир зевар эди,
 Темур бу дунёни кўп севар эди.

ТЕМУР БОЯЗИДНИНГ ИЛТИЖОЛИ ВАСИЯТЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРГАНИ ВА ТАТАРЛАРНИ ҚУРОЛСИЗЛАНТИРИБ, АДОЛАТ ДЕНГИЗИНИ ТОШИРГАНИ

Ким агар бировга қилса хиёнат,
 Бўлмагай унда ҳеч инсоф, диёнат.
 Хоинлик дилида қуриб ошён,
 Яхшилик чиқмагай ундан ҳеч қачон.
 Аввал Боязидга бўлишиб ҳамдам,
 Сўнг унинг бошига ёғдиришди ғам.
 Темурга қиларми мангу садоқат,
 Дўстига ғанимлик қилган ҳамоқат.
 Бу ҳақда Темурбек айлаб тахайюл,
 Бир чора тополмай эди кўп малул.
 Муҳаммад Султонни ютганида хок,
 Кетди Боязид ҳам оламдан ғамнок.
 Бироқ ўлар чоғи айлаб васият,

Сўзлади кўнглида бўлса не ният.
 Айтди армон билан дилда борини,
 Ёзди юракдаги дард ғуборини,
 Биринчиси деди: «Рум аҳли муслим,
 Уни қирғин барот қилмасин ҳеч ким.
 Аҳли аёлиму барча фарзандим,
 Невара-чевара ҳар жигарбандим,
 Қайғуга ботмасин йиғи-сиғидан,
 Улмасин раҳимсиз ғаним тиғидан.
 Иккинчи тилагим аҳдидан қайтган,
 Мунофиқ, шайтоннинг қўшиғин айтган,
 Босган қадамидан қўпиб хатарлар,
 Бу ерда қолмасин зинҳор татарлар.
 Қириб Рум аҳлини томир ёзар хўп,
 Бемаза қовунда уруғ бўлар кўп.
 Ҳамда ўз бошингни қилгил эҳтиёт,
 Улардан бир куни топмассан нажот.
 Барини қул айлаб қуролини ол,
 Майли қирғин қилма, келтирма завол,
 Дашту саҳроларда молини боқсин,
 Яна аввалгидек ноғора қоқсин.
 Румдан қайтганинда ғолиб-музаффар,
 Этма бу ерларни сен зеру забар.
 Учинчи тилагим Румлиғ мусулмон,
 Бўлмасин дастингдан уйлари вайрон,
 Олгил хазинанинг мулку молини
 Ва лекин тинч қўйгил бор аҳолини.
 Сен каби мусулмон қора кўзларни,
 Ая деб айтдим мен ушбу сўзларни.
 Шахсан ўзим учун бирор илтимос,
 Қилмасман хоҳ тиг санч, хоҳи дорга осл
 Шу уч тилагимни бажарсанг агар,
 Савобга қолурсан қазою қадар».
 Айтиб васиятин, кейин хастадил,
 Фано бешасига кетди жанги фил.
 Темурга ўлими қилиб кўп таъсир,
 Бировга ва лекин билдирмади сир.
 Тасодиф эмасди Муҳаммад Султон,
 Йилдирим Боязид ҳам Ибн Усмон.
 Оллоҳнинг раҳмати бу баҳру барда,
 Улишди бир пайтда ҳам Оқшаҳарда.
 Мўғул татарларни Темур этиб жам,
 Кўргузиб барига илтифот карам.
 Дедики: «Лозимдир сизга мукофот,
 Тақозо қилмоқда бугунги ҳаёт.—

Эҳтиёт шарт доим, билинг алҳазар,
Бу ерда кўп туриш биз учун хатар.
Сездирмай қўзғалиб бирдан аҳли Рум,
Қилса устимизга қўққисдан ҳужум,
Е чиқиб турфа хил низою жанжал,
Бўлса ҳар қадамда дилғашлчк, ишкал.
Бизларни айлагай доим беҳузур,
Сўрамас сўнг бу халқ кечирим, узр.
Кенгашдан мурод шу тенгмиз тенгликка,
Чиқайлик саф тортиб бирор кенгликка.
Донолар макони Сивосга бориб,
Ҳар кимга бирма-бир фармон чиқориб,
Белгилаб берайлик қишлоғу туман,
Иқтоёю молу мулк тегар қанчадан.
Ким бўлса насабли доно аслзод,
Уларга тегишли авлоду аждод,
Меросдан ҳиссаси кўпроқ бўлади,
Бу ишлар менимча хўпроқ бўлади.
Барини бирма-бир айлаймиз тақсим,
Кейин ўз мулкига қайтади ҳар ким,
Қўлида ёзиғлиқ мулку мол, тилхат,
Хуш кўргай қонуну низомни хилқат».
Темурнинг изидан Сивосга томон,
Йўл олди аҳдбузар тоифа шодон.
Етишган маҳали Сивос чўлига,
Темур ташаббусни олди қўлига.
Барча амирига иш пишгани он,
Тузган режасини айлади баён.
Тақозо айларди шуниси сийёсат,
Темурда зўр эди ҳарбий маҳорат.
Насабдор беклару ғазабли шерлар,
Шайтонни йўлидан ургувчи эрлар,
Шамолдай исёнкор боди сарсарлар,
Урушни тўй дея билган қайсарлар,
Темурнинг ҳукмига бўлиб мунтазир,
Барчаси жам бўлди лутфига асир.
Очиқ чеҳра билан Темур хушсухан,
Барини қаршилаб соҳибанжуман,
Сўнг деди: «Рум юртин англадим аён,
Тангри сизни этмиш уларга хоқон.
Мен эса кетаман қолдириб сизни,
Худога топшириб тақдирингизни.
Лекин боқий бўлмас шодлигу севинч,
Боязид авлоди сизни қўймас тинч.
Тил топиш, ярашиш, кори диёнат,

Лекин отасига қилиб хиёнат,
Энди улар билан чиқишолмайсиз,
Ҳам хавфу хатардан қутулолмайсиз.
Улар биргалашиб, кўтаришса бош,
Сизлар ҳужумига беролмайсиз дош.
Бирлашиб ҳар ёндан тиг тортса авом,
Барчангизни қириб ташлайди тамом.
Мен эса кетаман бу юртдан узоқ,
Ғанимлар қилганда сизни қирпичоқ.
Ғафлатда қоларман тополмай хабар,
Шу боис лозимдир сизга бир раҳбар.
Жамоат намози пайтида имом
Қандай ўз бурчини айласа итмом,
У зотга сизлар ҳам сўзсиз бўйсуниб,
Дилингиз ғавғою ғулудан тиниб,
Яшайсиз интизом ҳам тартиб билан,
Менинг лашкаримдек саф, таркиб билан.
Барчангиз доимо бўлиб иттифоқ,
Чиқмаса ўзаро низою нифоқ.
Кўриб истаганча орзую ҳавас,
Бу дунё сизники бўлиб чамбарчас,
Хотин-халажингиз топиб саодат,
Аҳли оилангиз кўриб фароғат,
Камолга етади бола-чақангиз,
Олтиндан бўлади нағал-тақангиз.
Бўлиб душманингиз доимо тор-мор,
Ҳеч ким етказолмас сизларга озор.
Бу ишни амалга ошириш учун,
Билиш лозим сизда бор қанча қўшун,
Ҳам неча одаму неча от-улов,
Ҳам қанча қуролу камонми, касов?
Ҳам кимда бўлса гар қандай зарурат,
Тортинмай айтинглар бор гапни фақат.
Қўлдан келганича берамиз ёрдам,
Асли бу дунёнинг доим бири кам,
Каму кўстингизни тўлдириб мутлоқ,
Шунингдек берилар қуролу яроқ.
Эски аслиҳаю анжому қурол,
Бир жойга тўпланиб саналсин дарҳол».
Қурол-яроғини топшириб лашкар,
Орадан кетганда хавф ила хатар.
Саҳрода аслиҳа уйилиб тоғдек,
Қуролсиз қолганлар мойсиз чароғдек,
Ташланиб бир четга этилди банди,

Уларга етганди фалак газанди.
 Босиб товонлари куйгандай чўққа,
 Фарёду фиғони чиқди айюққа.
 Голибваш бир руҳда мавж урган қўшун,
 Чиқди тегирмондан гўё бўлиб ун.
 Охири кўникиб аччиқ тақдирга,
 Сўнгра Темур билан жўнашди бирга,
 Соҳибқирон кўриб мазлуму гамгин,
 Берди ваъда айлаб уларга таскин.
 Боязид Йилдирим қилган васият,
 Амалга ошдию Темур хушният,
 Арзинжонга қайтиб Қорайлук Усмон,
 Унда тайинланди доимий султон.
 Ҳам Камох қалъаси ҳукми олийси,
 Шамсуддин у ернинг ҳоким-волийси.
 Иккисин эттириб дўсту биродар,
 Юрди сўнг йўлида Темур музаффар.

КУРЖ ШАҲАРЛАРИГА ЮРУШ ВА ИККИ БОТИР, НАВКАР ТУФАЙЛИ ҒАЛАБА БИЛАН ТУГАГАН УРУШ

Тубсиз денгиз эди у тортган лашкар,
 Темур Курж шаҳрида ташлади лангар.
 Куржлилар Исога қилиб ибодат,
 Насроний эдилар ўжар бағоят.
 Ерлари эмасди кенг ва бепоён,
 Гирди тоғлар билан ўралган қўрғон.
 Минори чўққию баланд қоялар,
 Ғанимга ваҳима солган соялар.
 Бостириб киролмас на ғаним, на ёв,
 Муҳити кадарли эди беаёв.
 Шоҳлар бўлмагандек осонликча қул,
 Шаҳарни забт этиш эди кўп мушкул.
 Темур бу тоғларга қўл уриб илкис,
 Измига кирганди хушҳаво Тифлис.
 Денгиз бўйидаги саркаш Тарозбун,
 Нечундир енгилмай Темурга бутун,
 Қаршилиқ айларди шунингдек Абхос,
 Гўзал қиз куёвга этганидек ноз.
 Темур ўз йўлидан қайтмаган арслон,
 Илкига киргунча бу икки қўрғон,
 Этди атрофини бир муддат қамал,

Жанговар санъатин айлаб мукаммал.
Қалъага киришда юксак самовор,
Бор эди энг баланд қояда бир ғор.
Амримаҳол эди у жойга кириш,
Ва лекин Темурбек айлади бир иш.
Чўққидан у ғорга тушириб навкар
Куржларнинг бошига ёғдирди хатар.
У ғорни охири қўлга киритди,
Гўёки Курж жанги шу билан битди.
Қалъага беркиниб динсиз Куружлар,
Тунлари солишиб дафъу хуружлар,
Кириб кетишарди яна қўрғонга,
Қўрғонки туташган боши осмонга.
Кўчма миноралар ясатиб Темур,
Қалъага ташлади тун чоғи бир қур.
Хуфя жангчиларнинг барчаси ўлиб,
Бирови чиқди лек музаффар бўлиб.
Савашиб аямай ҳаттоки жонни,
Охир эшигини очди қўрғонни.
Шаҳарга ифбатли қиз эди қўрғон,
Зўрлаб куёв унга оғуш очган он,
Тоғликлар удуми ғазабнок падар,
Куёви қатлига шай эди шаҳар.
Бўлиб оралиқда бир ёғоч кўприк,
Шаҳарга чиқилар сўнг ўнғурдан тик.
Тоғликлар тепадан юмалатиб тош,
Мажақланди унга яқин келган бош.
Бўлиб диловару ботирлар ҳалок,
Шаҳар қўлга кирмай айлади ғамнок.
Бор эди Темурда икки зўр навкар,
Бири йўлбарс бўлса, бири ғазанфар.
Бирига ҳумоюн шамоли эсиб,
Келтирди бир куржнинг бошини кесиб.
Темур мартабасин айлади зиёд,
Бундан хурсанд бўлди паҳлавоннажод.
Иккинчи навкарнинг дилида қайғу,
Туну кун ўйлади не айласин у.
Охири ичида деди: «Улсанг ўл!»
Сездирмай душманга томон олди йўл.
Эмаклаб ўтди у кўприкдан нари,
Сезмади ҳаттоки куржлар навкари.
Тун чоғи ёқишиб посбонлар гулхан,
Ҳангома эшитиб алланимадан.
Ғафлатда қолишди, баҳодир сарбоз,
Уларга ташланиб мисоли шаҳбоз,

Уч-тўртин ўтказиб қилич дамидан,
 Шод бўлди ғанимнинг сўнган шамъидан.
 Қоронғу ур-сурда Куржлар шошилиб,
 Шаҳар дарвозаси бирдан очилиб,
 Кирганда ичкари охирги посбон,
 Изидан етволиб ботир паҳлавон,
 Қўймай дарвозани ёпишга зинҳор,
 Курашди мардона бир ўзи шервор.
 Тонг яқин пайт эди чун қора қарға,
 Оққуш келганидан бўлиб бадарға.
 Олтин тухум янглиғ чиқмасдан қуёш,
 Нечалаб куржлардан кесилса ҳам бош,
 Шерсавлат паҳлавон бўлиб ярадор,
 Лек турди ғанимга қарши устувор.
 Бу шовқин-сурондан уйғониб Темур,
 Деди навкарларга: «Кўмакка югур».
 Шаҳарга кирганда ҳисобсиз қўшун,
 Бериб жароҳатдан заминга тўшин,
 Йиқилди паҳлавон қуёши сўнмай,
 Ажал соясига қисмати кўнмай.
 Номи Пирмуҳаммад лақаби Қанбар,
 Парвосиз айланар бу фалак чанбар.
 Гар оллоҳ айласа умрин зиёда,
 Бемаҳал ўлмагай ҳеч ким дунёда.
 Ўн саккиз жойидан олиб жароҳат,
 Йиқилган чоғида Қанбар бериб ҳаёт.
 Уни авайлашиб кўтариб шу он,
 Олиб боришдилар Темурга томон.
 Темур фармон берди ҳақими ҳозиқ,
 Даволай бошлади, яратган розиқ.
 Дардига бағишлаб дармону шифо,
 Мардона сафига қайтди жонфидо.
 Темур тайинлади қадрини билиб,
 Ўн туман сарбозга қўмондон қилиб.
 Юз амир юзтадан навқари бўлиб,
 Измида ўн мингта лашқари бўлиб,
 Абхозни Темурбек айлаб мусаххар,
 Қанбарни бу ишда билди мукаррар.
 Шайхона русумда шаҳарни олди,
 Динга кирмагани итобга солди,
 Куржлар бамисоли чўққилар нураб,
 Фарёд айладилар омонлик сўраб.
 Ширвоннинг ҳоқими Шайхи Иброҳим,
 Бўлди шафоатхоҳ уларга тоқим.
 Худо бандасига истаса нусрат,

Унга ғаними ҳам кўрсатар мадад.
 Ҳалокатдан этса бировни халос,
 Уққа учганда ҳам ўлмагай мумтоз.
 Оламдан хор бўлиб ўтишар нуқул
 Донолар, қабридан лек унади гул.
 Иброҳим дилида ҳимматлар қўпди,
 Темурнинг олдига келиб ер ўпди.
 Дедики: «Эй буюк Амири Олам,
 Айла мағлубларга шафқату карам.
 Йўғон чўзилганда ичка узилар,
 «Шуф» десанг, ғанимнинг уйи бузилар.
 Дуст ҳайрон, душманлар хонаси вайрон,
 Сендек жаҳонгирни курмаган жаҳон.
 илкингдан Хуросон, Ҳинду Шому Рум,
 Шоҳлари бўлишди ғулому маҳрум.
 Измингга кирганлар топиб саодат,
 Энг улуғ одатдир сендаги одат.
 Бўлса ҳам қанчалар бу куржлар ўжар,
 Уларни этмагил сен зеру забар.
 Жаҳонда таралиб сендан эзгу ном,
 Кечирдинг, олмадинг ҳаргиз интиқом.
 «Қўшнингнинг ҳолидан бўлгил бохабар»,
 Деб лутф билдирган ҳазрат пайғамбар.
 Тоғма-тоғ натижа бермагай ғазот,
 Ҳам топар лашкаринг бу сулҳдан нажот.
 Не десанг амрингга кирар мунтазир,
 Мен сенинг қулингман адолатпазир.
 Бос десанг ҳаттоки қўшилиб сенга,
 Мен қарши курашгум куржу чеченга.
 Ярими насроний, ярми мусулмон,
 Беҳуда тоғларда тўкилмасин қон.
 Мен кафил — тўлашгай истаганча бож;
 Зиммамда сен айтган ўлпону хирож». —
 Бир мингу тўрт юзу тўртинчи йилда
 Бўлиб бу воқеа ушбу қабилда,
 Қишлади Темурбек сўнг Қорабоғда,
 Мириқиб дам олди роҳат фароғда.

ТЕМУРНИНГ ЎЗ МАМЛАКАТИГА КАЙТГАНИ ВА ЧОР-АТРОФ ПОДШОҲЛАРИ УНГА ОЛҚИШ АЙТГАНИ

Дайр машшотаси кўргузиб ҳунар,
 Қор эриб заминдан майсалар унар.
 Буғлар кўтарилиб, зангори осмон,

Чўққилар ханжари бўлар намоён.
 Уйқудан уйғониб карахт жонивор,
 Айлар насибасин ҳар бири шикор.
 Қиш бўйи Темурнинг лашкари карахт
 Ухлади, уйғонди баҳорда хушбахт.
 Буюк орзуларни жойлаб дилига,
 Темур ҳам жўнади ўз манзилига.
 Чалиниб ногора, карнаю бурғу,
 Дунёни титратиб борар эди у.
 Отлиқлар саф тортиб мисли камалак,
 Сочганда шуъласин хуршеди фалак,
 Утганда беҳисоб туя карвони,
 Дер эдинг самонинг абру тумони.
 Пиёдалар сафи қатору қатор,
 Дашту саҳроларда чеки йўқ гулзор.
 Илону чаёнлар иннида эди,
 Қиличу ханжарлар қинида эди.
 Олиб елкалардан кераксиздай жой,
 Ини бўшатишган эгик чўпдир ёй.
 Урса парчалангай ҳатто Албурзи,
 Ҳозирча юк эди қўлларда гурзи.
 Самода ҳилпираб зафар байроғи,
 Тугади юрушлар, ҳажр фироғи.
 Утиб Озарбайжон вилоятидан,
 Амирлар шод бўлди июлятидан.
 Унинг қадамига айтиб ҳасанот,
 Қаршилаб кузатди ҳар шаҳру равот.
 Хуросон мулкига қўйганда қадам,
 Заминни яшнатди подшоҳи олам.
 Теварак атрофдан барча подшоҳлар,
 Темур измидаги давлатпаноҳлар
 Муборакбод айтиб, қилишиб эъзоз,
 Темурнинг йўлига чиқишди пешвоз.
 Ҳар бири илғида совға, мулку мол,
 Денгизга дарёлар қўшилган мисол.
 Оқар дарё каби тўлиб хазина,
 Йиғилди ҳисобсиз мулку дафина.
 Қутлашиб қозонган зафарлар билан,
 Сочқилар сочишиб дур-зарлар билан,
 Кўнглини олишиб бериб зиёфат,
 Самарқанд етгунча навбатма-навбат.
 Андин сўнг қутлашиб шайх акобирлар,
 Саййид уламою машшоқ, шоирлар.
 Ундан кўрганий-чун сулҳу амният,

Олқишлаб йўлларда минглаб ранят.
Темур ҳам барига кўрсатиб ҳурмат,
Гоҳ олди, гоҳ берди қилиб мурувват.
Етим-есирларга улашди шахсан,
Ҳам бўлса ким хору зору бекафан.
Уламо, шайхларга улуфа берди,
Машшоқ, шоирларга кўп тухфа берди.
Ҳам ерли шоҳларга айлади фармон:
«Измингизда бўлган ҳар бир мусулмон
Хору зор бўлсаю ёки ўлса оч,
Билингки, сизларга ярашмайди тож.
Бир гўзал келинчак бўлса гар дунё,
Унинг зеб-зийнати эрур фуқаро.
Дехқону боғбону чорвадор ишлаб,
Йиққан маҳсулотдан юарсиз тишлаб
Қосибу чевару ҳунармандлар ким
Ушалар тикади усту бош, кийим.
Бўлмаса уларнинг ишин ривожи,
Бўм-бўш тоғорадир шоҳларнинг тожи.
Фақиру бенаво халқнинг фарзанди,
Бўлса салтанатнинг таянч пайванди.
Ҳар мушкул лаҳзада топиб бир тадбир,
Уларни қўлламоқ савобдир ахир».
Шундай деб таърифи кетиб очунга,
Темурбек охири етди Жайхунга.
Кемаю қайиқда маҳрами ҳослар,
Дарёга от солди қўрқмас сарбозлар.
Самарқанд етганда хуш иқболига,
Шаҳар аҳли чиқди истиқболига.
Темурдан фахр этиб улар бомурод,
Турарди барчаси хушнуд, қалби шод.
Бир мингу тўрт юзу тўртинчи йилнинг,
Ез сўнги, куз олди илиқ фаслнинг.
Бўлади номба-ном айтганда дуруст,
Июлнинг охири ё эди август.
Келди Темур билан минглаб ҳунарманд,
Устаю заргару ҳар ишга пайванд.
Шайху уламою фозилу шоир,
Илму дақойиқу санъатда моҳир.
Аларни эъзозлаб биринчи галда,
Бериб улуфаю мулку жой, далда.
Кўргузиб зиёда ҳурмат, эътибор,
Барин ўз ўрнида топтирди қарор.
Олиб бор ўлжанинг бешдан бирини,
Ҳал қилди қўшуну эл тақдирини .

Қўшуни бир жойга сифмаган боис,
 Тарқатишни билди Темурбек жоиз.
 Ҳамда «келгиндилар» юз-минг хонадон
 Тақозо этарди яшашга макон.
 Улар тарқатилди бу баҳру барга,
 Сарҳадларга яқин Хито, Қошғарга.
 Чекка ҳудудларда бўлса жанг-жадал,
 Улар тайёр қўшун эди ҳар маҳал.
 Ғанимни даҳшатга солмоқлик учун,
 Темурда бор эди бир фахрий қўшун.
 Унда Ҳинд филию Араб туяси,
 Занги сипоҳию форс Шеруяси.
 Шому Ироқлардан келган сарбозлар,
 Туркистон шерию Румлик шаҳбозлар.
 Хилма-хил аслиҳа, гурзию гарон,
 Барини қўшганда эди бир жаҳон.
 Қаерга бормасин Табриз ё Лурга,
 Улар бўйсунарди фақат Темурга.
 Фақат ҳарбу зарбмас илми иқтисод,
 На қилса юрт бўлар фаровон, обод.
 Темурга эди бу жуда осон иш,
 Хамирдан мисоли қилни суғуриш.

ТЕМУР САЛТАНАТНИНГ ИЧКИ ИШЛАРИНИ БИТИРГАНИ ВА НЕВАРАЛАРИНИ КАТТА ТҲИ-СУР ҚИЛИБ УИЛАНТИРГАНИ

Мамлакат ишини текшириб бир қур,
 Амру фармойишлар берди сўнг Темур.
 Қонун низомини ушларди қаттиқ,
 Уни бузганларга санчиларди тиг.
 Йўқ эди юртида талончию зўр,
 На мансаб аҳлида фосиқ, порахўр.
 На фаҳшу зинокор, қароқчи ўғри,
 Ҳар ким ўз йўлида юрарди тўғри.
 Ҳар кимса не ишга бўлса гар қобил,
 Ушани берарди Темурбек одил.
 Ўз ўрнин тополмай лаганбардорлар
 Юрарди атрофда тўқиб ашъорлар.
 Хушомад, риёни тухмин қуришиб,
 Доим адолатни устувор тутиб,
 Истеъдод аҳлига қилиб илтифот,
 Қўлларди уларни, берарди имдод.
 Пайғамбар ёшидан ўтгандан кейин,

Бордир бир ривоят, ростини дейин.
Темурбек тахтидан кечмоқчи бўлди,
Амирлик тожини ечмоқчи бўлди.
Чорлаб фарзандларин фикрини билди,
Ҳеч бири суюнмай, бари рад қилди.
Сўнг улуғ Шайхлару аҳли уламо,
Темурбек ишонган ҳар пири зако
Дедики Темурга: «Эй ҳумоюнбахт,
Сенга ярашади фақат тожу тахт.
Қирқ йилга яқинким юрсанг ҳам отда,
Бирор мамлақату шаҳру равотда,
Намозинг эҳтимол бўлгандир қазо,
Ҳар доим этгансан фарзини адо.
Баъзи бир шоҳлардек бўшатмай кўза,
Рамазон ойлари тутгансан рўза.
Минглаб маликалар сенга кўз тутиб,
Таърифинг эшитиб ўзни унутиб,
Тўлиб ҳарамингда анвойи гуллар,
Ғунчалар лабини очиб булбуллар.
Ғанимат бўлсада тўрт кунлик олам,
Қам сендай ўз нафсин тиёлган одам.
Еб-ичиш, ишратлар сенга бегона,
Асло қул бўлмадинг абрукамона.
Жаҳон лаззатига ҳеч бўлмадинг банд,
Боиси дилингда бордир худованд.
Тарихнинг ойнаси ўзингга аён,
Ўтди бу оламдан неча минг хоқон.
Қўплари бўлсада юрти сарвари,
Барини мавҳ этди қасос ханжари.
Бирини фарзанди этиб нобино,
Ўгай энасини айлади зино.
Узоққа бормасдан Шеруяни кўр,
Отаси Хусравдан чиқиб жангда зўр,
Бир муддат ҳибсада сақлади бедод,
Ширин висолидан бўлолмагач шод,
Ўлдирди отаси қорнини ёриб,
Сўнг талаб айлади Ширинга бориб,
«Мен билан бўлмасанг агар ҳамоғуш,
Сенинг ҳам жонингни оламан, эй қуш».
Ширин қисматидан нўш этиб заҳар,
Ўз кўксига санчиб шерхотин ханжар,
Нопок Шеруяга хотин бўлишни
Ор санаб, авло деб билди ўлишни.
Сен эса мурувват тимсоли янглиғ,
На тортдинг, на тортди фарзандларинг тир.

Юзга кирганда ҳам юртхоҳ бўласан,
 Улсанг ҳам эгарда юриб ўласан».
 Бу ҳақда сўнг Темур очмай бошқа гап,
 Бўлди олдингидан адолатталаб.
 Фикҳда не бўлса ҳукми шарият,
 Унга амал қилди шаръий деб фақат.
 Бир кеча тушига кириб отаси,
 Темурга келгандай унинг ҳаваси,
 Деди: «Бу дунёда бўлсангда хоқон,
 Оталик фарзини унутма, ўғлон.
 Мевадан данаги бўлади ширин.
 Фарзандинг фарзанди бўлса, ҳар бирин
 Тўй қилиб бергинда раиятга ош,
 Саховат кўргузиб мисоли қуёш,
 Қўз очиб юмгунча дунёни олиб,
 Сўнг ташлаб кетмагил ғафлатда қолиб».
 Уйғониб Темурбек деди дилогоҳ:
 «Ё падар, айтганинг ҳақ, ҳукми оллоҳ».
 Эди ҳофизаси кучлию сара,
 Утди кўз ўнгидан етти неварара.
 Барини бир кунда қилиб тўю сур,
 Уйлатиш ишига киришди Темур.
 Самарқанд шаҳридан йироқда бир мил
 Бор эди хушҳаво манзил Қонигил.
 Жаннатдан қолишмай обу ҳавоси,
 Ўзгадир бу жойнинг кайфу сафоси.
 Раиятни этиб бу тўй кўнгулшод,
 Улар бўлди солиқ, тўловдан озод.
 Ғайридинлар халос газети диндан,
 Халойиқ йиғилди узоқ-яқиндан.
 Бари топганини кийиб ясаниб,
 Бўлмади ким бою ким гадо таниб.
 Минг жойда осилиб мингта дошқозон,
 Турфа қовурмаю шўрва, ош қозон,
 Бедана, каклигу фозу тустовуқ,
 Дастурхонда эди иссиғу совуқ.
 Сўйилиб ҳисобсиз туя, ҳўкиз, қўй,
 Оқди забҳ чоғи қони мисли жўй.
 Очлар қорни тўйиб, тўқлар яйради,
 Қассоблар пичоғин қирқ кун қайради.
 Қирқ кун танбур чертди куйчи ҳофизлар,
 Қирқ кун кенг майдонда йигиту қизлар.
 Туркона қўшиғу суғдона ўйин,
 Жаҳон аҳли кўрди Темурнинг тўйин.
 Оз-моз расм бўлган ичкилик зинҳор

Иўл тополмай бўлди бу базмда хор.
Давранинг тўрида ўтириб Темур,
Тўйга бағишлади файз, саховат, нур.
Биларди қайда гар ичилса шароб,
Бўлгай у маърака расвою хароб.
Темурнинг қадами етган маъвода,
Урин йўқ риндона кайфу сафога.
Темурнинг юриши ислоний эрди,
Қўлида доимо шаръ жоми эрди.
Бўлиб гуфторлари ҳақ каломидан,
Азизу авлиё Шайхлар номидан,
Биринчи сўзлари «бисмилло» бўлиб,
Сўнг шукру сипосу ҳам сано бўлиб.
Худо не буюрган бўлса «Қуръон»да,
Бор эди барчаси ул дастурхонда.
Утган азизларга кўргузиб ҳурмат,
Оллоҳнинг баётин айлаб қироат.
Ҳофизи «қуръон»лар топиб эътибор,
Даврани яшнатиб ҳам аҳли дутор.
Хуллас бир тўй бўлди ушбу дунёда,
Таърифу тавсифи ҳаддан зиёда.
Ботмонлаб сочилиб тангаю тилло,
Кониғил Конизар бўлганди илло.
Утиб олти аср, баъзи манҳуслар,
Кўргузиб турли хил найранг, фокуслар,
Топишган у ердан битта тилла кон,
Қанча эканлиги худога аён.
Қолган сочқиларни Темурбек атай,
Ерга кўмдирганмиш қайта обкетмай.
Билмадим нечоғлик рост бу ривоят,
Яхшидан яхши ном қолур ниҳоят.
Қуёвлар ичида энг ёш қарағай,
Бор экан Улуғбек Султон Тарағай.

ТЕМУРНИНГ ШОНУ ШУҲРАТИ ВА ХИТОЙ МУЛКИГА ЮРУШ РАҒБАТИ

Темурхон жамлаган хазина асил,
Етаркан гар ётиб еса ҳам юз йил.
Жаҳон мулки бўлиб Темурга тортиқ,
Еб-киймади битта одамдан ортиқ.
Ўткинчи жаҳонда ўз қадрин билди,
Ҳеч ким қилолмаган ишларни қилди.
Ҳар доим ғалаба бўлганида ёр,

Ошкормас, қиларди зимдан ифтихор.
 Шайхлар фатво бермай ҳеч номуноси**б**,
 Бировнинг устига бормади босиб.
 Борса ҳам боқмади ҳар номаҳрамга,
 Кирмади бировлар кирган ҳарамга.
 Бўлса-да етмишнинг тагида ёши,
 Қирқ-эллик яшарнинг эди сафдоши.
 Ким худо йўлида юрса тўғри, пок,
 Доимо бўлар у навқирон, чолок.
 Йўлдан оздиrolмас уни шайтанат,
 Измида бўлади юрту салтанат.
 Шатранж тахтасида бошланса юруш,
 Подшоҳ енгилгунча бўлади уруш.
 Дунёга бир подшоҳ бўлса ҳукмрон,
 Тожу тахт деб кураш бўлмас ҳеч қачон.
 Темур етган эди шу даражага,
 Арабу ажаму маҳорāжага,
 Фақат қолган эди бир четда Хитой,
 Вафо қилса агар фурсат йилу ой,
 Темурнинг измига киражак у ер,
 Агарда истаса буни жанги шер.
 Ва лекин Темурда йўқ эди рағбат,
 Бўлсада куч-қувват ҳам жангий санъат.
 Оллоҳдод кетма-кет юбориб мактуб,
 Темурни юрушга ундади марғуб.
 Хитою мўғуллар кўргузиб зуғум,
 Шарқдан Ашпарага қилишиб ҳужум,
 Элчилар юбориб, кўп ўдағайлаб,
 Ҳам Хитой хўқони бож қилди талаб.
 Ғазаб чароғига қўйиб тсза мой,
 Гугурт чақди, Темур ёнди ҳойнаҳой.
 Юборди тўрт тараф ясолга фармон,
 Даҳшатида тушди титроққа жаҳон.
 Куз ўтиб келарди қишнинг нафаси,
 Дунё келинига ортиб ҳаваси,
 Бармоққа тақмоқчи бўлди бир узук,
 Фағфур муҳри эди баридан тузук.
 Қирқ газли девордан ошиб ўтишга,
 Денгизу дарёдай тошиб ўтишга,
 Мангуга йўқ этиб фаҳшу ҳаромни,
 Чинга олиб кириб дини исломни.
 Айласа барини тугал мусулмон,
 Гуноҳ саналмагай тўкилса ҳам қон.
 Эрону Турону Хуросону Шом,
 Ҳинду Рум, Озару ҳар содиқ мақом.

Юборди кўнгулли, жангсевар лашкар,
 Темурга тилашиб шавкату зафар.
 Қўшуннинг бир ёни баҳри Қулзумда,
 Бир ёни Бадахшон, бир ёни Румда.
 Укириб Ҳиндистон бешасидан фил,
 Бир мингу тўрт юзу нақ бешинчи йил.
 Ун мингта арава ортиб лаш-лушин,
 Хитойга йўл олди ҳисобсиз қўшун.
 «Иззатин билмаган эй нодон Хоқон,
 Мана энди сенга хирожу ўлпон».
 Темур хаёлидан ўтиб бу фикр,
 Ғалаба нашъасин туйди ғазогир.
 Йўл-йўлакай битиб бошқа ташвишлар,
 Унгланар ўнгласа яратган ишлар.
 Келди ҳар йилгидан совуқроқ бу қиш,
 Лашкарни боссада таҳлика, ташвиш,
 Оллоҳга боғлиқдир банда тақдири,
 Йўлидан қайтмади жанггоҳнинг пири.
 Иссиқ ўлкалардан келган навкарлар,
 Бошига ёғилиб хавфу хатарлар,
 Совуққа чидолмай ўла бошлади,
 Саҳро ўликларга тўла бошлади.
 Уларни сўнг билиб захирага мос,
 Барини Темурхон жўнатди Қавкоз.
 Совуқнинг зўридан иш топмай барор,
 Турарди оёғи остида Утрор.
 Ерга тушмай туриб музларди тупук,
 Бу совуққа ҳатто чидолмасди хук.
 Темур чодирини тикиб Утрорда,
 Жангни бошламоқчи бўлди баҳорда.

ТЕМУР ОТАСИНИ ТУШ КЎРИБ ХАЕЛГА ЧУМГАНИ ВА УЙЛАГАНИ РОСТ ЧИҚИБ КЎЗЛАРИНИ АБАДИЙ ЮМГАНИ

Темурнинг юришдан тўхтади оти,
 Ёниб ўчган шамъдир инсон ҳаёти.
 Аҳмад Яссавийдан қолган «дўкон»да,
 Бўлди Шайхлар билан бирга меҳмонда.
 Манглайга ҳар неки ёзилса агар,
 Муфассал оятми ёки мухтасар,
 Четга чиқа олмас ундан бандаси,
 Ҳаттоки инсоннинг йиғи-хандаси,
 Иссиғи иссиғу совуғи музга,

Барчаси ёзилган «Лавҳул-маҳфуз»га.
 Темур отасини туш кўрди яна,
 Бузруквори унга айлади таъна.
 Дедики: «Айладинг кўп ишлар мақбул,
 Оламнинг ярими бўлди сенга қул.
 Уруғу аймоғинг ҳаддан зиёда,
 Агар бир кун ўлсанг ёруғ дунёда,
 Тахтингга муносиб борми валиаҳд,
 Сен олдинг дунёни қилиб жидду жаҳд.
 Хокингдан гул униб, майса сарғайса,
 Юртинг парчаланиб ғаним кўпайса.
 Аясанг эҳтимол Муҳаммад Султон,
 Ҳақнинг раҳматига бўлмасдан равон,
 Тутиб турар эди дунёни қўлда,
 Ва лекин у ҳозир муборак йўлда.
 Пирмуҳаммад гарчи кейинги ворис,
 Э воҳки, эмасдир шери мубориз.
 Халил Султон ундан илдамлик қилар,
 Пирмуҳаммад эса мағлуб йиқилар.
 Сўнг уни мисоли бир ваҳший гурроз,
 Бўғиб ўлдиради хоин Али Тоз.
 Шатранж майдонида бағишлаб шукуҳ,
 Сени жону дилинг, севганинг Шоҳруҳ.
 Соҳиб бўлажакдир сўнгра тахтингга,
 Узоқ яшагайдир сенинг бахтингга.
 Етмиш бор ғанимни, ўғлим, этдинг қул.
 Етмиш бор юрушинг саналди мақбул.
 Умринг баҳоридан етмишинчи гул,
 Очилмай, йиғлагай ғамингда булбул.
 Шу он кўз ўнгидан кечирди Темур,
 Етмиш бор фатҳидан жилваланди нур.
 Етмишта Шайх унга бўлиб дуоғўй,
 Етмиш бор қозонди эътибор, обрўй.
 Очилди етмиш бор чаманида гул,
 Бошида сайради етмишта булбул.
 Охирги очилган гулни беаёв,
 Отаеи уздию ислади дарров.
 Гул бошида турган булбўли зори,
 Йиғлади оламни бузиб фирори.
 Меҳрибон онаи зори Тагина
 Уғлининг қўлидан тутиб жимгина,
 Юр болам, соғиндик ҳаддан зиёда,
 Кўп қолдинг қайғули золим дунёда-
 Деб, уни ғойибдан чорлаган замон,
 Қалбини ўртади соғинчу ҳижрон.

Шамсуддин авлиё сўнг бўлиб пайдо,
 Оқ йўл тилаб қилди Темурни дуо.
 Қуёш сўниб, ўчиб юлдузлар шамъи,
 Кўздан йироқлашиб учта ҳамдами,
 Отаси, онаси, ҳам пири комил,
 Қотиб даҳонида бир сўз демай тил.
 Очди кўзларини ғамгин номурод,
 Улим шарпасини сездиргач Устод,
 Катта маликани айлаб хабардор,
 Розилик тилади ундан шаҳриёр.
 Ҳам барча ишларни қилди васият,
 Мен учун чекма деб, ортиқ азият.
 Ризолик ҳақида очмасидан гап,
 Бўлди сўзларини Малика йиғлаб:
 «Улимдан гап очиб кўнглумни бузманг,
 Мени синаш учун найранглар тузманг.
 Рўё туш кўпинча чиқар тескари,
 Оллоҳ умр берсин, измида бари».
 Улим ҳақ, Темурдек лекин улуғ зот,
 Имон сўрадию кутмади нажот.
 Бузмай Маликанинг ўксик кўнглини,
 «Гапларинг рост», — дея тинчитди уни.
 Берилиб шу ондан оллоҳ зикрига,
 Ундан ўзга бир сўз келмай фикрига,
 Бошқа бу дунё деб қайғурмади ҳеч:
 «Не бўлса бўлгани бўлди, энди кеч!
 Қўлимдан келгунча савоб иш қилдим.
 Шукурки мусулмон бўлиб туғилдим,
 Шайхлардан бўлганда фатво, башорат,
 Қофир ғанимларни айладим ғорат.
 Ноҳақдан ва лекин тортмаганман тиг,
 Ҳақиқат ҳар доим бўлади аччиқ.
 Уткинчи дунёда бор аҳли ислом,
 Иншоолло айлагай мени эҳтиром.
 Мендан сўнг эҳтимол юрт бўлар обод,
 Менгача на Хусрав ва на Қайқубод,
 Қурмаган дунёга сайқал шаҳарлар,
 Улардан қолгани зеру забарлар.
 Мен ўзга мулкларни этмасдан вайрон,
 Юртимни айладим оламга дoston.
 Ер юзин кезсанг ҳам бир-бир анжуманд,
 Бир шаҳар топмассан мисли Самарқанд.
 Гарчи мен тугилиб Хўжа Идғорда,
 Уларман эҳтимол бугун Утрорда.
 Утган ҳаётимни қилиб сарҳисоб,

Охират кунда берурман жавоб.
 Ҳеч кимни аямас бераҳим фалак,
 Қанча бу дунёда кезмасин ҳалак.
 Мен ярим дунёни киритдим қўлга,
 Бугун кетаяпман охирги йўлга.
 Дўстларим йиғлашар ғамгин, жигархун,
 Катта байрам бўлар ғанимлар учун.
 Не бўлса подшоҳлик шарти бажардим,
 Узингга аёндир, оллоҳим дардим,
 Падарим азизлар азизи эди,
 Хокисор волидам Шайх қизи эди,
 Юртни булғамаса агар Чингизхон,
 Эҳтимол бўлардим донои жаҳон.
 Шайхи Шамсиддиннинг дуоси билан,
 Албатта оллоҳим ризоси билан,
 Эришиб мартаба ҳам тахту жоҳга,
 Қайтаман хок бўлиб ҳукми оллоҳга.
 Мен кимман, бўлмаса оллоҳ мададкор,
 Гадоллик кўйида эдим бир ғубор.
 Ҳозир ҳам агарчи шоҳи жаҳонман,
 Худонинг наздида битта хазонман.
 Пуф деса, ўчаман бамисоли шам,
 Милтираб ёнаман кўрсатса карам.
 Дилимга не солса қилдим ҳар доим,
 Мададкорим бўлди шукур худойим.
 Азобга дуч келиб мен Сийистонда,
 Худога шукр этиб қолдим омонда.
 Бандамас, худодан бўлиб миннатдор,
 Жаҳонгир шоҳ эдим бўлдим Жаҳондор.
 Ким агар мен каби бўлса Аслзод,
 Туғилган юртини айлагай обод».
 Юсуф қиссасини тинглаб Зулайхо,
 Сезиб ўлимини деган вовайло.
 Бевалик сояси солиб таҳлика,
 Изтироб доғида куйди малика.
 Хуфтон намозини ўқиб бедармон,
 Тўшакка чўзилди сўнг Соҳибқирон,
 Қимдир оёғидан тортгандай бўлди,
 Босди, устига юк ортгандай бўлди.
 Шайх бир пайт елкасин босгани мисол,
 Чўлғаб вужудини ғалати бир ҳол.
 «Худо бир, пайғамбар ҳақ», деган они,
 Вужуд қафасидан руҳи равони,
 Мангулик мулкига айлади парвоз,
 Худо раҳматига бўлсин сарафроз!

Дилимдан таралиб ғаму ғуборим,
 Худога шукрки келиб барорим,
 Темурбек ҳақида ёзган достоним.
 Борича иқтидор шеърий имконим,
 Тугади, ва лекин тугамай туриб,
 Худодан сўрадим ерга бош уриб.
 Орзу муродимни айлади ҳосил,
 Минг шукур ниятим бойлади ҳосил.
 Хайрли ишимни тутолмасдан сир,
 Кўплардан бу ҳақда сўрадим фикр.
 Хайрият, кўрганлар чиқишмади зид,
 Гарчи кўпчиликда турличадир дид.
 Уқишган чоғида чансин чиқориб;
 Ҳажми катталикдан баъзилар ҳориб,
 Қунт билан айладим таҳриру таҳлил,
 Кутдим уламолар фикрини бир йил.
 Дарёга раҳмат деб ўтирмас ҳеч ким,
 Чанқоғи босилгач кетаверар жим.
 Дарё бўл, ҳеч кимга қилма ғайирлик,
 Оламда ҳар ишинг бўлсин хайирлик.
 Мен ҳам Темурнийман, дилимда ғам йўқ,
 Гарчи давроню тахту ҳарам йўқ.
 Бу байтим рости гап ўзимга ёқиб,
 Илҳомим дарёдай келганда оқиб,
 Бир ойча тахайюл отини сурдим,
 Азиз устозларнинг изидан юрдим.
 Оллоҳим ёр бўлди, ниятим қавий,
 Уч ками қирқ кунда битди маснавий.
 Кийналмай завқ билан ёздиму фақат,
 Лекин нашр этолмай чекдим машаққат.
 Йўқдир ҳомийликка бою тожирлар,
 Ҳажми катта дея қўрқиб ноширлар,
 Улар таклиф қилди қисқартиришни,
 Ноилож мухтасар қилдим бу ишни.
 Гоҳ арза ёзишни билмаган одам,
 Йўлимда девордек турди мустаҳкам.
 Енгиб ўтиш учун айтсам хулоса,
 Фақат бир йўл бордир чидам, муроса.
 Насибаси бўлса бир кун муқаррар,
 Ёруғлик юзини кўрар бу асар.
 Бадий ижоду ростакам тарих
 Фарқига бормагай баъзи муаррих.
 Тарихий ҳақиқат илм маҳсули,

Узгадир хаёлий тафаккур гули.
Темурнинг руҳини гарчи этиб шод,
Мен қилдим имконим борича ижод.
Кучим етганича Соҳибқиронни
Мадҳ этиб тиздим бу шеърӣй маржонни-
Юрак бу ишимда жонбозлик қилди,
Буюк илҳом билан дoston ёзилди.
Охири бир куни эшитар раҳмат,
Улуғлар ҳурмати ким чекса заҳмат.
Темур тарихида ҳар фикратпеша,
Билдирди турли хил ўю андеша.
Устувор туриб мен эътиқодимда,
Имконим борича ўз ижодимда.
Миллатнинг бетимсол фахру шарафин,
Очиб мантиқ бирла сухан садафин,
Ичидан гавҳару дурини олдим,
Баъзида ўзим ҳам ҳайратда қолдим.
Гўзал сўзнинг сеҳри ўзига тортиб,
Ёздим, масъулликни елкамга ортиб.
Ҳар ишда камчилик бўлмоғи аён,
Фақат парвардигор эрур бенуқсон.
Ўқиб дostonимни агар халойиқ,
Мени эҳтиромга билишса лойиқ,
Фикр чироғимдан қидиришса нур,
Уларга чин дилдан айтгум ташаккур!
«Темур тузуқлари» ҳам «Зафарнома»,
«Тарихи Темур»у неча ҳангома,
Кўплаб китобларни кўрдим безавол,
Баридан яратдим лекни бир тимсол.
Далилу бурҳонлар бўлса-да ўхшаш,
Шоирман, шукурки эмасман хаскаш.
Темур ўзи бўлиб бир мушкилкушод,
Менга бериб турди ғойибдан имдод.
Қолгани қунт ила қаламга боғлиқ,
Билмадим бажардим уни нечоғлиқ.
Ўйчи ўйлагунча ўтиб ёзу қиш,
Таваккалчи дарҳол битиради иш.
Ниятим холиски, бошланиб дoston,
Ҳам ёзиб тугатдим уни беармон.
Буюк миллатпарвар Қаримов Ислои,
Хайрли ишларни этмоқда давом,
Темурни эъзозлаб улуғ юртбоши,
Аждодлар руҳининг порлоқ қуёши
Олти юз олтмишга тўлгани учун,
Истиқлол, бахт юртда бўлгани учун.

Чиқарди муборак фармони олий,
Бундан ҳам юксалсин бахту иқболи.
У ижод аҳлини қўллаб ҳар маром,
Руҳий юпанч бериб айлар шодком.
Унинг ғоялари яшар ҳар дилда,
Олдим эҳтиром-ла номини тилга.
Элу юрт кўйида ёнмаган раҳбар
Бўлолмас ҳеч қачон азиз, мўътабар.
Бир ҳикмат англадим шу ёшга кириб,
Ойни этак билан бўлмас яшириб.
Саодат қалами бўлиб суворий,
Темур йўлларига тушиб гузори.
Туну кун зикрингни қўймадим, оллоҳ,
Шукурки, охири ёруғ бўлди роҳ.
Тиқиб турган каби Темур руҳи кўз,
Чиқиб келди дилим тубидан ҳар сўз.
Гарчи кўп бўлса-да рўзғорда ташвиш,
Топди дилдагидек ниҳоя бу иш.
Бир мингу тўққиз юз тўқсон беш январ,
Тугади шиддат-ла ёзилиб асар.
Тун эди хайирли йигирма тўққиз,
Самода йўқ эди на ой, на юлдуз.
Мурод чўққисини забт этгансимон,
Фараҳли эдим мен дилимда туғён.
Назмимда акс этиб ҳусни бароти,
Кўчирди фалакнинг гўзал хаттоти.
Темурнинг пок руҳи йўл очиб юргай,
Бу китоб ёруғлик юзини кўргай.
Айбга буюрмасин аҳли уламо
Топса гар бирорта нуқсону хато.
Тугатди муаллиф сўнгги каломин,
Оллоху акбару илоҳо омин!
Соҳибқирон руҳи доим шод бўлсин,
Эл ризқи фаровон, юрт обод бўлсин!

ШОҲРУХ ҲУКМДОРЛИГИ, МИРЗО УЛУҒБЕК ДОСТОНИ



**СОҲИБҚИРОН ВАФОТИДАН КЕЙИНГИ
ТОҶ-ТАХТ ТАЛАШИШЛАР, ХАЛИЛ СУЛТОННИНГ
ОРАДАН КЎТАРИЛИШИ ВА ШОҲРУХ
САЛТАНАТИ ТАЯНЧИ МИРЗО УЛУҒБЕК ДОСТОНИ**

Соҳибқирон этиб оламдан вафот,
Кўрди мулки Турон кейин талофот.
Қисмат валиаҳдга бермай имконни,
Тахтга ўтқаздирди Халил Султонни.
Пирмуҳаммад гарчи даъвогар бўлди,
Охир Пир Али Тоз чангида ўлди.
Халил Султонга ҳам етиб таназзул,
Охири Шоҳрухдан паноҳ сўрди ул.
Ҳамда Улуғбекка кулиб боқди бахт,
Унга насиб қилди бобомерос тахт.
Ва лекин Ҳиротда падар бузруквор
Шоҳрух Мирзо эди танҳо ҳукмдор.
Қиссадан ҳисса шу улар ҳақида,
Жуда кўп ривоят, турфа ақида.
Дафъатан такрорлаш эмасдир жозиб,
Хоҳ бўлсин ҳақиқат, хоҳ бўлсин козиб.
Ва лекин Улуғбек донишманд даҳо,
Темурдан сўнг эрур фаҳри бу дунё!
Улуғ бобосига бўлиб муносиб,
Ўтди шону шуҳрат йўлини босиб.
Тиғ билан олмади гарчи дунёни,
Олди илми-ла лек еру самони,
Ғойибдан дилимга келиб бир хитоб,
Унга бағишланди иккинчи китоб.
Хаёлим ёришиб мисоли нажм,
Бошланди достонинг, улуғ мунажжим.
Тиклаб бўлмас чўққи гар тушса қулаб,
Кесилган бошни ҳеч бўлмагай улаб.
Билганини битган ҳар бир муаррих,
Инсон илги билан яралган тарих.
Улуғбек юлдузлар кўзидаги ёш,
Маърифат оламин ёритган қуёш.
Туркий улус учун оламда пойдор,

Бўлмаган унингдек улуғ шахриёр.
Ҳам аниқ фанлару фалакиётда
Бўлмаган унга тенг олим ҳаётда.
Самарқанд, Бухоро, Гиждувонларда,
Унинг илги етган хуш маконларда
Қурдирган мадраса, масжиди жомий,
Бозору растаю шаҳар тамоми,
Унинг кўшиши-ла бўлиб хушчиroy,
Чорбоғу боғлару ҳам карвонсарой,
Ўтса ҳам орадан нақ олти аср,
Ундан ёдгор қолган ҳисобсиз қаср,
Ҳамда расадхона, урфоний мерос,
Инсонда уйғотар буюк бир ихлос.
Шу вайдан камина дилида исён,
Аллома ҳақида ёздим бир дoston.
Ниятим таралиб эзгуликдан нур,
Бўлгай ўқиганлар дилига манзур.

ҚИСМАТ ШАМОЛИНИНГ ЕЛИШИ ВА МИРЗО УЛУҒБЕКНИНГ ОЛАМГА КЕЛИШИ

Темурнинг тўртинчи фарзанди Шоҳрух,
Салтанат тожига бахш этди шукуҳ.
Бир гавҳар берди ҳақ дил орзуйидек,
Амир уламою Мирзо Улуғбек.
Муҳаммад Тарағай аталиб оти,
Улуғ амирларга тақалиб зоти.
Шоҳлик чаманининг тўнғич фарзанди,
Ва лекин даҳрнинг суюк дилбанди.
Султония шаҳри оламга сайқал,
Ойнинг ўн тўққизи жумодул-аввал,
Мелодий санада йил ҳисоби мўрт,
Баҳор, бир минг уч юз эди тўқсон тўрт.
Унлаб темурийлар аро билингим,
Туғилди «инга»лаб битта мунажжим.
Дегайлар мевадан данаги ширин,
Татиб кўрган англр бу ишнинг сирин.
Соҳибқирон деди: «Юрсин ёнимда,
Беринг тарбиятга Бибиҳонимга».
Кун ўтиб ҳафталай йилу ой бўлар,
Қулунлар улғайиб оту той бўлар.
Ўз қисмат йўлини ўтгайдир босиб,
Ҳар ким ўз наслига бўлиб муносиб.
Улуғбек туғилган ўша замонда,

Жаҳонгирлик русум эди жаҳонда.
 Қаламдан муътабар саналиб шамшир,
 Титратиб оламни шери жаҳонгир.
 От изин той босар деган қабилда,
 Фарзанд, набиралар ҳар бири дилда.
 Ухшашни истарди Соҳибқиронга,
 Яъники ҳукмрон бўлса жаҳонга.
 Ҳар бир меросхўрга тигдан муқаддам,
 Ҳазрат Соҳибқирон тутқазиб қалам,
 Урфон дунёсига бошларди аввал,
 Андин сўнг келарди жанг-жадалга гал.
 Гўдакда бўлмасин не хислат зоҳир,
 Таълим-тарбияга боғлиқдир охир.
 Гадонинг боласи гадо бўлади,
 Подшоҳнинг боласи подшо бўлади.
 Ва лекин кам бўлур илм подшоси,
 Ақл, заковатнинг ҳукмфармоси.
 Бўлмаса илоҳим юқтирган қудрат,
 Шоир шеър айтмакка қилмагай журъат.
 Бермаса оллоҳим шуур ва илм,
 Англолмас кавкаблар сирин мунажжим.
 Донишвар этмаса агар такаллуф,
 Сўздан дур тизолмас ҳеч бир файласуф.
 Бермаса гидроку илмидан розиқ,
 Даволай олмагай ҳакими ҳозиқ,
 Оддий бемор, наки дили хастани,
 Барига масъулдир яратган ғани.
 Кўриб Улуғбекнинг зеҳну гидрокин,
 Илмга пайваста ҳам дили покин,
 Бобоси Темурким доно зот эди,
 Доим андин ҳалли мушукулот эди.
 Бобоси кўшқида ёш амирзода
 Ғаму ташвишлардан ўсди озода.
 Илм дунёсига тушмай назари,
 Бор эди камону тийру ханжари.
 Олиб саломига яраша алик,
 Унга меҳр билан амир Шоҳмалик.
 Жангий усуллардан берарди таълим,
 Яратган ўзидир азизул-аълим.
 Кишининг ошса гар ҳарбий саботи,
 Чиққандай бўлади унинг қаноти.
 Алиф, лом, мимдан сўнг келса гар алиф,
 Шубҳасиз «аллома» бўлади таълиф.
 Бобоси оламдан ўтгунга қадар,
 Улуғбек у билан юрди ҳамсафар.

Гарчи урмасада илгу кафтини,
 Узоқдан сезарди уруш тафтини.
 Не фойда ҳақ гапни сақламак пинҳон,
 Атайин тўқимак бир эзгу бўҳтон:
 «Гўё жанг-жадални севмай Улуғбек
 Илм оламида яшаш истар тек».
 Афсус бу фикрда йўқ зарра исмат,
 Илм — Улуғбекка аталган қисмат.
 Гарчи жанг-жадални севарди жондан,
 Утмакчи бўларди Соҳибқирондан.
 Ва лекин қисматнинг қонуни аччиғ,
 Қаламдек кесмасди у ушлаган тиг.

УЛУҒБЕКНИНГ БИРИНЧИ УСТОЗИ ЯЪНИ, АМИР ТЕМУР ҚИССА-ПАРДОЗИНИНГ ЖИЯНИ

Беш ёшга кирганда Мирзо Улуғбек,
 Шоҳлик чаманида бахти қутлуғдек.
 Гўзал Самарқандда Сароймулкхоним,
 Темурга дедик Улуғ Хоқоним,
 Фарзандлар ичида фарзанди фарзанд,
 Яъни неварангиз Улуғбек дилбанд,
 Заковатпешаю ақл чироғи,
 Этмасин унга ҳеч ғамнинг фироғи.
 Қуввайи ҳофизи, фаҳму идроки,
 Фариштадай маъсум нигоҳи поки.
 Буюк келажакдан бермоқда хабар,
 Этмай бу оламни у зеру забар,
 Киритар шубҳасиз тасарруфига,
 Мисрни етказиб ўз Юсуфига.
 Гарчи бўлмаса-да шоҳи жаҳонгир,
 Иншолло, илмда бўлгай осмонгир.
 Малика сўзларин Темур тинглаб хуш,
 Дедик: «Бу ҳақда мен ҳам кўрдим туш.
 Қоронғу тун эди, Улуғбек Мирзо
 Ҳамда мен, йўқ эди ҳеч ким, зим-зиё.
 Мени зулумотдан босиб ваҳима,
 Йўлни ёритишга излаб бир нима
 Топмадим, Мирзонинг қўлидан тутиб,
 Дедим ўтирайлик субҳни кутиб.
 Улуғбек дедик, қўрқманг, бобожон,
 Изимдан эргашинг, сизни соғ-омон
 Олиб боражакман урдугоҳга мен,
 Тунда жиловдорман подшоҳга мен.

Ёрабки, қарасам, эгим қотди муз,
Улуғбек қўлида бир митти юлдуз.
Зим-зиё даҳшатли тийра очунда
Йўлини ёритиб борарди тунда.
Подшоҳми, олимми ёки уламо,
Шубҳасиз, Улуғбек бўлгай зўр даҳо.
Шамширбозлик ила тийри камондан,
Фикҳу тарих ила илми осмондан
Мунтазам дарс олиб бормоғи лозим,
Бордир урдугоҳда ёш бир мулозим.
Эрур ҳар соҳанинг устоди — пири,
Зухал манглайига етгайдир тири.
Турфа илмлардан эрур хабардор,
Бўлур устозу дўст ҳамда дастиёр.
Сарой қиссахонин у жияни эрур,
Кўринишда босиқ бамаъни эрур.
Кўрган билганини ўргатса оз-моз,
Кейин талаб бўлса, топилар устоз». Ҷ
Ҳамза Малик Тусий аталиб бу зот,
Бўлди Улуғбекка биринчи устод.
Шайх Ориф Озарий номи илмда,
Гарчи маъруф эмас етти иқлимда.
Бу ҳақда Давлатшоҳ Самарқандий ҳам
Мисоллар келтирган жозиб, хушқарам.
«Шоирлар китобин» саҳифасида
Дегандир у битган шеър у қасида.
Шайх Ориф саналган ҳам машҳур шоир,
Тафаккурин этган назмда зоҳир.
Ун етти ёшларда бўлган муаллим,
Беш ёшли Мирзога берганда таълим.
Алифу бир дея бошланиб сабоқ,
Толёй йўли бўлган Улуғбекда оқ.
Бир бор Улуғбекнинг тушса назари,
Сўнг такрор айтмаган Шайхи Озарий.
Қолган Улуғбекнинг зеҳнидан у лол,
Тафаккур айлаган мўъжиза мисол.
Бўлган ҳар муслимнинг доим ҳамроҳи,
Уша замонада илми илоҳи.
Дунёвий илмга лек бўлган шайдо,
Илоҳийдан кўра Улуғбек Мирзо.
Ҳақиқат, эрка ҳам ташна бўлган у,
Устозидан ўтган унга бу туйғу.
Ҳамза Сарбадорлар қавмидан бўлган,
Аларким охири таъқибда ўлган.
Шоҳми ё гадоми олиб эркин тин,

Ким ушбу дунёда яшагай сокин?
Улуғбек боши ҳам бўлган ташвишда,
Минг ғаним дуч келган унга ҳар ишда.
Еш Мирзо яшаган саройда феруз,
Темур бу оламдан юмгунича кўз,
Унга Шайх Озарий бўлиб соҳибдил,
Таълим ўргатганди нақ беш-олти йил.
Темур вафотидан кейин Озарий,
Саройни тарк этиб чиққан ташқари.
Улуғ шоир каби шуҳрат таратмиш,
«Жавоҳир-ал-асрор» девон яратиш.
Мирзо Улуғбекнинг доно устози
Шайху шоир бўлган давр мумтози.
Ундан таълим олиб Улуғбек Мирзо,
Бўлди қисматидан тоабад ризо.

**АМИР ТЕМУРНИНГ ВАФОТИ ВА
УЛУСНИНГ ЧЕККАН ОФАТИ,
ХАЛИЛ СУЛТОННИНГ МАҒЛУБИЯТИ ВА
ШОҲРУХ МИРЗОНИНГ МУЗАФФАРИЯТИ**

Илм соҳасида сурса не хаёл,
Бари мушкулотсиз кўрсатиб жамол,
Истаган мўлжалга аниқ урарди,
Тушда юлдузларни кўриб турарди.
Утиб бу оламдан жаҳонгир Темур,
Темурийлар аро бошланди ур-сур.
Балхдан етиб келмай ҳали валиаҳд,
Халил Султон қилиб қатъий жидду жаҳд,
Самарқанд тахтининг соҳиби бўлди,
Заковат аҳлининг роҳиби бўлди.
Келиб Пирмуҳаммад бўлди даъводор,
Халил Султон уни этди тору мор.
Ҳатто ўлжа олди ҳарам гулларин,
Сайратди гулзорда ўз булбулларин.

* * *

Уткинчи бу олам, фалак бебақо,
Ҳеч кимга то ҳануз қилмади вафо.
Халил Султон эди ғурурдан сармаст,
Қисмат тик бошини охир этди паст.
Даврида улусга етиб кўп қайғу,
Салтанат ишини эплолмади у.

Шундоқ зикр айламиш у доно устоз;
«Ё шоҳ бўлиш керак, ёки шоҳидбоз».
Шодулмулк ҳуснига бўлиб маҳлиё,
Ҳам чекиб сўнг андин юз макру риё,
Давлату сарвати топиб таназул,
Охир асир тушиб Худойдодга ул,
Ақлин ишлатмаса ҳар тирик банда,
Бўлар қилмишидан расво, шарманда.
Шоҳрух юриши-ла барин айлаб мот,
Халил Султонни ҳам айлади озод.
Ота юртларини поклаб ғанимдан,
Эзгулик уруғин сочди у зимдан.
Тўнғич фарзандиким Мирзо Улуғбек
Эрди кўз ўнгида бахти қутлуғдек.
Бир мингу тўрт юзу тўққизинчи йил,
Баҳор ҳангомида Шоҳрух жанги фил
— Келиб Самарқанддек шаҳри азимга,
Чиқди бор раият унга таъзимга.
Давлат душманларин айлаб тору мор,
Этди Улуғбекни юртга ҳукмдор.
Лек унинг номидан амир Шоҳмалик,
Юртни бошқарарди мисоли малик.
Шайх Нуриддин бўлиб бундан норизо,
Доим чиқарарди кашокаш, низо.
Етмасин ғанимдан деб хавфу хатар,
Шоҳрух илож қолмай тортганда лашкар,
Шоҳмалик ишлатиб ҳийлаю найранг,
Этди Шайх Нуриддин аҳволини танг.
Уни ярашишга этиб ҳидоят,
Сулҳ тўнини кийиб ўзи ҳам ғоят,
Гўёки очибон дўстона оғуш,
Кўришди у билан қучоқлашиб хуш.
Сўнгра одамлари кўришди бориб,
Қоқиб елкасининг чангин чиқориб.
Охирги навбатда Арғудоқ деган,
Ёриб шерлар кўксин, жигарин еган,
Қучоқлаб бағрига босиб аввало,
Сўнг олди эгардан узиб у бало.
Бу ҳолни на дўсту на ғаним сизди,
Лаҳза ўтмай туриб бошини кесди.
Йил эди бир мингу тўрт юзу ўн бир,
Шоҳрухдан ноаён қолмади бу сир.
Ёғди Шоҳмаликка маломатдан тош,
Тўкди раҳми келиб кўзларидан ёш.
Арғудоқни эса тутиб урдирди,

Тантана билан сўнг Самарқанд юрди.
 Қуриб Кониғилда лашкаргоҳини,
 Шукр ила ёд этди ўз оллоҳини.
 Қўрмасдан ҳеч қандай зиёну офат,
 Падар шарафига бериб зиёфат.
 Ҳам бериб қимматли совғаю салом,
 Отаси дилини ўғли этди ром.
 Юлдузи келмасдан юлдузига мос,
 Шоҳмаликни деди Улуғбек ноҳос,
 Ҳазрат олиб кетса шаҳри Ҳиротга,
 Сийлаб амирона миндириб отга,
 Азалдан не бўлса қисматдир қози,
 Уғлини айлабон мамнуну рози.
 Шоҳруҳ Шоҳмаликни айлаб ҳамсафар.
 Кетди Ҳирот томон изидан лашкар.
 Мовароуннаҳрда танҳо ҳукмдор,
 Эрди, тўлганида ўн етти баҳор.
 Давлатни идора айлабон танҳо,
 Шаҳру равот бўлиб адлидан зебо.
 У маҳал кўп эди жангу урушлар,
 Шоҳруҳ қилганида ҳарбий юришлар,
 Улуғбек қатнашар эди жуда кам,
 Ё лашкар юборса етарди шу ҳам.
 Лекин томрида бобоси қснн,
 Истарди подшоҳи бўлса дунёни.

УЛУҒБЕК АМАКИВАЧЧАСИ АҲМАД МИРЗОНИ ҲАРБИЙ КЕНГАШ УЧУН ТАКЛИФ ЭТГАНИ, УЛ ЭСА БАДГУМОНЛИК ҚИЛИБ ОРАЛАРИ БУЗИЛИБ КЕТГАНИ

Бир мингу тўрт юзу ўн учинчи йил,
 Улуғбек иш тутди шоҳона дадил.
 Интилса илиги етгудек ойга,
 Муҳаммад Жаҳонгир Соли саройга.
 Ҳам Ҳисор мулкида эди ҳукмрон,
 Лекин Улуғбекка тобеъи фармон,
 Муҳаммад Султонким марҳум валнаҳд,
 Унинг ўғли эди чун соҳиби маҳд.
 Умаршайхни этсин яратган раҳмат,
 Унга фарзанд эди ёш Мирзо Аҳмад.
 Қисмат китобини кўрингки ножўр,
 Ундан бу оламда қолган меросхўр.
 Машваратга келмай бўлиб бадгумон,

Дилида уйғонди шўришу исён.
Улуғбекнинг эса бошида тожи,
Фикрида бепоён ўлка хирожи.
Ўйлади хушдурур мулки ягона,
Мулк муҳрига эрур кўздек Фарғона.
Ул ёндан сиғса гар муғуллар ҳадди,
Бостириб келгайдир, мулкнинг сарҳади.
Шай бўлмак ўйида жангу низога,
Чопарин юборди Аҳмад Мирзога.
Боязид биноан олий фармонга,
Жадаллаб от сурди водий томонга.
Келиб Андижонга отидан тушди,
Уни кўриб Аҳмад эти увушди.
Ул замон бўлса ким гар дасти узун,
Қўли қисқасини этарди нигун.
Ғолибсан ё зару ё зўринг билан,
Мағлубсан ё зору ё гўринг билан.
Аҳмад Мирзо билди оддий кенгашмас,
Улуғбек билан у ҳаргиз тенглашмас.
Ичида шундоғ у бадгумон қилар,
Кенгашга борса гар терисин шилар.
У шоҳми, гадоми оламда бесўз,
Тупроққа тўймаса тўймас экан кўз.
Отаси сал бурун берди вилоят,
Этмакчи фарзанди бугун сироят.
Салтанат бир чоҳким йўқ эрур туби,
Ҳийлаю найрангдир ишнинг марғуби.
Билаклар кучида тафовут камдир,
Ақлда ким кучли-шоҳи оламдир.
Боязидга бериб тўрт кун зиёфат,
Улуғбек мирзога тайёрлатди хат.
Деди: «Измингдамиз мудом Улуғ Бек,
Ягона фарзандим кўз қорасидек,
Боргай Амир Султон сенга гаровга,
Солсанг ҳам майлига суву оловга.
Мен сенга тобеъман бир Амир мисол,
Саодат кўкидан кўринган ҳилол».
Боязид ҳудайчи бўлиб фархунда,
Қайтди Самарқандга нақ олти кунда.
Улуғбекка берди Аҳмад мактубин,
Доно кўз кўргайдир денгизнинг тубин.
Саркашлигин англаб Улуғбек Мирзо,
Итоат калити дедик: Низо.
Ноғора қоқдирди Фарғона тараф,
Изидан лашкари жунади саф-саф.

Бир пайтлар бобосин чиққанда жаҳли,
 Шундоғ эргашарди унга жанг аҳли.
 Белида Темурдан ёдгорлик шамшир,
 Беш ёшида инъом этганди ахир.
 Амир Жоңдор борар жавонғорида,
 Музаффар Барлосдир баронғорида.
 Гул-яъни марказда Мирзонинг ўзи,
 Тикилса юлдузни тешгудай кўзи.
 Еш Аҳмад Мирзо ҳам аҳли жанг эди,
 Шамширбоз мергану чун наҳанг эди.
 Улимдан қўрқмасди келганда ҳам дуч,
 Ва лекин сездики ёнғоғидир пуч.
 Шу боис рақибга ўгириб орқа,
 Ичида дедики сендан «томорқа».
 Аҳси, Андижонда қолдириб қўшин,
 Тоққа урди ўзи бургутдек тўшин.
 Тоғлар тоши қаттиқ ботаркан тўшга,
 Паноҳ излаб борди охири Ушга.
 Улуғбек Мирзонинг лашкари жанги
 Ташланиб ғанимга мисли паланги
 Аҳси ва Андижон қўрғонин олди,
 Бир қисм қўшини шу ерда қолди.
 Қозониб биринчи савашда зафар,
 Самарқандга қайтди Мирзо бехатар.
 Аҳмад Мирзо кериб баъди жанг тўшин,
 Йиғиб атрофига жуда кўп қўшин.
 Ҳамда мўғулларнинг қўшинин ёллаб,
 Шабохун айлади ўз юртига заб.
 Улуғбек қолдирган қўшин қисмини
 Хокка қориштирди тирик жисмини.
 Аҳси, Андижонни ололмади лек,
 Қўрғонлар оғушин очмасдан қиздек,
 Асраб тажовуздан исматларин пок,
 Аҳмад Мирзо қолди афтода, ғамнок.
 Мўғул аскарлари Уш шаҳрин талаб,
 Мўғулистон кетди ўлжа орқалаб.
 Ғанимга мадад деб кимки эланар,
 Оқибат ўзининг юрти таланар.
 Аҳмад Мирзо қолиб хавфу хатарга,
 Тольёинн қидириб кетди Қашқарга.
 Титкилаб қарасанг бу кўҳна тарих,
 Қонли варағида килки муаррих.
 Айтган ҳақиқатни рўйи рост чандий,
 Шундоғ битмиш машҳур ул Самарқандий:
 «Бир мингу тўрт юзу ўн бешинчи йил

Шоҳрух мактуб битмиш мазмуни шу хил.
Эшитдик Аҳмад ва Улуғбек Мирзо
Орасида чиқмиш жанжалу низо.
Ироқда етганда бу нохуш хабар,
Андишадан бўлди дил зеру забар.
Ҳиротга келганда бўлдики аён,
Кетаётган эмишлар мўғуллар томон.
Билингки бўлсакда гар мағлубу зўр,
«Бешикдан гўргача» эрурмиз ғамхўр.
Орага тўғаноқ бўлолмас ҳеч ким,
Муслимга доимо дўст эрур муслим.
Биз эса устига ота-боламиз,
Шоҳлик чаманида гулу лоламиз.
Қайтиб келсангиз гар қилмасдан араз,
Бизни отангиздек айлабон фараз,
Бар ҳақи ҳурмати падарим Темур,
Жафо тиғи эмас, етар фақат нур.
Сиз билан ким келса этилар эъзоз,
Жарима, тўловлар кечилади воз.
Қилмасдан ҳеч қандай таҳқиру таъна,
Берамиз улуфа ҳамда бошпана».

* * *

Бу дунё қассобу сўяр пичоқсиз,
Унинг қурбонлари сону саноқсиз,
Йил ўтмай орадан ба ҳукми қазо,
Қашқарни тарк этди Аҳмади Мирзо.
Келди бошин эгиб шаҳри Ҳиротга,
Амаки Шоҳрухга, яъни нажотга.
Оддий одамлардек шоҳлар ҳам мудом
Ўзгариб туради қилишиб муқом.
Аҳмадга бермасдан шаҳру вилоят,
Ҳиротда сақлашди айлаб назорат.
Аҳмад ушбу ҳолдан бўлиб норизо,
Ҳамтовоғи бўлиб Илангир Мирзо,
Эртадан кечгача ичишиб шароб,
Бўлди икковининг аҳволи хароб.
Кимки ичкиликка қўйса гар ружуъ,
Бахтдан икки олам маҳрум бўлар у.
Темур салтанати бўлмасди поймол,
Етмаса фаҳшу май бирла гар завол.
Қирқ йил Темур йиққан бойлиги жаҳон,
Бўлди кўп ўтмасдан торожу талон.
Тиғига ишониб қолган авлоди,
Кетди бу оламдан чиқиб барбоди.

УЛУҒБЕК МИРЗОНИНГ УЗИНИ ЖАНГ-ЖАДАЛГА УРИШЛАРИ ВА ЖАҲОНГИРЛИК ТАМАННОСИДА МУҒУЛИСТОНГА ҲАРБИЙ ЮРИШЛАРИ

Жангда бахти кулиб Улуғбек Мирзо,
Қисматидан эди гўёки ризо.
Агарчи урушнинг ҳадисин олмай,
Отаси сўзига у қулоқ солмай,
Икки бор келса ҳам Шоҳрухдан чопар,
Уни рад этишга баҳона топар:
«Сафарбарлик қилдик барчага эълон,
Аксини қилишга сира йўқ имкон.
Душман қўрқди дея гумон қилса гар,
Бизга қарши шаксиз тортади лашкар.
Келиб бошимизга солгунча бало,
Ёвни ўз юртида янчмоқлик авло».
Иссиққўл қўрғонин киритиб қўлга,
Қочириб Жаҳоншоҳ қўшинин чўлга,
Айлади изидан таҳлика, таъқиб,
Кетди қорасини кўрсатмай рақиб.
Бу жангда саркарда Арслонхўжа
Шер бўлди, ғанимчи наздида жўжа.
У туфайли топиб Улуғбек зафар,
Самарқандга қайтди изидан лашкар.
Қаршида қолдириб икки минг ботир,
То яшм тошини бут, бежавотир,
Самарқанд шаҳрига боргайлар олиб,
Хитойдан бу тошни Темурбек ғолиб,
Келтирган эдилар Қаршига қадар,
Ва лекин Жаҳоншоҳ ва минглаб аскар
Самарқанд элтишга тополмай илож,
Қаршида қолганди мўъжизавий тош.
Улуғбек қодирдир чора тадбирга,
У тошни келтириб Гўри Амирга,
Бобо сағанаси узра қўйдириб,
Ҳам унга нақш этган битик ўйдириб.

* * *

Бу дунё борлиги шодлигу алам,
Гоҳ кўнгил яйрагай, гоҳ босади ғам.
Бобоси тахтида Мирзо Улуғбек
Узини ҳис этди улуғ Темурдек.
Уйлади кетма-кет қучаман зафар,
Измигга киради ўлка, юрт, шаҳар.
Қашқару бепоён кенг Мўғулистон,

Кейин мулки Хито ила кенг жаҳон.
 Бошимда олтин тож, пойимда авранг,
 Шарқу Фарб Баҳру Бар, хушманзар фаранг.
 Бирма-бир киргайдир итоатимга,
 Сўзсиз бўйсуншиб ёрлиқ-хатимга.
 Наинки Самарқанд мулкида султон,
 Шубҳасиз бўламан подшоҳи жаҳон.
 Манглайда борини кўргай одамзод,
 Шукрона айласин ёки десин дод.
 Жаҳонгирлик лекин ўша замонда
 Ёлғиз орзу эди ҳар шоҳ, султонда.
 Босмасанг агарда, босишар эди,
 Енгмасанг, енгишиб, осишар эди.
 Илму фан, шоирлик, дақойиқ, санъат,
 Жаҳонгирлик каби уйғотмай рағбат
 Улуғбек бўлса ҳам дарёи илм,
 Юришга ўч эди, на фозилу ҳилм.
 Тарих лавҳасида шундоғ битик бор,
 Улуғбек Бароққа бўлиб мададкор,
 Сиғноқни жанг билан айлайди тобё,
 Ўзбек Муҳаммадхон хонахаробе,
 Тегиб ҳукмдорлик Бароқ ўғлонга,
 Кейин мойил бўлди кўнгли исёнга.
 Бароқнинг бобоси Ўрусхон ўғлон
 Сиғноқни Темурга бергани аён.
 Бароқ соҳиб бўлиб ҳокимиятга,
 Қўшилмай охири эзгу ниятга
 Улуғбек Мирзодан сўрамай рухсат,
 Сиғноқни эгаллаб олиб бир фурсат,
 Жўнатиб юртига Арслонхўжани,
 Иш қилди тарихда жуда бемаъни.
 Арслонхўжа келиб қилганида арз,
 Кетди ҳамжиҳатлик орасида дарз.
 Чопар юборибди ҳамда битиб хат:
 «Бобом меросидир ҳукми шариат,
 Қайтариб олишга менда асос бор,
 На сенга қарши бир кеку қасос бор».
 Бу ҳолдан Улуғбек бўлиб дарғазаб,
 Султон тинчи кетди, бузилди асаб.
 Уша он чалдириб ноғора, бурғу,
 Интиқом кўйига қанот ёзди у.
 Шоҳрух бу хабарни эшитган асно,
 Деди: «Бу юришинг кераксиз, асло
 Қўшин тортмагайсан Бароқ ўғлонга,
 Кейин қолажаксан бил пушаймонга».

Отаси сўзига кирмай Улуғбек,
 Урушга отланди довюрак шердек.
 Бу ҳолдан дилида ташвиш кадари,
 Охири ноилож таянч падари,
 Муҳаммад Жўкиким фарзанди хурди,
 Келарми, келмасми урушда бурди,
 Бир лак лашкар билан етганича ҳад,
 Улуғбек Мирзога юборди мадад.
 Бир мингу тўрт юзу йигирма етти,
 Изма-из Жўки ҳам Сигноққа кетти.
 Сигноқнинг йўлида икки бародар
 Учрашиб, бирлашди беҳисоб лашкар.
 Ешлик ғурури-ла икки шаҳзода,
 Ишониб ўзига ҳаддан зиёда.
 Назар-писанд қилмай Бароқ ўғлонни,
 Гўёки шер бўлиб, қувиб қуённи,
 Ғанимнинг устига боради босиб,
 Шерга шер жанггоҳда эрур муносиб.
 Бароқ ўғлон кўрса кучи эди кам,
 Ҳийла ишлатишга тушди муттаҳам.
 Макру фириб ила соҳиби хирад
 Айлагай ўзидан ҳар балони рад.
 Пасту баландликдан мўлжалга олиб,
 Тун зулмати чўккач шабохун солиб,
 Бароқ ўғлон андоқ тушдики жангга,
 Сичқоннинг уяси бўлиб минг танга,
 Мирзо Улуғбекнинг лашкари тўзиб,
 Қочди бир-биридан навкарлар ўзиб.
 Ночор чекиндилар Самарқанд томон,
 Беҳуда, бефойда тўкишиб кўп қон.
 Айрим самарқандлик мулозим-палид,
 Дарвозани очишга бўлишади зид.
 Ва лекин кенгашиб арқони давлат,
 Дарвоза очилиб, мунгли бесавлат.
 Шаҳарга киради икки шаҳзода,
 Мағлубу шарманда ушбу дунёда.
 Бу пайт Бароқ ўғлон айлабон зуғум,
 Самарқандга қилиб келарди хужум.
 Чалиниб касалга Муҳаммад Жўки,
 Унга тегиб ғаним ёйининг ўқи,
 Самарқандда қолди хастаю бемор,
 Унинг қўшиниким Ҳирот, Қандаҳор,
 Навкарларин қўшиб ўз лашкарига,
 Улуғбек отланди ғаним сарига.
 Қишлоқ шаҳарларни аёвсиз талаб,

Бароқ ўғлон қайтди ўлжа орқалаб.

Шоҳрух Мирзо эса Ҳиротдан бу он
Чиқиб келар эди Самарқанд томон.

Бу икки хабардан Улуғбек гаранг,

Отаси йўлига чиқди ҳоли танг.

Ҳисобсиз қўшини Тошкентда қолиб,

Термизга шошилди қисматдан нолиб.

Самарқандга келиб Шоҳрух Мирзо сўнг

Тафтиш ўтказади қатъий ҳамда чўнг.

Мағлублик сабабини ўрганиб расо,

Бир неча амирга беради жазо.

Улуғбекни этиб кўп қийин-қистов,

Уни ҳам аёвсиз қилади тергов.

Этиб анча муҳлит хор, безътибор,

Дўку сиёсат-ла сўнгра этиб кор,

Қайтариб беради тожу тахтини,

Мирзо Улуғбекнинг истаб бахтини.

Сўнг ўзи Ҳиротга кетади қайтиб,

Ҳар не айтганини ўғлига айтиб:

«Қилич тутсанг, келса ғам устига ғам,

Қалам тут, мирзолик айлагил, болам,

Туғма истёдодинг бўлмасдан абас,

Илму маърифатга бахш эт ўзни бас».

Темур фарзандлари ичида Шоҳрух.

Илму фозилликда эди шоҳу рух.

Андин Улуғбекни Шоҳрух баҳодир

Ошкор билар эди неларга қодир.

Улуғбек анча пайт ўнглолмай ўзин,

Айтди сўнг ўзининг айтгувчи сўзин:

«Гарчи забт этмадим рўйи жаҳонни,

Лекин забт этурман илми осмонни».

Илмга берилди шу ондан бошлаб,

Чиқди юлдузларга зина тарошлаб.

УЛУҒБЕКНИНГ ЖАНГ-ЖАДАЛДА НА ОМАДИ КУЛГАНИ ВА ЖАҲОНГИРЛИК ДАЪВОСИДАН ИЛМУ МАЪРИФАТГА БЕРИЛИБ ҚУТУЛГАНИ

Надоматлар чекиб Улуғбек Мирзо,

Бўлди қисматидан аввал норизо.

Эди у омадсиз мағлуб саркарда,

Темурийлар аро бу баҳру барда.

Бўлмасин қанчалар илму закоси,

Йўқ эди ҳийлаю макру риёси.

Гарчи уролса-да зарб ила шамшир,
 Ва лекин қиличдан ўткирроқ макр.
 Бўлмай ҳар соҳада туғма истеъдод,
 Шараф қозонолмас ҳаргиз одамзод.
 Темурийлар аро ёруғ оламда
 Қайҳонкушо эди Мирзо қаламда.
 Унга бахш этганди илоҳий рифъат,
 Осмон сирн бирла илму маърифат.
 Гарчи ўтирсада юрт сўраб тахтда,
 Донолар доноси бўлмоқлик бахт-да!
 Илмни эрмак деб ўйларди аввал,
 Жангу жадалларни биларди афзал.
 Сўнг шўнғиб илмга жангни унутди,
 Ғам қушини ҳайдаб, Ҳумони тутди.
 Кетиб атрофидан жангий амирлар,
 Бошланди ислоҳот, қуриш таъмирлар.
 «Замон Афлотуни» устози Румий,
 Анга сабоқ берди «Фалакнинг хуми»
 Нелардан иборат, эрур не янглиғ,
 Эрур замин узра фалак туфанглиғ.
 Юлдузлар турфадири сокин ва учар,
 Бирн жилмас, бирн лаҳзада кўчар.
 Бу ҳақда зикр этган «Нури мунзалда»,
 Истаса яратган ҳар бир маҳалда.
 Учар юлдуз бирла айлағайдир мавҳ,
 Илоҳий каломда бўлмағайдир савҳ.
 Хаёлу нигоҳи бўлиб самода,
 Улуғбек устози Шайх Қозизода,
 Юлдузлар илмидан варақлаб китоб,
 Яратди тафаккур бирла устурлоб.
 Фалак сирн андин очилиб аста,
 Юлдузлар тушгандай бўларди пастга.
 Улуғбек Мирзони илми ситора
 Узига боғлади, йўқ ўзга чора.
 Кузатди юлдузлар ҳаракатини,
 Чизди тимсол айлаб битик хатини.
 Устоз сўзи билан кечиктирмай зуд,
 Самарқандга келди Қошонлик Масъуд.
 Аллома эди ул илми фалакда,
 Нурдан тез учарди фикрати тақда.
 Сўнгра Муъиниддин қошонлик олим,
 Мирзо Улуғбекка ўргатди таълим.
 Улуғбек шогирду ҳам устоз эди,
 Донолар базмидан сарафроз эди.
 Бобоси тахтида ўтириб мағрур,

Қалбида бир олам шодлигу сурур.
 Севимли малаклар ҳарамгоҳида,
 Фарқ бўлиб ишрату айшнинг чоҳига,
 Бошида оламнинг ташвиши-хуми,
 Устоз Қозизода Мавлоно Румий,
 Фиёсиддин Жамшид Масъуд Кошоний,
 Илму фан бобида бари осмоний.
 Ҳамда Али Қушчи шогирди пеша,
 Устозин қадрлаб келган ҳамиша.
 Сайид Имом ила Шайхи Хавофий
 Эди дақойиқда фикрати кофий.
 Мавлоно Хаёлий, Исмаат Бухорий,
 Фазлуллоҳ Абулайс тилшунос қори,
 Бари Улуғбекнинг атрофида жам,
 Азизлик топишиб, бўлиб муҳтарам,
 Худо ишларига берди баракат,
 Тўрт йилча айлаб ул саъю ҳаракат.
 Самарқанд шимоли Обираҳматда,
 Жидду жаҳдлар била қисқа фурсатда,
 Кўҳак тепалигин этиб шоҳона,
 Қурдирди унда бир зўр Расадхона.
 Унгача Улуғбек мадрасасида
 Илмий ишлар қилди теран, расида.
 Расадхона битиб дилларга сурур,
 Бўлди у охири оламга машҳур.
 Али Қушчи билан бунда Улуғбек
 Само юлдузларин кузатаркан тек.
 Оламда ягона улуғ мунажжим,
 Юлдузлар ҳақида ўйлар эди жим.
 Хурофот аҳлига туюлиб ғалат,
 Баъзилар бу ишни дейишиб бидъат.
 Биров бой, бировлар гадо — бечора,
 Ҳар ким ўз иши-ла бўлиб овора.
 Бекорчи, ғаламус топиларди кам,
 Уларга серобдир гарчи бу олам.
 Ҳар бошда бўлса гар илм хаёли,
 Шубҳасиз кулгайдир унинг иқболи.
 Илмдек бойлик йўқ асли дунёда,
 Сарф этсанг камаймас, бўлар зиёда.

МИРЗО УЛУҒБЕК ҲАҚИДА КОШОНИЙ АЙТГАН АҚИДА

Теҳрон ва Исфаҳон ўлкаси аро
 Бордир бир шаҳарча гўзал, дилоро,

Бу мўъжаз шаҳарча аталиб Кошон,
Бўлган уламою шайхларга макон.
Буюклар хокидир Эрон тупроғи,
Фирдавсию Саъдий, Ҳофиз ингроғи,
Эзгулик мисоли такрор тилларда,
Завқу шавқ бағишлаб кўп манзилларда,
Алар шуҳратидан лол қолиб дунё.
Гўзал санъатига бўлиб маҳлиё,
Бугун алар эрур жаҳонга маъруф.
Уларга ҳамватан ҳам хуштакаллуф.
Жамшид ибн Масъуд Фиёс Кошоний,
Бўлсин фароғатда руҳи равони.
Осмоншунос эди, ҳам математик,
Боқарди оламга дониш ила тик.
Илми тиб, тариху фиқиҳу лисон
Бобида эрди у устоди замон.
Илмий ишларини бажариб шитоб,
Тадқиқот маҳали очмасди китоб.
Тирнк қомус эди қадим Кошонда,
На Кошон эҳтимол рўйи жаҳонда.
Марказий Осиё, қадимий Эрон,
Ғарбу Шарқ ҳаттоки сеҳрли Юнон
Олимлари ёзган турфа хил асар,
Эди Кошонийга маълум мухтасар.
Арасту Афлотун ила Евкалид
Унга тутқазганди сеҳрли калид.
Мижастий шаклида тузар эрди тарҳ,
Ҳам уни қийналмай айлар эди шарҳ.
Ал-Беруний ёзган улуг «Ҳиндистон»,
Кошоний диққатин тортарди ҳар он.
Шунингдек гоҳида «Қонуни Масъуд»,
Иштиёқи бирла этарди беҳуд.
Гарчи ишонарди қодир худога,
Тибда эргашарди лекин Синога.
Аслида дунёнинг ҳикмати бисёр,
Уни этиб бўлмас ҳеч маҳал инкор.
Хуросон шайхларин билиб муҳтарам,
Мазҳаби, мазҳаби — Имоми Аъзам.
Комилни ҳар доим танигай комил,
Буюкликка эрур буюклик омил.
Мирзо Улуғбекнинг шуҳрати ошиб,
Ўзиб устозидан қолди у шошиб.
Ҳар неки билса гар Шайхи Озари,
Юқди Улуғбекка уларнинг бари.
Сўнг замон устоди донишнинг хуми,

Унга илм берди ҳазрати Румий.
 Румийдан уч-тўрт йил олиб у сабоқ,
 Бўлди фалакиёт илмида у тоқ.
 Қозизода Румий ногаҳон бир кун
 Улуғбек дилига ташлади учқун.
 Соҳибқирои Темур тирик маҳали,
 Самарқанд бўлганди замин сайқали.
 Жаҳон олимлари, устою мемор
 У зоти шарифдан топиб эътибор,
 Бари интиларди Самарқанд томон,
 Бир улуғ олимни бағрида Кошон.
 Пинҳон сақламоқда дурдир сарафда,
 Таърифи ёйилиб барча тарафга,
 Уни чорласалар ҳазрати олий,
 Бундан ҳам юксалгай толеъ иқболи.
 Жамшид ибн Масъуд Фиёс Кошоний,
 Уламолар аро устои соний.
 Аниқ фанларга у бағишлагай жон,
 Бир сўз билан айтсак қомуси замон.
 Ҳаялламай шул он Улуғбек Мирзо
 Фармони Олийга чекдилар имзо.
 Ҳамда юборилиб совғаю-салом,
 Айлаб уламонинг дилини шодком.
 Чорлаб келтирдилар Самарқанд шараф,
 Донолар қадрига етганга шараф.
 Иштиёқ ўтида куйдириб эгам,
 Сиёҳдан бўлса гар денгиз бекарам,
 Сеҳрли алфозинг ёзсам, эй худо,
 Шубҳасиз тез кунда бўлади адо.
 Бағри қон шоиру мажнун уламо
 Мақсадга етгунча тинчимагай то.
 Бўлсин яратганга ҳазорон шукур,
 Берди бандасига юрак ва шуур.
 Аён бўлсин учун ошкор ҳақиқат,
 Кўчирма бўлса-да аслида бу хат.
 Унда Кошонийнинг нафаслари бор,
 Улуғбек Мирзонинг ҳаваслари бор.
 Кошоний айлаган шундоғ эътироф,
 Мен зарра қўшмадим уйдирма ё лоф.
 Отасига ёзиб Кошоний мактуб,
 Қимматли фикрлар билдирган марғуб.
 «Расадхона мени банд этиб жуда,
 Асло юролмадим ўзга орзуда.
 Гарчи девона дил табъи назм эрур,
 Гарчи ўйин кулгу айшу базм эрур.

Илму фанда эди менинг ёзуғим,
 Кўринмас ип билан боғлиқ қозигим.
 Кўзим қиймас эди ташлаб кетишга,
 Ўзимча ўзга бир шуғул этишга.
 Олам китоблари унда жамулжам,
 Илм дарёсига шўнғиган ҳар дам,
 Чуқурроқ шўнғиса ошади шавқи,
 Камаймас, ортгандан ортади эвқи.
 Бизнинг Қошонда-чи уч-тўрт уламо,
 Ўзини санашар тиргаги дунё.
 Бунда-чи олимлар беҳадду ҳисоб,
 Ҳар бири саволда ҳозир у жавоб.
 Бўлгандек гуручда курмак ила тош,
 Олимлар аро ҳам учрар қовоқбош.
 Улар кўрсатишмас илмга рағбат,
 Қилмишлари эрур иғвою ғийбат.
 Ҳамда нўноқликдан ақидадузлик,
 Риёкорлар эрур бари қўшюзлик.
 Гоҳи салтанату гоҳ илм ила,
 Мирзо ҳазратлари хуш ҳилм ила,
 Майда-чуйдаларга бермас эътибор,
 У зотдан топмагай ҳеч кимса озор.
 Бировни чўктирар на подшоҳдек тиз,
 Ўзи тиз чўқару олдидаги миз,
 Доим битикларга тўла лиқ эрур,
 Фикрлари аниқ ҳам бўлиқ эрур.
 Севимли китоби «Қонуни Масъуд»,
 Хайрли ишига бағишларди суд.
 Кўплардан яширин ҳақиқий ҳолат,
 Кўрган кўз бергайдир бунга кафолат.
 Оллоҳ давлатини қилсин зиёда,
 Унингдек улуғ шоҳ йўқдир дунёда,
 Охират кунда кечирсин холиқ.
 Ёзаман ҳам ўзим бериб гувоҳлик.
 Муқаддас китобким «Қуръони карим»,
 Менинг ҳам бу нурга тушган назарим.
 Ярмини ёд билиб «Нури мунзал»нинг,
 Илоҳий китобу нурга сайқалнинг,
 Шарҳ этиб сураю ҳар оятини,
 Англарди мазмуну кифоятини.
 Тақозо қилинса шавқ билан жондан,
 Иқтибос келтириб улуғ «Қуръон»дан,
 Аҳли сомеъларни айлар эди лол,
 Ўзи ҳам ҳар кун шоҳи безавол,
 «Қуръон» ҳофизларини чорлаб ҳузура,

Еддан айтар эди иккита сура.
 Ҳайратга тушарди аҳли уламо,
 Қилмасди Улуғбек бирорта хато.
 Езса арабчада агарда Султон,
 Унда топилмасди имловий нуқсон.
 Фиқҳ ва қонунда эди забардаст,
 Мантиқда донолар ақлин этиб паст.
 Ҳам илми тарихда беназир бўлиб,
 Қуйда муғаннийдек дилпазир бўлиб,
 Фалакиёт ила риёзиётда
 Унингдек аллома камдир ҳаётда.
 Бир кун от устида соҳибихтиёр,
 Ойнинг ўн бешида деди неча бор,
 Душанба кунлари бўлади содир,
 Ҳам ўзи фикрида ечмакка қодир.
 Санаб айтиб берди ўтмасдан фурсат,
 Текшириб кўрса ҳар соҳиби журъат,
 Шоҳнинг айтганлари тўғри юз фоиз,
 Эди тахайюли буюк ва чексиз.
 Уша маҳалдаги ҳеч бир замондош
 Аниқ тополмасди қотирганда бош.
 Гўё ўзи тузиб тарҳин солганди,
 Бу фан ҳадисини андоқ олганди.
 Маъруза айларди Носиридиндан,
 Гоҳида тариху гоҳида диндан.
 Аҳёнда «Тухфа»ю фалакиётдан,
 Кўпинча завқ ила илми ҳаётдан.
 Маъруза қилганда Улуғбек Мирзо,
 Наинки шогирдлар, аҳли уламо
 Унинг маъвизасин тинглардилар лол,
 Қўл чўзса самога тушгудай ҳилол,
 Эди у суҳандон ҳам буюк нотиқ,
 Хушхон кўрмаганман мен ундан ортиқ.
 Бўлса-да озгина такрори калом,
 Мадраса ҳақида этаман давом.
 Келиб Самарқандга барча уламо
 Уз йўлида эди ҳар бири даҳо.
 Дарс бериб илоҳий, илми замондан,
 Кўплари ҳисобу илми осмондан.
 Тўрт улуғ аллома ёзишиб китоб,
 «Риёзиёт» ила «Тажниси ҳисоб».
 Қозизода Румий ёзиб «Чамгиний»,
 «Ашқалот-таъсис» у яъни тўртини
 Улуғбек Мирзога этишди инъом,
 Бу эрур ҳақиқат, на ҳаёли хом.

Ҳар ким ҳар соҳада айлабон ижод,
Бўлди шоҳ асарлар шу янглиғ бунёд.
Эсимдан чиқибди камтарин ғулوم,
Бу ерга келганда айлаб эҳтиром,
Сўрашди барчаси ошқору ниҳон,
Неларга қодирдир бу янги меҳмон,
Уша маҳаллари Улуғбек Мирзо
Ҳисобдан дарс бериб турарди гоҳо.
Ушбу дарсларига қатнаб камина,
Ундан таълим олдим зина-базина.
Имтиҳон қилиниб гоҳ аҳли илм,
Не савол тушишин билмасди ҳеч ким.
Баҳслашув авжига чиққани фурсат,
Оллоҳим дилимга солдию журъат,
Бердим муаммолиғ саволга жавоб,
Бу ҳақда мен уққан баъзи бир китоб —
Кўпларга нотаниш, жумладан устоз,
Менга қараб деди, айлабон эъзов:
«На шогирд экансиз, устооди замон»,
Кўзимга паст бўлиб туюлди осмон.
Бу ерга камина келгунга қадар
Бир оз муаммолар туғилган магар.
Улар узоқ маҳал тортишган, аммо
Вале ечилмаган ушбу муаммо.
Қурмоқчи бўлишиб йирик устурлоб,
Минглаб юлдузларни этгани ҳисоб.
Барча ҳисобчига берилган фармон,
Бу ишни то бари бажарса бир жон.
Бир юзу элликта юлдузни аранг
Эплаб, қолганига бўлишган гаранг.
Боши берк кўчага кириб қолишган,
Имқони йўқ дея шоҳга нолишган.
Уларга бу янглиғ зўр кашфиётда,
Толиби илмлар рнэзиётда,
Ҳатто «Ер ўлчагич» алломалар ҳам
Бир мадад беролмай бўлишган сархам.
«Зижи Илҳонийким» — Илҳон Жадвали,
Уларга тажриба қилган маҳали,
Илмий талабига беролмай жавоб,
Бари ожизона қилишган хитоб.
Қанча қилишмасин улар тафаккур,
Лекин чақмоқлари таратмади нур.
Мен келган кунини ҳам яна бу савол
Ташланиб, барчани этган эди лол.
Камтарин ғуломи ул машваратда,

Қолдириб уламо аҳлин ҳайратда,
Қалава учидан горғибон роса,
Чиқардим ягона тўғри хулоса.
Улар хатосини кўрсатдим ҳамда
Барини лол этдим мен ўша дамда.
Шошиб бошдан қадам қўйишган янглиш,
Ситорашунослик эмас осон иш.
Ҳазрати Шоҳрухга ўн беш йил бурун
«Ҳоқонлар жадвалин» тузганимда чун,
Бўлиб бу муаммо йўлларимда ғов,
Илмий асослаган эдим беаёв.
Бу жадвал сўнг бўлиб кўпларга асос,
Баҳраманд бўлгандир ҳар юлдузшунос.
Форсийда битилиб ушбу тадқиқот,
Ситора илмида бўлган мўъжизот.
Юлдузлар илмига Темур ва Шоҳрух
Қизиқиб бу ишдан излаган шукуҳ.
Гарчи бўлсалар-да забардаст олим,
Ҳазратга хуш ёқиб менинг мисолим,
Дедики: «Офарин Жамшиди замон,
Ва лекин подшоҳи улуми осмон.
Эрурсиз бу ишнинг сиз Евкалиди,
Шубҳасиз бу қулфнинг сизда калити.
Сиз уни тафаккур бирла очасиз,
Бошларга сочқилар айлаб сочасиз.
Устод Румий сизни мақтарди бисёр,
Кўриб таърифига биз бўлдик иқрор.
Чиқинг тафаккурдан зина тарошлаб,
Устоди Кошоний, бугундан бошлаб,
Ўзингиз бўлурсиз сардор мунажжим,
Юлдузлар ҳолатин бизларда ҳеч ким,
Сиз каби англолмас теран ва мумтоз,
На мену на ҳатто Румийдек устоз.
Шу бонс янгидан қуриб тарҳини.
Аниқланг бизларга улар шарҳини.
Бизнинг уламолар бир йилдан буён
Бу иш сирин билмай ўй сурар ҳайрон.
Қуёш соатини соллолмай ишга,
Барчаси мук тушган китоб титишга.
Заминнинг ўқидан улар турган жой
Чеккароқда экан билсак, ҳойна-ҳой».
Султоннинг сўзидан руҳланиб кетиб,
Бир кунда бу ишнинг тагига етиб,
Бердим хулосамни шоҳи жаҳонга,
Улар устод эди илми осмонга.

Катта устурлобни тушириб ишга,
 Менинг хулосамни солиб тафтишга,
 Текширган чоғлари топилмай нуқсон,
 Чикди бари аниқ тўғри ва шоён.
 Шунингдек дейишди бир туйнук очсам,
 Ботаётган чоғи самодаги шамъ,
 Шом намози вақтин билдириб манзур
 Узатса ўзидан сўнгги зарра нур.
 Яратган подшоҳдир ушбу очунда,
 Бу ишни саранжом этдим бир кунда.
 Ишимда бу янглиғ мисслар бисёр,
 Мени қадрларди улуғ ҳукмдор.
 Ошиб борган сари шуҳратим маним,
 Зимдан кўпаярди дўсту душманним.
 Ҳақиқий истезодод бўлса гар кимда,
 Бундай шахс билингки, етти иқлимда
 Ўзидан етукка қилмагай ҳасад,
 Аксинча шод бўлар, ўзи топса ҳад.
 Эзгуликлар ила қилар кашфиёт,
 Лекин субутсизни бу қадим ҳаёт,
 Доим донсларга қилган кушанда,
 Ҳасадгўйлик билан идроксиз банда,
 Қидирар буюқлар тирноғидан кир,
 Уларга шу хилда битилган тақдир.
 Мени Улуғбекка чақишган билан,
 Минг тавқи лаънатни тақишган билан,
 Илмимни қадрлаб Улуғбек Мирзо,
 Бўхтонларга асло қилмасди парво.
 Тўғри гап Султоннинг гўзал канизини,
 Кўкалдош барлоснинг дилрабо қизи
 Суюкли малика фармони билан,
 Ва лекин ҳаёю имони билан
 Истади очсамки толейидан фол,
 Кундошлар ичида не унга иқбол?
 Мен фолчи эмасман, уламодирман,
 Ситора илмида лек балодирман.
 Бажариш лозимдир айтгач шоҳ хотин,
 Наки мен ҳаттоки буюк Афлотун,
 Шоҳлар хотинига хизматда бўлган,
 Шу боис ҳаёти иззатда бўлган.
 Дедимки ёлғондан: «Толейи чақин,
 Султон юлдузига юлдузи яқин».
 Бу миш-миш тарқалиб аввал ҳарамда,
 Бадбинлар ёйди сўнг бутун оламга.
 Ва мени қоплади мажҳул бир ҳолат,

Улуғбек Мирзодан бўлдим хижолат.
Атайлаб бу гапни бўртиб тарқатган,
Менга маломатнинг тошларин отган,
«Суюкли малика ўйноши», деган
Суюкли малика кундоши экан.
Ҳақни ўз жойига айлади қарор,
Хотинин қатл этди буюк ҳукмдор.
Мен ҳам кўрқдим оқиб кўзимдан ёшим,
Кетар деб сапчадай узилиб бошим.
Юрдим Улуғбекка боролмай ёвуқ,
Орамизга тушди шубҳали совуқ.
Суюкли малика қилиб истиғно,
Улуғбек Мирзога дебди бир асно:
«Ҳазрати Кошоний очиб бир кун фол,
Дебди иккимизда буюк истиқбол.
Шукур ўттизларга етганда ёшим,
Йўқдир канизлардан ўзга кундошим».
Кошоний ҳар ишнинг тилини билган,
Наҳот бу хотиннинг дилини билган.
Гугурт чақилганда мой қуйсанг дарров,
Кучини кўрсатар ловуллаб олов.
Улуғбек дедик: эй оғзи шалоқ,
Сени ҳам қўйдим бор, кетгил, уч талоқ.
Кундош ўлимидан сен бўлсанг хурсанд,
Мен қандоқ сен билан бўламан пайванд.
Улуғбек дилида ғазаб, нафрат, рашк,
Суюкли малика кўзларида ашк.
Саройдан этилди дарҳол бадарға,
Эҳтиёт бўл. инсон «қағ» деса қарға.
Кўрса ҳам беҳисоб хўрликлар Мирзо,
Парво қилмас эди юраги дарё.
Кошоний беҳуда шубҳага бориб,
Юрарди дилида ҳукм чиқориб.
Берилиб ортиқча шавқу рағбатга,
Улуғбек ишонмас эди ғийбатга.
Шоҳларнинг дилига солувчи ғубор,
Ғийбатдан ўзга не хавfli оғу бор?

* * *

Чин дилдан айлабон тоат-ибодат,
Оллоҳдан сўрадим бахту саодат.
Юлдузлар мисоли тўкилиб ёшим,
Улим кундасига тушмади бошим.
Шоҳларнинг ҳаёти кайфу сафода,

Тухматдан ўлганлар камми дунёда.
 Ажали етмаса ўлмагай инсон,
 Гарчи юз берса ҳам қирғину қирон.
 Оллоҳ умр берсин шоҳи замона,
 Қурмоқчи эдилар бир расадхона.
 Нимадир етмасди лекин бу ишда,
 Борин сарф этса ҳам Султон қуришда.
 Деди: «Мароғанда кўрганман, Мирзо
 Бор эди шу янглиғ бир улкан бино.
 Эрур кечагидек ёдимда ҳамон,
 Анда ситоралар бўлиб намоён.
 Не учун биз қўйган улкан устурлоб,
 Монанду бермагай талабга жавоб?»
 Ҳисоблаб кўрсам мен доира гумбаз,
 Мароғандагидек чиқмади ўн газ.
 Бу ҳолни Султонга айладим маълум,
 Бузиб сўнг қуришга киришдик шу зум.
 Шу янглиғ қурилиб зўр расадхона,
 Йўл очди беқиёс илми осмона.
 Бирида ҳумоюн улуғвор Султон,
 У зотни яратган айласин шоён.
 Илмий машғулот-ла банд эди жуда,
 Қозизода Румий мажҳул туйғуда,
 «Қонуни масъудий» илкида бўлиб,
 Битта муаммодан ҳайратга тўлиб,
 Исбот айламакка уринди чандон,
 Моҳияти эди лекин ноаён.
 «Қонуни Масъуд»ни сўнг Қозизода
 Уйга олиб кетди бўлиб омода.
 Ушбу масалани ўрганиб чуқур,
 То шоҳи оламга айласа зўхур.
 Орадан ўтказиб роса икки кун,
 Ушбу масалани ечмасдан бутун.
 Деди: «Хато битмиш хаттот бу бобни,
 Қидирмоқ лозимдир ўзга китобни.
 Китобда масала қўйилса ноқис,
 Уни таҳлил этиб бўлмагай ҳаргиз».
 Қийин эмас эди дардимни сезмак,
 Камтарин бу қулни тутганди безгак.
 Икки кун тўшакда михланиб ётиб,
 Илмий анжуманга сўнгра тонг отиб,
 Борсам Қозизода мажлисда ҳануз,
 Олампаноҳ кўриб менга бурди юз:
 «Масалани ечинг, Мавлоно, дарҳол»,
 Аҳли мажлис бари менга боқди лол.

Камтарин ғуломнинг қўлларига зуд,
Шу лаҳза тутилди «Қонуни Масъуд».
Варақлаб ўқидим беш-олти сатр,
Муаммо мазмуни таратди атр.
Кўп ўтмай бўлибон таҳлил машғули,
Шоҳга баён қилди камтарин қули.
Қитобда йўқ эди ноқислик жойи,
Румий айтган каби хато киройи.

* * *

Камина саройга келгач даставвал,
Битта масалани қилган эди ҳал.
Услуби ер ўлчаш тарзида бўлиб,
Тахмину таклифлар кетганди тўлиб.
«Подшоҳлар туҳфаси», «Юксак тушунча»,
Дедим: «Нишопурий иш бермас унча».
Бу ишда лозимдир янги йўналиш,
Ақида эмасдир ковуш ё калиш.
Ҳар олим мос айлаб тафаккурига,
Ўзгартиш киритса маъно дурига,
Сайид Шариф билан Мавлоно Низом,
Хатога йўл қўйган изланган маром,
Худо барча сирни айлагай ошкор,
Бор эди мажлисда улуғ Ҳукмдор.
Оғиздан-оғизга ўтиб бу калом,
Барча олимларга етиб батамом,
Менинг йўқлигимда қилиб тўпалон,
Дейишган: «Бу қандай туҳмату бўҳтон».
Чиқариб донолар сўзин ёлғонга,
Эга бўлмай туриб далил-бурҳонга».
Шунингдек кечирсин фалакнинг арши,
Бир бор Улуғбекнинг фикрига қарши
Гапириб ҳам бердим уни исботлаб,
Инкор этолмади шунда бирор лаб.
Ҳолбуки Улуғбек буюк аллома,
Олий фармон эди у битган нома.
Сохта обрўлардан унга ҳақиқат
Авло турар эди билсангиз фақат.
То шу кун фалакнинг илми ҳақида
Бор эди айтилган хато ақида.
Ушбуни аниқлаб Улуғбек Мирзо,
Илм оламини айлади ризо.
Камина бу ишда баҳоли қудрат
Унга малад бердим топибон журъат.

Ҳамда сайёралар ҳақида янглиш
Баъзан этиларди илмий изланиш.
Берди барчасига бирма-бир ислоҳ,
Буларни англагач бахти қутлуғ шоҳ.
Хушомад, риёдан тўғри тафаккур
Улуғбек Мирзога бўларди манзур.
Қимки доноликда доно хўп бўлур,
Унинг билмагани шунча кўп бўлур.
У зотнинг наздида хокдир камина,
Ўсдим паноҳида зина-базина.
Замин текисланиб, амри ҳукмдор,
Йиғилди жуда кўп уста дурадгор,
Буюк мемор бўлиб бу ишга бошлиқ,
Беш юзча одамга берилиб ошлиқ,
Қизигандан кўра қизиб кетди иш,
Уларга ҳазорон таҳсину олқиш.
Расадхона учун учбурчак махсус,
Қурилиб иш олди яна ўзга тус.
Ул буюк меморнинг ўғли Мирҳайдар
Қурилиш ишига эди бош раҳбар.
Қамтарин қул сўзим бўлмасин қуруқ,
Бу ишда кўрсатдим унга йўл-йўруқ.
Қозизода бошлиқ бир гуруҳ жаноб
Эътироз билдирди айлашиб хитоб.
Қунт билан мен бергач аниқ исботлаб.
Бошқа айтилмади ошиқча бир гап.
Мен айтгандек тугаб меморнинг иши,
Хулоса барчаси фалак равиши.
Юлдузлар дилимга бағишлади нур,
Илм-ижод ила хуш ўтиб умр,
Юртимни қўмсаган билан нечоғлиқ,
Олимлар ҳаёти шоҳларга боғлиқ.
Қайтиб боролмасдан шаҳри Кошонга,
Чидадим доимо яхши-ёмонга.
Дунёнинг иши не, гоҳ шодлигу ғам,
Аслида омонат ўзи бу олам.

* * *

Бор эрур олимлар ичра беқадр
Яна «Евқалиддек» Мавлоно Бадр.
Ўзни кўрсатолмай риёзиётда,
Доимо орқада эди ҳаётда.
Умуман билмасди араб тилини,

Илмда ўтказиб ою йилини.
 Бор эди бу хилда бир гуруҳ оми,
 Сафсата гапларнинг астрономи.
 Осмоншунос бўлиб юлдуз не билмас,
 Билгувчини эса назарга илмас.
 Ҳар давру замонда доно қайғурар,
 Нодонлар дунёда даврини сурар.
 Қозондек саллали бир тўп ғаламус,
 Ўзларини тутиб мисли файлақус,
 Улуғбек Мирзога ўқишиб таҳсин,
 Доим ўйлашарди қориннинг ғамин.
 Ўзгалар кашфини улар этиб рад,
 Бундан лаззатланар эдилар беҳад.
 Тоқати қолмасдан охири Султон
 Барча олимларни этди имтиҳон.
 Бошланди ислоҳот, ялпи ўримлар,
 Саройдан қувилди «Мирзопўримлар».
 Ҳақиқий олимлар танлаб олинди,
 Илмга пойдевор — асос солинди.
 Аниқ фанлар билан тинмай мунтазам
 Доим машғул эди юзтача одам.
 Чаласаводлардан Мавлоно Бадр,
 Саройда юрарди бўлиб беқадр.
 Улуғбек оламнинг пушту паноҳи,
 Бугун замонанинг қудратли шоҳи.
 Камтарин қулига айтиб илиқ сўз,
 Доим ўзгаларга қиларкан кўз-кўз:
 «У барча нарсадан хабардор одам,
 Жаҳонда унингдек донишмандлар кам.
 У ортиқ саройда ҳар озодадан,
 Ҳаттоки устозим Қозизодадан.
 Ун бора закийдир илми самода,
 Битта масалани гар Қозизода
 Ечишга бўлса гар ўн кун овора,
 Кошоний бир кунда ечар яқбора.
 Ва ёки лаҳзада айлағайдир ҳал,
 Тафаккури йўлин ёритган машъал».
 Мирзо Улуғбекнинг таърифин шоён,
 Менга етказарди дўсту қадрдон.
 Оламга боқсам-да гарчи беписанд,
 Ушбу мақтовлардан бўлардим хурсанд.
 Камдан-кам одамни Шоҳи замона
 Мақтарди ҳам бу хил дея: «Ягона!
 Ул яхши одамдир ҳам олижаноб,
 Қилгани кашфиёт ҳам кори савоб.

Наслу насабида эрур юқори,
 Ҳар қандай ғийбату иғводан орий.
 Илмда ошкора ўз қараши бор,
 Ҳеч қачон бировга бермагай озор.
 Беҳуда тортишиб қилмагай жанжал,
 Уйлаб ҳар бир ишни тезда қилар ҳал.
 Мен билан бўлса-да яқин ҳамсуҳбат,
 Умрида ҳеч кимни қилмади ғийбат.
 Бировни ёмонлаб олгали қасос,
 Мени қайрамади мисоли олмос.
 Доною фозилга юқмас экан доғ,
 Ундан ҳам бир кимса бўлиб бефароғ.
 Келмади арз ила қилиб шикоят,
 Камолот тимсоли Кошоний ғоят».

Шундоғ деб камтарин қули ҳақида
 Улуғ шоҳ айтибон эзгу ақида,
 Самога кўтариб камтарин хокни,
 Бошимдан сочдилар дури афлокни.
 Баъзилар қидириб эътибор, маош,
 Минг кўйга тушишиб қотиришар бош.
 Камдан-кам одамлар бўлиб муяссар,
 Ҳаётлари айшу ишратда кечар.
 Оллоҳга мингдан-минг бўлсин шукрона,
 Ўз она юртимда яшаб шоҳона,
 Бўлмадим ҳеч қачон бировга муҳтож,
 Тафаккурим тахту илмим эди тож.
 Келдим йиллар ўтиб ўзга шаҳарга,
 Қисмат-да йўлиқдим улуғ Сарварга.
 Ҳам илму урфоннинг гулшанин кўрдим,
 Ўзим ҳам тахайюл отини сурдим.
 Оламнинг шоҳию лутфида эъзоз,
 Уламолар аро уламо устоз.
 Наинки бердилар менга эътибор,
 Этдилар офарин дея бахтиёр.
 Инсон тақдирига қизиқмаса шоҳ,
 Қора оқ бўларди, оқ бўлиб сиёҳ.
 Эзгулик ўрнига қўпиб ёмонлик,
 Ҳеч кимса зулмдан топмай омонлик,
 Етарди маърифат аҳлига завол,
 Бўларди салтанат охири поймол.

* * *

Ҳушёр ва донодил Улуғбек Мирзо,
 Саройда бўлса гар неча уламо

Биларди уларнинг қилгувчи ишин,
 Ҳатто икир-чикир, рўзғор ташвишин.
 Бўлиб надимлари хизматда тун-кун,
 Уларни билмасди лек Мирзо бутун.
 Кузатув чўзилиб кетиб муттасил,
 Бу ҳол давом этди ўну ўн беш йил.
 Сайёралар турмас бир жойда мудом,
 Ҳаракатда эрур улар субҳу шом.
 Бойси ҳар доим бўлиб жунбушда,
 Турфа товланишар ҳар кўринишда.
 Тўлишиб кўринса дейлик тонг маҳал,
 Кичрайиб кўринар шом чоғи Зуҳал.
 Бир сокин ҳолатга келмоғи учун,
 Кузатиш лозимдир ўн йил туну кун.
 Бу иш моҳиятин билмаган одам,
 Мунажжимлар ишин кўрганда ҳар дам.
 Ҳайратда боқишар беҳуда, мажҳул,
 Фойдасиз иш билан одамлар машғул.
 Ундан кўра бориб чопишса кетмон,
 Ҳалол меҳнат ила ейишарди нон.
 Хурофот аҳлининг кўзлари тушиб,
 Узаро кетарди гоҳо урушиб.
 Бири дер: «Шаккоклик кофирнинг иши»,
 Бири дер: «Илм ҳам оллоҳ хоҳиши».
 Улуғбек агарда бўлмаса Султон,
 Қутқу солиб келиб турфа оломон,
 Расад-пасадини вайрон этарди,
 Уламо аҳлини сарсон этарди.
 Илм инсон учун ақл гултожи,
 Усиз йўқ оламнинг равнақ-ривожи.
 Осмон илмидан ким гар бўлса огоҳ,
 Мунажжимлар аро топар эди роҳ.
 Яратган умрини қилсин зиёда,
 Кўп йиллар ҳукмрон бўлсин дунёда.
 Мурод-мақсадига бешикаст етсин,
 Таърифу тавсифи оламга кетсин.
 Ислом давлатининг ҳукмдорига,
 Яратган ярасин кору борига.
 Кўрмасин ҳеч маҳал зиёну газанд,
 Заминнинг сайқали бўлган Самарқанд.
 Расадхона учун асосий бино
 Қуриб битирилди, шукур раббано.
 Тахминан беш милён пишган ғишт кетди,
 Қоришма ганжу хок ҳам сиришт кетди.
 Ҳар бир қурилишда устаю мемор

Узига яраша топиб эътибор
Биларди ўзининг ишини яхши,
Уларни бу назм қофиябахши.
Не янглиғ англаса солди назмга,
Барини Улуғбек чорлаб базмга
Қилган меҳнатига бўлишиб рози,
Берилди ҳумоюн шоҳ имтиёзи.

* * *

Бўлса-да кўп йилу ойлар омода,
Улуғбек устози Шайх Қозизода
Бўш эди назарий илми фалакда,
Тафаккур бобида эди у тагда.
Амалий ишларда зарб этиб, қўшиб,
Юрарди ўзича иш қилиб жўшиб.
Ёзув-чизув ила жадвалдан ўзга
Бир иш қилганлиги тушмасди кўзга.
Жадвал тузганда ҳам айламас шитоб,
Сёкин қилар эди варақлаб китоб.
Уқирди ҳижжалаб сатрма-сатр,
Кейин саҳифалар таратиб атр.
Бу янглиғ айлабон илмий тадқиқот,
Узоққа бормоқлик мушкулдир, ҳайҳот!
Мен эса сотмасдан қуруқ сафсата,
Иш билан банд эдим доим албатта.
Билсангиз агарда қудратли шоҳим,
Яратган оллоҳим, пушту паноҳим,
Менга бахш айлади шуур ва журъат,
Фалакиёт илмин кўргузиб суръат.
Назарий-амалий ҳолда бехато
Қолсам ҳам кўрсатгич китобсиз ҳатто,
Тузаман самовий илм жадвалин,
Узоққа чўзмасдан масала ҳалин.
Икки саҳифада айлағумдир жо,
Камтарин қулини кечирсин худо.
Мен илм ҳақида ёздим ростини,
Яратган кечиргай каму кўстини.
Қозизода ҳақда мен ёзган калом
Ҳақиқат баёни эрур батамом.
Уни ўқиб асло қилмангиз гумон,
Уларнинг ораси деб экан ёмон.
Қозизода билан қадрдон эдик,
У билан доимо ҳамдаврон эдик.
Мен унга кўргузиб илтифот, иззат,

У ҳам каминани қиларди ҳурмаг.
Фақат фалакиёт илмида бир оз
Оқсаб қўяр эди муҳтарам устоз.
Фалсафа, тарихнинг шарҳин ёзганда,
Унга шогирд эди камина банда.
Салладан ташқари бошида илм
Борлигин билгайдир нақ етти иқлим.
Сизларга юбориб дуойи салом,
Кошоний қулингиз, мактубим тамом».
Бир мингу тўрт юзу йигирма тўққиз,
Кошоний оламдан юмган эди кўз.
Расадхона иши серавж маҳали,
Ногаҳон олимнинг етиб ажали,
Самарқандда қелиб вужуди хоки,
Учгандир самога чун руҳи поки.
Ҳеч ким бу оламга бўлмагай устун,
Баримиз меҳмонмиз кетамиз бир кун.
Лекин гап шундаки не қолур биздан,
Демасман мол-мулку ўғилу қиздан.
Кўриб турсин учун тўрт кунлик борлиқ,
Биздан қолур қандай эзгу ёдгорлик.
Шоҳнинг тожи қолур, дарвеш кулоҳи,
Шаҳид қурбонларнинг инграган оҳи.
Дунёга тўймаган зотларнинг зарн,
Гўрида ҳайкалу битик мрамари.
Лол қила олмагай аҳли дунёни,
Қолса ҳам хусусий қасру дўкони.
Олгин у кимсадан доимо ибрат,
Ҳаётда қилмаса ҳеч маҳал ишрат.
Юрмаса бировга юкини ортиб,
Олмаса бировнинг ҳақини тортиб.
Бўлса ҳам амалдор, соҳибимтиёз,
Оддий фуқародек юрса қилмай ноз.
Фойдаси тегса гар элу улусга,
Эриш сен доимо шундай нуфузга.
Хизмат машинасин ўтирмай кутиб,
Юрса трамвайнинг тутқичин тутиб.
Бунда ҳам қаноат деган ҳикмат бор,
Худо яхшиларга доим мададкор!
Одилу тўғрнсуз бўлгил, эй инсон,
Бировга ноҳақдан етказма зиён.
Уткинчи бу жаҳон барчадан қолар,
Ҳар ким насибига яраша олар.
Хазина устида ётса аждаҳо,
Яқин бориб бўлмас унга мутлақо.

Аксинча олгайдир интиқомига,
Яқин йўлаганни тортиб домига.
Агар яшай десанг тинчу бехатар,
Беҳуда излама хазиною зар.
Доимо айласанг шукру қаноат,
Оламда йўқ ундан ортиқ саодат!

УЛУҒБЕК ҚУРДИРГАН ГЎЗАЛ ҚАСРЛАР, ЯРАҚЛАБ ТУРГАЙДИР КЎПЛАБ АСРЛАР

Ун уч йил ичида Улуғбек Мирзо,
Қилмишидан бўлиб элу юрт ризо,
Самарқанд маркази Регистонида,
Шаҳарнинг кўримли кенг майдонида
Қурдирди мадраса, масжид ва ҳаммом,
Бўлса ҳам бу ишга хазиною тамом.
Бу ҳақда шундай деб Муҳаммад Бобур
Ёзгандир, биз айнан келтирдик манзур:
«Улуғбек Мирзонинг иморатлари,
Тарихнинг меморий гўзал хатлари .
Самарқанд қалъаси ичида гўзал,
Мадраса, Хонақоҳ нур сочар ял-ял.
Хонақоҳ гумбази ҳайбатли чунон,
Оламда гумбаз йўқ бундай улликон.
Боз солиб Мадраса ёнида масжид,
Муттақа масжиддур қурмиш улуғ дид.
Маъниси, яъники исломий услуб,
Хитойи йиғочу безаклари хуб.
Ғолибо бу масжид ғоят улуғвор,
Тургайдир бу жаҳон тургунча пойдор».
Кўриб Заҳириддин Муҳаммад Бобур,
Улуғбек ҳақинда лутф этмиш машхур.
Шунингдек гап борки Улуғбек Мирзо
Кўп йиллар қилмасдан жанг-жадал, низо.
Мадраса қурдириб Бухорода ҳам,
Илм толибларин айлаган хуррам.
Боиси бобоси Темур ўлганда,
Самарқанд сарғайиб ғамдан сўлганда,
Ўтрордан мотам-ла қайтишган дамда,
Шаҳарга киролмай қайтиб мотамда,
Боришган эдилар Бухоро ночор,
Улуғбек ўшанда дилида илк бор,
Ният қилган эди кулиб боқса бахт,
Тегса бобосидан қолган улуғ тахт,

Азиз Бухорода кўрмади хорлик,
 Қургайдир бир бино унда ёдгорлик.
 Бир мингу тўрт юзу ўттизинчи йил,
 Улуғ Момосига атаб муттасил
 Қурди бир мадраса Гиждувонда ҳам,
 Нақшу нигор ила гўзал ва кўркам.
 Уйғониш даврида Ўрта асрда,
 Улуғбек қургандек ҳеч бир қасрда
 Йўқ, эди илоҳий файзу тароват,
 Эди жуда юксак меморий санъат.
 Мадраса аҳлига бергувчи таълим,
 Доно устоз эди ҳар бир муаллим.
 Дин илми аввало илм шоҳидир,
 Дунёвий фан эса шоҳ сипоҳидур.
 Қўшилиб дунёвий диний илмлар,
 Мударрислар бериб турфа билимлар,
 Тараққий топарди илму маърифат,
 Олқиш айтар эди замину рифъат.
 Улуғбек қадами етган сарзамин
 Эзгуликлар ила бўларди таъмин.
 Ривож топсин дея юртда тижорат,
 Ҳеч кимдан тожирга етмасди ғорат.
 Жумладан қурдириб зўр қарвонсарой,
 Унга аҳсанг айтар балиқдан то ой.
 Бўлиб Регистонда иморат жойи,
 Номи аталарди унинг Мирзойи.
 Шувингдек раият оддий эл учун,
 Ҳаммому истгоҳлар қурдирди бутун,
 Наинки Самарқанд ялпи кишварда,
 Эл-улус бор бўлган қишлоқ, шаҳарда.
 «Хонақоҳга ёвуқ солибдур ҳаммом,
 Унинг гўзаллиги дилни этар ром,
 Нафис санъат бирла қурмиш беқнёс,
 Бу фақат Улуғбек Мирзогадир хос.
 Йўқдир бу хил ҳаммом на Хуросонда,
 Наинки Хуросон, рўйи жаҳонда».
 Шундоғ деб зикр этмиш ҳазрати Бобур,
 Қелиб иморатни кўрганда бир қур.
 «Гўри Амир»га ҳам Улуғбек Мирзо,
 Бағишлаб ўзгача тароват зиё.
 Жилолар бердириб, зарҳаллар сочган,
 Машриқ тарафидан бир эшик очган.
 Йўлагин айлаган гумбаз нақшинкор,
 Соғоналар четин мрамардан бисёр,
 Гўзал кўркам қилиб панжара этмиш,

Таърифу тавсифи оламга кетмиш.
 Жануб томонида наҳри Сиёбнинг,
 Самарқанд шаҳрида Афросиёбнинг,
 Энида жойлашган улкан мазорат,
 Унинг марказида бор бир иморат,
 Шоҳи Зинда эрур ноёб обида,
 Бу гўзал иморат оби тобида
 Қурилган ўнинчи аср сўнгида,
 Улуғ Амир Темур кўзи ўнгида,
 Қайта таъмирланиб, берилган сайқал,
 У порлаб тургайдир мисоли машъал.
 Бағишлаб кургувчи кўзларга тийнат,
 Берилиб безағу рангба-ранг зийнат.
 Меморлиғ санъатин айлаб намоён,
 Қўш гумбаз мақбара унда қурилгон.
 Улуғбек Мирзонинг марҳум устози,
 Қозизода Румий ҳақ бўлсин рози,
 Учсада самога ул руҳи поки,
 Анда дафн этилган вужуди хоки.
 Ҳусну тароватда ушбу мақбара,
 Мақбаралар ичра дегайлар сара.
 Улуғбек қурдирган кўплаб кошона,
 Вале улар ичра чўнг расадхона
 Бўлиб уч ошиён, оламга машҳур,
 Мармар зиналарга қадалиб зар, дур.
 Оламда бўлса гар не рангу безак,
 Бинонинг ичида мумкиндир кўрмак.
 Девор ва шифтларда самовий даржлар,
 Фалак гашти ҳисоб, таҳминий харжлар.
 Собит сайёралар, ҳам учарлари,
 «Етти юлдуз», Зуҳал, Аттоир бари.
 Етти иқлим билан тоғу саҳролар,
 Ер курраси ила денгиз дарёлар
 Фалаку уммонлар қолмай ҳеч бири,
 Барининг акс этган унда тасвири.
 Муҳими дид билан танланиб ҳар ранг,
 Тикилиб боқсангиз, таралар жаранг.
 Қасрдан чиқсангиз димоғингиз чоғ,
 Кўҳак ён бағрида бир оромбахш боғ.
 «Боғи майдон» дея аталган бўстон,
 Мунажжим кўнглини айлаган шодон.
 Боғнинг ўртасида қурган бир қаср,
 Кўргувчи кўзни ў айлагай асир.
 Чилсутун дейдилар қўш ошиёна,
 Устунлари эрур санги замона.

Бурждек кўтарилиб яна юқори.
Тўртта бурчагида тўртта минори,
Тепа ошиёнин тўрт ёни айвон,
Салобатда эрур юксак чун кайвон.
Уртаси чордара қурилган уйдир,
Фарши мармар тошдан жуда дилжўйдир.
Кўрганлар шу янглиғ дарж этиб кетмиш,
Улуғбек ҳар неки харж этиб кетмиш.
Фақат мангуликка эрур дахлдор,
Ҳам яна қурмиш бир гўзал чордевор.
Хитодан келтириб чинни анвойи,
Безалмиш бу гўзал кўркам саройи.
Баҳор ёз ойлари бу боғда Мирзо
Кўнгил очар эди шодон, руҳафзо.
Ҳукмдорлар аро ўшанда якка,
Хаёлан юксалиб арзу фалакка.
Замон муаррихи хушхома эди,
Олимлар ичида аллома эди.
Ҳандаса, тариху фалакиётда,
Дину риёзиёт неки ҳаётда.
Агар керак бўлса инсон зотига,
Ишониб оллоҳнинг мўъжизотига
Турфа илмларда янгилик очди,
Тафаккур оламин дурларин сочди.
Қанча эзгу ишлар қилиб кетида,
Бир мингу тўрт юзу ўттиз еттида,
«Зижи кўрагоний» асарин битиб,
Амалий, назарий таҳлиллар этиб,
Оламга келганда ушбу шоҳасар,
Ҳаяжондан кетди титраб баҳру бар.
Мўъжиза келмагай ўзи туғилиб,
Инсон яратгайдир уни бўғилиб.
«Қонуни Масъуд»ни варақлаб борҳо,
Мағзини чақарди Улуғбек Мирзо.
Баъзи жойларига ўтмаганда тиш,
Лозимдир фикрат-ла мағзини чақиш.
Устоз Қозизода Румий бу ишда
Унга кўмаклашиб таҳлил этишда.
Бўлмади охири ёзмагунча шарҳ,
Топилди сўнг ани англамакка тарҳ.
Бу ҳақда зикр этар Масъуд Кошоний,
Улуғбек Мирзога устоди соний.
Худо берган унга ҳар бир илмдан,
Тарихда гар савол сўрасанг кимдан,
Араб лисонини сув қилиб ичган,

Фиҳқда қозилар «кафанин бичган».
 Диний уламолар ундан миннатдор,
 Айтган ақидасин этмаган инкор.
 Маълум шоҳасарлар ўша замонда
 Кўплари ёзилган араб лисонда,
 Шунингдек форсийдан Мирзо Тарағай,
 Бўлган ҳар соҳада кучли, қарағай,
 Дин, аниқ фанлару мусиқада ҳам,
 Фикр юритолган бекўсту бекам.
 «Муҳит-ут-таворих» номли асарда
 Дейилмиш Улуғбек заршунос зарда.
 Бир неча мусиқий асар яратмиш,
 Ҳофизлар диққатин анга қаратмиш.
 Булужий, ахлоқий ҳам шодиёна,
 Оғиру енгил куй, ҳам ошиқона.
 Куйсиз оғир кечар ҳар бир кашфиёт,
 Куйсиз мотамхона эрур бу ҳаёт.
 Тарих Улуғбекнинг диққатин тортиб,
 Ёзди бу соҳада у завқи ортиб.
 «Тўрт улус тарихин» форсий забонда,
 Мемуар асар бу рўйи жаҳонда.
 Буюк қалб эгаси бўлмишдир Мирзо,
 Бир ўзим бўлай деб айтмаган асло.
 Алломалар аро устоз бўлган у,
 Ғамхўру раҳнамо мумтоз бўлган у.
 Илму фан аҳлига ҳомийлик қилган,
 Узининг инсонлик бурчи деб билган.
 Тарки дунёликка у қарши чиққан,
 Фозил шоирларни гирдига йиққан.
 Қимки чаласавод қилмиши хилоф,
 Гоҳо чиқса ҳамки турфа ихтилоф,
 Улуғбек бермаган бунга эътибор,
 Замона муршиди Ҳазрати Аҳрор.
 Улуғбек Мирзога ҳамдаврон бўлган,
 Раҳнамо ҳодию пуштибоқ бўлган.
 Ул пайт кучли бўлган руҳоният — сел,
 Подшоҳмас пирларга эргашишган эл.
 Шоҳлар ҳам тан олган Шайхулисломни,
 Улар раҳнамоси элу авомни.
 Аҳрори Валидек пири тариқат
 Улуғбекка қилган эзгулик фақат.
 Лекин Улуғбекда истеъдод, гурур,
 Шоҳона сарвату ўзгача шуур
 Баъзида ранжитган Шайхи замонни,
 Лек оллоҳ яратган ҳар бир инсонни.

Узаро ҳеч маҳал сақлашмаган кек,
 Аҳрори Валию Мирзо Улуғбек.
 Аксинча эл дебон қайғуриб икков,
 Халқ нафига ёнган иккита олов,
 Дину диёнатдан нур берган бири,
 Адлу инсоф ила дур берган бири.
 Не ўтса орадан ўтгандир кейин,
 Мен эса тарихда борини дейин.
 Форсу арабийни билсада Мирзо
 Уйлаган билмагай оддий фуқаро.
 Йиғиб атрофига турфа таржимон,
 Форсу арабию ҳамда туркийдон.
 Эзгулик барқ уриб унинг дилида,
 Таржима қилдирган она тилига.
 Туркий шоирларнинг баёзларидан,
 Дурдона асарлар мумтозларидан,
 Кўчириб тарқатган эл аро бисёр,
 «Ҳибат-ул-ҳақойиқ» улар ичра бор.
 Аҳмад Югнакийдан қолган мемуар,
 Бизга етиб келган бу ноёб асар.
 Қисмати азалда ҳар неки битик,
 Инсон унга қараб доим борар тик.
 Бошинг етадими чархи давворга,
Ва ёки осилар охири дорга.
 Эзгулик кўйида суряпман қалам,
 Ўзинг мағфират эт Подшоҳи олам.

УЛУҒБЕК МИРЗОНИНГ ШАХСИЙ ҲАЁТИ ҲАҚИДА МУАРРИХЛАР БИТГАН АҚИДА

Улуғбек Мирзо ҳам фарзанди инсон,
 Бўлса ҳам олиму қудратли султон,
 Уйланиш меросдир Одам Атодан,
 Ким қочиб қутулгай ҳукми худодан.
 Кўз очиб юмгунча кетсанг бақога,
 Асло дил бермагил мулки дунёга,
 Бу дунё баайни бир паслик бекат,
 Унда тўхтаб ўтиб кетурсан фақат.
 Модоми турарсан унда омонат,
 Ҳеч кимга қилмагил ҳаргиз хиёнат.
 Искандар дунёни олиб не бўлди,
 Чингиз ҳам бир наъра тортдию ўлди.
 Нақ ярим дунёни олиб Темурҳон,
 Сафарда кўз юмди у ҳам пурармон.

Шоҳрух қад кўтарди Шоҳ Руҳи билан,
 Улуғбек Мирзо ҳам шукуҳи билан,
 Боболар юртини айлади обод,
 Бўлсин марҳумларнинг руҳи доим шод,
 Хондамир ёзмишдир чекибон имзо:
 «Беш марта уйланган Улуғбек Мирзо».
 Қилиб Конигилда катта тўю сур,
 Илк бор уйлантирган бобоси Темур.
 Муҳаммад Султоннинг гўзал қизига,
 Шоҳлик саройининг шўх юлдузига.
 Улуғбек Мирзога муносиб жисми,
 Оға Беги эрур ул малак исми.
 Яздий ёзишча тахтга ўтиргач,
 Улуғбек ўн олти ёшларга киргач,
 Никоҳлаб олмишдир илк завжасини,
 Уч йил ўтиб тинглаб фарзанд сасини,
 Икки ёшга тўлиб, лек қизалоғи
 Кетмиш бу оламдан ошиб фироғи.
 Кўп ўтмай туғилиб иккинчи бор қиз,
 Ҳабиба Султон деб саналиб азиз,
 Орадан лек ўтиб беш йилча муддат,
 Бетоб Оға Беги этмишдир риҳлат.
 «Гўр Амир»да уни қўймишлар хокка,
 Руҳи ожизани учган афлокка.
 Оқ Султон Хон Оғо замон нигори,
 Бўлди Улуғбекнинг иккинчи ёри.
 Темур давридаги замонага хон,
 Султон Маҳмуд қизи эди у жонон.
 Улуғбек Мирзо кўп уни севарди,
 У билан бир эди севинчи дарди.
 Бирга бўлар эди шому саҳарда,
 Олиб юрар эди доим сафарда.
 Бу ҳақда мавжуддир турли ривоят,
 Уларнинг бирини этсак ҳикоят.
 Тарихчи Мирхонднинг руҳи бўлсин шод,
 Шундоқ ҳикояни айламиш ижод:
 «Али Қушчи билан Улуғбек Мирзо
 Фолчини чақириб айламиш имо.
 Бизга келажакдан айлагин хабар,
 Фол очиб сўзлагил барин мухтасар.
 Лекин истиҳола айлабон фолбин,
 Ийманиб Қушчига ташлаб кўз қирин,
 Дебди: «Воқеалар ҳарамга боғлиқ,
 Айтишдан андеша қилгум нечоғлиқ».
 Али Қушчи бизга дўст, — дебди Султон,—

Борини наздида айлагин баён.
 Моҳир билимдони илми рамалнинг,
 Аяб ўтирмасдан соҳибамалнинг,
 Яъни Ардистоний Муҳаммад фолчи
 Ташлабди, ошиғи тушибди олчи.
 Дебдики: «Ҳазратим яқин фурсатда,
 Қатл айлар хотини кетгай ғурбатда.
 Иккинчи хотинин айлагай талоқ,
 Узр, фол девлари сўзлари шундоқ».
 Фолбин сўзларига ишонмай сира
 Бўлди Улуғбекнинг лек кўнгли хира.
 Кўп ўтмай фолчининг айтгани келди,
 Ажал шаббодаси саройда елди.
 Кундош ўлимидан «хон қизи» шодон,
 Ноз бирла севинчин айлади баён.
 Ҳатто Улуғбекни қилди маломат,
 Узи ҳам қолмади бундан саломат.
 Улуғбек Мирзонинг келиб ғазаби,
 «Талоқ» — деб юборди унга асабий.
 Ҳамда ҳарамидан айлади бадар,
 Дилида дубора азобу кадар.
 Улуғбек Мирзога учинчи хотин
 Ҳусн Нигор Оғо дегайлар отин,
 Эди Халил Султон Мирзонинг қизи,
 Қоши ёй, ғунчалаб, юзи қирмизи.
 Тўртинчи, бешинчи хотинин номи
 Баён этилмаган эрур тамоми.
 Лекин ҳарамда гул бўлган бисёр,
 Санамлар ҳуснига шоҳ боқиб хумор.
 Саралаб улардан олти канизни,
 Кўнглига хуш ёққан ҳар гўзал қизни
 Васлига етгандир шоҳи замона,
 Тарихда қолмагай ҳеч иш пинҳона.
 Улардан бирови Руқия Султон,
 Икки қиз туққандир Мирзога шоён.
 Оқ Бош бегим эрур уларнинг бири,
 Султон Бахт бегимдир унинг ҳамшири.
 Иккинчи канизак Меҳр Султондир,
 Таваккал Бугонинг қизи жонондир.
 Давлат Султон эди учинчи каниз,
 Тўртинчиси Бахтий соҳибжамол қиз.
 Бешинчиси эди Давлат Бахт нигор,
 Давлат Бахт Саодат олтинчи дилдор.
 Қосуний ўзбеку Муҳаммад Барлос,
 Ҳам Баён кўкалдош қизларидир хос.

Беш хотин жуфт бўлиб ҳам олти каниз,
Улуғбек кўргандир жамъи етти қиз.
Ҳам бешта ўғилнинг отаси бўлган,
Уларнинг учтаси ёшликда ўлган.
Тўнғичи беш ёшда ёш Мирзо Ибод
Риҳлат айлагандир руҳи бўлсин шод.
Иккинчиси эса Мирзо Абдулло,
Ун тўртда домига тортгандир фано.
Ун икки ёшида учинчи ўғлон
Вафот этган эрур Мир Абдурахмон.
Мирзо Абдуллатиф тўртинчи фарзанд,
Усиб улғайгандир кўрмасдан газанд.
Бир мингу тўрт юзу йигирма саккиз
Туғилди дейилган таърихда шаккиз.
Мирзо Абдулазиз бешинчи ўғил,
Бир мингу тўрт юзу ўттизинчи йил,
Дунёга келгандир соғу беармон,
Отаси қалбини айлабон шодон.
«Ҳар тўю азада бўлади тузук,
Қичкина бармоққа тақилса узук».
Кенжа фарзандини кўз қорасидек,
Асраб севар эди Мирзо Улуғбек.
Уни олиб ўзин тарбиятига,
Тегди Абдуллатиф ҳамиятига,
Бувиси тарбия айлаб ўстирди,
Ҳиротда балогат ёшига кирди.
Гавҳаршодбегимнинг илгида мудом,
Навозишлар билан топди у ором.
Мирзо Абдуллатиф ёрқин истеъдод,
Бўлиб ҳар соҳада қатъий босабот.
Илм-фан қадрига жуда етарди,
Ҳатто отасидан ошиб кетарди.
Қизиқиш, лол қолиш ҳайрати билан,
Темур бобосидек ғайрати билан.
Ҳар нени ким билса гар ўзидан паст,
Шубҳасиз бўлғайдир у шуҳратпараст.
Мирзо Абдуллатиф фалакиётга
Қизиқиб берилган эди ижодга,
Дунёвий илмлар тимсоли эди,
Лек диний илмлар аъмоли эди.
Шайху уламолар ўғитин Мирзо
Олам ҳикматидан биларди авло.
Дарвеш, муллаларни айлаб эҳтиром,
Уларга ўзини билиб ҳаммақом,
Дунёвий ишларни ўткинчи дерди,

У ҳам замонасин фарзанди эрди.
 Мардликда арзирли довқур мард эди,
 Ғайри ўз дардидан у бедард эди.
 Билмасди нелигин риё, хушомад,
 Ҳақиқат йўлида изларди омад.
 «Падаркушлик» айбин этсак мосуво,
 Эди у ўзга бир ғаройиб дунё.
 Аслида ноҳақлик отадан ўтган,
 У эса шариат йўлини тутган.
 Шонрлар улуғлар ўз она халқин,
 Муаррихлар тўғри айлашган талқин.

ШОҲРУХ МИРЗОНИНГ ВАФОТИ ВА УЛУҒБЕК МИРЗОНИНГ ТАҲЛИКАЛИ ҲАЁТИ

Бир мингу тўрт юзу қирқ еттинчи йил,
 Исфаҳондан Ҳирот қайтиб хастадил
 Шоҳрух паймонаси ҳаётдан тўлди,
 Сафар асносида ногаҳон ўлди.
 Шундан Хуросонда бошланди шўриш,
 Нени эксанг, шуни мумкиндир ўриш.
 Шаҳзодалар эса шуҳратгадодир,
 Шоҳ ўлгач ҳар бири ўзи подшодир.
 Ҳар бири ўзинча сўрар эди бож,
 Бошланди ўзаро жанги тахту тож.
 Бойсунғур кенжаси Муҳаммад Султон,
 Форс — Ғарбий Эронда бўлди ҳукмрон.
 Абулқосим Бобур илкани урди,
 Журжон, Астробод муҳрига кирди.
 Бойсунғур Мирзонинг тўғри фарзанди
 Алоуддавлаким омад дилбанди,
 Мингбора шукрона айлаб бахтига,
 Утирди сарафроз Ҳирот тахтига.
 Улуғбек Мирзодан бошқа меросхўр
 Йўқ эди Шоҳруҳда бу қисмат нохўр.
 Ўзга фарзандлари кетганди ўлиб,
 Бу олам ғамидан бари шод бўлиб.
 Шу боис Улуғбек белни боғлади,
 Ўзини жанг-жадал сари чоғлади.
 Отаси тахтига бўлиб даъвогар
 Ғазаб-ла бошлади чўнг ҳарбий сафар.
 Улуғбек Мирзодек ўша замонда,
 Меросхўрлар аро Эрон, Туронда,
 Йўқ эди Темурий тадбиркор султон,
 Тахт вориси эди соҳиби имкон.

Улуғбек ўзича қиларди хаёл,
 Бу ёруғ дунёда соҳиби иқбол.
 Отаси мулкени киритиб қўлга,
 Солиб чўнг давлатни бир изчил йўлга.
 Самарқандни этиб доруссалтана,
 Темур бобосидек дафъатан яна,
 Тузиб марказлашган бир улуғ давлат,
 Жаҳонга кўргузиб, ҳам тўкиб савлат.
 Мирзо Абдуллатиф Ҳирот тахтига,
 Бўлса Абдулазиз омон бахтига,
 Қилиб юз кўшишу қатъий жидду жаҳд,
 Уни тайинларди кейин валнаҳд.
 Шу янглиғ юритиб ўю тафаккур,
 Бошлади лашкарин у жангга масрур.
 Олдин хуфяларни ташлади ишга,
 Мурод манзилига осон етишга.
 Ва лекин қўл чўзса ул мевадир талх,
 Олиб бўлмас метин қўрғон эди Балх.
 Абу Бакр Мирзо, унда ҳукмрон,
 Илгида Қундузу Бақлон, Шибирғон,
 Соли Сарой билан Хутталон, Арҳанг,
 Олиб бўлмас эди барини бежанг.
 Улуғбек укаси жигари дилбанд,
 У эди Муҳаммад Жўкийга фарзанд.
 Хушсурат шаҳзода зар тожи бошда,
 Эди ўша пайтда йигирма ёшда.
 Улуғбек ноилж юборди сафир,
 Сиёсатда ҳар йўл тутилар ахир.
 Мўътабар зотлардан Шайхулисломни —
 Яъни Исомиддин хуш эҳтиромни
 Ҳам амир Таваккал барлосни қўшиб,
 Улар йўлга тушди диллари жўшиб.
 Совға-салом билан икки улуғ зот
 Бориб шаҳзодадан кўрди илтифот.
 Шайхулислом очиб сўз гавҳарини,
 Сочди шаҳзодага дурнинг барини.
 Дедик: «Насабда ўзинг юқори,
 Эрону Туронда тахт ифтихори.
 Падарлиғ ҳақи бор Улуғбек Мирзо,
 Бориб этинг уни фарзанддек ризо.
 Сизни кўп соғинган меҳрида олов,
 Хуллас қилмоқчидир ўзига куёв.
 Дилрабо қизиким Билқиси замон,
 Яъни маълумингиз Робия Султон.
 Бир пайтлар тушгандир нигоҳингизга,

Борсангиз киргайдир никоҳингизга». Бу сўзларни тинглаб ёш Абу Бакр, Йўқ, эди дилида ғаразу макр Ёшлигида кўрган Робия Султон, Яна кўз ўнгида бўлди намоён. Чорларди хаёлан уни чун малак, Қолмади қарори, бўлди жонҳалак. Бу ҳақда ҳеч кимга солмай маслаҳат, Урнига Оталиқ тайинлаб фақат Тушди улар билан маъшуқ йўлига, Узини топширди қисмат қўлига. Термизда турарди бу пайт Улуғбек, Ҳисобсиз қўшин-ла тожли аждардек. Ҳукмдор жиянига бағрини очиб, Бошидан дуру зар сочқилар сочиб, Унинг шарафига берди зиёфат, Бир неча кун ўтиб лек келди офат. Ғаламуслар солиб орага низо, Ҳибсга олинди Абу Бакр Мирзо. Уни Самарқандга жўнатиб малол, Элтиб Кўксаройга қамашди дарҳол. Разил, хоннона бўлганди бу иш, Улуғбек яхшилаб қилмасдан тафтиш, Орадан уч-гўрт кун ўтгач ноадил, Айбсиз шаҳзодани этишди қатл. Бўлди бир Темурий асоссиз нигун, Бегуноҳ тўкилган хун сўрайди хун. Бошсиз қолгандан сўнг қисмат экан талх, Дарҳол Улуғбекка таслим бўлди Балх. Бир мингу тўрт юзу қирқ саккиз, баҳор, Алоуддавлани этди тору мор. Улуғбек Мирзода тўқсон минг қўшин, Ҳирот заминини эзгудай тўшин. Уғли Абдуллатиф Мирзолар билан, Содиқ бек, амиру казолар билан, Ғанимлари учраб худо қаҳрига, Қирди тантанали Ҳирот шаҳрига. Хуросон тахтини қаттиқ жанг билан, Минг макру ҳийлаю минг найранг билан, Қўлга киритса-да Мирзо Улуғбек, Вале туюлмади зафар қутлуғдек. Чунончи Ҳиротнинг қонли жангида, Оғир савашларда фурсат тангида, Абдуллатиф Мирзо курашиб жадал, Жангнинг қисматини қилган эди ҳал.

Тарноб жанги эди ҳисобласанг нах,
 Ҳиротдан бор йўғи ўн-ўн беш фарсах.
 Унг томонда эса кирмай қирғинга
 Туриб Абдулазиз етди таҳсинга.
 Зотан Абдуллатиф қилиб жонбозлик,
 Бўлди Абдулазиз ноҳақ эъзозлик.
 Барча вилоятга ёрлиқлар йўллаб,
 Улуғбек кенжатоё фарзандин қўллаб.
 Ошириб мақтади Абдулазизни,
 Буюк ғалабага элтди деб бизни.
 Абдуллатиф номин бирор маҳмилда,
 Улуғбек атайлаб олмади тилга.
 Булар Улуғбекка тушса-да қиммат,
 Кўрсатмай қаҳрамон ўғлига қиммат.
 Ҳирот ишғол бўлгач, қалъага қўймай,
 Ота фарзандини ошкора суймай,
 Шоҳрух ҳаётликда этганди инъом,
 Абдуллатиф Мирзога зару сийми хом,
 Ҳамда Ихтиёриддин қалъаси билан,
 Ота-чи чиқишмай боласи билан.
 Минг туман пул билан кўп зебу зарни,
 Топган-тўтганини дуру гавҳарни,
 Абдуллатиф Мирзо кўмганди унда,
 Яраб қолар дея бир оғир кунда.
 Оталар ноҳақлик қилганда ҳар чоғ,
 Уғиллар қалбида қолар ўчмас доғ.

ҚИСМАТ ШАМОЛИНИНГ ФАЛОҚАТИ ВА УЛУҒБЕК МИРЗОНИНГ ҲАЛОҚАТИ

Бутун Хуросонни Улуғбек Мирзо
 Илгига киритгач қилиб жанг-низо,
 Кўчманчи ўзбеклар топишиб хабар,
 Самарқандга сари бўлди сафарбар.
 Ўзбекларнинг хони Абулхайрхон
 Қишлоқ шаҳарларни айлади вайрон.
 Самарқандга сари келарди босиб,
 Қирғину мавҳ этиб, ўлдириб, осиб.
 Бундан воқиф бўлган Улуғбек Султон,
 Дарҳол йўлга тушди Самарқанд томон.
 Бу ғаддор фалакнинг жабридан нолиб,
 Шоҳрухнинг хок бўлган тобутин олиб,
 Гавҳаршодбегимнинг мадрасасида,
 Шоҳрух хазинаси бўлиб расида,
 Уни билар эди Улуғбек Мирзо,
 Ота васиятин айлади бажо.

Халиф кечувидан Амударёни
 Бирга олиб ўтди молу дунёни.
 Абулқосим Бобур Сарахсда бу пайт,
 Амир Ҳиндукага деди: «Жўна ҳайт!»
 Ҳам берди мададга лашкари бисёр,
 То этса Улуғбек Мирзони тор-мор.
 Ҳиндука изма-из етиб келиб чун
 Улуғбек Мирзога урди шабохун.
 Бу қўққис ҳужумдан кўриб кўп зиён,
 Кўчманчи ўзбеклар солиб боз қирон,
 Ниҳоят савашиб Улуғбек Мирзо,
 Бухорога етиб тўхтади низо.
 Шоҳрух Мирзо хоки солинган тобут
 Синглиси Поянда Султон билан бут,
 Самарқандга етиб борди сўнг бирга,
 Ҳамда дафн этилди «Гўри Амир»га.
 Қишни Бухорода Мирзо Улуғбек
 Ўтказиб, баҳорни кутди сокин, тек.
 Улуғбекни этмай ортиқча таъқиб,
 Санаб Абдуллатиф Мирзони рақиб,
 Абулқосим Бобур жўнатди лашкар,
 Жангжўй навкарларин айлаб сафарбар.
 Абдуллатиф жангда енгилиб, синди,
 Ҳиротдан Балх томон ночор чекинди.
 Балхдаги бир неча майда вилоят
 Меросий мулк эди унга ниҳоят.
 Абдуллатиф олиб барини қўлга,
 Солди истагандек ўзича йўлга.
 Мирхонд ёзишча келиб навбаҳор,
 Диллардан ювилган чоғида ғубор,
 Унга қарши битта шаҳзода нодон,
 Кучига ишониб кўтарди исён.
 Абдуллатиф Мирзо қилмай тараҳҳум,
 Шўриш бостирилиб шаҳзода шу зум,
 Қалта ўйлаб бўлди бошидан жудо,
 Унга бу қисматни ёзмишдир худо.
 Марҳум чўнтагидан чиқиб бир мактуб,
 Абдуллатиф Мирзо ранжидилар хуб.
 Уни шахсан битиб Улуғбек Мирзо,
 Гўёки ундаган кўтар деб низо.
 Ота ҳуснихатин танигач фарзанд,
 Дедикки: «Йўқ бундан ортиқроқ газанд».
 Сўнг очиқ душманлик йўлига кирди,
 Димоғига шайтон нафаси урди.
 Азалдан орада бўлиб хусумат,

Йўқ эди ошкора душманлик фақат.
Қуръа ташлаб доим ота ва ўғил,
Эътиқодда қатъий фикр этиб бир хил,
Биларди тахминан не бўлар содир,
Қуръа-фол неларга эмасди қодир.
Вале не бўлишин бағайри оллоҳ,
На одам билолмас Расули ҳатто!
Яратган солмаса унинг дилига,
Ёки чиқармаса ошкор тилига.
Қимдан юз ўгирса башарти омад,
Унинг рақиблари кўпаяр беҳад.
Шоҳрух Мирзо юмгач бу оламдан кўз,
Улуғбек Мирзога қолди сўнгги сўз.
Унинг ғанимлари ошқору ниҳон,
Тушди интиқомга гувоҳдир осмон.
Ўғилни отага қарши ғиж-ғижлаб,
Ғаламуслар таъсир айладилар заб.
Абулқосим Бобур қилса-да нифоқ,
Охир ўғли билан тузиб иттифоқ,
Отасига қарши қайради жангга,
Берилиб ортиқча макру найрангга.
Тақдир тақозоси фарзанду падар,
Бир-бирига қарши қайрабон ханжар.
Уч ойча жанг қилди Аму бўйида,
Худога аёнки ненинг ўйида.
Ҳар икки томондан суворий гуруҳ,
Тўқнашиб турарди гоҳ-гоҳ бешукуҳ.
Абдуллатиф тараф қутқулар солиб,
Кўпинча жангларда келарди ғолиб.
Шундай тўқнашувлар бўлганида бир,
Абдулла Мирзони олишди асир.
Шунингдек Улуғбек Мирзо лашқари
Ичида ёнарди исён хатари.
Улуғбек отланган чоғи урушга,
Ўрнида ворислик қилиб туришга,
Қолдириб эркатой Абдулазизни,
Берилганди унга ҳокимлик изни.
Ота жанг-жадал-ла солганда қирон,
Ўғил ҳам тўқарди чойшабларда қон.
Амир, мулозимлар гўзал канизин,
Баъзи номдор шахслар дилоро қизин
Саройга келтириб қиларди ишрат,
Зиною зўрлик-ла кўргузиб рағбат.
Топталиб илгидан иффату номус,
Ураб атрофини бир тўп ғаламус.

Жанггоҳда юришган бегу амирлар,
Бундан дилларига санчилиб тирлар.
Бошларда исён деб кечганда фикр,
Уларни юпатиб соҳиби тадбир.
Ҳамда Самарқандни айлабон қамал,
Абусайид Мирзо чиқариб ишқал,
Бошга бало бўлиб турарди беор,
Улуғбек тез қайтиб, айлади тор-мор.
Олиб Абдулазиз Мирзони бирга,
Қайтди йўли тушиб боз чўлу қирга,
Улуғбек қайтгунча вақтинча токим,
Мироншоҳ қавчинни айлади ҳоким.
Бу пайт Абдуллатиф ҳамлалар этиб,
Термиз, Шаҳрисабзга келганди етиб.
Дамашқ қишлоғида жанг бўлди содир,
Отасини енгди ўғил баҳодир.
Чекинди Улуғбек Самарқанд томон,
Ва лекин Мироншоҳ уни беомон
Шаҳарга қўймади, мунгли ҳукмдор,
Шоҳрухия томон юз бурди ночор.
Қалъанинг ҳокими Иброҳим Пулод,
Яна Улуғбекни айлади ношод.
Қўйиб Улуғбекни шарму изога,
Тутиб бермоқ бўлди ўғли Мирзога.
Улуғбек қайтибон Шоҳрухиядан,
Дунё ташвишини отиб миядан,
Эгилган бошни ҳеч кесмагай шамшир,
Дея таслим бўлди ўғлига ахир.
Топширди ҳукумат деган қумрини,
Илмга сарфлай деб қолган умрини.
Ўғли Абдуллатиф Мирзо баҳоли
Чиқарди кечикмай фармони олий:
«Гуноҳин ювишга бузруквор падар,
Каъба тавофига айласин сафар».
Муаррих Мирхонддан шундоғ ҳикоят,
Таъсирбахш, ибратли эрур бағоят:
«Каъбани бир неча зиёрат қилган,
Ибодат русумин хўб яхши билган,
Муҳаммад Хусравни қилиб раҳнамо,
Ҳажга жўнатилди Улуғбек Мирзо.
Самарқанддан отда чиқишди оқшом,
Улуғбек вақти хуш, эди ҳам шодком.
Сўзлашиб борарди турли мавзуда,
Эди қисматидан у рози жуда.
Кўп ўтмай орқадан етиб бир чопар,

Сулдуз уруғидан эди у навкар.
 Собиқ ҳукмдорни Қаъбатуллога,
 Юбормоқлик учун ҳукми Оллога,
 Шоҳона йўсинда бўлиб кузатиш,
 Анжомга етгунча бу хайрли иш,
 Дам олиш лозимдир қўшни қишлоқда,
 Ва фалон ҳовлида хилват, овлоқда.
 Шу хил етказилгач фармони олий,
 Улуғбек Мирзонинг қолмай мажоли,
 Айтилган маъвога қолганди ёвуқ,
 Ҳаво эди ҳаддан ташқари совуқ.
 Улуғбек буюрди ёқишиб олов,
 Унга гўшт пишириб келишса дарров.
 Бир учқун сачрайди унга шу асно,
 Оловда исиниб Улуғбек Мирзо,
 Ҳамда куйдиради унинг чакмонин,
 «Сен ҳам билдинг» — дея, айтиб армонин,
 Бирдан бузилади бор кайфияти,
 Унга аён бўлиб ғаним нияти.
 Таскин бермоқликни бўлмаи иложи,
 Бехуда бу ишга уринар Ҳожи.
 Шу асно хонага зарб билан Аббос
 Киради, ёнида бир навқари хос.
 Улуғбек Аббосни кўрибон дурушт,
 Ташланиб уради кўксига бир мушт.
 Навқар Улуғбекни ушлабон маҳкам,
 «Олтой пўстинини» ечади шу дам.
 Қўлини боғлашга излаб арғамчин,
 Ташқари чиққанда Аббоси бадкин.
 Вузуъ айласин деб Улуғбек сўнг бор,
 Эшикни занжирлаб Ҳожи шиддаткор,
 Сўнг Аббос киради бағрини доғлаб,
 Собиқ ҳукмдорнинг қўлларин боғлаб.
 Фонус ёруғида ариқ бўйида,
 Одам жон, жаллод-чи қасос ўйида,
 Бир зарб урди, чиқди «иҳ» деган нидо,
 Дарҳол боши бўлди танидан жудо.
 Рамазон ойининг эди саккизи,
 Бир мингу тўрт юзу қирқ тўққиз кузи,
 Октябр эди кеч йигирма беш,
 Бу ҳолни кўрмади на ғаним, на хеш.
 Нақ эллик олтида Улуғбек Мирзо
 Шаҳид бўлиб кетди шу экан қазо.
 Тарихи фавти шу санги баддурушт,
 Арабий абжадда битик: «Аббос кушт»,

Орада икки бор ботганда қуёш,
 Узилди яна бир Темурийдан бош.
 Абдуллатиф учун фарзанди падар,
 Улуғбек Мирзога суюкли жигар —
 Яъни Абдулазиз фарзанди хурди,
 Бу оламдан риҳлат отини сурди.
 Баҳовуддин деган бир Шайхулислом,
 Сулҳ сўраб Улуғбек Мирзодан ноком,
 Келганда жанг чоғи чилдухтаронга,
 Унинг молу мулки тушиб талонга,
 Мирзо Улуғбекдан биринчи дафъа,
 Шайхулислом ранжиб бўлганди хафа.
 Улуғбек берса ҳам мол-мулкин қайтиб,
 У шундай кетганди бир қарғиш айтиб:
 «Уғли хоҳиши-ла Улуғбек Мирзо,
 Шарият қозисин ҳукми-ла аммо
 Яратган изни-ла этилади қатл,
 Бор бўлса оламда инсофу адл».
 Абдуллатиф Мирзо чиқди кўп хунрез,
 Қутулиб падару жигаридан тез,
 Адлни унутиб, айлади зулм,
 Оддий воқеага айланди ўлим.
 Аёвсиз бостирди шўриш исённи,
 Сув каби аямай оқизди қонни.
 Бир оғиз сўзига ким бўлса қарши,
 Рухини чорларди фалакнинг арши.
 Охир ҳақ жойига топади қарор,
 Унга ҳам аталган фалак тиги бор,
 Низомий айтгандек падаркушдан шоҳ
 Чиқмагай, чиқса ҳам яшар олти моҳ.
 Бир куни туш кўрса «Боғи майдон»да,
 Абдуллатиф Мирзо ухлаган онда.
 Бир киши келтирмиш ўралган товоқ,
 Устидан рўмолни кўтаргани чоқ,
 Товоқда кўрибди ўз бошини у,
 Шундан юрагида ортиб ғам қайғу,
 Юзини қоплайди ўлим шарпаси,
 Билади ўрилар унинг арпаси.
 Улуғбек Мирзони билгувчи нодир,
 Бўлиб Бобо Ҳусан деган баҳодир,
 Аввало қасд олиш тушиб ўйига,
 Келди сўнг интиқом олиш кўйига.
 Пойлаб Абдуллатиф Мирзо йўлини,
 Пинҳон эгаллади гузар сўлини.
 Утгач Абдуллатиф беш-олти қадам,

Андоқ ёйни чўзиб бўшатди ул дам.
 «Оллоҳ, ўқ тегди» деб айтди шаҳзода,
 Уша замон учди руҳи самога.
 Сўнг қулаб тушди у отидан бежон,
 Чўчиб мулозимлар қочди ҳар томон.
 Юракка ботиб ўқ чап биқинидан,
 Чиқармиш жон тигин унинг қинидан.
 Бир навқари дарҳол Бобо Хусанни
 Бошини кесди шарт шоҳи ўлганни.
 Хуржунига солиб уни шу онда,
 Дарҳол олиб бориб нақ Регистонда,
 Қотилга шу жазо дея муносиб,
 Мадраса тоқига қўйдилар осиб.
 Улуғбек эди бир улуғ мунажжим,
 Ундоқ само илмин билмаган ҳеч ким.
 Олдиндан билса да ишнинг сирини,
 Рад эта олмаган ўз тақдирини.
 Ҳеч ким қутулолмас марги суллоҳдан,
 Қайси бош кечолгай олтин кулоҳдан.
 Темури соясида ёшлиги ўтди,
 Балоғатда Шоҳрух илгидан тутди.
 Илм дунёсига шўнғиган қадар,
 Унутди нелигин ташвишу қадар.
 Тахтнинг илинжида не жангги филлар,
 Умидвор кўз тикиб кутишди йиллар.
 Шоҳрух шиддатидан ва лекин чўчиб,
 Кетди барчасининг шамлари ўчиб.
 Падар паноҳида бўлса ким, бахтли,
 Ҳам яна ҳукмдор тож ила тахтли.
 Ота кетса айтиб мангуга видо,
 Фарзанди дилидан учар бир нидо:
 «Қаёққа кетдинг, эй буюк қиблагоҳ?
 Қолдим мен таянчисиз бепушту паноҳ!
 Бобом мулки бўлиб талону торож,
 Менга етганича қолди фақат тож.
 Билмасман мендан не қолур дунёда,
 Солдим барчасини қодир худога».
 Бир мингу тўрт юзу эллингичи йил,
 Май оини тўққизини юз берди шу хил.
 Орадан ўн беш йил ўтганда тамом,
 Қолмади Улуғбек авлодидан ном.

* * *

Ҳеч ким бу оламда яшамас абад,
 Қасрлар қулагай, ҳатто темир садд.

Ютса ҳам бешафқат бу қора замин,
Оллоҳнинг зикрида ўтган ҳар мўъмин,
Макони равзаи ризвонда бўлгай,
Энг гузал илоҳий жаҳонда бўлгай.
Улуғбек шоҳ эди, кесилди боши,
Гар эди эллигу олтида ёши.
Қисмат гўдакликдан этиб мўътабар,
Бўлди не истаса унга муяссар.
Гарчи бўлолмади роҳкушо шамшир,
Илми-ла олди лек дунёни ахир.
Бобою отаси кўриб иззатда,
Умрини ўтказди айшу роҳатда.
Вале фарзандидан кўрмай омонлик,
Кетди бу оламдан қандай нодонлик.
Улуғбекни этган ҳаётдан ноком,
Аббосмас, фатвои шоҳ, Шайхулислом,
Шўрли Аббос эди қасосгир, хундор,
Бажарди бурчини бўлиб бахтиёр.
Подшоҳнинг илкини қайириб боғлаш,
Улим даҳшати-ла бағрини доғлаш,
Ҳам тахтда ўтирган фарзанд амри-ла,
Шуҳрату ғаразу хаёл хамри-ла.
Эҳтимол тарихда бу шармандалик,
Илк бор юз бергандир, бу ҳам бандалик.
Темурқим таърифи етиб осмонга,
Соҳиб бўлган эди ярим жаҳонга.
Ундоқ бўлмаса-да фарзанди Шоҳрух,
Шоҳлиғ рухи ила бағишлаб шукуҳ,
Сурди етмиш бир йил шоҳона даврон,
Танидан чиққунча уни иссиқ жон.
Отаси фавтидан икки йил ўтиб
Кетди Улуғбек ҳам ёқасин тутиб.
Бу дунё омонат эрур, эй устоз,
Ҳеч кимни этмагай мангу сарафроз.
Улуғбек бўлса ҳам қирқ йилча подшо,
Қани ундан қолган зар ила тилло?
Хайрли ишлари қолмишдир мерос,
Улкан бинолару илми беқиёс,
«Зижи Қўрагон»у — илми нужумда,
На зару кумушлар кўмилиб хумда.
Бизни ҳам фанонинг наҳанги тишлар,
Қоларми, қолмасми биз қилган ишлар.
Умр ўткинчидир, вақт эрур қозн,
Бўлсин элу юрту яратган рози.
Ёраб, кўкаргайдир орзу ниҳолим,
Васлингдан умидвор Бўриев Олим!

СЎНГГИ ТЕМИУРЙЛАР, ПИРИ ТАРИҚАТ ВА МИРИ ҲАҚИҚАТ ҚИССАСИ



**ХУРОСОН ВА МОВАРОУННАХРНИНГ
ПАРЧАЛАНИШИ, ТЕМУРИЙЗОДАЛАР
АБУЛҚОСИМ БОБУР, АБУСАИД МИРЗО ВА
ХУСАЙН БОЙҚАРОНИНГ ҲУКМРОНЛИК
ДАВРИ, ПИРИ ТАРИҚАТ ВА МИРИ
ҲАҚИҚАТ МАНЗУМАСИ**

Бу фалак ҳеч кимга қилмас тараҳҳум,
Нафас ростламасдан айлагай маҳрум.
Соҳибқирон ўтди бағишлаб шукуҳ,
Ундан сўнг Хуросон подшоҳи Шоҳрух.
Кўз очиб юммасдан кўринг бу фалак,
Барини армонда айлади ҳалак.
Охир қисмат экан етиб қазоси,
Бошидан ажралди фалак Мирзоси.
Буюклар юрмагай илинж ахтариб,
Лекин бу дунёда барчаси ғариб.
«Падаркуш шоҳликка арзимас гумроҳ,
Бўлса ҳам олти ой чидамас, э воҳ!»
Низомий сўзига йўқдир эътироз,
Ҳеч ким қисматидан бўлолмас халос.
Ўлди падаркуш ҳам тахт қолди сабил,
Маломат ёғилгай ўтса ҳам минг йил.
Темурийзодалар даврини сурди,
Бола отасига тахт деб тиг урди.
Абулқосим ила Абу Саидлар
Даврида ўтди кўп тўю ҳайитлар.
Ўзига яраша кийиб олтин тож,
Сўнг Хусайн Бойқаро талаб қилди бож.
Лек ундан кўра ҳам икки буюк зот
Файзидан гуркираб яшнади Ҳирот.
Туркий маърифатга қўшдилар ҳисса,
Улар ҳақидадир учинчи қисса.

**АЗИЗЛАР ХОТИРИ ПОКИ ВА
МАЖОЗИЙ САРГУЗАШТЛАРНИНГ
ФАРАҲНОКИ**

Дилмда бир умид уйғонди ёро,
Қилиб бўлмас бировга ошкоро.

Улуғлардан улуғлик орзу этмак,
 Тахайюлда улар фикрига етмак.
 Бу оламда ахир дўсту ҳабибим,
 Ўзингсан, бергил орзуи насибим.
 Ки парча нон ғамида бўлмайин хор,
 Сочай дил ганжини оламга дурвор.
 Тамаъ ким айласа доим у хордир,
 Қаноатли азизу бахтиёрдир.
 Бу оламда бўлиб мангу хитобим,
 Шоирман қолгуси ёзган китобим.
 Ки кимдан беш қаватлиғ том қолгай,
 Ки кимдан камтарин бир ном қолгай.
 Бу оламда бўлиб доим умидвор,
 Ахир бизни ютар домига мозор.
 Ота-онам гўрида унди майса,
 Ғаму ташвишки кундан-кун кўпайса.
 Ботиб чумчуқ каби ҳасратга доим
 Яшаш менга ярашмас эй худойим.
 Агар чўзсам қўлимни ойга етмас,
 Пичоғим ҳар маҳалда мойга етмас.
 Навоий вақфидан рағбат етарму?
 Улуғ Жомий каби сарват етарму?
 Олимжон бошла энди тоқатим тоқ,
 Азиз устоз кутар шарҳингни муштоқ!
 «Илоҳо қолмасин қалбимда армон,
 Беҳишт боғидан айла бир гул эҳсон.
 Очиб ул ғунчани кўнглимни чоғ эт,
 У гулнинг бўйи бирла хушдимоғ эт.
 Бу фоний олам ичра тутма ғофил,
 Менга хайру саховатлар ато қил!
 Этай шукроналар сенга дилимдан,
 Дуойинг қўймайин асло тилимдан.
 Саодат юлдузимни нурфишон эт,
 Сўз иқлими аро соҳибқирон эт.
 Шоирлиғ қудратим айлаб ҳувайдо,
 Жаҳон аҳлини эт шеъримга шайдо!»
 Агарчи Рўдакий мумтоз ўлибдур,
 Жаҳон назмига ул устоз ўлибдур.
 Бўлибдур шеърятнинг наррашери,
 Назм мулкининг ул танҳо далери.
 Ва лекин қисмати кўп шўр бўлмиш,
 Анинг ҳар икки кўзи кўр бўлмиш:
 «Бўл ободу жаҳонда маҳфилоро,
 Азиз шаҳрим мудом яшнаб Бухоро.
 Бўйи жўйи Мўлиён келгай ҳамон,

Ёди ёри меҳрибон келгай ҳамон.
 Ҳеч шодлик йўқким бу дайраро,
 Бўлса дўст дийдоридан хуш ғамбаро»
 Эрди шоир шеърда якто баса,
 Аҳли инсонға тугал фарёдрасе.
 Бошлади ул форс шеърда ғазал,
 Шарқда шеър устози аз рўзи азал.
 Сўнг келиб андин Дақиқийи замон,
 Эрди ул ҳам шоири форсийзабон.
 Бошлади «Шоҳнома» лек қилмай тамом,
 Кетди оламдан қолиб хуш эзгу ном.
 Сўнгра ондин Робиа Балхий эди,
 Қисмати шоирани талхий эди.
 ЗуллISONАЙН эрдню соҳиб адаб,
 Бир забони форс эди, бири араб.
 Утди оламдан гўзал ул маҳлиқо,
 Айласин руҳини шодон холиқо!
 Яшнади форс шеърининг гулзори кўп,
 Гул эрур кам, лек жаҳоннинг хори кўп.
 Келди Фирдавсий буюк хушхомачи,
 Мансури бинни Ҳасан «Шоҳнома»чи.
 Ёзди шоҳлар тарихини муттасил,
 Бўлди «Шоҳнома» гўзал, тенгсиз, асил.
 Лек мукофотмас етиб бошига ранж,
 Улди хору зор бўлиб соҳиби «Ганж».
 Айюқню, Унсурию, Фаррухий,
 Шод бўлсин ул азизларнинг руҳи.
 Ҳам ҳаким Ибни Сино йўқдир ҳади,
 Ҳам Манучеҳру, Лабибу Асжадий.
 Тоҳири Урёну Носир Хисравий,
 Масъуди Салмону Хайёми қавий.
 Собири Термизийи устод эди,
 Ҳам бири Рашидиддин Ватвот эди.
 Ҳам Низомий Ганжавийи хушсухан,
 То бугун бергай жаҳон назмига тан.
 Қайта форс шеърини уйғотди саси,
 Бўлди бир мўъжиза янглиғ «Хамса»си.
 Битди андин сўнг етук ашъорлар,
 Титратиб форс оламин Атторлар.
 Қофия шеър ичра гум-гумий эди,
 Сўнг тасаввуф куйчиси Румий эди.
 Саъдийи Шерозиға йўқдир калом,
 То анинг таърифини этсам тамом.
 Сайфийи Фарғони афғон айлади,
 Шеърларидан катта девон айлади.

Мир Амир Хусрав шарафларга тўлиб,
 Ёзди бешлик — «Хамса» иккинчи бўлиб.
 Ҳофизи Шероз газал мулкида шоҳ,
 Берди шухрат тахтини унга Илоҳ.
 Сўнг буюклардан буюк номи эрур,
 Бизга устоди замон Жомий эрур.
 Ҳам тафаккур мулки султони яна,
 Ҳам Навоий, ҳам буюк Фоний яна,
 Тўхтатиб рўйхатни, гапдан ҳиссае,
 Бошлагайман энди мен бир қиссае.
 Шоирни давронга аҳсантлар ўқиб,
 Шеърдан илҳомланиб, ҳам шеър тўқиб.
 Гарчи дунёда улуғлар кўп дурур,
 Лек устоз барчасидан хўп дурур.
 «Не тубандек сен атони банди бўл,
 Отадан кечу ҳунар фарзанди бўл.
 Ҳар дили доно тирик озурдадур,
 Ҳар дили нодонки эрса мурдадур».
 Деб қоқиб келди эшик кейинги байт,
 Ҳам кириб келди Навоий ушбу пайт.
 Бўлса-да Жомий ижод мизиди банд,
 «Марҳабо, хуш келдингиз, эй аржуманд» —
 Деб, қучоқ очди Навоийга шу он,
 Махдуми Нур эрди унга меҳрибон.
 Ҳам Навоийки навосози эди,
 Шайх буюк устозидан рози эди.
 Дўсту шогирд иккиси бир жон бўлиб,
 Шеър алар қалбида бир тўфон бўлиб,
 Ёғдириб ҳар иккиси дурри гуҳар,
 Айлади сўз мулкани зеру забар.
 Эл-улус бўлди улардан баҳриёб,
 Ҳам алар топди савоби беҳисоб.
 Кўп буюк ишлар қилиб бу даҳр аро,
 Ўтди икки қалби дарё, гамсаро.
 Бор бўлиб шоҳларни тожу сарвати,
 Қолмайин, қолди аларнинг давлати.
 Раият парча нон кўйида эрди,
 Ғами рўзғор киши ўйида эрди.
 Учарди қумри излаб тинч маконлар,
 Қаён боқманг эди озурда жонлар.
 Халойиқ бут қилолмасдан камини,
 Қидиргай эрди дарди малҳамини.
 Келиб Жомийга арзу дод этарди,
 Буюк шоир аларни шод этарди.
 Ва ё мактуб битар эрди вазирга,

Алишери Навоий беназирга:
 «Фақирларга қилинг хайру саховат,
 Алар кўнглин олиш ҳам бир саодат!»
 Олис таърихга бир наззора эттим,
 Қалам бирла қоғозни қора эттим.
 Дилимдан дуру гавҳарлар титишга,
 Улуглар васфида дoston битишга.
 Битай Жомийга деб сурсам хаёлот,
 Навоийсиз эмас мумкин, ҳайҳот.
 Агар ёзсам Навоий қиссасини,
 Қўярман қайга Жомий ҳиссасини?
 Жудо бўлмас, эту тирноққа хосдир,
 Аларнинг қисмати кўп беқиёсдир.
 Навоийнинг замондош, дўсту пири,
 Ижод бирла ҳаётда дастгири.
 Эди сўз гулшанининг хуш машоми,
 Навоийга бериб илҳом Жомий,
 Ҳам ундан бўлгай эрди баҳраманд кўп,
 Бериб ўғит, ҳам олгай эрди панд кўп.
 Бири-иккинчисидан ўлмас айро,
 Жудо бўлмас эди бу икки дарё.
 Алар васфини бар ҳаққи худо қил,
 Қўлингдан келса бир қил, на жудо қил!
 Навоийнинг даҳосига уриб қўл,
 Этилди бу жаҳонда кашфиёт мўл.
 Бу ишлар қолмасин ҳеч ўлда-жўлда,
 Навоийга етолмай Жомий йўлда.
 Бўлиб илҳомчи менга икки мумтоз,
 Ёзарман хайрихоҳим бўлди устоз.
 Мисоли икки гавҳар бир садафда,
 Улар тенгу баробардир шарафда.
 Эмаслар гар менинг лутфимга муҳтож,
 Мудом шоҳларга мискинлар тўлар бож.
 Буюклар пойининг гарду ғубори,
 Эрур биздек фақирлар ифтихори.
 Топилгай лек бахилу каттазанглар,
 Аларда йўқдурур номусу наинглар.
 Қуруқ ном бирла сохта савлати бор,
 Нуфуз бирла амал ҳам давлати бор.
 Вале эшак миннишга арзимас кас,
 Алам қилгай атайлаб урса гар пас.
 Тузиб дур, айласам халқимга тортиқ,
 Мунофиқлар қилар овора ортиқ.
 Ўзи қилмас, биров қилса, кўролмас,
 Илон бўлгач заҳар солмай туролмас.

Ёғиб донога ғнйбат бирла бўҳтон,
Суриб юргай мудом айшини нодон.
Қўлингдан келса қилгин яхшиликлар,
Ёмон ишларга урмасдан иликлар.
Ўқиб эл демасин майлига машҳур,
Ўзимники бўлар ўзимга манзур.

МУНОЖОТ ИҶСУНИДА

Саодатлар тилай Ҳақдан муродим,
Ўзингсан, эй Худо мушкулкушодим.
Сенинг мадҳингда сўз айтмак саросар,
Эрур бурчим менинг то рўзи маҳшар.
На Жомий сингари фарзонадурман,
Олим девонадек девонадурман.
На эт орзу муродимдан жудоё,
Насибамни бутун айла, худоё.
Мен на ёзай Жомийни такрор этиб,
Туркий лисоним ила ашъор этиб.
Менга хушу, сенга хушу анга хуш,
Сўзни зару сийм дея билганга хуш.
Мағзию, маъносию мазмуни ҳам,
Мансуби устоди саодатқалам.
Биз эса тилмочи гадопешамиз,
Воқеъ бўлар сўзда кейин решамиз.
Ҳурмати устозу таассуб қилиб,
Келтирамиз борини маҳбуб қилиб:
Ул не ёзар чоғида хуш хат ила,
Бошлади дил арзини журъат ила.
Мадҳи Худодирки, чекиб килки «Кун»,
Ёзди шамол сафҳасига бус-бутун.
Бўлди анинг битгани қутлуғ калом,
Тавсифини айлағум энди давом.
Нутқи саноси, не таманноси бу,
Ақлини савдоси, не маъноси бу.
Риштайи фикрики эрур пургуҳар,
Бунда туғунларга тўла дурру зар.
Ҳар дили доно ўзини этса хор,
Қодир Эгам қилгай уни бахтиёр.
Келажак авлодга каромат этиб,
Барча тирикларни саломат этиб
Қора тунини ёритиб берди нур,
Айлади доною билимдон, жасур.
Қўкда қуёши қизитиб қилса авж,

Эсса шамолн сув уза турди мавж.
 Айбини ёпиб демади «лому мим»,
 Кечди гуноҳини узр сўрса ким.
 Тоза бўлиб жонн насими ҳаёт,
 Кашфи эрур даҳри дуну коннот.
 Берди қалам «кофу нунидан» зиёд,
 Бўлди бу минг ёзуғига раҳнамо.
 Қиссасининг аввали сатри шу хил:
 Гушанишин бўлгуси ҳар покдил.
 Қадри аларнинг бу жаҳондин зиёд,
 Мулки бақода бўлур андин зиёд.
 Узга аларнинг ҳунару ташвиши,
 Иўқ бу жаҳон бирла тамоман иши.
 Мулки бақони қилишиб ихтиёр,
 Бўлди аларга бу жаҳон тангу тор.
 Улким эрур хозини ганжинаси,
 Лаълу гуҳарга тўладур сийнаси.
 Ҳар гуҳари топди ривож ўзгача,
 Бўлди гўзал сайқали тож ўзгача.
 Навбати сўнг они наботат ўлиб,
 Ҳусни расо кони малоҳат ўлиб.
 Унди замннда кўтариб кўкка бош,
 Унга нурин сочгани чоғи қуёш.
 Шамсня янглиғ кўтариб баргу шох,
 Соянишинларга берибон фароғ.
 Гоҳида гул сочди мисоли дирам,
 Мева бериб гоҳида айлаб карам.
 Сўнгра жаҳонда яралиб жонзот,
 Сув ила хок берди аларга ҳаёт.
 Ички шуур бирла қилиб орзу,
 Масжиду меҳробни этар жустижў.
 Кўнгли гадоликни тақозо этиб,
 Ҳар не тилар қалби муҳайё этиб.
 Барчасининг охири одам эрур,
 Ушбу жаҳон илгинда маҳкам эрур.

СУЗ ФАЗИЛАТИ ҲАҚИДА — НАСИҲАТОМУЗ АҚИДА

Сўз боғининг хушбўйи, раъноси бу,
 Ҳамда насими чаманороси бу.
 Субҳидам ул эсди муаттар шамол,
 Берди чаманга зебу очди жамол.
 Хуш нафасидан аввал унди қалам,
 Ғайб тўқайзорн аро ушбу дам.

Сўзга агар жўр бўлур сози ҳам,
 Дўстга жон бахш этар овози ҳам.
 Гарчи шамолларда бўлар сўз тугун,
 Ҳар тугунидан ечилар юз тугун.
 Ҳарфи агар «зер» ўлур ё «забар»,
 Аҳли хирад наздида улдир гуҳар.
 Сўз товуш, ҳарфга боғлиқ эмас,
 Қуш каби рост сўзу, ясоғлиқ эмас.
 Ҳар неки андин сирин англари дилинг,
 Янги маониси бўлур ҳосилинг.
 Сўзки шоирга сужуд ул бари,
 Сўзни жонига вужуд ул бари.
 Мутриби хушлаҳжа қилурким наво,
 Гунбази ферузада бергай садо.
 Тургилу гулзорга киргил бири,
 Ташла анга бир нафасе кўз қири.
 Розни англари тутибон қулоқ,
 Гунча лаби янглиғ очиб гул дудоқ.
 Савсани озод тили узра тил,
 Тонг қуши афғон чекадур муттасил.
 Сирри маонийни очаркан бари,
 Ганжи ниҳонийни сочаркан бари.
 Чанг навоси каби сўз соз ўлур,
 Нағмаси овозидан эъжоз ўлур.
 Сўзни тарозуда қўйишда магар,
 Нега қилай ор, сўзим бўлса зар?
 Қўк тарозусини гардон қўйиб,
 Ою қуёш заррини бир ён қўйиб,
 Узга ёгин дурга тўлиқ айласанг,
 Дур каби сўзлар била лиқ айласанг.
 Зар кўтарилганда баланд мисли хас,
 Дурри асил жойида тургуси бас.
 Жомийки, сен соҳиби дурри калом,
 Торт ҳар эшикдан оёғингни тамом.
 Ҳар тубан одам зарига чўзма қўл,
 Мисли садаф ўз гуҳаринг бирла бўл.
 Менки маю маъшуқадан покман,
 Ҳақ йўлида ошиқи дилчокман.
 Соқию чолгучиси бир ён ўлиб,
 Нуқли маоний ила ҳар ён тўлиб,
 Баҳра ололсам у базмгоҳидан,
 Қайтмак учун талпинаман роҳидан.
 Дил эшигин очса шоирлар агар,
 Айлашибон аҳли тубандан ҳазар.
 Қофия тузмакка киришгай бари,

Дайри бақосизга боқиб тескарн.
 Эритишиб танни бари жон бўлур,
 Тоғ қазишиб, излагани кон бўлур.
 Гавҳару ёқутни кондин қидир,
 Не топасан беҳроғин ондин қидир.
 Поку палид ҳар неки кўнгулда бор,
 Сўз ила бўлгай бариси ошкор.
 Жилға сувин тўсса ўлакса мудом,
 Покиза сув булғанар андин тамом.
 Юз нозу иззат ила ўсган малак
 Машшотасни айламагай жонҳалак.
 Бу барни сўзладигу лек биллиш,
 Ишқни лаззотидадур асли иш.
 Севса киши ишқи мажозий эрур,
 Орзуси ёр ишваю нози эрур.
 Ғанжу далол, лутфи висол ўзгача,
 Қомати дол, қадди ниҳол ўзгача.
 Бахт недур? — Бўлса киши хушфароғ,
 Ғам недур? — Учса дилида чароғ.
 Салла эмас, каллани зўр айлагил,
 Алла эмас, яллани жўр айлагил.
 Ушбу жаҳон ғамлига ғамхонадир.
 Қимки азал шод эса, девонадир.
 Бўлса киши ишқи агар шубҳали,
 Сўнгай унинг қалбида ишқ машъали.
 Сидқ ила бир ишга кириш, одами,
 Бор мудом ушбу жаҳон бир камн.
 Қилма гурур сен баланд том ила,
 Юр бу жаҳон ичра баланд ном ила.
 Қулса тубан бахтига давру амал,
 Четга торт ўзни, эрур шу гўзал.
 Қилма хушомадга хушомад тағин,
 Келмаса келмас сенга омад тағин.
 Турма яқин шоҳгаки, хавфли олов,
 Ёнгай аввал дўсти яқин, сўнгра ёв.
 Ғам емагил, моли жаҳон арзимас,
 Қам демагил, бўлса имон арзимас.
 Берди қулоқ, кўз, қўл-оёқ соғмен,
 Айла тафаккур на дили доғ мен.
 Айтайин Оллоҳга ҳазорон шукур,
 Берди танимга кучу дилга шуур.
 Қилмади молу зарига ўч мени,
 Ҳамда зиёсизу мағнзпуч мени.
 Гарчи бўлолмай буюк алломае,
 Бор қўлимда ёзаман хомеае.

Ёнди дилим, унди мурод ғунчаси,
 Лутфи Худо менга етар шунчаси.
 Ушбу жаҳон ичра ҳисобсиз киши,
 Барчасининг бўлди қорин ташвиши.
 Бирларининг матлаби мансаб эрур,
 Шугли бири сафсатаю гап эрур.
 Гоҳи эгилдим, агаре синмадим,
 Қилдим ўшал мақбул эса тинмадим.
 Ақл қушу нафс тузоғи эрур,
 Илм киши қалби чироғи эрур.
 Бўлсанг агар покдилу меҳрибой,
 Сенга бировдан нега етсин зиён?!
 Не сени боғингга тушар ўғри,
 Кўрса чекинмас сени ҳар тўғри.
 Қоч шароб, шаҳватидан аввало,
 Иккисидан бошга ёғар кўп бало.
 Ром этадур мисли гўзал шўх нигор,
 Йўлдан уриб айлагуси хору зор.
 Таъма қилар кимки кўзи тўймагай,
 Элу улус таъмачини сўймагай.
 Бўлма мунофиқу ҳасадгўй, бахил,
 Тўғри бўлу ишни мудом тўғри қил.
 Қазма биров қасдига чоҳи хатар,
 Эзгулик айла, йўқ эса, ер ютар.
 Аҳли башарнинг ўзи бир мўъжизот,
 Ишга солиб ақлин этар кашфиёт.
 Бўлганидек сийрату сурат бўлак,
 Ҳар кишида иксирин журъат бўлак.
 Бўлса киши соҳиби илму ҳунар,
 Мисини кимёда қилар софу зар.
 Қилса лаёқоти улусини асир,
 Илму амалдан очилар барча сир.
 Сўзи вужудингга этар бахш жон,
 Бўлса агар нотиқи хуш, нуктадон.
 Илмидан ул элни этар баҳравар,
 Бўлса етук шайхи машойих агар.
 Бўлмаса мурибда уқув соз ила,
 Ром эта олмас куйу овоз ила.
 Топмаса жойини ҳунар сарвари,
 Тентирагай телба каби сарсари.
 Миннати дунё ила бўлмас иши,
 Сочса агар ерга уруғ ҳар киши.
 Бўлди Сулаймон деуу жин сарвари,
 Измида эрди малаку шўх пари.
 Хизматида эрди тамоми жаҳон,

Меҳнат ила лек еди парча нон.
Сотди кесиб тоғдан ўтин ҳар замон,
Қайнатибон оши пулига қозон.
Турди на бекор бирор соате,
Ўзга пулига на қилиб роҳате.
Қонига сингиса ҳарншу ҳаром,
Қимса халос топмас, эрур хавфли дом.
Сен на Сулаймону сулаймонлиғ эт,
Хору фақирлиғ ила султонлиғ эт.
Айла қаноатни ўзингга шиор,
Бўлма нафс кўчасида дастпёр.
Бўлса киши оқилу ҳам хушмуқом,
Элу улус раҳмати ёққай мудом.

БУЮК ҲИРОТ ПИРЛАРИ ВА ТАХАЙЮЛОТ СИРЛАРИ

Кўп эрур шаҳри гўзал даҳр аро,
Оз буюклар вале шаҳр аро.
Қайси макон бўлса замин сайқали,
Енгай ўшал жойда ақл машъали.
Файз ила қут ёққай ўшал хокка,
Таърифни етгай уни афлокка.
Шоҳлар у тупроқни тавоб айлагай,
Бож бериб, ишни савоб айлагай.
Мулкка машойнх наки муҳтож эрур,
Боши уза фаҳру шараф тож эрур.
Барчани Оллоҳга аён сирлари,
Етди камолотга Ҳирот пирлари.
Бизнинг азал пир ила устозлар,
Мулки тахайюл ила мумтозлар
Эрди буюк Хожайн Ансорий ул,
Илми тасаввуфни жаҳондори ул.
Пирн Ҳирот эрди машойнх буюк,
Махдўми Жомий ани билди суюк.
Езди «Табақот...» нни илҳом ила,
Қилди ижодини бир Ислом ила.
Кейин ўлиб Махдуми Нур навбати,
Эрди тасаввуфда буюк сарвати.
Тобеъ эди мулки Хуросон анга,
Мағрибу Машриқ ила даврон анга.
Тенги анинг йўғу фусунсоз эди,
Пирн замон соҳибн эъжоз эди.
Суф деса, дарёни этиб тескари,
Қайтаражак орқасига сарсари.

Куф деса, сўз бешасида аргувон,
 Зумрад ўлиб ёки зари заъфарон.
 Эрди араб форсийда сўз заргари,
 Зар сўзига зийнат ўлиб гавҳари.
 Туркийда килкини на сунгай эди,
 Лек ўқиса яхши тушунгай эди.
 Пири Навоийи сухансоз бўлиб,
 Даврида ўз даврига устоз бўлиб.
 Эрди Ҳирот пири забардасти ул,
 Халқсевар юртни камарбасти ул.
 Шеър ила шоири жаҳонгир эди,
 Сеҳр ила сўз жодуси жонгир эди.
 Фоний-Навоийни этиб хушният,
 Айлади ўз мактабида тарбият.
 Форс ила турк икки забон ҳамнафас,
 Фахри замон, бўлди замон ҳамнафас.
 Туркий улус миллати фахри эди,
 Дурри гарон сўзни наҳри эди.
 Сурди қалам, таъсир этиб сўздан,
 Тўкди фалак юлдузи ёш кўздан.
 Чикдими ёш дилдан агар кўзгача,
 Дарду фироқ унда бўлар ўзгача.
 Ўтди азизлар, йўлининг хокимиз,
 Лек алар орзуси ғамнокимиз.
 Йўл йироқ хоҳишу имкон қадар,
 Жим не турай, интиламан жон қадар.
 Мен на чироқ, ою қуёшдир алар,
 Мен на вужуд, тан ила бошдир алар!
 Ушбу ҳаётда неки бор муддаом,
 Ибрат олиш бўлди алардан мудом.
 Гарчи улар кўйи эрур осмон,
 Мени этар хожи дари шодумон.
 Етса кифоёти агар бир ғубор,
 Гарди берар менга ғурур ифтихор.
 Мадҳи улуғларни савоб иш бўлур,
 Хайру саховатга жавоб иш бўлур.
 Гарчи улар лутфга муҳтож эмас,
 Бўлмаса тахт, тож-кулоҳ, тож эмас.
 Гарчи улар кетдю олам қолиб,
 Ушбу жаҳон ичра буюк ғам қолиб.
 Хотири руҳи ҳақига эй, Худо,
 Бўлди бу оят, сен эт мустажол!
 Улки азиз хотири шод ўлгуси,
 Ушбу Ватан меҳри зиёд ўлгуси.
 Бўлса Аслзоду дили беғубор,

Бўлса Жаҳондору жаҳон унга тор.
Хонайи Маъмурани обод этар,
Тегса амал адлни бунёд этар.
Ушбу жаҳон ичра эрур катта бахт,
Бўлмаса кимда ҳаваси тожу тахт.
Кимки чидам бирла қаноат топар,
Осудадил бахту саодат топар,
Ёнса вужудим агар ҳақ учун,
Дил ёнар орзуйн мутлақ учун.
Ётди чу ғойиб қушининг номаси,
Ёзди жавоб унга шоир хомаси.

НУРИДДИН АБДУРАҲМОН ИБН АҲМАД ЖОМИЙНИНГ ҲАЁТ БУСТОНИГА ҚАДАМ ҚУЙИШИ

Эди тўрт юзу ўн тўрт минги аввал,
Нуриддин Абдураҳмон бахти машъал.
Таваллуди тутиб волидасин дард,
Кўпайди биттага қишлоқи Харжард.
Машойихи киром эрди дадоси,
У бирла ҳаммақом эрди адоси.
Очилди илму урфоннинг гули деб,
Қўйишди ном Раҳмоннинг қули деб.
Гўдак чоғидан эрди Абдураҳмон,
Ёқимтой шўху ҳар бир ишда чаққон.
Кириб беш ёшга эрди ақли тийрак,
Мисоли ўн яшарлиғ бола зийрак.
Эди ҳофизаси кучли ниҳоят,
Қоларди хотирида шеър уят.
Гўзалдир ёш гўдак ҳар кимга бирдай,
Бўлар кўргувчи кўз унга асирдай.
Гул ичра гул, яна раъноси бўлгай,
Гўдакнинг ҳам шўху доноси бўлгай.
Қилар чоғи падар гоҳи ибодат,
Турарди наздида соҳиб саодат.
Атосига гоҳи тақлид қиларди,
Гоҳида жойнамоз узра қуларди.
«Намозни бузди» — деб бир мутаассиб,
Келиб меҳмонга кетди лек сасиб.
Анга лутф айлади Маҳдуми Аҳмад:
«Азиз меҳмон нечун беҳуда заҳмат!
Юрар гирдимда бу поку саришта,
Ибодат чоғида мисли фаришта.
Дилимни айлагай кўп шоду масрур,
Масалда тенг дурур ёш гўдагу ҳур!

Ун икки ёшга кирган чоғи ўғлон,
 Ибодат фарзу дил бўлгай чароғон.
 Уйин бирла намоз фарқига бормас,
 Ғудакдан ранжимоқ оқилга кормас».

Эди уч ёшда Махдум ул замонда,
 Ягона эркатой ул хонадонда.
 Фиқҳ қонунида зўр эрди Аҳмад,
 Ва ундан отаси Шайхи Муҳаммад.
 Бўлиб Жом шаҳрида ул хонабунёд,
 Санаб Шоҳрух уни ўзига устод.
 Етарди илкини гар чўзса ойга,
 Ҳукмдор ҳукми-ла келди саройга.
 Агарда чиқса ҳар қандай муаммо,
 Топарди у ечим қийналмай аммо!
 Берарди ҳам сабоқ шоҳларга хос ул,
 Дақойиқда эди гавҳаршунос ул.
 Не бўлса ўргатиб ҳам Аҳмадига,
 Худонинг етди охир раҳматига.
 Босар от ўрнини той бўлса катта,
 Чиқарди ном кейин ҳар машваратта!
 Яна ўргатди ўғлига савод ул,
 Бериб илгига қоғозу давот ул.
 Утиб кун, ҳафта, ой, йил бўлди охир,
 Қўзи қўй, филча ҳам фил бўлди охир.
 Қади чўзилди ўхшаб навниҳолга,
 Етибон ботинан ҳадду камолга.
 Эди етти ва ё саккизда ёши,
 Еритди йўлини қисмат қуёши.
 Таниди катталар сингори ақлин,
 Уқиган ҳар китобни этди талқин.
 «Нури мунзал»ни кўпроқ ёд этарди,
 Ота бирла онони шод этарди.
 Гоҳи Аттор, гоҳ Шайхи Низомий,
 Гоҳи Ҳофизга кўнгил қўйди Жомий.
 Гоҳи Абдул Навосдан панд ўқирди,
 Гоҳида ўй суриб, ашъор тўқирди.
 Эринмай дарс олишни қилди одат,
 Анга ҳар соҳада кулди саодат.
 Илмга ташна шоир Абдураҳмон,
 Китоб ўқир эди борича имкон.
 Эди маънида бир дарё, буюк қалб,
 Этиб буткул тасаввуф диққатин жалб.
 Кифоя эрди кўрсатса муаллим,
 Утирмасди бўлиб у муттакаллим.
 Не дарсдин бўлса басдир бир ишора,

Сўраб юрмасди ул иккинчи бора.
 Сабоқ аввал «Каломулло»дан ўлди,
 Қироатда у зўр муллодан ўлди.
 Ҳофизлардек ўқиган чоғи «Қуръон»,
 Ҳавасмандлар кўзидан тўкди маржон.
 Имоми Аъзам эрди мазҳаби хос,
 На «сунни-шиъа» — деб, у қўйди ихлос.
 Деди: «На суннатийга ит бўлибмен,
 Шиъа эшакка на ҳамқут бўлибмен.
 Шукур ҳар иккисидан ҳам жудоман,
 Расулга уммату дўсти Худоман»,
 Қилиб Ансориға тақлид ҳамеша,
 Ижод этди аввал шогирди пеша.
 Унингдек бу жаҳонда ҳеч сухандон
 Асири бўлмаганди Абдурахмон.
 Эди устоз назми мисли дарё,
 Йўлида эрди чексиз дашту саҳро.
 Биёбони Хўтанда оҳу кўзлар,
 Муҳаббат шевасин шоирга сўзлар.
 Илоҳий ишқни не ҳижрони бўлгай,
 Не васли, не юракнинг қони бўлгай.
 Бу олам мулкидан кечабилишдир,
 Севиб Ҳақни бақога интилишдир.
 Йигитликдан қарифоница инсон
 Борар манзилига шошиб шитобон.
 Ёзиб «Шоҳнома»ни Фирдавсий Тусий,
 Бўлиб қирқ йил машаққат пойбўси.
 На Маҳмуд Ғазнавийга манзур ўлди,
 На олди ҳадя шоир, машҳур ўлди.
 Саройдан ул этак силкитди кетди,
 На шоирнинг изидан ҳадя етди.
 Сухандоннинг чиқиб охир фиғони,
 Ёзиб ҳажв айлади шарманда шоҳни:
 «Агарчи тахт уза қарсак қоқардир,
 Тагибаст бир ғуломи отбоқардир.
 Қулоғига ҳўкизни чалма танбур.
 Анга бир, куй ила «ғинг-ғинги» занбур.
 Олиб «Шоҳнома»ни монанди косиб —
 Текинга, қувди пасткаш, номуносиб».
 Тегиб Маҳмудга шоир ҳажв заҳри,
 Ғазабнок шер янглиғ келди қаҳри:
 «Ошибдур ҳаддидан шоирни даврон,
 Тутиб тез келтиринг!» — деб, берди фармон.
 Амири хос Тусга чоптириб от,
 Тополмасдан шоирни қайтди ҳайҳот!

Қуённи сурди Фирдавсий сухандон,
 Тешикка урди ўзни мисли сичқон!
 Тополмасди қидирган бирла Маҳмуд,
 Арога кирди сўнг фарзанди Масъуд.
 Деди: «Шоҳи жаҳон ул бандаи зор,
 Дебон сизни ёзиб қирқ йил ашъор.
 Солиб «Шоҳнома»си оламга ғавго,
 Вале сизга атайлаб қилди савго.
 Ҳасадгўйлар кўзиким кўр бўлгай.
 Ёмон кўргай улар ким зўр бўлгай.
 Сарой не, йўқ жаҳонда тенги они,
 Буюкларнинг ягона нуктадонни.
 Эмас шухратда ҳазрат шоҳдан кам,
 Ахир келди-ку қаддини этиб хам.
 Буюкқалб ҳар шоир ғар хор бўлгай,
 Дилидан нафрати ошкор бўлгай.
 Улар сўзи учар шоҳ сўзидан бот,
 Улар ҳам шоҳ, лек шоҳи хаёлот!
 Утар шоҳ, номи ҳам ўчгай, йўқолгай,
 Ва ё «Шоҳнома»ларда номи қолгай».
 Қилиб фарзанд сўзи Султонга таъсир,
 Не Султон, устухону жонга таъсир.
 Деди: «Бермай мен унга ҳадяю ҳақ,
 Кетибман паст тушунсам энди мутлақ.
 Ҳасадгўй Фаррухий найранги бирла,
 Қилибман жанг хурўси жанги бирла.
 Амир-ул-муслимин номимга доғдур,
 Шоир кўнглини олсам яхшироғдур».
 Кириб инсофга охир Ғазна шоҳи,
 Юборди совға юртнинг қиблагоҳи.
 Эди қирқ нор узра сийму зарлар,
 Ғулом бирла канизи лабшакарлар.
 Келиб карвони шоҳ зангула бирла,
 Етиб Тус шаҳрига ғулғула бирла,
 Улар ҳовлига кирди бир томондан,
 Чиқиб шоир тобути ўзга ёндан.
 Фалак найранги бир келса кам ўлмас,
 Бу хил ғамдан ёмон қайғу ғам ўлмас.
 Хаёлдан кечириб, афсусда Жомий,
 Деди: «Етсин анга жаннат машоми».

ҲИКОЯТ

Ҳалим Девона қўлда теша бирла,
 Йўнар сўзни вале андеша бирла:

«Эмишким бир пари рухсора жонон,
Этиб хусниға элни мавҳу ҳайрон.
Табассум бирла лабдан сочса кулгу,
Дегайлар ўшаши ҳам бўйи гулку.
Қошини қийганида айлабон ё,
Мени ўлдур, дегай ҳар телба шайдо!
Сочи занжирларини ташлаган дам,
Бўлур банди хаёли қочиб одам.
Кўзи кўзмас, дегайсанким ситора,
Чарақлаб ёниб-ўчгай неча бора.
Солур киприклари кўксига соя.
Тасаввуф шоиридан ушбу ғоя.
Қади сарви расою юзлари гул,
Киши кўрмай туриб этмас тахайюл.
Ёқиб парвона ошиқларни ул шамъ,
Эди Лайлою Заҳроваш Муаззам.
Бўлиб ошиқ анга бир шеърпардоз,
Қилиб ишқини шеъри бирла оғоз.
Деди: «Кўриб сени ёрилди куртак,
Кўзим ёши лабимни этди шўртак.
Аё нозукбадан айлаб тараҳҳум,
Мени васлингга қонёъ айла бир зум.
Тушибди баққага шоҳ ишқи дерлар,
Калом подшоҳимен, мулким бу шеърлар.
Менинг қошимда не Жамшеду Ковус,
Хумоюн айла, жуфтим бўл, Товус.
Наҳот Булбуллимдан ор қилсанг,
Ушал Шаҳбоз бузуқни ёр қилсанг.
Дегайман кўргулик эркан Худодан,
Жудо этди сенингдек дилрабодан».
Деди Булбулга Товус ноз бирла,
Ярашгай юрса Ғоз гар Ғоз бирла,
Бўлар эрдим сенинг жуфти ҳалолинг,
На Шаҳбоз, бўлса Бойқушдек жамолинг.
Менга ёрмас югурдакликка моссан,
Ва гар сўз шоҳисан, гар шеършуноссан».
«Қабутар бо Кабутар, Ғоз бо Ғоз»,
Қилур ҳамжинс ҳамжинс бирла парвоз.
Бу сўзни эшитиб Булбулшамойил,
Тополмай важ Товусга бўлди қойил».
Ҳалим Девона, хотин олма, хар ол,
Ўқиб шеъримни маънийи гуҳар ол!

АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ БАЛОҒАТГА ЕТИШИ ВА ШОИР СИФАТИДА ДОВРУҒИ ОЛАМГА КЕТИШИ

Ун олти ёшга тўлди Абдураҳмон,
Эди энди дилида ўзга армон.
Назмда тетапоя йўлни ўтди,
Шоирлиғ шуҳрати оламни тутди.
Садафни очибон сўздан тешиб дур,
Этарди гавҳарини элга манзур.
Низомийни гоҳи таҳлил этарди,
Чақиб мағзини ҳам таҳсил этарди.
Гоҳи Саъдий «Гулистон»ида эрди,
Гоҳи «Бўстон»идан гулдаста терди.
Камол Хўжандидан гоҳ айтди ашъор,
Гоҳи они етаклаб кетди Аттор.
Гоҳи Ҳофизи Шероз мисли дарё,
Шеъри бирла дилини этди шайдо.
Машойихлиғ этиб гоҳ Шамси Табрез,
Тасаввуф жомини тўлдирди лабрез.
Кетиб овозаси ёшликдан андоқ,
Бўлар ёраб қаригонида қандоқ?
Тариқатнинг пири дин машъалидан,
Дуолар олди Аҳрори Валидан.
Ким охир ёшлигидан пир бўлгай,
Бу янглиғ бахтли дунёгир бўлгай.
Йўлида дуч келиб гар қочса иблис,
Муҳаббат қўйса кўрган чоғи ҳар қиз.
Кириб қалбига ишқ деган балое.
Уни ҳам айласа гар мубталое.
Уролмас йўлидан ҳар шўхи танноз,
Анга ҳар қанча ғамза айласа оз.
У исмат пардасидан чиқмас эрди,
Ҳамоқат қиннига тиг тикмас эрди.
Кўп эрди ул замон ҳам шаҳду шаҳдбоз,
Вале ул ўйнамасди «мурғу хўроз».
Азалдан бўлса ким комилтафаккур,
Дегай аҳли жаҳон унга ташаккур.
Муҳаббат бор эса дилда яралгай,
Сўнг они шуҳрати элга таралгай.
Бўлиб Кошғорий устози фан анга,
У зот машҳур жаҳони илму фанга.
Эди Жомийга они меҳри тушган,
Мисоли ота ўғулдек севушган.
Бўлиб меҳмон бир кун Кошғарийга,

Йўлиқди ногаҳон Жомий парига.
 Ениб устод уйининг шамчироғи,
 Кўриб чиқди дилидан ғам фироғи.
Не шамъ, ҳай-ҳайки офтоби жаҳондир,
 Юзи ой, жоду кўз, қоши камондир.
 Лабида лаззати дунёси жодур,
 Қиёсдан балки минг бор дилрабодур.
 Тасодуф ноз ила қилди нигоҳе,
 Чиқарди дил-дилидан Махдум оҳе.
 Олиб ақлу ҳушин ул ҳури ғилмон,
 Қолиб шоир тани гўёки бежон.
 Ани таъқиб этиб руҳи равони,
 Бўлиб пойнга минг бор садқа жони.
 Дилнга тушди ишқ, они илоҳо
 На эт Мажнун каби шарманда расво.
 Муҳаббат ҳар кўнгулни этса ишғол,
 Кетар сабру қарор, захр ўлгуси бол.
 Жавоб ишқига гар топгай саодат,
 Йўқ эрса ишқ солар ақлига ғорат.
 Шу ёшда барчамиз ишқдан гадомиз,
 Агар покдил ҳақиқий ғамзудомиз.
 Гўзал қиз бир боқиб девона этди,
 Тамом ақлин олиб афсона этди.
 Кўзи жодую тиг мужғони эрди,
 Қўлида бедилининг жони эрди.
 Хиротга таърифи кетган дилоро,
 Берарди равзайи ризвонга оро.
 Эшигини қоқарди совчилар кўп,
 Қуруқ қайтарди «овдан овчилар» кўп.
 Қизи Мастура, соҳибхона эрди,
 Садаф ичра ниҳон дурдона эрди.
 Савод бобида устоди замона,
 Гўзаллик мулкида ҳам хусравона.
 «Эрур шоҳзодаю шоҳга муносиб,
 На ҳай-ҳай!» — деди Жомий ўзни босиб.
 Тутиб ўзини Жомий хаста бир қур,
 Хаёлан бўлди суҳбатдоши ул ҳур.
 Деди: «Оллоҳ ҳақи, эй нозли ғунча,
 Гулим бўл, мен очай сендан тугунча».
 Деди: «Очилди гул, ҳам ғунча хандон,
 Муродинг не, очиқ айт эй сухандон».
 Деди: «Васлингга етсам сарвинозим,
 Товусни тортса тўшга сайди бозим».
 Деди: «Бу хавфли йўл, ортингга қайтгил».
 Бориб кўрган тушингни сувга айтгил».

Деди: «Ойюз сочинг монанди тундир, Ҷ
 Фироқингдан дилим дарёи хундир».
 Деди: «Сабр айлагил бўлсанг мусулмон,
 Қилар Оллоҳ ғаму дардингни осон».
 Деди: «Қоши камон номехрибонсен».
 Деди: «Ёй ўқима кўкси нишонсен».
 Деди: «Ҳажрингда бас ҳолим ёмондир».
 Деди: «Қийнаш усули маъшуқондир».
 Деди: «Гар жон керакдур жон берурман».
 Деди: «Йўқ, бир сиёаб, ҳижрон берурман».
 Деди: «Ҳажринг қачон поёнга етгай?»
 Деди: «Оҳинг қачон Яздонга етгай!»
 Деди: «Ҳажрингда бу ошиқ қарибдур»,
 Деди: «Севги камоли ҳар ғарибдур».
 Деди: «Кўзимда ёш ўрнида қондир»,
 Деди: «Мен истаган руҳи равондир».
 Деди: «Қил қошни ё, киприкни пайкон,
 Паёпай ўқ от, ўлдир, сеники жон».
 Деди: «Гар истамасман қон тўкишни»,
 Деди: «Бир ёқли қил йўқса бу ишни».
 Деди: «Мен сайд эсам сайёд бўлгил,
 Висолимга ет энди, шод бўлгил».
 «Дили дардсиз киши бир хору хасдур,
 Муҳаббатсиз кўнгул кўнгул эмасдур.
 Фалак саргаштайи савдойи ишқдир,
 Жаҳон ошуфтайи ғавғойи ишқдир.
 Асири ишқману озоддурман,
 Дилимда ишқ ғамию шоддурман.
 Сенинг бирла гўзал энди хаёлим,
 Дилимда севгидан унган ниҳолим.
 Тараҳҳум айлаю бахтимга бор бўл,
 Саодат гулшанимда гулўзор бўл».
 Хаёли мурғи айлаб кўкка парвоз,
 Қизи бахтини ўйлар эрди устоз:
 «Ҳаёгида юришгай эрди ови,
 Агар Жомий каби бўлса куёви.
 Йигиту қиз агар етса камолга,
 Бири эр, бири айлангай аёлга!
 Гоҳи тенг тенгини топгай даҳрда,
 Топилмас гоҳида бу баҳру барда.
 Эди ёлғуз қизи кўзи қароси,
 Атоси қалбнинг оҳанрабоси.
 Ёзуқ бахтига не, билгай худойим,
 Не тақдир қилса гар, қилгай худойим.
 Агар чиқса ўзига тенг харидор,

Бўларди бахти офтоби намудор.
 Емонн шулки қизлар совчи қўймас,
 Киши гар тўймаса бахтдан у тўймас,
 Муҳаббат эрса кўнгул гавҳаридур,
 Вале юз оҳки гоҳ деу паридур.
 Илоҳо айла ҳурни ҳурга тортиқ,
 Менинг йўқ илтижойим бундан ортиқ».
 Бўлиб устозу шогирд суҳбаторо,
 Назарга тушмади бошқа нигоро.
 Учиб кун шамъию шамдан ёқилди,
 Дегил шоир дили ғамдан ёқилди.
 Етиб суҳбатлари поёнга шул дам,
 Шоир қайтди уйига лек пурғам.
 Боқиб парда ичидан унга сўнг бор,
 Чекиб ғам қолди уйда нозли дилдор.
 Этиб «Мажнуну Лайлининг» руҳин шод,
 Жаҳон бўлди яна бир ишқдан обод.
 Тафаккур бешасининг паҳлавони,
 Вужуди қайтди ёрда қолди жони:
 «Висолини насиб этгил худоё,
 На ҳижронда мени этгил жудоё.
 Камон қоши отиб жонимга пайкон,
 Лаби қайта тирилтиб бергуси жон.
 Уни деб қолди кўнглим тоби ғашда,
 Усиз йўқ менга бир маъно яшашда.
 Олиб ақлим мени девона этди,
 Жамоли шамъиға парвона этди.
 Тушундим бўлса-да шоири огоҳ,
 Чу Қайс ишқдан бўлиб Мажнуну гумроҳ.
 Мени ҳам танлади Оллоҳим охир,
 Таралгай ишқ кўйида оҳим охир.
 Бўлиб шаҳри Ҳирот шармандаси мен,
 Эдим бул кунгача арзандаси мен.
 Худоё, асрагил Махдуми Аҳмад,
 Мени деб чекмасин ортиқча заҳмат».
 Илоҳий ишқ бўлиб орзуи Жомий,
 Мажозий ишқни унга тушди доми.
 Дилида қўпди шўришу нидолар,
 Етиб Ҳаққа у қилган илтижолар,
 Хаёл ойинасини этди ёруғ,
 Дили шубҳа-гумондан бўлди форуғ:
 «Ҳисобсиз ошиқи фарзона ўтди,
 На Мажнундек ахир девона ўтди.
 Алар севган гўзалларга қовушди,
 Жунун на ҳар киши бошига тушди.

Гўзал қизлар севиб оламда бисёр,
Топиб жойини бахтдан айтди алёр.
Кишининг бўлса гар фархунда бахти,
Хазон бўлмас унинг севги дарахти.
Узукка кўз қўйиш янглиғ гўзал иш,
Бу ҳақда отасига етса миш»миш».
Эмас осон бу сирни фош этмоқ,
Ва ёким ўзгани сирдош этмоқ.
Муҳаббат жон каби дилда ниҳондир,
Муқаддасдир, на вирди ҳар забондир.

ЖОМИЙ ҲИЖРОН ОТАШИДА ПИНҲОНА КЎЙГАНИ, ОТАСИ ВОҚИФ БЎЛМАЙ ҲАЙРАТ ТЎЙГАНИ

Хушо, бахту саодат ёр бўлгай,
Сиринг ўз-ўзидан ошкор бўлгай.
Муҳаббат эски ранждир торта-торта,
Борарсан ғам юкин елкангга орта.
На зўру на зару зоринг қилар кор,
Гадоми, шоҳми бир хилда қилар хор.
Ахир «ишқ ичра тенгдур шоҳу дарвеш»,—
Дея оламдан ўтди неча дилреш.
Оҳу чангига тушган шер мисоли,
Бўларсан ишқни қурбону заволи.
Йўқ эрди айтса дардкаш дўсти жонни,
Қоғозга ғам ўти тўкилди они.
Нечун оташки ул дўтдан тутсқмас,
Ёқар кўнгилнию қоғозни ёқмас.
Туни бедор тутар ҳижрону ғамлар,
Тўкиб кўзёш ёнди мисли шамлар:
«Муҳаббат кўйида девоналармиз,
Хирад ойинидан бегоналармиз.
Керакмас оғушу ҳам бўсайи ёр,
Кифоя бизга дарди ғуссайи ёр.
Фироқи ўтида бизларни доғлаб,
Ётар лек ўзи ёстиқни қучоқлаб.
Бўлиб қушининг пати ёстиққа кирсам,
Оғуш очганда ёр гаштини сурсам».
Эсига тушди шунда бир ҳикоят,
Ғаройиб эрди мазмуни ниҳоят.
Саодат гулшанидан ис уфурди,
Анинг тарҳини қоғозга туширди:
«Муҳаббатдан очиб сўз нуктадоне,
Бағишлаб сўзга ишқдан жону жоне,

Уқирди ваъз, бир эшак йўқотган,
 На эшак, ақлини бешак йўқотган.
 Бўлиб устоз сўзин телба мисоле,
 Такаллуфсиз берди бир саволе:
 Бир эшак ўтганини кўрмадингми,
 Ва ё шу тўғрида лоф урмадингми?
 Деб эрди нуктадон устоз бешак:
 Ки дардсиз кимсалар монанди эшак!
 Шу сўзни англамай ул марди нодон,
 Турар эрди умидвор, лолу ҳайрон.
 Воиз сўрдики, эй аҳли жамоат,
 Ки борми чекмаган ишқдан маломат?
 На бир гулрўга ул шавқ бирла боққан,
 На қалбини муҳаббат ўти ёққан.
 Жамоат аҳлидан айлаб жасорат,
 Туриб ул мен деди бир бефаросат.
 Қараб эшак йўқотган шахсга мумтоз,
 Мана шу эшагинг, ол!— деди устоз.
 Ҳикоятни битиб қоғозга Жомий,
 Ота мизига қўйди, «кетди томи».
 Атосини қилиб шод ул ҳикоят,
 Тагига етмади ишни ниҳоят.
 Бўлиб ўғли тамом хотирпаришон,
 Боқарди отасига гоҳи ҳайрон.
 Битилмас ҳеч қачон беҳуда ашъор,
 Бўлар ҳар гап тагида битта асрор,
 Қилиб ҳал юртда бўлса не муаммо,
 Боқар бефарқ ўғул ишига аммо.
 Отаси эрди Шоҳрухга мушовир,
 Бўлиб ҳар мушкилот ҳаллига моҳир.
 Шуни ўғли назарда тутган эрди,
 Ҳикоятдан натижа кутган эрди.
 Сезиб ошиқлигини отаси гар,
 Сўраса ким деб ул доно суханвар.
 Жавоб берарди устоз Кошғарийдур,
 Ва лекин муддаоси ул паридур.
 Утибон ҳафта бирла ою кунлар,
 Тамоман қуршади деу жунунлар.
 Хабар топди ота ўғли чекиб ғам,
 Ҳолига эрди ҳайрон онаси ҳам.
 Кўриб ошуфтани ҳар икки устоз,
 Атосинга бу ҳақда айтдилар роз:
 «Ўғил хотирпаришонму нечукдур,
 Дилида ишқи жононму нечукдур?»
 Бўлиб бири Пуронийи замона,

Бири Шайхи Умарлар орифона.
 Етиб гапнинг тагига сўнгра Махдум,
 Уғилга деди, қил дардингни маълум,
 Вале жим эрди Жомийи фусунсоз,
 Эди дилда ниҳон ишқи у танноз,
 Кейин ночор очди лаблари гул,
 Ҳикоятда деди соҳиб тахайюл.
 Вале жумбоқ эди берган жавоби,
 Ечиб жумбоқни ортиб изтиробни.
 Деди, гафлат ёмон Махдуми Аҳмад,
 Ким ул устодки ишқдан чекди заҳмат?!
 Жавоб бердики Жомий: «Кошғарийдур»,
 Ичиди деди: «Ул ҳуру паридур!»

АДОЛАТ ВА ҚАНОАТ ҲАҚИДА

«Бўшатса илгидан банди асирни,
 Худо хуш кўргай ул одил амирни», —
 Расулуллоҳ демиш шундоқ «Ҳадис»да,
 Адолат ҳисси бўлсин кўнглимизда.
 Бировга ноўрин гоҳ айтаминиз сўз,
 Тикиб ноҳақ биров мулкига гоҳ кўз.
 Фақат чиққай буюкман деб садомиз,
 «Бу оламда нечук хору гадомиз?!»
 Талашсак гоҳи мерос ҳовлию ер,
 Кулиб биздан фаришта англа не дер:
 «Бўлолмассан одам сен ерга ҳоким,
 Бўларсан ерники хок ютса токим».
 Эмас бу шунчаки риндона чўпчак,
 Сенинг-чун одами девона чўпчак.
 Саховат кутма, қўлдан келса бергил,
 Ҳалол меҳнат билан ризқингни тергил,
 Жаҳон мулки қилар охир пушаймон,
 Кетолмассан олиб гўрингга инсон.
 Адл, инсофли бўл оламда доим,
 Техинхўрларни хуш кўрмас худойим.
 Бировлар номини беҳуда сотма,
 Тамаъ бирла жаҳонда реша отма!
 Ечилмай рўзгорда мушкулотинг,
 Агарда кечса ҳам оғир ҳаётинг,
 Адолат поясидан чиқма ташга,
 Чидаб ўрган бу оламда яшашга.
 Югурма ёрдамга бор тоғам деб,
 «Менинг бошимга тушди катта ғам», — деб,
 Ол ибрат, Жомийи Махдумни кўргил,

Ёри ҳижронида маҳрумни кўргил.
Оқиб кўздан ғами ҳижронда ёши,
Булиб Мажнун тафаккурнинг қуёши.
Юраверди дилини эзганича,
Атою онаси то сезганича.
Ғамини этмади ҳеч кимга тортиқ,
Адолат ҳисси эрди унда ортиқ.
Ёзиб ашъорида айлаб муаммо,
Ёчимин охирида топди аммо.

**ШАЙХ УМАР ВА МАВЛОНО ПУРОНИЙ
СОВЧИ БУЛИБ КОШҒАРИЙНИКИГА
БОРГАНЛАРИ ВА МУДДАОЛАРИ ҲОСИЛ
БУЛИБ, ЖОМИЙ ОРЗУСИНИ РУЕБГА
ЧИҚАРГАНЛАРИ**

Таваккал айлабон монанди овчи,
Боришди Кошғарий уйига совчи.
Булиб бир мўйсафед хушқад, нуроний,
Дақойиқда эди чечан Пуроний:
Эди Шайхи Умар бироз йўғонроқ,
Ҳам абжир, шеригидан нуктадонроқ.
Кўрибон Кошғарий соҳибтафаккур,
Аларнинг гашрифини билди манзур,
Киришди кампири ишга шу они,
Хамир овқатнинг эрди устомони.
Уйида муллалар гап чўзса қандоқ,
Қулочлаб чўзди ул лағмонни андоқ.
Яна босди паловни бир қозонга,
Олиб файз келди меҳмон хонадонга.
Балоғатга етиб Мастурайи ноз,
Биринчи бор топилди тенгу ҳамроз.
Эшигин қулчиликка чанглатиб хўп,
Қуруқ қайтишган эрди совчилар кўп.
Агар Жомий учун бўлса таманно,
Кизини йўқ демас султони дунё!
Муносиб деб билибди қизларини,
Боши осмонга етди Кошғарийни.
Зиёфатни қуюқроқ айлади у,
Дилига нек ниятлар жойлади у,
Эшитди охирида офарин сўз,
Ёпиб ҳар иккисига тўни зардўз.

Дуо айлашди: «Шод, ғамдан аришсин,
 Иккови бир умр қўша қаришсин!»
 Хўтан гулзоридан ул оҳуйи зор,
 Таратди нофасидан мушки тотор.
 Хаёлида эди гар маст шоир
 Висолида бўлиб сармаст шоир.
 Деди: «Мен Мажнуну бағримда Лайло,
 Десаиғ Вомиқ, эрур бағримда Узро.
 Қучоғимда Ширин Фарҳоддурман,
 Жаҳонда ошиқи дилшооддурман».
 Бўлиб бахтли муҳаббат унга ҳамроҳ,
 Муродига уни етказди Оллоҳ.
 Қилайлик яхши ният орзуйида,
 Бўлайлик эзгу фарзандлар тўйида.
 Тўлиб шодлик майига жомларимиз,
 Мисоли Жомий қолсин номларимиз.
 Ҳаёт ўткинчидир, дунё ўйинчоқ,
 Қулоқларга тақилса ушбу мунчоқ.
 Тасаввур айлагилки дур мисоли,
 Одамзод топса бахтин ҳур мисоли.
 Бўлиб Жом шерига оҳу ҳамоғуш,
 Муродга етди, қолсин иккиси хуш!

НИКОҲ КЕЧАЛАРИНИНГ УМУМИЙ МАНЗАРАСИ ВА УЛАР БАХТИНИНГ БИР ЗАРРАСИ

Ишонғай ул хаёлий ишқ тушига,
 Севиб ким етса ёри оғушига.
 Этиб севғилиси кўнглини шодон,
 Дедик: «Марҳабо, хуршиди тобон,
 Юзингдан пардани олгил кўрайлик,
 Тамошойингда бир дам ўлтурайлик.
 Ҳаяжонга тушиб ул шўхи зебо,
 Ниқобин очди солди шўру ғавфо.
 Паранжисини бошдан ечгани дам,
 Шамоли бирла ўчди милтираб шамъ.
 Эди хона ичи буткул қоронғу,
 Таралди ёр юзидан нуру ёғду.
 Самовотда бўлиб танҳо ҳукмрон,
 Ғўзал ой бирла юлдузлар чароғон.
 Фалак осди Сурайё шодасини,

Булутлар ҳайдади сўнг подасини,
 Жаҳонни қоплади буткул қаро тун,
 Чиқиб икки юракдан шавқ деган ун.
 Севишганлар қолиб овлоқ тўшакда,
 Эди ўн беш қаватча кўрпа такда.
 Босиб тоғ каклигин тўшига шаҳбоз,
 Қилар эрди алар гўёки парвоз.
 Севишган икки кўнгулга бу хушдир,
 Улар бедорми ёраб, ёки тушдир.
 Лабидан ташналик қонгайми ё йўқ,
 Дилидан оташи сўнгайми ё йўқ.
 Ҳажрда гоҳ бағирлар қон бўлгай,
 Жароҳатга висол дармон бўлгай.
 Агарчи бу жаҳони бебақодир,
 Умидсиз бўлмак андин нораводир.
 Шу янглиғ сурди ўй дилжўю гулрўй,
 Кўнгуллар шод димоқлар эрди хушбўй.
 Ҳаририн ечди сийминтан баногоҳ,
 Қоронғу уйни равшан айлади моҳ.
 Вужудлар тўлғаниб ўйинга тушди,
 Илиқлар бел ила бўйинга тушди.
 Ширин титроқ аро қолди иккови,
 Юришиб ови майдонида ови.
 Кучишиб бир-бирини сўнгра маҳкам,
 Ётишди тўлғаниб, сийм ичра шабнам!
 Кумушандом этиб бир шўх қичиғе,
 Кириб нозик ғилофи ичра тиге.
 Таралди гарчи нозли оҳу фарёд,
 Муҳаббат мулкини айлашди обод!

**ЖОМИЙ САМАРҚАНДДАГИ УЛУҒБЕК
 МАДРАСАСИДА ТАҲСИЛ ОЛГАНИ
 ВА УНИНГ ЗАКОВАТУ ИДРОКУ
 ИСЪТЕДОДИДАН ҚОЗИЗОДА РУМИЙ
 ҲАЙРОН ҚОЛГАНИ**

Самарқанд сайқали рўйи заминдир,
 На сайқал шаҳри дилжўйи заминдир.
 Тушиб Жомий дилига ишқу оташ,
 Бўлиб ёрига мафтун ҳамда дилкаш.
 Деди бир тун анга: «Эй дилда борим,
 Буюрмиш менга Шоҳрух шаҳриёрим,
 Ки этсам ҳижрати шаҳри Самарқанд,
 Уқиб ул жойда олсам ҳикмату панд.

Бериб менга улуфа тахту жоҳдан,
 Бўлибдир илтифот давлатпаноҳдан.
 Магар сиз қолсангиз ҳижронда ёрим,
Жудолик дардига йўқдир қарорим».
 Киши ёрини этса дўсту ҳамроҳ,
 Қачон йўқ дер ахир Оллоҳу Оллоҳ!
 Тутибон этагин хотини они,
 Деди: «Эр бирла бир хотинни жони!»
 Буюк шоир у пайт оламда мумтоз,
 Камол Хўжандию Ҳофизи Шероз,
Утиб ушбу жаҳондан кетган эрди,
 Камолот тахти унга етган эрди.
 Йўқ эрди унга тенг оламда шоир,
 Тасаввуф мулкида устоди қодир.
 Келар юз йилда бир бундоқ даҳолар,
 Алар қилгон ишин таърих баҳолар.
 Улар дин бирла ҳам Исломни поклар,
 Шараф, обрў била ҳам номни поклар.
 Ва гарчи шеърятда кўп «даҳо»дир,
 На Жомий сингари кайҳонкушодир.
Утиб Шарқ назмида етти киромий,
 Улар сўнггиси Нур Махдуми Жомий.
 Солиб андоқ баландга поёе ул,
 Етолмай сўнг ҳеч соҳибтахайюл.
 Қолиб Жомий етуклик поясида,
 Шуаро бори онинг соясида.
 Гўзаллик суратин Оллоҳ яратди,
 Узига чашми оламини қаратди.
 Сўзини кўзга суртиб анбиёлар,
 Эшиги хокида йиғлар гадолар.
 Алар сардафтари устоди Жомий,
 Эди арзандайи мардум тамоми.
 Бўлиб мафтунни они моҳу моҳий,
 Бор эрди унда бир нури илоҳий.
 Ҳаётда кўрмади қайғую ғамни,
 Саодатга калит этди қаламни.
 Йўлининг хайрихоҳи бўлди шоҳлар,
 У борса тўлди масжид, хонақоҳлар.
 Замон нотиқи ҳам эрди суҳандон,
 Тиловатда эди ҳофизини «Қуръон».
 Машойих, ринд, фақирю бенавони,
 Гадою шоҳу султони жаҳони.
 Эди Махдумга мухлис муштарийлар,
 Бамонанди ҳуру деуу парилар.
 Самарқандда этиб таҳсили урфон,

Тафаккур денгизи боз бўлди уммон.
 Эди қонуншунос устоз Абу Лайс,
 Севиб фанни мисоли Мажнуни Қайс.
 Фалак илмида гавҳар хуми эрди,
 Машойихул-раиским Румий эрди.
 Бўлиб ҳайрон шоир ғайратидан,
 Тутарди ёқасини ҳайратидан.
 Қозондек саллали бир тўп мударрис,
 Улуғбек ўтказарди илмий мажлис.
 Румий илм аҳлидан маъруза айлаб,
 Бериб урғу деди шундоқ атайлаб:
 «Аму нарёғидан монанди Жомий,
 Уқишга келмагандир бир киромий.
 Бериб таҳсил бўлиб умрим охир,
 Анингдек кўрмадим нодир жавоҳир.
 Машойихлар пиру ҳамзоди бўлгай,
 Жаҳон шоирларини устоуди бўлгай».
 Қўпиб ул машваратдан сўнг талотум,
 Бу гапдан бўлди воқиф кишвари Рум.
 Араб бирла Ажамга тарқалиб гап,
 Келишди излашиб кўйига матлаб.
 Азизлардан агар эзгу каломдир,
 Буюкларга ҳаминша эҳтиромдир.
 Бўлишиб суҳбатига они илҳақ,
 Келиб эл у билан айларди чақчақ.
 Агар олам элидан мухлиснинг бор,
 Дуру зардан зиёддир гар миссинг бор.
 Худоё, бу қулингни муҳтарам қил,
 Буюклар йўлида собитқадам қил.
 Керакмас менга ҳадя, мансабу зар,
 Ижодим мевасига эт муяссар!

ЖОМИЙ САМАРҚАНДДАН ҲИРОТГА ҚАЙТИБ ХИЁБОН ДЕГАН ЖОЙДА МАКОН ТУТГАНИ

Самарқанддин келиб Жомий Ҳиротга,
 Берилди у тинимсиз сўнг ижодга.
 Шоирнинг йўқ эди кибру ҳавоси,
 Агар тушса бировнинг илтимоси.
 Қўлидан келса тез ижро қиларди,
 Савоб ишларни вожиб деб биларди.
 Амир шоҳларга ё мактуб ёзарди,
 Улус дарди эди шоирнинг дарди.

Сўраб аҳвол ҳам дерди саломе,
 Қўшиб хат сўнгида бир шўх каломе
 Олиб мактубини ҳар бир амалдор,
 Шоир сўзини рад қилмасди зинҳор.
 Туйиб аксинча кўнглида суруре,
 Жомийнинг илтимосидан ғуруре.
 Гоҳи шоҳу амир айлаб зиёрат,
 Солиб Махдуми Нур вақтига ғорат,
 Келарди совғаю эҳсони бирла,
 Кўзига не азиздир они бирла.
 Бўлиб Махдум улардан шоду мамнун,
 Эди меҳмон унинг уйида ҳар кун.
 Салому совғага эрмасди муҳтож,
 Юборган чоғи ҳам ҳар соҳиби тож.
 Топарди жойини совға-садоға,
 Бўлар эрди насиб хору гадоға.
 Кўп эрди таъмагири норасида,
 Юрар эрди улар ёзиб қасида.
 Аларга бўлса бас эрди ҳукмдор,
 Золим жоҳилми ё фосиқу хунхор.
 У маддоҳларга қарши ёзди Жомий:
 «Золим бўлса мусулмон шоҳ тамоми,
 Адолат айлагувчи шоҳи кофир,
 Эрур минг бор элга яхши охир».
 Бу гапдан баъзи шайхлар қилди исён,
 Алар илгидамас лек амру фармон.
 Ириллаш хос эрур ҳар доим итга,
 Бу гапни етказиб Абду Саидга,
 Боқишди фитначилар гарчи тагдор,
 Деди: Абду Саид: «Бу гапда жон бор.
 Улусга зулм қилса қайси Султон,
 Бўлар оқибати ер бирла яксон.
 Художўйлик эмас, шоҳлик амалдур,
 Шоирнинг айтгани ғоят гўзалдур.
 Мусулмон айласа зулму разолат,
 Улусга айласа кофир адолат.
 Художўй золимидан ул азизда,
 Дебон шундоқ, ёзилмишдир «Ҳадис»да.
 Бу гапдан аҳли иғво тилни тишлаб,
 Хиҷолатпазлик олди шунча ишлаб».
 Таъби Мирзо бу гапдан бўлса ҳам хит,
 Қополмас ул баҳайбат шерни лек ит,
 Қилиб аксинча лутфу эҳтиромлар,
 Юборди унга савғаю еаломлар.
 Ҳирот аҳли эди Жомий томонда,

Эди маъруф Ироқу Исфаҳонда.
 Анга қарши ҳурарди гарчи итлар,
 Не эрди олдида Абду Саидлар?!
 Тушунгай ушбуни ким ақли бутдир,
 Фигони оташидан гарчи дутдир.
 Ҳирот жонибида дилбар Хиёбон,
 Эди гӯёки руҳафзо гулистон,
 Шу ерда бўлган эрди дафну хоки,
 Улуғ устози Кошғорийи поки.
 Эди бир ёни ҳам улкан мазорат,
 Келарди кўп анга аҳли зиёрат.
 Хиёбон эрди бир улкан гузарким,
 Бўлибон анда Жомий мўътабарким,
 Сўроқлаб аҳли олам келгай эрди,
 У гул деб ел дамодам елгай эрди.
 Билиб элу улус они муқаддас,
 Келар эрди оқиб дарё каби бас.
 Шоирким ҳар маҳал ҳақнинг маёғи,
 Гўзал ишларга кўпдир иштиёқи.
 Келар бўлса гадо ё шоҳ сўроқлаб,
 Қабул айлар аларга меҳр боғлаб.
 Утарди дарси ҳикматлар ҳамеша,
 Бор эрди унда бир шогирди пеша.
 На шогирд дўсти жони деб атарди,
 Алар икковининг бир эрди дарди.
 Эди ёш фарқи гарчи уч кам ўттиз,
 Улар дўстлиги лек отганди илдиз.
 Бу дўстликдан мурод не?— Ҳамжиҳатлик,
 Тафаккур бобида соғлом-сиҳатлик.
 Қовушмас ўзаро ғафлатда ғофил,
 Комилни тан олар оламда комил.
 Яна орзую ният бўлса эзгу,
 Меҳр бирла муҳаббат бўлса эзгу.
 Талончига бўлар дўст доим ўғри,
 Бу оламда топар тўғрини тўғри.
 Вале ою қуёш осмонда танҳо,
 Ул иккиси илм-урфонда танҳо.
 Улуғ турк миллатининг ифтихори,
 Алишери Навоий номдори,
 Бўлиб ҳамсуҳбату ҳамкор унга,
 Ота-ўғул каби дилдор унга.
 Ўқиб ашъорларини ёд этарди,
 Бу иш Жомий дилини шод этарди.
 Навоий эрди бир соҳиб ҳунарким,
 Тафаккури тешибон сўзда зарким,

У ҳақда эй ўқувчим, дўсти жоним,
 Бўлар сўнгроқ муфассал достоним.
 Яна бор эрди бир шогирди Жомий,
 Эди ҳам жиянию шогирд киромий.
 Бўлиб Ҳотифийи шеърда адо ул,
 Вале Жомий қошида бир гадо ул.
 Биңойким биюлар қад кўтарди,
 Узича барчадан ул бад ўтарди.
 Чиқишмай ҳам Навоий, Жомий бирла,
 Юрар эрди сабукхез номи бирла.
 Кўп эрди юртда шоир аҳли мастон,
 Алардан бири Лутфийи ғазалхон,
 Эди сўз шоҳи, машҳур ул замонда,
 Ёзиб форсий ила туркий лисонда.
 Абулғозий Ҳусайний Бойқаро ҳам,
 Бўлиб шоҳи замону шуаро ҳам,
 Эди мухлси устои замона,
 Билиб ҳам ўзига пирн ягона.
 Шоирда йўқ эди базм иштиёқи,
 Қизиқтирмас симинтанлар аёқи.
 Умуман бормас эрди ул саройга,
 Маю маъшуқа шарбат бор жойга.
 Хуш эрди унга риндона ҳаёти,
 Кичик бир хонада завқбахш ижоди.
 Жаҳон подшоҳлигин қилмас ҳавас ул,
 Жаҳон подшоҳидан афзуда бас ул.
 Келар бўлса, келарди ўзи шоҳлар;
 Жомий борса борарди хонақоҳлар.
 Замахшар қилди унга катта таъсир,
 Ки «Ал-Қашшоф» этиб «Қуръон»ни тафсир.
 Шунингдек ёзмиш ул зот бир китобе,
 Араб тилига мавсум беҳисобе.
 Уқиб они: «Илм — эъжози — деди,
 Араб бирла Ажам устози» — деди.
 Шунингдек ул бағишлаб кулли илҳом,
 Арабча ёзди шоир томмати том,
 Араб тилида дарслик: «Шарҳи мулло»,
 Бўлиб туртки анга устоз Жорулло!
 Китоби мадрасага бўлди дарслик,
 Эди илму арабдан Жомий қарзлик.
 Эди Шайх меҳри қоқ дунёни товлаб,
 На сотиб динни юрди «ов овлаб».
 Топилгай ҳар замонда баъзи мулла,
 Худонинг сўзини айлаб ашулла,
 Чўзиб қўл, эвазига ақча жамлар,

Шилиб элни юришар муттаҳамлар.
 Яна қозон мисоли бошида салла,
 Эрур ёнғоғи пуч қовоқи калла.
 Кийиб ола-була тўн ҳуққабоздек,
 Қўяр соқолга хино ҳусни оздек.
 Эмишки суннати Пайғамбари хос,
 Қилиб пардоз мисоли шўхи танноз.
 Расулуллоҳ на бўёқ сургай эрди,
 У поклардан поку пок юргай эрди.
 Номига доғ туширган номусулмон,
 Ўл-е бундоғ топиб егунча сен нон.
 Эрур бир катта дунё дини Ислом,
 Чақиб мағзини гар ким бўлса хушком.
 Саодатнинг асоси ушбу фанда,
 Вале сафсатабоз ҳар анжуманда,
 Булар они мудом ўз фойдасига,
 Томоқ, деб тўғрилаб ўз қойдасига
 Агар бўлса кишининг фаҳму диди,
 Эрур дин барча фанларнинг калиди.
 «Нури мунзал»ни кимки ёд билди,
 Охират мулкини обод қилди.
 Уни сотиб ким тўйғазди қорин,
 Ўзига тортиб элнинг эътиборин.
 Ва гар чалғитди кўплаб ғамзудони,
 Ва лекин алдаёлмас ул худони.
 Бўлубдурки само ер бирла пайдо,
 Эрур аҳли башар дунёга шайдо.
 Топилди кам киши айлаб қаноат,
 Ки топса оқибат бахту саодат.
 Эрур шоҳ битта лек кўпдир гадолар,
 Жаҳон ичра жаҳони бенаволар.
 Халойиқ, эл-улуснинг заҳматидан,
 Етар неъмат яна ҳақ раҳматидан.
 Райят бўлмаса шоҳ бирла султон.
 Эрур чўпон, суруву қўйсиз ҳар он.
 Улус қадрига етмай қай ҳукмдор,
 Маншат айласа, бўлгай тубан, хор.
 Этиб шоҳларга шул боис насиҳат,
 Ёзар пандномалар аҳли фасиҳат.
 Шеърри бирла олар дунёни шоир,
 Ва лекин тўкмайин қон уста-моҳир.
 Тирик чоғида бор шоҳларда обрў,
 Ёки тахтдан қулаб тушгунча то у.
 Шоирларнинг эса қилган ижоди,
 Қолар гар ўлса иккинчи ҳаёти.

Хаёл бирла ҳақиқат ўзга доим.
 Ҳозирча бер фақат илҳом, худойим
 Берарсан қолгани бўлса насибим,
 Бу оламда ўзинг дўсту ҳабибим.
 Агар Жомий эмасман жом бергин,
 Олимжонга муносиб ком бергин.
 Сабаб оламда кўп асрору сирлар,
 Улардан ҳам знёд ғофил басирлар.
 Пичоғи кимки нодон бўлса мойда,
 Азизлар бўлди хор бу ғамсаройда.
 Етай десанг агар ишрат қизига,
 Утир шоир ижодингни мизига.
 Киши жавлон уриб шуҳрат қозонмас,
 На етгай бахтга то дилдан у ёнмас.
 Лаёқат айлагай меҳнат тақозо,
 Оғиз бўлмас чучук деган-ла: «Ҳалво!»
 Ижод деб чекди Жомий кўп азият,
 Ушалди охирида эзгу ният.
 Агарчи етди ул ҳадди камолға,
 Дебон биз айладик бир оз муболға.
 Келиб илҳом юракдан тошиб эрдик,
 Ғараз мақсадда бир оз шошиб эрдик.
 Навойсиз эмас комил Жомий,
 Сабабки ўзлари айтгай киромий.
 Шу боис қайта тарихни варақлаб,
 Десак шеър кўкида юлдуз чарақлаб,
 Туғилса ул буюк шоир жаҳонга,
 Етиб таърифи етти осмонга.
 Бериб туртки мисоли мавжли дарё,
 Даҳога берса ҳам шавқу мадоро.
 Эрур мушкул агар ҳамроз йўқдир,
 Буюк шогирду бир ҳамбоз йўқдир.
 Саодат боғидан оч энди бир гул,
 Муносиб бўлсин ул соҳиб тахайюл!

**АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ МУЪЖИЗАВИЙ
 ТУШИ ВА УЛУҒ ШОИР ВА МУТАФАККИР
 НИЗОМИДДИН МИР АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ
 ТУҒИЛИШИ**

Ҳазорон офарин бўлсин худога,
 Қулоқ солгай у ҳар бир илтижога.
 Не сўрса бандасига тортиқ этгай,
 Унинг ризқу рўзини ортиқ этгай.

Азизларга насиб айлаб даҳолик,
 Яна кўпроқ қилгай хайрихоҳлик.
 Усиз бўлмас ҳаёту ризқ тўқис,
 Ер ҳайдаб, тортса ҳам омоч ҳўқиз.
 Шу боис дона сочган чоғи деҳқон,
 Бўлар доим дилида Шоҳи Даврон.
 Улуғ Жомийни Устозим дегай Шарқ,
 У кўрди туш хаёлотга бўлиб ғарқ.
 Очилиб ғунчасидан бир қизил гўл.
 Ўзига тортди шоир меҳрини ул.
 Гул ўрнида кейин гўдакни кўрди,
 Шоирнинг ул гўдак ҳолини сўрди:
 «Салом, устоз, ҳолингиз нечукдир?»
 «Бу олам гоҳ талх, гоҳи чучукдир»,—
 Деди унга жавобан пиру устоз.
 Бу ўхшашликда бор эрди ажиб роз.
 Яна гўдак табдил топди гулга,
 «Қамолот тортди ўлгай,— деди,— қулга.
 Кўриб Оллоҳ жаҳдингни жаҳонда,
 Буюкроқ этди ҳар шеър, дostonда.
 Ҳозир кўрган гўдак издошинг ўлгай,
 Сенга шогирду ҳам сирдошинг ўлгай.
 Ўқиб назмингни ҳам ул шарҳ этгай,
 Шогирд, устоз каби лек тарҳ этгай.
 Эрур жоҳ аҳлидан наслу насабда,
 Бироз инжиқ эрур қаҳру асабда.
 Чекар ул ёшлигидан кўп азият,
 Бўлар лек ул фаҳри одамият.
 Сени излаб келиб ёнингда қолгай,
 Умрбод дўстлиги жонингда қолгай.
 Сен унга раҳнамо устоз бўларсан,
 Севимли дўсту ҳам мумтоз бўларсан.
 Усиз сен, сенсиз ул етмас камолга,
 Йитит ул айланиб сен эрса чолга.
 Саодат кишварин этгайсиз ишғол,
 Бўлар сизларга доим ёр иқбол,
 У гулга қўлларин чўзганда Жомий,
 Гўдак шаклига гул кирди тамоми.
 Башар насли бу янглиғ хушчиroyмас,
 Эди ойдан гўзалроқ гарчи оймас.
 Олай деб, илкига гўдакни шоир,
 Узатган чоғи бўлди туши охир.
 Шоир уйқусини бузди муаззин,
 У туйди лек ўзича хоб ҳаззин,
 Келиб «Аллоҳу акбар»нинг садоси,

Охирга етди тушнинг интиҳоси.
 Ҳаво совуғу фасли қиш эрди,
 Чиқиш ҳам кўчага бир ташвиш эрди.
 Валеъ шоир замон фарзанди турди,
 Вузуъ айлаб сўнг ул масжидга юрди
 Дилида шавқ ўти уйига қайтди,
 Муқаддас тушини ул сувга айтди.
 Эди беш юзу эллик беш йил аввал,
 Етиб шоирга пайғоми мужаддал,
 Қаён сайр этмасин мурғи хаёлот,
 Чиқиб шоир тушиким рост, ҳайҳот!
 Амал тўнини кийди охирида,
 Аён ўзига доим зоҳирида.
 Савр тўққизи ҳангоми саҳарда,
 Туғилди бир ўғул бу баҳру барда.
 Йил эрди бир мингу тўрт юзу қирқ био.
 Адаб аҳлига бу гаплар эмас сир.
 Хуросонда эди Шоҳрух ҳукмрон,
 Туғилган чоғи ул хуршиди тобон.
 Гиёсиддин Баҳодирхон ўғли,
 Иўли нурлию қалби эрди чўғли.
 Алишер ном беришиб унга қутлуғ
 Алию Шерлигидан тутди ул туғ.
 Замона тинчу эл эрди фаровон,
 Буюк давлат эди ул пайт Хуросон.
 Амир Темур руҳини шод айлаб,
 Уғил ҳам юртда адлу дод айлаб.
 Ривож топиб тижорат, илму урфон,
 Нафис санъат ила таҳлили «Қуръон».
 Деғайлар Шайхтабиат эрди Шоҳрух, ^f
 Донишмандликда ҳам устоди фаррух,
 Самарқанддан кўчиб пойтахт Ҳиротга,
 У бирла келган эрди бахт Ҳиротга.
 Фозил, шоир бўлиб атрофида жам,
 Саройи эрди мисли боғи Эрам.
 Гиёсиддин эди хизматда анга,
 Ҳироб аҳли бўлиб иззатда анга.
 Билимдон эрди, арбоби сиёсат,
 Чекарди шоҳ саройида риёсат.
 Темурийларга онинг хонадони,
 Туярди дўст яқинлик жовидоний.
 Алишернинг бобоси бирла Темур
 Экан дўсту қадрдон тенгу ҳамқур.
 Усиб фарзандлари бирга саройда,
 Хаёлу орзулар лек эрди ойда.

Амир, шаҳзодалар фарзанди янглиғ,
Муроддан ўзга бўлмай қайғу танглиғ,
Ёши тўртга кириб етилди ул эр,
Ўқишни бошлади эрта Алишер.
Яшаб ўсган муҳити эрди гулшан,
Бўлиб уйида суҳбат базми шўх-шан.
Тағоси Мир Сайид ҳамда Муҳаммад,
Буюк шоиру ориф эрди беҳад.
Чалишиб уйда ҳам чангу чағона,
Ҳофизлар куйлашар эрди тарона.
Ғазалхонлик этиб ҳам нуктадонлар,
Дилига хуш ёқарди ўша онлар.
Гўдак қалбига айлаб кулли таъсир,
Шоир мурғак дилин уйғотди бир-бир.
Қулоқ осиб уларнинг суҳбатига,
Етиб борди жаҳоннинг лаззатига.
Эди бир оз ул маюстабиат,
Бўлиб борди тугал соҳибфазилат.
Ғазал дарёю куй дарёча эрди,
Араб, форс, туркийда зебоча эрди.
Қўшиқ, куйлар ёқиб баҳр олгай эрди,
Толиб охири ухлаб қолгай эрди.
Кўча-кўйда кезар чоғи баҳоли,
Бўларди шеър у қўшиқда хаёли.
Атоси иш билан эрди мудом банд,
Қониб ўсди она меҳрига дилбанд.
Тағойиси Али кўп ҳамдам айлаб,
Ижодга меҳрини мустаҳкам айлаб,
Етакларди уни гоҳ сайри гулзор,
Гоҳи ўқиб берарди унга ашъор,
Алишер қалбини дегилки шодлаб,
Алишер ҳам оларди тезда ёдлаб.
Сўғун такрор айларди дамодам,
Тиришқоқ кам бўлар бу хилда одам.
У туркий бирла форсийда баробар,
Гапурмак бахтига бўлди муяссар.
Ўқиб ёзиш дилида эзгу саслар,
Етаклаб келди мактабга ҳаваслар.
Биринчи бор сабоқ бергувчи устоз,
Шогирдидан доим кам топгай эъзоз.
Қиши онгини чархлаб илк муаллим,
Берар унга ҳақиқий илму таълим.
Бўладиган уқувли бола бошда,
Қилар маълум ўзини илк қарашда.
Алиф, лом, мим — дея олиб сабоқ ул,

Ёзарди қалбида зўр иштиёқ ул.
 Таёғу нуқтадан бўлганда лом ул,
 Бўлар олдиға «к» қўйсанг калом ул.
 Алифга лому ёйу ҳам кейин «эр»,
 Қўшилса ўқилар эркан Алишер.
 Илм олгай киши айлаб хато-саъб,
 Туғилмас онадан ҳеч ким нозиктаъб.
 Илм олгай киши тўкис, баралла,
 Агарда қилмаса айшу таралла.
 Гўдакларга эса қунт бўлса басдур,
 Илм олмоқ на бир эрмак, ҳавасдур.
 Алишер солмайин ҳеч галга-гални,
 Дилига жо этиб фикри гўзални.
 Яратганга этиб шукрона минг бор.
 Гўзалликдан бўлиб ҳақ лутфига ёр.
 Қилиб идрок алфози фусунни,
 Этиб ҳис нелигин дунёю дунни.
 Тафаккур боғида ўхшаб ниҳолга,
 Буюклик меҳри толдирди хаёлга.
 Фиёсиддин дадосининг дадоси,
 Яқин эрди Темур бирла ароси.
 Ки барлосзодалардан эрди асли,
 На уйғурларга пайваст эрди насли.
 Бўлиб аждодлари пилтан баҳодир,
 Фиёсиддин ва лекин хурду нодир.
 Алишербек келиб сўнг қалби дарё,
 Танитди ўзлигини турки дунё.
 Ки туркдан туркни гарчи фарқи камдур,
 Навоий деб бари турк аҳли жамдур.
 На салжуқий, на усмоний, на уйғур,
 На қирғизу қозоқ, туркман, парн хур,
 Навоий шеърлариға бастадилдур,
 Лисони туркийи ўзбеки тилдур.
 Буюкларга бўлар кўплаб харидор,
 Буюкларни сотиб олгувчилар бор.
 Бу камтар қулни маъзур тут худоё,
 На этгил меҳру лутфингдан жудоё.
 Дилимга жо этиб ишқу вафони,
 Этай ваёфини шоири даҳони.
 Сабоқ олган каби биз «Чор китоб»дан,
 У бўлди баҳраманд ҳар эзгу бобдан.
 «Қаломулло» ўқишга машғул ўлди,
 Тушунди, чақди мағзин мақбул ўлди.
 Ёд олди «Ҳафтияк»ни мисли булбул,
 Ёши еттига етмай хуштахайюл.

Талаффузда эди ғоят гўзал у,
Уқирди ёддан ҳофизмасал у.
Ғиёсиддин уйига келса меҳмон,
Уқитарди мудом ўғлига «Қуръон».
Алишер айлаган чоғи қироат,
Соларди муллалар қалбига ғорат.
Жаранглаб ҳақ каломи тилларида,
Саодат тонгги отди дилларида.
Араб, форсию ҳам туркий лисонда,
Уқирди, жаҳд айлаб уч забонда.
«Нури мунзал» этиб ҳофизасин чўнг,
Қириб борди у шеър дунёсига сўнг.
Этиб жалб диққатини форси назми,
Туғилди қалбида шбирлиғ азми.
Атоси бўлсаям гарчи амалдор,
У форсий шеърятга эрди хушдор.
Уйида кўп эди шеърий китоби,
Китобдур илму урфон офтоби.
Не бўлса барча девонни этиб жам,
Уйида сақлар эрди ул мукаррам.
Фиқҳ, таърих ила шеърий баёти,
Бор эрди беҳисоб зўр куллиёти.
Давр донолари ақлига машъал,
Эди ҳар бир китоб мазмуни гўзал.
Этиб таъсир буюклар сўзу нақли,
Усиб борди Низомиддиннинг ақли.
Сўнг ул созандалар базмида бўлди,
Гоҳида шеър ёзиш азмида бўлди.
Жаҳонда йўқ шеър янглиғ жавоҳир,
Қаламкаш бўлса гар доною моҳир.
Ҳаётда кўп эрур ташбеҳу маъни,
Тағойилар изидан борди жияни:
«Жаҳонни ёқамиз сенсиз яқочок,
Бу дуиёдан сеингсиз бизга не бок?»
Қосим Анварнинг ушбу байти эрди,
Ёд олғонида тўрт ёш пайти эрди.
Ғарибий, Қобулий деган тағоси,
Мудом эрди алар устои хоси.
Кейин чиқди Алишернинг саводи,
Бўлиб кучли анинг хотира — ёди.
Гоҳи Саъдий унинг фикрини тортди,
Уқиб борган сари меҳри ҳам ортди.
«Гулистон»дан гоҳида узди сунбул,
Гоҳида терди «Бўстон»га кириб гул.
Таниш эрди анга ҳар баргу япроқ,

Ҳожат қолмай охир очмоққа варроқ.
 Ва лекин ул ўқиб такрору такрор,
 Ёдида қолди барча насру ашъор.
 Тушиб сўнг ўзга гулзор сори сайри,
 Этиб ром «Нутқи қуш»—«Мантиқи тайри».
 Бўлиб андин Шайх Аттор руҳи шод,
 Ўқиб андоқ Алишер этдики ёд.
 Бу ҳолдан хавфсираб ота-аноси,
 Деди қўй, фойда бермай илтимоси.
 Алар олиб китобни этди пинҳон,
 Алишер кўзларидан тўкди маржон.
 Вале зум ўтмайин босди ўзини,
 Этиб такрор китобнинг ҳар сўзини.
 Тугал бошдан-оёқ кечди дилидан,
 Гоҳи пинҳон, учиб гоҳ сўз тилидан.
 Бу янглиғ қуввайи ҳофиза оё,
 Низомиддинга хос эрди худоё!
 Бўлиб бири-биридан турфа ғоят,
 Асарда кўп эди жумбоқ ҳикоят.
 Тафаккур айлаган чоғи Алишер,
 Кечарди хотиридан ул бўлиб шеър:
 «Бўлиб турли-туман қушлар жаможам,
 Тегиб жонларга зулм, қайғуйи олам,
 Адолат исташиб Семурғ шоҳдан,
 Паноҳ излаб буюк давлатпаноҳдан,
 Самога айлади ул бори парвоз,
 Таралди чаҳ-чаҳу мурғона овоз.
 Учиб қушлар мурод кўкида тинмай,
 Юракда шавқ, қанот қўйруғи синмай.
 Вале ҳар ишда бўлгай сабру бардош,
 Бўшанг қушлар кўзидан чиқди сўнг ёш.
 Улар толиб, умидсиз бўлди охир,
 Қатордан ажралиб қайтишди бир-бир.
 Жасур қушларни эрса ҳар маҳалда,
 Умидвор айлаб, Ҳудҳуд берди далда.
 Улар манзилга бориб қўнганни он,
 Қарашса йўқ эди Семурғни хоқон.
 Тафаккур айлашиб бечора қушлар,
 Дейишди бори бу афсона тушлар.
 Вале афсонада бордир ҳақиқат,
 Аларга охири англатди хилқат.
 Эди қушлар ҳисобда бори ўттиз,
 Агар этсак «сп мурғ»ни таржима биз.
 Бу ўттизқуш деган сўз, бўлсак огоҳ,
 Симурғ сўнг қушлар ичра бўлди подшоҳ».

Ҳикоят шу билан топиб ниҳоя,
Алишерга берарди фикру ғоя.
Умрбод ром этиб онинг дилини,
Охирда ёзди шоир «Қуш тили»ни.
Шоир сўзда сухан султони бўлгай,
Лекин маъноси сўзнинг жони бўлгай.
Шу боис излади сўзда у маъно,
Назм бўлмас мағизсиз шўху раъно.
Шеърү шоирнинг ўлгай леваси бу,
Халойиқнинг сўнг ўлгай меваси бу.
Агар тан олмаса шеърни халойиқ,
Эмас шоир муносиб шеърга лойиқ.
Китобхонлик бу оламда саодат,
Китобхонликни доим этсанг одат.
Муродинг бўлғуси ҳар жойда пайдо,
Гўзал сўзлар этар мафтуну шайдо.
Ғиёсиддин олиб ўғли китобин,
Паришбироқ кўрибон офтобин,
Деди: «Атторким сенга суюқдир,
Тасаввуф оламида ул буюқдир.
Бўлур бир норга юк онинг китоби,
Не «Хусравнома», не «Панднома» боби.
Ва лекин сен учун бўлгай муносиб,
Уқирсан бу китобни гарчи босиб».
Бериб «Панднома»ни унга атоси,
Дилида эрди Ҳақнинг илтижоси:
«Халос эт бу гўдакни қайғу ранждан,
Дилини баҳравар эт турфа ганждан».
Алишер ул китобни олгани чоқ,
Уқишни бошлади қалбида титроқ.
Дегилки сувга қандоқ ташнадир ер,
Китобга ўч эди шундоқ Алишер.
Бўлиб ушбу китоб диний йўсунда,
Тасаввуф оламин кашф этди унда.
Эди шеър мазмунида икки олам,
Уқиб тарбия топгай эрди одам.
Тағайюр айлабон гоҳ байти они,
Бўларди гоҳ шоир вирди забони:
«Кетса меҳмон уйига снғмай ани,
Ул киши бўлгай худонинг душмани.
Қим етим гўдакни ноҳақдан урар,
Дўзах ичра они Молик қовурар.
Иккидур ҳар марди нодон хислати,
Майда гап, хотунга бўлса рағбати».
Қоларди барча байтлар хотирида,

Ёзиб шоир ҳаётин охирида:
 «Сирож ул-муслимин» деган асарни,
 Диний йўсунда гўё «Мухтасар»ни.
 Шакл мазмунида эрди илоҳий,
 Этарди илтижо Оллоҳга доҳий.
 Ҳаёти кечмаган енгил, ҳавойи,
 Бўлиб даврини фарзанди Навоий.
 Камолин касб этиб олам уйдан,
 Топиб нашъу намо жаннат бўйдан.
 Бўлиб оқибати аллома шоир.
 Илм дарёсига шўнғиди охир,
 Вале ёшликда у кўп бўлди сарсон,
 Бўлиб жангу жадал оламда тўфон.
 Сиёсий тўнтаришлар, тахт талашлар,
 Қишини юртидан узлатга ташлар.

ШОҲРУХ МИРЗО ВАФОТ ЭТГАНИ ВА ҒИЁСИДДИН ОИЛАСИ БИЛАН ИРОҚҚА КЎЧИБ КЕТГАНИ

Ғиёсиддин кўниб ҳажру, фироққа
 Бўлиб мажбур йўл олди Ироққа.
 Сабаб босганда ёғий шоҳу султон,
 Қиларди ул маҳалда юртни вайрон.
 Муроди бўлсада тахт бирла тожи,
 Улус мулки эди шоҳлар хирожи.
 Қирар эрди талаб ҳар уйга сарбоз,
 Кўринса не оларди кўзига соз.
 Гўзал хотин ва ёки дилрабо қиз,
 Йўлиққан чоқ солар ваҳшийлар огиз.
 Ҳаришу ҳирсини қондиргай эрди,
 Йўқ эрса ўт қўйиб ёндиргай эрди.
 Бу иш оқибатин англаб Баҳодир,
 Йўл олди ўзга юртга бежавотир...
 Мингу тўрт юзу қирқ етти йил эрди,
 Буюк Шоҳрух бир жангий фил эрди.
 Ҳироту Исфаҳоннинг лек йўлида,
 У жон берди Амир Шерзод қўлида.
 Келар подшоҳга омад ҳар маҳалким,
 Вале ногоҳ етгайдир ажалким.
 Танидан чиққани чоғи ширин жон,
 Бўлар шоҳзодаларга тахти армон.
 Ота ўлимидан барча чекар дод,
 Фақат тахт аҳли бўлгай хурраму шод.

Ҳиротга етмайин Шохрухи маҳрум,
Таралди бу хабар ҳар ёнга машъум.
Самарқанд ҳокими Мирзо Улуғбек,
Ҳиротга лашкарини тортди шердек.
Босиб Мирзойи Бойсунғур руҳин ғам,
Уч ўғли ўзаро тортди шул дам.
Алоуддавла ва Султон Муҳаммад,
Абулқосими Бобурларки беҳад,
Хуросон тахтига даъвогар эрди,
Қуролланган барида лашкар эрди.
Улуғбек оғаси Жўки Муҳаммад,
Этиб рихлат ҳақ этсин анга раҳмат!
Абу Бакри эди фарзанди хурди,
Атонинг жанг-жадалда буди-бурди.
Бўлиб Соли Сарой, Хатлону Арҳанг,
Анинг измида, кўз очу юрак танг.
Олиб Балху Бадахшон, Қундузини,
Шибирғон бирла Бақлон, ер юзини —
Тутибон лашкарни солдики қутқу,
Улуғбек йўлида бир гов эди у.
Шу пайт бир ҳийлани ишга солишти,
Бериб совға-салом кўнглин олишти.
Улуғбекнинг қизи Робия Султон,
Дейишти сизга муштоқу нигорон.
Ишониб ҳийла, алдову макрга,
Бу қиммат тушти сўнгра Бубакрга.
Гўзал қиз деб келиб шери жавонмард,
Тушиб қопқонларига бўлди гард-гард.
Солиб зиндонга номард ели эди,
Ҳиёнатпешалар бошини кесди.
Улуғбекни тутиб охири хунн,
Фалак ҳам айлади-ку сарнигунн.
Улуғ саркарда бошидан жудодир,
Дегилки мисли жонсиз аждаҳодир.
Йигирма ёшида ўтиб жаҳондин,
На бир зурёд қолди паҳлавондин.
Улуғбек лашкари сўнг мисли дарё,
Келиб босди Ҳиротни, солди ғавғо.
Алоуддавлаю Бобуру Султон,
Қочиб Машҳадга бориб топди омон.
Улуғбек барча ишни айлади ҳал,
Самарқанд қайтди, қолди ўғли вассал.
Вале ўткинчидир асли бу дунё,
Йил ўтмай бўлди бошсиз хок аро жо.
Ўтиб ўн беш баҳори бекарона,

Тугаб авлоди қолмай бир нишона,
Буюк соҳибқирон қурганди мақбул,
Улуғ давлатки сўнг топди таназул.
Бу қисмат эрди манглайларга ёзуғ,
Қалам қолди ҳаёту синди лек туг.

* * *

Алишерлар каби кўплаб муҳожир,
Сафарга отланиб боёну тожир,
Ғаму ташвиш ила юртдан йироққа,
Борарди бош олиб одис Ироққа
Танимай эгасини ити гоҳо,
Бу шовқин, кўчу сурларда, илоҳо.
Алар юртига ҳам тинчлик насиб эт,
На бундоғ бенаволарни ғариб эт.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАФТ ШАҲРИДА МУАРРИХ ШАРАФИДДИН АЛИ ЯЗДИЙ БИЛАН ТАСОДИФАН УЧРАШГАНИ ВА МУЛОҚОТДА БУЛГАНИ, ЮРТ ТИНЧИБ ИРОҚДАН ҲИРОТГА ҚАЙТГАНИ

Ҳирот бирла Ироқ йўлида торафт,
Шаҳарлар кўп, аларнинг биридур Тафт.
Яшаб унда Али Яздий муаррих,
Ёзиб Темур ҳақида турфа таърих.
Саройда муншийи соҳиб қалам ул,
Даврда машҳури шоҳи Ажам ул.
Ибн Халдун ила Ибни Арабшоҳ,
Мисоли эрди ул тарихдан огоҳ.
Алар ёзса қўйиб ё пахта оғу,
Бу ёзган эрди айлаб фахру жоду.
Буюк солномачи андоқ кам ўлгай,
«Зафарнома» далили аъзам ўлгай.
Юриб Темур изидан «нома» тузди,
Насрда деки бир «Шоҳнома» тузди.
Вафот этгач буюк хоқони олам,
Саройдан кетди Тафтга кўзлари нам.
Агарчи илтифотлар қилди Шоҳрух,
Саройга қайтмади доною фаррух.
Буюк олим хаёлчан ҳам паришон,
Кезар эрди дилида ушбу армон.
Ўзига ўзи дер: «Қолган ҳаётим

Кечиб шунда, кутарман мен мамотим.
Не жангу не жадаллар кўрди бошим,
Не торожу қамаллар кўрди бошим.
Гоҳи Соҳибқирон бир ўзи ёлғиз,
Ҳисобсиз душманин енгди, гувоҳ биз.
Унинг бирла туриб бир сафда доим,
Насиб этди яшаш менга илоҳим.
Ёзиб таъриҳини мен бахт топдим,
Муаррихлар аро ҳам тахт топдим.
Дер эрди гоҳида чорлаб у ҳазрат,
Ёзинг бўлсин фақат росту ҳақиқат.
Вале аҳли ижод озроқ оширғай,
Гоҳи илҳом шавқини тоширғай.
Йўқ эрди менда лек бу янглиғ имкон,
Темур этди тақозо ростни ҳар он.
Йигиту навқиронлик даврим ўтди,
Хоҳиш, орзую бардош, сабрим ўтди.
Ёғибон кексалик бошимга қорлар,
Бериб Шоҳрух лекин кўп эътиборлар.
Атоси дўсти эрдим мен сарафроз,
Атосидек ҳануз айларди эъзоз.
Ажал қушики бошига етибдур,
Охирги шерн жангий ҳам кетибдур.
Бўлиб мулки харобу юрти торож,
Сўрар бир-биридан шоҳзодалар бож.
Утар карвонда ҳар кун минглаб одам,
Ўзига ахтариб осуда олам.
Буюк давлатни Темур бир иликка,
Йиғиб енгди ғанимни жангда тикка.
Топиб охирида мулки таназул,
Тасаввур айла йиғлар гўрнда ул.
Бугун ворислари қирғинга киргай,
На ёғий, бир-бирин ўз бири қиргай».
Хаёл ўлгай фалакнинг учқур оти,
Ёниб-ўчгувчи шамъ инсон ҳаёти.
Буюк тарих қошида қил тасаввур,
Қолар эзгу умид мангу бўлиб нур.
Чиқиб йўл бошига бир лаҳза устод,
Ўтирди ўй сўриб не ғамгину шод.
Келиб бир катта карвон ушбу жойда
Қўним топди, сабаб карвонсаройда,
Йўқ эрди жой, бурунроқ банд эрди,
Мусофирлар бари давлатманд эрди.
Бор эрди ёш-яланглар карвонда,
Улар тўзиб кетишди ҳар томонга.

Кўришиб кекса чолни шу мароме,
 Беришди тўхташиб унга саломе.
 Алик олди таважжух бирла устоз,
 Деди: «Қайдин, қаён бормоқдасиз боз?»
 Жавоб берди Алишерким: «Ҳиротдин,
 Қочиб қирғинлию хавфли ҳаётдин.
 Паноҳ излаб, чидаб ҳажру фиоққа,
 Насиба бўлса боргаймиз Ироққа!»
 Савол устига чол берди саволе,
 Жавоб бер, келмаса сенга малоле,
 Киму қайси амир фарзандидурсан,
 Не янглиғ илму урфон бандидурсан?»
 Жавоб берди Алишер: «Хизмати хос,
 Атомиз касби қилгай сидқу ихлос.
 Гиёсиддин Баҳодир номларидур,
 Саройдорлик у зот аҳкомларидур.
 Амиру хосу ҳам арбоб саналгай,
 Адолат кўкида офтоб саналгай.
 Менинг илму адабда бор сиёқим,
 Сарой, мансабга йўқдир иштиёқим».
 Деди: «Неларга қилғонинг жазмдур?»
 Деди: «Шуғли гўзал менга назмдур!»
 Деди: «Неларни уқдинг қил қироат,
 Дилим ашъор тилайдур ушбу соат».
 Деди: «Гоҳ Саъдию гоҳ Шайхи Аттор»
 Алардин сўнг ўқиди неча ашъор.
 Қолиб лол ҳайратидан Пири даврон,
 Деди: «Қанча билурсан ёд «Қуръон?»
 Деди: «Бу тил, на ёшликда суякдир,
 Бугунча билганим ёд «Ҳафтияк»дир.
 Қани бир жойда сокин қолсам эрди,
 Тамом қолғонини ёд олсам эрди.
 Калити илму фандир «Нури мунзал»,
 Тафаккур дурига бергай у сайқал.
 Бу ҳақда кўп ёзиб Шайхи Низомий,
 Бўлиб «Хамса» атинг орзуси коми.
 Муродим боз ани ёд айламакдур,
 Назм мулкини обод айламакдур».
 Али Яздийга бундоқ суҳбати хуш,
 Гўдак дуч келгани гўё эди туш.
 Тағайюрда дуолар этди доғи,
 Ки ҳаргиз ўчмасин орзу чироғи.
 Йигирма ёшли толиби илм ҳам,
 Бу янглиғ бўлмагай донишда бекам.
 Алишери Навоий сўнгра бисёр,

Бу ҳақда айлаганди лутф изҳор:
 «Ки мен устод Али Яздийни кўрдим,
 Дуо олиб у зот ҳолини сўрдим.
 Муаррихлар аро ул зот ягона,
 Эди ўз касбида шоҳи замона.
 Эмас юрт шоҳлиги мушкул бағоят,
 Қийиб тож тахтга чиқсанг бас ниҳоят.
 Илм бермай бировга тахту жоҳин,
 Ўзи танлар ўзининг подшоҳин».
 Мусофир бўлмаган бўлмас мусулмон,
 Чекиб бир неча йиллар дарди ҳижрон.
 Алишеру қариндошлар бари жам,
 Ироқни билдилар тинчу муаззам.
 Ҳиротни бул замон чархи тегирмон,
 Қашокашлар билан айларди яксон.
 Улуғбек қолдириб Абдуллатифни,
 Соғиниб ўзлари шаҳри латифни,
 Самарқанд сори урган чоғи жавлон,
 Абулқосим Бобур берди фармон —
 Амир Ҳиндукага ҳам катта қўшун,
 Ки то солса Улуғбекка шабохун.
 Алар солиб қароргоҳ устига от,
 Ярим тун етказиб катта талофот.
 Улуғбекнинг тўзиб лашкарлари ҳам,
 Талон-торож бўлиб дур-зарлари ҳам.
 Халиф кечувидан ўтгунча иш пуч,
 Келиб кўчманчи ўзбеклар яна дуч.
 Тўсиб йўлини солди қотағонлар,
 Тўкилди ерга дарё мисли қонлар.
 Улуғбекда тугаб куч ва мадоро,
 Юришни тўхтатиб кирди Бухоро.
 У қишни ўтказиб ушбу шаҳарда,
 Отаси тобутин эрса саҳарда
 Жўнатди синглиси Поянда Султон —
 Билан «Гўри Амир» шаҳри Самарқон.
 Сарахсдан боз Абулқосими Бобур,
 Ҳирот сориға чалди жанги танбур.
 Юборди қатта лашкар устувор ул,
 Қилиб Абдуллатифни тору мор ул.
 Чекинди, не десин тақдири талхга,
 Бориб Абдуллатиф ўрнашди Балхга.
 Ота-ўғил ейишди бир-бирин сўнг,
 Абулқосим Бобур иши келиб ўнг,
 Хароб-вайронани обод қилди,
 Адолат бирла элни шод қилди.

Хуросонда бўлиб танҳо ҳукмдор,
Яна этди Ҳиротни шаҳри гулзор.
Чекинганлар тўйиб буткул фироқдан,
Келишди қайтишиб юртга Ироқдан.
Саройга чорланиб Мирзо Баҳодир,
Эди ул зот улуғ ишларга қодир.
Беришди Сабзавор шаҳрини унга,
Дебон минг бор шукур **Мирзо шу кунга,**
Кулибон дафъатан иқболи токим,
Бўлиб ул Сабзавор шаҳрига ҳоким.
Узин ҳар ишга мажбур айлар эрди,
Хароб шаҳрини маъмур айлар эрди.
Бўлиб ўн тўрту ўн бешларда ёши,
Йўлини ёритиб иқбол кўёши.
Алишери Навоий эрди маъруф,
Абулқосим Бобур айлаб такаллуф,
Ани хизматга девонига олди,
Дегил шоҳлик гулистонига олди.
Муаммойи бўлиб доно вазири,
Илм дунёсида ҳам беназири.
Алишерга бериб таълим-сабақлар,
Ҳаётида очиб янги варақлар.
Илоҳиётни доғи этди таҳлил,
Риёзиёт, фикрдан олди таҳсил.
Фалакиёт ила мантиққа оид,
Хазина илми дур-сандиққа оид —
Вазирлик бирла шоҳлиғнинг усулин,
Ва не янглиғ раиятнинг қабулин,
Сиёсат бирла боғлаб ҳар ҳунарни,
Тузарди сўзда кўпроқ дуру зарни.
Бўлиб тенгсиз унда бир лаёқат,
Келиб илҳом қолмай сабру тоқат.
Туну кун ул битар мўъжиза ашъор,
Гоҳи Лутфий мисол, гоҳ мисли Аттор.
Гоҳи туркийда эрди ул фусунсоз,
Гоҳи форсийда айлаб фикрати ноз.
Бўлиб туркий тахаллуси Навоийи,
Ёқиб кўнгулга шеъри дилрабойи.
Равон форсийда шеър султони эрди,
Тахаллуси шойрнинг Фоний эрди.
Йўқ эрди унга тенг бир ёш иждокор,
Шу бонс кўп қадрларди ҳукмдор.
Жавони хосида неки китоб бор,
Китоблар ичра нури офтоб бор.

Бўлиб Султон Абулғози Ҳусайни,
 Алишер бирла дўст, тенгқур баайни.
 Ҳукмдорликка ул рағбат сезарди,
 Эди шоҳу амирлик они дарди.
 Қалам тутганда фикри назм-айлаб,
 Сипоҳдорликка кўпроқ жазм айлаб.
 Кейинроқ тахтга чиқди Бойқаро ул,
 Алишерга сабақдош, ғамбаро ул.
 Шижоатда эди шери Хуросон,
 Эди ғайратда чун дарёи тўфон.
 Ғазаб ўтиға гар қалби тўларди,
 Уриб бир зарб хукни тенг бўларди.
 Забаржад дастали шамшири эрди,
 Ҳирот пири анинг дастгири эрди.
 Рақибни бўлса гар шер, шерга шер ул,
 Гўзал суратли ҳам эрди далер ул.
 Навоийга эди дўст бениҳоят,
 Керак бўлганда айларди ҳимоят.
 Юрарди доимо иккиси бирга,
 Саройми, тушса йўл ё чўлу қирга.
 Хаёлида этиб шоҳлиғни орзу,
 Алишерга очарди қалбини у.
 Дер эрди: «Кун келиб, дўстим Алишер,
 Кўтарса кўкка бу қулни сахий ер.
 Замона шоҳи бўлсам дилпазире,
 Узимга Сизни, айлардим вазире.
 Бузургуммед мисоли адлпеша,
 Вазирлик сизга ёр ўлгай ҳамеша».
 Бу орзулар Алишерга хуш эрди,
 Вале рўёби мушкул бир туш эрди.
 Киши ёшликда иззу жоҳни севгай,
 Гўзал маъшуқайи гулмоҳни севгай.
 Бўлиб шоҳ гулшанида бир қизил гул.
 Кўриб они этиб шоир тахайюл.
 Кейин билдики ул подшоҳ канизни,
 Гулоро эрди гулларнинг аниси.
 Шоирнинг ҳар нигоҳи унга тушди,
 Кўриб они юрак бағри увушди.
 Гўзаллардан гўзал ул мутлақодур,
 Не ҳур, ҳурдан дилоро маҳлиқодур.
 «Сенинг ҳуснингга ногоҳ бир нигоҳим,
 Тушиб эй дилрабо недур гуноҳим?!»
 Навоий кўнглидан оҳлар таралди,
 Бу оҳлардан гўзал шеърлар яралди.
 Вале ишқин тутиб дилда ниҳон ул,

Қилолмас эрди ҳеч кимга аён ул.
Улуғ Мирзо атоси чоғлиғ эрди,
Шу боисдан дили боз доғлиғ эрди,
Париваш ул нигоро чун анодур,
Анолиғ ҳурмати бирла панодур.
У куйди икки оташ ичра ёнди,
Ҳақиқатга, фақат ҳаққа инонди:
«Бу янглиғ ишққи бадбахт айлағайдур,
Ўзига бандийи сахт айлағайдур.
Ҳалоким бору ундан йўқ халосим,
Худоё сендан ўлгай илтимосим.
Муҳаббат берма қалбимга дубора,
Экан бу йўлда қисмат менга қора.
Не бурждир унга сиғса икки ахтар,
Не қиндир унга сиғса икки ханжар.
Ахир кўкда қуёш тоқ, ой тоқдир,
Қуёшюз ойга менда иштиёқдир.
Самони тўлдириб ғўжғон ситора,
Мени лол этмаса айлай чи кора?!
Муҳаббатдан кишиким беҳабардур,
Балоғат кўчасида бесамардур.
Агар Лайлига Мажнун ҳамнафасдур,
Бу ишқ аҳли учун ёлғиз ҳавасдур.
Нечун қовушмади Тоҳиру Зухро,
Жудо ўлди нечун Вомиқу Узро.
Қовушди Хусраву Ширини сармаст,
Ўғул Шеруя кетди кўп тубан-паст.
Чунон ханжар уриб қорнини ёрди,
Падаркушликда машҳур ном чиқорди.
Бўлиб ўгай она Ширинга хуштор,
Юбориб совчи ишқин этти изҳор.
Хотун йўқмиди шоҳга ғайри она?
Онага солди оғиз фосиқона!
Азалдан ушбу олам тескаридур,
Ки ҳар дев бағрида битта паридур!»
Шу янглиғ ўй суриб дилхаста шоир,
Бўлиб ғам-қайғуга пайваста шоир.
Вале чертилди ишқдан дилни тори,
Таралди шеър ила қайғу ғубори.
Бўлиб кундан-кун ул шеърда жаҳонгир,
Дегил шуҳратда бўлди осмонгир.
Ғазал дарёю қалби эрди денгиз,
Езарди ул ёниб оламда тенгсиз.
Умр этмас кишига ҳеч вафое,
Қилиб бир мунча шоҳлар кайф-сафое.

Кейин тахтдан кетар айри бу бахтдан,
Минар ё тахтага ажраб у тахтдан.
Абулқосими Бобур бенасибе,
Шу янглиғ ўтди оламдан ғарибе.
Келиб боз ўрнига бойқуш ўтирди,
Кетиб шер, қашқирини нохуш ўтирди.
Раиятни талаб монанди итлар,
Ҳукмрон бўлди шоҳ Абду Саидлар.
Ҳирот тупроғи не армонларни ютди,
Сув ўрнига қизил қонларни ютди.
Эди Абду Саид аҳмоқ ҳукмдор,
Хуросон аҳлини этди тамом хор.
Ёғиб эл бошига қирғину офат,
Фақат келтирди қайғу ғам касофат.
Ҳиротни айлабон хору хароб ул,
Одамлар тўшидан этди кабоб ул.
Бу хил қонхўрни кўрмай ҳеч замона,
Эди қилмиши ҳам ғар фосиқона.
Гулорони этиб ўзига чўри,
Тушиб қизлар бошига зулми зўри.
Эди шаҳватга мойилки у андоқ,
Қутурган ҳанги бўлса кузда қандоқ.
Халойиққа бу ғам қилгандай озлик,
Дегайлар айлар эрди баччавозлик.
Шу боис чекиниб аҳли камолот,
Ўзини тортди ундан аҳли Ҳирот.
Қолиб атрофида фосиқу ғарлар,
Тубан ишлар учун сарф этди зарлар.
Абулғозий—Ҳусайни Бойқаро ҳам,
Бориб Марв атрофига йиғди одам.
Топиб бир фурсате Абду Саидга,
Мисоли шер отар ўзини итга.
Ит эрса итлиғини содир айлар,
Ўзини зулм ишига қодир айлар.
Қилиб таъқиб Алишери замонни,
Ҳиротнинг фаҳри шоир нуктадонни.
Юборди махфий фармон бирла Машҳад,
Қи юрса топмайин қайтишга ул ҳад.
Тушиб ғам устига бошига кўп ғам,
Бир эрмас, чекди у бир неча мотам.
Ато бирла тағолар этди рихлат,
Эди бир-биридан оғир мусибат!
Йигирма беш ёшида қолди танҳо,
Мададсиз кўзига тор эрди дунё.
Туғишганлар ила юртдан йироқ ул,

Дегилки Лайлисиз Мажнунни тоқ ул.
Эди зах ҳужрада Машҳадда бемор,
Хабар олмай ҳолидан ёру ағёр.
Баногоҳ кирди уч тўрт салладорлар,
Қи ҳар салла тагида калладорлар.
Қўриб девордаги ашъорни бирдан,
Алар бири деди: «Хусрав Амирдан».
Бирини чиқди шунда эътирози,
Деди: «Бу шеъри Усмони Ҳижозий».
Бири: «Саъдий», бирови деди: «Аттор»,
Бири дедики Жомийга дахлдор.
Узича тортишиб уч-тўртта мулло,
Бири оҳир деди: «Астағфирулло,
Бу шеър Саъдий эмас Ҳофизга хосдир,
Вале Саъдий жанобга иқтибосдир.
Агарчанде усули шеъри Саъди,
Вале Ҳофизга хосдир лафзи баъди».
Бу зот Шайхи Камол Турбайти эрди,
Ҳамоно тортишувлар пайти эрди.
Алар баҳсини тўхтатди Алишер,
Деди: «Ҳазрат жаноблар бизники шеър.
Тугамай мақтаси деворга осиб,
Қилибдур котиб ишни номуносиб».
Хаёл шеърга кетиб уч-тўртта одам,
Узига келди бу гапдан пайиҳам.
Улар шул пайт Навойни кўришди,
Танишди, хастадан аҳвол сўришди.
Навой-Фоний шул эркан билишди,
Сўғун кўп меҳрибонликлар қилишди.
Камол Турбайтий айлаб эҳтиромлар,
Юборди унга савғою саломлар.
Бу ҳақда эътироф айлаб Навой,
Дегай: «Эрдим ғарибу бенавое.
Бўлиб Абду Саид юртга ҳукмдор,
Эди жонимга андин ваҳму озор.
Бориб Машҳадга ҳам таҳсилда бўлдим,
Қилиб илму амал таҳлилда бўлдим.
Уқубатлар билан кечиб ҳаётим,
Ғаму қайғуга йўғрилди ижодим.
Сўғун ушбу ғарибни ёд этишди,
Саховат бирла ҳам дилшод этишди.
Бу оламда мудом кўп турфа ҳодис,
Алар бири бўлиб ашъор боис.»
Танишдим шоири Турбайти бирла,
Келиб турди у гоҳо пайти бирла.

Менга кўп айлади лутфу навозиш,
 Уқиб шеъримни ҳам айтарди олқиш.
 Яна бир меҳрибон эъзози эрди,
 У зот Абдусалом Шерози эрди.
 Тағин ул Паҳлавон — хаттот — Муҳаммад,
 Ки етказмай ғарибга ҳеч мазаммат,
 Мудом ғамхўру ғампарварлиғ этди,
 Гоҳи зар, гоҳида заргарлиғ этди.
 Отамдек дўст Саййиди Ардашер ҳам,
 Алар янглиғ қадрдонлар эди кам,
 Утиб фурсат, тугаб таҳсили томим,
 Шеър аҳлига танилган эрди номим.
 Умид бирла кейин қайтдим Ҳиротга,
 Ва лекин дуч келиб номумкинотга,
 Ота шаҳримга сиғмай бир гадодек,
 Замона шоҳи эрса аждаҳодек.
 Мени комига тортиб солди қутқу,
 Не аждар, эрди аждардан батар у.
 Ота мероси мол-мулкимни олмиш,
 Номус, ор бирла инсофи йўқолмиш.
 Раиятдан зулук янглиғ сўрар қон,
 Не бор шафқат, не бор раҳму не виждон.
 Қияр шоҳона гарчи зирҳу совут,
 Вале тўнғиздан этмас ул тафовут.
 Тақозо айлади, дил бўлди парканд,
 Иложсиз бош олиб кетдим Самарқанд».-

**АЛИШЕР НАВОИЙ АБУ САИД ВАФОТИГАЧА
 САМАРҚАНДДАГИ УЛУҒБЕК МАДРАСАСИДА
 ЯШАБ ТУРГАНИ ВА АБУЛҒОЗИ СУЛТОН
 ҲУСАЙН БОЙҚАРО ХУРОСОН ТАХТИГА
 УТИРГАЧ, ДЎСТИ ТАКЛИФИ БИЛАН
 ҲИРОТГА ҚАРАБ ОТ СУРГАНИ**

Она шаҳрига айлаб хайру хўш ул,
 Самарқанд сори боздек урди тўш ул.
 Кетарди бор ғамини елга ташлаб,
 Жудоликлар унинг қалбини ғашлаб.
 Ватандан беватан якбора бўлди,
 Бу янглиғ дарбадар овора бўлди.
 Кўрар кўз ҳар неки бошига тушгай,
 Заҳар ҳар нечаки ошига тушгай.
 Сафардан илгари дўсту қадрдон,
 Саййиди Ардашерни излаган он,

Тополмай кетди ул қалби ғамангез,
Этиб манзилга борган чоғи ул тез.
Езибон «ҳасбиҳол» этди равона,
Юрак дардини жойлаб орифона.
Этиб бор қайғу ғамлардан шикоят,
Барини айлади тўкис ҳикоят.
Бўлиб шоир дили унда намоён,
Эди ҳар заррасида дарди ҳижрон,
Самарқандга келиб дастлаб шоир,
Ҳаёти кечди қайғу ғамда оғир,
Уқубатга этиб сабру қарори,
Ва лекин сўнмади дилда шарори.
Қиларди иштирок ҳар машваратта,
Кичикни деб кичик, уллини катта.
Бўларди ўзаро кўп баҳсу базме,
Шуаролар ўқишиб гоҳи назме.
Уларда қатнашиб доим Алишер,
Кези келганда гоҳ айтар эди шеър.
Навойи турки, форси Фоний эрди,
Мудом ул давраларнинг жони эрди.
Ўзига жалб этиб ул эътиборни,
Уламо бирла ҳар фикри киборни.
Атоқли шоиру фозилу доно,
Дер эрди унга таҳсину тасанно!
Бўлишиб меҳрибону дўсти жони,
Қилишди ўзларига улфат они.
Этиб қайғую ғамларга ниҳоят,
Бўлиб у қисматидан шод ғоят.
Илм баҳрига шўнғиб мисли ғаввос,
Тинимсиз излади у дурру олмос:
«Қаламким раҳнаварди тезу такдур,
Азалдан манзили мавқул фалакдур».
Самарқанд ҳокими Шайх Ҳожибек ҳам,
«Вафойи»,— деб битарди шеъри хуштаъм.
Уламои киром қадрига етмиш,
Шу боис иззу жоҳ садрига етмиш.
Шоир, олиму фозилларга мойил,
Тутиб иш, адлни айларди қойил.
Алишери Навойини олиб тан,
Ўқиб шеърин, дебон ҳаққига аҳсан.
Тутиб ўзини камтар муштарийдек,
На элни ҳокимию сарваридек,
Анга лутфу иноятлар этарди,
Улусу эл билан бир эрди дарди.
У берди котиби хосига фармон,

Алишер назмидан то тузса девон.
 Бу ҳар шоир учун қутлуғ шарафдур,
 Ғазаллар бўлса дур, девон садафдур.
 Боши кўкка етиб бу илтифотдан,
 Тамом рози эди шоир ҳаётдан.
 Улуғлардан яна у дарс оларди,
 Буюклик кишварига йўл соларди.
 Абулайсий бўлиб қонуншунос ул,
 Жаҳонда тенги йўқ ҳам беқиёс ул.
 Самарқандий — Муҳаммад Олим устоз,
 Илм эшикларин унга очиб воз.
 Хўжа Хисрав ила Шоши Алоий,
 Шоирни этди урфон мубталойи.
 Олиб шоир улар илкида таҳсил,
 Шуур дунёсини боз этди такмил.
 Самарқанддан топиб кўп дўсту ёрлар,
 Алишер қалбидан кетди ғуборлар.
 Ҳаётдан икки йил, икки хазондур,
 Вале кимга хазон, кимга жаҳондур.
 Темурхон тиклаган юксак қасрлар,
 Турар олам аро кўплаб асрлар.
 Гоҳи ул мадраса — Шердорни кўрди,
 Хаёлан ул буюк меморни кўрди:
 «Жаҳонни кезмагил бу баҳру барда,
 Бу хил обида йўқ ҳеч бир шаҳарда.
 Мовий гумбазли Регистонга ўхшаш,
 Гулу гулзору бу бўстонга ўхшаш.
 Темурхон наслидан Султон Улуғбек,
 Ки олам кўрмади Султон анингдек.
 Анинг абнойи жинси бўлди барбод,
 Ки даҳр аҳли бириси айламас ёд.
 Расадким боғламиш зеби жаҳондур,
 Жаҳон ичра яна бир осмондур.
 Кўзи олдида бўлди осмон паст»,
 Бу байтларни тўқиб шоир бўлиб маст.
 Хаёли кўчди боз шаҳри Ҳиротга,
 У хокким, они келтирмиш ҳаётга.
 Бу пайт Балх шаҳрида қўпганди исён,
 Етиб Абду Саид томоғига жон.
 Юбормасдан амири хосу навкар,
 Уриб ноғора ўзи тортди лашкар.
 Қўйиб пистирма исён аҳли айёр,
 Кейин шоҳ қўшунини қилди тор-мор.
 «Тутиб олсанг илон бошини янчгил,
 Золим душманни кўрсанг найза санчгил» —

Деган ҳикматли гап бордир, халойиқ,
Тутиб они ўлимга билди лойиқ.
Абулғози Ҳусайни Бойқаро чун,
Келиб тахтга ўтирди тўкмайин хун.
Ҳирот тахти чу эрсиз бева эрди,
Чиқиб ким сурса даврон тўра дерди.
Ўқиб Хутба номига Шайхулислом,
Хуросон шоҳлиги топди саранжом.
Бу янглиғ хушхабар ҳар ёнга кетди,
Ғариб шоирга ҳам шул мужда етди.
Яна пайғом Ҳусайни Бойқародан,
Самарқандга Ҳироти дилрабодан.
Олиб мактубини шодон Алишер,
Деди: «Тахтга муносибсан, бали шер!»
«Ҳилолния» дебон битди қасида,
Эди мазмуни чўнг, фикри расида:
«Ботиб ой, ўрнига мисли ҳилоле,
Самода порлагандек бемисоле.
Ўтиб оламдан ул пажмурда подшоҳ,
Анинг ўрнига келмиш шоҳи дилхоҳ.
Лутф, эҳсонида дарёи хос ул,
Адолат бобида ҳам беқнёс ул.
Қўйиб ҳақ йўлида бошига зар тож,
Бериб илму адаб, фан аҳлига бож!
Раиятни этиб уйини обод,
Уламо, шайху фозилни этиб шод.
Шоирларга ўзи бош, нуктапардоз,
Унингдек шеър санъатда киши оз.
Қаҳр ҳангомида шерн ғазанфар,
Меҳр қилганда сочгай беҳисоб зар.
Ўтирса тахтга Султони жаҳон ул,
Мудом элу улусга меҳрибон ул.
Қилич чопганда Рустамдан баҳодир,
Замон наққошидан тасвирда моҳир.
Буюкликда ягона дўсти жон ул,
Яна биздек фақирга меҳрибон ул».
Шу хил ўтлиғ каломлар бирла шоир,
Тузиб ўз дўстига бир ганжи соҳир.
Самарқанддан Ҳиротга қайтди шодон,
Дилида йўқ эди ғам-қайғу, армон.
Шукур орзули кунларга етишди,
Умид берди самар, ҳам мева пишди.
Золим қайга етар, хок ичра кирди,
Ичиб қон элга ҳам қонин ичирди.
Ҳирот киргай яна нашъунамога,

Улуғлик авжи етгайдир самога.
 Яна зоғ ўрнида боғларда қумри,
 Емонликнинг азалдан қисқа умри.
 Адолат этса шоҳ, дон экса деҳқон,
 Бўлар доим унинг юрти фаровон.
 Зулм-зўрлик-ла шоҳ этса ҳаракат,
 Қочар элдан файз бирла баракат!
 Бу гап ҳар қалби уйғоққа аёнди,
 Адолат қилса шоҳ, мулки омондир.
 Навоийни шу хил ўю тафаккур,
 Тамом чулғаб, Ҳиротга келди мағрур.
 Жилвдори саройга кирди бошлаб,
 Севинч, соғинч шоир кўзини ёшлаб.
 Ҳаяжонда кириб бўстонсарога,
 Ўзини отди дўсти Бойқарога.
 «Алишер, бормисиз, дўсти ягона»—
 Дебон, очди бағир шоҳи замона.
 Сарой аҳлида қолмай зарра бардош,
 •Тараҳхумдан бари кўздан тўкиб ёш.
 Сабаб шоҳ бирла шоир йиғлар эрди,
 Ҳасад рашку нигоҳин тиглар эрди.
 Чалиб қарсак буюрди Бойқаро сўнг,
 Тайёрланг Мир Алишерга базм чўнг.
 Бориб ҳордиқ чиқарсин дўсти хушком,
 Зиёфат шаънига берилгай оқшом.
 Амалга мингани чоғида инсон,
 Амирми, бекми, ё доруға, султон,
 Йиғар атрофига хешу қаринни,
 Содик ўзинга дўсту ҳар яқинни.
 Алишери Навоий мисли шоир,
 Эди давлат учун арбоби нодир.
 Шу боисдан этиб шоҳ дилпазирлик,
 Азалдан режаси эрди вазирлик.
 Эди тенгқур, қадрдон, дўсту ёри,
 Бўлиб ҳам элда обрў-эътибори.
 Сиёсат бобида дурёб эди ул,
 Насабда тенги йўқ арбоб эди ул.
 Муҳими: «Шоҳ бўлсам дилпазире,
 Деганди: Айлагум сизни вазире!»
 Бу ўйлардан кейин шоҳ Бойқаро ҳам,
 Ҳарамга кирди мамнун, хотири жам.
 Хадичабегими ул шўхи танноз,
 Хўтан оҳуси янглиғ айлади ноз.
 Этиб шер ҳирсини маст оҳу бедор,
 Таралди ҳар тарафга мушки тотор.

Чунон ташланди унга мисли айғир,
 Тушиб чангига титрар оху дир-дир.
 Асир тушган каби охуга қоплон.
 Суғурди куч мадорин сўнгра қопқон.
 Газанфар шер мушукдек зўрға турди,
 На маст охуга такрор панжа урди.
 Ҳаёт шундоғ кашокашдан иборат,
 Фироқ, гоҳ васли маҳвашдан иборат.
 Жаҳон жонзотлари ўз жуфти бирла,
 Табиатнинг яратган муфти бирла.
 Қучар ёрини гар хору гадодур,
 Висолга етса ким ул подшодур!

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО НАВОИЙНИ УЗИГА
 МУҲРДОР ЭТГАНИ, ШОИР ЭСА ИЖОДГА МАЙЛ
 БИЛДИРИБ ВАЗИФАСИДАН КЕТГАНИ**

Бўлиб ёр оғушида Бойқаро шод,
 Эл эрмас, айлабон ўз қалбин обод.
 Тузиб кечки базмнинг режасини,
 Қилиб таклиф азизлар нечасини.
 Узр айтди фақат Махдуми Жомий,
 Келиб қолган бари зоти киромий.
 Сарой саҳни эди монанди гулзор,
 Бари ул жойга тўпланди аривор.
 Йиғилди аҳли аён кечки палла,
 Кулоҳ, турли-туман бошларда салла.
 Амиру бегу шайх, неъматпазирлар,
 Сипоҳи хосу шоҳ бирла вазирлар.
 Ҳусайни Бойқаро тахт узра мағрур,
 Зиёфат, нозу неъмат бори манзур.
 Унинг ўнг ёнида шоир Алишер,
 Мажидиддин турар чапда чизиб ер.
 Шароби арғувондан соқийи ноз,
 ўзатди бирма-бир айлаб юз эъзоз.
 Узр айтарди ким гар билса макруҳ,
 Шароб расм ўлди юртда баъди Шоҳрух.
 Азалдан кимки арбоби сиёсат,
 Қилар не қилса у гар шоҳи албат.
 Бўшатсанг бир қадаҳ шавқ ортгай эрди,
 Йўқ эрди зўрлашу дил тортгай эрди.
 Паёпай Бойқаро сипқорди андоқ,
 Эди бир май хуми гар бўлса қандоқ.
 Амир Урганжи эрди қўриғи жон,

Эди кўзу қулоқ Султонга ҳар он.
 Кичик Мирзою Саййид Ардашер ҳам,
 Шаробнинг маззасини тотди кам-кам.
 Хўжа Афзал билан Шайхим Суҳайлий,
 Узини тутди гар бўлса-да майли.
 Амир Барлос эди саркардан хос,
 Нуфузда тенги йўқ ҳам кучли сарбоз.
 Кўтарди жомнию жойига қўйди,
 Тасаввур айла ичмай кайф туйди.
 Шаробга ўч эди Барлос Музаффар,
 Хусайний бирла ичди у баробар.
 Қимиз кўпроқ ичарди Хўжа Ҳуснат,
 Корин полвони Деҳдор бирла Дўснат.
 Еб-ичмай пастда Қашқирбек ўтиргай,
 У зотнинг зиммасига ушбу киргай.
 Бўлиб кўзу қулоқ солиб размни,
 Кузатгай махсус ул ҳар бир базмни.
 Қай оғиздан чиқар қайси каломе,
 Етарди эртаси шоҳга тамоме.
 Агарда яхши сўз ошига етгай,
 Ва гар ёмон у зот бошига етгай.
 Шароб асли зарар, бир фойдаси шул,
 Очилгай унда доим сир деган гул.
 Хумор тортиб демангки кетди ҳайфга,
 Узини Бойқаро солганда кайфга.
 Кузатар эрди дўстдан душманини,
 Ва тасдиқларди Қашқир айтганини.
 Биларди аҳли жоҳни ул баҳодир,
 Ки ҳар бири эрур неларга қодир.
 Бу ерда гарчи бир бегона йўқдир,
 Ғараздан ғайри дому дона йўқдир.
 Бор эркан ушбу бекзоду амирлар,
 Хусайнийга бўлар ошкор сирлар.
 Аларнинг ҳар бири хос одамидур,
 Фикрдошу ишонган ҳамдамидур.
 Уларсиз қайда ул огоҳ бўларди,
 Хуросон аҳлига подшоҳ бўларди.
 Курашди барчаси бир жону ўн йил,
 Ки тахтга етишига аҳли маҳфил.
 Эди дўсти ғамидан поку форуғ.
 Фақат шоир Алишер фикри ёруғ,
 Ниҳоний куч эди ушбу арода,
 Эмас эрди фақат бир Бойқарода.
 Агар не истаса аҳли акобир,
 Бажаргай эрди шоҳ аҳду вафо бир.

Вале кенгашмайин умрида бир бор,
 Тутиб иш мустақил шоҳи жаҳондор.
 Бериб фармони олий дилпазир ул,
 Алишерни қилиб эълон вазир ул.
 Қўйиб ғафлатга буткул аҳли жоҳни,
 Кечирмаслар алар ҳеч подшоҳни.
 Вале шоҳ амри вожиб бош эгишди,
 Келишган мисли дўст-сирдош эгишди.
 Хаёлида барининг битта гап бор:
 «Шоир юрсин суқилмай ёзиб ашъор».
 Эмас осон вазири шоҳ бўлмоқ,
 Ғанимлардан яна огоҳ бўлмоқ.
 Алишери Навоий шеър қуёши,
 Деди: «Шоҳо, буюк давлатни боши,
 Вазирликка эмасмиз биз муносиб,
 Беринг рухсат, юрайлик шеърни ёзиб.
 Сўйиш лозим эса чумчуқми, мурғоб,
 Бўлар яхши бу ишни қилса қассоб.
 Камина қулни Сиз маъзур тутингиз,
 Ки андин шеър дostonлар кутингиз».
 Ва лекин Бойқаро бошини чайқаб,
 Алишерга шу пайт деди у хуштаъб:
 «Узрга йўқ ўрин дўстим Алишер,
 Вазир мизида ҳам ёзса бўлар шеър.
 Бугундан эътиборан Сиз Муҳрдор,
 Сарой аъёнларига бошу сардор».
 Бу гапдан машварат аҳли қимирлаб,
 Юраклар рақс этиб, этлар жимирлаб.
 Мажидиддин кўзи Мансурга тушди,
 Амал қасдидаги манфурга тушди.
 Ато-ўғул эди икки амалхўр,
 Қилиб шуҳрат, амал иккисини кўр.
 Эгиб фармони шоҳга барча бошин,
 Дейишдики: «Адолатнинг қуёшин,
 Бўлиб умри зиёда, бахтга лойиқ,
 Дуо этсин мудом юрту халойиқ.
 Унинг қадрига етгай беназирким,
 Навоий ҳазрати бўлиб вазирким.
 Раият қалбини шодон этар у,
 Улуғ шоҳ мушкулин осон этар у».
 Шу янглиғ илтифот бирла жамоат,
 Тнлаб янги вазирга ишда омад.
 Бари этди муборакбод бир-бир,
 Бири мамнун, бирови эрса дилгир.
 Курашмай тахт учун, куйдирмайин жон,

Агар минса амалга қайда инсон.
Бошига ёғилар чексиз маломат.
Билинг оқибати қолмас саломат.
Саройда кечмагай осон ҳеч иш,
Эрур минг ғалваю минг майда ташвиш.
Алишер кийди гарчи тўни зардўз,
Базмдан чиқди гарчи бахти фирўз.
Вале олдинда эрди қайғу ғамлар,
Ҳаётда кўрмаган жабру ситамлар.
Сарой боли тагида оғуси бор,
Шери пистирмада гар оҳуси бор.
Ишонмасдан Алишер ҳар амирга,
Қиларди ишни тафтиш ўзи бирга.
Бўлиб аҳли-улусда устувор ҳақ,
Раият ҳурматин қозонди мутлақ.
Сабабки, олмайин ул пора, савфо,
Адл бирла қилиб ҳал чиқса ғавфо.
Босарди ён ҳар бахти қарога,
Ёқиб бу қилмиши ҳам Бойқарога.
Ётиб они тагин машҳуру аъзам,
Бу ҳақда айтди мажлисларда ҳар дам.
Дилида бўлса кимнинг ташвиши кўп,
Қийин бўлгай унинг шеър ёзиши кўп.
Чиқиб ташвиш уза ташвиши бисёр,
Ёзолмасди Навоий ҳеч ашъор.
У Машҳад шаҳрида юганда сургун,
Ёзарди юзу эллик байт ҳар кун.
Келар эрди дилидан шеъри жўшиб,
Ёзарди ишқу ҳасратларни кўшиб.
Ва ёким ул Самарқанд ичра маюс,
Битарди дилда неки қайғу афсус.
Ётиб орзу ўйига шоир охир,
Юракда жўшганида назми фохир.
Ани домига тортибдур вазирлик,
Қани илҳому шеъру диллазирлик?
Букун мавжуд шаронт ҳам муҳайё,
Битолмас бир сатр шеърини аммо!
Шу боисдан дилига санчилиб тиф,
Бўлиб қолди шоир охири инжиқ.
Гоҳи Махдуми Жомий хат юборгай,
Улус қайғусида миннат юборгай.
Битиб мактубига тезда жавоб ул,
Қиларди не буюрса гар савоб ул.
Ғаму ташвишга қўйгай гоҳи устоз,
Алишер лек бўлиб бундан сарафроз.

У зотнинг суҳбатин соғингай эрди,
Иложсиз шавқ дилида тингай эрди.
Тополмас эрди бир фурсатки борса,
Дилидан қайғу ғамларни чиқорса.
Жаҳонда Жомийдек фарзона йўқдир,
Ҳақ ишқига у хил парвона йўқдир.
Ўзини ўйламас, суйгай улусни,
Топиб жоҳ аҳлидан юксак нуфузни.
Ўзи дарёи шеър у қалби денгиз,
У янглиғ йўқ буюк оламда тенгсиз.
Суриб ўй гоҳида шоир парншон,
Бўларди ўз-ўзидан гоҳ бағирқон.
Тўйибдур кимни бу оламда кўзи,
Адолат борми боёнларда ўзи.
Бериб қарзу баҳона камбағалдан,
Бурунроқ жонини олгай ажалдан.
Тузиб судхўрлар ҳам турфа найранг,
Қилар ночорлар аҳволини танг.
Олар пора шилиб доруға, қози,
Қилиб эл бирла Оллоҳни на рози.
Бу ишларга Навоий чек қўйди,
На ришва аҳлини у тек қўйди.
Хуросонда савоб бир иш қилиб у,
Беш-олти қозини тафтиш қилиб у.
Алардан тўрттасини хору маҳкум,
Ҳибс айлаб, молидан этди маҳрум.
«Ҳадис»да бор шундоқ бир каломе:
«Қози гар пора олса еб ҳароме,
У кофир бўлғуси бешубҳа, шақсиз»,
Аларни этди шоир тубу таксиз.
Адолат ёқмагай аҳли тубанга,
Аларга бўлса бас зар бирла танга.
Сипоҳийлар аро ғул-ғул солишди,
Фасоду фитна номақбул солишди.
Алишерга қўйишиб катта айблар,
Етиб подшоҳга ошкор ёки ғайблар.
Аввалда Бойқаро ўзини босди,
Сиёсат деб, беш-олти наҳсни осди.
Вале тинчимади бу бирла шўриш,
Навоийга тааллуқли эди иш.
Бериб аҳли илмга эътибор ул,
Амир, бегу сипоҳни қилди хор ул.
Ривож топди агарчи илму санъат,
Турарди қалтираб лек мулку давлат.
Паёнай зарбага бермайди дош ул,

Бу янглиғ турса тез топгай таназзул.
 Мажидиддин бўлиб ҳар ишда моҳир,
 Деди ул Бойқаро подшоҳга охир:
 «Улуғ шоҳим, эрур қалтис вазият,
 Десам ҳам демасам етгай азият.
 Алишер бўлмаса юртдан бадарға,
 Қунар шаҳбоз жойига тахтга қарға.
 Қутармоқчи амиру беклар исён,
 Таназзулга тушар буткул Хуросон.
 Пиқитгайлар улар шоҳи жаҳонни,
 Қўйиб ўрнига Бадиъуззамонни.
 Ва ёким ўзга бир Мирзони кўзлар,
 Юрар беклар аро кўп хавfli сўзлар.
 Бу махфий сир, алар бори ҳамоқат,
 Мен эрса Сизга айларман садоқат.
 Муҳрдорлик ишидан дўсту шоир,
 Кетиб бўлса саройда бош мушовир.
 Бу ишдан куймагай сиху кабоб ҳам,
 Чқиқиб гоҳ, гоҳи ботгай офтоб ҳам».
 Сезиб хавфу хатарни шоҳи одил,
 Деди: «Доим ҳаққа қарши ботил.
 Агар ул чорасиз ғафлатда қолгай,
 Навоий гар вазир давлатда қолгай.
 Бўлар ҳар иккисидан шоҳ жудое,
 Бирор йўлини кўрсат, эй Худое!
 Шоир билса бу гапни қалби ранжир,
 Арода бор суюк дўстлик чу занжир.
 Узиб бўлмас бу занжирни тамоман,
 На подшоҳман бу юртда бир гадоман.
 Вазирликдан кетай деб неча бор ул,
 Қилиб арз, бўлмаганди фикри маъқул.
 Бугун не янглиғ айтгум они кет, деб,
 Муродинг кўчасига энди ет, деб».
 Баҳона топилиб шоир ижоди,
 Бироз ёришди шоҳнинг фикру ёди.
 Мушовирлиғ этиб қолса саройда,
 Шоирдан кўп етар эл-юртга фойда.
 Этар подшоҳни ҳам ғамдан халос ул,
 Ёзар ҳам шеърларини беқиёс ул.
 Қелиб ушбу қарорга Бойқаро ҳам,
 Навоийни чақирди хотири жам.
 Кириб келди шу пайт шоири даврон,
 Эди ўзга шуқуҳда, дилда туғён.
 Сўриб шоҳ ҳолини дўсту вазирдек,
 Ҳам унга лутф этиб шоҳ дилпазирдек.

Деди: «Иш бирла бандсиз ҳар маҳалда,
 Нечундир кайфият шеъру ғазалда!»
 Навоий деди: «Эй офтоби тобон,
 Нурунгиз бирла ғамгин дил чароғон.
 Ижод этмоққа имкон бўлса эрди,
 Шоир мушкили осон бўлса эрди.
 Халос айланг вазирлик мансабидан,
 Жудо этмай шоирни матлабидан.
 Кўп ўлди дилда илҳомдан шарор йўқ,
 Назмсиз телба кўнглимда қарор йўқ.
 Олиб вақтимни иш бирла сиёсат,
 Чекурман изтирбоддан кўп машаққат.
 Бу ишларга на менда бир ҳавас бор,
 На шеърдан ўзга дўсти ҳамнафас бор.
 Ёзолмай қолганим чоғида ғамлар,
 Эзар кўнглимни тоғ мисли аламлар,
 Этинг чексиз бу ташвишдан халосе,
 Қилинг шафқат ғарибга илтимосе.
 Беринг ҳеч бўлмаса бир хизмати хос,
 Мушовирми, китобдорми, суҳансо!»
 Ҳусайни Бойқаро гўё топиб жон,
 Навоий сўзларидан бўлди шодон.
 Ичида деди, эҳ бу авлиёдур,
 Дили соф, дўсти содиқ, бериёдир.
 Вазирлик рутбасидан кечса ҳам воз,
 Этай они мушовир айлаб эъзоз.
 Дили ҳар неки истар юртда қилсин,
 Эмас шоҳу ўзини шоҳ билсин.
 Ғанимлар ҳам илигин тишлагайдур,
 На менга итларин киш-кишлагайдур.
 Бўлар дўстим, амири хос, мушовир,
 Юрар яйраб, ёзиб шеърини шоир.
 Деди шоҳ юзланиб «Дўстим Алишер,
 Хоҳиш шу бўлса, шоҳ сизга не ҳам дер.
 Ижод боғини обод айланг энди,
 Ҳавасмандлар дилин шод айланг энди.
 Топиб вақт гоҳи биз-ла суҳбат айланг,
 Қилиб эъжод энди роҳат айланг.
 Бугундан эътиборан бош мушовир,
 Қилинг не истасангиз, шунга доир.
 Ғажиб бир-бирини бегу амирлар,
 Юришгай, сизга ошкор ушбу сирлар.
 Не лозим бўлса давлат ташвишида,
 Ва ёки хору мазлумлар ишида.
 Илм, урфон ила санъатга доир,

Не иш бўлса ўзингиз бош шоир». Бу гаплардан бўлиб шоир дили шод, Дедик: «Этдингиз қалбимни обод». Хулоса чиқди бирдан икки фармон, Вазирини мушовир этди Султон. Мажидиддин бўлиб шоҳнинг вазири, Саройда қолди пинҳон ишни сири.

НАВОИЙ ИЖОДИЙ ИШ ЗАҲМАТИНИ ТОРТГАНИ ВА ХАДИЧАБЕГИМНИНГ УНГА ИХЛОСИ ОРТГАНИ

Ижодига берилиб субҳу шоме,
Топиб шоир ҳаётдан ўзга коме-
Адолат, ҳақ учун чекиб у ташвиш,
Қилиб доим хайр бирла савоб иш.
Ҳусайний эрди шоҳи беназире,
Ҳаёт гаштини билгич дилпазире.
Бағишлаб ўзини тахту ватанга,
Ривож берди илм, санъат ва фанга.
Ҳар ишда ул Навоийга суянди,
Улуғ шоирга эрди дўсту банди.
Дер эрди: «Шеър аро султон Алишер,
Ижод мулкида бир хоқон Алишер.
Анинг қадрига етмас хору пастлар,
Заҳаркомлиғ чаёни пулпарастлар.
Агарчи тилларида шаҳду боли,
Топишса пайт босар қашқир мисоли.
Навоий неки шоҳ кўксин ёришгай,
Қизил қони ила тупроқ қоришгай.
Ки жоҳ аҳлида бўлмас ҳеч садоқат,
Алар Иблиснинг ўйноши — ҳамоқат.
Саройнинг кўркидур созанда гулрў,
Шаробу шеър у куй, соқийи дилжў.
Муаррих бирла наққошу мусаввир,
Улуғ шоиру фозилу мудаббир.
Уларсиз салтанат ғамхона бўлгай,
Қиши шод гар пари ҳамхона бўлгай.
Ҳаёлан шоҳ мудом ишратга мойил,
Қанизлар хушхирому хушшамойил.
Вазирликдан кетиб шоир Алишер,
Топиб қўним оҳу сайд айлади шер.
Мажидиддин бир ҳури лиқони,
Юбориб этди хурсанд подшони.

Азалдан сайдга сайёд ўчдир,
 Хотин зотига ҳар шаҳзод ўчдир.
 Саройда айшу ишратга берилди.
 Камон бўлди қади гоҳи керилди.
 Шоир эрса тузар эрди наволар,
 Таралгай килкидан ҳар ён садолар.
 Хаёлий ишқни чизгай ул ғазалда,
 Шоҳ эрса гашти ишқ сургай амалда.
 Шоир орзуйини не этса шайдо,
 Ҳусайнида эди ул бори пайдо.
 Фақат йўқ эрди севгувчи буюк қалб,
 Ки бир маъшуқ уни этса мудом жалб.
 Шароби арғувону шўҳи танноз,
 Майи ишрат, мудом кам бўлгани соз.
 Чиқарди Бойқарони охир ишдан,
 У чарчаб қолди қизларни севишдан.
 Кейин сипқорди майни коса бирла,
 Ичишни билмайин андоза бирла.
 Навоийга бериб кам аҳмиятлар,
 Арони бузди тез-тез бадниятлар.
 Дебонки ҳажв этар подшоҳни гоҳо,
 «Не етмас ушбу шоирга илоҳо?»—
 Хаёлда Бойқаро гоҳ қон бўларди,
 Ишониб гоҳ дили вайрон бўларди:
 «Ўзингдан келгучи дарду балога,
 Даво йўқ, сол уни қодир худога».
 Бўлиб иш сири андоқ фош охир,
 Кесилди не ғаразли бош охир.
 Навоийга вале етмай зиёне,
 Яшарди давлатида комроне.
 Хадичабегими, ул шўҳи маккор,
 Навоийни синаш кўйида айёр.
 Дедики: «Ғунчайи бўстони шоҳе,
 Ғўзал бокираю бир гулнигоҳе.
 Шоирга ғайбдин маъшуқа бўлмиш.
 Дили ҳижрон азоби бирла тўлмиш.
 Унингдек йўқ ҳарамда бир канизе,
 Оноси ўпмаган навраста қизе.
 Камон қошию киприклар чу пайкон,
 Сочи занжир лаби бир нўши армон.
 Юзи ой бўсачинлиғ этса шоир,
 Ниҳон андоми сийму поку тоҳир.
 Қулар ҳар навжавоннинг бахти бир бор,
 Қучиб оғушга олса то ани тор.
 Ҳаётнинг завқи йўқ оламда ёрсиз,

Бу янглиғ тоқу танҳо, эътиборсиз.
Олинг ибрат Ҳусайний подшоҳдин,
Сурар гаштни балиғу гоҳи моҳдин.
Ки сизга мен юборгувчи гўзал қиз,
Эмас шоҳ маҳрами, ифбатли нарғис.
Келиб сиз деб, канори деҳи Пурдан,
Гўзалроқдир ҳусн бобида ҳурдан».
Навоий гарчи бир улкан даҳодир,
На шоҳидбозу шаҳдга мубталодир.
Вале мардлик ғурури не абасдур,
Ким андин дод тилар, ул додрасдур.
Ки бундоқ совчи бўлгач шоҳ хотин,
Тутиб они дилоролиғда отин.
Шоир шавқин қўзиб, қалбини ёқди,
Гўзални кўрмайин ишқдан туюқди.
Дедики: «Эй маликам, бу қулингиз,
Демас йўқ, ҳар не эрса мақбулингиз.
Ғарибга чун харидоре топибсиз,
Яна дилбар париворе топибсиз.
Муҳаббат дилда воқинъ бўлса кошки,
Бериб бахт умри боқий бўлса кошки.
Даво дардимга сиздан бўлса фармон,
Қасалга не керак беғайри дармон.
Умидим қуш мисоли этди парвоз,
Саодат товусин босгай чу шаҳбоз.
Куйик дилни билинг бекор ёқурсиз,
Синаб оримни дилга мих қоқурсиз.
Ки ҳар недин эрур афзал Алишер,
Ёмон-яхши киши бўлса агар эр».
Дебон бўлмай шоирнинг эътирози,
Тушиб қалбига ғайбдан ёр гудоzi.
Этиб ваъда Бегим моҳпорасини,
Кутиб тушгунча кечнинг қорасини.
Қилиб ҳаммом, суриб хушбўй анбар,
Сулув қиз бўлди бир дўндиқи чанбар.
Гўзал сезмас эди пардозга ҳожат,
Вале машшота бахш этди латофат.
Қалам бирла қошини қилди ёроқ,
Упа ойдек юзини оқу оқроқ.
Лаби финдуқи тар, тиш тегмайин хун.
Кўзини сурма қилди жодуваш чун,
Қади сарви ниҳол озурда жонга,
Хатосиз ноз ўқи ургай нишонга.
Сочидан мушку анбар гуркурарди,
Иси шайхларни ҳам йўлдан урарди,

Навоий шамъ ёқиб бир ўзи ёлғиз.
 Хаёл элтганда кирди ногаҳон қиз.
 Назокат бирла берди ул саломе,
 Не янглиғ дилрабо, ширинкаломе.
 Навоий боқдию дил урди бехуд,
 Малакни қаршилаб сўнг турди ул зуд.
 Дедики: «Марҳабо, гулбарги хандон,
 Бегим таърифидан ҳам неча чандон
 Латофатли экансиз дилрабороқ,
 Қабода хушмисиз, ё беқабороқ?
 Ки лаблар жон сўрайдир, хастажонмиз,
 Тиланг ҳар неки сизга бастажонмиз».
 Малак жим эрдию бир оҳ тортди,
 Қаро туннинг ниқобин моҳ тортди.
 Эди ингичкабел, қуймичлари тоғ,
 Илик урсанг, хамир сингори юмшоғ.
 Висолнинг лаззати сурганга маълум,
 Асил ишни қилиб юрганга маълум.
 Ки йўқ ортиқча лофдан бунда фойда,
 Не бўлса бўлгани бўлди у жойда.
 Санамким бир ширин ҳисларни туйди,
 Шоир хушбўй гўзал исларни туйди:
 «Эл оғзита тутиб бўлмас элаклар,
 Ҳаёт қадрин не билгай ҳезалаклар.
 Муҳаббат бор экан дилда худоё,
 Ки этма лутфу ишқингдан жудоё.
 Сени севмоқ эди ёлғиз муродим,
 Ўзингсан суйганим, мушкулкушодим.
 Ки ул юргай бу дунёнинг ғамида.
 Номус-ор кучли бўлгай одамида,
 Таманно айлагач пойишикаста,
 Нечук йўқ дер ахир бу кўнгли хаста.
 Не қил жабру итоб кечгил, дарифо,
 Гуноҳми бу савоб, кечгил, дарифо!
 Мажозий ишқ эмас, ишқи илоҳий,
 Эди дил денгизида мисли моҳий.
 У гулрухни суйиб хок ўлди ишқим,
 Сени қўмсаб яна пок ўлди ишқим.
 Бу оламдан кетарман қолмагай гард,
 Илоҳий ишқ ўзинг қалбимдаги дард».
 Чеҳиб афсус бу иш андешасида,
 Тўкиб тер ул малакнинг бешасида.
 Етиб оби ҳаёти илдизига,
 Қўйиб бошини сўнг шоир тизига.
 Жаҳон асбоби ошқору ниҳондур,

Тиғи йўқу ғилофи лек қондур.
Хадичабегим ул бўстон аро моҳ,
Бўлиб шўх юлдузи ҳолидан огоҳ.
Тасаввур этди, шоир чиқди жангги,
Тешиб қалқони номусни хаданги.
Экан миш-мишлари иғвою ғийбат,
Шоирда бор эканку тиғи қудрат.
Навоийга бегим ифшоси ортиб,
Ки дурни тешди деб, ихлоси ортиб.
Ишора этди гоҳо дилрабони,
Шоир лек киймади кийган қабони.
Бу оламнинг агар гулзори кўпдир,
Вале гулдан жаҳоннинг хори кўпдир.

**ҲУСАЙН БОЙҚАРО БАҲОРДА ГУЛ ВА
ШЕЪР БАЗМИГА ҲИРОТ
ШОИРЛАРИНИ ЙИҚҚАНИ
ВА «ДЕВОН» ТУЗМАГАН
АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ КАМТАРЛИГИДАН
ФИҒОНИ ЧИҚҚАНИ**

Келиб Наврўзи олам юрт яшарди,
Анору олмаю олмурт яшарди.
Гулистон ичра гуллар тугди ғунча,
Эсиб боди сабо очди тугунча.
Ёриб тоғларда тоғ бағрини чечак,
Уралди настарин гул бирла печак.
Заминга тўшалиб майса гиламлар,
Ёниб лола юзи монанди шамълар.
Шоҳаншоҳи Ҳусайний бўлди хуррам,
Жаҳонни яшнатиб Наврўзи олам.
Хаёли гоҳ заминю гоҳи ойда,
Деди шеър базми тузсак бир саройда.
Кўрайлик чун Навоий нега қодир,
Яна бордир Ҳиротда юзта шоир.
Маю шеър базмига Махдуми Жомий,
Узр айтгай, келар қолган тамоми.
Алар сардафтари дўстим Алишер,
Гоҳи туркию гоҳ форсий ўқиб шеър.
Шоирлар ичра бош совринни олгай.
Шеъри дилларга титроқ, ларза солгай.
Шаҳарда бўлса гар неча сухандон,
Барини таклиф этди шоҳи даврон.
Сарой саҳнидаги гулзорга бир-бир,

Келиб боғ саҳни бирла тўлди шоир.
Биною, Сафою, Суроғий,
Нур Эшону Сирожю Муроғий.
Ҳалим Девонаю Мирзойи Хурди,
Алию Асқарию Шайхи Турди,
Жониқурбонию Субҳону Сайлий,
Хиротию Ҳумайнию Туфайлий,
Жамолию Камолию Сафурий,
Яна мансурачи шоир Гафурий.
Агарчи шеърда йўқ унда лаёқат,
Ёзар насрий этиб фикрини тоқат.
Чунон мадҳиялар тўқир насрда,
Йўқ ундоқ шоҳга арзанда асрда.
Баротий эрса арқонни қўйиб бўш,
Урар эрди калом денгизда тўш.
Сабр, тоқат ила Фирдавсий янглиғ,
Ёзарди номалар, лек ўзга ранглиғ.
Ҳажмда гар эмас «Шоҳнома»дан кам,
Қовушмай мазмуну услуби ҳеч ҳам.
Бўлиб бир неча боз шоири мағрур,
Билиб шеърдан шаробни хайра манзур.
Бири Нур Кўса Воҳитийи Қитмир,
Бири Нодири Султон Чорийи Пир.
Ғузорий эрди бир турки сухансанж,
Эди ёшу вале шеърида кўп ғанж.
Дуторий бирла Асрори Самудлар,
Шеърида чўғи йўғу бори дудлар.
Ичиш бирла ейишди паҳлавонлар,
Назм мулки аро лек нотавонлар.
Бари жам бўлдию бошланди мажлис,
Бўлиб мутриб шамол, раққоса наргис.
Вале йўқ эрди мизларда шаробе,
Усиз шеър аҳлидир хонахаробе.
Қовушмай гапга гап, сўзлар уланмай,
Суроғий шеър ўқиб чун мунгли бир най.
Бири-бирига боққай аҳли назме,
Уқишга қилмайин ҳеч бири жазме.
Ҳусайний сездики майсиз тараб йўқ,
Ва гар май бўлса шоирга тараф йўқ.
Деди соқийга келтир арғувоний.
Шаробсиз базм эмас базми жаҳоний.
Гулу ёрсизу майсиз зиндагонлиғ,
Этар дилни ғаму афғону қонлиғ.
Келиб ўнлаб қадаҳкаш соқийи ноз,
Бари муғбачча форсу турку танноз.

Суроҳий қул-қули оламни тутди,
 Уни ютган томоқ ғамни унутди.
 Босиб уч-тўрт қадаҳ ичгач Ғузорий,
 Таралди шеър ила дилдан ғубори.
 Ёқиб шеъри Ҳусайни Бойқарога,
 Ғафурий чиқди сўнг мағрур арога.
 Қилиб шоҳга хушомад, мақтаб они,
 Ўқиб мансурасини бир замони —
 Деди: «Бу шеъри насрий анжуманда,
 Шоҳаншоҳ мадҳи бирла янграганда,
 Умидворман назмдан мақбул ўлгай,
 Равону соддаю ҳам маъқул ўлгай!»
 Тавозеъдан яна бир бор қизориб,
 Ўтирди ул яна жойига бориб.
 Шу лаҳза Соғарий соғар кўтарди,
 Қалом товуси шавқдан пар кўтарди.
 Деди: «Эй ғунчайи бўстони шоҳи,
 Зиёда айласин умринг илоҳий».
 Тугатди шеърнию «жонини» берди,
 Бориб шоҳга у «Девон»ини берди.
 Чиқиб сўнг Асқарий шеър этди талқин,
 Улуғлаб элу юрт, шоҳ бирла хадқин.
 «Табаррук чол тупугидан очиб сўз,
 Ки гўё айлади кашфини кўз-кўз».
 Олиб сўзни Сирожи Саъди андоқ,
 Деди: «Шоҳсиз яшаймиз шод қандоқ?»
 Қуёшни мадҳ этиб Мирзойи Хурдий,
 Бўлиб жўр унга Эшон, Шайхи Курдий.
 «Улус бирлиги» — деб шоир Камолий,
 Ўқиб бемаъни шеър, орзу хаёли.
 Бирор савғога то бўлса муяссар,
 Шеъри тожику туркий — ширу шакар.
 Олиб навбатни Субҳону Суҳайлий,
 Бири «Ширин» — деди, бириси «Лайли».
 Туфайлию Ҳиротий от сурди,
 Назмни қилди қалпоқ ерга урди.
 Навоий ҳам наво соз айлаб ўтди,
 Ўзин қушлар аро боз айлаб ўтди.
 Абулғозий Ҳусайний шоҳи даврон,
 Ўқиб шеър бўлди қарсак бирла шодон.
 Дуторий бирла Асрори Самудлар,
 Базмдан жойлашиб қоринга қутлар.
 Назмбозликка бермай эътиборе,
 Бўлиб қолишди бир мажнуншиоре.
 Ҳаваскор ёки ҳар шоири маъруф,

Кутиб шоҳдан иноят, бир такаллуф.
 Этиб «Девон»ларини анга савго,
 Базм сўнгида қўпди катта ғавго.
 Шеъри яхшими ёки ўрта ҳол, жўн,
 Ҳусайний барчасига ёпди зар тўн.
 Баёз деб ҳам муносиб берди инъом,
 Базмдан кетмади ҳеч кимса ноком.
 Ва лекин Бойқаро кўп бўлди ҳайрон,
 Нечун дўсти Алишери суҳандон.
 Анга девонини бермай, дариге,
 Умидвор айласа ранги сариге.
 Базмдан сўнг ани чорлаб шоҳаншоҳ.
 Ўзининг хоҳишидан этди огоҳ:
 «Бир олам шоире девон тузибдур,
 Этиб ҳадя, мурувват кўргузибдур.
 Навоий лек ўтмиш бизни босиб,
 Ғазал девонига кўрмай муносиб».
 Навоий дедики: «Эй шоҳи олам,
 «Девон»га арзимас, «хошок эрур кам».
 Келиб пайтики девонлар тузарман,
 Ўзиммас, шоҳга эҳсонлар тузарман.
 Бугун тузган билан «девон» чиқмас,
 Ва гар чиққай, дури ғалтон чиқмас».
 Ҳусайни Бойқаро ҳайратда қолди,
 Тағайюрмас яна ғайратда қолди:
 «Бу хил бўлмас киши оламда камтар,
 Наҳотки хазнабонда йўқ дуру зар?
 Киши ранж чекмайин топмас фароғе,
 Гугурт то чақмасанг ёнмас чароғе!
 Тухум ерга тушиб бўлгай чечак чун,
 Кечиб жондан қурт бўлгай илак чун.
 Чечак тухмича йўқми ғайратингиз?
 Ипак қуртича йўқми ҳимматингиз?
 Шеърингиз дуру зар, таҳсинга лойиқ,
 Кутар сиздан ахир «Девон» халойиқ.
 Қилиб кўп таъсир унга бу маломат.
 Навоий эрди бир ақли саломат,
 У «Девон» дасталашга ўзни чоғлаб,
 Қиринди ишга тез белини боғлаб:
 «Хирадманд дўст бериб таскину далда,
 Менга илҳом бағишлаб ҳар маҳалда.
 Диллимда уйғониб орзу умиде,
 Шу янглиғ келди бир бўйи навиде,
 Жаноби шоҳга этмай иддаолар,
 Яратганга қилиб мен илтижолар.

Ғаниматлар билиб ҳар бўш дамни,
Ҳукм мазмунига урдим қаламни.
Қалам бориб-келиб бўлди суворий,
Таралди дилни қайғую ғубори.
Топиб тартиб шу хил девон сайқал,
«Бадоеъ ул-бидоя» битди аввал.
«Гўзалликларнинг эрди ибтидоси»,
Гўзал сўз дурларики йўқ баҳоси.
Бериб бир нусха дўсти дилпазирга,
Бирини элтди ул устозу пирга.

**ХУРОСОН ПОЙТАХТИ ХИРОТДАГИ
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ-МАДАНИЙ ШАРОИТ ВА
АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ БИЛАН АЛИШЕР НАВОИЙ
ДУСТУ БИРОДАРЛИГИ ҲАМДА ИЖОДИЙ
ҲАМКОРЛИГИГА ОИД**

Хуросон эрди бир обод диёре,
Хирот пойтахти хуррам, тождоре.
Абулғози Ҳусайни Бойқаро ул,
Улусу элга ҳамдард, ғамбаро ул.
Ўтирмай бир нафас осуда тахтга,
Берарди аҳмият кўп пойтахтга.
Қуриб карвонсарой, кўпригу йўллар,
Бўлиб обод саҳро, дашту чўллар.
Қурилди мадраса ҳам хонақоҳ боз,
Хирот шаҳри бўлиб маъмуру мумтоз.
Вале оламга они машҳур этган,
Буюклик бирла кўпроқ манзур этган.
Не шоҳу салтанат, не сийму зарлар,
Не адлу ҳиммату дуру гуҳарлар.
Ва лекин ушбу сокин сарзаминда,
Қилиб хизмат илм, санъат ва динда,
Машойиху муарриху мудаббир,
Муғаннию муноқишу мусаввир.
Гўзал хаттоту саффоф бирла куйсоз,
Муҳандис бирла меъмор қасру уйсоз.
Уламо, фозилу нотиқу нодир,
Жаҳонга донғи кетган шайху шоир.
Хиротни айлабон оламга машҳур,
Илм-урфон, адаб, фан бирла манзур.
Ажам бирла Арабда тоқу танҳо,
Буюк шайхул-машойих пиру доно,
Замон устозу шоир мутафаккир,

Буюклардан буюк муршиду ҳам пир,
Нуриддин Абдурахмон Жомий эрди,
Камолотнинг етук фаржоми эрди.
Улуғлардан улуғ шогирду авлод,
Билиб Жомийни маслакдошу устод.
Бўлиб ҳам унга содиқ дўст, қадрдон,
Тафаккур денгизида дурри ғалтон,
Низомиддин Алишери Навоий,
Эди шаҳри Ҳиротда сўнгги доҳий.
Жуда оддий яшаб Нур Абдурахмон,
Фақирлиғни билиб ўзига қалқон.
Бу дунё роҳатини ўйламасди,
Бировга қайғу ҳасрат сўйламасди.
Қаноатни билиб доим саодат,
Иши эрди ижод, тоат-ибодат.
Зиёда келса ҳам эҳсон-садоға,
Улашар эрди Шайх хору гадоға.
Ҳаётда чекмади миннат бировдан,
Билиб беҳ қоқ нонни текин паловдан.
Утиб қиш совуғи ортига қайтиб,
Баҳор шаббодаси «ғир-ғир»ни айтиб.
Еларди ҳар тараф сочиб ифорлар,
Юракда қолмайин дарду ғуборлар.
Бўлиб дунё гўзал инсон кўзига,
Олиб ҳар кимса бир баҳра ўзига.
Қиши диққинафас уйда ўтирмас,
Кезар гулзору боғ ҳеч кимга сирмас.
Мадорсиз кекса ё бемор касалманд,
Бўлар кўча кезиш фикри билан банд.
Алишери Навоий дилда дарё,
Баҳорда қалбида сел тошди гўё.
Ҳиротнинг марказида эрди Урда,
Турар эрди Навоий Зангихўрда.
Шоҳаншоҳ қасрининг ёнида шундоқ,
Яқин эрмасди шоҳга кимса ундоқ.
Чиқиб шоир уйндан кўча кезиб,
Борарди кафши юмшоқ ерни эзиб.
Утиб у растаю карвонсаройдан,
Гоҳи тошйўл кечиб, гоҳида лойдан.
Йўлидан мадраса, масжид ўтарди,
Хаёл не елкага ортса кўтарди.
Раият дуч келиб боэҳтироме,
Берарди тўхташиб унга саломе.
Аликсиз қўймайин ҳеч бир саломни,
Этиб юксак у элга эҳтиромни.

Шоир сўз дуржи мисли бир садафдир,
 Унинг бирла саломлашмоқ шарафдир.
 Вале шоир ўйида ўзга ташвиш,
 Зиёратга боролмай чиқди кўп иш.
 Ки Қундуз бирла Мозорн Шарифда,
 Бўлиб банд икки ой дўсту ҳарифда.
 Чиқиб бир неча ғов, мушкул муаммо,
 Барини ҳал қилиб қайтди у аммо.
 Ва гар йўллаб туриб устодга мактуб,
 Жавоблар ҳам агарчи олди марғуб.
 Вале мактуб йўриғи ўзга мутлоқ,
 Бўлиб устоз мулоқотига муштоқ.
 Ва сўнгги суҳбатин эслаб хаёлан,
 Қадам ташлар эди йўлда хаёлчан.
 Навоийга деганди Жомий устоз:
 «Ки қанча ёзма шоир, кўп эмас оз,
 Ва гарчи шеър— ғазал маъшўқи гулрў,
 Ижодда ўзга дунёдир татаббу.
 Яратди «Махзан ул-асрор» Низомий,
 Бу «сирлар ғазнаси» дурлар тамоми.
 Жаҳон тургунча тургай ёдгор ул,
 Тароватли, гўзал ҳам беғубор ул.
 Езибон Деҳлавий унга татаббу,
 Яратди «Матла-ул-анвор»ини у.
 Ки «Нурлар не сифат пайдойи бўлгай»,
 Уқиб они киши шайдойи бўлгай.
 Низомийни на у такрор этибдур,
 Қўнгулда борини изҳор этибдур.
 Утиб неча аср таҳсинга лойиқ,
 Тавоф этгай суриб кўзга халойиқ.
 Неча авлод тафаккур дурларидан,
 Бўлишгай баҳраманд манзурларидан,
 Қулар обидаю улкан қасрлар,
 Бу маъно дурлари лек кўп асрлар,
 Яшаб қолгай дегилки жовидона,
 Ки то бўлгунча охири замона.
 Татаббудан демак етгай самарлар,
 Ки боғланса агар маҳкам камарлар».
 Ушал суҳбатда бўлди битта мавзу:
 Татаббую Татаббую Татаббу!
 Бу санъатнинг давом этмоғи маъқул,
 Жаҳонда кўп ҳали очилмаган гул.
 Бу сўзлар мағзини чақди Алишер,
 Ки минмай ғайрат отига ҳали шер.
 Етиб келди у устоз манзилига,

Тушиб завқу ҳаяжонлар дилига.
Жаҳонда бўлса ҳам машҳур улуғ зот,
Авомдан фарқламасди уйи, ҳайҳот!
Ўша оддий эшигу дарчаю ром,
Ўша сал букчайиб турган фақир том.
«Валё шул кулбада чексиз жаҳондир,
Улуғ Жомийки устоди замондир» —
Киран чоғида ул устоз кўйига,
Келиб ушбу фикр шоир ўйига.
Ошиб шавқию шоир нашъа қилди,
Эшикдан кирганича сал букилди.
Фақираҳвол эди устози они,
Уринганроқ эди салла чопони.
Белида ҳам эди белбоғи оддий,
Турнш-турмуши бори доғи оддий.
Зоҳирда этмайин фарқ жўн кишидан,
Туярди завқ ҳар қилган ишидан,
Бўлиб эл-юртда юксак эътибори,
Гадою шоҳ эди кўйин ғубори.
Улус ичра Навоий лек танҳо,
Яқину дўсту қардошдек танҳо.
Ижодига бериб ҳар лаҳза сайқал,
Ўқитарди не ёзса унга аввал.
Сўрарди фикру турфа маслаҳатлар,
Навоийни қилиб шод бу жиҳатлар.
Ғурур айлаб ўзига-ўзи шоир,
Дер эрди: «Йўқ ажабли жойи охир.
Агар гул бўлса ҳамрози тикандур,
Қуёш юксак самода аржумандур.
Вале нури анинг тупроққа тушгай,
На ўзидан кўра хуброққа тушгай».
Агар Жомийни этса гул қиёс ул,
Санаб ўзни тикону хорга хос ул.
Қуёш деб билса Жомийни мабодо,
Билар эрди ўзини хоки сахро.
Бу камтарлик на сохта ноз эрди,
На оддий лутфу бир эъзоз эрди.
Улуғ устозига чексиз муҳаббат,
Эди дилдан самимий лутфу ҳурмат.
Кириб ҳовлига чоғланди Алишер,
Олиб хизматчи қарши марҳабо, дер.
Кўриб шогирдини жонланди Жомий,
Деди: «Етди фақирга бахт машоми».
Очиб оғуш кўришди икки дилбоз,
Дегил шеър жангида ҳам шеру филбоз.

Сўрашиб, хушлашиб уйга киришди,
 Ёзиғлик кўрпа узра ўлтиришди.
 Шинам эрди нафис ул хона-жойи,
 Китоблар токчанинг ёлғиз чиройи.
 Деворда йўқ гилам, зар, латта-путта,
 Осилган эрди унда шеър у қитъа.
 Чиройли ҳуснихатлар бирла кўркам,
 Эди шоир дили унда мужассам.
 Кигиз узра гилам ерда ёзиғлик,
 Бор эрди мизда қанд-қурс, ион, озиғлик.
 Нуроний юзли, калта оқ соқолли,
 Нигоҳ ўткир, қора кўз, хуш жамолли.
 Улуғ устоз эди бир зиндадил зот,
 Киришди очилиб суҳбатга ул бот.
 Деди: «Иним Алишер, бормисиз соғ?
 Кўзим эрди кўришга сизни муштоқ.
 Худога минг шукур дийдор кўришдик,
 Бир-икки ой агарчи айри тушдик.
 Бу оламда не янглиғ хушxabар бор?
 Не янги бошга қўйсак тожи сар бор?
 Бу жоҳ аҳлида ҳеч тинмас кашокаш,
 Мудом этгай алар қилмиши дилғаш.
 Сарой тинчу улуғ шоҳ дилпазирму?
 Мажидиддин ҳануз ҳам бош вазирму?»
 Деди: «Шундоқ,— Навоий,— кулги бирла,
 Оғир аммо бу янглиғ тулки бирла.
 Раиятга қайишмоқ, хайрихоҳлик,
 Экан ташвишли иш давлатпаноҳлик.
 Абулғозий Ҳусайний Бойқаро ҳам,
 Ҳукмдор шоҳдуру бахтиқаро ҳам.
 Не бор бир лаҳза орому қарори,
 Келар гоҳ бурди, гоҳ кетгай барори.
 Аламдан гоҳ ружуъ айлар шаробга,
 Ўзини ўхшатиб ҳоли харобга.
 Хадичабегими гоҳ йўлдан ургай,
 Йўлида гоҳ мисоли ғов тургай.
 Хотин зотига бор подшоҳки қулдир,
 Ҳарамда гарчи бисёр нозли гулдир.
 Музаффар бирла Бадиъуззамонни,
 Қўйиб қарши ул тортгай камонни.
 У дур беҳдурки, тенг-сафдоши йўқдир,
 У бош тинчдурки, ёстиқдоши йўқдир».
 Бу гапдан завқланиб Пири замона,
 Чунон кулдики титраб кетди хона.
 Бағишлаб ушбу кулги ўзга бир руҳ,

Юраклардан таралди дарду андуҳ.
Шогирд-устоз яширмай дил сирини
Соғинишган эдилар бир-бирини.
Қизиб суҳбат, етиб кун ҳам асирга,
Улар ўқиб Асир фарзини бирга.
Этиб суҳбат давому сўнгра устод,
Жимиб бир лаҳза банд этди хаёлот!
Туриб сўнг токчага бориб шитоб ул,
Қўлига олди бир янги китоб ул.
Кейин айлаб бир енгил табассум,
Навоийга китобни берди Махдум.
Қилиб таъзим Навоий ушбу айём,
Олиб устоз китобин бўлди шодком.
Суриб манглай, кўзига, ўпди доғи,
Очилди шавқ бирла илк вароғи.
Жомийнинг илги бирла насх хатида,
Ёзилган эрди Ҳумо қуш патида.
Қи «Тортиқ» «Тухфат ул-Аҳрор»и эрди,
Шоирнинг илк улуғ осори эрди.
Жавобан «Махзан-ул-асрор»га хос ул,
Дегилки «Матла-ул-анвор»га мос ул.
Вале ўзга равиш янги усулда,
Бор эрди ўзга рангу бўй бу гулда.
Татаббунни амалда битмиш устоз,
Қи ганжлар махзанини титмиш устоз.
Ҳаяжон бирла ёлиб ул китобни,
Яширмай этди дилдан ул хитобни:
«Муборак бўлсин устоз ушбу «Савфо»,
Қи бу солгай жаҳонга шўру гавфо.
Китобхонларни лол айлаб асрлар,
Қолар оламда ёдгор ушбу сирлар.
Умрбоқий эрур, қимматбаҳо дур
Бўлур аҳли адабга «Тухфа» манзур».
«Жаноби Мир умидим ташлабон кўз,
Агар чиқса бирорта маслаҳат сўз,
Камина ҳукмингизга мунтазирмен,
Қи ҳам мамнуну ҳам миннатпазирмен.
Тўла таҳрир кириб ушбу асарга,
Ҳавола сўнг, бўлар аҳли назарга».
Навоий деди: «Устоди замона,
Хуросонда бу иш бўлди ягона.
Хуросон неки ушбу баҳру барда,
Ижод аҳлига ибрат ҳар назарда.
Низомий, Деҳлавийдан сўнгра шоён,
Бу хил ёзғон эмас ҳеч кимса дoston.

Ижодкорларга бу улкан сабоқдур,
 Ки зардур, ҳар бири олтин вароқдур.
 Ижод килки бу янглиғ этса ғамза,
 Қийин эрмас ёзиш устодга «Хамса».
 Бўлиб шодон Нур Махдуми Жомий,
 Деди: «Оллоҳ ўзи этсин кироми.
 Муродим ушбу айтган хуш сўзингиз,
 Сабоқни олсангиз аввал ўзингиз.
 Ки сийрат бирла ҳар кимнинг сиёқи,
 Чўнг эрмас Мир жанобдек иштиёқи.
 Ва гарчи туркида дарёю денгиз,
 Уринг килкки, яралсин «Хамса» тенгсиз»-
 Навоий ўйланиб қолди бу сўздин,
 Ки ғайратни қочиргай нега ўздин.
 Аларнинг суҳбати этиб давоме,
 Бўлиб хуфтон агарчи ўтди шоме.
 Жаҳондин бўлди оққушлар бадарға,
 Ёзиб зулмат қанотин мисли қарға.
 Чарақлаб ёнди сўнг кўкда ситора,
 Қўринди ҳам ўроқдек моҳинора.
 Хайрлашди буюклар шу мароми.
 Навоий кетди, уйда қолди Жомий.
 Ижод завқидан эрди ҳам сарафроз.
 Сезиб енгил ўзини пиру устоз,
 Не бахтдир омади гар берса эшлик,
 Яратса журъат айлаб «Хамса» — бешлик.
 Навоийдек бу ишда маслаҳаткаш,
 Фикрдош бор нечун бўлсин дили гаш.
 Навоий ҳам шу янглиғ ўй сурарди,
 Дилида оташи шавқ барқ урарди.
 Очиб устоз китобин тикди ул кўз,
 Эди меҳригиё сингори ҳар сўз:
 «Дил эшигин очса шоирлар агар,
 Қора кўнгуллар қолишар беҳабар».
 Эрди яна сатри гўзал дилрабо,
 Ҳар сўзида маънию ҳам жонфизо.
 Шерга Алишер шери жангий эди,
 Сўз чаманзори паланги эди.
 Ёзмаса ким ўзига зомин, деди,
 «Хамса»сини бошлади, омин, деди.
 Ботди қуёш, чиқди само юлдузи,
 Ўтди фасл, келди Ҳиротнинг кузи.
 Ёнди шоир қалбида ишқи мажоз,
 Ҳақ йўлида сидқ ила умри дароз.
 Бўлди ҳаёти шу сабаб нурафшон,

Қолмади кўнглида ғараздин нишон.
Машҳур эди Жомийи сўфиймақом,
Эсди муаттар сўзидан хуш машом.
Гавҳари кони садаф одам эрур,
Одамида барча сифат жам эрур.
Шул эди ҳар иккисининг матлаби,
Эрди алар иккита дарё каби.
Еру само, ҳусни тугал коинот,
Одами йўқ эрса не бўлгай ҳаёт.
Гўнгни ватан деб яшагай қўнғизи,
Балчиқу ботқоқда юрар тўнғизи.
Шеру арслон яшагай бешада,
Шаҳру равот демагай андешада.
Фанда ривож, айнишибон бир куни,
Одами аждоди эмиш маймуни.
Ушбу жаҳон бўлди бино йўқ ками,
Бўлди қачон маймунидан одами?
Илми хато чиқса ғализ бошидан,
Йўқ тафовути ғараз тошидан.
Дурни нечун хокка қиёс айламак,
Элни ҳайвон ила хос айламак.
Фалсафа — ахлоқ юқори турар,
Даҳрда шоир ани олға сурар.
Ерда шоҳ, ҳақни ғуломи киши,
Адлу ҳақиқат ва савобдир иши.
Шундоғ эрур эзгу улуг таълимот,
Иккисига қонуни тарзи ҳаёт.
Ишқи улус бирла дили хастароқ,
Эрди Навоий яна орастароқ.
Ҳазрати Махдум йўлидан изма-из,
Борди ижод гулшанига дилда ҳис.
Узни эмас, элини ўйлар эди,
Сўзни бас эл нафиға сўйлар эди.
Кўрдик Жомий ёзибон дoston,
Берди ўқиб бўлди шогирд шодумон.
Уйлади фил бўлса Низомий ахир,
Мингта фил ўрнида бу Жомий ахир.
Езса бўлар «Хамса» бу жодусухан,
Фахр ила мадҳ этгуси ҳар анжуман.
Тун бўйи устод китобин ўқиб,
Мағзини чақди тафаккур сўқиб.
Козиб эди ёки ҳақиқий саҳар,
Уйқу ғолиб чиқди ахир бу сафар.
Юмса кўзин хобида бир авлиё,
Дедик: «Эй дониши ақли зиё.

Форсий қаламкаш дағи кўпроқ эрур,
 Туркида ёзсанг сенга хуброқ эрур.
 Бўлса чу имкон кириш, чек ранж,
 Туркида не сенга ёзиш «Панж ганж».
 Бўлди-ку Жомий ахир устоз сенга,
 Сўзла яна не керак боз сенга.
 Бўлса муаммо у мадакор ўлар,
 Орифу дўст сен ила ҳамкор ўлар.
 Ҳақни ҳайиқмай ёзадур шоҳидан,
 Меҳру мурувват кутиб Оллоҳидан.
 Сенга етар одами хоки аё,
 Хокдан эдинг, хок қилар бу фано.
 Ерни ризқи эса гар одами,
 Ҳарбга боис нега ернинг ками?
 Ерни боғбон ила деҳқонга бер,
 Ишлагучи қўлида кетмонга бер.
 Чалкаш ўлиб фикр ила айтган сўзи,
 Бонги хурўс бирла очилди кўзи.
 Шайх Навойи ки буюк мард эди,
 Қалбида кўпдан бери бир дард эди.
 Нелигини билмас эди авлиё,
 Тушга кириб айтди барин жо-бажо.
 Уйлади ким эрди нуруний у чол,
 Пири Низомийми эди безавол?!
 Еки эди Хусрави олиймақом,
 Еки Хизр, мақдамидан хушмашом.
 Кимки эса ҳикмати Оллоҳ эди,
 Эзгу тилакларга у ҳамроҳ эди.
 Шеър ила дoston чу шоир шеваси,
 Эрди тафаккур гулининг меваси.
 Менда кучу тажриба Жомийда бор,
 Фикр гули унда, бу фақрида хор.
 Ую хаёлоти ҳавойи эди,
 Ушбу гумонларда Навойи эди.
 Уз кучи ўлчовини билмас киши,
 Мўлжалидан ортиқ эрур ҳар иши.
 Мулки суҳан ичра Низомий бўлак,
 Деҳлавию Махдуми Жомий бўлак.
 Лutfийи дилсўз этибон мамот,
 «Гул ила Наврўз»и қолиб хотирот.
 Шеър бўлак, шеваи дoston бўлак,
 Гул бўлак, дастайи райҳон бўлак.
 Даҳрда сўздир ғарази шоири,
 Учмак эрур касби қуш-тойири:
 «Тошбақа учмакни этиб орзу,

Оғзи била тишлади бир чўпни у.
 Иккита турна уни дамсоз этиб,
 Чўпни тутиб у била парвоз этиб.
 Бордики бир жойда кишилар кўриб,
 Деди бари кўкка қараб оҳ уриб:
 «Иккита қушга қовушиб тошбақа,
 Учмоғини кўр, не бўлар бундақа».
 Сўзларига тошбақайи ақли гўр,
 Деди: «Ҳасадгўйни худо айла кўр».
 Оғзини тошбақа чу очган замон,
 Етди тамом ўз бошига ал-амон».
 Ушбу масал ҳикматини чақ ўзинг,
 Ақлни ишлатгилу бул ҳақ ўзинг.
 Ушбу Навсийни хаёлотидир,
 Устози Жомийни ҳикоётидир.
 Хушгапу хушчақчақ эди Махдуми,
 Не деса сўзда ҳақ эди Махдуми.
 Эрди Навонӣға тирак доимо,
 У била бир жону юрак доимо.

**АЛИШЕР НАВОИЙ АБДУРАҲМОН ЖОМИЙНИНГ
 «ТУҲФАТ УЛ-АҲРОР» ДОСТОНИНИ УҚИБ
 ШАВҚДАН ЕНГАНИ ВА УНГА ЖАВОБАН
 УЗИНИНГ ФАЛСАФИЙ-АХЛОҚИЙ «ҲАЙРАТ
 УЛ-АБРОР» ДОСТОНИНИ ЕЗГАНИ**

Олиб Жомийдан ўрнак Мир Алишер,
 Кўтармай бош бир йилча ёзиб шеър.
 Уқиб ул «Тухфа»ни ҳайратга тушди,
 Ёзай дoston деган ғайратга тушди.
 Чекиб ранжу алам дostonи битди,
 Дегилки андалиб афғони битди.
 Фикр этгай ўзига-ўзи андоқ,
 Тасаввур айладим мен бўлса қапдоқ:
 «Сафо Жоми бериб илҳом ғарибга,
 Бағишлаб руҳ бу камтар музтарибга.
 Бўлиб «Ҳайрат ул-аброр»га сабаб ул,
 Ки устозпешайи аҳли адаб ул.
 Берибон «Тухфат ул-Аҳрор»ни менга,
 Эдим зулматдаким «Анвор» менга.
 Дилимни айлабон ҳам шодумон ул,
 Тилимни айлабон шаккарфишон ул.
 Чунон завқ бирла журъатлар бағишлаб,
 Ки мен ҳам ишга суръатлар бағишлаб.

Тугатдим ўша йил достонни буткул,
 Умидим гунчаси очган эди гул.
 Олиб устоз аввал кўзига сурди,
 Сўғун диққат отига қамчи урди.
 Уқиб чиққач дедики: «Йўқ назири,
 Муборак бўлсин эй шоҳнинг вазири.
 Татабуки тагин ўзга забонда.
 Шакл, мазмуни ҳам яғи жаҳонда.
 Низомий гарчи сўзга тўн бичар хўп,
 Амир Хусрав сўзи ўткир, учар кўп.
 Ки биз ҳам қадри имкон тунду ялпоқ,
 Гуҳар туздик, этибсиз лек қалпоқ.
 Бу ҳам дуру, бу ҳам ганжу, бу ҳам зар,
 Муборак бўлсин эй шерн газанфар.
 Улуғларнинг нишончин оқ этибсиз,
 Умидворларни не муштоқ этибсиз.
 Ки энди дурни доғи қўша айланг,
 Низомий «Хамса»син йўл тўша айланг.
 «Ширин Хусрав»га ёзинг бир жавобе,
 Ки бўлсин кашфиёту ҳам савобе.
 Бу ёғини Мирим соҳибтафаккур,
 Чунон ипга терингки бўлсин ул дур».
 Навоий дедики: «Ғалво кетурмак,
 Яна Шоҳга Ширин ҳалво едурмак?
 Бориб Хусрав, Низомий изларидан,
 Топарман баҳра қандай исларидан?»
 Деди Жомий: «Калом дарёси сиздан,
 Тушар уммонга дурлар илкингиздан.
 Агарда бермасангиз Шоҳга ҳолва,
 Чунон чиққай бу ишдан шўру ғалва.
 Ки Ширин унда қолгай мисли Лайли,
 Очилмай ўн гулидан бири майли.
 Бу ҳолда таъсири кўп бешак ўлгай,
 Ки подшоҳ Хусрав ишқсиз эшак ўлгай».
 Бу гапдан иккиси кулди баробар,
 Эди режа тугал, бор эрди махзар.
 Нечундир ёқмади устозга Қисро,
 Ёзиб ўрнига «Юсуфу Зулайхо».
 Қизиқиб сўрди ондин чун Навоий,
 Жавоб қайтарди устод мисли доҳий:
 «Ширин Хусрав»ни андоқ ёд олиб мен,
 Узимдан гоҳи ҳайратда қолиб мен.
 Ёзишдан қўрқаман то бўлса такрор,
 Бу ишдан сўнг ёғар бошимга кўп ор.
 Шу боис танладим бир ўзга мавзу,

Вале бу ҳам мисоли бир татаббу.
 Навоний ушбу дostonга бериб дил,
 Уқиб такрору такрор этди таҳсил:
 «Ки сўз дебочайи девони ишқдир,
 Ки сўз гулғунчайи бўстони ишқдир.
 Зако аҳлига сўздин хорлиғ ўлмас,
 Жаҳонда сўз каби ёдгорлиғ ўлмас.
 Азалдан бўлса не оламда пайдо,
 Худо бир сўз билан этган ҳувайдо.
 Қаламга сўз дедиким «кофу нун» ёз,
 Ки борлиқ бўлди бу сўз бирла оғоз.
 Қаламнинг қофи ул кофдин яралди,
 Сахо фавворасидан нур таралди.
 Ширину Хусрави эскирди чандон,
 Ёзай мен ишқ ҳақида янги дoston.
 Утибдур навбатинг Лайлию Мажнун,
 Ки ўзга аҳли ишқ бўлди жигархун.
 Тўти янглиғ табъим этсин ҳувайдо,
 Юсуф зебо, Зулайхо унга шайдо.
 Худо бу қиссани дерким ягона,
 Анинг васфини айлай жовидона.
 Худодан сўнг Юсуф ҳусни жамоли,
 Эрур барча гузаллигининг камоли.
 Ошиқлардин йўқ эрди чун Зулайхо,
 Севишда барчадин устун Зулайхо.
 Гўдаклиғдан қаригонича севди,
 Гадолиғдин шаҳу хонича севди.
 Қаригонида ожиз нотавон ул,
 Ёшориб бўлди қиздек навжавон ул.
 Мудом ишқу вафо йўлида бўлди,
 Ани деб келган ул, они деб ўлди.
 Бу оламда бўлиб сендин умидвор,
 Яшаб ўтгай киши умрини қаҳҳор.
 Худойим ҳар замон этгилки зоҳир,
 Нурингдан баҳравар бўлсин эл охир.
 Агар оламни этмассан тағайюр,
 Фалакдан сочмагай сайёралар нур.
 Қуёш нури самодан сўнмаса гар,
 Нужумлар шуъласи бўлмас мунаввар.
 Чаманни кўммаса қиш чоғи қорлар,
 Очилмас гул юзи келса баҳорлар...»
 Қилиб ҳар сўз шоир қалбини мафтун,
 Ки устоз меҳридан боз айлаб афзун,
 Қиёс айлар эди гоҳи Низомий —
 Тирик бўлса, бўлиб мухлисн Жомий,

Санар эрди уни ўзига устоз,
 Киши бўлмас бу хил сўзжоду мумтоз!
 Мулоқотларни боз такрор ўқирди,
 Хаёлан айтишув гоҳо тўқирди.
 Агарчи баҳслар эрди жиддиятсиз,
 Ки бўлмас барчаси эзгу ниятсиз.
 У ориф килки сўзга берса не ранг,
 Тафаккур, туйғу ҳам маъно эди танг.
 Бўлиб ҳар сўз тагида битта маъно,
 Етарди фаҳмига оқилу доно.
 Шариатнинг дегайлар йўқ ҳаёси,
 Эди кенгликда кенг шоир даҳоси.
 Юсуф бирла Зулайхо суҳбат айлаб,
 Навоий кўп бу бобга рағбат айлаб.
 Хаёл ойинасин унга қаратди,
 Шу янглиғ гуфтуғў фикран яратди:
 «Дедик: Қайда ул ёшлик, жамолинг?
 Деди: Қилди хазон ҳажри висолинг.
 Дедик: Сарвинозинг не учун хам?
 Деди: Ҳажрингда қаддимни букиб ғам.
 Дедик: Кўзларинг кўрмас нечундир?
 Деди: Сенсиз чунон ул ғарқи хундир.
 Дедик: Не эрур бу кун муродинг?
 Эрур ҳам кимга бул кун эътимодинг?
 Дедик: Матлабимдан хастадилмен,
 Демасман, сендан ўзга бир кафил мен.
 Деди: Айт, ҳожатинг бўлса билурмен,
 Қўлимдан келса тез ижро қилурмен.
 Дедик: Аввало ҳусну жамолим,
 Кейин ёшлик кўрурсан ушбу ҳолим.
 Кўрай ҳуснинг, яна кўзимга нур бер,
 Юзингга термулай бир дам ҳузур бер.
 Лабин Юсуф қимирлатди дуога,
 Етиб арзи унинг қодир худога.
 Хунук ҳуснин дилоро этди қайта,
 Юзини маҳфилоро этди қайта.
 Яна бахту саодат ёр қилди,
 Анинг ёшлик гули қайта очилди.
 Кофур ўрнини олди мушки тотор,
 Қаро тун тонг уза бўлди намудор.
 Оқарган сочи қора бўлди доғи,
 Яна нурга тўлиб кўзу қароғи.
 Бўлиб дол қомати ёш навниҳолдек,
 Ажинли юзлари моҳи камолдек.
 Хунук кампир яна айланди қизга»,

Мана дўстлар, ажиб мўъжиза сизга.
 Бу қисса гарчи ғоят дилрабодур,
 Ки андин ҳисса олам бебақодур.
 Навоийга аталган сўйгги боби
 Эди устозни шогирдга хитоби:
 «Алишери Навоийким азалдан,
 Эрур машҳур ҳар шеърү ғазалдан.
 Али ҳам Шер машҳури жаҳон ул,
 Шижоат бешаснда паҳлавон ул.
 Номни пинҳона олдим чунки тилға,
 Лозим деб билмадим шов-шувни элга».
 Берарди унга кўп илҳому далда,
 Туярди фахр эслаб ҳар маҳалда.
 Вале фарзандга берган панди устоз;
 Не пандки шеърнятда қанди устоз.
 Зиёвуддин Юсуф ҳаққига доир,
 Тузиб устоз бир тенгсиз жавоҳир.
 Кўп улкан ҳисса қўшди маърифатга,
 У ўшар қомуси хулқ-тарбиятга!
 Навоийга этиб бул боби таъсир,
 Тўкис ёдида қолғони эмас сир.
 Ки устоз сўзидан қутлуғ калом йўқ,
 Ки бўлса бор, бу янглиғ эҳтиром йўқ.
 Хаёлан қолгани чоғида бўш ул,
 Бериб иш мизига гоҳида тўш ул.
 Толиб илги отиб бир ён қаламини,
 Қуварди шеър ўқиб қайғую ғамини.
 У кўпроқ ушбу пандни ёд айтиб,
 Бўлар эрди нечундир шод айтиб:
 «Тавакуллоҳ, эй фарзона фарзанд,
 Ёмондан асрасин сени худованд.
 Аннинг ҳар пандидан сен ибрат олгил,
 Керак вақтида они ишга солгил.
 Менинг етмиш ёшим сеники етти,
 Сенинг бахтинг кулар меники кетти.
 Умр ўтганлигидан мен чекиб ғам,
 Йилу ою ўтибдур ҳафталар ҳам.
 Экиб дон мен замин ҳам чопмадим бас,
 Тикондан яхши бир гул топмадим бас.
 Не суд энди мадор қўлда кетибдур,
 Инону ихтиёр қўлдан кетибдур.
 Қўшиш эт то қўлингда сарватинг бор,
 Бошингда соябонинг давлатинг бор.
 Бир иш қил, охирики фойда қилсин,
 Бошингга хайру эҳсонлар ёғилсин.

Аввад илму ҳунардан баҳравар бўл,
 Нодонлиғ ҳам жаҳолатдан бадар бўл.
 Эрур ҳар жоҳилу донога маълум,
 Зако аҳли тирик, нодонни марҳум.
 Киши келмас ҳаётга иккибора,
 Илм йўлида кет, йўқ ўзга чора.
 Илм касбини олгач сўнг амал қил,
 Амалсиз илм эрур бир заҳри қотил.
 Не ҳосилки, бўлиб сен кимнёнгар,
 Мисингни қилмасанг соф олтину зар.
 Илмда гар яралса кашфиётинг,
 Анга ихлос ила бахш эт ҳаётинг.
 Чала ишдан келур бошларга ғалво,
 Қоринни офритар хом бўлса ҳалво.
 Едингми тузини нах бирла сурма,
 Намакдонга ғазабдан сен тупурма.
 Асил дўстларга жонингни фидо қил,
 Валекин дўстни душмандан жудо қил.
 Гуноҳга ботганингда дўсти чолок,
 Хамирдан қил каби олгай сени пок.
 Бу янглиғ дўстга қурбон айла ўзни,
 Жудо бўлмас қадрдон айла ўзни.
 Қўлингдан келмаган чоғида бир иш,
 Беҳуда тентираб, сен чекма ташвиш.
 Китобхонлик бу оламда саодат,
 Китобхонликни доим айла одат.
 Эрур машҳур бу маъни ушбу бобда,
 Утар доно қолур илми китобда.
 Аниси кунжи танҳолиғ китобдур,
 Чароғи субҳи донолиғ китобдур.
 Гоҳ ўтмиш тарихин бизларга шарҳлар,
 Гоҳи келгусидан бергай хабарлар.
 Гоҳи шеър денгизи этса талотум,
 Сочилгай маънилар атрофга чун қум.
 Бу орзуларга ўзни банди тутма,
 Асил мақсадни бир лаҳза унутма.
 Кўнгул розини изҳор айламай тил,
 Ани яхши-ёмонини фикр қил.
 На жоҳил сингари банди падар бўл,
 Атодин кечу фарзанди ҳунар бўл.
 Мусалло узра они ёд этгил,
 Дебон «Аллоҳу акбар» шод этгил.
 Қафасдан айласа ҳар қушки парвоз,
 Эрур мушкил ани тутмоқлик боз.
 Каподиллиғ ила сафсата айлаб,

Тегизма тил шариятга атайлаб.
 Саводсиз сўфиларга бўлма улфат,
 Қасофатлар солур бошингга кулфат.
 На бир ишга алар ақли етишгай,
 Нодонлиғдин сени сарсон этишгай.
 Эрур шоҳга яқинлик ўту оташ,
 Сен ондин дут мисоли қоч яккаш.
 Олов ёнган чоғи пилтачироғдан,
 Сен андин баҳра ол, лекин йироғдан.
 Амалга учмагил, бўлма дилозор,
 Қўлингдан мансабинг кетгай баякбор.
 Такаббурлиғни асло қилма одат,
 Ки камтарлиғ эрур доим саодат.
 Агар тупроққа тушса хор бўлиб дон,
 Кўтаргай тумшуғида қуш ўшал он.
 На ваъда айлагил, этсанг вафо қил,
 Вафосизлиғдин ўзни мосуво қил.
 Оқиллардан эшитсанг бир насихат,
 Анга жонинг ила сен айла диққат.
 На гўл янглиғ киритсанг бул қулоқдан,
 Чиқорсанг тезда онн ул қулоқдан.
 Қаламни ташла кетганда мажولينг,
 Қоғозни йирт чувалса гар хаёлинг.
 Чароғи фикратингда нур тугабдур,
 Шоирлиғ завқию шуур тугабдур.
 Гўзаллик боғи йўқ энди аламдур,
 Қўлингда қолгани патли қаламдур.
 Дуодан айлабон сўзни тамоми,
 Худога илтижо қил энди Жомий:
 Тилинг тий, чекмагил ортиқча миннат,
 Эрур ҳар не дегандан хуш сукунат!»

НАВОИЙ УСТОЗ УГИТИ БИЛАН ГАНЖ ҚАЗГАНИ ВА УЗИНИНГ ОЛАМШУМУЛ «ХАМСА»СИНИ ЕЗГАНИ

Навоий ҳар неким ижод этарди,
 Мудом устоз ўгитин ёд этарди.
 Кўмилди у ғазал, дostonга бисёр,
 Кириб ҳассос дили туғёнга бисёр.
 Низомийни ўқиб чиқди саросар,
 Қидирди Деҳлавийдан сири гавҳар.
 Вале тақлиддан ул кўп ор қилди,
 Узи гул экди ҳам гулзор қилди.

Топиб дардига ҳам ўзга табиблар,
 Гулистонида сайраб андалиблар.
 Хаёлотида эрди ул дурандеш,
 Тасаввур этса не келгай эди пеш.
 Юнон бирла Арабга сайри тушди,
 Ки ҳар манзилга фикрат тайри тушди.
 Бориб гоҳ Файлақусдан олди таълим,
 Бўлиб Афлотунига гоҳ муаллим.
 Гоҳи Хоқони Чинни қилди сарсон,
 Масиҳодек сўзига берди гоҳ жон.
 Гоҳи от чоптириб Арманга борди,
 Қазиб тоғларни гоҳ шарбат чиқорди.
 Ҳуснбонуни гоҳ ўтқазди тахтга,
 Яқин келтирди гоҳ Фарҳодни бахтга.
 У шоҳ Кисрони кўп шарманда қилди,
 Шопурни довюрак арзанда билди.
 Муҳаббатни дили покларга берди,
 Севншганларни сўнг хокларга берди.
 У ўз сиймосини Фарҳодда кўрди,
 Муҳаббатни Ширин фарёдда кўрди.
 Евузликни амал, мансабдан излаб,
 Муҳаббатни гўзал матлабдан излаб.
 Яратди бебаҳо дури тафаккур,
 Заковат аҳли кўп айтди ташаккур:
 «Агар пил ўлса Хусрав ё Низомий,
 Эрур минг пил чоғлиғ пил Жомий,
 Керак шер олдида ҳам шер жанги,
 Агар шер ўлмаса, бори паланги».
 Бу байтларни битиб шоир дили соф,
 Ҳазор аҳсант ҳақиқатдур, эмас лоф.
 Ки бундоқ бир асар туркий забонда,
 Йўқ эрди, то ҳануз йўқдир жаҳонда.
 Агарчи шоҳу шоир тухми бисёр,
 Вале юз оҳ буюклар доимо хор.
 Ки севган бандасин шод тутгай Оллоҳ,
 Мутеъ этмас уни не давлату жоҳ.
 Навоий чекди ранж йил кеча-кундуз,
 Гоҳи Машҳадга борди, гоҳи Қундуз.
 Чекиб бир ёнда Фарҳоду Ширин оҳ,
 Эди бир елкада ташвиши подшоҳ.
 Қўйиб дostonга охир сўнгги нуқта,
 Субут бирла ишини қилди пухта.
 Бузурк устоз кўриб Маҳдуми Жомий,
 Шоирга ҳаддан ошди эҳтироми.
 Ўқиб деди: «Не гавҳарки, шакар бул,

Шакар не, бошга қўйсам тожи сар бул.
 Бу янглиғ йўқ жаҳоннинг мўъжизоти,
 Бу хил чопмас тахайюлнинг Ғироти.
 Шакл мазмунда бир гулзори бехор,
 Еруғ очунда кўп унга харидор.
 Ки туркий барча элнинг фахридурсиз,
 Буюк сарчашмаларнинг наҳридурсиз.
 Дегай сизни кўриб Пири тариқат,
 Қалом устодисиз Мири ҳақиқат.
 Чу толеъ кавкаби фархунда бўлгай,
 Ки навбат Лайлию Мажнунда бўлгай.
 Ки дурлар жуфту жуфтак тоқ бўлсин,
 Улус битгунча то муштоқ бўлсин.
 Камина ғайратига қўшди ғайрат,
 Бағишлаб ушбу дoston дилга ҳайрат.
 Ки «Фарҳоду Ширин» йўқдир баҳоси,
 Вале «Лайлию Мажнун» ишқ нидоси.
 Дилимга ушбу кун ором бермас,
 Қилур ташна валекин ком бермас.
 Муродим ҳазрати Мирга аёндир,
 Ки бир ёнсанг деган гап борки ёндир.
 Валекин хастаю ҳоли ғарибга,
 Замона ранжидан бу музтарибга;
 Беринг бир маслаҳат тузсинми девон?
 Ва ё завқ сўнмайин ёсинми дoston?»
 Навоий деди: «Эй пири замона,
 Саволингиз ўринли, орифона.
 Тузиш девон агарчи муддаодур,
 Қолиш дoston битишдан нораводур.
 Беринг ашъорларингизни тузотиб,
 Тузар девон топарман хос котиб».
 Тахайюл қилди бирпас Шайхи Жомий,
 Кейин кўнди, йўқ эрса ул киромий.
 Бўларди ҳам малул, озурдахотир,
 Натижа бўлди шундоқ, не асотир.
 Қилиб бу ишга кўп маблағни сарф ул,
 Тузиб бир катта девони шигарф ул.
 Шоширди, ишлади хаттоти тинмай,
 Қаламнинг деки учқур оти тинмай.
 Топиб оқибати ишлар саранжом,
 Девонни элтди ул устодга шодком.
 Кўриб ғоят суюнди кекса устоз,
 Хитойи эрди нақшн бирла қоғоз.
 Гўзал хат бирла чун хаттот кўчирмиш,
 Ки ўз ишига зўр устод кўчирмиш.

Кўриб устозини мамнуну шодон,
 Шоирнинг қолмади қалбида армон.
 Битарди «Лайлию Мажнун»и Жомий,
 Йўқ эрди ўзга ишга вақт тамоми:
 «Мо гармравони роҳи ишқем,
 Ғоратзадағони роҳи ишқем.
 Он дидки, роҳ баса кунд аст,
 Қ-он ноқай безимом тунд аст, —
 Биз ишқ йўлининг фидосидурмиз,
 Толону тарож гадосидурмиз.
 Кўрдикки йўли нишебу ғовдур,
 Бу байтал эса шўху асовдир.
 Ҳам бошида йўқ юган-жилови»,
 Лайлики эди Сақифнинг ови.
 Бермай анга бир висолу ором,
 Улдирди охир ғамида ноком,
 Мажнуну ғарибу бенаволик,
 Лайлию чекиб ғами жудолик.
 «Мардон ҳамо жо хужастаҳоланд,
 Бечора занон шикастаболанд, —
 Эркаклар эрур мудом кўнгул чоғ,
 Хотунлар эрур ғариб дили доғ».
 Ҳар неки тахайюл этди Жомий,
 Ёзди тугатиб уни тамоми.
 Сўнг қўлга олиб девонни шоир,
 Тикди кўзини, ўқиди бир-бир.
 Хат кўп гўзалу хатолиғ эрди,
 Мазмуни вале на болиғ эрди.
 Таҳрир этиб ул девонни буткул,
 Гул узра дегил қамиш экиб ул.
 То дурни яна шакар чу қилди,
 То хорни яна гўҳар чу қилди.
 Шаклини қилиб хунугу вайрон,
 Мазмунга вале бағишлаб ул жон.
 Мазмуни чунонки бузса хаттоғ,
 Ҳусни хатини чу бузди устод.
 Устозга дебон узр малолат,
 Бўлди Алишер чунон хижолат.
 Жомий кулибон деди: «Амирим,
 Нон менкидур, бу ҳам хамирим.
 Ҳайф кетти ҳусн; бузиб тузаттим,
 Бўлса-да хунук агар чу хаттим.
 Хом бўлса гар иш чиқар чу ғалва,
 Оғиз чучимас деган-ла ҳолва.

Боиси шуки фараҳ бағишлаб,
Чиқдим яна бир девонни ишлаб».

* * *

Навойга кулиб боққанда устоз,
Турарди мизда уч девони мумтоз:
«Биринчиси эди «Ешлик садоси»,
Эди иккинчиси «Дурлар жилоси».
Учинчиси бўлиб «Хатми ҳаёт» ул,
Қи бўлса қанча шоирда баёт ул.
Езиб дoston шоир ҳам тузди девон,
Ўздан ўзи кўчмас ҳеч иш осон.
Тугатди сўнгра Лайли Мажнунини,
Қи кўп топди муҳибу мафтунини.
Алишери Навоий ҳам баробар,
Сочибор хомасидан мушку гавҳар.
Тузиб Лайлию Мажнундан фасона,
Эди ғоят гўзал ҳам туркиёна:
«Юзингга билмайин тушди нигоҳим,
Ўзинг айт не менинг охир гуноҳим».
Чунон Мажнун қилар Лайлига фарёд,
Қи бундан аҳли олам дод дегай, дод!
Езилди икки дoston бир замонда,
Шакл мазмун бўлак икки забонда.
Навойга эди Жомий мададкор,
Агарчи бўлди ҳам устозу ҳамкор.
Навойдан сўраб гоҳи хирож ул,
Гоҳи сўз — фикрига қўйдирди тож ул.
Илм тадқиқи бирла шарҳ ёзишда,
Қи таҳлил бирла таҳрир ҳар бир ишда.
Мададкор эрди Махдумга Навоий,
Қи мисли кўзгуйи нури сафоний.
Бу икки зот бириккан пайти ҳар чоғ,
Уринса тенг қулаб тушгай эди тоғ.
Ўтиб бир йил яна кўкарди майса,
Тамом бўлди алар килкида «Хамса».
Тузибор «Саҳбат-ул-аброр»ни аввал,
«Хирад... Искандарий»ни сўнг мукамал,
Бериб ишга шу янглиғ Жомий анжом,
Яратди беш асар аввалда хушком.
Сўғун ишлаб аларни кулди бахти,
Вужудга келди охир «Етти тахти».
Қи «Ҳафт авранг» эрур оламга машҳур,

Бўлиб аҳли адабга ёру манзур,
 «Саломон бирла Абсол» бири эрди,
 Бири «Занжири олтин» сири эрди.
 Аларни Шайх бағишлаб икки шоҳга,
 Бирини Оққўюн давлатпаноҳга.
 Ки Табрезда эди ул зот ҳукмдор,
 Биларди Жомийни устоз бузурқвор.
 Бири Султони Турки Боязид Ду,
 Муриди Жомий эрди чун Арасту,
 Сўйиб устоз шоирни шоҳу султон,
 Санаб ўзига бахт лутфини ҳар он.
 Вагарчи номлари назмида эрди,
 Алар ҳар иккиси таъзимда эрди.
 Навоий ҳам қаламни найза қилди,
 Ки аввал «Сабъаи сайёр» ёзилди.
 Сочиб сўнг бору йўқ ганжу зарини,
 Яратди «Саддийи Искандарий»ни.
 Солиб кўнглига ҳақ нури ҳидоят,
 Шу янглиғ «Хамса»си топди ниҳоят.
 Улуғ шоир гўзал туркий лисонда,
 Биринчи «Хамса»ни ёзди жаҳонда.
 Муборакбоду унга бўлсин олқиш,
 Баҳор келдию ўтди қаҳратон қиш.
 Абулғозий Ҳусайни шоҳи даврон,
 Кўриб дўст «Хамса»сини бўлди шодон.
 Бу пайтлар шоҳ иши кўп чалкаш эрди,
 Шу бондан дили ҳам кўп ғаш эрди.
 Райят гўштига тўймай бароё,
 Эди юртда газовотлар илоё.
 Шиъа гоҳ сунцинни тутса бўғизлар,
 Ёриб гоҳ шиъа тўшин сунни тузлар.
 Буларга қилмайин бир зарра парво,
 Буюрди «Хамса» шаънига шоҳаншо —
 Тузилсин базми жамшед жовидона,
 Ҳудайчилар югурди ҳар томона.
 Навоий шуҳрати оламни тутди,
 Ҳасад, рашкдан ғанимлар оғу ютди.
 Чалиб мутриблари чангу чағона,
 Базм бўлдики оламда яғона.
 Яна тўн ёпишу сочқи сочишлар,
 Ғанимат эрди бу кўнгили очишлар.
 Чекиб бир ёнда афғон нуктадонлар,
 Сурарди гаштни маддоҳ устамонлар.
 Мушовирга деди охири подшоҳ,
 Битиб «Девон»у «Хамса» дўсти дилхоҳ.

Қўнгил тинчу сарой азмини айланг,
 Ки давлат ишларига ўзни шайланг.
 Агарда бўлмасангиз сармулозим,
 Улус гуштини егай ҳар мулозим.
 Мажидиддин Муҳаммад зоти пастдур,
 Атоси Пир Хавофдек зарпарастдур.
 Темурхонга сўғунги ул валиаҳд,
 Ки билсангиз эдилар Пирмуҳаммад.
 Бўғиб ўлдирган эрди они нокас,
 Ки фарзанди ҳам андин яхши эрмас.
 Этиб вазири аъзам сизни қўйсақ,
 У нопокни тамом кўзини ўйсақ.
 Саройда оддий хизматларга мос ул,
 Вале парвоначийи беқиёс ул.
 Иши ғийбат, хотунлардан гапурмак,
 Жонимга тегди фаҳшу айш сурмак.
 Бўлар ёнимда гар сиздек вазирим,
 Суянган дўсту дилкаш дилпазирим.
 Қисиб елка Навоий мисли ҳожиб,
 Деди: «Ҳар не деса, шоҳ амри вожиб!»
 Бериб фармон шоҳ Марвига кетди,
 Гўзал Феруза гулбоғига етди.
 Навоий ҳам изидан борди то қиш,
 Олиб дам янгидан сўнг бошлагай иш.

НАВОИЙНИНГ ХАМСАНАВИС ШОИР СИФАТИДА ШУҲРАТ ҚОЗОНИШИ ВА ҒАНИМЛАРНИНГ РАШКУ ҲАСАД УТИДА ЁНИШИ

Мухрдору амиру ҳам мушовир,
 Бўлиб ўн олти йил ранж чекди шоир,
 Яқин гоҳу йироқ гоҳ бўлди шоҳдан,
 Урин топди сарой гоҳ хонақоҳдан.
 Улуғ дўстга бериб катга улуфа,
 Келиб ҳам ўзга юртдан турфа туҳфа.
 Навоий молу мулки бўлди бисёр,
 Бўлиб мухлис анга бир неча тождор.
 Уқиб туркий лисонда «Хамса»сини,
 Туйиб турк шевасининг ғамзасини.
 Юборди Боязид Рум шоҳи анга,
 Ки ҳар сатрига зардан қуйма танга.
 Яна Табрез ҳукмдори чекиб ранж,
 Юборди Оққўюнли беҳисоб ганж.
 Яқуббек ҳол сўраб турди йиреқдан,

Юборди ҳадялар Шому Ироқдан.
 Навоий қилмайин мол-мулкин исроф,
 Қилиб учдан бирин хайрияйн соф.
 Гадою бенаво илму адабга,
 Муарриху мусаввир аҳли табга.
 Яна учдан бирин нурли ҳаётга,
 Ки турфа маърифатгоҳ иншоотга.
 Қуриб мадраса, масжид, хонақоҳлар,
 Ки арзир ибрат олса баъзи шоҳлар.
 «Низомия» Ҳиротда ёлғиз эрди,
 Ки Маҳмуд Ғазнавнӣдан шиква дерди.
 Пўқ эрди ўзга таълим маскани ҳам,
 Анингдек маъруфу номдору кўркам.
 Олиб таҳсил бунда Жомий устоз,
 Анинг устози ҳам шогирдлари боз.
 Навоий ҳам анинг ранжини чеккан,
 Ушал онлар хаёлот тухмин эккан.
 Ки улғайсам топиб дастмойи хос,
 Қурарман мадраса — мактаб баиҳлос.
 Ки фарзанди раият олса таълим,
 Кўпайса аҳли дониш, мутакаллим.
 Топиб меъмор, муҳандису қурувчи,
 Мирак Наққош каби иш бошқарувчи.
 Узи ишлаб ҳашарга элни жамлаб,
 Наки сармойясини юрди ғамлаб.
 «Шифоия» қурилди Шаҳринавда,
 Гўзал «Ихлосия» ҳам «Боғи Савда»,
 Ва «Унсия» бўлиб пештоқи гулдор,
 Узи эрди Навоий анга меъмор.
 Бино айлаб яна карвонсаройлар,
 Мусофирлар учун тахт этди жойлар.
 «Хиёбон» манзилин ҳам қилди обод,
 Этиб устоди Маҳдумнинг дилин шод.
 Шоирлар ҳоли бўлган чоғи кўп танг,
 Адолатпеша кўпроқ чекди аттанг.
 Захира маблағи сўнгги улушни,
 Ки бор вақфидаги олтин кумушни,
 Қиларди маърифат аҳли учун харж,
 Қилиб хаттогу саффофлар китоб дарж.
 Муаррихи замон Мирхондга ҳар он,
 Юборгай эрди шоир тухфа, эҳсон.
 Улуфа ажратиб давлатсародан,
 Ризоликлар олиб ул Бойқародан,
 Тайинларди илм аҳлига маош,
 Шоирми ул ва ё заргарми, наққош.

Қозониб эътибор Шайхим Суҳайлий,
 Мусаввир, найнавоз Меҳроб Туфайлий,
 Атоулло, Мири Мумтозу Даштий,
 Замоний, Осафию Пули Паштий.
 Ҳилолию, Биною, Баҳорий,
 Суроғи Саъдию, Сайфи Бухорий.
 Ва хизматпешаси Соҳиби Доро,
 Сабухий — Ҳайдару Баҳлул дилоро.
 Шунингдек мўйқаламда соҳибъэжд,
 Мусаввирларни Монийкилки Беҳзод.
 Навоийдан мадад истаб бариси,
 Валинеъмат дебон ёшу қариси.
 Қилиб ижод чу лутфи соясида,
 Яшарди давлатининг поясида.
 Вале қитмиру шўх ҳам оғзиполвон,
 Биноий эрди лек ожизу нимжон,
 Улуғ шоир фақиру мағрур эрди,
 Гоҳи ўз қадрини билмай сур эрди.
 Шу боис қайга борса ҳайдаларди,
 Сабабки эзма гапни майдаларди.
 Бироқ бермай Навоий унга озор,
 Буюк шоирга не ҳазли этиб кор.
 Ани шеър базмига таклиф қиларди,
 Ниҳон-ошкор аҳволин биларди.
 Зерикса гоҳ Биноий санқир эрди,
 Бориб ҳар юртга гулдек анқир эрди.
 Сафар айлаб бу гал ҳам кўп йироққа,
 Бориб келмиш яқинда ул Ироққа.
 Навоийни дараклаб сўрди аҳвол,
 Эди шоир назарда шоду хушҳол.
 Қучоқ очиб мисоли Насри Тоир,
 Қадрдондек кўришди икки шоир.
 Шунингдек жам бўлиб беш-ўн ғазалхон,
 Мири Мумтоз, Суҳайлий, Шайхи Пирон,
 Соҳиб Дорою Ал-Мағри Замоний,
 Сабухий — Ҳайдару Бахт-Комроний.
 Яна форс шеърининг нозик ниҳоли,
 Бор эрди Бадриддин шоир Ҳилолий.
 Яна ҳар ишда абжиру саришта,
 Ки Ҳотифий — лақабда ул фаришта.
 Зиёфат эрди ҳам ширу шакарлиғ,
 Навоийдан олишиб баҳраварлиғ.
 Бари мақтарди ёзган «Хамса»сини,
 Ки туркий тилда шеърнинг ғамзасини.
 Биноийга фақат ёқмай бу мақтов,

Боқар эрди Навойига деким ёв.
 Камолиддин Биноий сўзни бурди,
 Заҳартиллиғ била мўлжалга урди:
 «Ижод денгизида ҳангома тузгил,
 Ва гар «Хамса» ва гар «Шоҳнома» тузгил,
 Эрур туркийда чун «ғинг-ғинги» занбур,
 Ки форсийдур қулоққа сози танбур».
 Бироз ранжиб ундан Шайхи Баҳлул,
 Деди: «Ҳошо, бўлиб Махдумга мақбул,
 Улуғ Жомийки Пири безаволдир,
 Ҳаваскор сиз, у устози камолдир.
 Биноийдек бўлингиз беаҳар тил»,
 Анинг сўзига сўнг қўшилди ҳар тил.
 Вале этмай Навойи зарра парво,
 Буриб сўзнинг танобин Мири доно:
 «Ироқ бориб-келиб ҳазрат Биноий,
 Топибсиз неча дўсту ошное.
 Яқуббек ул ҳукмдори не янглиғ,
 Адолатда дегайлар ҳақ учун тиг:
 Яна лутфу саховатпеша эрмиш,
 Табъи назму ўзи ҳам шеър дермиш».
 Оғиз очмай ичига кирди шайтон,
 Тутиб қитмирлиги деди суҳандон:
 «Яқуббекдаги бор эзгу фазилат,
 Йўқ эркан сиздаги сингори иллат,
 Бўлиб ашъорпарасту форсий деркан,
 Тилига туркий сўзни олмас эркан».
 Биноий кулди этган мисли қойил,
 Жавоб қайтармади Мир хушшамойил.
 Мазах бирла ҳазил ва майда гапга
 Жавоб қилмай эришди ул шарафга.
 Табассум айлабон ҳазрат Навойи,
 Сукут қилди жавоб шу деб Биноий.
 Хижолатда қолиб шоири қитмир,
 «Сукут аҳмоқ жавоби» барча бир-бир
 Тушунди ушбу ҳелни, стди ханда,
 Биноий бўлди неки бўлса анда.
 Навойи тортди енгил, хирадилик,
 Ки юз бермай, не янглиғ соз аҳиллик.
 «Жон хушу аммо демасман жон сени,
 Бўлса жондан яхши десам он сени», —
 Деб, Ҳилолий шеър ўқиб лутф айлади,
 Аҳли мажлис эшитиб байбайлади.
 Эрди бу шоир Навойи мадҳига,
 Бахтли шоир қолди содиқ аҳдига.

Езди сўнг достон «Гадо ва шоҳ» дебон,
 «Шоҳ гадолар ҳолидан огоҳ» дебон.
 Ҳотифий мажлисда ёш шоир эрди,
 Байтбарак айтмакка кўп моҳир эрди.
 Деди: «Тиғда Рустаму Монийқалам,
 Фахри миллатдур Алишер муҳтарам».
 Бу шакарлафз маҳфилободи бўлиб,
 Жияни ҳам Махдуми устои бўлиб.
 Мир Алишер бирла ҳамдавронлиғи,
 Дўсту шогирду яна шеърхонлиғи,
 Мунтазам этди давом ҳамкорлиғи,
 Ҳам Амирнинг етди унга ёрлиғи.
 Сўнг Биноий хониши шеър этдилар,
 Ҳам ўқиб фотиҳа сўнгра кетдилар.
 Қолди шоири Навоий бир ўзи,
 Салтанатнинг эрди ул қошу кўзи.
 Бош вазирлиғ бирла энди банд эди,
 Адли бирла эл саодатманд эди.

МУЗАФФАР МИРЗОНИ БЕГИ ТАЙРОН ОТАЛИҚҚА ОЛГАНИ ВА ДИЛИГА АDOVATУ ФИТНА ОТАШИНИ СОЛГАНИ

Ҳусайни Бойқарога кулди давлат,
 У довқур паҳлавону шерсавлат,
 Ҳарамда тоза гуллардан бўлиб шод,
 Топиб қирққа яқин ҳам жуфти ҳурзод.
 Уғул фарзандлари олтига эрди,
 Саодат — бахт кўзи олдида эрди.
 Ки қизлардан худо тўққизта бермиш,
 Ки тўққиз шахриёрга тўхфа эрмиш.
 Эди катта ўғули паҳлавоне,
 Валиаҳду суюкли навжавоне.
 Бувиси Хон қизи Хонзода эрди,
 Она наслида хоқонзода эрди.
 Муносиб эрди ул тахти жаҳонга,
 У монанд эрди кўп Соҳибқиронга.
 Замонда тенги йўқ Бадийъ-уз-замон ул,
 Шоиртабъ шеърпаърасту нуктадон ул.
 Эди ҳоким ул соли Саройда,
 Келарди лек Ҳирот шахрига ойда.
 Зиёрат айлабон ота-анони,
 Саодатбахт бегими маҳлиқони.
 Ва тўрт ёшли Муъмин Мирзосини ҳам,

Кўнгулда бори гавҳар хосини ҳам.
Хадичабегим ўттизларда эрди,
Музаффар ўғли тўққизларда эрди.
Гўзал, ҳассос хотин рашку ҳасадда,
Эди доғули ҳам кўп кори бадда.
Бир уйғурзод амирнинг қизи асли,
Хусайнга лек ёқарди кўп васли.
Чунон айларди гоҳи «ғалвирак» ул,
Ки шиддатда мисоли ғилдирак ул.
Бу услубни этиб ул ихтирое,
Саналгай эрди шоҳга жонфизое.
Сўғун қўллаб бу ишни ёш-қарига,
Қиёсин ўхшатолмай ул парига.
Бериб Бегимга охир Бойқаро тан,
Деса: «гаҳ» қўлига гоҳо қўнаркан.
Музаффарга беринг деб тахту тожни,
У ҳар гал қўллар эрди «дилхирож»ни.
Хусайн Мирзо бўлиб ишратга пайваст,
Гоҳи ҳушёр эди, гоҳида сармаст.
Қисар эрди Бегимга гарчи кўп кўз,
Вале ортиқча бермай ваъдаю сўз.
Қиларди ишни доим ақл бирла,
Не макру ҳийлаю не нақл бирла.
«Валиаҳд битта бўлгай, тўртта бўлмас,
Бўлар «ёсо»га хосу жўрта бўлмас.
Агар ёш берса Оллоҳ Бойқарога,
Ўзининг соясин Бўстонсарога.
Ўзи танлар Яратган, ўзга эрмас,
Хино қўлга қўйилгай, кўзга эрмас.
Муҳими бўлмаса жанжал, низолар,
Қи қонсиз бўлса ош-овқат-гизолар.
Темур ўлгач буюк юрт бўлди торож,
Етиб фарзандларин бошига зар тож,
Ки Шоҳруху Улуғбеклар не бўлди?
Атосидан кейин ўғли зуд ўлди!
Келиб тахтга кейин Абу Саидлар,
Шер ўрнига деким қашқиру итлар,
Халойиқ шўрвасининг шўри бўлди,
Агарчи шоҳ улуснинг зўри бўлди.
Музаффардан бўлак ҳам бешта шер бор,
Ки ҳар бири эрур суратда шервор.
Арога тушмайин совуқ аланга,
Жўнатгум ҳар бирин битта Ватанга.
Этиб Марвга Муҳаммадшоҳни ҳоким,
Абулмуҳсин, Абумаъсумни токим.

Юборсам Қандаҳср, Қундуз томонга,
Фаридуддин Ҳусайн, Бадиъуззамонга
Берай Балх бирла ҳам Лаъли Бадахшон
Ки қолмас ҳеч бири қалбида армон.
Музаффарни эса чархлаб ҳаётга,
Қиларман сўнг ҳоким Астрободга».
Хаёлда барча ишни шоҳ этиб ҳал,
Бегимга лек жавобни этди мужмал,
Бегим тинмай тадорикларни кўрди,
Макрни сочи янглиғ ёзди, ўрди.
Мажидиддин бериб гоҳи ўғитлар,
Гоҳи даҳшат ила таъбини хитлар.
Деди: «Шаҳзодага устоз даркор,
Ки бўлса жанг-жадалда марду шервор.
Навойга этиб шогирди сонпй,
Яна бермангки хор этгайсиз-они. :
Сипоҳдорликка кўпроқ жазм этсун,
Қилич бирла камонга азм этсун.
Сиёсат бирла топса эътиборе,
Билинг шунда иши олгай бароре.
Керак бир жангари сарбози шердил,
Ки ўлса зарбидан фил тортмайни тил.
Ижозат берсалар тун-кун қидирсам,
Бегимнинг ҳожатини тез битирсам.
Шитоб айлай бу ишда мисли жайрон»,
Хаёлида эди шербозу Тайрон.
Имо бирла деди мақбул маллика,
Суриб боз сурма чашми сурмаликка.
Келиб сўнг Беги Тайрон ишни бошлар,
Музаффар қалбига чангални ташлар.
Этибон ёш гўдак қалбини ром ул,
Ўзини суйдириб олди тамом ул.
Чунон ихлос қўйди унга Мирзо,
Беги Тайрон валомат эрди гўё.
Чопар эрди қилични икки қўлда,
Эди зарби баробар ўнгу сўлда.
Агар пойлаб йироқдан отса ханжар,
Беш ўн газдан томоқ ё кўзга санчар.
Камон тортганда исботи ўзидан,
Урарди кўкдаги қушнинг кўзидан.
Чопиб ўтгувчи отни мингай эрди,
Тўсинни мушт-ла урса сингай эрди.
Чиқиб жаҳли ғазабга тўлгани дам,
Агар бир урса соғ-қолмасди одам.
Соатлаб машқ қилиб не чарчагайдур,

Кеча-кундуз мудом хизматга шайдур.
Баҳодир, йўқ эди тенгу қиёси,
Бир айби бор эди кўнгул қароси.
Бўларди шод агар тўкилса қонлар,
Тушиб ишга қилич, найза, камонлар.
Улимдан кўрқмас эрди тик борарди,
Адў кўксини тарвуздек ёрарди.
Вале паст эрди обрўю нуфузда,
Шу боис доим эрди қалби музда.
Муродга етди охири саройда,
Пичоғи бўлди сўнг пишлоқу мойда.
Музаффарга бўлиб Беги Ато ул,
Нуфуз топди саройда бехато ул.
Ки яхшини ёмондан фарқлар эрди,
Музаффарни ғаразга чархлар эрди.
Ки Балх ҳокими Мирзойи Фаридун,
Эмиш катта нуфузда элда бул кун.
Навойи оғаси Дарвешалига,
Қўшилиб зид эмиш шоҳ Машъалига —
Ки Мирзойи Музаффар гўдак эрмиш,
Камол тошган чоғи ҳам сўтак эрмиш.
Абулмуҳси́н ила бирмиш забони,
Ки андин катта Бадиъуззамони,
Эмиш шоҳнинг валиаҳди замони,
Етармиш отса ҳар жойга камони.
Абумаъсум ила Мирзо Муҳаммад,
Эмишлар соҳиби жоҳ бемазаммат.
Чу шаҳзода уларга қарши турса,
Ки фарзиндек сипоҳу филни урса.
Муродига етармиш чекмайин ранж,
Эмиш лозим бу ишда кўп зару ганж.
Амаллаб бўлганича то валиаҳд,
Эрур даркор анга ҳар ишда кўп жаҳд.
Шу янглиғ ёш гўдак Мирзони қайраб,
Беги Тайрон узоқ вақт юрди яйраб.
Охир етилди Мирзойи Музаффар,
Бўлиб жангу жадалда чун ғазанфар.
Юришларда бўлиб подшоҳга ҳамроҳ,
Қозонди эътибор жангларда ҳар гоҳ.
Оғаси манъ ётарди гарчи жангдан,
Ажал тири чиқиб ногоҳ туфангдан.
Бўлар шаҳзоданинг умрига зомин,
Учи, кўрқмай ўқиб қисматга омин.
Отарди ёвга ўзни мисли қоплон,
Бўларди шод рақибдан оқизиб қон.

НАВОИЙ ЮРТНИ ОБОД ҚИЛИБ ИМОРАТЛАР СОЛГАНИ, БОЙҚАРО АЙШ-ИШРАТГА БЕРИЛИБ — МАБЛАҒСИЗ ҚОЛГАНИ

Улуғ шоир кетиб донги жаҳонга,
Ўзи ерда, ҳасли Қаҳқашонда,
Улус қайғусида кўп ишни қилди,
Ки шоҳлар қилмаган ташвишни қилди.
Хирот бўлди дилоро шаҳри обод,
Навонидан ранят хурраму шод.
Хуросон дафъатан кирди ривожга,
Безак камроқ қўйилди гарчи тожга.
Мунофиқ, аҳли ришват бўлди яксон,
Экиб донини роҳат кўрди деҳқон.
Низомдан ташқари ўлпон олинмай,
Ҳам элга устама солиқ солинмай.
Адолат тиклади ўзини бир пас,
Ки шодликнинг азал умри узунмас.
Бу дунё гарчи фоний ғамсародур,
Навоний шоҳ эмас, шоҳ Бойқародур.
У кўпроқ шаҳвату ишратга мойил,
Шудир ҳар шоҳга машғули тамойил.
Мажидиддин эди парвоначи — ғоз,
Қилиб кускашлигу ҳам шоҳга эъзоз.
Уят ишлар этиб мансаб қўйида,
Эди нойибисултонлиғ ўйида.
Гоҳи айлар дилоро қизни савго,
Гоҳи тўқирди бир бўҳтону ғавго.
Сиёсий айб қидирган чоғи ҳайҳот,
Топилгай ҳар шоирда юзта исбот.
Навоний шеърларин «гулдаста» айлаб,
Тиконини тегузарди атайлаб:
Охир тегди паловнинг тоши тишга,
Шоҳаншоҳ қилди шубҳа ҳар бир ишга.
Ичиб май, кимки сурса кайфи жонон,
Бўлар доим анинг йўлдоши Шайтон.
Туғаб бардошу сабр, инсоф, диёнат,
Шоирга қилди Шоҳ охир хиёнат.
Мажидиддин бу ишга бўлди боис,
Туғаб ақча бу олам асли ҳодис.
Деди шоҳ Бойқаро икки вазирга,
Хўжа Афзал ила Давлат Назирга.
Керак саккиз туман бир ишга маблағ,
Мажидиддин қарорини ёзди дағ-дағ.
Вале Давлат Назиру Хўжа Афзал,

Дейишди хазнада йўқ дона зарҳал.
 Боши гангиб аларга боқди Султон,
 Алам бирла ғазабдан эрди ҳайрон.
 Нечун шоҳменки бўлса бўш хазинам,
 Юраксиз қолдиму эй воҳ бу сийнам.
 Ки зарсиз салтанат жонсиз бадандур,
 Ки жонсиз тап жойи хоку кафандур.
 Вазирлар бир жавоб не айтди анга,
 «Бўлиб сичқон уёси мингта танга».
 Чиқиб таъзим ила ортга иккови,
 Қолиб шоҳ наздида ёнди қалови.
 Деди: «Шоҳим, иложи ақча бордур,
 Вале шоир Навоий беқарордур.
 Гадо, дарвешга очиб катта эшик,
 Хазинангизга солди ўша тешик.
 Кишилар йиғмайин қўйишди ўлпон,
 Вазирингиз барини қилди зиндон.
 Уқиб шеър гирдида қарсакқоқарлар,
 Фақир, толейи шуму битбоқарлар.
 Текин еб ётишар тоғ бермагай дош,
 Керак бу ишда бир нойиб кўзу қош.
 Ишониб бизга ёрлиғ берса шоҳим,
 Хазина тез тўлар, Оллоҳ гувоҳим.
 Не саккиз, ўн туманни шоҳи олам,
 Сўзингизга қилурман садқа шул дам.
 Навоий шум қадамни сургун айланг,
 Ки бунда айшу ишрат ҳар кун айланг.
 Агар борса бирор олис вилоят,
 Қулоқ тинчир бу гаплардан ниҳоят».
 Қаерда ақчадан чиқса жаранге,
 Эса шоҳми, гадо аҳволи танге.
 Қулоғини тутар унга шу онда,
 Ки ундан яхши куй йўқдир жаҳонда.
 Дебон маъқул ишорат қилди Султон,
 Мажидиддин ҳожатга чопди шул он,
 Навоийни қилиб таклиф шоҳаншоҳ,
 Деди дўсти ҳақиқий, дўсти Оллоҳ!
 Яна ўйлаб, хаёлга чўкди бир зум,
 Эди у ўзгалар раъинга маҳкум.
 Ақобирлар талаб этди — бадарға,
 Юборса то ани ўзга шаҳарга.
 Ки пойтахтда қилиб бўлмас бирор иш,
 Барини бирма-бир этгай у тафтиш.
 Бирор қиз ўлса ҳам рашкнинг тифидан,
 Қизаргайдир унинг кўзи йиғидан.

Гумон бирла неча бекларни осди,
 Аёвсиз ҳукм этиб муҳрини босди.
 Нима бўпти, гар ўлса бир гадо қиз?
 Деди, одамшакл бир феъли тўнғиз.
 Бу янглиғ айласа ишни давом ул,
 Қириб битгай акобирни тамом ул.
 Амиру бегу боён ҳар дили каж,
 Шу янглиғ кўрсатиб бонеу юз важ.
 Охири айлашиб Султонни рози,
 Мажидиддин посангидан тарози —
 Бўлиб оғир аларга босди ённи,
 Қи Султон ҳам ғанимат билди жонни.
 Ўзи ёлғиз на тенг келгай уларга,
 Қўйиб шоир уни ғам-қайғуларга.
 Эрур қувғун этишга ҳам муносиб,
 Бериб фармони олий муҳр босиб.
 Чиқди сабаб ҳамда бузилди аро,
 Мажбур эди шунга Хусайн Бойқаро.
 Эрди сиёсий муҳити тескари,
 Қолди иложсиз яна юрт сарварни.
 Тахтни дер, ёки Навоийни дер,
 Бешасини тарк этади қайси шер?
 Қайдаки шоҳ бўлса агар журъакаш,
 Андин ўлур аҳли замон кўнгли ғаш.
 Ҳақни талаб этгуси шоир муҳом,
 Эрди амал аҳлига зид ушбу ком.
 Элли алар не талайолгай эди,
 Ит каби қошиб не яллогай эди.
 Бегу амирлар қилибон машварат,
 Шоҳга талаб қўйди улар бу қарат.
 Жонга тегиб кетди Ҳақиқат Мири,
 Ҳам анга ён босса тариқат Пири,
 Лашкару доруғада йўқ обрў,
 Бегу амир хору ҳисобсиз адў.
 Эрта ғанимлар уруши бошланар,
 Муллаю шоирни кўзи ёшланар.
 Жаингга кириб лашкару сарбозингиз,
 Мардлик ила кўтарадур нозингиз.
 Айт шоҳим, навқару сарбози ғоз,
 Юртга керакму ёки сафсатабоз.
 Иккисидан танла бирин шаҳриёр,
 Бирн кетиб, бирн қолар шу қарср.
 Эрди иложсизу фикр қилди шоҳ,
 Чиқди ширин барчасидан тахту жоҳ.
 Деса Навоийни ўзи тоқ қолар,

Ҳамда ғаним иккисидан ўч олар.
 Тахти забун бўлса агар Бойқаро,
 Шоиру ҳам ўзи қолар ғам аро.
 Бўлса не деб, этди таваккал дағи,
 Қилди муаммоларини ҳал дағи.
 Дедик: «Шоир шеърини ёзадур,
 Чоҳқан эса ўзига чоҳ қозадур,
 Бегу амир лашкару сарбозимиз,
 Қилса не арз шартига биз розимиз.
 Лек Назойига не гард юқтиргай,
 Айтинг ахир унга нечук уқтиргай?»
 Аҳли амал барчалари ўй суриб,
 Чиқди алар барчаси бир туш кўриб.
 Гарчи пишиқ режалари бор эди,
 Ҳар бири бир маслагу иқрор эди.
 Журъат этиш оғир эди айтгали,
 Айтди чидолмай охири Мир Вали:
 «Шоҳи жаҳон умри дароз ўлгуси,
 Шодлиги чўху ғами оз ўлгуси.
 Астробод ҳокимиға жонишин,
 Бўлса Навоийи жаҳонофарин,
 Аҳли сарой қалбида қолмай ўкинч,
 Шаҳри Ҳирот бўлғай эди ҳамда тинч».
 Машварат аҳли бари бир жон бўлиб,
 Мир Валининг сўзига шодон бўлиб.
 Чиқди садо офарину оҳу воҳ,
 Сезде алар фитнасини сўнгра шоҳ:
 «Бунча тубан бўлмаса ағёрлар,
 Солмағай оғу бу сифат морлар.
 Астробод борса борар йўқ илож,
 Ходим эмас лек-деди соҳиби тож.
 Мири Алишер улуг зот эрур,
 Мансаб илинжидан у озод эрур.
 Шоҳга вазиру чу шоҳаншоҳ эди,
 Элу улус дардидин огоҳ эди.
 Бўлғай уёт этсак агар жонишин,
 Ҳоким ўлиб борса муносиб тағин.
 Яхши амал бирла чу дилшод қилур,
 Астробод мулкини обод қилур».
 Ушбуки фармони ҳумоюн эди,
 Лекин шоҳаншоҳ дили маҳзун эди.
 Дўсти Навоийга сўнг ул беҳбуд,
 Дедик: «Йўқ шуҳратингизга ҳудуд.
 Хизматингиз лозим ўлиб дафъатан,
 Мақбул этиб аҳли сарой анжуман.

Сизга умид кўзи тутардик мана,
 Ҳоким этиб сизни кўтардик яна.
 Астробод мулки қаламворисиз,
 Дўсту таянч шоҳ мададкорисиз.
 Гоҳи ҳаво ўзгарибон шод этар,
 Борки сухандон бари ижод этар.
 Сизга шараф-шон, қарор ўлди шу,
 Орзу тилак, ишга барор ўлди шу.
 Шоҳ буюрса киши не йўқ дегай,
 Шоҳи камон тортса биз ўқ дегай.
 Чиқди улуғ дўстига қуллуқ қилиб,
 Дўсту ҳам ҳукмини қутлуғ билиб.
 Ушбу жаҳон мулкида ҳар одами,
 Шоҳми-гадо доим ўлар бир ками.
 Ҳазрати Жомийга қилиб хайру хўш,
 Кетди шоир ўша маҳал дилда жўш.
 Астробод мулкини обод этиб,
 Юрди шойр шеърини ижод этиб.
 Турфа ҳикоётки машҳур эрур,
 Ушбуси чўпчак каби манзур эрур:
 «Ёллашибон бир кишини қатлига,
 Аҳли зулум топмай илож адлига.
 Солса у бадбин заҳар ошиға,
 Қулфату ғам элу улус бошиға.
 Бор эди бир жон қўриғи содиғи,
 Етмас эди унга ғанимнинг тиги.
 Ҳам бор ўлиб ходими номанзури,
 «Соя» эди аслида ул Мансури.
 Майда ғаразларга у масъул эди,
 Ақча, амал орзусида қул эди.
 Етса Навоийга зиёну зарар,
 Ваъда қилишди амалу молу зар.
 Ҳамда сарой хизматига эш бўлур,
 Бекми, амирларга куёв-хеш бўлур.
 Шубҳали шахс бўлди ахир сирри фош,
 Тўкди тавалло била у қонли ёш.
 Тавбасини этди қабул авлиё,
 Лек давом этди шиканжу риё.
 Гарчи бироз рутбаси бўлди қуйи,
 Оғу солиш эрди хаёлу ўйи.
 Асти киролмас эди кошонага,
 Топди вале йўлини «дардхонага».
 Борди тубан охири андишага,
 Лой қориди хокни қўшиб шишага.
 Сўнг қуритиб майда қурум айлади,

Мустахабу ҳожат учун шайлади.
 Эски кесакларни этиб бартараф,
 Қўйди кесувчи кесагин сафма-саф.
 Кимса бу ишнинг тагига не етар,
 Бўлса бўлар, орқаси бир жиз этар.
 Тушди бу ҳолатга вале ўзга шахс,
 Эрди кесак қўйгучи Мансури наҳс.
 Бўлди кесакдонни кўриб барча лол,
 Шиша эди кесак аро тигмисол.
 Бўлди мутойиба қизиқ ул кунни,
 Билди охирида Амир ҳам уни.
 Чорлади Мансур келиб дилдираб,
 Чўкди тани сезди ўлим қалтираб.
 Деди Навоий анга: «Сурбет эдинг,
 Барча биларди ғаламус, кет эдинг.
 Қотилу гумроҳу чу бесармудинг,
 Устига боз кетни кесармудинг?»
 Елкасига кесагин орттиртибон,
 Мансурни этдирди Ҳиротга равон.
 Икки нигоҳбон эди ўнг-сўлида,
 Банд ила занжир оёқ-қўлида.
 Келди улар, битди сафар муҳлати,
 Етди шоҳаншоҳга Амирнинг хати.
 Гарчи эди кулгили бу кори ҳол,
 Лек замирида эди ўзга фол.
 Айлади шоҳ Мансурини тафтише,
 Чиқмади жаҳд этмоғидан бир ише.
 Ҳақ тагига етмоқ учун шаҳриёр,
 Охирида айлади шундоқ қарор.
 Дедикки Мансурга: «Худоба қасам,
 Ростини айтсанг қиладурман карам.
 Йўқса кесаклар етар бошинга,
 Мажбур этарлар уни чайношинга».
 Айтмаса билдики ўлиши аён,
 Сирни очиб дедикки: «Шоҳи жаҳон,
 Берди саройбоши шу хил топшириқ,
 Хоҳ кечинг, хоҳ уринг энди тиг».
 «Қим» — дея ул сўрди яна Бойқаро,
 «Бош вазир» — деди у бахтиқаро.
 Бўлди хижил мунгли бу ҳолатда шоҳ,
 Дўсти азиздан чу маломатда шоҳ.
 Оқди суву ўтди баҳор ўзгача,
 Ёзу кузу қаҳрида қор ўзгача.
 Ҳафтаин кун ой ила сўнг икки йил,
 Чекди фироқ дўсти азиз муттасил.

Астробод мулкани маъмур этиб,
Бўш садафини у тўла дур этиб.
Қилди чунон ишки буюклар қилур,
Элу улус юртга суюклар қилур.
Бунда эса аҳли сарой дил эзар,
Бириси ғар, бири эса кеткесар.
Фитна солиб Балх ила Қундузаро,
Бош вазир чикди бутун юз қаро.
Келди топиб важ ва далил Қашқирн,
Эрди шоҳаншоҳга атоғлиқ тири.
Бегим ила тилларини бир этиб,
Ҳаққа макр тигини шамшир этиб.
Балхда Фаридун ила Дарвешали,
Айлади исёну кўнгил долғали.
Бонси малъун юбориб «тилларин»,
Васвасага солмиш алар дилларин.
Дебки: «Фаридунни этиб банди шоҳ,
Айлагуси зеру забар — зерн чоҳ.
Мири Алишерга бериб заҳри хос,
Айлади андин дағи элни халос.
Берди Музаффарга ярим давлатин,
Шоҳлиғу боду бурут савлатин.
Бадиъуззамон эрди валиаҳд аввал,
Йиқди Музаффар ани топди амал».
Бу гапу сўз бўйла Хуросон аро,
Ёзди қанот қарға каби гамсаро.
Қолди улуғ шоҳ яна ташвишда кўп,
Жон бор эди турфа бу миш-мишда кўп.
Балхдаги исён ҳали тинмас эди,
Тиги қасос аҳлини синмас эди.
Борса, Навоийни кўриб ўз ини,
Ютгай эди тигини қайта қини.
Ҳамда Фаридунга бўлиб иш аён,
Қон бўлиб бунча не айларди қон.
Тулки Мажидиддин эса гап чўзар,
Энди товукдек пати онинг тўзар.
Лек яна этди сабр Бойқаро,
Тафтиш этиб барчасини ғамаро.
Қолмади лек шубҳа гумони анинг,
Келди томоғига чу жонн анинг.
Бош вазир ҳийлаю найранг ила,
«Балхни босинг шоҳ — деди — жанг ила,
Барчасини сўнгида тафтиш қилинг,
Адлу ҳақиқат била ҳам иш қилинг.
Зарра гуноҳ бўлса фақир бошида,

Янчинг уриб сўнгра ғазаб тошига».
 Бўлса агар жангу жадал бош вазир,
Шоҳи жаҳон ошса агар тоғу қир,
 Уйладки от сурадир сўнг йироқ,
 Рум ила Қафқозми ва ёким Ироқ,
 Молу зару барчасини жам этиб,
 Аҳлу аёлин дағи ҳамдам этиб,
 Ақчаю зар бўлса топилгай паноҳ,
 Йўқса уни шоҳ қилар зери чоҳ.
 Бонси фош бўлди гуноҳу сири,
 «Улмаи ўле, қолди тирик ҳам Мири».

Гарчи на бўҳтон эди ҳақ режаси,
 Уйқуси қочди уни шул кечаси.
 Шер каби шоҳ қоқди ноғора, юриш,
 Балх итобига беролмай. туриш.
 Чиқди ўғул тиг кўтармай тамом,
 Эрди лекин қаҳру ғазабда авом:
 «Шоҳки Навоийни тўкиб қонини,
 Дев каби ҳам олди анинг жонини.
 Қонга-қон, бонси исён шудир,
 Ҳақ йўлида хоҳиши имон шудир».

Эрди улус раҳбарни Дарвешали,
 Эл ғазаби оташиннинг машъали.
 Бас келиши шоҳнинг эди кўп қийин,
 Васваса қуршаб дилида сўнди кин.
 Ҳамда Навоийни соғинган эди,
 Елғиз ўзи шамшири синган эди.
 Икки йили қишу баҳор ўтди соз,
 Айш ила ишрат ва шикор ўтди соз.
 Ҳамда Навоийни бўлиб бағри қон,
 Келса кўриб эл бўладир шодумон.
 Устига боз дебдики Махдуми Нур:

«Шоҳ Навоийга ғазабнок дурур.
 Қимсаки дўст қадрига етмас агар,
 Бўлса мудом қилмиши кони зарар.
 Кўкда худо, ерда улус суймагай,
 Аждари жоҳ қонга сира тўймагай».

Ушбу маломатни тахайюл этиб,
 Барчасидан сулҳни мақбул этиб.
 Ғамдан эгиб бошини ҳайрона шоҳ,
 Дедки, кўп чекди азиз дўстим оҳ!
 Тикди чодир Балхдаю хат битди ул,
 Дўсти Навоийни кейин кутди ул.
 Бош вазир ёнида махсус эди,
 Даҳшатаро турқи ўлик тус эди.

Хос амирни этиб кўз қулоқ,
Шерни чангида эди чун улоқ,
Утдию қўш ҳафтаю пайғом этиб,
Келди Навоий ўша оқшом этиб.
Билдики кўп оғир эди кору ҳол,
Шоҳи эди ғамзадаю бастабол.
Кўрди Алишернию дилшод ўлиб,
Қайта бузуқ кўнгли чу обод ўлиб.
Бўлди зиёфат ўша кеч кўп қуюқ,
Гоҳи ўқиб «фард» алар гоҳ «туюқ».
Сўзлади бор гапни анга Бойқаро,
Эрди руҳи тушкуну мотамсаро.
Ҳамда Фаридунни этиб азли тахт,
Балхда подшоҳ эди кўп талхбахт.
Деди Навоийга у: «Эй беназир,
Барчасига шубҳадамен бош вазир —
Айбли эрур, хона қамоғидадур,
Энди адил тиги томоғидадур».
Тонг оқариб шўришу исён сари,
Борди Навоий миниб от жангари.
Дедики: «Қим шоҳга зид паҳлавон?»
Кўриб ани бўлди улус шодумон.
Йўқ эди атрофида кўп лашкари,
Бор эди хос бешми-ўн навкари.
Кўрди оғосинию Дарвешали,
Билди тугаб жанг этиб сулҳ гали.
Деди раиятга шу пайт: «Ал-амон»,
Кетди алар ҳар бири уйи томон.
Мири замон қалбида тугён отиб,
Оғасига гарчи у қаттиқ ботиб.
Деди: «Навоий чу ёмон, яхши бўл,
Мунгли улус — элни сурурбахши бўл».
Дарвешали келди пушаймон этиб,
Гарчи гуноҳ шўр ила исён этиб.
Юмшамоди эрди дили кўп қаро,
Тафтиш учун этди ҳибс Бойқаро,
Бош вазир бирла иккови асир,
Иккисига соқчию чодирни бир.
Дўст ила душман деки бир хонада,
Қим биладур не эди паймонада.
Қун кеч ўлиб тонгда не бўлгай аё,
Барчасини билгуси қодир худо.
«Икки асир бир-бирини еб қўяр,
Очу зўри ожизини еб тўяр», —
Ушбу хаёл эрди Ҳусайн бошида,

Зулм чақилгуси адил тошида.
 Иккисини тафтиши чўх айлагай,
 Бирини сув, бирини чўғ айлагай.
 Иккисининг аслаҳаси йўқ эди,
 Бирн нишон, лек бириси ўқ эди.
 Бош вазири илкидаги муҳри хос,
 Кўзида бор эрди заҳар беқиёс.
 Зарра ғаним бурнига искатса гар,
 Ушбу жаҳондан кетар эрди бадар.
 Ухлади Дарвешали чарчаб эди,
 Уйқуда оғуни бир искаб эди.
 Чиқди анинг жонию чиқмай саси,
 «Шилқ» этиб тушди кейин калласи.
 Тонг отишин кутди нойибсалтана,
 Даҳшат эди ёнида жонсиз тана.
 Чекди кўриб оғаси мотам анга.
 Ким эди ёлғиз, яқин, Хотам анга.
 Бўлди ўсал Бойқаро сарнигун,
 Олдию шамширини ул багри хун.
 Бош вазир бошиға бир урдиё,
 Қалласини этди танидан жудо.
 Боқди Навоийга деди: «Бандалнк,
 Ғийбату пғво, бари шармандалнк».
 Қайтди Ҳирот иккисн дўсти азал,
 Шоҳ эмас Оллоҳ этадур ишни ҳал!
 Баднъуззамон Балхга ҳоким бўлиб,
 Қайтди Фаридун мутеъ, жим бўлиб,
 Сўнг йил ўтиб қайта уни шаҳриёр,
 Ҳоким этиб ҳам юбориб Қандаҳор.
 Бўлди тамом ушбу ҳикояту сўз,
 Асли мурод барчасидан дилфирўз.

ЖОМИЙ, НАВОИЙ ВА МАВЛОНО ЛУТФИЙ СУҲБАТИ ҲАМДА МАЛИҚ УЛ-КАЛОМНИНГ МАХДУМГА ВАСИЯТИ

Келди баҳор эрди Ҳирот дилрабо,
 Асли ўзи ушбу жаҳон бебақо,
 Кимса бу оламда очиб кўзини,
 Айтди қачон улгурибон сўзини.
 Дилда қолар ҳасрату армонимиз,
 Воҳки, ногоҳ чиқадур жонимиз.
 Биздан эмас они кетиш келмаги,
 Ҳамда ажал довуллини елмаги.

Одами умри эса ёнгувчи шамъ,
 Эсса ўлим ели ўчар ўша дам.
 Бор бугун эртага йўқ ул киши,
 Лек бир эрур кексаю ёш ташвиши.
 Ўйлагай ул токи не қилса ҳаёт,
 Бергай анга лаззату маънию тот.
 Ёш йигиту қиз ила кампиру чол,
 Сурса сураб барчаси бир хил ҳаёл.
 Ушбу жаҳон барчага бирдай гўзал,
 Эганича токи шамоли ажал.
 Ким этадур умрини бекор хароб,
 Кимни этар мушрику марҳум шароб.
 Кучу мадор мисли улус белиға.
 Ким ани садқа қиладур элиға,
 Ҳар не ўтар эзгу илм қолгуси,
 Хотирайи шахси ҳилм қолгуси.
 Чолу йигит бошда ҳаёл пойма-пой,
 Айни баҳор майса-кўкат, йўлчи лой.
 Деҳиканор эрди сўлим бир равот,
 Сурди икков гашт билан ундан от.
 Эрди Ҳирот кўчалари мўътадил,
 Сайр этибон ёзиладур хастадил.
 Мисли зилол сувли булоқлар оқар,
 Гул ила райҳон бўйи дилга ёқар.
 Булбулу қумри қиладур хушнаво,
 Еру самою тегарак хушҳаво.
 Кимса бу пайт уйида ётмас сира,
 Сайру саёҳат тилагай хотира.
 Лутфийи устоз эди пири зол,
 Эрди нуроний юзу ҳам оқсоқол.
 Оқ эди яктак ила иштонн ҳам,
 Авраю йўл-йўл эди чопони ҳам.
 Йўқ эди чун номига бир зийнати,
 Содда улуғвор эди лек тийнати.
 Қалбида лек мулки жаҳон жо эди,
 Пири замон шоирн якто эди.
 Деб: «Калом шоҳи» адаб олами,
 Кўп эди дўст, муштарию ҳамдами.
 Ёнидаги ёш йигит инчунон,
 Эрди анинг хизматида бегумон.
 Йўлга тушиб «мулки суҳан сарвари»,
 Ният этиб Жомийн Маҳдум сари.
 Боргай эди дилда соғинч иштиёқ,
 Ҳазрати Жомий эди бир қалби тоғ.
 Суйгай эди «шоҳи суҳанни» жудо,

Бўлгай эди кўрса ани дилкўшо.
 Ҳар не иши барчасини жам этиб,
 «Сўз шоҳи»нинг кўнглини хуррам этиб.
 Яхши кутиб Жомийн Махдуми Нур,
 Бергай эди қалбига завқу сурур.
 Ёши магар юз ёки тўқсон эди,
 Лек шоир қалбида тугён эди.
 Икки йигит қўш ила ер ҳайдашиб,
 Лутфийн устоз шеърини куйлашиб,
 Кўнглига шодлигу севинчлар бериб,
 Не ғаму армону ўкинчлар бериб.
 Этди буюк зотни алар шодком,
 Бу эди шоирга улуғ эҳтиром.
 Ёнидаги ёш йигит шодумон,
 Деди: «Бу шеър бўлгуси вирди забон.
 Аҳли Ҳирот, балки Хуросон аро,
 Туркпараст даврайи даврон аро».
 Қилди табассуму демай ўзга сўз,
 Тикди йироқларга даҳо сўнгра кўз.
 Лойни эзиб оти борарди жадал,
 Муҳр босиб ер уза тўртта наҳал.
 Ортиб анинг муҳри ҳисобдан зиёд,
 Очди кейини эшигини воз Ҳирот.
 Қирди шоир уйига сўз сарвари,
 Отларини боғладию чоқари,
 «Ичкарига» — деди, қилиб ытифот,
 Чиқди вале уй ичидан шул заҳот,
 Жомию ҳам Мири замон хушқалом,
 Деди алар «сўз шоҳи»га «ассалом».
 Олди саломга алику сўнг «Малик»,
 Деди кулиб байти гўзал ишвалик:
 «Жамолнинг шамъига парвона келдим,
 Фироқнинг ўти ичра ёна келдим».
 Бу байтдан яйрабон айлаб табассум,
 Деди сўнгра жавобан унга Махдум:
 «Эшик очигу ой янглиғ тешиқдан
 Дилимга кирдингиз, кирмай эшиқдан».
 Қилиб таклиф сўнг меҳмонларини,
 Улуғ Жомий сочиб эҳсонларини,
 Деди: «Мир ташрифи эркан башорат,
 Ки сиздек бир улуғ зотга ишорат».
 Бўлиб хушсуҳбату ҳар икки устоз,
 Гурунглашди Навоийн суҳансоз,
 Утирди жим алар қилса хитобе,
 Берар эрди саволларга жавобе.

Шогирд эрса фақат хизматда бўлди,
 Улуғлар лутфу ҳам иззатда бўлди.
 Аларнинг суҳбатин бузмасди ҳеч ким,
 Қулоқлар динг эди оғизлари жим.
 Шоир хони мудом эрди ясоғлиқ,
 Ичилди чой, палов ҳам келди ёғлиқ.
 Ки устозлар фақат сўзга бериб зўр,
 Чиқиб ҳар икки шогирд лек ошхўр.
 Уқилди фотиҳа Лутфий турар чоқ,
 Дедик: «Ҳазратим, соғинча муштоқ,
 Атаб сизга битибдурман қасида,
 Ки биз форсийда бир оз норасида».
 Олиб ҳурмат ила шеърини Жомий,
 Деди: «Бошимга дур, устод каломи».
 Уқиди сўнг чиқориб онн овоз,
 Шу янглиғ битган эрди шеърпардоз:
 «Лабингдан чиқса сўз озиғи жондир,
 Юзинг сўз гулшанида гулфишондир».
 Қилиб таъсир, этиб Жомийни шодон,
 Деди Лутфийга сўнг ҳам лолу ҳайрон:
 «Бу янглиғ бўлди бир улкан мукофот,
 Жавоб айтишга биз ожизмиз устод.
 Ки арзир ҳар неча десак ташаккур,
 Улуғ зот бошидан сочиб зару дур».
 Йўйиб сўзани сўнг Лутфий ҳазилга,
 Деди: «Лутф айласангиз хастадилга.
 Гадони шоҳ қилинг қўпсин чу ғавғо,
 Этинг эски чопонингизни савғо».
 Қулишди барчаси шу лаҳза шодон,
 Қозиқдан олди тўннини сухандон.
 Бир-икки бор кийилган янги эрди,
 Фақат бир оз синиқроқ ранги эрди.
 «Гадони шоҳ этибон» Нури Махдум,
 «Сухан шоҳига» тўннини ёпди шул зум.

* * *

Утиб йиллар: баҳору ёзу қишлар,
 Хазондан сўнг бўлиб боз кўкаришлар.
 Беш-ўн йил орадан ўтди чалиб занг,
 Бола улғайди, кекса бўлди қартанг.
 Шоир ўз кулбаси Деҳиканорда,
 Узилиш сизди охирги баҳорда.
 Эди ёши анинг тўқсонун тўққиз,
 Тетиклик кетди қолди қалтираб тиз.

Юришга қолмайин шавқ иштиёқи,
 Суянчиғи қалам бирла таёғи.
 Гоҳ илҳом кекса дилни қўпдирарди,
 Қалам бирла қоғозни ўптирарди.
 «Қўлидан куч, кўзидан нур кетибдур,
 Вале не завқ ила шуур кетибдур».
 Ўзидан-ўзи гоҳ титрарди илки,
 Хаёлига етолмас эрди килки.
 «Шоирлиғ шуғли бирла кексайибман,
 Кучим йўқ мисли ожиз бир майибман»,
 Дея гоҳо қилар эрди тафаккур,
 Ки ҳар қалби тирикка минг ташаккур.
 Баҳордан сўнгра ёзу куз-хазон бор,
 Ки то тургунча бу фоний жаҳон бор.
 Шоир қалбидаки шавқ ўти ёнгай,
 Яратган бирла килкига ишонгай.
 Чу илҳом оти келди қамчи босди,
 Шоир умрида сўнгни байтни ёзди.
 Давомини қилолмасдан тахайюл,
 Бериб шогирдига этди равон ул:
 «Тугатсин бу ғазални Маҳдуми Нур,
 Кейин «Девонга» қўшсин бўлса манзур».
 Ародан ўтмайин бир-икки кун ё,
 Улуғ шоир вафот этди, худоё.
 Нуригдан манзилин этгил чароғон,
 Анинг мушкулларин ҳам айла осон.
 Эди Лутфийдан ул сўнгни васият,
 Ки Маҳдум кўргузиб ҳурмат, ҳамият,
 Бўлиб риндона бир шўхчан гўзал байт,
 Тугатди Ҳазрати Жомий топиб пайт.
 Дилида Лутфиёна лутфи жўшди,
 Ғазални сўнгра «Девон»ига қўшди.
 «Хитой кофурига бўлгунча хуштор,
 Йўлиқса тошюрак қиз яхши юз бор».
 Бу ҳақда сўнг Навоийга очиб гап,
 Турардилар улуғ шоирни эслаб.
 Навоийни севиб Лутфий ўғулдек,
 Билар эрди ижод боғида гулдек.
 Ҳикоят борки шоири замони,
 Ки «Девон» бирла бир шеърини они,
 Алишмак ихтиёрини қилибдур,
 Ўзидан аржуманд они билибдур.
 Ижод аҳли уялмай лофни урғай,
 Гўзал сўз мулкининг гаштини сурғай.

Эрур туркий улусда икки доҳий,
Не хил айтмангки Лутфию Навоий.

ПИРИ ТАРИҚАТНИНГ ЧУНГ ТАФАККУРИ ВА МИРИ ҲАҚИҚАТНИНГ УЙҚАШ ШУУРИ

Алишери Навоий бирла ҳар зум,
Замон устози шоир Нури Махдум,
Кўпинча ўзаро суҳбат қурарди,
Гоҳи фикрига мос килкин сурарди.
Тугатгач «Етти тахт», «Девон»ларинни,
Қилиб обод илм бўстонларинни.
Яна бир шоҳасар ёзди жаҳонда,
«Баҳористон» баҳори беҳазонда.
Назм бирла насрдан ул иборат,
Ки саккиз бобида саккиз ишорат.
Анинг ҳар фаслида турфа ривоят,
Қилар эрди улуғлардан ҳикоят.
Жаҳонгир шоҳу шоир аҳли фозил,
Ҳақида фикр этиб устоди одил,
Садоқат севгию сидқу вафони,
Ҳалол поклигу эҳсону сахони.
Улуғ Махдум этиб дилдан тараннум,
Қилиб кўп нарсаларни элга маълум.
Навоийга бағишлаб ул китобда,
Шу хил зикр айламиш еттинчи бобда:
«Бўлиб бизга замондош бир аслзод,
Этиб адли билан юртини обод.
Яқин тутмиш уни ўзига Оллоҳ,
Эрур шоҳга таянч доною огоҳ.
Камоли ҳуснидан эзгу асорат,
Илм — ижодда у айлаб жасорат,
Самовотга нужум михини қоққай,
Кўёшу ой мисоли элга боққай.
Самода гарчи ул юксак юқори,
Валекин камтаринлик ифтихори.
Эрур эл бахти бирла бахтиёр ул,
Камолот соҳиби комилиёр ул.
Маориф аҳлининг ғампарваридур,
Замон шоирларин сардафтаридур.
Буюк туркий улусда килки кашшоф,
Агарда ростин айтсак қилмайин лоф».
Асарда кўп эрур эзгу фазилат,
Йўқ ортиқча гапу сўз бирла иллат:

«Сўраб бир зот Ҳаким фикрини билгай,
 Емак қасдида ким қандоқ шошилгай?
 Жавоб берди Ҳаким ул шахсга дарҳол:
 Бадавлат қорни очиб бўлса беҳол,
 Фақир зот қайдаки овқатни кўргай,
 Таваққуф айламай ўзини ургай.
 Мудом ҳар камбағалнинг кўзи лўқдир,
 Ўзини бой санар гар қорни тўқдир.
 Қаноат аҳли бор очликни билмас,
 Ичи сурнай чалиб асло шошилмас».
 Баробардир шоирнинг сўзи зарга,
 Назм устозлари тушгай назарга:
 Дақиқий, Фаррухию Шайхи Аттор,
 Улуғ Фирдавсию дарёйи ашъор —
 Камолу Ҳофизу Саъдийи Шероз,
 Ки эрди барчаси Жомийга устоз.
 Аларга бахш этиб турфа ҳикоят,
 Кишига завқ бағишлар эрди гоят.
 Имо доногаю нодонга тўқмоқ,
 Эрур шарҳидан афзал они уқмоқ.
 Олиб устозидан шогирди ўрнак,
 «Мажолис ун-нафоис» отди куртак.

ТАФАККУР ШАББОДАСИ ЕЛГАНИ ҲАМДА ЖОМИЙ ВА НАВОИЙ БИР ФИҚРГА КЕЛГАНИ

Ижод бирла илмда кўп тешиб дур,
 Буюк Жомий қилиб эзгу тафаккур,
 Яратди аввал у «Нақши фусус»ни,
 Кейинроқ битди ҳам Нақдун нусус»ни.
 «Узук кўзига безак» бири эрди,
 «Аниқ бурҳон» бирининг сирини эрди.
 Яна «Шуъла» ила «Шуъла зиёси»,
 Ва «Мазҳаблар ҳақида» йўқ қиёси,
 Асарлар ёзди аъробий забонда,
 Аларнинг ҳар бири машҳур жаҳонда,
 Сўфийлик таълимига доир эрди,
 Улуғ Жомий машойих шоир эрди.
 Валекин таркидунёликка зид ул,
 Топиб фикрат уйига мос калид ул.
 Келиб юз йилда бир Пири тариқат,
 Топар нашъунамо ундан шарият.
 «Ҳирот Пири» изидан Нақшбандий,
 Эди иккинчи зоти аржумандий:

«Қўлинг ишда хаёлинг ёрда бўлсин,
 Худо кўнгилда дил дилдорда бўлсин».
 Тариқат пешалар ҳукми шу эрди,
 Уларнинг таълимоти эзгу эрди.
 Шу йўлдан борди илдам қалби нурвор,
 Жаҳондан ўтди охир Хўжа Аҳрор.
 Бериб навбатни Махдуми замонга,
 Ки Пирнинг таърифни кетди жаҳонга.
 Сулукида эди амри унинг шаръ,
 Дебон: «Одам табиат ичра гавҳар»,
 Улуғлаб ҳам уни ёзиб китоблар,
 Қилиб Оллоҳга дилдан кўп хитоблар.
 Ёзиб наққошлигу санъат ҳақида,
 Фикҳ қонунию давлат ҳақида,
 Аруз илми, мусиқа — куйга оид,
 Дақойиқу тафаккур — ўйга оид.
 Битиб форсий ила лафзи арабда,
 Яратди янгилик илму адабда.
 Луғат ҳам тузди ул чекиб машаққат,
 Эди қалбида бир улкан муҳаббат.
 Ки бордир бир китоби «Шарҳи мулло»,
 Хуросону Ажам мулкида илло,
 Бухоро шаҳрида ҳам «Мирараб»да,
 Ки бешюз йилдан ортиқ аҳли табда,
 Араб тилида дарслик — ўқитилган,
 Улуғ Жомий узоқни кўра билган:
 «Уринма беҳуда ишларга ҳеч ҳам,
 Бир иш қил аҳсант айтсин аҳли олам».
 Билиб Жомий бу сўзни мисли дастур,
 Қиларди қилса не оламга манзур.
 Йўқ эрди унга тенг нурн сафойи,
 Бағайри шоиру дўсти Навойи.
 Эди ихлоси унга кўп баланде,
 Бириккан чоғи икки аржуманде,
 Этарди мушулотлар бўлса не ҳал,
 Беришиб бир-бири фикрига сайқал.
 Келарди донмо ишда барори,
 Уларнинг бир эди аҳду қарори.
 Утирса гар ижод мизига Махдум,
 Бўларди лутфидан ташрифчи маҳрум.
 Гадоми шоҳ ва ё саргашта султон,
 Кутарди ё кетарди дилда армон.
 Саҳардан чоштгоҳ бўлгунча устоз,
 Қилар эрди тахайюл бирла парвоз.
 Қалам илкидаги чобуксавори,

Тушиб гоҳ Руму гоҳ Чинга гузори.
 Хўтан оҳуси гоҳ чангида шервор,
 Таратгай гоҳи анбар — мушки тотор.
 Гоҳи дўстга дили арзин етургай,
 Гоҳи бир янги пайғомлар кетургай.
 Бағишлаб ўзини илму ижодга,
 У ўрганган эди шундоқ ҳаётга.
 Валекин етса гар Мири ҳақиқат,
 Мудом шод қаршилаб Пири тариқат,
 «Қадамларга ҳасанот, марҳабо» — дер,
 Келиб хушнуд этарди Мир Алишер.
 Ёзишни тўхтатиб айлаб мулоқот,
 Ёзарди кўнглини шоҳи хаёлот.
 Навоий ҳар маҳал борганда мумтоз,
 Ижод мизида бўлгай эрди устоз.
 Сўрашиб ҳолу аҳвол аввалида,
 Кейин ишга ўтишгай ўз галида.
 Қовушиб гаплари устоз гапига,
 Навоий ўтди сўнг ўз матлабига.
 Дилида бор буюк орзуни очди,
 Не деркин деб хаёли сўнгра қочди.
 Мабодо келмаса устозга мақбул,
 Ва ёки ранжиса соҳибтахайюл,
 Дея сўнг сўзни бурди шу йўсунда:
 «Хўжа Ансорийдек бу даҳру дунда,
 Тариқат ва шарнат шайхи камдур,
 Ки пирлар ичра ул соҳибқаламдур.
 Бўлиб Шайх сўфиларни бешта турга,
 Илоҳий нур бериб фикру шуурга,
 Тариқат ва шарнат шоҳларини,
 Худонинг ердаги дилхоҳларини.
 Фақат юз чоғлиғини тилга олган,
 «Табақот»га киролмай кўпи қолган.
 Алар ному нишони бу жаҳондин,
 Учиб кетса улус билгай қаёндин?»
 Илиб шогирд сўзин устози Жомий.
 Улуғлаб деди: «Ансорий киромий,
 Буюк ишларга андоқ хома урган,
 Фариб ҳам они ўқиб кўзга сурган.
 «Табақот»ни аввал Шайхи Нишопур —
 Ки эрди Суллабий соҳибтафаккур,
 Ёзиб аҳли жаҳонга тухфа этган,
 Савоб ишлар қилиб рихлатга кетган.
 «Табақот»дан кейин Ансорий устоз,
 Шогирдларга бериб таълими мумтоз,

Мудом таҳрир этиб айлаб мукэммал,
 Бериб ўз билганича зебу сайқал.
 Тамоман янги бир тўплам яратган,
 Ҳузига аҳли урфонни қаратган.
 Ва Ансор гулшанидан ис уфурган,
 Қоғозга сўнгра шогирди туширган.
 Солиб Шайх Суллабий онинг асосин,
 Яратган Ҳўжа устоз иқтибосин».

Тугатгач сўзини устоди Махдум,
 Одоб бирла Навоий деди шул зум:
 «Ёзибдур «Авлиёларнинг ҳақида»,
 Кейинроқ Шайхи Аттор ҳам ақида.
 Муҳим манба асарда гарчи бисёр,
 Китобга кирмаган кўп сўфилар бор».

Еришиб юзлари устози қулзум,
 Деди шогирдига айлаб табассум:
 «Гапингиз филҳақиқат тўғри шоир,
 Кирулмай у китобга кўп муосир,
 Азизу авлиё бўлгай фаромуш»,
 Бўлиб устоз сўзидан сўнгра дилхуш,
 Навоий деди ҳар икки асарда,
 Бурунги ва муосир баҳру барда,
 Таниқли кўп машойих зикри қолмиш,
 Аларнинг не бу ҳақда фикри қолмиш.
 Барини жамъ этиб битта китобга,
 Ёзолса гар киши қолгай савобга.
 Йўқ эрса ул азизлар оти ўчгай,
 Ки авлодлар дилидан ёди ўчгай.
 Барини тенг тутиб одил назарда,
 Ҳузингиз ёзсангиз устоз агарда,
 Бўлар эрди улуғ бир мўъжизотдек,
 Азизлар таърихидан хотиротдек».

Навоий илтимосин айтди охир,
 Сўзи устозга ботмай они оғир,
 Ва аксинча қилиб шодон табассум,
 Навоийга деди ҳайратда Махдум:
 «Башорат қилдингиз Мирим зикрда,
 Эканмиз иккимиз бир хил фикрда.
 Эди бошимда кўпдан бу хаёлот,
 Суриб фикрим азизлар кўйинга от.
 Ёзишга гарчи имкон анча бордур,
 Қилурман сарф кучимни қанча бордур».

Бериб устозига далда Навоий,
 Дедики: «Лавҳи ёдингиз сафойи,
 Ки бир йил, ё яримга иш чўзилмас,

Улуғлар ўз кучини гоҳи билмас».

Кетиб шубҳа-гумон кўнгли бўлиб чоғ,

Навоий устидан гўё қулаб тоғ.

Бу ишга бўлди устоз икки йил банд,

Ширин бўлмас оғиз деган билан қанд.

«Муқаддас дўст ҳузурининг шамоли»,

Эсиб урфон гулин очди баҳоли.

Улуғ шайхлар ҳақида шоҳасарким,

Сиқиқ маъноси дурдек мухтасарким.

Навоий ўпди, кўзга сурди они,

Деди Жомийга: «Эй пири маоний,

Ёзибдурсиз чекиб шунча машаққат,

Ки туркийда: «Насойимул-муҳаббат», —

Дебон табдил этиш ўлгай муродим,

Бу йўлда Ҳақ эрур мушкилкушодим».

Адаб аҳлига маълум ушбу ишлар,

Ўтиб кунлар, баҳор, ёз, кузу қишлар,

Ки билмаймиз келиб қолдик қаёққа,

Ҳақиқат гоҳи ёқмайдир қулоққа.

Қириб олган ичимизга бахиллик,

Бағиркенглик етишмас, йўқ аҳиллик.

Ки қайтсак қадрият, ўзликка такрор,

Бўлармиз бирлашиб дўсту улуғвор.

Пиру Мирдек қадрдон бўлмасак ҳам,

Бўлайлик камтар инсон дўсту ҳамдам.

Не жоҳилдек тубан йўлларда кетсак,

Олиб ибрат алардан бахтга етсак.

Пирини айлама Мирдан жудоё,

Навоийдан наво еткар худоё.

ШОҲЛАР ТАРИХИГА БИР НАЗАР ВА ТОЖУ ТАХТ ОҚИБАТСИЗЛИГИ ҲАҚИДА ФИКРИ МУХТАСАР

Бино хокдан бўлиб Одам Атомиз,
 Ва Шайтон макри бирла илк хатомиз —
 Бўлиб содиру беҳиштдан бадарга,
 Тушиб сўнг мушкилот аҳли башарга.
 Замонлар тўхтамай ўтди шитобда,
 Ёзилмай таърихи ҳеч бир китобда.
 Деву шайтон одамга қарши бўлди,
 Кўп ўтмай лек одамга даҳр тўлди.
 Ёвузлик бирла одиллик кўрашди,
 Ёвуз бўлди киши йўлдан адашди.

Одил бўлғони кирди тўғри йўлга,
Олиб сўнгра элу юртини қўлга.
Ва шоҳлик тахтига ул зот ўтирди,
Зулм отини дунёдан ўчирди.
Узоқ йиллар суриб айшини хуррам,
Яшаб ўтди жаҳондан ҳар бир одам.
Урушу жанжалу жангу низосиз,
Саодатманд эдилар интиҳосиз.
Бўлиб шоҳи жаҳон Жамшиди Жоми,
Адолат бирла юксалди мақоми.
Яқин минг йил у сурди давру даврон,
Демасди йўқ, киши сўрганда эҳсон.
Хароб этмак учун подшоҳни Иблис,
Бўлиб шаклу шамойилда гўзал қиз.
Келиб шоҳга ўзини тортиғ этди,
Ки нозу ишваларни ортиғ этди.
Деди шоҳ: «Хоҳишинг не, сарви жонон?»
«Икки кифтингдан ўпсам», — деди Шайтон.
Тутибон бўсага кифтини сарвар,
У ўпгач, чиқди ўсиб икки аждар.
Йўқолди ўша дамдан шоҳда ором,
Азону пешину хуфтошу ҳам шом,
Ер эрди одами мағзи сарини,
Тугатди бирма-бир элнинг барини.
Хатоси охири бошига етди,
Бу оламдан ғаму армонда кетди.
Фаридуни диловар келди тахтга,
У ҳам подшоҳ каби ёр ўлди бахтга.
Бузоқдек ичди гўдак чоғи ширни,
Бўлиб сўнг катта минди ул сигирни.
Яратганга ўзини соя қилди,
Адолатни заминга поя қилди.
Бўлиб унда диловар учта фарзанд,
Эди ҳар бири ўз нахлига пайванд.
Жаҳон мулкни қилди учга тақсим,
Демай йўқ отаси ҳукмига ҳеч ким.
Улуғ фарзанди Тур Туронни олди,
Салм Румни, Эраж Эронни олди.
Азалдан оқилу нодонга маълум,
Кичик фарзанд яқин инсонга ҳар зум.
Фаридун бўлди шоҳликдан раҳое,
Тасаввур айла берди истеъфое.
Ота бирла қолиб Эронда Эраж,
Дебон Тур оғаси кўнгли эли каж.
Салм бирла қўйиб бир жойга гапни,

Эражни ўлдириб не кўрди нафни.
 Атоси қарғади ҳам бўлди ранжур,
 Ҳарамда Эражидан бир гўзал ҳур,
 Бўлиб ҳомила туғди паҳлавоне,
 Ки андин титради Туру Туроне.
 Келиб ул отаси хунини олди,
 Валекин тинч ҳаётга рахна солди.
 Ушандан бошланиб жангу жадаллар,
 Шоирлар ёзишиб байту ғазаллар,
 Бирини-бирига қарши қўйишди,
 Алар ҳам бир-бирин кўзин ўйишди.
 Ки Тур авлодлари Туронда мағрур;
 Салм Руму Эраж Эронда мағрур.
 Аларким бир ато фарзандидурлар,
 Фаридун нахлининг пайвандидурлар.
 Ки сўзлашгай эдилар бир забонда,
 Қириб бир-бирларин ёруғ жаҳонда.
 Кейин қолдиқлари Эронда қолди,
 Не Румо бирла не Туронда қолди.
 Сўнг андин паҳлавий — форсийзабонлар,
 Ва туркий элати соҳибқиронлар.
 Чалиб ноғорасин сўнг келди Ковус,
 Вагарчи шоҳ хиромда эрди товус.
 Маю ишратга очиб оғушини,
 Кумуштўшларга босиб ўз тўшини,
 Эди дунёни шоҳи у назарда,
 Умиди эрди оқсоч Золи Зарда,
 Унинг фарзанди пилтан Рустам эрди,
 Ки қўйса тоғни кафтига кам эрди.
 Танимасдан уриб ўғлига ханжар,
 Дилига ҳам тиғини сўнгра санчар,
 Ва шоҳлар макридан ўлди жаҳонда,
 Ҳамон янграр фиғони Қаҳқашонда.
 Жаҳонгирлик қилиб Искандари Рум,
 Кафандан илги очиқ кетди маҳрум.
 Бу юртларга кейин чанг солди Чингиз,
 Ичиб қон тўймайин ҳам кетди бенз.
 Пароканда Туронни сўнгра Темур,
 Адолат бирла тиклаб бўлди манзур,
 Ва гарчи Ҳинд ила Румони олди,
 Тасаввур қил ярим дунёни олди.
 Араб бирла Ажам илкида эрди,
 Бари фармонраво килкида эрди.
 Хитой хоқони қилмасдан тафаккур,
 Юборди совғалар айтиб ташаккур.

Жаҳонгирлар қуруқ ўтди жаҳондан,
 Қолиб ёдгор улуғ Соҳибқирондан,
 Ғўзал обидаю кўркам қасрлар,
 Ҳануз ҳам бор, яна тургай асрлар,
 Самарқанду Бухоро, Хоразмда,
 Барини сиғдириб бўлмас назмда.
 Вале шундоғ улуғ зот баҳру барда,
 Етолмай ўлди мақсадга сафарда.
 Юриш айлаб Хито мулкига шервор,
 Қазо етди етиб келганда Утрор.
 Ажалга йўқ даво ўтди даҳрдан,
 Тасодуфми ёки эрди заҳрдан?
 Валнаҳд Пирмуҳаммад қолди бир ён,
 Халил Султон арода чиқди чаққон.
 Бобосини у кўмай тахтга минди,
 Кўп ўтмасдан суянчиғ тахти синди.
 Ғўзал шоир берилган эрди динга,
 Тикиб кўз маҳри маҳрум Сайфиддинга.
 Қанизи Шодимулкка муфтун ўлди,
 Халил Султон у Лайло Мажнун ўлди.
 Берилди ишрату шеърү ғазалга,
 Ки билмай бўлди дуч тиғи ажалга.
 Ота тахтини олди сўнгра Шоҳрух,
 Қозонди ном адолат бирла фаррух.
 Ғанимлар бошини кесди аёвсиз,
 Умр ўтказди ишрат бирла овсиз.
 Савоб ишлар қилиб кетди жаҳондин,
 Олиб ибрат улуғ Соҳибқирондин,
 Бугун эрса Хуросонда сўрар бож,
 Абулғози жаҳон шоҳи кийиб тож.
 Эди фарзанди олтовлон ниҳоят,
 Бериб ҳар ўғлига битта вилоят.
 Юриш қилди Ҳисорга Бойқаро шоҳ,
 Хиёнат қилди Султон Маҳмуд, э воҳ!
 Бориб ўнг ёнида бу жангда Тайрон,
 Музаффарга эди қўриқчи посбон.
 Ҳисорнинг қалъаси танноз жувондек,
 Қилиб ноз бўлди олранг арғувондек.
 Суриб Султони Маҳмуд сўнг қуённи,
 Ғанимат билди юртдан танда жонни.
 Бу жангда ёш Музаффарнинг хаданги,
 Ғанимларни қочирди мисли ҳанги.
 Кўриб ўғлини подшоҳ бўлди дилшод,
 Суюрғол бўлди унга Астробод,
 Бўлиб тобеъ бу жой Бадиъуззамонга,

Ки бермоқчи эмасди ул осонга.
Этиб ўғли Мўмин Мирзони ҳоким,
Деди жангсиз шаҳарни берма токим.
Ўчиб шоҳ ҳукмидан Мирзони ранги,
Ва бошланди хўрозу жўжа жанги.
Мўмин Мирзо ўн олти ёшда эрди,
Ота ҳукми хаёли бошда эрди.
Келиб Мирзо Музаффар, Беги Тайрон,
Шикаст еб орқага қайтишди ҳайрон.
«Олинг куч бирла» — деб, сўнг шоҳ буюрди,
Ўзи ҳам Балх томонга отни сурди.
Хусайн Мирзо агарки деви жангдур,
Навойи бирла ҳам шеру палангдур.
Тузиб тадбир валиаҳди замонни
Улар енгишди Баднўуззамонни.
Қочиб ўғул атоси қайтди мағрур,
Қилолмай лек сиёсат бирла мажбур.
Ғанимат билди айшу ишратини,
Қитиқлаб мода какликлар патини.
Гоҳи қоқолашиб сармастлик этди,
Ўзи билмай тубан ҳам пастлик этди.
Аввал озроқ ичиб у сархуш ўлди,
Кейин обдон бўкиб у мадҳуш ўлди.
Паёпай ичганидан сўнгра Султон,
Хадичабегими гоҳ берди фармон.
Агар шоҳ масту жом ичра шаробдур,
Раият ҳоли билгилки харобдур.
Мўмин Мирзо эди бир ғўра ёнғоқ,
Қийин бўлди валекин они чақмоқ,
Хадичабегими уста макрға,
Деди Тайронга: «Олмангиз асирға,
Саваш пайтида гумдон айланг они,
Саодат деб билинг сўнг бу қазони.
Валиаҳди бўлиб подшоҳга хундор,
Кўтаргай бошу шоҳ этгай нагунсор.
Музаффарга бу тахту тож қолгай,
Бутун давлат, хирожу бож қолгай.
Бўларсиз бош вазир нойибисултон,
Бу иш кўчса башарти тезу осон.
Ажал ўқи агар учса ёзиб пар,
Гадо бирла анга подшоҳ баробар.
Уруш майдонида кимлар йиқилмас,
Бу ишни ғайри Оллоҳ кимса билмас.
Мену сиздан бўлак бу гапни зинҳор,
Худо билгай, эмас кимса хабардор.

Ки ҳатто сезмасин Мирзо Музаффар,
Хом ўйлаб қўймагай урмакка ханжар.
Қолар линҳон бу сир икки арога,
Ки зинҳор етмагай шоҳ Бойқарога.
Боринг сизга худойим ёр бўлсин,
Ғанимлар илгингизда хор бўлсин».
Беги Тайронки қалби эрди нопок,
Ғараз мақсадда ҳар дам чусту чолок.
Ўзича тузди пухта ўю режа,
Шабохун айлаган чоғида кеча,
Сипоҳон шамширини ишга солгай,
Биров билмас нечук жонини олгай.
Кўришганда Мўмин Мирзони бошсиз,
Бўлар мағлуб қўшуни жанг-талашсиз.
Ярим тун уйқуга кетганда очун,
Беги Тайрон туриб урди шабохун.
Хоинлар қалъа эшигини очди,
Мўмин Мирзо тараф енгилди, қочди.
Қолиб атрофида махсус сипоҳи,
Аларнинг ҳам таралди кўкка оҳи.
Мўмин Мирзо қиличбоз, моҳир ўқчи,
Нигоҳбонлар ўлиб қолмай қўриқчи.
Келолмай унга беш-олти киши бас,
Ўзини паҳлавондек тутди наврас.
Беги Тайрон турарди четда пойлаб,
Қамонига тири парронни жойлаб.
Ураб Мирзони ўттиз-қирқта навкар,
Биров эплаб уролмас тигу ханжар.
Қолиб қуршовда отни оҳулатди,
Беш-ўн сарбозни у отдан қулатди.
Толиб Мирзо, тушиб шашти ғанимини,
Деди Тайрон ичида: «Бер танимни».
Рақиблар кўпу Мирзо эрди танҳо,
Беги Тайрон етиб унга шу асно,
Сипоҳон шамширини ишга солди,
Уриб бир зарб билан бошини олди.
Юракдан сездики сўнди қуёши,
Мўмин Мирзони ерга тушди боши.
Қилиб ишни чиқиб бир четга Тайрон,
Боқар ғамгин ўлик Мирзога ҳайрон.
Шаҳид бўлди деб они сўнг кўмишди,
Уриб оҳ сўғида ўйга чўмишди.
Ёпиқ оғиз дегайлар мингта танга,
Ўлик бирла бу сир кетди кафанга.
Атайлаб қатл этишган деб ҳамоне,

Отаси бўлди буткул бағри қоне.
 Бобоси ҳам бу ғамдан сўнгра чўкди,
 Пушаймон бўлди кўп кўзёши тўкди.
 Валекин сўнгни афсус бермагай суд,
 Бўлиб бағринг кабоб гар чиқса ҳам дуд.
 Хуросон бўлди вайрон шоҳи сархуш,
 Дегилки Бойқаромас тахтада Бойқуш.
 Кетиб булбулу қумрилар бадарға,
 Келиб боғларга тўлди зоғу қарға.
 Маликулмавт олиб жои Бойқародан,
 Яна кетди улуғ бир шоҳ ародан.
 Хадича чеккасига тушди оқлар,
 Тамом эзди уни жабру фироқлар.
 Еди охир у Султон бошини ҳам,
 Улиб ўғли, босиб тоғ сингари ғам.
 Пушаймон эрди барча қилмишидан,
 Ниҳон ойни этиб бўлмас кишидан.
 Ишон доим у дононинг сўзига:
 «Ёмонми-яхши ким қилса ўзига!»
 Ҳикоят борки тўймасди қучоқдан,
 Ки охир ўлди шундоқ иштиёқдан.
 «Қучиб ўлдирди ҳирсдан Бахши Мансу!»
 Деган гап бор раият ичра машҳур.
 Тугаб шоҳ Бойқаролар даври буткул,
 Хуросон давлати топди таназзул!
 Хулоса гап шу дунё бебақодур,
 Бериб олгувчи Оллоҳ подшодур.

ПИРИ ТАРИҚАТНИНГ ҲАЁТ ҚЎЕШИ СЎНИШИ ВА МИРИ ҲАҚИҚАТНИНГ ҚИСМАТ ЁЗУФИГА ҚЎНИШИ

Бу оламдан ҳисобсиз пирлар ўтган,
 Шоҳаншоҳу амиру мирлар ўтган.
 Улуғ Жомийки Жом фарзанди эрди,
 Туғилган юртининг дилбанди эрди.
 Хиёбони Ҳиротда бўлса жисми,
 Жому Харжард эди кўнгул тилисми,
 Она қишлоғию қутлуғ шаҳарни,
 Севарди Жомий юрту баҳру барни.
 Дахлдор эрди дунёю башарга,
 Алишмасди сўзини дуру зарга.
 Ёзар эрди қасида гоҳи устоз,
 Уқиб шоҳлар бўлар эрди сарафроз.
 Сафо ойинаси нурин атайлаб,

Адолат навниҳолини авайлаб,
 Жаҳон боғида қилди парваришлар,
 Уни чарчатмади ҳеч эзғу ишлар.
 Тафаккурга эди устоз мудом фарқ,
 Изидан эргашиб борди бутун Шарқ.
 Саховатдан оқизди юртда селни,
 Тожу тахту муҳрсиз боқди элни.
 Агарчи йўқ эди бошида тожи,
 Эди ҳар сатри бир юртнинг хирожи.
 Таманно айлар эрди ҳар ҳукмдор,
 Ки унга Жомий битса токи ашбор.
 Улуғ устоз эди камтар қаламқаш,
 Таманно аҳлига доим рақамқаш.
 Битар эрди қасида шеъру қитъа,
 Равон айларди сўнгра битта-битта.
 Вале бормас эди инъом сўроғлаб,
 Гадолар кўнглини аксинча чоғлаб.
 Берарди ҳадаяю эҳсонун савғо,
 Кўпиб бундан раият ичра ғавғо,
 Эшигидан эди хорлар умидвор,
 Алардан юз ўғирмай Жомий зинҳор,
 Худо йўлида борини берарди,
 Қўлидан қушдек эл ризқин терарди.
 Эди обрўда шоҳлардан баланде,
 Азизлик тахтида бир аржуманде.
 Санаб мухлис ўзини унга ҳар шоҳ,
 Юборгай эрди ҳадя ҳукми Оллоҳ!
 Ким ошдига гоҳи савғо қилишгай,
 Саховатпешалар ғавғо қилишгай.
 Румо Султони Боязид Сулаймон,
 Юборди Жомийга қирқ тева эҳсон.
 Қабул айлаб уларни Ҳазрати Нур
 Жўнатди она қишлоғига манзур.
 Қуриб Жом шаҳрида масжиди Жомеъ,
 Этиб сарф маблағин унга тамоме.
 Узиб юртдошлари қарзини буткул,
 Хиёбонни ҳам обод айлади ул.
 Қуриб бир хонақоҳу икки мактаб,
 Саховатпешалиғни этди матлаб.
 Келар эрди оқиб сувдек кумуш-зар,
 Хазон карвони янглиғ мушки анбар.
 Ҳирот аҳлига тенг бўлса етарди,
 Саховат йўлида бори кетарди.
 Сира Пир қилмас эрди илтижолар,
 Сўраб тож аҳлидан эҳсон, сахолар.

Мачит ё мадраса қурмакка доир,
 Узида борини сарфларди шоир.
 Эди юксак адолатли нуфузда,
 Жаҳолат аҳлини тузларди тузда.
 Муриди бўлса они қайси подшо,
 Улус чиқмас эди измидан асло.
 Ажам эли бўлиб кўпи мусулмон,
 Бутунлай эрди исломий Хуросон.
 Ироқу Шому Табрес бирла Бағдод,
 Билар эрди Жомийни пиру устод.
 Раият қилгуси шоҳга итоат,
 Лек айларди аларни Пир ҳидоят.
 У шоҳки овламас пирлар дилини,
 Қилолмасди узун элга тилини.
 Тариқат Пири элга деса гар: «Қалқ!»
 Чиқар эрди таваққуфсиз бутун халқ.
 Алар фатвосидан шоҳ боши кетгай,
 Алардин гоҳ гадо шоҳликка етгай.
 Вале Махдум эди қалби буюк зот,
 Бировдан кутмас эрди ҳеч мукофот.
 Улуғлик ва саховат борасида,
 Бирор шоҳга агар ёзса қасида.
 Узи элтмас эди у икки қўллаб,
 Тамаъ айлаб югурмас эрди чўллаб.
 Бирор чопар топилган чоғи маҳбуб,
 Берар эрди битиб илгига мактуб.
 Суриб кўзига ҳар бахтли ҳукмдор,
 Упиб мактубни дерди шукри бисёр.
 Шоирнинг лутфидан шодон бўларди,
 Дили фахру ғурур бирла тўларди.
 Адолатпешаким бордир жаҳонда,
 Адолат айлагай ҳар бир замонда.
 Жаҳолатпешалар оламда маҳрум,
 Уларга илтифот этмасди Махдум.
 Оқиб келган билан хайру сахолар,
 Худо тўйғозмаса тўймас гадолар.
 Золим шоҳларга қилмай илтифоте,
 Алардан Махдум олмасди закоте.
 На мадҳида қоғозни қора айлаб,
 Қароликни аларга чора айлаб.
 Аларга бермас эрди эътиборе,
 Ки доим дерди дунё беканоре.
 Шу боис кимки Пирдан олса ёрлиғ,
 Адолатпеша кўрмас эрди хорлиғ.
 Бўлиб мамнун юборгай хайру савго,

Кўпиб ундан райят ичра гавго:
 «Палон шоҳ айламиш Махдумга эҳсон,
 Эмиш бир юрт хирожи дурри галтон,
 Яна Сосоний шоҳларнинг зарини,
 Хазар баҳрини дуру гавҳарини.
 Эмиш қирқ тевада кимхобу шойи,
 Яна қирқ норда мушк-анбар хитофи.
 Гулом бирла каниз шамсу қамарлар,
 Гузал Мисрию Шоми лабшакарлар,
 Дегайсанки барини ҳури филмон,
 Ҳиротга сиғмагай неки Хиёбон.
 Этар Жомий гадолар борса тортиғ,
 Савобни билгай у ҳар недин ортиғ».
 Ғариб бечораю хору фақирлар,
 Бу дунё мулкидан маҳрум ҳақирлар;
 Етим-есиру ночор ҳар дили қон,
 Келар эрди умид айлаб шитобон.
 Шоир шоҳмас вале қалби буюқдир.
 Саховат шоҳию шоҳдан суюқдир.
 Жаҳоннинг гарчи дунёдори кўпдир,
 Вале минг бор фақиру хори кўпдир.
 Шу боис келса ҳар хайру садоға,
 Берарди Жомий мискину гадоға.
 Ҳазар айлаб ўзи шоҳлар заридан,
 Олиб ибрат у Ҳақ Пайғамбаридан.
 Танида бор эди эски чопонн,
 Ичишга сув, ейишга ошу нони.
 Бировнинг миннатини чекмас эрди,
 Ҳалол меҳнат қилиб нонини ерди.
 Қилиб эҳсонни эҳсон ҳонақоҳга,
 Дуо айтди адолат қилса шоҳга.
 Пулига ер олиб гоҳ Жомийи Жом,
 Мачиту мадрасага қилди инъом.
 Амал қилса киши Оллоҳ сўзига,
 Бу дунёни сира илмас кўзига.
 Бўлиб бахт ёр Махдум кавкабига,
 У доим етди эзгу матлабига.
 Мурид олгай мудом ибрат Пиридан,
 Эди воқиф улуғ устоз сиридан,
 Бўлиб ҳар ишда онинг дастгири,
 Таянч бўлди толиқса Шайх Мири.
 У устознинг камини тўлдирарди,
 Ки йўқ бўлмайдиган иш, бўлдирарди.
 Қурувчи устаю меъмормни йиғмак,
 Маош кўйида зор бекорни йиғмак.

Ҳадисини олиб Мири ҳақиқат,
 Деса не қилди гар Пири тариқат.
 Ғаниматдир жаҳонда кекса устоз,
 Билиб қадрини Мир айларди эъзоз.
 Худо берган умр доим саноғлиқ,
 Минг афсуски эмас ҳеч кимга боғлиқ.
 «Тириклик майсаси узра қиравдур,
 Соқол оқи ўлимга пеширавдур» —
 Дебон гоҳи хаёл айлар Навоий,
 Етиб манзилга ул Нури Сафойй.
 Йиқилди тўшагига Пири хаста,
 Улим зуд келмагай, гоҳ келгай аста.
 Зиёвуддин ота бошида йиғлар,
 Қариндошлар унинг қошида йиғлар.
 Навоий ҳам мудом наздида бўлди,
 Ажалдан қутқариш қасдида бўлди.
 Даво, дармон, табиблар бермади кор,
 Уқиб қўйган эди ҳукмини қаҳҳор.
 Бақо мулкига орзую ҳавасдан,
 Учиб жон мурғи гар чиқса қафасдан.
 Бу ўткинчи жаҳонда йўқки ҳайҳот,
 Тутиб қайта қафасга солса сайёд.
 Улим ҳақ барчанинг бошига етгай,
 Бу оламга кишики келса кетгай.
 Агарчи кетса ҳам устои Жомий,
 Улуғ мероси умрининг давоми.
 Хазонрез кузу қишнинг боши эрди,
 Ҳирот элини кўзда ёши эрди,
 Тумонот бирла тўлганди Хиёбон,
 Йиғилди дафнига буткул Хуросон.
 Уқиб Ҳофизи «Қуръон»лар дуолар,
 Фалакни титратиб ул ғамзудолар.
 «Салоти дафни муслим» — деб ранят,
 Жаноза ўқимоқни қилди ният.
 Амиру бегу султонлар келишди,
 Машойих, дўст-қадрдонлар келишди,
 Навоийнинг ғами ортиб тағинда,
 Бутунлай бошу қош бўлди дафнда.
 Утиб бир ҳафта берди еттисини,
 У қилди барча келди-кеттисини.
 Яна хайру саховатлар буюрди,
 Ҳақиға кўп тиловатлар буюрди.
 Қилиб кўп эзгуликлар кору боре,
 Вале топмас эди кўнгли қароре,
 Ки оламдан кетиб устоз падарвор,

Эди таскин дилига мунгли ашъор;
 «Фалак бир ҳалқа урган аждаҳодир,
 Ки бизга қилгани жабру жафодир.
 Анинг пасту баландига адомиз.
 Домига охиратда мубталомиз.
 Киши йўқ захмидин гар бўлса маҳрум,
 Юзидин бирига қилмас тараҳҳум.
 Жафосидин топилмас кимса солим,
 Қаю кўнгулга тиғ урмас у золим?!
 Само юлдузлари ундан чароғдир,
 Вале эл кўкси ундан доғ-доғдир.
 Эрур минг доғию бир марҳами йўқ,
 Давосизликдан асло бир ғами йўқ.
 Қоронғу кечалар бўлса намоён,
 Самода беҳисоб юлдуз чароғон.
 Не ҳосилким, улардан нур таралмас,
 Кўнгулларга қувончу-сур таралмас.
 Эрур кундузлари шер мисли беҳаф,
 Вале йўлбарс каби тунда этар даф.
 Фақат озори бизга турфарангдир,
 Шер ўлгай кунлари тунлар палангдир.
 Ҳаёти хор, чун бахтиқаромиз,
 Шеру йўлбарс билан бир қопаромиз.
 Сен этсанг кимса бирла ошнолиғ,
 Тушар бошингга ундан ҳам жудолиғ.
 Басе чарх урди бу зангори осмон,
 Нужум, ою қуёш нур сочди чандон,
 Чор унсур қовушиб шундоқ ром ўлди,
 Одамлар жонин овловчи дом ўлди.
 Бу бахтсиз қуш ҳануз кўнглида армон,
 Жаҳондин олмади озгига бир дон.
 Чор унсурдин узилса ўзаро банд,
 Қилар ҳар бирини аслига пайванд.
 Учар мангуга ул қуш ошёндин,
 Жигархун, бенасиб ҳам обу дондин.
 Ғазаб меҳрини кўр дунёни ғоят,
 Уялмай доимо сақлар адоват.
 Киши кам суйди тонг янглиғ қуёшин,
 Шафаққа қўйди шомда қонли бошин.
 Ғамидин одамизод ғамда бўлди,
 Чекиб дард, бир умр мотамда бўлди.
 Баҳорда сайри гулзор айлагил то,
 Ариқлар бўйини этгил тамошо.
 Нечунким ғунчаннинг пироҳани чок,
 Яшил майса ётар тупроқда ғамнок?

Нечун гул кўйлагидир пора-пора,
 Оғиздан ўт сочар, лабдан шарора?
 Оёқдин чалди ким сарви равонни,
 Қонига ким ботирди арғувонни?
 Нечун сунбул паришон, кўнгли пургам,
 Нечун наргис кўзининг ёши шабнам?
 Бунафша кўк кийиб мотамда қотган,
 Дили доғ лолалар қонига ботган.
 Санобардан чиқиб ҳар сори юз шох,
 Қуёш нури этиб тешигу сўрох.
 Гулидан гулбутоғи доғ ўлибдир,
 Суман тирноғи ўткурроғ ўлибдир.
 Дарахтлар чайқалур ғамдин сабода,
 Этур қушлар фигон ҳаддан зиёда.
 Учар қумри уриб оҳ осмонда,
 Дебон, борми ўзи тинчлик жаҳонда?
 Эрур минглаб уза минг нағмайи ғам,
 Хуш ул, қайғурса бу олам аро кам.
 Самога бош уриб учгай кабутар,
 Вале инсонга бу бўлмас муяссар.
 Жаҳонни кўргилу фасли баҳорин,
 Кузак фаслида олгин эътиборин.
 Кўр ул, совуқнафас боди хазонни,
 Кўр ул, япроғу рангги заъфаронни.
 Совуқ ели ани дарду фиरोқдур,
 Ки ёри ёрдану жуфт-жуфти тоқдир.
 Юзиким заъфарон ҳижрон ғамидин,
 Ёвуқлашса йироқлик мотамидин.
 Хазонрезга тўлибдир боғу роғлар,
 Келибдур мотамига қарға-зоғлар.
 Кўринмай ҳар дарахтнинг шохи урён,
 На ранг қолмиш гулистонда, на раҳмон.
 Тўкилмиш настарин боди хазондин,
 Гужумлар айрилибдир соябондин.
 Бутоқда осилиб турган анорлар,
 Бу кўҳна боғ аро ёнган фанорлар.
 Ичини хандалар отганда кўрсанг,
 Уни сен қонига боғганда кўрсанг.
 Дарахтлар боғ ичинда қолмагай жўн,
 Латофат бирла киймишлар сариғ тўн.
 Губоролуд юзиким заъфарондур,
 Ёрига етмаганлиғдин нишондур.
 Совуқдан сув юзини муз олибдир,
 Шамол мавж ўйнамоқликдан қолибдир.
 Чинор баргини тўккай қаҳратонлар,

Совуқдан титрагай барги хазонлар.
 Қўлингни го бугун қўлтиқ тагидин,
 Жасорат этмадинг-ким олмагидин.
 У оламнин баҳори, бу хазондир,
 Бу ундан ғамли, у бундан ёмондир.
 Бу оламда нечук беғам яшар кас,
 Дили сўлғин нечук хуррам яшар кас?
 Жаҳонда шодумонликдин асар йўқ,
 Агарчи бўлса ҳам, бир баҳравар йўқ.
 Севикли васлидан гар бўлмаса шод,
 Эрур бахтсиз жаҳонда одамизод...
 Агарчи ҳар не кўнглингга писанддур,
 Аниг меҳрига кўнглинг банду банддир.
 Бўлиб юз ҳасрату ғамда қадрдон.
 Ғами ҳажрида сўнг айлар пушаймон.
 Қўлингни еч, оёғинг бандин узгил,
 Жаҳондан молу мулк пайвандин узгил.
 Агар сен ечмасанг ул боғлаган кас,
 Узи топгай ечишнинг чорасин бас.
 Гофил уйқудасен, бедор қолар у,
 Не берса, бирма-бир қайтиб олар у.
 Ожизликдан этар қалбингни юз доғ,
 Текис йўлда сени айлайди оқсоқ.
 Асо тутган чоғи гоҳи қўлингга,
 Юрарсан бир амаллаб ўз йўлингга.
 Дарахтнинг бир бутоғи синса гарчанд,
 Этиб бўлмас қуруқ оғочга пайванд.
 Танингда қолмагай қувват мадоринг,
 Кетар ёшликдаги бор иқтидоринг.
 Агарда айласанг ҳам азму кўшиш,
 Қўлингдан келмагай арзирли бир иш.
 Билакдин куч кетиб бўлганда абгор,
 Ўзингга беҳуда етказма озор.
 Кўзинг ожиз бўлиб қолса кўришдан,
 Не фойда сурмалар унга суришдан?
 Агар бўлса кўзинг кўрмакдин ожиз,
 Сўқир кўзингга сурма сурма ҳаргиз.
 Ожиз чашмингга тақсанг гарчи нодон,
 Кўзойнак мушкилингни қилмас осон.
 Жаҳолатдан йироқ ўзингни тутгил,
 Ёмонлиғни хаёлингдан унутгил.
 Кетиб шу хилда ҳар нуқсонун иллат,
 Бўлур сенда мужассам юз фазилат.
 Қаерда учраса сен бир фалокат,
 Ани олдини олгил беҳалоқат.

Бўлур ҳар не абас, тан ёки жонинг,
Жаҳон асбобига тушгай гумонинг»...

АЛИШЕР НАВОИЙ УМРИ ҚАМОЛГА ЕТГАНИ ВА УСТОЗ ИЗИДАН БАҚО МУЛКИГА КЕТГАНИ

Навоий бошига чун мотами сард,
Тушиб ғам устига эзди ғами дард.
Азиз дўст, меҳрибонидан жудодир,
Қим энди унга дардкаш ғамзудодир.
Анингдек мунгли бир овора йўқдир,
Вале тақдирга ўзга чора йўқдир.
Тафаккурнинг қуёши ботди, сўнди,
Илож не Мир ёзуқ-қисматга кўнди.
Вале ғамлар ҳужуми бермас ором,
Келар устига босиб субҳу оқшом.
Навоий эрди устозга ўғулдек,
Хазон бўлди ғами сўгида гулдек:
«Азизу меҳрибон, Пирим қанисен?
Мадакдор дўсту дастгирим қанисен?
Ҳиротнинг боғларида қарға-зоғлар,
Сенингсиз ғам юрак бағримни доғлар.
Ажал сенмас ёмонга борса эрди,
Чаён бирла илонга борса эрди.
Ғамингда элни кўзёши дувиллаб,
На уйинг, қолдику дунё хувиллаб.
Хуросон ҳам ғамингда парчаланди,
Кетиб файзу баракат, юрт таланди.
Ато кўксига фарзанд урса гар тиф,
Жаҳонда қайғу бўлмас бундан ортиғ.
Ўғул фарзанди ёки бўлса қурбон,
Яшар қандоқ у одам қўллари қон?!
Барига тожу тахт айбдорми ёраб,
Ва ё ўзида ҳам айб борми ёраб?!»
Навоий эрди сўз мулкида сарвар,
Шижоатда эди шери ғазанфар.
Пигитдек эрди эллик бирда ёши,
Чунон ғам қайғулар сўнг кўрди боши.
Кетиб ул Пири комил қолди ёлғиз,
Чекиб ҳасрат хаёлга толди ёлғиз.
Юарда бўлмаса ёнингда йўлдош,
Пиқилсанг гар қўлинг тутгувчи қўлдош.
Гар ожиз одами шоҳи жаҳонсан,

Таянчсиз елда учган бир хазонсан.
 Гаму ҳасратда қон ютмоқлиғинг бор,
 Фақат бир йўл ажал кутмоқлиғинг бор.
 Яшашга қолмагайдир иштиёқинг,
 Ошар оламда қайғую фироқинг.
 Қариганда агар қолса киши тоқ,
 Жудолик дардини оғир унутмоқ.
 Худо йўлида айлаб сидқу тоат,
 Бу оламдан яшаб ўтмоқ саодат.
 Навоий фош этиб дилрешлигини,
 «Тагайюр айлағувчи бешлигини».
 Ёзиб устозига ҳурматда бўлди,
 Шоир килки мудом журъатда бўлди.
 Бу муъжаз шоҳасар бошдан аёғи,
 Нур устоз хотирин эрди чароғи.
 Асарнинг ибтидою интиҳоси,
 Аввал охири йўқ эрди қиёси.
 Фақат Жомийга бахшида каломлар,
 У ҳақда барча эзгу эҳтиромлар.
 Китобда дард ўлиб тўкис баҳоли,
 Улуғ устозининг таржима ҳоли.
 Қачон келди жаҳонга, қайси ойда?
 Туғилди қайси уйда, қайси жойда?
 Насабда ким эди, ким бўлди охир,
 Не иш қилди, қачон ҳам ўлди охир.
 Агар шарҳ айласак чекмай маломат,
 Асарнинг бори эрди ул мақолат.
 Аввалги бобида шогирду устоз,
 Аросида бўлиб ўтган гапу роз.
 Очиб Жомий маоний оламини,
 Улуғлаб дўсту устоз ҳамдамни,
 Тизибон хотирот лавҳига бир-бир,
 Этиб талқин дилида қолмайин сир,
 Қизиқ ва бебаҳо турфа ҳикоёт,
 Ҳажвмонанд мажозий ҳар ривоёт.
 Алар нақлини завққа мойил айлаб,
 Гўзал услубда ёзиб қойил айлаб.
 Руҳий дунёсини Махдумни очмиш,
 Экинб гул хуш исини елга сочмиш.
 Улуғлардан улуғ ҳар бир замонда,
 Топилмас Жомий янглиғ зот жаҳонда.
 Шогирд устозни ёзишма хитоби,
 Эди буткул асар иккинчи боби.
 Навоий Пири ёзган барча мактуб,
 Кириб этган эди тўпламни марғуб.

Келарди гоҳи назму гоҳи насри,
 Эди бунёд улуғ дўстликни қасри.
 Навоий ўзни айлаб хокисори,
 Дебон Жомийни олам ифтихори,
 Ижод ҳамкорлиғидин ул китобда,
 Очиб сўзни шоир охирги бобда.
 Шу ҳақда бўлди ушбу қисса манзум,
 Эрур қолғони дўстлар сизга маълум.
 Ювиб дилдан бироз қайғу қадарни,
 Улуғ шоир кўчиртирди асарни.
 Дили топмай ҳали ғамдан тасалло,
 Яқин дўстларни ҳам кўп кўрди Олло!
 Муҳаммад Паҳлавону Ардашерлар,
 Кўмилди, тўймагай лекин бу ерлар.
 Езиб «Ҳолоти» Саййиду Муҳаммад,
 Икковнга қўйиб эрди муҳаббат.
 Алар таърифини битди қоғозга,
 Ният қилди борай деб сўнг Ҳижозга.
 Чекиб ғам, оҳи урди ўт фалакка,
 Уни Парвардигор қолдирди якка.
 Ва лекин Ҳажга у бормасдан аввал,
 Дедики: «Куллиёт» тузсам мукаммал.
 Насиб бўлса кейин қилгум зиёрат,
 Чекиб ранжу қилиб улкан жасорат.
 Шоир барча ижодин берди тартиб,
 Дилидан доғу армонларни артиб.
 Навоий эрди маҳсулдор қаламкаш,
 Тузиб тўплам ижод айларди яккаш.
 Ғазал девонларию «Хамса» машҳур,
 Кўпи эл тиши ўтмас хатда мазкур.
 Аларнинг кўпидир тарихга оид,
 Уқиса арзигаёй ҳар бир мушоҳид.
 Бири гар «Анбиёлар таърихидур»,
 Бири «Мулки Ажамнинг» таърифидур.
 Бири «Таърихни қаймоғи», «Жавоҳир»,
 «Муножоти» ўлиб сўзбоши зоҳир.
 Машаққат чекди шоир етти йилча,
 Босиб кифтини ташвиш етти филча.
 Етиб бир мингу беш юз йилга таърих,
 Шоирнинг «Куллиёт»и топди таълиф.
 Кейин турди мизидан Мири даврон,
 Бўлиб қилган ишидан ўзи ҳайрон.
 Кеча-кундуз бериб мизига сийна,
 Уйиб килки билан улкан хазина.
 Ва айлаб шунчалар жаҳду шитобе,

Тузибдур энчайин улкан китобе.
 Бу оламда ҳали ҳеч бир суҳанвар,
 Унингдек бўлмаган бахтга муяссар.
 Битиб Дарвеш Муҳаммад Тоқий хаттот,
 Утиб беш йил кейин шоҳи хаёлот.
 Кўриб шодланди нодир «Куллиёт»ни,
 Уни деб билди мазмуни ҳаётин.
 Йўқ эрди қалбида ўзга муроди,
 Машаққатлиғ кечиб сўнгги ҳаёти,
 Тавофи Каъба эрди ихтиёри,
 Ва лекин етмади қувват мадори.
 Киши келса бу дунё бекат ўлғай,
 Туриб бир лаҳза кетмак навбат ўлғай.
 Бўлиб шоир касалманд, хастажонроқ,
 Қарилик заъфидан ҳам нотавонроқ.
 Охир тўшакка михланди вужуди,
 Йўқ эрди дорию дармонни суди.
 Табиблардан умид офтоби сўнди,
 Бериб тақдирга тан, қисматга кўнди.
 «Умр бер»— деб, не қилди илтижое,
 Узини айлади ҳаққа фидое.
 «Имоним бўлса бас раббим саломат,
 Висолингни насиб эт бемаломат»—
 Дея, парвоз этиб руҳи равони,
 Бўлиб Чархи барин шоир макони.
 Буюк қалби уришдан аста тинди,
 Ёғоч отига руҳсиз жисми минди,
 Таралди мотамидан ҳайқириғлар,
 Хуросону улуси турки йиғлар.
 Улуғ шоиридан халқ тушди айро,
 Оқиб икки кўзидан ёши дарё.
 Бири Сайхун, бирови Жайхун эрди,
 Дема хун-хунки, ғамдан Мажнун эрди.
 Ажал етса ўлимга ҳеч даво йўқ,
 Оқар сувдек умрда ҳеч вафо йўқ.
 Келиб шоир суҳан мулкини олди,
 Кетиб ўрнида олган мулки қолди.

УЛУҒЛАР РУҲИГА ДУОЙИ ХИТОБ ВА УСТОЗГА БАХШИДА ОХИРИ КИТОБ

Навоийдан наволар бўлди охир,
 Юракдан муддаолар бўлди охир.
 Улуғ Жомийга дўсту ҳамдам ўлди,

Бу дўстлик тоабад мустаҳкам ўлди.
 Ҳамон тожигу форсу турку ўзбек,
 Жудо бўлмас яқиндир қошу кўздек.
 Утиб даври асрлар ёд этар эл,
 Улуғларнинг руҳини шод этар эл.
 Навоийга қўйиб ҳайкал-тамалтош,
 Ёзиб улкан рўмон Ойбек замондош.
 Улуғ шоир ҳақида изланишлар,
 Маромга етди кўп тадқиқий ишлар.
 Воҳид Зоҳидов аввал сурди тулпор,
 Самарқанддан Воҳид Абдулла шунқор.
 Кейин Порсойи Шамс, Ҳомид Сулаймон,
 Навоий деб, шу йўлда уздилар жон.
 Аларнинг бу жаҳонда барҳаёти,
 Навоийнинг мукамал тадқиқоти.
 Насиб бўлди улуғ устозимизга,
 Академик Қаюмови Азизга.
 Фан арбоби каби таъриф кетмиш,
 Бугун бўлгай муборак ёши етмиш.
 Эрур Жомий Навоиймизга устоз,
 Навоий бирла Жомий бизга устоз.
 Алар манзумида бир ойча ишлаб,
 Бу дostonимни устозга бағишлаб,
 Солиб шавқ ўти дилга шўру гавго,
 Муборак кунда элтдим мисли савго.
 Агар бўлса ишим устозга мақбул,
 Кифоя, менда йўқ ўзга тахайюл.
 Бўшаб қалбим китобим бўлди охир,
 Этай бир муддаони энди зоҳир.
 Демасман ухламай ё тотмайин туз,
 Тугал режам битиб тўрт кеча кундуз,
 Кейин бир ойга қолмай битди дoston,
 Тафаккурда эди ўн йилча армон.
 Навоий, Жомийдан этди ҳикоят,
 Эшитдим пандини устозни ғоят.
 Бўлиб бир кун унинг уйида меҳмон,
 Пешин оғиб асрга турганим он.
 Деди шу ҳақда ёзгил бир китобе,
 Этиб мен эртаси ишга шитобе.
 Декабр ойи— ўн саккиз, саҳардан
 Унутдим барча ишни баҳру бардан.
 Ва уч-тўрт кун арода чиқди ишлар,
 Лек узлуксиз давом этди ёзишлар.
 Шукур Олоҳга ўн еттинчи январ,

Тугатмоқ бахтига бўлдим муяссар.
Бу ишимга яқиндан берди ёрдам,
Ҳаёт бирла ижодда дўсту ҳамдам.
Қи шундоқ ҳам анинг исми аёндур,
Олим. Бўри вужуд у танда жондур.
Элу юртимга айлай жон фидоё,
Мурод-мақсадга етказ, эй Худоё!

1995 йил 18 декабр — 1996 йил 17 январ

ИНТИҲО

Бу оламга келиб кетгувчи инсон,
Узини билмаса қул сенга Яздон.
Гуноҳларни қилиб қилмай тазарру,
Қаро юз бирла қайтса сенга гар у!
Ки билмас не бўлар ҳоли у ғофил,
Эрур тошу темир тош қотса гар дил,
Узинг эритмасанг қодир худойим,
У кўнгил бўлмагай ҳаргиз мулойим.
Азал қисматга нелар бўлса ёзуғ,
Келур инсонга андин ризқу озуғ!
Бирига мард, саховатли, азизлиқ,
Бирига молу мулк бирла ҳасислик.
Бирин иймони бут ҳам дийдаси тўқ,
Бирида ақча кўп инсофи лек йўқ!
Таъма айлар текин тўйғозса қорин,
Юритгай шоҳ каби лек рўзгорин.
Очиққўллик қилиб ўзга ҳисобдан,
Бўлодур баҳраманд гўё савобдан.
Камина ҳам эмас гарчи фаришта,
Буёғига ўзинг этгил саришта.
Ки бўлсин ҳамдамим аҳли диёнат,
Ки токай жанжалу ур-сур хиёнат!
Бўлай рози аввал ўғил-қизимдан,
Фахр бирла алар келсин изимдан.
Жаҳондору Зулайхою Аслзод,
Бўлишсин бахт-саодатли умрбод!
Ёшим қирқдан ошиб элликка кетди,
Одамлар демасинки бу не этди?
Не шоирлиғ этиб, қолу мақолим,
Халол айлаб нонинг едингми, Олим?
Эдинг ўртаминёна бир ижодкор,

Қуруқ зотлар қошида қилма инкор.
 Ҳали ҳам этма даъвойи даҳолик,
 Фақат бўл ваъдага доим вафолик.
 Улуғларга қилиб тилмочлик аввал,
 Билиб-билмай бериб килкингга сайқал,
 Азизларнинг етиб сенга савоби,
 Бўлур ҳар эзгу ишнинг жавоби.
 Сўзингдан кўп асарда иқтибосинг,
 Эрурми бу сенинг услуби хосинг?
 Ва ё сўз қомусинг етмас касодми?
 Ки тақлидаи ижод этсанг ижодми?
 Бу андиша дилимни гоҳи доғлар,
 Улуғлар фикри гоҳ кўнглимни чоғлар.
 Татаббулар ёзиш бирла муродим,
 Дедим бироз ёришсин фикру ёдим.
 Қалам урган чоғим титраб қоғозлар,
 Урин ҳам олди гоҳо иқтибослар.
 Китобхон баҳра олсин ҳар сўзимдан,
 Муаллиф ўзгами ёки ўзимдан.
 Билурман эзгулик сирини ҳар дам,
 Амал этмоқ, иложи лек бўлур кам.
 Ҳаракат бирла қанча этма шомил,
 Яратгансиз бўлолмас кимса комил.
 Қилиб ниятни хуш кўнгилни эзгу,
 Не бўлса бўлди туздик бир татаббу.
 Иборат маснавий учта бўлимдан,
 Ки ёздим келганича то қўлимдан.
 Рақибим кўпмикин дейман ҳаётда,
 Тополмай йўл бирорта нашриётга.
 Бу ишга бош қўшиб охир вазири,
 Бўлиб камтар шоирнинг дастгири,
 Ака Рустамга беш, сўзида турди:
 «Чиқар байрамгача, тез», — деб буюрди
 Нашр этмакка сўнг жаҳд этди Чўлпон,
 Бағиркенглар топилди, мушкул осон.
 Тилайман мен барига бахту соғлиқ,
 Бу иш изми уларга эрди боғлиқ.
 Ғариб кўнглини ҳам обод этишди,
 Азизлар хотирини шод этишди.
 Улуғлар ҳурмати дилларда бўлсин,
 Алар васфи мудом тилларда бўлсин.
 Бу шеърӣй рўманим чўзилди гоят,
 Еруғлик юзини кўргай ниҳоят.
 Ниҳон дилда агарчи шўру ғавғо,
 Темур бобом тўйига ушбу савғо!

Китоб етди шу бирла интиҳога,
Етайлик биз ҳам эҳсону сахога!
Езувчи, ўқигувчи, ноширини,
Кўчиргувчи, босувчи ҳар бирини,
Китобхон неки бўлса муштарини,
Мурод-мақсадга етказгил барини,
Ўзинг соҳиби мақтову саносан,
Ўзинг ҳар ишга қодир раббаносан!

1996 йил 21 август

МУНДАРИЖА

7

АМИР ТЕМУР

217

ШОҲРУХ ҲУКМДОРЛИГИ,
МИРЗО УЛУҒБЕК ДОСТОНИ

271

СУНГИ ТЕМУРИЙЛАР,
ПИРИ ТАРИҚАТ ВА МИРИ ҲАҚИҚАТ
ҚИССАСИ

Ўзбек тилида

Адабий-бадний нашр .

ОЛИМЖОН БУРИЕВ

АМИР ТЕМУР

Шеърӣ роман

Мусаввир Мирҳамид Собиров
Расмлар муҳаррири Уйғун Солиҳов
Техник муҳаррир Елена Толочко

Ўзг

Босмахонага 25.07.96 да берилди. Боснига 21.08.96 да рухсат этилди. Бичими 84×108¹/₂. Шартли босма табоғи 21,84. Шартли кр. отт. 22,68. Нашр босма табоғи 26,14. Жами 5000 нусха. 4557-рақамли буюртма. Баҳоси шартнома асосида.

«Чулпон» нашриёти. 700129. Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг 1-босмахонасида босилди. 700002. Тошкент, Сарбон кўчаси, 1-бери кўча, 2-уй.

